Знание особенностей использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин является одним из основных условий профессионального образования, дающего возможность развивать конкурентоспособные качества обучающихся для подготовки высококвалифицированных специалистов. В связи с чем, центральной задачей в методике обучения юридических дисциплин является знание основ ИЦТ в учебном процессе с учетом индивидуальных способностей профессорско-преподавательского состава.

Знания особенностей использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин является особенно важным элементом, поскольку это способствует креативному подходу к образовательному процессу. В настоящее время идет поиск наиболее оптимального механизма использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин. В этом отношении важное значение имеет изучение опыта подготовки кадров в зарубежных странах[17]. Это относится и к такой стороне подготовки кадров как использования инновационных

[15] AI in Education Market Size - By Component (Solution, Service), By Deployment (On-premise, Cloud), By Technology (Machine Learning, Deep Learning, Natural Language Processing), Application, End-use & Forecast, 2023-2032. (2023, January). GMI. https:// www.gminsights.com/industry-analysis/artificial-intelligence-ai-in-education-market (Дата обращения 2 мая 2025 г.)

[16] Artificial Intelligence in Education Market. (2023). Straits Research. https://straitsresearch.com/report/artificial-intelligence-in-educationmarket#:~: text= Market%200verview,period%20(2024%E2%80% 932032) (Дата обращения 2 мая 2025 г.)

[17] *Алексеева Т. О.* Международное сотрудничество в области подготовки полицейских кадров // Политика и право. 2016. № 7. – С. 43–49. (Дата обращения 2 мая 2025 г.)

интерактивных методов обучения. С.А. Калауов[18] указывает на важность внедрения информационных технологий в алгоритм организации учебного процесса.

Целесообразность изучения опыта использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин в зарубежных странах в контексте возможностей их использования в образовательном процессе учебных заведеней правоохранительных органов Республики Узбекистан имеет большое значение. Это особенно важно для системы организации и опыта профессиональной подготовки кадров полиции зарубежных стран[19].

Оптимизация механизма использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин представляет собой комплексные инновационные способы организации учебного процесса, основанный на использовании цифровых систем и возможностей искусственного интеллекта. При этом основной целью использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин является повышение качества и эффективности учебного процесса.

Среди причин использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин большинство специалистов выделяют особенность связанную с сокращением аудиторной нагрузки и увеличение доли практической направленности обучения. Поэтому, для того, чтобы сохранить и повысить качество обучения активно внедряются цифровые образовательные технологии, обеспечивающие взаимодействие педагога и обучающегося для своевременного устранения пробелов в обучении[20].

Среди возможностей использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин можно выделить повышение мобильности выполнения заданий и изучения материалов практики. Также это оказывает влияние на индивидуализацию процесса обучения и увеличение наглядности материалов, а также осуществление интенсивной обратной связи с преподавателем.

Из этого следует, что эффективность использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин в современных условиях предполагает разработки соответствующего алгоритма. Для этого профессорско-преподавательский состав высшего учебного

[18] *Калауов С.А.* Современные подходы в подготовке высококвалифицированных кадров в Академии МВД Республики Узбекистан // Вестник учебного отдела Барнаульского юридического института. - 2021. - № 37. - С. 33-36. (Дата обращения 2 мая 2025 г.)

[19] Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие. – Т.: Издательство «Fan va texnologiya», 2010. – С.3. (Дата обращения 2 мая 2025 г.)

[20] Комардина А. А., Меняйло Д.В., Меняйло Л.Н. Применение информационных технологий и возможностей цифровизации в деятельности сотрудника ОВД // Экономическая безопасность: правовые, экономические, экологические аспекты: сборник научных трудов 6-й Международной научно-практической конференции. - Курск, 2021. - С. 184-187. (Дата обращения 2 мая 2025 г.)

заведения правоохранительной системы государства должен владеть соответствующей методикой их использования.

Использование ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин предоставляет возможность систематизировать и оптимизировать учебные материалы, приспосабливая их под специальные требования практической правоприменительной деятельности, развивая персональные возможности обучающихся курсантов (слушателей) и профессорско-преподавательского состава. Это относится и к роли цифровизации в деятельности правоохранительных органов[21].

Методика преподавания юридических дисциплин с использованием ИЦТ в сфере образования реализуется в виртуальном пространстве посредством цифровых показателей, предоставляя разъяснения, примеры и практические рекомендации в форме цифровых моделей (ChatGPT, Gemini, Copilot и др.). При этом моделируются ситуации практической правоприменительной деятельности, что помогает приобрести практический опыт разрешения задач в контексте, приближенном к реальным условиям профессиональной деятельности правоохранительных органов.

Существуют различные формы использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин, в особенности при изучении цифровой криминалистики посредством гибридной, виртуальной образовательной среды. При этом интенсивная интеграция цифровых технологий может рассматриваться как одно из направлений связанных с инновационным развитием методики преподавания цифровой криминалистики.

Процесс использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин представляет определенные трудности для профессорско-преподавательского состава, которые не так хорошо разбираются в указанных технологиях и, возможно, не считают это необходимым для их педагогической деятельности. В этой связи весьма логично, что современные условия развития цифровых технологий предъявляют новые требования для методике преподавания юридических дисциплин. Можно понять беспокойство тех педагогов, которые считают, что в недалеком будущем в подавляющем большинстве процесс обучения будет проводится исключительно с помощью ИЦТ.

Рассматривая проблемы использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин, стоит отметить, что под влиянием данных технологий происходят коренные изменения в образовательной сфере. Это связано с интенсивным использованием

[21] Глухов Н.В. Роль цифровизации в деятельности правоохранительных органов // Технологии XXI века в юриспруденции: материалы Третьей международной научно-практической конференции. – Екатеринбург, 2021. - С. 441-446. (Дата обращения 2 мая 2025 г.)

ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин. Также это касается изменения роли преподавателя как модератора статичного цифрового материала в конструктора процесса образования с использование наглядно-образных методов подачи знаний, усиливающих визуальное восприятие и образное виртуальное мышление.

В этом отношении приобретает значение стратегия развития юридического образования, выражающаяся в изучении преподавателями современных цифровых информационно-коммуникационных технологий и приобретения ими навыков IT-технологий.

По мнению Е.В. Алферовой процесс внедрения ИЦТ в юридическое образование предполагает, что преподаватели юридических вузов должны не только сами освоить цифровые компетенции и навыки, но и передать их обучающимся, требуя применения этих навыков в процессе обучения[22].

Это необходимо для того, чтобы современный преподаватель юридических дисциплин знал, и умело применял в процессе обучения возможности ИЦТ.

Следует констатировать, что существуют проблемы связанные с определением системы предметов и учебных программ по правовым дисциплинам и подготовки учебников нового поколения в рассматриваемой сфере. Следовательно, профессорско-преподавательскому составу, в современных условиях придется работать над собой относительно изучения алгоритма использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин. В целом современные изменения в образовательной сфере методики преподавания юридических дисциплин требуют переосмысления и обновления подходов к приобретению соответствующих навыков использования ИЦТ. Для этого необходимо разработка соответствующих учебных планов, учебных и рабочих программ в которых предусмотреть обязательные курсы или новые дисциплины по использованию ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин. Такие знания повышают качество профессиональных навыков у обучающихся, что предполагает включение специальных знаний в сфере информатики и кибернетики.

Но включение новых дисциплин в уже перегруженную учебную программу представляет собой серьезную проблему для учебного процесса юридического образования. Приходится сокращать объем обязательных академических предметов и провести эмпирическое исследование потребностей в обучении. Такое исследование, хоть

[22] Алферова Е. В. (2022). Дилеммы юридического образования в контексте цифровизации. Право и управление. XXI век, 18(2), 14-21. https://doi.org/10.24833/2073-8420-2022-2-63-14-21(Дата обращения 2 мая 2025 г.)

сложное и затратное, может предоставить ценную информацию для обсуждения необходимых профессиональных результатов изучения юридических дисциплин и определения надлежащего объема курсов профессиональной юридической подготовки. Это позволит юридическому образованию более эффективно адаптироваться к меняющимся потребностям профессии в эпоху цифровых технологий. В данном случае, перераспределение академических часов связано с целью их более рационального и ориентированного на практику использования.

В частности, в зависимости от направления юридического образования необходимо обратить внимание на умеренное сокращение объема часов на дисциплины общего теоретико-правового, историко-правового и непрофильного циклов в пользу увеличения практико-ориентированных курсов и одновременно введение обязательных курсов по правовой аналитике и использованию ИЦТ в юридической практике. Для оптимизации также следует рассмотреть вопросы, связанные с внедрением междисциплинарных курсов на стыке права и технологий и интеграции курсов по правовой информатике и использованию ИЦТ в юридическом образовании в основную программу обучения. Кроме этого необходимо дополнить рабочие программы по отраслевым дисциплинам темами, посвященными специфике использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин, а также разработки специализированных программ в контексте программы обучения.

Изменение содержания учебных программ должны приниматься на основе тщательного изучения потребности правоохранительных органов, что позволит повысить актуальность и востребованность использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин. Это особо актуально в связи с вводимой в настоящее время дуальной образовательной системой, которая предполагает большую нагрузку на практические органы.

Таким образом, стоит признать наличие достаточного круга вопросов, требующих решения механизма использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин. При этом управление цифровыми ресурсами сейчас является частью юридической профессии. Достижение эффективности учебного процесса при использовании ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин требует наличия умения (навыков) принятия решений, в сфере IT-права и LegalTech, которые дают теоретическую и прикладную базу таких навыков.

Механизм использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин определенно могут трансформировать процессы обучения и преподавания правовых дисциплин, делая их более интересными и динамичными. Поэтому считать, что юридическая

практика или образование могут быть полностью заменены вышеуказанными технологиями, было бы преждевременно.

Системная ориентация использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин обеспечивает возможность рассматривать организацию учебного процесса как открытую систему. Моделирование позволяет принимать объективные управленческие решения при использовании созданных для этих целей моделей. В этом отношении важно знать возможности использования внедрения цифровых технологий и одной ее разновидности искусственного интеллекта в деятельность правоохранительных органов и прежде всего в деятельности такой самой многочисленной правоохранительной структуры как органы внутренних дел[23].

На основании проведенного анализа использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин, целесообразно скорректировать стратегию в этом направлении. Для этого, на наш взгляд целесообразно определить основные приоритеты для совершенствования использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин посредством внедрения качественно новой системы подготовки профессиональных кадров.

Во-первых, разработка и внедрение в учебный процесс инновационных педагогических технологий основанных на учебно-методическом обеспечении использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин. Для этого следует подготовить и издать учебники и методические пособия нового поколения основанных на интерактивных методах обучения и методики эффективного использования цифровых технологий;

Во-вторых, осуществление обучения основанного на прагматичности, рациональности, конкретности и практической направленности использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин, что предполагает осознание необходимости соответствующих знаний, навыков и умений, которыми следует овладеть профессорско-преподавательскому составу в максимально сжатые сроки;

В-третьих, широкое внедрение использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин в учебный процесс посредством внедрения практических аспектов обучения (ролевые игры, дискуссии, симуляция, совместное решение проблем, взаимное обучение, базовая стажировка в практических органах и т.д.);

В-четвертых, использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин посредством применения эффективных

[23] Лемайкина С.В. Проблемы внедрения технологии искусственного интеллекта в органы внутренних дел // Современные информационные технологии в профессиональной деятельности сотрудников органов внутренних дел: сборник материалов всероссийской научно-практической конференции. - Ростов-на-Дону, 2021. - С. 70-74. (Дата обращения 2 мая 2025 г.)

инновационных педагогических технологий в учебно-практической деятельности (технологии дистанционного, информационно-коммуникационного, открытого обучения и т.д.);

В-пятых, использование ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин в процессе преподавания юридических дисциплин должно основываться на модификации современной поведенческой роли преподавателя, который должен быть в аудитории эффективным менеджером, предоставляющим обучающимся возможность самим активно участвовать в процессе обучения. Преподаватель и обучающийся совместно выбирают и планируют учебную программу или, по крайней мере, участвуют в выборе содержания предмета, определяют цели обучения;

Эти приоритеты будут способствовать созданию более динамичной, практико ориентированной на потребности структурных подразделений правоохранительных органов и разрешению актуальных проблем имеющихся в образовательной среде относительно использования ИЦТ в методике преподавания юридических дисциплин.

Использованная литература

1. Постановление Президента Республики Узбекистан № 17 от 22 января 2025 г. «О мерах по внедрению системы подготовки профессиональных кадров для сферы противодействия преступлениям, совершаемым с использованием цифровых технологий» // Национальная база данных законодательства, 22.01.2025 г., https://lex.uz/ru/docs/7340341.
2. AI in Education Market Size - By Component (Solution, Service), By Deployment (On-premise, Cloud), By Technology (Machine Learning, Deep Learning, Natural Language Processing), Application, End-use & Forecast, 2023-2032. (2023, January). GMI. https:// www.gminsights.com/industry-analysis/artificial-intelligence-ai-in-education-market
3. Artificial Intelligence in Education Market. (2023). Straits Research. https://straitsresearch. com/report/artificial-intelligence-in-educationmarket#:~:text=Market%200verview,period%20(2024% E2%80% 932032)
4. Алексеева Т. О. Международное сотрудничество в области подготовки полицейских кадров // Политика и право. 2016. № 7. – С. 43–49.
5. Калауов С.А. Современные подходы в подготовке высококвалифицированных кадров в Академии МВД Республики Узбекистан // Вестник учебного отдела Барнаульского юридического института. - 2021. - № 37. - С. 33-36.
6. Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Якубов А.С.,

Асямов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. – Т.: Издательство «Fan va texnologiya», 2010. – С.3.

7. Комардина А. А., Меняйло Д.В., Меняйло Л.Н. Применение информационных технологий и возможностей цифровизации в деятельности сотрудника ОВД // Экономическая безопасность: правовые, экономические, экологические аспекты: сборник научных трудов 6-й Международной научно-практической конференции. - Курск, 2021. - С. 184-187.

8. Глухов Н.В. Роль цифровизации в деятельности правоохранительных органов // Технологии XXI века в юриспруденции: материалы Третьей международной научно-практической конференции. – Екатеринбург, 2021. - С. 441-446.

9. Алферова Е. В. (2022). Дилеммы юридического образования в контексте цифровизации. Право и управление. XXI век, 18(2), 14-21. https://doi.org/10.24833/2073-8420-2022-2-63-14-21

10. Лемайкина С.В. Проблемы внедрения технологии искусственного интеллекта в органы внутренних дел // Современные информационные технологии в профессиональной деятельности сотрудников органов внутренних дел: сборник материалов всероссийской научно-практической конференции. - Ростов-на-Дону, 2021. - С. 70-74.

Tursunova Sabina Ravshanovna,
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti “Jamoat xavfsizligini ta’minlash” kafedrasi dosenti yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

TURIZM XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA KADRLAR TAYYORLASHNI TAKOMILLASHTIRISH

Annotatsiya. *Mazkur maqolada xavfsiz turizmni ta’minlashning zamonaviy muammolari va tendensiyalari tahlil etiladi, turizm sohasiga oid kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirishga oid ilmiy va amaliy yechimlar taklif qilinadi. Muallif turizmning global xavflar sharoitida davlat xavfsizligi tizimidagi o‘rni va u bilan bog‘liq kasbiy tayyorgarlik talablarini qayta ko‘rib chiqish zarurligini asoslaydi. Maqolada xalqaro tajribalar asosida turizm xavfsizligi sohasida kadrlar tayyorlashning institusional va huquqiy asoslari tahlil etilib, O‘zbekiston sharoitida amalga oshirilishi mumkin bo‘lgan takliflar ilgari suriladi.*

Kalit so‘z: *turizm xavfsizligi, kadrlar tayyorlash, huquqiy mexanizmlar, global tahdidlar, turistik xatarlar, xalqaro tajriba, davlat siyosatining ustuvorligi.*

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В ОБЕСПЕЧЕНИИ БЕЗОПАСНОСТИ ТУРИЗМА

Аннотация. *В данной статье анализируются современные проблемы и тенденции обеспечения безопасного туризма, предлагаются научные и практические решения по совершенствованию системы подготовки кадров в сфере туризма. Автор обосновывает необходимость пересмотра роли туризма в системе государственной безопасности в условиях глобальных угроз и связанных с этим требований к профессиональной подготовке. В статье анализируются институциональные и правовые основы подготовки кадров в области безопасности туризма на основе международного опыта и выдвигаются предложения, которые могут быть реализованы в условиях Узбекистана.*

Ключевые слова: *безопасность туризма, подготовка кадров, правовые механизмы, глобальные угрозы, туристические риски, международный опыт, приоритет государственной политики.*

Bugungi globallashuv va transmilliy mobillikning o‘sishi sharoitida turizm nafaqat iqtisodiy va madaniy jarayon, balki siyosiy va xavfsizlik masalalari bilan chambarchas bog‘liq jarayon sifatida qaralmoqda.

Turizmning izchil rivojlanishi uning himoyalanganlik darajasi bilan uzviy bog‘liq. UNWTO hisobotlariga ko‘ra, 2023-yilda dunyo bo‘ylab turistik faoliyatga ta’sir etgan xavfli holatlar 2022-yilga nisbatan 18% ga oshgan, shularning katta qismi transport infratuzilmasiga, ommaviy tadbirlarga va ma’lumot xavfsizligiga taalluqli bo‘lgan[24].

Tahdidlar, avvalo, turizm sohasida faoliyat yuritayotgan kadrlarning kasbiy tayyorgarligi va tezkor qaror qabul qilish qobiliyati bilan bog‘liq ekanligini ko‘rsatadi. Shundan kelib chiqqan holda, xavfsiz turizmni ta’minlashda kadrlar tayyorlash nafaqat mehmonxona menejmenti yoki gidlik bo‘yicha tayyorgarlikni, balki huquqiy, axborot, favqulodda vaziyatlar va xavf tahlili sohalaridagi kompleks bilimlarni qamrab olishi zarur.

Turizm sohasining subyektlari — turistik xizmatlar majmuini yoki ularning bir qismini ko‘rsatish, qo‘shimcha turistik xizmatlarni (ishlarni) bajarish hamda turistlar va ekskursantlarga tovarlarni realizatsiya qilish bo‘yicha tadbirkorlik faoliyatini amalga oshiruvchi yuridik va jismoniy shaxslar hisoblanadi[25].

Turizm sohasida kadrlar tayyorlashning bugungi holati tahlil qilinganda, o‘quv dasturlarida xavfsizlik, jamoat tartibini ta’minlash, favqulodda vaziyatlardagi xatti-harakat, madaniy muloqot va kiberxavfsizlik masalalari yetarli darajada qamrab olinmagani ayon bo‘ladi. Shu bois, turizm sohasi uchun tayyorlanayotgan kadrlar amaliy vaziyatlarda yetarli tayyorgarlikka ega emas.

Milliy va xorijiy davlatlarning qonunchiligini tahlil qilish asosida xavfsiz turizmni ta’minlashga mas’ul subyektlarni ikki tizimga ajratib, ularning faoliyatini o‘rgandik: bevosita turizm xavfsizligini ta’minlashga mas’ul bo‘lgan subyektlar hamda turizm sohasida xizmat ko‘rsatish jarayonida xavfsizlikni ta’minlashga javobgar bo‘lgan subyektlar.

Bevosita turizm xavfsizligini ta’minlashga mas’ul bo‘lgan subyektlar – bular “Turist politsiyasi” va turistik yo‘nalishlar bo‘yicha temir yo‘l poyezdlari profilaktika inspektorlari.

2017-yilda “Buxoro, Samarqand, Xiva va Shahrisabz shaharlarida 2017-2020-yillarda xavfsiz turizmni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaror asosida xavfsiz turizmni ta’minlash konsepsiyasi tasdiqlangan. Qaror ijrosini ta’minlash maqsadida turizm xavfsizligini ta’minlash bo‘yicha ichki ishlar organlari faoliyati takomillashtirildi. O‘zbekistonda birinchi marta Buxoro, Samarqand, Xorazm va Qashqadaryo viloyatlari ichki ishlar boshqarmalarida

[24] UNWTO, 2024, https://www.unwto.org/tourism-and-security

[25] O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil 18-iyuldagi “Turizm to‘g‘risida”gi O‘RQ-549-son // Elektron manba: https://lex.uz/docs/4428097 (Murojaat vaqti: 15.01.2022).

xavfsiz turizmni ta’minlash bo‘yicha boshqarmalar tashkil etildi. Xavfsiz turizmni ta’minlash bo‘yicha yaratilgan tizim turizm joylarida hamda turistlar tomonidan respublika bo‘ylab harakatlanish uchun faol foydalanilayotgan temir yo‘l va havo-transport infratuzilmasi obyektlarida jamoat tartibini saqlash, huquqbuzarliklarning barvaqt oldini olish va jinoyatchilikka qarshi kurashish chora-tadbirlarini o‘zida birlashtirdi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 5 yanvardagi “O‘zbekiston Respublikasida turizmni jadal rivojlantirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PF-5611-son hamda 2019-yil 1-fevraldagi “Transport sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5647-son farmonlariga muvofiq, shuningdek, transport va turizm obyektlarida jamoat xavfsizligini samarali ta’minlashning sifat jihatidan yangi bosqichiga o‘tish maqsadida: Toshkent shahar Ichki ishlar bosh boshqarmasi, Toshkent va Surxondaryo viloyatlari ichki ishlar boshqarmalarida xavfsiz turizmni ta’minlash boshqarmalarini tashkil etildi[26].

Boshqarmalar faoliyatining asosiy yo‘nalishlari etib quyidagilar belgilandi:

– bevosita turizm namoyishi obyektlari va infratuzilmasi hududlarida jamoat tartibini saqlash, huquqbuzarliklarning barvaqt oldini olish va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasida ichki ishlar organlari xizmatini samarali tashkil qilish;

– ichki ishlar organlarining xavfsiz turizmni ta’minlash borasidagi faoliyatiga axborot-texnik jihatdan ko‘maklashish, ular o‘rtasidagi o‘zaro muvofiqlashtirilgan hamkorlik ustidan qat’iy nazorat o‘rnatish;

– turizm namoyishi obyektlari va infratuzilmasi hududlarida kriminogen vaziyatni tizimli tahlil qilish, turistlarga nisbatan sodir etiladigan huquqbuzarliklar sabablari va sharoitlarini aniqlash hamda ularni bartaraf etish yuzasidan manzilli chora-tadbirlarni amalga oshirish.

Barcha turistik politsiyasi xodimlari zarur maxsus tayyorgarlikdan o‘tadilar, shu jumladan chet tili kurslari va sayyohlar bilan aloqa qoidalari bo‘yicha seminar-treninglar o‘tkaziladi.

O‘tkazilgan tahlillar O‘zbekistonning boshqa shaharlarida turistik politsiya bo‘linmalarini rivojlantirish va yaratish istiqbolli yo‘nalish ekanligini ta’kidlash imkonini beradi. Hozirgi vaqtda mazkur bo‘linmalar faoliyatini tartibga soluvchi, turistik politsiya bo‘linmalarining vazifalari, xodimlarning vakolatlari, huquq va majburiyatlarini aniq belgilab beruvchi to‘laqonli

[26] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Transport va turizm obyektlarida jamoat xavfsizligini ta’minlashning samarali tizimini joriy etishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida qarori. 2019-yil 6-mart, PQ-4229-son. https://lex.uz/docs (Murojaat vaqti: 10.11.2022)

normativ-huquqiy hujjat yaratish zarurati tug‘iladi. Ushbu ma’lumot O‘zbekiston Ichki ishlar vazirligining barcha bo‘limlariga, shuningdek xorijiy sayyohlar bilan ishlaydigan sayyohlik kompaniyalariga yetkazilishi kerak.

Sayyohlar uchun chet tilida muloqot qila oladigan va yordam bera oladigan xodimning mavjudligi qo‘shimcha qulaylik hisoblanadi. Shuning uchun turistik politsiya kabi bo‘linmaning mavjudligi mamlakat turizmining “sifat” belgisi hisoblanadi.

Turistik politsiyaning maxsus bo‘linmalarining muvaffaqiyatli ishlashi uchun turistik politsiya bo‘linmalarining funksiyalari, maqsadlari, vazifalari, xodimlarning vakolatlari, ularning huquqlari va majburiyatlari, javobgarligini aniq belgilab beradigan ushbu xizmat faoliyatini tartibga soluvchi to‘liq normativ-huquqiy hujjatni yaratish kerak.

Shu bilan birga bugungi kunda “Ichki ishlar organlari to‘g‘risida”gi Qonunda politsiya nomining yo‘qligini inobatga olib “Turist politsiya” bo‘linmalarining huquqiy maqomini qayta ko‘rib chiqish lozim. Shuningdek, “Turist politsiya” xavfsiz turizmni ta’minlashda eng asosiy subyekt bo‘lishiga qaramasdan “Turizm to‘g‘risida”gi qonunda uning vakolatlari, vazifalari ko‘rsatilmagan.

Jumladan, tarkibiy jihatdan turistlar ko‘p bo‘lgan va shaharlarning o‘zlari bundan manfaatdor bo‘lgan shaharlarda doimiy asosda turistik politsiya bo‘linmalarini tashkil etish, shuningdek, yirik miqyosdagi bo‘linmalarni boshqa shaharlarga ko‘chirish imkoniyatini ta’minlash zarur. U yerda madaniy, siyosiy, sport yoki boshqa tadbirlar o‘tkaziladi. Bunday tadbirlar bo‘lmasa, ushbu mobil bo‘linmalar o‘z shahridagi patrul yo‘nalishlarida faoliyat yuritadi. Bundan tashqari, kerak bo‘lganda, fuqarolik kiyimida bo‘lgan turistik politsiya funksiyalarini bajaradigan ko‘ngilli talabalarning bevosita ishtiroki ta’minlanishi kerak. Patrul marshrutlari shunday tuzilishi kerakki, patrul guruhlari marshrutning har bir nuqtasida har 5-7 daqiqada paydo bo‘ladi. Shuningdek, bunday bo‘linmalarning mavjudligi to‘g‘risidagi ma’lumotlar O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining barcha bo‘limlariga, shuningdek, xorijiy sayyohlar bilan ishlaydigan sayyohlik kompaniyalariga ma’lumot nuqtayi nazaridan yetkazilishi kerak. O‘zbekiston Respublikasi huquqni muhofaza qilish organlarining yuzi bo‘lgan turistik politsiyasi kabi elita bo‘linmasi xodimlari rus va ingliz tillarini mukammal bilishlari, doimiy ravishda til darajasini oshirishlari, boshqa tillarni, jumladan, arab, xitoy, yapon tillarini ham o‘rganishlari kerak.

O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasining bugungi kundagi samarali faoliyatini inobatga olib, Milliy gvardiya organlarining vakolatlarini kengaytirish, ya’ni Milliy gvardiya boshqarmalarida turistik bo‘linmalarni tashkil etish taklif etiladi.

Ikkinchi vakolatli subyektimiz *Turistik yo‘nalishlar bo‘yicha temir yo‘l poyezdlari profilaktika inspektorlari* bo‘lib, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 6-mart kunidagi PQ-4229-son qarori bilan tashkil etilgan.

Shunday qilib, xavfsiz turizmni ta’minlash maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining Xavfsiz turizmni ta’minlashni muvofiqlashtirish boshqarmasi va uning hududiy bo‘linmalari transport obyektlarida, birinchi navbatda turizm yo‘nalishdagi poyezdlarda xavfsiz turizmni ta’minlash bo‘yicha funksiyalar transportda xavfsizlikni ta’minlash bo‘linmalari tomonidan amalga oshiriladi; transport obyektlarida sodir etilgan jinoyat va hodisalar haqidagi xabar va arizalarni hisobga olish va qayd etish markazlashgan tartibda transportda xavfsizlikni ta’minlash bo‘linmalarining navbatchilik qismlari tomonidan amalga oshiriladi; transport obyektlari va ularga tutash hududlarda sodir etilgan jinoyatlar bilan bog‘liq bahsli materiallarni ko‘rib chiqishga doir qaror qabul qilish O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining transport va turizm obyektlarida xavfsizlikni ta’minlash bo‘yicha o‘rinbosari tomonidan O‘zbekiston Respublikasi Transport prokuraturasi bilan kelishilgan holda amalga oshiriladi; turizm yo‘nalishidagi temir yo‘l transportida harakatlanish davomida sodir etilgan, tegishliligi bo‘yicha ichki ishlar organlariga taalluqli bo‘lgan ma’muriy huquqbuzarliklarni ko‘rib chiqish va qaror qabul qilish ularda jamoat tartibini samarali ta’minlash uchun kuzatuvchi profilaktika inspektorlari lavozimlarini bosqichma-bosqich joriy etish orqali bevosita poyezdlarning o‘zida amalga oshiriladi; temir yo‘l vokzallari va aeroportlar atrofida yo‘l harakati xavfsizligi qoidalari buzilishining oldini olish va chek qo‘yish hududiy ichki ishlar organlari bilan birgalikda transportda xavfsizlikni ta’minlash bo‘linmalari tomonidan amalga oshiriladi[27].

Xizmat ko‘rsatish jarayonida xavfsizlikni ta’minlashga mas’ul bo‘lgan subyektlar - davlat vakolatlariga ega bo‘lmagan, lekin turizm xavfsizligini ta’minlashda ishtirok etishi bilan bog‘liq ma’lum miqdordagi huquq va

[27] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 6-martdagi “Transport va turizm obyektlarida jamoat xavfsizligini ta’minlashning samarali tizimini joriy etishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi
PQ-4229-son qarori.

majburiyatlarga ega bo‘lgan turizm sohasidagi tadbirkorlik va boshqa xo‘jalik faoliyatini amalga oshiruvchi ma’muriy huquq subyektlari hisoblanadi.

Xavfsiz turizmni ta’minlashda tadbirkorlik faoliyatining tabiati va mazmuniga ko‘ra turizm industriyasining subyektlarini bevosita turizm faoliyati bilan shug‘ullanuvchi: turoperatorlar, turagentlar, gid-tarjimonlar, gidlar, yo‘l ko‘rsatuvchi yo‘riqchilar, sanatoriy-kurort tashkilotlari tashkil etadi.

“Turizm to‘g‘risida”gi qonunga binoan turoperator va turagentlar - turning davomiyligi va yo‘nalishini, xizmat ko‘rsatish shartlarini, transportda xizmat ko‘rsatish turini, turistning, ekskursantning xavfsizligini hamda ularning mol-mulki muhofaza qilinishini ta’minlash choralarini turistning va ekskursantning roziligi hamda xohishiga ko‘ra o‘zgartirish[28]i huquqiga ega. Fikrimizcha, turoperator va turagentlarning bevosita ushbu faoliyat bilan shug‘ullanayotganligini inobatga olib Turizm to‘g‘risidagi qonunning 29-moddasi 2-qism 4-bandiga turistik resurslarning saqlanishiga ko‘maklashish bilan birga turistlarning xavfsizligini ta’minlashni majburiyat sifatida yuklashimiz lozim. Shu bilan birga turoperator va turagentlar tushunchalarini, vazifa va majburiyatlarini ajratgan holda aniq ko‘rsatish lozim.

Shu asosda, mutaxassislar tayyorlashda huquqiy bilimlar, xavf tahlili, tezkor harakatlar va axborot tizimlarini boshqarish kabi ko‘nikmalarga ega bo‘lgan kadrlar yetishtirish davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri bo‘lishi lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O‘zbekiston Respublikasining “Turizm to‘g‘risida”gi qonun 18.07.2019 yildagi O‘RQ-549-son https://lex.uz/uz/docs/-4428097?ONDATE=14.05.2024

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 6-martdagi “Transport va turizm obyektlarida jamoat xavfsizligini ta’minlashning samarali tizimini joriy etishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4229-son qarori.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yilda “Buxoro, Samarqand, Xiva va Shahrisabz shaharlarida 2017-2020-yillarda xavfsiz turizmni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 5 yanvardagi “O‘zbekiston Respublikasida turizmni jadal rivojlantirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PF-5611-son hamda 2019-yil 1-fevraldagi

[28] O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil 18-iyuldagi “Turizm to‘g‘risida”gi O‘RQ-549-son qonuni

“Transport sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5647-son farmon

5. O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil 18-iyuldagi “Turizm to‘g‘risida”gi O‘RQ-549-son // Elektron manba: https://lex.uz/docs/4428097 (Murojaat vaqti: 15.01.2022).

6. UNWTO, 2024, https://www.unwto.org/tourism-and-security

Салохиддинов Нуриддин Фахриддин ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳарбий тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси капитан

БЎЛАЖАК ПОЛИЦИЯ ХОДИМЛАРИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ТАЖРИБАЛАРИ (ГЕРМАНИЯ ВА ФРАНЦИЯ МИСОЛИДА)

Аннотация: Ушбу мақолада Германия Федератив Республикаси ва Франция Республикаларида полиция ходимларини касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: модул тизими, офицер, сержант, полиция департаменти, касбий таълим, касбий тайёргарлик, полиция таълими, федерал ўлка, ўқ отиш тайёргарлиги, тактик тайёргарлик.

Аннотация: В данной статье представлена информация о профессиональной подготовке сотрудников полиции в Федеративной Республике Германии и Франции.

Ключевые слова: модульная система, офицер, сержант, ОВД, профессиональное образование, профессиональная подготовка, полицейская подготовка, федеральная земля, огневая подготовка, тактическая подготовка.

Annotation: This article provides information on the training of police officers in the Federal Republic of Germany and the French.

Key words: modular system, officer, sergeant, police department, vocational education, professional training, police training, federal state, fire training, tactical training.

Дунё ҳамжамиятида тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жиноятчиликни барвақт олидини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Мазкур вазифаларни амалга ошириш билан бирга ҳуқуқни мухофаза қилувчи органларининг хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш, ходимларнинг касбий маҳоратларини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири саналади. Ушбу соҳа бўйича ҳар бир давлат ўзига хос тажрибаларга эга бўлиб, ҳусусан, ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлари учун муносиб номзодларни саралаб олиш, уларни малакали профессионал кадрларга айлантириш борасида доимий изланишлар олиб бормоқдалар.

Ривожланган мамлакатларнинг полиция ходимларини касбий фаолиятга тайёрлаш тизимини тадқиқ этиш мобайнида Германия Федератив Республикасининг тажрибасини ҳам ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Германияда полиция ходимларини хизматга касбий тайёрлаш Буюкбритания давлатининг тажрибаси асосида олиб борилади. Бугунги кунда полиция ходимларини хизматга касбий тайёрлашнинг Германия модели дунёдаги энг самарали тизимлардан бири ҳисобланади. Ходимларининг касбий тайёрлаш босқичларидан мажбурий тарзда ўтиши, шунингдек, полиция хизматининг маълум бир лавозимларида ишлаш учун махсус тайёргарликдан ўтиш лозимлиги унинг алоҳида хусусиятларидан бири саналади.

Германия Федератив республикасида полиция хизмати учун кадрлар тайёрлаш уч босқичда амалга оширилади:

биринчи босқич – икки ярим йиллик таълим муддатини ўз ичига олган федерал полиция ходимларининг дастлабки касбий тайёргарлигини амалга ошириш босқичи;

иккинчи босқич – уч йиллик таълим муддатини ўз ичига олган, полиция органларида хизмат олиб бораётган ходимлар учун бакалавр даражасидаги ўрта бўғин раҳбарларини тайёрлаш босқичи;

учинчи босқич – икки йиллик таълим муддатини ўз ичига олган магистр даражасидаги раҳбар кадрларни тайёрлаш босқичи[29].

Бошқа мамлакатлар қатори ГФР полиция хизматига номзодлар танлов асосида саралаб олинади. Полициянинг қуйи тизим ходимларнинг бошланғич касбий тайёргарлиги ва ўрта бўғин рахбарларини тайёрлаш ишлари мамлакатнинг 16 та федерал ўлкасидаги мавжуд таълим муассасаларда ва полиция бошқармаларида амалга оширилади. Фақатгина раҳбар ходимлар таркиби федерал даражада – Мюнстер шаҳрида (Шимолий Рейн-Весфалия ўлкасида)ги Германия полиция университетида марказлаштирилган ҳолда тайёрланади.

Полиция ходимларини бошланғич касбий тайёрлаш дастури умумий икки ярим йиллик муддатни қамраб олган бўлиб, ушбу муддатда курсантлар тўлиқ ойлик маоши ва умумий яшаш жойлари билан таъминланадилар. Дастур ўқитишнинг модул тизими асосида беш

[29] Мухамедов Ў.Х. Полиция учун кадрлар тайёрлаш: Австрия ва Германия тажрибаси: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017., 42 бет.

босқичга бўлиниб олиб борилади ва ҳар бир босқич синов имтихонларини топшириш орқали якунланади.

Биринчи босқич – олти ойлик таянч билимларга эга бўлиш босқичи бўлиб, ушбу босқичда курсантлар полиция ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, йўл ҳаракати қоидалари, касбий мулоқот асослари, этика, полиция тактикаси асослари, ўқотиш тайёргарлиги, жисмоний тайёргарлик ва биринчи тез тиббий ёрдам каби фанларни ўраганадилар.

Иккинчи босқич – олти ой муддатлик махсус амалий тайёргарлик босқичи бўлиб, курсантлар тўрт асосий йўналиш: хизмат фаолияти, автомобил тайёргарлиги, патруллик хизмати ва жиноятчиликка қарши курашиш йўналишлари бўйича амалиёт ўтайдилар. Бундан ташқари ушбу босқичда ахборот технологияларидан фойдаланиш, ингилиз тили, ўқотиш ва жисмоний тайёргарлик каби фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганадилар. Босқич якуни бўйича курсантлар синов имтихонларини топширганларидан сўнг “В” тоифадаги ҳайдовчилик гувохномасига ва полицайобервахтмайстер – сержант (Polizeioberwachtmeister) унвонига эга бўладилар.

Учинчи босқич – тажрибали ходимлар ва мураббийларнинг раҳбарлиги остида ҳудудий полиция бошқармаларида олти ойлик амалиёт ўташ босқичи бўлиб, ушбу босқичда курсантлар гувохларни сўроқ қилиш, автотураргохларгда машиналарниниг вақтинчалик тўхтаб туришлари учун талонларни бериш каби оддий вазифаларни бажарадилар.

Тўртинчи босқичда курсантлар ўзларининг доимий яшаш манзиллари бўйича ҳудудий полиция бошқармаларида олти ой патруллик хизматини ўтайдилар. Бундан ташқари, курсантлар ушбу босқичда автотранспорт воситаларини махсус шароитларда бошқариш, ўқотар қуроллардан фойдаланиш, стресс ҳолатларда ўзини ўзи бошқариш қобилияти каби билимларни чуқурлаштрилган ҳолда ўрганадилар.

Бешинчи босқич – беш ойлик, якунловчи босқич ҳисобланиб, ушбу босқичда курсантлар қуролланган жиноятчиларни қўлга олиш, жиноят жойидаги ашёвий далилларни аниқлаш ва қўлга киритиш, мураккаб йўл-транспорт ходисаларини тергов қилиш, психологик носоғлом инсонлар билан мулоқотга киришиш тартибларини ўрганадилар. Дастур бўйича тўлиқ фанларни ўзлаштирган курсантлар

полицаймайстер (Polizeimeister) унвонига эга бўлиб, тегишли полиция идораларига хизматга жўнатиладилар[30].

Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларига нисбатан Франция давлати ушбу соха бўйича узоқ тарихий тажрибага эга бўлган ягона мамлакатлардан бири саналиб, 1883 йилнинг ўзидаёқ «Амалиёт мактаби» деб ном олган биринчи полиция таълим муассасасига эга бўлган[31]. Бугунги кунда Франция Миллий полицияси тизимида қуйида келтириб ўтилган полиция ходимлари таркибининг касбий тайёргарлигини амалга оширувчи таълим муассасалар мавжуд:

Шартнома асосида хизмат олиб борувчилар (ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари бўйича полиция ёрдамчилари);

Сафдор ва сержантлар таркиби;

Офицерлар таркиби;

Раҳбарлар таркиби (полиция комиссарлари).

Франция полиция ходимларининг касбий тайёрлаш тизимида асосий эътибор Миллий полиция шахсий таркибининг умумий 75 % ини ташкил этувчи сафдор ва сержантларнинг бошланғич касбий тайёргарлигига қаратилган бўлиб, бугунги кунда ушбу ишларни амалга оширувчи 20 га яқин таълим муассасалар фаолият кўрсатиб келмоқда[32].

Сафдор полиция ходимларининг бошланғич касбий тайёрлаш дастури умумий 12 ойга режалаштирилган бўлиб, тўрт ой мобайнида тингловчилар полиция ходими учун зарур бўлган таянч билимларга ва шу билан бирга патруль-пост хизматига таълуқли бўлган фанларни ҳам ўзлаштирадилар. Бундан сўнг, 1 ой вақт мобайнида тингловчилар олган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлашлари учун тажрибали мураббийларнинг раҳбарлиги остида ҳудудий полиция бўлинмаларига жўнатиладилар. Бириктирилган мураббийлар тингловчиларнинг хизмат олиб боришларини назорат қилибгина қолмай, уларнинг амалга оширган ишларини баҳолаб таълим муассасаларига тақдим этадилар. Амалиёт ишлари якунлангач тингловчилар бир ой вақт мобайнида қўшимча билимларни ўзлаштиришлари учун таълим муассасаларига жўнатиладилар. Қўшимча назарий билимлар ўзлаштирилганидан сўнг, тингловчилар хизматни мустақил равишда амалга оширишлари учун

[30] Плиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Якубов А.С., Асямов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. – Т.: Издательство «Fan va texnologiya», 2010. – 336 с.

[31] И.Н. Куркина, Базовые стандарты и модели подготовки полицейских кадров за рубежом. Ведомости уголовно-исполнительной системы №10 – 2012 г. 54-с.

[32] Шу манба 54-бет.

яна ҳудудий полиция бошқармаларига жўнатиладилар. Дастурда келтириб ўтилган барча фанлар тўлиқ ўзлаштирилганидан сўнг якуний синов имтихонлари топширилади. Ушбу имтихонлардан мувофақиятли ўтган тингловчилар ҳудудий полиция бошқармаларига хизматга жўнатиладилар[33].

Франция миллий полициясида хизмат қилаётган сафдор ходимлар офицерлик лавозимларида хизмат қилишлари учун, аввал сержант унвонига эга бўлишлари ва ушбу лавозимда маълум муддат хизмат қилишлари лозим. Офицер унвонига эга бўлиш истагини билдирган номзодлар сержантлар орасидан саралаб олиниб, Миллий полиция олий мактабларида тахсил олиш учун жўнатиладилар ва ушбу билим юртларини тамомлаганларидан сўнг лейтенант унвонини қўлга киритадилар.

Биз юқорида таъкидлаб ўтган, полиция ходимларини касбий фаолиятга тайёрлаш ва уларнинг узулуксиз таълим олишларини амалга оширувчи Германи ҳамда Франция тажрибалари нафақат Ғарб балки, бутун дунё мамлакатлари бўйича энг самарали намуналардан бири десак муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Мухамедов Ў.Х. Полиция учун кадрлар тайёрлаш: Австрия ва Германия тажрибаси: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекситон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 48 б

2. Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Якубов А.С., Асямов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. – Т.: Издательство «Fan va texnologiya», 2010. – 452 с.

3 И.Н. Куркина, Базовые стандарты и модели подготовки полицейских кадров за рубежом. Ведомости уголовно-исполнительной системы №10 – 2012 г. 51-56с.

4. А.С. Душкин. Компетентностый подход в кадровой полотике полицейских структур зарубежных стран. Прикладная юридическая психология № 3 2013г. 132-143с.

[33] А.С. Душкин. Компетентностый подход в кадровой полотике полицейских структур зарубежных стран. Прикладная юридическая психология № 3 2013г. 139с.

Окюлов Нуъмон Омонбоевич
Старший преподаватель кафедры управленческих дисциплин магистратуры Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан, город Ташкент,
urchicoy@gmail.com

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КАДРОВЫХ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ И РЕАЛИЗАЦИИ КАДРОВОЙ ПОЛИТИКИ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: В статье проанализированы нормативные правовые документы в сфере реформирования деятельности органов внутренних дел, рассмотрены актуальные вопросы совершенствования деятельности кадровых подразделений, представлены аспекты научно-методического обеспечения и пути совершенствования правовых основ деятельности кадровых подразделений, а также разработана содержание Концепции кадровой политики МВД Республики Узбекистан и рекомендована последовательность действий по ее реализации.

Ключевые слова: кадровые подразделения органов внутренних дел, кадровая политика, Концепция кадровой политики МВД, сотрудник органов внутренних дел, Концепция организации духовно-просветительской работы в органах внутренних дел.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ КАДРЛАР БЎЛИНМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ КАДРЛАР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақода ички ишлар оганларини ислоҳ қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган бўлиб, кадрлар бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича долзарб масалалар кўриб чиқилган, шунингдек, кадрлар бўлинмалари фаолиятини илмий-услубий таъминот жиҳатлари ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўллари таклиф этилган, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Кадрлар сиёсати концепциясининг тузилиши ишлаб чиқилган ҳамда уни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар кетма-кетлиги таклиф этилган.

Ключевые слова: ички ишлар оганларининг кадрлар бўлинмалари, кадрлар сиёсати, ИИВ Кадрлар сиёсати концепцияси, ички

ишлар органлари ходими, Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси.

ISSUES OF IMPROVING THE ACTIVITIES OF PERSONNEL UNITS OF INTERNAL AFFAIRS BODIES AND THE IMPLEMENTATION OF THE PERSONNEL POLICY OF THE MINISTRY OF INTERNAL AFFAIRS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Abstract: The article analyzes regulatory legal documents in the field of reforming the activities of internal affairs bodies, discusses topical issues of improving the activities of personnel units, presents aspects of scientific and methodological support and ways to improve the legal foundations of the activities of personnel units, and also develops the content of the Concept of personnel policy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan and recommends a sequence of actions for its implementation.

Keywords: personnel divisions of the internal affairs bodies, personnel policy, the Concept of the personnel policy of the Ministry of Internal Affairs, an employee of the internal affairs bodies, the concept of organizing spiritual and educational work in the internal affairs bodies.

Со времен достижения независимости были достигнуты высокие результаты и была сформирована своеобразная национальная система в сфере подготовки, переподготовки и замещения должностей Республики Узбекистан новыми руководителями и управленческими кадрами в органах внутренних дел. Осуществляются реформы по обновлению системы руководящих и управленческих кадров во всех сферах государства и общества, в том числе и в органах внутренних дел.

Сегодня в республике основной задачей является формирование новой системы кадровой политики и методов ее реализации, а также определение путей ее решения, осуществления современных основных направлений управления кадрами в органах внутренних дел Республики Узбекистан.

Нужно отметить, что в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5005 от 10 апреля 2017 года «О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан» были перечислены основные недостатки и проблемы в системе работы с кадрами в органах внутренних дел, которые и актуальны на сегоняшний день.

В данном Указе определены основные направления реформирования системы органов внутренних дел Республики Узбекистан для кардинального повышения эффективности деятельности, надёжной защиты прав, свобод и законных интересов граждан.

Большинство из установленных новых правил требований дисциплины и прохождения службы в системе органов внутренних дел, согласно вышеуказанном документе, относятся к сфере работы с кадрами, включая основных задач организации работы с кадрами в органах внутренних дел Республики Узбекистан.

Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-3413 от 29 ноября 2017 года «О мерах по коренному совершенствованию порядка работы с кадрами органов внутренних дел и организации их службы», утвержден Положение о порядке прохождения службы в органах внутренних дел.

Также Указом Президента Республики Узбекистан от 26.03.2021 г. № УП-6196 Главное управление кадров переобразовано в Департамент духовно-просветительской работы и кадрового обеспечения, включающий в себя Главное управление кадров, управление духовно-просветительской работы, управление профессиональной подготовки [1]. Важно отметить, что Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-10 от 20.01.2023 года «О дополнительных мерах по преобразованию органов внутренних дел в народную профессиональную структуру и ориентированию их работы на более тесное взаимодействие с населением» впервые утверждены Кодекс профессиональной культуры и служебной дисциплины сотрудников органов внутренних дел и Положение о Департаменте духовно-просветительской работы и кадрового обеспечения Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

Эти высшеперечисленные нормативные правовые документы являются непосредственно направленными на исполнение выше проанализированного Указа Президента Республики Узбекистан № УП-5005 от 10 апреля 2017 года, которым в системе органов внутренних дел установлены новые правила и ведены институциональные изменения, касающиеся основных задач организации работы с кадрами в органах внутренних дел Республики Узбекистан.

На основе приоритетных направлений и основных принципов работы в сфере духовно-просветительской работы в органах

внутренних дел утверждено Концепция организации духовно-просветительской работы в органах внутренних дел [2], которое определяет прежде всего задачи, связанные с повышением уровня общего мировоззрения, политического сознания, духовного и интеллектуального потенциала всех сотрудников органов внутренних дел, укреплением у них патриотизма, высокой ответственности, гордости и преданности своей профессии.

Основной целью Концепции является воспитание сотрудников в качестве гармонично развитой личности, служащей интересам государства и народа в любых условиях, преданной национальным ценностям, опирающейся на общечеловеческие ценности, непримиримо борющейся с чуждыми и деструктивными идеями, имеющей стойкие убеждения и силу воли, духовно богатой, самоотверженной, опирающейся на бесценное наследие предков и погибших сотрудников, проявивших героизм, а также формирование чувства сопричастности и высокой ответственности за обеспечение безопасности государства и народа.

Совершенствование кадровой работы в органах внутренних дел Республики Узбекистан, остается остро необходимым, и его важнейшим аспектом выступает оптимизация правового регулирования системы управления кадровыми подразделениями.

Работа с кадрами в органах внутренних дел – ответственное и многогранное направление деятельности, которое требует комплексного решения управленческих, экономических, социальных, нравственных, правовых, психологических и иных задач. Одним из главных показателей организации кадровой работы выступает ее системность. Поэтому она должна строиться с учетом необходимости поддержания баланса интересов сотрудников, с одной стороны, и задач органов внутренних дел в целом – с другой. Все это обеспечивает эффективную реализацию конституционных прав и свобод сотрудника органов внутренних дел как профессионала, гражданина и личности в единстве с целями правоохранительной деятельности.

Вышеизложенные аргументы свидетельствуют об актуальности проведения научного исследования, на основе которого необходимо сформулировать предложения и выводы, позволяющие наиболее эффективно применять новые нормы права по реорганизации и проведению организационно-управленческих мероприятий в кадровых подразделениях системы МВД Республики Узбекистан. В этой связи,

разрабатывая научные положения, касающиеся реформы управления кадровыми подразделениями в органах внутренних дел Республики Узбекистан, принимая во внимание положительный зарубежный опыт, целесообразно проведение исследования по совершенствованию системы управления кадровыми подразделениями.

Формируя научно-методическое обеспечение и пути совершенствования правовых основ деятельности кадровых подразделений МВД Республики Узбекистан, представляется особо важным учитывать специфику организации кадровой работы в системе органов внутренних дел.

Органы внутренних дел Республики Узбекистан в организационном плане представляют собой единую целостную систему. Эта система строилась на основе многоступенчатой (многоуровневой) республиканской, областной, районной (городской) и отраслевой иерархии. Каждый орган в этой многоуровневой системе в определенной степени самостоятелен, и они связаны друг с другом вертикальными отношениями. Органы внутренних дел, расположенные на соответствующей равной ступени, также связаны между собой горизонтальными отношениями в рамках своей деятельности.

Каждый из органов внутренних дел имеет свою организационную структуру. При этом следственные органы, органы уголовного розыска, криминалистики, профилактики правонарушений, безопасности дорожного движения, исполнения наказаний, обеспечения безопасности на транспорте и других направлений имеют в своем составе подразделения кадровой службы как отдельную структурную единицу. Кадровая служба органов внутренних дел как структурное подразделение имеет специфическое правовое положение, т.е. система управления – это организационная единица, выполняющая функциональные обязанности.

Кадровое структурное подразделение осуществляет деятельность по комплектованию других структурных подразделений профессионально квалифицированными кадрами, повышению квалификации, переподготовке кадров, их аттестации, перераспределению по мере необходимости, оценке и стимулированию их деятельности, в том числе поощрению и дисциплинарному взысканию, формированию единой базы данных об этом и ее постоянному пополнению, и обновлению, и воспроизводству, осуществлению кадрового мониторинга. Эффективное и качественное

осуществление своей деятельности другими структурными подразделениями органов внутренних дел неразрывно связано с деятельностью кадровых подразделений.

Если кадровые подразделения будут выполнять свои обязанности в полном объеме, полноценно, эффективно использовать свои правомочия, то в конечном итоге органы внутренних дел будут осуществлять свою деятельность качественно и эффективно в соответствии со своим ключевым общественным назначением, и наоборот, если кадровые подразделения органа внутренних дел подходят к своей деятельности с формальной и бюрократической точки зрения, то в этом случае структурные подразделения органов внутренних дел будут заполнены непрофессиональными и неквалифицированными, случайными кадрами. В итоге будет страдать качество основной деятельности – правоохранительная деятельность органов внутренних дел.

С учетом идентифицированных проблем и противоречий, могут быть представлены следующие аспекты научно-методического обеспечения и пути совершенствования правовых основ деятельности кадровых подразделений МВД Республики Узбекистан.

Прежде всего, представляется необходимым концептуализировать кадровую политику в целом по системе службы в МВД Республики Узбекистан.

Кадровая политика, где бы она не осуществлялась, это всегда работа с людьми, но работа особого свойства, связанная с их подбором, обучением, расстановкой, перемещением в целях достижения определенного результата [3].

Концепция кадровой политики МВД Республики Узбекистан – это определение долгосрочной стратегии и перспективных направлений развития системы работы с личным составом на определенный период (5 лет), основных путей и методов её модернизации и совершенствования.

Концепция кадровой политики в МВД Республики Узбекистан может быть издана в виде самостоятельного нормативного акта - приказа Министра внутренних дел Республики Узбекистан. В ее содержание представляется целесообразным внести следующие положения:

- цели и задачи кадровой политики в системе государственной службы в МВД Республики Узбекистан:

- интегральная цель – удовлетворение общественных потребностей в оказании качественных публичных услуг в сфере управления внутренними делами и выполнении результативной деятельности в пределах вверенных полномочий достаточным высокопрофессиональным кадровым активом государственных служащих и специальных служащих органов внутренних дел;

- задачи – формирование системы службы в органах внутренних дел Республики Узбекистан, укомплектованной компетентными работниками, морально устойчивыми и преданными в части служения государству и обществу; осуществление кадровых процедур на основе системы индивидуального и коллективного, профессионального и личностного развития сотрудников органов внутренних дел; превращение службы органах внутренних дел Республики Узбекистан в саморазвивающуюся систему с высоким уровнем контролируемости и управляемости;

- принципы кадровой политики (компетентность, развитие сотрудников органов внутренних дел, непрерывная оценка деятельности и обучение, законность и правопорядок, недопущение коррупции и конфликта интересов в системе службы в органах внутренних дел, профессиональное кадровое управление, справедливое вознаграждение, разумное сочетание материальных и нематериальных поощрений и др.);

- приоритетные показатели развития на перспективу (предпочтительно, качественные, например, снижение показателей текучести по системе службы в органах внутренних дел до 3–5%, обеспечение удельного веса незамещенных штатных единиц не более 1%, охват сотрудников органов внутренних дел оценкой эффективности вне аттестационных процедур не менее 1 раза в календарный год и др.);

- инструменты и методы достижения приоритетных показателей кадровой политики, сгруппированные по кадровым технологиям (направлениям управления кадрами органов внутренних дел). По предметному направлению оценки профессиональной служебной деятельности сотрудников органов внутренних дел – тотальный переход с системы аттестации на систему оценки эффективности с применением приоритетных современных инструментов и методов, обеспечением коллегиальности и независимости оценки, а также увязкой оценочных процедур и инструментов управления развитием сотрудников органов внутренних дел Республики Узбекистан, таких как

корректировка индивидуальных планов профессионального обучения и переподготовки.

Для реализации кадровой политики МВД Республики Узбекистан, может быть рекомендована следующая последовательность действий:

- разработка и документальная фиксация кадровой политики;
- разработка и утверждение программы повышения эффективности служебной деятельности;
- определение целевых эффективности служебной деятельности;
- идентификация приоритетных мер содействия повышения эффективности служебной деятельности;
- реализация мер, контроль и последующая оценка их эффективности.

Реализация соответствующих предложений будет способствовать комплексному и интегральному повышению качества и результативности кадрового управления в системе органов внутренних дел Республики Узбекистан.

Список литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности органов внутренних дел в сфере обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью» от 26.03.2021 г. № УП-6196 // Национальная база данных законодательства, 26.03.2021 г., № 06/21/6196/0240.

2. Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных организационных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности органов внутренних дел в сфере обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью» от 02.04.2021 г. № ПП-5050 // Национальная база данных законодательства, 02.04.2021 г., № 07/21/5050/0280.

3. Костенников М.В. К вопросу о кадровой политике в органах внутренних дел // Право. Экономика. Безопасность. № 3 (11). 2017. С. 164.

Xamidov G‘aybulla Saypillayevich
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti professori
Elektron pochta: gaybulla3008@gmail.com
Bog‘lanish uchun telefon: +998 (90) 315-81-11

YO‘L-TRANSPORT HODISALARI JOYINI KO‘ZDAN KECHIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Annotatsiya: Ushbu maqolada turli xil zamonaviy texnik vositalar ko‘rib chiqiladi, ulardan foydalanish baxtsiz hodisa sodir bo‘lgan joylarni tekshirishda ob’ektda qolgan ob’ektlar va izlarning butun tizimini tez va samarali tekshirish va o‘rganishga yordam beradi va har xil turdagi sud ekspertizasi uchun dastlabki ma’lumotlarni oladi. YTH sodir bo‘lgan joylarni ko‘zdan kechirishda zamonaviy texnik vositalardan foydalanish muammolariga ham e’tibor qaratilgan.

Kalit so‘zlar: zamonaviy texnik vositalar, texnik vositalardan foydalanishning dolzarbligi, voqea joyini tekshirish samaradorligi, sud-tibbiyot eksperti, avtotexnik mutaxassis.

Аннотация. Рассмотрены различные современные технические средств, использование которых при осмотре мест ДТП помогает быстро и эффективно произвести осмотр и изучить всю систему объектов и следов, оставленных на месте и получить исходные данные для производства различных видов судебных экспертиз. Также мы остановились на проблемах применении современных технических средств при осмотре мест ДТП.

Ключевые слова: современные технические средства, актуальность использования технических средств, эффективность осмотра места происшествия, специалист-криминалист, специалист-автотехник.

Annotation. Discussed various modern technical means, the use of which during the inspection of places of accidents helps to quickly and efficiently inspect and examine the entire system of objects and traces left at the scene and obtain source data for the production of various types of forensic examinations. We also discussed the challenges of applying modern technology in the inspection of the scene of the accident.

Keywords: modern technical means, the relevance of the use of technology, quality inspection of the scene, the expert-the criminalist, specialist vehicles.

Yo‘l-transport hodisasi murakkab mexanizmga ega, bu ko‘p jihatdan ushbu hodisaning dinamikasi bilan bog‘liq. Yo‘l-transport hodisasi holati faqat dastlabki qarashda oddiy va aniq tuyilishi mumkin. Shu sababli, tez va samarali batafsil tekshirishni amalga oshirishga yordam beradigan, shuningdek, ob’ektlar va izlarning butun tizimini har tomonlama tekshirishga yordam beradigan zamonaviy texnik vositalardan foydalanish kerak. Bu bizga voqea dinamikasini kuzatish va sodir bo‘lgan voqealarning haqiqiy ko‘rinishini tiklash imkonini beradi. Ta’kidlash joizki, jinoyat sodir bo‘lgan joylarni texnik vositalardan foydalanib tekshirishda ekspert-kriminalistika bo‘linmalari xodimlari ishtirokisiz yuqori samaraga erishish deyarli mumkin emas, chunki, aksariyat holatlarda, tergovchi bu sohada etarli bilimga ega emas. Bizning fikrimizcha, ekspert-kriminalistning yetarli darajada yuqori malakaga ega bo‘lishi va zamonaviy texnik vositalar bilan to‘liq ta’minlanganligi qo‘yilgan muammolarni hal qilish imkoniyatlarini sezilarli darajada kengaytiradi va buning natijasida jinoyat ishi bo‘yicha haqiqatni aniqlashda tergovchi vazifasini soddalashtiradi.

Biz V.I. Julev i A.S. Stepanihevning fikriga qo‘shilishgan holda, shuni ta’kidlashimiz lozimki, yo‘l-transport hodisalari [bundan buyon matnda YTH deb yuritiladi] sodir bo‘lgan ishlarda, voqea joyni tekshirish asosiy protsessual harakat bo‘lib, uning sifatli amalga oshirilishi butun tergov jarayonini va qarorlarning to‘g‘riligini belgilaydi, chunki bu daliliy ma’lumotlarning keng doirasini olish, boshqa manbalardan ma’lumot izlash usullarini aniqlash, shuningdek ularning ob’ektivligini tekshirish imkonini beradi [1, b. 13].

Aytish kerakki, voqea sodir bo‘lgan joyni ko‘zdan kechirayotganda mutaxassis tergovchiga keyinchalik har xil turdagi va turli sud-tibbiy ekspertizalarni tayinlash uchun zarur bo‘lgan ma’lumotlarni to‘plashda yordam beradi, birinchi navbatda, traceologik, avtotexnik, sud-tibbiyot va boshqalar. Bundan tashqari, tekshiruvda ishtirok etayotgan mutaxassislar kriminalistik jihatdan muhim ma’lumotlarni to‘playdilar, ular orqali voqeaning tergov versiyalarini yaratish mumkin.

Albatta, avtomobil texnikasi ekspertizasi sudini o‘tkazishning o‘ziga xos xususiyatlarini va avtotexnik mutaxassisining malakasini hisobga olgan holda, uning yo‘l-transport hodisasi sodir bo‘lgan joyni tekshirishda ishtirok etishi ideal vaziyat hisoblanadi. Bu yuqori sifatli suratga olish, yo‘l uchastkasining o‘lchovlari, tormoz izlari, ularning boshlanishi va oxiri, ajralgan qismlarning joylashuvini aniqlashtirish, reja sxemasini tuzish va h.k.ga imkoniyat beradi. Shuningdek, tajribali avtotexnik mutaxassis transport vositasining [bundan

buyon matnda TV deb yuritiladi] texnik holatini, uning tarkibiy uzellari, qismlari va detallarini malakali ravishda qayd etadi, avtoulovning diagnostika asboblari va TV larining ishlashini tekshiradi, voqea sodir bo‘lgan joyni ko‘zdan kechirish bayonnomasini rasmiylashtirishda, shikastlangan transport vositalarini shatakka olish, voqea joyidan qochib ketgan transport vositasining mumkin bo‘lgan xususiyatlari va boshqalar yuzasidan maslahat bilan yordam ko‘rsatadi.

YTH joyini malakali tekshirish keyingi sud-tibbiy ekspertizalar uchun asos bo‘ladi (odatda transport-trasologik yoki avtotexnik). Olingan dastlabki ma’lumotlar bir qator identifikatsiyalash va diagnostika vazifalarini muvaffaqiyatli hal qilishga imkon beradi, tadqiqot natijalarining samaradorligi ularga bog‘liq hisoblanadi.

Voqea sodir bo‘lgan joyni ko‘zdan kechirish uchun zarur bo‘lgan texnik vositalardan foydalanish, tekshirish bayonnomasini tuzishda izlar va ob’ektlarning tavsifi, rejalar va sxemalarni tuzish, bayonnomada izlar va vaziyatni tavsiflash, o‘lchovlarni olish, voqea joyidan olingan izlarni sifatli qadoqlash - bu yo‘l-transport hodisasi joyida mutaxassis-kriminolog faoliyatining to‘liq ro‘yxati emas.

Shuningdek, uning yordami jasadni tekshirishda, transport vositasining ichki va tashqi elementlaridagi izlarni aniqlashda talab qilinishi mumkin. Fotosurat va videodan foydalanish, yashirin izlarni aniqlash, olish va ularni dastlabki tekshirishda mutaxassisning yordami juda muhimdir.

Shuni ta’kidlash kerakki, ba’zi hollarda YTH sodir bo‘lgan joyni ko‘zdan kechirishda TVning nazorat tormozlanishini amalga oshirishga to‘g‘ri keladi. Bunday holda, agar voqea sodir bo‘lgan joyni tekshirishda mutaxassis avtotexnik ishtirok etmasa, tormoz tizimining parametrlarini aniqlashda YHXX bo‘linmalarida mavjud bo‘lgan «EFFEKT 02 va 01» qurilmasi yordamida o‘lchanishi mumkinligini hisobga olish kerak. Shunga ko‘ra, barcha o‘rnatilgan parametrlar bayonnomaga kiritilishi kerak.

Voqea sodir bo‘lgan joyni ko‘zdan kechirishda transport vositalarini har tomondan: old, orqa va ikkala tomondan suratga olish juda muhimdir. Mashinaning barcha qismlarini, hatto shikastlanish belgilarini ko‘rsatmaydigan qismlarini qayd etish kerak, chunki ba’zida bayonnomada shikastlanmagan qismlarni tasvirlash kerak bo‘ladi. Barcha hollarda tasvirlar soni shunday bo‘lishi kerakki, tergovchi va ekspert yoki mutaxassis zarurat tug‘ilganda avtomashinalarning to‘qnashuvdan keyingi holatini va ularning joylashuvini turli ko‘rsatmalar va yo‘l belgilaridan foydalangan holda qayta qurish imkoniyatiga ega bo‘lishi lozim. Kelgusida sud-avtotexnik, tracologik va

boshqa turdagi sud ekspertizalarini o‘tkazishda raqamli fototexnika vositalaridan sifatli foydalanish ishda ko‘plab holatlarni aniqlash imkonini beradi.

Zamonaviy fotosurat uskunalarining texnik imkoniyatlari, uning qulayligi va nisbatan qo‘lashning soddaligi, shuningdek olingan natijalarning shubhasiz daliliy qiymati yo‘l-transport hodisalari sodir bo‘lgan joylarni tekshirishda fotografiyadan majburiy foydalanish qonun hujjatlari darajasida, ya’ni jinoyat-protsessual qonunchiligida mustahkamlangan bo‘lishi kerak degan xulosaga kelishimizga imkon beradi [5, b. 160].

Voqea sodir bo‘lgan joyni ko‘zdan kechirishda turli xil ob’ektlarni o‘rganishga to‘g‘ri keladi, ammo ularni ilmiy va texnik vositalardan foydalanmasdan sifatli tadqiq qilish deyarli mumkin emas. Shunday qilib, avtomobilning texnik holati va uning alohida tizimlari faqat zamonaviy diagnostika uskunalari yordamida maksimal mukammallik bilan o‘rnatilishi mumkin. Faqatgina maxsus asboblar yordamida yo‘l uchastkasining qiyalik (ko‘tarilish), bo‘ylama va ko‘ndalang ilashish koeffitsienti kabi parametrlarini aniqlash mumkin [1, b. 61].

Shuni ta’kidlash kerakki, yo‘l-transport hodisasi sodir bo‘lgan joyni ko‘zdan kechirayotganda mutaxassis turli o‘lchovlarga katta e’tibor berishi kerak. YTHni tekshirishning ishonchliligi ko‘p jihatdan olingan o‘lchovlarning aniqligiga bog‘liq. Masalan, tormozlash yo‘lidagi og‘ish izlarining aniq joylashishi TVning to‘qnashuv joyini aniqlashda muhim ahamiyatga ega; to‘liq to‘xtash masofasini aniqlash haydovchining zararli oqibatlarning oldini olish uchun texnik qobiliyatini aniqlash imkonini beradi; tormoz izlarini noto‘g‘ri o‘lchash avtohalokat mexanizmining ma’lum bir bosqichida avtomobil tezligini to‘g‘ri aniqlashga imkon bermaydi va hokazo.

Afsuski, amalda o‘lchovlarda aniqlikni saqlash talablari har doim ham bajarilmaydi. Ba’zida tormoz izlarining uzunligi yoki tergov uchun katta ahamiyatga ega bo‘lgan boshqa masofalar qadamlar bilan aniqlanadi. Hech qanday o‘lchov asboblari ishlatilmaydi; kichik ob’ektlar bu maqsad uchun mos bo‘lmagan asboblar bilan o‘lchanadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, YTH sodir bo‘lgan joylarni tekshirishga boradigan barcha mutaxassislarni zamonaviy fotogrammetrik tizimlar bilan ta’minlash va har bir YTH sodir bo‘lgan joyni tekshiruv vaqtida ulardan so‘zsiz foydalanishni maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

90-yillarning oxirida ilmiy-ishlab chiqarish birlashmasi sifat jihatidan farq qiluvchi fotogrammetriyadan foydalanadigan FOMP-K [6, 7] o‘lchov

fotogrammetrik kompleksini ishlab chiqdi va sertifikatladi. Uning yordami 1-3% xatolik bilan yuqori sifatli va tezkor o‘lchovlarni amalga oshirish mumkin.

Voqea sodir bo‘lgan joyning sxemasi ob’ektlarning (avtomobillar, yo‘l belgilari va boshqalar) an’anaviy tasvirlari yordamida tuziladi, yagona masshtabga keltiriladi va ma’lumotlar bazasiga joylashtiriladi. Tayyor tasvirlardan foydalanish sxemalarni tuzish uchun mehnat va vaqt sarfini qisqartirishga imkon beradi va ularning yuqori grafik sifatini ta’minlaydi.

Ob’ektlar va izlarni qayd etish an’anaviy usulda (lenta o‘lchovi, qalam va qog‘oz yordamida) hodisa joyining xaritasini tuzishda bo‘lgani kabi, tanlab emas, balki yaxlit holatda sodir bo‘lishi juda muhimdir, chunki fotosurat suratga olish moslamasining ko‘rish maydoniga tushadigan hamma narsani aks ettiradi. Darhaqiqat, ko‘p hollarda, YTH sodir bo‘lgan joyda o‘lchovlarni o‘tkazishda, jinoyat ishida isbotlash uchun qanday o‘lchovlar zarur bo‘lishini oldindan aytib bo‘lmaydi.

Agar tizimni kompyuter (noutbuk) va portativ printer bilan butlasangiz, o‘lchov natijalarini to‘g‘ridan-to‘g‘ri qayd qilish joyida olishingiz mumkin.

Mazkur kompleksning joriy etilishi bilan YTH sodir bo‘lgan joylarni tekshirish sifati oshadi va shunga mos ravishda sud-tibbiy ekspertizasi (avtotexnik, traseologik va boshqalar) uchun zarur bo‘lgan dastlabki ma’lumotlar miqdori ortadi.

Fotogrammetriyadan foydalanishning dolzarbligi maxsus adabiyotlarda ko‘p yillar davomida muhokama qilinib kelinmoqda [2, 3, 4]. Ko‘pgina avtotexnika mutaxassislari fotogrammetrik tizimlardan foydalanishni juda qimmat va samarasiz deb hisoblashadi, ularning fikriga ko‘ra, barcha YTH hodisalarni qayd etishda raqamli kameradan foydalanish va turli ko‘rinishlardan maksimal olingan fotosuratlardan foydalanish samaraliroqdir.

Biroq, bizning fikrimizcha, qayd etishning fotogrammetrik usuli texnologik takomillashtirish istiqbollariga ega va buning natijasida amaliy faoliyatda keng qo‘llaniladi. Avvalo, biz lazerli erni skanerlash texnologiyasi haqida gapiramiz. Shunday qilib, Myunxendagi INTERGEO-2006 ko‘rgazmasida «ZQF» kompaniyasi va «Volkswagen» avtohalokatlarni tekshirish bo‘limi harakatlanayotgan transport vositasidan skanerlashning innovatsion usulini taqdim etdi. Tizimning samaradorligini ko‘rsatish uchun 1 kilometr uzunlikdagi avariya joyi atigi 10 daqiqada skanerdan o‘tkazildi. Qayd etish transport vositasiga o‘rnatilgan bitta lazerli skaner yordamida amalga oshirildi.

Fotogrametrik usullarga o‘xshash er ustidagi lazerli skanerlash va modellashtirish, o‘lchovlarni to‘g‘ridan-to‘g‘ri qayd etish joyida boshqarish

imkoniyati bilan bir turgan nuqtadan koordinatalarni olish imkonini beradi. Lazerli skanerlash inqilobiy xususiyatga ega, chunki u sizga YTH sodir bo‘lgan joyda tezda, voqea sodir bo‘lgan joyning to‘liq uch o‘lchamli batafsil rangli tasvirini yaratishga, shuningdek uni voqea sodir bo‘lganidan oldingi holat bilan solishtirishga imkon beradi. Lazerli skanerlash ma’lumotlari DVD yoki boshqa saqlash vositalarida saqlanishi mumkin.

Shuni ta’kidlash kerakki, ko‘rib chiqilayotgan lazerli skanerlash texnikasi Germaniya, Buyuk Britaniya yo‘l politsiyasi, Shveytsariyadagi sug‘urta agentlari va favqulodda vaziyatlar komissarlari tomonidan muvaffaqiyatli qo‘llanilmoqda.

Er usti lazerli skanerlash usulining an’anaviy tadqiqot usullariga nisbatan afzalliklari aniq:

- bir zumda uch o‘lchamli vizuallashtirish;
- yuqori aniqlik;
- taqqoslanmaydigan darajada to‘liqroq natijalar;
- tezkor ma’lumotlarni yig‘ish;
- kuzatishga qiyinchilik tug‘diruvchi va xavfli ob’ektlarni qayd etishda xavfsizlikni ta’minlash.

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash lozimki, avtotransport infratuzilmasini rivojlantirishning hozirgi bosqichida aksariyat avtotransport vositalari videoregistrator va taxograflar bilan jihozlangan, chorraha va avtomobil yo‘llarida statsionar videokuzatuv kameralari o‘rnatilgan.

Yuqorida qayd etilgan zamonaviy texnik vositalar ba’zi hollarda YTH holatlari to‘g‘risida ob’ektiv ma’lumotlarning yagona manbai hisoblanadi. Videoregistratorlar va statsionar videokameralardan protsessual tarzda olingan ma’lumotlardan, ekspert-tracolog yoki avtotexnik tomonidan foydalanish, hech qanday shubhaga tug‘dirmaydi. Olingan tasvirlarning video ketma-ketligidan foydalanib, mutaxassislar avtomobil to‘qnashuvi joyini, to‘qnashuv vaqtida piyoda va transport vositasining nisbiy joylashuvini, transport vositalarining nisbiy holatini va elementlarga nisbatan masofasini, yo‘l holati, transport vositasining tezligi va boshqa masalalarni aniq belgilaydilar.

Aytish kerakki, videoregistratorlardan olingan ma’lumotlar ham, statsionar videokuzatuv kameralaridan olingan ma’lumotlar ham informatsiondir, bu o‘ziga xos yo‘l transporti holati va videoyozuv shartlari bilan bog‘liq, xususan:

- video yozish moslamasining joylashuvi (qayd etish vaqtida harakatda yoki harakatsiz);

- videoyozuv moslamasining voqea joyidan uzoqligi;
- videoyozuvning texnik tavsiflari (ravshanligi, soniyada kadrlar soni va boshqalar);
- ko‘rish burchagi va tasvir holati.

Taxograf - bu avtomobilning bir qismi bo‘lib, harakatlanish tezligi, avtomobilning yurgan masofasi, ekipajning ish va dam olish vaqtlari kabi parametrlarni kuzatish va qayd etishga mo‘ljallangan, boshqaruvchi bortdagi qayd qiluvchi qurilmadir.

Ko‘pgina rivojlangan davlatlarda jumladan, Rossiyada 2012-yil 23-yanvardan boshlab taxograf yo‘lovchi va og‘ir yuk mashinalariga o‘rnatish va foydalanish uchun majburiy bo‘lib qoldi, bu to‘g‘ridan-to‘g‘ri ushbu davlatlarning normativ-huquqiy hujjatlarida ko‘rsatilgan. Taxograf ma’lumotlari voqealar xronologiyasini tiklashga va ushbu ma’lumotlardan yo‘lda ham, yo‘l-transport hodisalari holatlarini tekshirish paytida ham bahsli vaziyatlarni hal qilish uchun foydalanish imkonini beradi.

Shuni yodda tutish kerakki, transport vositalariga raqamli taxograflarni faqat kriptografik axborotni himoya qilish bilan o‘rnatishga ruxsat beriladi. Boshqa turdagi taxograflarni o‘rnatish taqiqlanadi. CIPF - bu taxograf tomonidan yozib olingan ma’lumotlarni himoya qilish uchun zarur bo‘lgan kriptografik axborotni himoya qilish tizimi. Raqamli taxograf ma’lumotlarini yuklab olish uchun maxsus qurilmalar talab qilinadi, masalan, TachoDrive Plus [8].

Taxograf ma’lumotlari voqealar xronologiyasini tiklashga va ushbu ma’lumotlardan yo‘lda ham, yo‘l-transport hodisalari holatlarida sud-tibbiy ekspertiza paytida ham bahsli vaziyatlarni hal qilish uchun foydalanish imkonini beradi.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda shuni ta’kidlashni istardimki, faqat yo‘l-transport hodisasida jismoniy ob’ektlarni aniqlash va qayd etishning zamonaviy texnik vositalaridan foydalanadigan yuqori malakali sud-tibbiyot eksperti haqiqatan ham tergovchi va YPX xodimlariga bebaho yordam bera oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Жулев В.И., Степанищев А.В. Расследование дорожно-транспортных преступлений: метод. рекомендации. М., 2004.

2. Иванов Л.А. Следственный осмотр при расследовании транспортных происшествий. Саратов, 1993.

3. Зонов Ю.Б., Емышев В.С., Водопьянов В.И., Алферов К.А., Виноградов Д.С., Чайковский А.В. Технические средства для работы на места дорожно-транспортных происшествий. М., 1996.

4. Газизов В*.А., Емышев В.С.* Фотограмметрические системы. // Криминалистические средства и методы в раскрытии и расследовании преступлений. М., 2004.

5. *Демидова Т.В.* Взаимодействие следователя с сотрудниками экспертно-криминалистических подразделений при расследовании дорожно- транспортных преступлений. М.: Юрлитинформ, 2010.

6. Автоматизированные системы фиксации и реконструкции дорожно-транспортных происшествий. Информационный выпуск. М., 1998.

7. Применение фотограмметрических комплексов на местах ДТП. Методическое пособие. М., 2003.

8. Официальный сайт ГК «ЭВЭН» — ҳттп:// тахографф.ру/о-компании/

Tashmanov Yerbol Baymatovich
O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi akademiyasi katta o‘qituvchisi, texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

YO‘L-PATRUL XIZMATI BO‘LINMALARIGA MUTAXASSISLARNI TAYYORLASHDA VIDEO KUZATUV TIZIMLARI TAHLILI

Annotatsiya. Ushbu ishda yo‘l-patrul xizmati bo‘linmalari mutaxassislarining amaliy tajribasini oshirishda video kuzatuv tizimlarining haqiqiy voqealar asosidagi o‘rganish, vaziyatlarni bosqichma-bosqich tahlil qilish, holatlarni guruhlarda muhokama qilish, professional yondashuvni o‘rganish, kasbiy kommunikatsiyani shakllantirish, xavfli vaziyatlarda to‘g‘ri harakat qilish, xatolarsiz hujjatlashtirish va rasmiy ish yuritish, tajribali xodimlarning faoliyatini o‘rganish usullarining tahlili ko‘rib chiqilgan.

Kalit so‘zlar: yo‘l-patrul xizmati, video kuzatuv tizimlari, mutaxassislarni tayyorlash, xavfli vaziyatlar, tajribali xodimlar, protokollar, bayonnomalar, real video materiallar.

Аннотация. В данной работе рассматривается совершенствование практического опыта специалистов дорожно-патрульной службы посредством изучения реальных примеров с использованием систем видеонаблюдения, а также изучение деятельности опытных сотрудников, обсуждение ситуаций в группах, изучение профессионального подхода, развитие профессиональной коммуникации, правильные действия в опасных ситуациях, документирование и ведение официальных записей без ошибок.

Ключевые слова: дорожно-патрульная служба, системы видеонаблюдения, обучение специалистов, опасные ситуации, опытный персонал, протоколы, отчеты, реальные видеоматериалы.

Abstract. This paper examines the improvement of practical experience of road patrol service specialists through the study of real examples using video surveillance systems, as well as the study of the activities of experienced employees, discussion of situations in groups, study of a professional approach, development of professional communication, correct actions in dangerous situations, documentation and maintenance of official records without errors.

Keywords: road patrol service, video surveillance systems, specialist training, dangerous situations, experienced personnel, protocols, reports, real video materials.

Bugungi kunda yo‘l-patrul xizmati bo‘linmalari o‘z faoliyatida nafaqat klassik metodlarni, balki ilg‘or texnologiyalarni ham qo‘llashga intilmoqda. Bu yo‘nalishdagi texnologiyalardan biri bo‘lgan video kuzatuv tizimlari xodimlarning operativ harakatlarini yaxshilash va ularning xavfsizlikka oid qarorlar qabul qilish ko‘nikmalarini rivojlantirishda yordam beradi. Video kuzatuv tizimlari yordamida yo‘l harakati, jinoyatlar, avtohalokatlar va boshqa xavfli holatlar monitoring qilinadi, bu esa xodimlarga real vaqtda amaliy treninglar o‘tkazish imkonini beradi. Bundan tashqari, video kuzatuv tizimlari xodimlarning ish faoliyatini tahlil qilishda va ularga kerakli psixologik tayyorgarlikni oshirishda ham yordam beradi. Xodimlar real vaziyatlarda qanday harakat qilishlarini, qanday qarorlar qabul qilishlarini va noqulay holatlarda qanday javob berishlarini o‘rganishlari uchun video materiallar asosida tahlillar va simulyatsiyalar o‘tkazish mumkin. Bu esa ularning amaliy ko‘nikmalarini oshirishga, xavfsizlikni ta’minlashda muvaffaqiyatli va tezkor harakat qilishga yordam beradi.

Yo‘l-patrul xizmati (YPX) bo‘linmalari uchun mutaxassislar tayyorlashda video kuzatuv tizimlarining roli juda muhim. Quyida bu tizimlarning qanday yordam berishini bir necha asosiy yo‘nalishda ko‘rib chiqamiz:

Amaliy tajribani oshirishda video kuzatuv tizimlarining o‘rni.

YPX xodimlari uchun nazariy bilimlar bilan bir qatorda amaliy tajriba ham katta ahamiyatga ega. Xodimlar real hayotdagi holatlarda tez va to‘g‘ri qaror qabul qila olishlari, qoidalarni aniq bilishlari va ularni to‘g‘ri tatbiq eta olishlari zarur. Shu nuqtayi nazardan, video kuzatuv tizimlari zamonaviy o‘quv jarayonining ajralmas qismiga aylanmoqda.

Real vaziyatlar asosidagi o‘quv jarayonida video kuzatuv tizimlari orqali turli joylarda sodir bo‘layotgan yo‘l harakati holatlari yozib olinadi. Ushbu yozuvlar YPX xodimlarining real amaliy faoliyatini tahlil qilish, qoidabuzarlik holatlarini bosqichma-bosqich ko‘rib chiqish, transport vositalari harakati, piyodalar harakati va boshqa ishtirokchilar bilan yuzaga kelgan vaziyatlarni o‘rganish imkonini beradi. Bu orqali tinglovchilar yoki kursantlar har bir holatning tafsilotlarini chuqurroq tushunib, o‘zlarining bilimlarini amaliy asosda mustahkamlashadi.

Video kuzatuv tizimlari orqali olingan real yo‘l harakati holatlari kursantlarga nazariy bilimni real vaziyatlar bilan bog‘lab o‘rganish imkoniyatini yaratadi. Bu metod zamonaviy ta’lim texnologiyalarida kuzatish orqali o‘rganish (observational learning) deb nomlanadi va u ayniqsa yo‘l-patrul xizmati sohasida juda samarali hisoblanadi.

Haqiqiy voqealar asosidagi o‘rganishda video yozuvlar orqali kursantlar transport vositalarining to‘xtatilishi va tekshirilishi, yo‘l harakati qoidalarini buzgan haydovchilarga nisbatan choralar ko‘rilishi, yo‘l-transport hodisalari yuzasidan joyida hujjatlar rasmiylashtirilishi, YPX xodimlari va fuqarolar o‘rtasidagi muloqot va munosabatidagi holatlarni tahlil qilishlari mumkin.

Vaziyatlarni bosqichma-bosqich tahlil qilishda video yozuvlar yordamida hodisaning boshlanishi, muloqot jarayoni, huquqiy asoslar, natija kabi har bir holatni bosqichma-bosqich tahlil qilish mumkin.

Shu tarzda tahlil kursantlarni tahliliy fikrlashga, qonunchilikni amaliyotda to‘g‘ri qo‘llashga o‘rgatadi.

Holatlarni guruhlarda muhokama qilish usulida har bir kursant o‘z nuqtai nazarini bildiradi, turli yondashuvlar va fikrlar solishtiriladi xamda to‘g‘ri yechimga jamoaviy tarzda kelinadi.

Bu usul komandada ishlash va fikr almashish madaniyatini rivojlantiradi — YPX xodimi uchun bu juda muhim kompetensiyadir.

YPX bo‘linmalarida samarali faoliyat yuritayotgan, kasbini puxta egallagan va turli vaziyatlarda o‘zini to‘g‘ri tuta oladigan tajribali xodimlar — yangi kursantlar va tinglovchilar uchun namuna bo‘lib xizmat qiladi. Video kuzatuv tizimlari yordamida ana shunday xodimlarning real faoliyati yozib olinib, o‘quv jarayonlarida amaliy o‘rganish vositasi sifatida ishlatiladi.

Professional yondashuvni o‘rganishda tajribali inspektorlarning faoliyati orqali kursantlar tinchlik va tartibni saqlagan holda, fuqarolar bilan muloqot qilish, vaziyatni baholash va qonunchilik asosida to‘g‘ri harakat qilish, mo‘tadil, odobli va salobatli muomala uslubini o‘rganadilar.

Kasbiy kommunikatsiyani shakllantirishda tajribali xodimlar suhbatni qanday boshlashi, huquqiy holatni qanday tushuntirishi va mojaroni qanday yumshoq yo‘llar bilan bartaraf qilish kabi ko‘nikmalarda yuqori darajadagi ustalikni namoyon etadi. Bu holatlar videoda aks ettirilgach, kursantlar tomonidan analiz qilinadi va mashq qilinadi. Natijada, ularning nutq madaniyati, muomala etikasi va ishonchli muloqot ko‘nikmalari rivojlanadi.

Xavfli vaziyatlarda to‘g‘ri harakat qilishni o‘rganishda tajribali xodimlar ko‘pincha noqulay yoki xavfli vaziyatlarda (mast haydovchi bilan muomala, qochishga uringan fuqaroni to‘xtatish va jamoat tartibini buzgan shaxsga qonuniy ta’sir o‘tkazish) qanday harakat qilishni bilishadi.

Bu holatlar real yozuvlarda ko‘rsatilib, kursantlar ularni tahlil qilish orqali xavfni baholashni, o‘zini himoya qilishni va hamkasblari bilan hamkorlikda ishlashni o‘rganadilar.

Xatolarsiz hujjatlashtirish va rasmiy ish yuritishda video orqali tajribali xodimlarning huquqiy hujjatlarni qanday to‘g‘ri rasmiylashtirishi, ma’lumotlarni qanday tartibda yozib borishi va qonun asosida har bir harakatni qanday hujjatlashtirishini kuzatish mumkin. Bu orqali kursantlar protokollar, bayonnomalar va boshqa hujjatlarni to‘g‘ri tuzish bo‘yicha aniq ko‘nikma hosil qiladilar.

Video orqali tajribali xodimlarning faoliyatini o‘rganish nazariy bilimlarni amaliy modelga aylantiradi, yangi xodimlarda kasbiy o‘ziga xoslikni shakllantiradi, qiyin holatlarda to‘g‘ri harakat qilishni o‘rgatadi, muloqot va hujjat yuritish madaniyatini rivojlantiradi. Bu yondashuv YPX tizimida malakali, vatanparvar va mas’uliyatli xodimlarni tayyorlashda muhim rol o‘ynaydi.

Tajribali xodimlarning faoliyatini o‘rganish YPX mutaxassislarini tayyorlashda juda muhim ahamiyatga ega. Tajribali xodimlarning harakatlarini o‘rganish, yangi xodimlarga real vaziyatlarda to‘g‘ri qarorlar qabul qilishni o‘rgatadi va ular uchun eng yaxshi o‘rganish metodlaridan biridir. Video kuzatuv tizimlari yordamida bunday faoliyatni o‘rganish jarayoni quyidagi nuqtalarga e’tibor qaratadi.

Video kuzatuv tizimlari yordamida, yangi xodimlar tajribali xodimlarning ish uslubini bevosita kuzatishlari mumkin. Tajribali xodimlarning qanday vaziyatlarda qanday qarorlar qabul qilishi, qanday muloqot qilishlari, qoidalarni qanday qo‘llashlari haqida videolar orqali o‘rganish mumkin. Misol uchun: Haydovchining hujjatlarini tekshirishda tajribali inspektorlarning qanday qilib hujjatlarni tekshirish va ular bilan qanday muomala qilishlari ko‘rsatiladi. Yo‘l-transport hodisasi yuz berganda hodisa joyiga yetib kelgan tajribali xodimning vaziyatni qanday baholashi va tezkor qarorlar qabul qilishi kuzatiladi. Bu usul kursantlarga real vaziyatlar bilan bog‘langan amalga oshirilgan harakatlar orqali o‘rganishga yordam beradi.

Muloqot va munosabatlar ko‘nikmalarini rivojlantirishda tajribali xodimlar ko‘pincha qiyin vaziyatlarda fuqarolar bilan muloqot qilishni o‘rganishgan. Video materiallar orqali kursantlar muloqotning o‘rnatilishida xodimning birinchi so‘zlari qanday bo‘lishi kerakligini o‘rganadilar, masalan, salomlashish, sabr-toqat bilan suhbatni boshlash. Tinchlantirish va yechim izlashda xodimlar qanday qilib g‘azablangan yoki xavotirda bo‘lgan fuqarolarni tinchlantirishi va ular bilan qanday qilib murosaga kelishlari kerakligini kuzatishadi.

Video yordamida bu jarayonlarni o‘rganish kommunikativ ko‘nikmalarni rivojlantiradi va kursantlarni yaxshi muloqotchi va muammolarni hal qilishda yuqori malakali mutaxassis sifatida tayyorlaydi.

Favqulodda vaziyatlarda tez va aniq qaror qabul qilish ko‘nikmasi har bir YPX xodimi uchun zarur. Tajribali xodimlarning faoliyatini tahlil qilish orqali kursantlar qanday vaziyatlarda qanday qaror qabul qilishni o‘rganadilar. Qiyin holatlar bo‘yicha video tahlilini o‘tkazish. Masalan haydovchi hujjatlarni ko‘rsatmayapti yoki mast bo‘lsa, tajribali xodim qanday choralar ko‘rganini tahlil qilish. Mojarolarni bartaraf etishda kursantlar, qanday qilib xodimlar vaziyatni tinchlantirishi, fuqarolarni ruxsat berish yoki zarur choralarni ko‘rishlarini o‘rganadilar. Bu, o‘z navbatida, yosh va yangi xodimlar uchun qiyin vaziyatlarda qanday amaliy qarorlar qabul qilishni o‘rgatadi va ularni tayyorlaydi.

Real video materiallar yordamida xatoliklarni aniqlash va ularni tahlil qilish imkoniyatlari mavjud. Har bir holatda xodim tomonidan amalga oshirilgan xatoliklar va to‘g‘ri yondashuvlar o‘rganiladi. Bunday tahlil xatoliklarni aniqlashda tajribali xodim tomonidan xato qilinganini, qanday holatlarda yondashuvni o‘zgartirish zarurligini ko‘rsatadi. Xatoliklarni tahlil qilish kursantlarga xatolardan saboq olish va keyingi holatlarda qanday qilib xatolarni oldini olishni o‘rganishga yordam beradi. Shu bilan birga, tajribali xodimlarning xatoliklardan qanday o‘rganishlari va ularni kelajakda qanday tuzatilishini ko‘rish imkoniyati kursantlarning reflektiv fikrlash ko‘nikmalarini oshiradi.

Tajribali xodimlarning faoliyatini o‘rganish bu kursantlarga kasbga tayyorlanishda haqiqiy dunyo tajribasini taqdim etadigan samarali usuldir. Video kuzatuv tizimlari yordamida, yangi xodimlar quyidagilarni o‘rganadilar to‘g‘ri va samarali muloqot qilish, tezkor va aniq qarorlar qabul qilish, vaziyatlarni tahlil qilish va xatolardan o‘rganish, axloqiy va kasbiy yondashuvlarni shakllantirish. Bu orqali ularni nafaqat malakali, balki ijtimoiy va kasbiy jihatdan o‘zini to‘g‘ri tutadigan xodimlar sifatida tayyorlash mumkin.

Yo‘l-patrul xizmati bo‘linmalarining samarali faoliyatini ta’minlashda va mutaxassislar tayyorlashda zamonaviy texnologiyalar, ayniqsa, video kuzatuv tizimlari muhim rol o‘ynaydi. Ushbu tizimlar yordamida xodimlarning amaliy faoliyatini kuzatish, baholash va takomillashtirish mumkin. Video kuzatuv tizimlari nafaqat xavfsizlikni oshirish, balki xodimlarning tezkor qaror qabul qilish ko‘nikmalarini rivojlantirishga ham katta yordam beradi. Shuningdek,

tizimlar orqali xodimlar real vaziyatlarga tayyorlanadi, ularning qarorlari va harakatlari tahlil qilinadi, bu esa ularning ish samaradorligini oshiradi.

Takliflar:

1. Video kuzatuv tizimlarini kengroq joriy etish: YPX bo‘linmalarida video kuzatuv tizimlarining imkoniyatlarini yanada kengaytirish zarur. Bu tizimlar faqatgina yo‘l harakatini nazorat qilish bilan cheklanmasdan, xodimlar va transport vositalarining faoliyatini ham kuzatish va tahlil qilishga xizmat qilishi kerak.

2. Video kuzatuv tizimlaridan olingan ma’lumotlarni tahlil qilish va muntazam yangilash: Video tizimlaridan olingan ma’lumotlar muntazam ravishda tahlil qilinishi, xavfli hududlar va holatlar haqida ma’lumotlar yangilanishi kerak. Bu esa xizmatni takomillashtirish va xavfsizlikni oshirishda yordam beradi.

3. Xodimlarning psixologik va amaliy tayyorgarligini yaxshilash: Video kuzatuv tizimlaridan foydalanish xodimlarning psixologik holatiga ta’sir qiladi, shu sababli tizimlar yordamida amalga oshirilgan amaliy treninglar, psixologik tayyorgarlik va stressni boshqarish bo‘yicha kurslar o‘tkazish lozim.

4. Maxfiylikni ta’minlash: Video kuzatuv tizimlaridan foydalanishda maxfiylikni saqlash va shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish masalalariga alohida e’tibor qaratish zarur. Tizimlar faqatgina xizmat maqsadlarida foydalanilishi va shaxsiy hayotga aralashmasligi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Бенилов А.И., Погорелый С.Д. Вейвлет-анализ и его применение для сжатия мультимедийной информации // – Киев, 2002. – С. 15.

2. Борискевич А.А. Цифровая обработка речи и изображений. – Минск, 2007. – 124 с.

3. Брайс Р. Руководство по цифровому телевидению. ДМК. – М., 2002. – 278 с.

4. Гонсалес Р., Вудс Р. Цифровая обработка изображений. – М.: Техносфера, 2005. – 1072 с.

5. Дворкович А.В., Дворкович В.П. Цифровые видеоинформационные системы (теория и практика). – М.: Техносфера, 2012.

Qurbonov Sherzod Murodqobilovich
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti mustaqil tadqiqotchisi
Nodir Sobrovich Xaydarov
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti mustaqil izlanuvchisi

PATRUL-POST XIZMATI VA YO‘L-PATRUL XIZMATI FAOLIYATIDA KADRLAR TAYYORLASHNI TAKOMILLASHTIRISH, YO‘L-TRANSPORT HODISALARINING OLDINI OLISH BO‘YICHA ERTA OGOHLANTIRISH TIZIMINI RIVOJLANTIRISH

Annotatsiya: Ushbu maqolada O‘zbekistonda yo‘l-transport hodisalari (YTH) bilan bog‘liq dolzarb muammo tahlil qilinadi hamda Patrul-post xizmati (PPX) va Yo‘l-patrul xizmati (YPX) xodimlarini tayyorlashning amaldagi tizimi baholanadi. Tizimdagi ayrim kamchiliklar [9] va xalqaro tajriba (Germaniya [12], Janubiy Koreya [13], Turkiya [14]) tahlili asosida kadrlar tayyorlash modelini takomillashtirish bo‘yicha takliflar ilgari suriladi. Shuningdek, YTHning oldini olishda sun’iy intellekt (SI) [15] va videokuzatuv [6, 7] kabi zamonaviy texnologiyalarga asoslangan erta ogohlantirish tizimlarining roli muhokama qilinadi hamda ularni samarali joriy etish uchun zarur bo‘lgan huquqiy [17], tashkiliy, texnik sharoitlar va xodimlarning kompetensiyalarini rivojlantirish yo‘llari ko‘rsatib beriladi.

Kalit so‘zlar: Patrul-post xizmati (PPX), Yo‘l-patrul xizmati (YPX), kadrlar tayyorlash, yo‘l harakati xavfsizligi, yo‘l-transport hodisalari (YTH), erta ogohlantirish tizimi, sun’iy intellekt, videokuzatuv, O‘zbekiston.

Аннотация: В данной статье анализируется актуальная проблема дорожно-транспортных происшествий (ДТП) в Узбекистане и оценивается действующая система подготовки сотрудников Патрульно-постовой службы (ППС) и Дорожно-патрульной службы (ДПС). На основе анализа существующих недостатков [9] и передового международного опыта (Германия [12], Южная Корея [13], Турция [14]) выдвигаются предложения по совершенствованию модели подготовки кадров. Также обсуждается роль систем раннего предупреждения, основанных на современных технологиях, таких как искусственный интеллект (ИИ) [15] и видеонаблюдение [6, 7], в предотвращении ДТП, и указываются пути развития необходимых правовых [17], организационных, технических условий и компетенций сотрудников для их эффективного внедрения.

Ключевые слова: Патрульно-постовая служба (ППС), Дорожно-патрульная служба (ДПС), подготовка кадров, безопасность дорожного движения, дорожно-транспортные происшествия (ДТП), система раннего предупреждения, искусственный интеллект, видеонаблюдение, Узбекистан.

Abstract: This article analyzes the pressing issue of road traffic accidents (RTAs) in Uzbekistan and evaluates the current training system for officers of the Patrol-Post Service (PPS) and Road-Patrol Service (RPS). Based on the analysis of existing shortcomings [9] and international best practices (Germany [12], South Korea [13], Turkey [14]), proposals are put forward to improve the personnel training model. Furthermore, the role of early warning systems based on modern technologies such as artificial intelligence (AI) [15] and video surveillance [6, 7] in preventing RTAs is discussed, and pathways for developing the necessary legal [17], organizational, technical conditions, and personnel competencies for their effective implementation are outlined.

Keywords: Patrol-Post Service (PPS), Road-Patrol Service (RPS), personnel training, road traffic safety, road traffic accidents (RTAs), early warning system, artificial intelligence, video surveillance, Uzbekistan.

Kirish

O‘zbekistonda yo‘l harakati xavfsizligini ta’minlash [4] dolzarb ijtimoiy-iqtisodiy muammolardan biri bo‘lib qolmoqda. Rasmiy statistik ma’lumotlar vaziyatning jiddiyligini ko‘rsatadi. Masalan, 2023-yil davomida respublika bo‘yicha 2 mingdan ortiq inson YTH oqibatida halok bo‘lgan [1]. Bu raqamlar nafaqat fojiali insoniy yo‘qotishlarni, balki jiddiy iqtisodiy zararni ham anglatadi.

YTHlarning kelib chiqish sabablari kompleks xarakterga ega bo‘lib, ular orasida haydovchilar tomonidan yo‘l harakati qoidalariga rioya qilmaslik, yo‘l infratuzilmasining holati va boshqa omillar o‘rin tutadi [2].

Bunday sharoitda Patrul-post xizmati (PPX) va Yo‘l-patrul xizmati (YPX) xodimlarining zimmasiga yuklatilgan vazifalarning ahamiyati yanada ortadi. Ular yo‘l harakatini tartibga solish, huquqbuzarliklarning oldini olish, YTH sodir etilishiga olib keluvchi omillarni aniqlash va bartaraf etish, sodir bo‘lgan hodisalarga o‘z vaqtida va samarali munosabat bildirish orqali jamoat xavfsizligini ta’minlashda muhim o‘rin tutadi [3, 4]. PPX va YPX xodimlarining professionalizmi, bilim darajasi, amaliy ko‘nikmalari, fuqarolar bilan muloqot madaniyati [3] hamda xizmat intizomiga qat’iy rioya etishi [5] ularning o‘z xizmat vazifalarini samarali bajarishini va yo‘llardagi xavfsizlik darajasini belgilaydi.

So‘nggi yillarda O‘zbekistonda yo‘l harakatini boshqarish va nazorat qilish tizimiga sun’iy intellekt (SI) [15], videokuzatuv [6, 7] kabi zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari faol joriy etilmoqda. Bu esa PPX va YPX xodimlarini ushbu texnologiyalardan samarali foydalanishga o‘rgatish, ularning texnologik savodxonligini oshirishni taqozo etadi [6].

Shu nuqtayi nazardan, ushbu maqolaning maqsadi O‘zbekistonda PPX va YPX xodimlarini tayyorlashning amaldagi tizimini tahlil qilish [9, 10, 11], Germaniya [12], Janubiy Koreya [13] va Turkiya [14] kabi davlatlar tajribasini o‘rganish, YTHning oldini olishda zamonaviy texnologiyalarga asoslangan erta ogohlantirish tizimlarining rolini baholash [6, 7, 15] hamda kadrlar tayyorlash tizimini va erta ogohlantirish mexanizmlarini takomillashtirish bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqishdan iborat.

Asosiy qism

A. Amaldagi tizim tahlili: O‘zbekistonda PPX va YPX xodimlarini tayyorlash

O‘zbekistonda ichki ishlar organlari, shu jumladan PPX va YPX uchun kadrlar tayyorlash tizimi soңggi yillarda bir qator islohotlarni boshdan kechirdi [8, 11]. Bu islohotlar tizimni modernizatsiya qilish va uning samaradorligini oshirishga qaratilgan [11].

- **Hozirgi tayyorlov tizimi:** Ichki ishlar organlariga xizmatga qabul qilish va kadrlar tayyorlash jarayonida IIV Malaka oshirish instituti muhim o‘rin tutadi. Ichki ishlar organlari xodimlarini boshlang‘ich tayyorlash va ularning malakasini oshirish markazlari tugatilib, ularning vazifalari Malaka oshirish instituti tarkibiga o‘tkazilgan [11]. IIV Malaka oshirish institutining kasbiy tayyorgarlik fakultetiga nomzodlarni qabul qilish tartibi maxsus nizom bilan tartibga solinadi [10]. Nomzodlarga oliy ma’lumotga ega bo‘lish kabi talablar qo‘yiladi [10]. Ichki ishlar organlariga xizmatga birinchi marta qabul qilingan xodimlar uchun dastlabki sinov muddati belgilangan [5].
- **O‘quv dasturlari va metodologiyasi:** Amaldagi o‘quv dasturlari nomzodlarga zarur nazariy bilimlar va huquqiy tayyorgarlikni berishga qaratilgan. Amaliy mashg‘ulotlar va ularning real xizmat sharoitlariga mosligi tizim samaradorligini belgilaydi. Psixologik tayyorgarlik ham muhim. PPX va YPX xodimlarini psixologik barqarorlikka, fuqarolar bilan samarali va xushmuomala muloqot qilishga [3], kasbiy madaniyat va axloq qoidalariga [5] qat’iy rioya etishga o‘rgatish zarur. Bu borada Ichki ishlar organlari xodimlarining kasbiy madaniyat va xizmat intizomi Kodeksining qabul qilinishi muhim qadam bo‘ldi [5].

• **Kamchiliklar va muammolar:** Kadrlar tayyorlash tizimidagi kamchiliklar to‘g‘risida tanqidiy fikrlar mavjud [9]. Tizimdagi islohotlar [11] ularning samaradorligi nafaqat tashkiliy tuzilmaga, balki o‘quv dasturlari sifati va o‘qitish metodologiyasiga ham bog‘liqligini ko‘rsatadi [9]. Yuqori YTH statistikasi [1] ham kadrlar tayyorlash tizimining samaradorligini qayta ko‘rib chiqish zarurligini ko‘rsatishi mumkin. "Xavfsiz shahar" tizimi, bodikameralar [6, 16] kabi yangi texnologiyalarning joriy etilishi xodimlarning texnologik savodxonligi masalasini kun tartibiga qo‘ymoqda. Ularning ushbu vositalardan samarali foydalanishi uchun maxsus o‘quv kurslari kerak [6]. Nazariy bilimlar va amaliy ko‘nikmalar o‘rtasidagi muvozanatni ta’minlash, o‘quv jarayonini real hayotiy vaziyatlarga yaqinlashtirish muhim.

B. Xorijiy tajriba: Rivojlangan mamlakatlarda yo‘l politsiyasini tayyorlash

Yo‘l harakati xavfsizligini ta’minlash va PPX/YPX xodimlarini tayyorlash tizimini takomillashtirishda ilg‘or xorijiy tajribani o‘rganish muhim.

• **Germaniya tajribasi:** Germaniyada federal politsiya xodimlarini tayyorlash ko‘p bosqichli bo‘lib, o‘rta va yuqori xizmat darajalari uchun turli muddatli (masalan, 2,5 yoki 3 yillik) ta’lim dasturlari mavjud. Bu dasturlar nazariya va amaliyotni (dual tizim) uyg‘unlashtirishni o‘z ichiga oladi [12].

• **Janubiy Koreya tajribasi:** Janubiy Koreyada politsiya kadrlari asosan Koreya Milliy Politsiya Universiteti (KNPU) kabi muassasalarda tayyorlanadi. O‘quv dasturlari huquq, jamoat boshqaruvi va politsiya fanlarini qamrab oladi, jumladan “Yo‘l harakati nazariyasi” kursi ham mavjud. Amaliy tayyorgarlik haydash, otish va boshqa ko‘nikmalarni o‘z ichiga oladi [13].

• **Turkiya tajribasi:** Turkiyada Politsiya Akademiyasi markaziy o‘rin tutadi. Akademiya tarkibida yo‘l harakati xavfsizligi va boshqaruvi sohasida magistrlik dasturlarini taklif etuvchi Yo‘l harakati instituti (Trafik Enstitüsü) faoliyat yuritadi [14].

• **Qiyosiy tahlil va moslashtirish:** Ko‘rib chiqilgan mamlakatlar tajribasida nazariy bilimlar va amaliy ko‘nikmalarni uyg‘unlashtirish, xodimlarni muayyan yo‘nalishlarga ixtisoslashtirishga intilish kuzatiladi. Xalqaro tajriba shuni ko‘rsatadiki, samarali tizim nafaqat texnik ko‘nikmalarga, balki muloqot qilish, muammolarni hal etish, axloqiy qarorlar qabul qilish kabi “yumshoq ko‘nikmalar”ga ham e’tibor qaratadi. O‘zbekistonda ham fuqarolar bilan xushmuomala bo‘lish [3] va kasbiy madaniyat kodeksiga [5] rioya etish talablari buning muhimligini tasdiqlaydi. Xalqaro tajribadan olinadigan muhim saboqlardan biri – texnik va taktik tayyorgarlik bilan bir qatorda, ijtimoiy-psixologik, kommunikativ va axloqiy

kompetensiyalarni rivojlantirishga ham tizimli e’tibor qaratishdir. O‘zbekiston uchun Germaniyaning dual ta’lim elementlari [12], Janubiy Koreyaning chuqurlashtirilgan o‘quv modullari [13], Turkiyaning magistratura darajasidagi ixtisoslashuv dasturlari [14] kabi elementlarni moslashtirish mumkin.

(Izoh: Avvalgi matndagi 1-jadval faqatgina saralangan 17 ta manbaga asoslanib to‘ldirilishi qiyin bo‘lgani uchun bu yerda keltirilmadi).

C. Erta ogohlantirish tizimlari: Texnologiya va Kompetensiya

Yo‘l-transport hodisalarining oldini olishda zamonaviy texnologiyalarga asoslangan erta ogohlantirish tizimlari muhim.

- **Zamonaviy texnologiyalarning roli:**
  - **Videokuzatuv:** O‘zbekistonda “Xavfsiz shahar” konsepsiyasi doirasida va PPX faoliyatida videokuzatuv tizimlari joriy etilmoqda [6]. Maxsus foto va video qayd etish texnika vositalari (“Azimut” kompleksi kabi) yordamida qoidabuzarliklar avtomatik aniqlanmoqda [7]. Videokuzatuv ma’lumotlari transport oqimlarini tahlil qilish uchun ham ishlatilishi mumkin [7].
  - **Sun’iy intellekt (SI):** O‘zbekiston hukumati sun’iy intellekt texnologiyalarini rivojlantirishga strategik ahamiyat qaratmoqda [15]. SI katta hajmdagi ma’lumotlarni tahlil qilib, YTH sodir bo‘lish ehtimoli yuqori bo‘lgan joylarni bashorat qilishi [7], videotasvirlarni tahlil qilib, xavfli haydash usullarini aniqlashi mumkin [7].
  - **Boshqa texnologiyalar:** Xodimlarning bodikameralari [6, 16] shaffoflikni oshirishga yordam beradi. Mobil elektron vositalar, jumladan planshetlar [6] orqali xodimlar tezkor ma’lumot olishi va elektron bayonnomalar tuzishi mumkin [8 (bilvosita)].
- **Xodimlarning Kompetensiyalari:** Zamonaviy texnologiyalarning joriy etilishi PPX va YPX xodimlaridan yangi bilim va ko‘nikmalarni talab qiladi [6]. Ular ushbu texnologiyalardan samarali foydalana olishlari kerak. Bu videokuzatuv tasvirlarini tahlil qilish, SI asosidagi ma’lumotlarni tushunish, elektron ma’lumotlar bazalari va mobil qurilmalar bilan ishlashni o‘z ichiga oladi. Xodimlarning malakasini oshirish dasturlariga zamonaviy texnologiyalar bo‘yicha maxsus modullarni kiritish maqsadga muvofiq [6]. Texnologiyalardan foydalanishda ma’lumotlar maxfiyligi va fuqarolarning shaxsiy daxlsizlik huquqlariga rioya qilish muhim [17].
- **Integratsiya va Samaradorlik:** Erta ogohlantirish tizimlarining samaradorligi uchun turli texnologiyalarni integratsiyalashgan kompleks sifatida ishlatish lozim. Videokuzatuv, SI tahlillari, statistik ko‘rsatkichlar va xodimlarning kuzatuvlari bir-birini to‘ldirishi kerak. Agar SI algoritmi xavfli

haydashni aniqlasa [7], ma’lumot tezda YPX ekipajiga yetib borishi kerak. Bunday tezkorlik va muvofiqlashtirish uchun texnologik platformalarni birlashtirish, idoralararo hamkorlikni takomillashtirish va xodimlarning ushbu integratsiyalashgan tizimdan foydalanish ko‘nikmalarini shakllantirish zarur.

Xulosa va takliflar

Tahlillar shuni ko‘rsatdiki, YTH sonining yuqoriligi [1], kadrlar tayyorlash tizimidagi ayrim kamchiliklar [9] va texnologik taraqqiyotdan samarali foydalanish zarurati [6, 7, 15] ushbu sohada kompleks chora-tadbirlarni talab etadi. Xalqaro tajriba [12, 13, 14] moslashtirilishi mumkin bo‘lgan yo‘nalishlarni ko‘rsatdi. Erta ogohlantirish tizimlarining samarali ishlashi uchun nafaqat texnologik, balki huquqiy [17], tashkiliy va kadrlar salohiyati bilan bog‘liq masalalarni hal etish zarur.

Quyidagi xulosa va takliflar ilgari suriladi:

- **Takomillashtirilgan Kadrlar Tayyorlash Modeli:**
  - O‘quv dasturlarini xalqaro tajriba [12, 13, 14] va O‘zbekiston ehtiyojlarini hisobga olib yangilash. Dasturlarda amaliy ko‘nikmalar, psixologik tayyorgarlik, kommunikatsiya mahorati [3], kasbiy etika [5] va zamonaviy texnologiyalardan [6, 7, 15] foydalanish bo‘yicha modullarni kuchaytirish.
  - Xodimlarning malakasini oshirish tizimini [10, 11] muntazam, ayniqsa yangi texnologiyalar [6] va qonunchilikdagi o‘zgarishlarni hisobga olgan holda takomillashtirish.
- **Erta Ogohlantirish Tizimini Rivojlantirish:**
  - Huquqiy asoslarni (ayniqsa SI va videokuzatuv bo‘yicha) fuqarolarning huquqlarini kafolatlagan holda takomillashtirish [17].
  - Mavjud va yangi texnologiyalarni yagona integratsiyalashgan platformaga birlashtirish [7]. Idoralararo hamkorlikni kuchaytirish.
- **Aniq Takliflar:**
  - Kadrlar tayyorlash va malakasini oshirish dasturlariga “Yo‘l harakati xavfsizligi va zamonaviy texnologiyalar” modulini kiritish.
  - Psixologik tayyorgarlik va konfliktologiya mashg‘ulotlarini oshirish.
  - Kasbiy etika, xizmat intizomi [5] va korrupsiyaga qarshi kurash mavzularini kuchaytirish.
  - Barcha PPX va YPX xodimlari uchun raqamli savodxonlik bo‘yicha talablarni belgilash.
  - Erta ogohlantirish tizimlaridan olingan ma’lumotlarni tahlil qilish uchun maxsus mutaxassislarni tayyorlash [15].

- Ichki ishlar organlari xodimlarining kasbiy madaniyat va xizmat intizomi Kodeksi [5] talablariga rioya etilishi ustidan nazoratni kuchaytirish.
- Xodimlarni rag‘batlantirish tizimini takomillashtirish [5].

Xulosa qilib aytganda, kadrlar tayyorlash tizimini modernizatsiya qilish [11] va zamonaviy texnologiyalarga asoslangan erta ogohlantirish tizimlarini samarali joriy etish [6, 7, 15] O‘zbekiston yo‘llarida xavfsizlikni yaxshilash uchun strategik ahamiyatga ega.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. O‘zbekistonda 2023-yilda ham 2 mingdan ortiq kishi YTHlarda halok bo‘ldi // Kun.uz. URL: https://kun.uz/71901756.
2. Azizov Q.X. Avtomobil yo‘llarida harakat xavfsizligini ta’minlash. Toshkent: (Noshir va yili noma’lum, manbadan olingan). URL: http://edu.utu-ranch.uz/media/files/2024/08/28/AVTOMOBIL_YOLLARIDA_HARAKAT_XAVFSIZLIGINI_%D1%83%D0%BA%D1%83%D0%B2_%D0%BA%D1%83%D0%BB%D0%BB%D0%B0%D0%BD%D0%BC%D0%B0.pdf.
3. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 1-dekabrdagi 975-son “Yo‘l-patrul xizmati xodimlarining yo‘l harakati qatnashchilari bilan o‘zaro munosabatlari hamda maxsus moslamalardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/-4089917.
4. O‘zbekiston Respublikasining 2013-yil 10-apreldagi O‘RQ-348-son “Yo‘l harakati xavfsizligi to‘g‘risida”gi Qonuni // Lex.uz. URL: https://lex.uz/acts/-2153411.
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 20-yanvardagi PQ-10-son “Ichki ishlar organlarini xalqchil professional tuzilmaga aylantirish va aholi bilan yanada yaqin hamkorlikda ishlashga yo‘naltirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori // Lex.uz. URL: https://www.lex.uz/docs/-6364837.
6. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 22-iyuldagi 399-son “Ichki ishlar organlari patrul-post xizmati faoliyatiga zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/-6126561.
7. Transport va yo‘l infratuzilmasi uchun texnologiyalar // Urbantech Group. URL: http://urbantechgroup.uz/lat.
8. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 19 maydagi 377-son “O‘zbekiston Respublikasi yo‘l xavfsizligini ta’minlash

tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori // Lex.uz. URL: https://lex.uz/ru/docs/-3743453.

9. Ichki ishlar organlari tizimi malakali kadrlar bilan takomillashadi // Yuz.uz. URL: https://yuz.uz/uz/news/ichki-ishlar-organlari-tizimi-malakali-kadrlar-bilan-takomillashadi.

10. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirining 2021 yil 14 dekabrdagi 3342-son “O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Malaka oshirish institutining kasbiy tayyorgarlik fakultetiga qabul qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/-5770609.

11. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 15-apreldagi PQ-5076-son “Ichki ishlar organlari uchun professional kadrlarni tayyorlashning sifat jihatidan yangi tizimini joriy etish bo‘yicha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/-5377619.

12. Ausbildung und Studium // Bundespolizei Karriere. URL: https://www.komm-zur-bundespolizei.de/ausbildung-und-studium/.

13. Academics - Curriculum // Korean National Police University (KNPU). URL: https://www.police.ac.kr/police/eng/html/academics/curriculum.do?mdex=eng9.

14. Trafik Enstitüsü // Polis Akademisi (Turkiya). URL: https://trafik.pa.edu.tr/.

15. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024 yil 14 oktyabrdagi PQ-358-son “Sun’iy intellekt texnologiyalarini 2030-yilga qadar rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori // Lex.uz. URL: https://lex.uz/docs/-7158604.

16. Toshkentda YPX xodimlari bodikameralarni sinovdan o‘tkazishni boshladi // Gazeta.uz. 24.07.2019. URL: https://www.gazeta.uz/oz/2019/07/24/bodycams/.

17. Sun‘iy intellekt tizimidan foydalanishning huquqiy asoslari: zarur qadamlar // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi. URL: https://parliament.gov.uz/news/suniy-intellekt-tizimidan-foydalanishning-huquqiy-asoslari-zarur-qadamlar.

Даврон Касимов
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоат хавфсизлиги Департаменти Жамоат тартибини сақлаш хизмати бўлим бошлиғи, мустақил изланувчи
kasimovdavron80@gmail.com

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ НАЗОРАТ-ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ФАОЛИЯТИ БЎЛИНМАЛАРИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада ички ишлар органлари назорат-лицензиялаш фаолиятини амалга оширувчи бўлинмалар ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари таҳлил қилинган. Мазкур соҳада Германия, Япония ва Россия Федерациясининг тажрибаси ўрганилиб, миллий амалиётга татбиқ этиш имкониятлари бўйича таклиф ва тавсиялар асослантирилган.

Таянч сўзлар: кадрлар тайёрлаш, назорат-лицензиялаш, жамоат хавфсизлиги, ички ишлар органлари, халқаро тажриба, касбий малака.

Аннотация: В данной статье проанализированы вопросы подготовки, переподготовки и повышения квалификации сотрудников, участвующих в лицензионно-разрешительной деятельности органов внутренних дел в сфере обеспечения общественной безопасности. Изучен опыт зарубежных стран, в частности Германии, Японии, США и Российской Федерации, а также освещены возможности его адаптации и внедрения в условиях Узбекистана.

Ключевые слова: подготовка кадров, лицензионно-разрешительная деятельность, общественная безопасность, органы внутренних дел, международный опыт, профессиональная квалификация.

Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги роли ҳар бир давлат хавфсизлик стратегиясининг ўзагини ташкил этади. Хусусан, назорат-лицензиялаш соҳаси — қурол-яроғ муомаласи, портловчи моддалар, хусусий қўриқлаш хизматлари, хавфли объектлар лицензияси каби йўналишларни қамраб олган ҳолда, юқори даражадаги масъулиятни талаб этади. Бунда кадрлар тайёргарлигининг сифат даражаси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чет эл тажрибалари бу йўналишда мукаммал тизим ва комплекс ёндашувни талаб қилишини кўрсатмоқда.

Фуқароларнинг ҳаётини, жамоат хавфсизлигини ва давлат ҳокимияти органларининг нормал фаолият кўрсатишини таъминлашнинг муҳим соҳалари билан боғлиқ функцияларни амалга оширувчи субъектлар устидан давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ чора-тадбирлар рухсат бериш тизимининг умумий ва хусусан лицензиялаш фаолиятининг мақсади ҳисобланади[34].

Бундан ташқари, рухсат бериш фаолияти орқали иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида давлат стандартлари ва норматив талабларга мувофиқлик таъминланади ва белгиланган талаблар ва шартлар бажарилиши устидан тизимли ва қатъий назорат механизмлари орқали амалга оширилади[35].

Натижада, ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган лицензиялаш ва рухсат бериш фаолияти – давлат бошқарувининг ҳуқуқий шакли сифатида, ҳуқуқий тартибни таъминлаш, жамоат хавфсизлигини муҳофаза қилиш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Айни фаолият жамоатчилик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш воситаси сифатида профилактик-хавфсизлик вазифасини ҳам бажаради. Бу, айниқса, инсон ҳаёти, соғлиғи ва жамоат хавфсизлигига юқори хавф солувчи фаолият турлари, модда ва предметлар муомаласини ҳуқуқий тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳалардаги давлат таъсири норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали қўлланиладиган аниқ талаб ва шартларга риоя этилишини таъминлашга йўналтирилган бўлади.

Бундай фаолиятнинг ўзига хос хусусияти унинг махсус маъмурий-ҳуқуқий тартиблар ўрнатилган шароитларда фаолият кўрсатиши билан боғлиқ. Лицензиялаш-рухсат бериш тизимини жорий этиш зарурияти лицензия талабгори амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган фаолиятнинг потенциал хавфлилиги билан боғлиқ[36].

Назорат-лицензиялаш фаолияти — қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб асосида, фуқаролар, жамият ва давлат хавфсизлигига жиддий таҳдид солиши мумкин бўлган модда ва буюмларнинг *(масалан, қурол, гиёҳванд моддалар, пиротехника, портловчи моддалар ва ҳ.к.)*

[34] Н.В. Субанова “Разрешительные полномочия органов исполнительной власти в Российской Федерации”. - М.: Юриспруденция, 2012. - С. 29; О.В. Гречкина, Н.А. Рубанова Лицензирование образовательной деятельности в сфере высшего профессионального образования: теоретико-правовое исследование. - М.: Юрлитинформ, 2014. - С. 28-29.

[35] Ю.Р. Гета “Лицензирование и саморегулирование в экономике: синтез публичных и частных начал” // Сибирский юридический вестник. - 2015. - № 4(71). — С. 54.

[36] Ю.К. Валяев “Метод разрешения в административном праве России”. - М.: ЮНИТИ, 2009.-С. 3.

муомаласини ҳуқуқий тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар мажмуасидан иборат.

Ушбу фаолият қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

а) жисмоний ва юридик шахсларга муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар ёки рухсатнома шаклидаги ҳужжатларни расмийлаштириш ва бериш;

б) лицензияланган фаолият ёки рухсат этилган ҳаракатларнинг белгиланган шарт ва талабларга мувофиқлиги устидан давлат органлари томонидан доимий ва тизимли назоратни амалга ошириш;

в) бериладиган рухсатларнинг амал қилиши муддатини тўхтатиб туриш, уларни тиклаш, бекор қилиш ёки амал қилиши тугашини расман эълон қилиш;

г) тегишли давлат реестрларини юритиш, лицензия ва рухсатлар бўйича ахборот ресурсларини шакллантириш ва ошкоралигини таъминлаш.

Назорат-лицензиялаш фаолиятининг мақсади ва аҳамияти - Назорат-лицензиялаш механизми орқали давлат хавфли фаолият турларини ҳуқуқий тартибга солади ҳамда жамиятда ҳуқуқбузарликлар, ноқонуний фаолият ва потенциал таҳдидларнинг олдини олиш, фуқаролар, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, соҳадаги ҳуқуқий талаб ва нормаларга қатъий риоя этилишини кафолатлаш каби устувор вазифалар амалга оширилади.

Ушбу фаолият давлатнинг ҳуқуқий ва маъмурий назорат функциясини амалга ошириш воситаси бўлиб, идоравий бошқарувнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Назоратсиз, лицензиясиз ёки рухсатсиз амалга оширилган фаолият жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид туғдириши мумкин. Шу боисдан, бундай фаолиятлар фақат ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган тартибда берилган лицензиялар ёки бошқа турдаги рухсатномалар асосида амалга оширилиши лозим.

ИИОлари томонидан махсус маъмурий-ҳуқуқий тартиби ўрнатилган предметлар ва моддалар муомаласи соҳаларида қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширилиши юридик ва жисмоний шахсларнинг ушбу соҳаларда лицензия, рухсатнома ва бошқа рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олиши ҳамда кўрсатилган

субъектларнинг махсус ҳуқуқий мақомига эга бўлишининг ҳуқуқий оқибатидир.[37]

ИИОлари томонидан амалга ошириладиган назорат-лицензиялаш фаолияти доирасида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ қурол ва унинг ўқ-дорилари, саноатда фойдаланиладиган портловчи моддалар, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрлар муомаласи билан боғлиқ барча жараёнларни – яъни уларни яратиш, ишлаб чиқариш, йўқ қилиш, фойдаланиш, таъмирлаш, реализация қилиш, олиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, республика ҳудудига олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит билан боғлиқ тартиб-таомилларни лицензиялаш ва рухсат бериш тизими орқали тартибга солишга қаратилган маъмурий-ҳуқуқий нормаларга риоя этилишини таъминлашдан иборатдир. Мазкур фаолият ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган давлат назоратининг таркибий қисми ҳисобланиб, **“ички ишлар органларининг назорат-лицензиялаш фаолияти”** тушунчасининг мазмун-моҳиятини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти жамоат тартибини сақлаш хизмати, Назорат-лицензиялаш фаолиятини ташкил этиш бўлими (кейинги матнларда - Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД ЖТСХ) ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаларининг ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг Жамоат хавфсизлиги хизмати жамоат тартибини сақлаш бошқармалари Назорат-лицензиялаш фаолиятини ташкил этиш бўлинмалари (кейинги матнларда - Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББлари, вилоятлар ИИБлари ЖХХ ЖТСБ ЖХХ ЖТСБ) ушбу йўналишда давлат назоратини амалга ошириш вазифалари юклатилган ижрочи органдир[38].

---

[37] В.С. Болотин, Б.А. Старостин Лицензирование оборота гражданского оружия как средство обеспечения общественной безопасности: правовые и организационные основы // Вестник государственного и муниципального управления. - 2017. - № 2(25). - С. 110-112.

[38] ИИВнинг “Ички ишлар органларининг назорат – лицензиялаш фаолияти бўйича вақтинча йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йилнинг 20 августидаги буйруғи, 1.11-банди;

Назорат-лицензиялаш фаолияти инспекторлари штат лавозимлари мавжуд бўлмаган шаҳар-туман ИИОларида ушбу вазифалар жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг профессионал жиҳатдан энг яхши тайёрланган ходимларига, профилактика инспекторларига юклатилади. Улар Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББлари, вилоятлар ИИБлари ЖХХ ЖТСБ ЖХХ ЖТСБ ЖХХ ЖТСБда назорат-лицензиялаш фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни ўрганиб, имтиҳонларни топшириб 10 кунлик стажировкадан ўтгандан сўнг амалга оширилади[39].

Ҳозирги кунда, республиканинг 208 та туман-шаҳар ИИОларининг 47 тасида ИИОларининг назорат-лицензиялаш фаолиятини ташкил этиш бўлинмаларининг алоҳида штат лавозимлари ажратилган бўлиб, қолган 161 та туман-шаҳар ИИОларида ушбу вазифалар ИИОларининг жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимларига юклатилган.

Шундан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил этиш натижасида назорат-лицензиялаш фаолиятини амалга оширувчи бўлинмалар томонидан қуйидаги соҳага доир лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириши юклатилган:

I. Пиротехника буюмларининг муомаласи соҳасини лицензиялаш;

II. Қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи соҳасида битта лицензия ва 20 та рухсатнома;

III. Саноат мақсадидаги портловчи материаллар муомаласи соҳасида тўрта рухсатнома;

IV. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи соҳасида объектнинг техник мустаҳкамлиги бўйича хулоса;

V. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган муҳрлар муомаласи соҳасида биттадан рухсатнома ва квитанция.

Ўтган давр мобайнида, тизим ходимлари томонидан юқорида кўрсатилган давлат хизматлари доирасида 2 289 нафар юридик шахс вакиллари ва 6 225 нафар фуқаролар қабул қилиниб, ўқотар қурол ва уларнинг ўқ дорилари муомаласи соҳасида 6 435 та, портловчи моддалар муомаласи соҳасида 254 та, муҳр ва штампларни тайёрлаш ва уларни йўқ қилиш бўйича 2 105 та рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатлар расмийлаштирилди. Лицензияларни бериш масалалари бўйича объектларда ўтказилган текширувлар натижасида 108 та хулосалар

[39] ИИВнинг “Ички ишлар органларининг назорат – лицензиялаш фаолияти бўйича вақтинча йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йилнинг 20 августидаги буйуруғи, 2-банди;

берилди ҳамда корхона ва ташкилотларнинг 1 704 нафар ишчи ва хизматчилари махсус текширувлардан ўтказилиши таъминланди.

Шундай қилиб, хизмат вазифалардан келиб чиқиб назорат-лицензиялаш фаолияти тизимининг асосий йўналишларини қуйидагилар сифатида кўрсатишимиз мумкин:

қурол ва уларнинг ўқ-дорилари, портловчи, пиротехника, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган ташкилотлар техник мустаҳкамлиги ва ишончли қўриқланишини таъминлаш, ушбу объектларнинг мутасадди ходимлари томонидан тегишли предмет ва моддаларнинг сақлаш, ташиш, ҳисобга олиш ва бериш тартибларига амал қилинишини устидан назорат ўрнатиш;

фуқароларга тегишли бўлган ов қуроли ва уларнинг ўқ-дориларини сақлаш ҳамда фойдаланиш тартиб-қоидаларига риоя этилишини мунтазам равишда текшириб бориш;

махсус тартиб ўрнатилган предмет ва моддалар муомаласи қоидаларини бузиш ҳолларига йўл қўйган мансабдор шахс ва фуқароларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларига асосан жавобгарлик чораларини кўриш;

махсус тартиб ўрнатилган модда ва предметлар билан боғлиқ бўлган жиноят ва ҳодисаларнинг сабабларини, уларга олиб келган шарт-шароитларни ўрганиб чиқиш ва ушбу турдаги нохуш ҳодисаларни олдини олиш чораларини амалга ошириш;

фуқаровий ва хизмат қуроллар тўғрисидаги электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

назорат-лицензиялаш фаолияти тизими ўрнатилган предмет ва моддалар муомаласи билан боғлиқ бўлган корхоналарда ишлашга қўйилаётган фуқароларни ИИОларининг умумий ва махсус рўйхатлари орқали текшириб бориш, ушбу объектларда нолойиқ шахслар ишлашига йўл қўймаслик;

табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан биргаликда қонунга хилоф тарзда табиий маҳсулотларни овлаш, тутиш, сотиш, қайта ишлаб чиқаришлар билан қарши курашиш бўйича тадбирларда иштирок этиш;

ИИОлари томонидан ноқонуний сақланаётган, тайёрланаётган қурол, ўқ-дори, портловчи модда ва материалларни аниқлаб олиш ишларини ташкиллаштириш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

қурол ишлатиш йўли билан содир этилган жиноят ва ҳодисаларнинг сабабларини, уларга олиб келган шарт-шароитларни ўрганиб чиқиш ва ушбу турдаги нохуш ҳодисаларни олдини олиш чораларини амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда аҳоли орасида ноқонуний равишда сақланаётган қурол ва уларнинг ўқ-дориларни ўз хоҳиши билан ИИОларига топшириш бўйича ташвиқот ишларини ташкил этиш ва бевосита амалга ошириш.

Юқоридаги санаб ўтилган вазифаларни бажариш ва кўрсатилган функцияларни амалга ошириш ИИОларининг назорат-лицензиялаш тизими фаолиятининг моҳиятини ташкил этади.

Такидлаш жоизки, ички ишлар органларининг назорат-лицензиялаш фаолияти бўлинмаларининг ходимлари вазифа ва функцияларини бажаришда қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади:

1. Ҳуқуқий билимлар – Ходимлар соҳага доир амалдаги қонунчиликни чуқур билиши шарт, айниқса “Қурол тўғрисида”, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тўғрисида”, “Ижтимоий хавфсизлик” каби асосий қонунлар.

2. Техник-мухандислик ва ахборот технологиялари малакасига эга бўлиши – Замонавий қуроллар, махсус кимёвий моддалар ва улар асосисида тайёрланган портловчи материалларнинг хусусиятлари, назорат жараёнларини рақамлаштириш ва автоматлаштиришга оид ва бошқа махсус билимларга эга бўлиш.

3. Касбий этика ва коммуникатив тайёргарлик – Фуқаролар билан мулоқотда одоб-аҳлоқ нормаларига риоя қилиш.

4. Тезкор ва таҳлилий фикрлаш – Назоратдаги объектларни баҳолаш, хавфни аниқлаш ва тезкор қарор қабул қилиш қобилияти.

5. Амалиётга йўналтирилган ўқув дастурлари – Теория ва амалиётни уйғунлаштирган ҳолда мутахассисларни тайёрлаш.

Ҳозирги кунда, ички ишлар органлари назорат-лицензиялаш фаолияти бўлинмларининг кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш вазифалар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Жамоат хавфсизлиги университети ва ИИВ Малака ошириш институтига юклатилган бўлиб, ушбу соҳада асосий муаммолар қуйидагилардан иборат:

а) ўқув курсларида белгиланган дарс соатларининг чекланганлиги;

б) назорат-лицензиялаш фаолиятига оид замонавий технологияларнинг ўқув жараёнига етарлича жорий этилмаганлиги;

в) назорат-лицензиялаш фаолият бўйича аниқ мутахассис ўқитувчилар етишмаслиги;

г) назорат-лицензиялаш фаолиятига оид амалий машғулотлар базасининг заифлиги;

д) соҳага доир илмий адабиётлар, дарслик ва методологик қўлланмалар етишмаслиги.

Тадқиқотлар давомида, илғор хорижий давлатларнинг ички ишлар органлари (полиция) тизимининг кадрларини тайёрлашдаги ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратмоқчимиз.

Германияда жамоат хавфсизлиги соҳасидаги кадрлар тайёргарлиги федерал даражада амалга оширилади. Полиция учун ходимлар махсус Fachhochschule der Polizei (Полиция олий техник мактаблари)да тайёрланади. Курслар ҳуқуқшунослик, психология, техник воситалар билан ишлаш, жамоат билан мулоқот. Назорат соҳалари бўйича ихтисослашув, талабалар 2-курсдан бошлаб аниқ соҳалар бўйича (масалан, қурол муомаласи) ихтисослашишни бошлайди. Ўқув жараёнида 50% вақт амалиётга ажратилади. Инспекторлар полиция участкаларида ҳақиқий текширувларда иштирок этади[40].

Япония полицияси тайёрлов тизими керакли интизом ва ахлоқий талабларга асосланади. Тайёлов жараёнида Японияда полиция мактаблари тарбиялашга алоҳида эътибор беради. Талабалар ҳарбий интизомда бўлади. Техника билан ишлашда, роботлаштирилган қурол текшириш воситалари, рақамли база билан ишлаш машғулотлари киритилган. Касбий малакаси ҳар бир лицензия назоратчиси махсус сертификат олиши лозим[41].

АҚШда ҳар бир штат полицияси ўз таълим дастурини мустақил шакллантиради, аммо умумий стандартлар Federal Law Enforcement Training Centers (FLETC) томонидан белгиланади. Касбий сертификация ATF (Alcohol, Tobacco, Firearms and Explosives) лицензия назоратчилари доимий равишда тестдан ўтади. Психологик тайёргарлик жамоат билан мурожаат жараёнлари, стресс бошқариш ва ўзаро ишонч шакллантириш курслари мавжуд. Онлайн курслар FBI ва ATF томонидан ишлаб чиқилган электрон модуллар доимий малака оширишда кенг қўлланилади[42].

[40] Hausser M. “Polizeiausbildung in Deutschland: Theorie und Praxis im Gleichgewicht”. Berlin, 2019.

[41] Japanese National Police Agency. “Training curriculum for community and control officers”. Tokyo, 2021.

[42] U.S. Department of Justice. “FLETC Training Programs Overview”. Washington, 2020.

Россия ИИВ тизимида хизмат кўрсатувчи кадрлар махсус академиялар ва қайта тайёрлаш курсларида билим олади. Назорат-лицензиялаш фаолиятидаги ходимлар учун ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ўқув курслари ташкил этилади. Ахборот хавфсизлиги ва коррупцияга қарши чора-тадбирлар ўқув дастурларининг ажралмас қисмига айланган[43].

Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда қуйидаги таклифлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

биринчидан, ихтисослашган таълим курслари — қурол муомаласи, портловчи ва пиротехника моддалар каби соҳалар бўйича алоҳида курслар жорий этиш;

иккинчидан, сертификация тизимини жорий қилиш — ҳар бир лицензия назоратчиси малака тести ва аттестациядан ўтишини таъминлаш;

учинчидан, хорижий ўқув курслари ва стажировкалар — Германия, Япония ва Россия каби давлатлар билан тажриба алмашинувини йўлга қўйиш;

тўртинчидан, онлайн таълим платформаси яратиш — ички ишлар органлари ходимлари учун интерактив модуллар орқали доимий ўз малакасини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш.

Назорат-лицензиялаш фаолияти ходимларини тайёрлаш халқаро тажрибалар асосида амалга оширилганда, нафақат жамоат хавфсизлигини таъминлаш, балки ислоҳотларнинг самарадорлигини ҳам кафолатлайди. Ўзбекистонда бу борадаги ислоҳотлар соҳадаги кадрлар сифатини юқори даражага олиб чиқиши мумкин. Чет эл тажрибасини жорий этиш ва маҳаллий шарт-шароитга мослаштириш — истиқболли йўлдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Н.В. Субанова “Разрешительные полномочия органов исполнительной власти в Российской Федерации”. - М.: Юриспруденция, 2012. - С. 29; О.В. Гречкина, Н.А. Рубанова Лицензирование образовательной деятельности в сфере высшего профессионального образования: теоретико-правовое исследование. - М.: Юрлитинформ, 2014. - С. 28-29.

2. Ю.Р. Гета “Лицензирование и саморегулирование в экономике: синтез публичных и частных начал” // Сибирский юридический вестник. - 2015. - № 4(71). — С. 54.

[43] МВД России. “Система подготовки кадров в системе лицензирования”. – Москва, 2021.

3. Ю.К. Валяев “Метод разрешения в административном праве России”. - М.: ЮНИТИ, 2009.-С. 3.

4. В.С. Болотин, Б.А. Старостин Лицензирование оборота гражданского оружия как средство обеспечения общественной безопасности: правовые и организационные основы // Вестник государственного и муниципального управления. - 2017. - № 2(25). - С. 110-112.

5. ИИВнинг “Ички ишлар органларининг назорат – лицензиялаш фаолияти бўйича вақтинча йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йилнинг 20 августидаги буйуруғи, 1.11-банди;

6. ИИВнинг “Ички ишлар органларининг назорат – лицензиялаш фаолияти бўйича вақтинча йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йилнинг 20 августидаги буйуруғи, 2-банди;

7. Hausser M. “Polizeiausbildung in Deutschland: Theorie und Praxis im Gleichgewicht”. Berlin, 2019.

8. Japanese National Police Agency. “Training curriculum for community and control officers”. Tokyo, 2021.

9. U.S. Department of Justice. “FLETC Training Programs Overview”. Washington, 2020.

10. МВД России. “Система подготовки кадров в системе лицензирования”. – Москва, 2021.

Турсунов Қамариддин
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҲАРБИЙ МУҲИТГА МОСЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ

Аннотация: Мазкур тезисда муддатли ҳарбий хизматчиларни ҳарбий муҳитга ва жанговар-касбий фаолиятга мослаштириш жараёнида инновацион ва рақамли педагогик технологиялардан фойдаланишнинг илғор хорижий тажрибалари таҳлил қилинган. Хусусан, виртуал ва тўлдирилган борлиқ (VR/AR) тренажёрлари, сунъий интеллектга асосланган психо-эмоционал ҳолатни мониторинг қилиш тизимлари ҳамда геймификация усулларининг ёш аскарлар адаптациясидаги ўрни очиб берилган. Шунингдек, ушбу халқаро тажрибаларни Ўзбекистон Қуролли Кучлари ва Жамоат хавфсизлиги тизимидаги ҳарбий таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: муддатли ҳарбий хизмат, адаптация, инновацион педагогика, виртуал реаллик (VR), сунъий интеллект, психологик мониторинг, жанговар тайёргарлик, геймификация, рақамли дидактика.

Аннотация: В данных тезисах проанализирован передовой зарубежный опыт применения инновационных и цифровых педагогических технологий в процессе адаптации военнослужащих срочной службы к военной среде и боевой профессиональной деятельности. В частности, раскрыта роль тренажеров виртуальной и дополненной реальности (VR/AR), систем мониторинга психоэмоционального состояния на основе искусственного интеллекта, а также методов геймификации в адаптации молодых солдат. Кроме того, разработаны научно-практические рекомендации по внедрению этого международного опыта в учебно-воспитательный процесс системы Вооруженных Сил и общественной безопасности Республики Узбекистан.

Ключевые слова: срочная военная служба, адаптация, инновационная педагогика, виртуальная реальность (VR), искусственный интеллект, психологический мониторинг, боевая подготовка, геймификация, цифровая дидактика.

Abstract: This thesis analyzes advanced foreign practices in the use of innovative and digital pedagogical technologies during the adaptation of conscripts to the military environment and combat-professional activities. Specifically, it highlights the role of virtual and augmented reality (VR/AR) simulators, artificial intelligence-based psycho-emotional monitoring systems, and gamification methods in the adaptation of young soldiers. Furthermore, scientific and practical recommendations have been developed for implementing this international experience into the military training and educational process within the Armed Forces and the public safety system of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: military conscription, adaptation, innovative pedagogy, virtual reality (VR), artificial intelligence, psychological monitoring, combat readiness, gamification, digital didactics.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар учун фуқаролик ҳаётидан қатъий низом қоидалари ва кун тартибига асосланган ҳарбий муҳитга ўтиш мураккаб ижтимоий-психологик ва физиологик жараён ҳисобланади. Адаптацион даврнинг муваффақиятли ўтиши бевосита қўмондонлик ва тарбиячи-офицерлар томонидан қўлланиладиган педагогик ёндашувларга боғлиқ. Бугунги кунда, ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаётган ва Қуролли Кучлар тизими рақамлашаётган бир даврда, анъанавий педагогик усуллар билан бир қаторда инновацион технологияларни қўллаш ҳаётий заруратга айланди. Ривожланган хорижий давлатлар армияларида аскарларнинг мослашув даврини қисқартириш, улардаги стрессни камайтириш ва жанговар тайёргарлик самарадорлигини ошириш мақсадида кўплаб инновацион педагогик ечимлар амалиётга жорий этилмоқда [1].

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, замонавий "Z авлод" вакиллари бўлган чақирилувчилар билан ишлашда уларнинг дунёқараши ва ахборотни қабул қилиш хусусиятларини (кўпроқ визуал ва рақамли маълумотларга мойиллик) ҳисобга олиш зарур. Шу нуқтаи назардан, қатор давлатлар армияларида қуйидаги инновацион технологиялар муваффақиятли қўлланилмоқда:

1. Виртуал ва тўлдирилган борлиқ (VR/AR) асосидаги симуляцион таълим (АҚШ ва Буюк Британия тажрибаси).

АҚШ Қуролли Кучларида муддатли хизматчиларни стрессли вазиятларга тайёрлаш учун VR-технологиялари ва “Cyber Range” каби

виртуал полигонлардан кенг фойдаланилади. Педагогик нуқтаи назардан, VR кўзойнаклари ва махсус симуляторлар орқали аскар реал жанговар вазиятни ёки мураккаб хизмат шароитини хавфсиз муҳитда ҳис қилади. Бу усул адаптация жараёнида муҳим бўлган когнитив мослашувни тезлаштиради. Аскар ҳақиқий қурол-яроғ ва техника билан ишлашдан олдин виртуал маконда кўникма ҳосил қилади, бу эса ундаги қўрқув ва нотўғри ҳаракат қилиш хавотирини йўқотади [2]. Буюк Британияда эса AR (тўлдирилган борлиқ) технологияси орқали ҳарбий низомлар ва қуролнинг тузилиши интерактив тарзда ўргатилади, бу эса зерикарли маърузаларни визуал ва қизиқарли машғулотларга айлантиради.

2. Сунъий интеллект ва машинани ўқитиш (Machine Learning) алгоритмлари ёрдамида психо-эмоционал ҳолатни баҳолаш (Исроил ва Жанубий Корея тажрибаси).

Исроил мудофаа армияси (ЦАХАЛ) ва Жанубий Корея Қуролли Кучларида аскарларнинг адаптация давридаги ҳолатини мониторинг қилиш учун сунъий интеллектга асосланган тизимлар жорий этилган. Бунда машинани ўқитиш алгоритмлари ёрдамида аскарларнинг турли психологик тестлари, хулқ-атвори, хизматга муносабати ва ҳатто физиологик кўрсаткичлари (смарт-қурилмалар орқали) таҳлил қилинади. Мазкур маълумотлар асосида тизим қайси аскар стресс ҳолатида эканлигини ёки девиант хулқ-атвор намоён қилиш эҳтимоли борлигини олдиндан прогноз қилади (predictive analytics). Бу офицер-тарбиячиларга якка тартибдаги педагогик ёндашувни тўғри танлаш, муаммони чуқурлашмасдан олдин профилактик суҳбатлар ўтказиш имконини беради [3].

3. Рақамли геймификация ва мобил таълим тизимлари. Скандинавия давлатлари ва Германия тажрибасида ҳарбий хизматчиларни назарий жиҳатдан тайёрлаш ва ҳарбий жамоага мослаштиришда "серьёз ўйинлар" (Serious games) ва геймификация усуллари самарали қўлланилмоқда. Ҳарбий хизматчилар учун яратилган махсус ёпиқ мобил иловалар орқали улар ҳарбий топография, биринчи тиббий ёрдам, алоқа сирларини ўйин ва викторина шаклида ўзлаштирадилар. Педагогикада бу "микро-ўқитиш" (microlearning) деб номланиб, маълумотларни кичик, тез ҳазм бўлувчи қисмларга бўлиб бериш орқали аскарларнинг чарчоғини олдини олади ва қизиқишини орттиради [4].

Халқаро тажрибаларни таҳлил қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ва бошқа ҳарбий тузилмаларда муддатли ҳарбий хизматчиларнинг адаптация жараёнини такомиллаштириш учун қуйидаги инновацион педагогик ечимларни татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир:

1. Интерактив виртуал машғулотларни кенгайтириш: Ёш аскарларнинг махсус-тактик тайёргарлиги ва руҳий барқарорлигини ошириш мақсадида маҳаллий дастурчилар томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон шароити ва миллий менталитетга мослаштирилган VR-симуляторларни таълим жараёнига кенг жорий этиш.

2. "Ақлли" психологик мониторинг тизимини яратиш: Машинани ўқитиш (Random Forest, SVM каби) алгоритмлари асосида муддатли ҳарбий хизматчиларнинг кунлик ҳолатини баҳоловчи ва уларнинг хизматдаги муваффақиятини прогноз қилувчи автоматлаштирилган дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.

3. Рақамли таълим контентини яратиш: Ҳарбий низомлар, қурол-яроғ билан муомала қилиш қоидаларини оддий матн шаклида эмас, балки инфографикалар, 3D моделлар ва қисқа метражли ўргатувчи видеороликлар (рақамли дидактика) кўринишида тақдим этиш [5].

Хулоса қилиб айтганда, муддатли ҳарбий хизматчиларни ҳарбий муҳитга мослаштириш фақатгина жисмоний ва руҳий чидамлиликни шакллантиришдан иборат эмас, балки замонавий рақамли авлоднинг талабларига мос келувчи инновацион педагогик муҳитни яратишни ҳам тақозо этади. Виртуал симуляциялар, сунъий интеллект ва геймификация элементлари ҳеч қачон командир ёки тарбиячининг ўрнини боса олмайди, бироқ улар офицерларнинг педагогик арсеналини бойитиб, мослашув давридаги турли хил зиддиятлар, стресс ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилади. Ушбу технологияларни ҳарбий таълим тизимига тўғри ва тизимли интеграция қилиш Ўзбекистон Қуролли Кучлари жанговар шайлигини ва шахсий таркибнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини янги босқичга олиб чиқади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қуролли Кучлар тизимида рақамли технологияларни жорий этиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ва соҳага оид меъёрий ҳужжатлар.

2. Fletcher, J. D., & Chatelier, P. R. (2020). Virtual reality in military training: A modern pedagogical perspective. Journal of Military Education and Technology.

3. Камилов М.А. (2026). Машинани ўқитиш алгоритмлари ёрдамида таълим олувчиларнинг натижаларини прогнозлаш ва ҳарбий таълимда ахборот технологиялари. (Илмий тадқиқот иши материаллари).

4. Рутц, В. И. (2019). Психолого-педагогические основы адаптации военнослужащих по призыву. Военная психология и педагогика, 4(12), 45-52.

5. Шарипов, Ш. С. (2021). Ҳарбий хизматчиларни жанговар ва маънавий-маърифий тайёрлашда инновацион технологиялар. Тошкент: Мудофаа вазирлиги нашриёти.

Axmedov Sherzodbek Oribjon o‘g‘li
Jamoat xavfsizligi universiteti mustaqil izlanuvchisi

O‘ZBEKISTONDA SODIR ETILAYOTGAN YO‘L-TRANSPORT HODISALARINING TASHKILIY-HUQUQIY SABABLARI TAHLILI

Annotatsiya. Ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasi yo‘llarida sodir etilayotgan yo‘l transport-hodisalarining tashkiliy va huquqiy sabablari atroflicha tahlil qilingan bo‘lib, ularni bartaraf etish bo‘yicha fikr-mulohazalar keltirilgan. Bundan tashqari yo‘l harakati xavfsizligini ta’minlashning tashkiliy va huquqiy muammolarini bartaraf qilish bo‘yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: yo‘l, yo‘l-transport hodisasi, yo‘l harakati, yo‘l harakati xavfsizligi, haydovchi, piyoda, velosipedchi, transport vositasi, texnik ko‘rik.

Аннотация. В данной статье подробно проанализированы организационные и правовые причины дорожно-транспортных происшествий, происходящих на дорогах Республики Узбекистан, и представлены мнения по их устранению. Кроме того, разработаны предложения и рекомендации по устранению организационных и правовых проблем обеспечения безопасности дорожного движения.

Ключевые слова: дорога, дорожно-транспортное происшествие, дорожное движение, безопасность дорожного движения, водитель, пешеход, велосипедист, транспортное средство, технический осмотр.

Abstract. This article comprehensively analyzes the organizational and legal causes of road traffic accidents occurring on the roads of the Republic of Uzbekistan and provides opinions on their elimination. In addition, proposals and recommendations have been developed to eliminate organizational and legal problems of ensuring road safety.

Keywords: road, road traffic accident, road traffic, road safety, driver, pedestrian, cyclist, vehicle, technical inspection.

O‘tgan o‘n yil mobaynida O‘zbekiston Respublikasi yo‘llarida sodir bo‘lgan yo‘l-transport hodisalari (YTH) dinamikasi murakkab va turli bosqichlarni o‘z ichiga oladi. Jumladan, rasmiy ma’lumotlarga ko‘ra, 2014 yilda[44] respublika bo‘yicha **8 264 ta YTH** qayd etilgan bo‘lsa, bu ko‘rsatkich 2015 yilda **8 534 taga**, 2016 yilda **9 151 taga** yetgan. 2017 yilga kelib YTH

[44] O’zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Jamoat xavfsizligi departamenti Yo’l harakati xavfsizligi xizmati tomonidan taqdim etilgan ma’lumotlar.

soni **9 404 taga** ko‘tarilib[45], o‘n yillikdagi eng yuqori darajaga yaqinlashgan. Biroq 2018 yildan boshlab YTHlarning pasayish tendentsiyasi kuzatildi – o‘sha yili **8 219 ta**, 2019 yili **8 092 ta** hodisa sodir bo‘lgan. Mazkur pasayish 2020 yilda yanada yaqqol ko‘rindi: pandemiya va karantin cheklovlari tufayli transport harakati qisqarib, atigi **6 982 ta** YTH qayd etildi[46]. Natijada 2017 yildan 2020 yilgacha YTH soni 26% ga kamaydi, halok bo‘lganlar esa 46% ga qisqargan edi.

Pandemiya cheklovlari yumshatilgach, **2021 yilda YTHlar keskin ortib**, 10 yillik davrdagi eng yuqori ko‘rsatkichga chiqdi. Ushbu yili **10 001 ta** YTH sodir bo‘lib, natijasida **2 426 nafar shaxs halok bo‘ldi**, **9 230 nafar kishi jarohat oldi[47]**. 2020 yilga nisbatan YTH soni qariyb 43% ga oshgani va halok bo‘lganlar soni ham 24% ga o‘sgani mamlakat uchun og’ir zarba bo‘ldi. Hukumat darajasida bu holat chuqur tashvish uyg’otdi – Prezident Sh.M.Mirziyoyev 2022 yil 11 fevraldagi videoselektor yig’ilishida **“Bir yil ichida 10 mingdan ziyod avariya sodir bo‘lib, 2,5 mingdan ortiq odam halok bo‘lyapti. Bu biz uchun katta fojia emasmi?”[48]** deya ta’kidlab, ushbu vaziyat jiddiy choralar ko‘rishni talab qilishini qayd etdi.

Yaxshiyamki, **2022 yilda YTHlar soni biroz pasaydi** – jami **9 902 ta[49]** hodisa qayd etilib, 2021 yilga nisbatan ~1% kamayish kuzatildi. 2023 yilda esa ushbu pasayish tendentsiyasi davom etdi: yil yakuniga kelib YTHlar **1,87% ga**, halok bo‘lganlar **5,9% ga** qisqardi. 2024 yil yakuniy ma’lumotlari ham taqdim etilib, YTHlar soni **9 364 taga**, halok bo‘lganlar **2 203 nafarga,** jarohat olganlar **8 901 nafarga** teng bo‘ldi[50]. Quyidagi grafikda 2014–2024 yillarda YTHlar va ularda halok bo‘lganlar dinamikasi aks etgan **(1-rasm)**.

[45] O’sha manbaa.
[46] https://yhxx.uz/oz/statistics/2020-jil-davomida-respublikamiz-jllarida-sodir-blgan-jl-transport-odisalari-bjicha-talil-
[47] https://yhxx.uz/oz/statistics/2021-jil-davomida-respublikamiz-jllarida-sodir-blgan-jl-transport-odisalari-bjicha-talil
[48] https://www.gazeta.uz/oz/2022/02/11/traffic-accident/
[49] https://yhxx.uz/oz/statistics/2022-jil-davomida-respublikamiz-jllarida-sodir-blgan-jl-transport-odisalari-bjicha-talil
[50] https://aniq.uz/uz/yangiliklar/2024-yilda-sodir-bulgan-yth-statistikasi-ochiqlandi?ysclid=mab8advfor589454723



1-rasm. 2014–2024 yillar davomida O‘zbekistonda sodir bo‘lgan YTHlar va halok bo‘lganlar dinamikasi (manba: IIV YHXBB statistik ma’lumotlari).

1-rasmdan ko‘rinadiki, YTHlarning yilma-yil o‘zgarishi bir xil trendga ega emas: 2014–2016 yillarda o‘sish, 2017 yilda yuqori cho‘qqi (9404 hodisa), so‘ng 2018–2020 yillarda pasayish, 2021 yilda keskin sakrash va undan keyin yana pasayish kuzatilgan. Halok bo‘lganlar soni ham xuddi shunday: 2015 yilda YTHlar soni oshishi bilan halokatlar soni **2 549 nafarga** yetib, 2014 yilga nisbatan +245 ga ko‘paygan. Keyingi yillarda, YTHlar kamayishi ortidan, 2020 yilda halok bo‘lganlar soni **1 957 nafargacha** tushib, so‘ng 2021 yilda qayta **2 500** atrofiga ko‘tarildi. Shunday qilib, 2021 yilgi anti-rekorddan so‘ng ko‘rilgan choralar natijasida ohirgi uch yilda YTHlar va o‘limlar soni biroz kamaygani seziladi.

Biroq, **umumiy tendentsiya hanuz xavotirli**: har yili o‘rtacha **8 963 ta YTH** sodir bo‘lmoqda, ularda **2 224 nafar fuqaro halok bo‘lmoqda**, **8 500–9 000 nafar kishi jarohatlanmoqda** (2019–2023 yillarning o‘rtacha ko‘rsatkichi. Demak, o‘n yil avvalgi holat bilan qiyoslaganda YTHlar soni keskin kamaygan deyish qiyin – hatto avtomobillar soni ikki barobarga yaqin oshgan bir sharoitda ham YTHlar soni qariyb o‘sha darajada qolmoqda yoki ayrim yillarda oshmoqda. Darhaqiqat, 2014 yildagi 8 264 hodisa bilan 2024 yildagi 9 364 hodisani qiyoslaganda ko‘rsatkich 13% ga yuqori; 2017 yildagi maksimum bilan solishtirganda esa 2024 yilda hodisalar 0,4% ga kam. **Halokatli YTHlar** (o‘lim bilan bog’liq hodisalar) soni 2014 yildan 2024 yilgacha sezilarli darajada kamaygan bo‘lsada (2014 y. – 2 039 ta, 2024 y. – 1 869 ta), bu qisqarish asosan 2018–2020 yillardagi pasayish evaziga bo‘lgan; 2021 yildan so‘ng bu ko‘rsatkich yana 2 ming atrofida qolmoqda.

Ta’kidlash lozimki, rasmiy statistikada aks etgan YTHlar asosan inson tan jarohati olishi yoki halok bo‘lishi bilan bog’liq hodisalardir. Ma’muriy

tartibda rasmiylashtirilgan, faqat mulkiy zarar bilan tugagan YTHlar koʻpincha umumiy hisob-kitoblarga kiritilmaydi. Masalan, har yili bir necha mingta YTH faqat mulkiy zarar (avtomobillar shikasti) bilan tugashi sabab ular “kichik hodisa” sifatida qayd etiladi yoki ba’zan umuman rasmiy statistika hisobiga olinmay qoladi. Holbuki, bu kabi hodisalarda ham fuqarolar sezilarli moddiy va ma’naviy zarar koʻrmoqda. Demak, YTH muammosining koʻlami rasmiy koʻrsatkichlardagidan kattaroq; aynan profilaktika va tahlil uchun **“yashirin hodisalar”** (latent YTHlar) holatini ham inobatga olish zarur. Yoʻl harakati xavfsizligi tizimida ba’zi tashkilotlar va mutaxassislar bu kamchilikni tan olib, barcha turdagi YTHlarni yagona bazaga kiritish va toʻliq hisobini yuritish boʻyicha takliflar bermoqdalar. Shu jihatdan, YTHlarni roʻyxatga olish amaliyotini takomillashtirish, hodisa sodir boʻlgan joyda dalillarni toʻg’ri rasmiylashtirish va statistika uchun toʻliq axborot taqdim etishni yoʻlga qoʻyish ham dolzarb masala sanaladi.

– Protecting society from unlawful encroachments through early warning, detection and suppression of factors facilitating such encroachments;

– Preventing social and inter-ethnic conflicts; blocking all forms of terrorist and extremist activity; countering corruption, the illicit trafficking of drugs and psychotropic substances, firearms, ammunition and explosives; suppressing unlawful migration, human trafficking, and crimes against individual rights and freedoms;

– Ensuring the stable and safe operation of social infrastructure facilities, including tourist zones;

– Reducing the number and severity of road traffic accidents through the improvement of transport infrastructure, the raising of vehicle safety standards and the enhancement of traffic regulations;

– Resocialising individuals prone to offending who are under administrative supervision or probation, as well as those subjected to destructive ideological influence, by means of vocational training and support in entrepreneurial activities;

– Protecting citizens and territories from natural and technological emergencies, developing civil defence and continually improving the population's skills in fire safety; preventing offences by minors and youth through the cultivation of patriotism, respect for national and universal values, and safeguarding against the ideologies of terrorism, extremism, violence and cruelty;

– Extensive application of modern information and communication technologies and systems to maintain public order, ensure the safety of citizens and combat crime;

– Maintaining the constant readiness of services and agencies required for public security, enhancing their operational capabilities and strengthening their material and technical base, as well as improving the legal and social protection of public servants.

In the second section of the Concept of the Republic of Uzbekistan - "State Regulation of the Public Security Sphere" - the key tasks of law enforcement agencies in the field of public security (PS) are clearly articulated:

– Development, coordination and implementation of targeted departmental programmes aimed at strengthening public security;

– Execution of a set of measures for maintaining public order, ensuring road safety, and countering crime, terrorism and extremism;

– Co-ordination and methodological support for personnel and resources engaged in maintaining order in public spaces, including roads, transport hubs and tourist sites;

– Oversight of compliance with licensing requirements and the issuance of permits for the circulation of civilian and service firearms and ammunition;

– Prevention of offences and identification of persons prone to unlawful acts;

– Comprehensive analysis of incidents and offences in public spaces, with the formulation of mandatory recommendations for addressing root causes and optimising resource allocation;

– Organisation and management of measures to suppress mass unrest;

– Regular public reporting on the state of security, sociological surveys of public opinion, and the conduction of scientific-methodological work in the PS sphere.

The Concept is of particular importance in that it precisely allocates functions among the various state bodies involved in ensuring public security.

Its implementation envisages the following steps:

– Updating and refining legislation in the PS sphere;

– Development and introduction of targeted and bespoke programmes to bolster public security;

– Conducting joint inter-agency exercises and practical training on PS matters;

– Systematic training, deployment, upskilling and retraining of personnel engaged in the PS system;

– Establishing criteria and key indicators for levels of public security threats;

– Forecasting current and future situations, and devising measures to identify and mitigate potential risks;

– Preventing offences that threaten public security, ensuring perpetrators are brought to account;

– Creating a unified, centralised system for co-ordination and operational management of state authorities and public associations in the PS field;

– Active adoption of digital technologies to enhance the effectiveness of PS measures;

– Adapting advanced foreign experience and developing international co-operation in public security.

The implementation of the Concept of the Republic of Uzbekistan will enable:

– the refinement of the normative-legal framework in the field of public security, the elimination of gaps and inconsistencies in legislation, and the integration of international standards and leading foreign experience tailored to local conditions;

– the enhancement of public order and stability, the strengthening of the rule of law, and the bolstering of protection for citizens' constitutional rights and freedoms;

– the assurance of transparency in public security measures and the expansion of engagement with the population in this sphere;

– the introduction of contemporary approaches to the organisation of work in the PS sector and the active application of advanced information and communication technologies.

The ultimate outcome will be the creation of a qualitatively new public security system that guarantees peaceful and secure existence for citizens, as well as the establishment of reliable mechanisms for the protection of the individual, society and the state.

The Strategy for the Development of the Public Security System for 2022–2026 [8] reflects the Concept's substantial practical significance: its aim is to develop and implement a comprehensive set of legal, methodological, scientific and organisational measures that will provide a more effective PS system compared to the one currently in operation.

Thus, strategic planning in the field of public security in Uzbekistan is tangibly realised, offering valuable insights both for enhancing governance domestically and as a potentially positive model for other states.

References

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 11, 2023, No. UP-158, "On the Strategy 'Uzbekistan-2030'" // https://www.prezident.uz.

2. The tasks of maintaining public order are prescribed by law for virtually all law enforcement agencies of Uzbekistan.

3. See: Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated March 26, 2021, No. UP-6196, "On Measures to Elevate the Activities of Internal Affairs Bodies to a Qualitatively New Level in Ensuring Public Security and Combating Crime" // https://www.prezident.uz.

4. See also: Laws of the Republic of Uzbekistan dated August 29, 2001, No. 257-II, "On the Prosecutor's Office"; September 16, 2016, No. ZRU-407 // https://www.lex.uz; "On Internal Affairs Bodies" // https://www.lex.uz; November 18, 2018, No. ZRU-647, "On the National Guard of the Republic of Uzbekistan" // https://www.lex.uz; et al.

5. See: https://www.prezident.uz.

6. This Concept received high appraisal from a number of foreign countries and became a positive precedent for them.

7. Concept of Public Security of the Russian Federation dated November 20, 2013 // http://www.scrf.gov.ru/security/State/document117/.

8. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022, No. UP-60, “On the Strategy for the Development of New Uzbekistan for 2022–2026” // https://www.prezident.uz.

Ayubxon Muxammadiyev
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti “Fuqaroviy-huquqiy fanlar” kafedrasi professori, yu.f.d., professor

ZAMONAVIY ODOB-AXLOQ QOIDALARINING VATANPAR-VARLIK TUYG‘ULARINI SHAKLLASHTIRISDAGI O‘RNI

Annotatsiya: Maqolada zamonaviy odob-axloq qoidalarining vatanparvarlik tuyg‘ularini shakllashtirisdagi o‘rni, Amir Temur,Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur,Yusuf Xos Hojib, Abu Nasr Farobiy, Ingliz tarixchisi Eduard Holden va boshqa sharq mutafakirlari va davlat arboblarining bu boradagi fikrlari bayon qilingan.

Kalit so‘zlar: Axloq nazariyasi, Kuch ishlatmaslik etikasi, Etika konsepsiyasi, Nasihatnoma, Qobusnoma, Kaykavus, Temur tuzuklari, Kengash, Mashvarat-u maslahat. Qat‘iy qaror, tadbirkorlik va hushyorlik. Ehtiyotkorlik, Islom va shariat qoidalari, To‘ra va tuzuklar, Xazina, Raiyat va askar

Аннотация: В статье рассматривается роль современных норм этики и морали в формировании чувства патриотизма. Освещаются взгляды таких выдающихся личностей, как Амир Темур, Алишер Навои, Захириддин Мухаммад Бабур, Юсуф Хос Хожиб, Абу Наср Фароби, английский историк Эдуард Холден, а также других восточных мыслителей и государственных деятелей на данную тему.

Ключевые слова: Теория морали, Этика ненасилия, Концепция этики, “Насихатнома”, “Кабуснаме”, Кейкавус, “Темур тузуклари” (Уложения Темура), Совет, Обсуждение и консультация, Решительность, Предприимчивость и бдительность, Осторожность, Ислам и нормы шариата, Тура и тузуклар, Казна, Народ и армия.

Annotation: The article explores the role of modern moral and ethical principles in shaping a sense of patriotism. It presents the views of prominent figures such as Amir Temur, Alisher Navoi, Zahiriddin Muhammad Babur, Yusuf Khos Khojib, Abu Nasr Farabi, the English historian Edward Holden, as well as other Eastern thinkers and statesmen on this subject.

Keywords: Moral theory, Ethics of nonviolence, Concept of ethics, Nasihatnama, Qabusnama, Kaykavus, Temur’s Codes (Temur Tuzuklari), Council, Consultation and deliberation, Decisiveness, Entrepreneurship and vigilance, Caution, Islam and Sharia norms, Tura and Tuzuks, Treasury, People and army.

XX asr axloq nazariyasi orasida *zo‘rlikka asoslanmaganlik etikasi* bo‘lib butun dunyoda tarafdorlari ko‘payib bormoqda. Tarixda bo‘lgan, hozirda ham davlatlar o‘rtasidagi, millatlar o‘rtasidagi, kishilar o‘rtasidagi nizolarni kuch yordamida hal qilish mavjud. Kuch ishlatmaslik etikasi esa nizolarni kuch ishlatishni istisno qiluvchi butunlay o‘zgacha yondashishdir. *“Haqiqiy etika so‘zdan foydalanishni bekor qilingan joyda boshlanadi” degan* ***A.Shveytser****ning so‘zlarida katta ma‘no yotibdi. Uning etika konsepsiyasi aktiv maqsadli faoliyatga chaqiradi, hayotning barcha mavjud formalarini saqlab qolishga, odamlarga sharaf bilan xizmat qilishga, ularga hayotining bir parchasini, muhabbatini, mehrini berishga da‘vat qiladi.* Axloq to‘g‘risida Sharq mutafakirlari va davlat arboblari ko‘plab qimmatli fikrlarni bildirganlar. Ulardan Abu Nasr Farobiy “**Fozil odamlar shahri**” asarida, Yusuf Xos Hojib “**Qutadg‘u bilig**” asarida, Kaykovus “**Kaykovus**” asarida, Amur Temur “**Tuzuklar**”ida, Alisher Navoiy ko‘plab asarlarida davlat rahbari, vazirlar, qozilar axloqi haqida ibratli so‘zlarni keltirgan.

Markaziy Osiyoda Uyg‘onish davrining buyuk mutafakiri *Abu Nasr Farobiy* **“Fozil odamlar shahri”** asarida bu shaharga hokim bo‘ladigan odam shu shahar aholisiga imomlik qiluvchi oqil kishi bo‘lib, u tabiatan o‘n ikki xislat-fazilatni o‘zida birlashtirgan bo‘lishi zarur, degan edi.

Fozillar shahri hokimi **avvalo** to‘rt muchasi sog‘ bo‘lib, o‘ziga yuklangan vazifalarni bajarishida biror a‘zosidagi nuqson halal bermasligi lozim, aksincha, u sog‘-salomatligi tufayli bu vazifalarni oson bajarishi lozim, deb ta’kidlagan.

Ikkinchidan, bunday shahar hokimi tabiatan nozik farosatli bo‘lib, suhbatdoshining so‘zlarini, fikrlarini tez tushunib, tez ilg‘ab olishi, shu sohada umumiy ahvol qandayligini ravshan tasavvur qila olishi zarur.

Uchichidan, u anglagan, ko‘rgan, eshitgan, idrok etgan narsalarni xotirasida to‘la-to‘kis saqlab qolishi, barcha tafsilotlarini unutmasligi lozim.

To‘rtinchidan, u zehni o‘tkir, zukko bo‘lib, har qanday narsaning bilinar-bilinmas alomatlari nimani anglatishini tez bilib, sezib olishi zarur.

Beshinchidan, u fikrini ravshan tushuntira olish maqsadida, chiroyli so‘zlar bilan ifodalay olishi zarur.

Oltinchidan u ustozlardan ta‘lim olishga, bilim, ma‘rifatga havasli bo‘lishi, o‘qish, o‘rganish jarayonida sira charchamaydigan, buning mashaqqatidan qochmaydigan bo‘lishi zarur.

Yettinchidan, taom yeyishda, ichimlikdan ochofat emas, o‘zini tiya oladigan bo‘lishi, (qimor yoki boshqa) o‘yinlardan zavq, huzur olishdan uzoq bo‘lishi zarur.

Sakkizinchidan, u haq va haqiqatni, odil va haqgo‘y odamlarni sevadigan, yolg‘onni va yolg‘onchilarni yomon ko‘radigan bo‘lishi zarur.

To‘qqizinchidan, u o‘z qadrini biluvchi va nomus-oriyatli odam bo‘lishi, pastkashliklardan yuqori turuvchi, tug‘ma oliy himmat bo‘lishi, ulug‘, oliy ishlarga intilishi zarur.

O‘ninchidan, bu dunyo mollariga, dinor va dirham-lariga qiziqmaydigan (mol-dunyo ketidan quvmaydigan) bo‘lishi zarur.

O‘n birinchidan, tabiatan adolatparvar bo‘lib, odil odamlarni sevadigan, istibdod va jabr-zulmni, mustabid va zolimlarni yomon ko‘ruvchi, o‘z odamlariga ham, begonalarga ham haqiqat qiluvchi, barchani adolatga chaqiruvchi, nohaq jabrlanganlarga madad beruv-chi, barchaga yaxshilikni va o‘zi suygan go‘zalliklarni ravo ko‘ruvchi bo‘lishi zarur. O‘zi haq ish oldida o‘jarlik qilmay, odil ish tutgani holda har qanday haqsizlik va razolatlarga murosasiz bo‘lishi zarur.

O‘n ikkinchidan, o‘zi zarur deb hisoblagan chora-tadbirlarni amalga oshirishda qat‘iyatli, sabotli, jur‘atli, jasur bo‘lishi, qo‘rqoqlik va hadiksirashlarga yo‘l qo‘ymasligi kerak.

Mobodo biror zamonda fozillar shahrida hokimlik qilayotgan bir yoki bir necha kishida boshqa zarur hislatlar bo‘lsayu, ammo donishmandlar bo‘lmasa, fozillar shahri yaxshi hokimsiz qoladi, bunday shahar halokatga yuz tutadi.

Yusuf Xos Hojib **“Qutadg‘u bilig”** (“*Qutga, ya‘ni baxt-saodatga erishtiruvchi bilim*”, 1069-yilda yozilgan) asarida mansabdor shaxslarning fazilatlari, ularga bo‘ladigan axloqiy talablarni bayon qilganlar. Jumladan, beklar, ya’ni mamlakat boshlig‘i, vazirlar haqida gap yuritganlar. Yusuf Xos Hojibning fikricha, **bek** dono, botir, sheryurak bo‘lishi kerak. Uning bilimli, zakovatli, mulohazakor bo‘lishi taqozo etiladi. Ochiq yuzlik bekning fazilatlaridan biri. XI asrning 82-83-yillarida G‘arbiy Eron podshohining nabirasi *Kaykovus ibn Iskandar* o‘z o‘g‘li **Gulonshoh**ga bag‘ishlab “**Nasihatnoma**”sini yaratadi va o‘sha davr an’anasiga ko‘ra, uni bobosi *podshoh Shams-ul Maoliy* sharafiga “**Qobusnoma**” deb ataydi. Ana shu asarda “*Ilm talabi va qozigarlik zikrida*” deb nomlangan bob bo‘lib, unda bo‘lg‘usi qozilarga ularning axloqi qanday bo‘lishi kerakligi to‘g‘risida maslahatlar berilgan. Jumladan, unda quyidagi fikrlar keltirilgan. “Har kishi har ishni qo‘lga olsa, ul ishni yaxshi bilsin va uni ko‘p varzish (ya‘ni mashq, odat) qilsin,

toki ul ishdan koʻp naf koʻrgay". "Ey farzand, agar donishmandlikda baland darajaga yetib, qozi boʻlsang, ohista va tamkin boʻlgʻil va tez fahm, sohibi tadbir, peshbin (oldindan koʻruvchi), mardumshunos (odamlarni tekshira oluvchi) va sohibi siyosat boʻlgʻil, har guruhning urf-odatidin, yoʻl-yoʻrigʻidin xabardor, har qavmning mazhabidin ogoh boʻlgʻil. Kerakdurkim, qozilik xiylalari senga maʻlum boʻlgʻay. Agar bir vaqt bir mazlum oldinga kelsa, uning gunohi boʻlmasa va zulm etib, uning haqqi bekor ketar boʻlsa, ul mazlumning faryodiga etgʻil va tadbir yuzidan ul mustahiqqa haqqin etkurgʻil"[63] .

Yuqorida berilgan fikrlardan koʻrinib turibdiki, qozilar, yaʻni hozirgi kunda sudyalar donishmand kishilar sanalgan. Ular barcha insoniy fazilatlar egasi boʻlib, qolgan kishilarga oʻz axloqlari bilan namuna boʻlishlari lozim.

Amir Temur Tuzuklarida qayd etilishicha, saltanat ishlarida eng birinchi galda *toʻrt narsa*ga amal qilinish lozim: ***1. Kengash. 2. Mashvarat-u maslahat. 3. Qatʻiy qaror, tadbirkorlik va hushyorlik. 4. Ehtiyotkorlik***[64]. *Davlatni shakllantirish* borasida esa u yana muhim sanalgan *toʻrt ustun*ga suyanib faoliyat yuritgan: ***1. Islom va shariat qoidalari 2. Toʻra va tuzuklar 3. Xazina 4. Raiyat va askar*** Sohibqiron Amir Temurning bunday qarorga, jiddiy toʻxtamga kelishi - davlat yuritishda mazkur tamoyil va ustunlarga suyanishi oʻzoʻzidan yoki qaysidir bir siyosiy tizimlarga tayanish orqali emas, balki u ajdodlarning davlatchilik va qonunshunoslik borasidagi eng yaxshi anʼanalarini zamonasining talablariga uygʻunlashtirdi, ularni adolatli tamoyillar darajasiga koʻtara oldi, chunonchi ushbu qarorga kelishgacha boʻlgan davrda eng oliy anʼanalardan tortib, hatto piri **Zaynuddin Abubakr Toyibodiy**ning maslahatlarigacha puxta oʻrgandi, unga suyanib ish tutdi. Xususan, u "*maktubda (piri Zaynuddin Toyibodiyning xati koʻzda tutilayapti) yozilgan soʻzlar saltanat ishlarida men uchun eng toʻgʻri yoʻlboshchi edi*", - deb yozgan edi. *Shunga koʻra davlat ishlarining toʻqqiz ulushi kengash, tadbir va mashvarat, qolgan bir ulushi esa qilich bilan bajo keltirilishini angladim*" - deb yozadi Amir Temur bobomiz. Mazkur fikrning aslida, bugungi kunda ham katta nufuzi bor. Zero, Yaqin Sharq, Afgʻoniston mojarolarida, murosaga kelish, Temur bobomiz tili bilan aytganda, kengash va mashvarat lozimki, mojarolarning qurol kuchi bilan tinchitaman, deganlar faqat qonli toʻqnashuvlar, ur-yiqitlar va xunrezlikni keltirib chiqaradilar. Amir Temur, hatto shunday ogʻir vaziyatlarni, eng qiyin va murakkab holatlarda ham toʻqqiz marta kengashib, tadbir ishlatib, hal etish lozimligini taʼkidlar ekan, bu nafaqat oʻz zamonasi, balki kelajakka ham adolatli xitobki, inson bor ekan,

[63]Кайкавус.Қабуснома.-Т.: "Ўқитувчи", 2006, -Б.122-123.
[64] Темур тузуклари. – Тошкент, 1996.-В.24.

dunyo bor ekan, bu siyosiy qarashlar va odilona belgilangan qonunlar oʻz kuchi, salohiyati, nufuzini yoʻqotmaydi.

Koʻrinadiki, Amir Temur har qanday siyosiy mojarolarni bir toʻgʻri tadbir bilan jilovlash mumkinligini odillik ila olgʻa suradi. Shu bois ham u "*tadbirkor va hushyor kishi ming-minglab layoqatsiz kimsalardan yaxshidir*", deydi. Gʻalaba, muvaffaqiyat haqida esa yanada odilona fikr yuritib: "*gʻolib boʻlmoqlik tangrining madadi va bandasining tadbiri bilan*" amalga oshishini bilardi. Xususan, u tajribasiga tayanib, kengashning ikki turli boʻlishini, birinchisi - til uchida aytilgani, ikkinchisi chin yurakdan chiqqani ekanligini aytadi. "Til uchida aytilganini shunchaki eshitardim, - deydi u, -yurakdan aytilgan maslahatni esa qalbim qulogʻiga quyardim va dilimga joylardim".

Podshohlar uchun toʻgʻri soʻz, haqqoniy xabarning foydasi koʻp, chunki yolgʻon davlatni yemiradi. Amir Temur toʻgʻri soʻz kishiga hurmat bilan qaraydi: "qaysi kishi aqlga siqqan bir ishni kuyunib gapirsa, suyib eshitar edim; kimki oqilona gaplarni erlarcha keskinlik bilan soʻzlasa, unga quloq solardim; har kimdan kengash soʻrar edim, lekin aytilgan har bir maslahatning yaxshi va yomon tomonlari haqida oʻylab koʻrgach, toʻgʻri va savoblirogʻini tanlab olardim».

Amir Temur nuqtayi nazarida *saltanatni boshqarishda* ***12 tamoyil***ga asoslanish kerak:

Birinchisi, *qonun-qoidaga eʻtibor qaratadigan boʻlsak, u oʻzini yolgʻiz, tanho hukmron hisoblamaydi*: olamning yaratuvchisini, uning buyukligini tan oladi, elchi Rasulullo diniga sodiqligini va shariatga nafaqat oʻz yurtida, balki butun dunyo boʻyicha rivoj berganligini eʻtirof etadi.

Ikkinchisi, *oʻn ikki tabaqa, toifa yordamida mamlakatni idora qildim*, deydi.

Uchinchisi, *xoh mamlakatni zabt etish, xoh gʻalabani koʻzlagan boʻlsin, avvalo, maslahat, kengash, tadbirkorlik, faollik, hushyorlik va ehtiyotkorlikka eʻtibor qaratdi,* saltanat ishlarida murosay-u madora, muruvvat va sabr-toqat qoʻl kelishini aytadi, uning fikricha, podshoh goho koʻp narsani bilib tursa ham bilmaslikka olishi kerak. Chunki davlatning mayda-chuyda, ikir-chikiri koʻp, ular orasida oʻralashib qolmaslik kerak. Bundan saboq shuki, millat, xalq jabr-u zulm koʻrmasligi, mustamlakachilar oyoqlari ostida xor-zor boʻlmasligi; uning gʻururi, shon-shavkati, ornomusi toptalmasligi uchun millat va xalq boshida turgan rahnamolar saltanat yuritish borasida, avvalo, qonun ustuvorligiga erishmas ekanlar, unday davlat fuqarosi oxir-oqibat juda koʻp azob-uqubatlarga duchor boʻladi.

Odatda, podsholar shunday farovonlik va to‘kin-sochinlikni orzu qiladilar. Biz bu dalil-isbot orqali Amir Temur o‘z davridayoq “*Tuzuklar*”ida bayon etgan qonun-qoidalarga amal qilib, raiyat uchun shunday hayotni ta’min etganiga guvoh bo‘lamiz.

To‘qqizinchi tamoyilda biz buning yana bir tasdig‘ini topamiz: “*Raiyat ahvolidan ogoh bo‘ldim, ulug‘larni og‘a o‘rnida, kichiklarni farzand qatorida ko‘rdim*”. Sohibqiron har bir mamlakat ahvolidan doimo voqif bo‘lib turadi.

O‘ninchisi, *unga xizmatga kirgan boshqa qabila, el, elatning ulug‘lariga hurmat ko‘rsatdi, yaxshilarga yaxshilik qildi, yomonlarni o‘z yomonlariga topshirdi.* Uzr so‘rab kelganlarni kechirdi.

O‘n birinchisi, *davlat mansablarini taqsimlaganda, o‘z yaqinlarini, tanish-bilish, oshna-og‘aynilarini unutmadi.* Hatto dushmani bilan kelishib yashadi.

O‘n ikkinchisi, *xoh do‘st, xoh dushman bo‘lsin, navkarlarning izzatini joyiga qo‘ydi.* O‘z valine‘mati tuz haqini oqlagan sipohni ham behad qadrladi. Sotqinlarni esa o‘z dushmani deb bildi. Masalan, *To‘xtamish-xon*ning amirlari vafodorlik va haqiqatni bir chekkaga yig‘ishtirib qo‘yib, huzuriga panoh izlab kelishganda, “*sohibi bergan tuz haqiga xiyonat qilganlar menga vafodorlik qilarmidi*” deya ulardan yuz o‘girdi.

Madaniy meroslarimizdan hisoblangan Amir Temur bobomizning “**Tuzuklar**”i bizda faxr hissini uyg‘otadi, undagi davlatchilikka xos, uning boshqaruviga oid maslahat, kengash, tadbirkorlik, faollik, hushyorlik va ehtiyotkorlik kabi qimmatli fikrlar, yo‘l-yo‘riqlar, qoidalar, tamoyillar, shuningdek yaxshilik bilan yomonlik, adolat bilan adolatsizlik, mehribonlik bilan shafqatsizlik, jazo va kechirimlilik, axloq va axloqsizlik kabi xislatlar haqida berilgan qimmatli fikrlar, o‘gitlar davlatchililik, davlat boshqaruvi sohasida, xususan sud va huquqni muhofaza qiluvchi organlarda faoliyat ko‘rsatayotgan, ayniqsa rahbarlik lavozimlarida ishlayotgan yuristlar faoliyatida, shuningdek yurist bo‘lishga azm-u qaror qilgan talabalarning o‘quv jarayonida huquqiy manba va axloqiy asos bo‘lib xizmat qiladi.

Alisher Navoiy o‘z asarlarida yaxshilik va yomonlik, sabr-qanoat, hayo, sadoqat, vatanparvarlik, xalqparvarlik haqida juda qimmatli fikrlarni bildirganlar, huquqiy qarashlari odillikka, adolatga, halollikka, tenglikka hamda tinchlikka asoslangan.

Alisher Navoiy fikricha, qanchalar shirin bo‘lmasin, hayot yaxshiliklardangina iborat emas. Dunyo yaxshilik bilan yomonlik o‘rtasidagi kurash asosiga qurilgan. Inson tabiatan murakkab xilqat. Yashashning o‘zi ham oson ko‘chaveradigan narsa emas. Umr goh xush, goh noxush kayfiyatlar

girdobida oʻtaveradi. Insonda nafs bor ekan, u nimadandir tamagir boʻlaveradi, tama esa kishini yomonliklar sari yetaklayveradi. Dunyoda yaxshilikning urugʻi qancha kam boʻlsa, yomonlikning urugʻi shuncha koʻp boʻlaveradi.

Mana bu ruboiy, aynan shu dard bilan bitilgan: *Kim koʻrdi ekan jahonda oyo xushlik, To bir kishi aylagay tamanno xushluk?!*

Yuz yilda bir oʻlsa paydo xushluk, Omadadurur yonida yuz noxushluk.

Ruboiydan tushuniladiki, bu jahonda yaxshilik koʻrgan kishi bormikin, yaxshilik qilaman deb niyat aylagan biror kimsa topilarmikan, axir yuz yilda bir yaxshilik paydo boʻlsa, ketidan yuz yomonlik keladi-ku!

Yaxshilik oʻta noyob narsa ekanligi sezilib turibdi. Demak yaxshilikni qadrlash kerak. Odamlardan yaxshilik kutib, umidvor boʻlib yurmaslik, birovlardan yomonliklar koʻrsangiz, dunyo oʻzi shunday tuzilganini esdan chiqarmang. Hayot boʻlsa uni shunday qabul qilish, shundayicha seva olish kerak, yaxshilikka yaxshilik qaytadi. Bu Navoiy asarlaridagi qatʼiy ishonch. Chunki shoir "**Hayrat ul-abror**"da nazariy asosda: *Nafʻing agar xalqqa beshakdurur, Balki, bu nafʻ oʻzunga koʻprakdurur,*-deb yozgan edi. *Farhod* xalqqa yaxshilik qilgan edi, bunda u oʻzini zarracha oʻylagani yoʻq, albatta. Lekin, qarangki, shu tufayli yorining oʻzi uning oldiga keldi.

Navoiyning huquqiy qarashlarida poraxoʻrlik va birovdan tama qilish qoralanadi. "**Gʻaroyib us-sigʻar**"ning 7 baytli "qaro" radifli gʻazalida bazi nopok faqihlarni fiqh tizimidagi faoliyatidagi adolatsizlikni tanqid qilib, poklikka, adolatga undab shunday misralarni yozgan: *Gʻayridin qilgʻil zamiring safhasin pok, ey faqih Tobakay qilmoq firebu makr ila daftar qaro*[65].

Shunday qilib, Alisher Navoiy oʻz asarlarida mansabdor shaxslar axloqi haqida, vatanparvarlik toʻgʻrisida juda qimmatli fikrlarni bildirgan va bu fikrlar hozirgi kunda ham juda katta ahamiyatga ega.

Zahiriddin Muhammad Bobur - buyuk podshoh, ulugʻ sarkarda, mumtoz shoir, nazariyotchi adabiyotshunos, faqih, tilshunos, notiq, san'atshunos, etnograf, hayvonot va nabotot olamining bilimdoni sifatida koʻpqirrali faoliyat va ijod sohibi boʻlganligi va uning yigirmadan ortiq sohalarga qiziqqanligiga "Boburnoma" guvohlik beradi.

Bobur oʻz qoʻshinida juda qattiq tartib-intizom, adolat oʻrnatgan. Shunday tartib joriy qilganki, xalqqa nohaq zulm qiladigan, talonchilik bilan shugʻullanadigan navkarlarga, askarboshilarga uning nafrati nihoyatda cheksiz boʻlgan. Bunday manfur kimsalar muqarrar ravishda la'natga sazovor boʻlib, qasosga uchrashi shubhasiz hisoblangan. "Bu yurttin koʻchib, Qarobogʻ

[65] Qarang: Advokat.№1/2014,-B.7.

yonidagi Oqsaroy oʻlangiga tushuldi, -deb sarguzashtlaridan birini hikoya qiladi Bobur. - Xisravshohning eli -kuni zulm va besarliqqa oʻrgangan el, elga zulm qila boshladilar. Oxiri Sayidim Ali Darbonning bir oʻbdon navkari birovning bir koʻza yogʻini tortib olgʻon uchun eshikka kelturub tayoqlattim, tayoq ostida - oʻq joni chiqdi. El bu siyosatdan tamom bosildilar".

Buyuk shoh Bobur Hindistonda temuriylarga xos ulugʻ bunyodkorlik an'analarini davom ettirgan, muhtasham qasrlar qurdirgan, bogʻ-rogʻlar bunyod ettirgan, ariq-kanallar qazdirgan, adabiyot, ilm-fan rivojiga homiylik qilgan, xalqni adolat bilan boshqargan.

Hindistonning buyuk donishmandi, davlat arbobi Javohir-la'l' Nehru oʻzining "Hindistonning ochilishi" va "Jahon tarixiga bir nazar" asarlarida Zahiriddin Muhammad Bobur haqida samimiyatga toʻliq ushbu fikrlarni izhor etgan: "Bobur - dilbar shaxs. Uygʻonish davri hukmdorining haqiqiy namunasidir. U mard va tadbirkor odam boʻlgan. Bobur oʻta madaniyatli va jozibali insonlar orasida eng yetuk insonlardan biri edi. "Boburnoma" ning kotibi Boburning ulugʻ podshohlarga xos sakkiz shaxsiy fazilatini qayd etgan: "Va maholdurkim, ul podshohi qobilning yaxshiligʻlarini aytgan bilan va bitigan bilan tugangay. Lekin mujammal bukim, sekkiz sifati asil aning zotiga muttassil edi: birisi bukim, najhati baland edi; ikkimchisi, himmati arjumand edi; uchimchisi, viloyat olmog; toʻrtumchisi, viloyat saxlamogʻ; beshumchisi, ma'murlugʻ; oltimchisi, rafohiyat niyati Tengri taolo bandalarigʻa; yettimchisi, cherikni koʻngli(ni) qoʻlga olmoq; sekkizimchisi, adolat qilmoq".

Adolatli, qudratli podshoh Boburning yaxshiliklarini aytgan bilan va yozgan bilan tugatish maholligi haqida yozadi u. Sakkiz asl sifat Boburning zotiga xos ekanligi, birinchisi uning iqboli balandligi, ikkinchisi himmatining yuksakligi, uchinchisi viloyat olmoqligi, toʻrtinchisi viloyat saqlamoqligi, beshinchisi ma'murligi, oltinchisi Alloh bandalariga farovonlik niyatidaligi, yettinchisi lashkar koʻnglini qoʻlga olmoqligi, sakkizinchisi esa adolat qilmoqlik haqidagi fazilatlarini yozib qoldiradiki bu hislatlar boshqa podshohlarga ham faoliyatlarida qoʻllashga arzigulik sifatlardir.

Ingliz tarixchisi Eduard Holden, avvalo, Boburni mashhur Yuliy Sezar bilan qiyoslagan va "Bobur fe'l-atvoriga koʻra Sezarga qaraganda sevishga arzigulikdir. Uning manglayiga yuksak fazilatli inson deb bitib qoʻyilgan", deb yozadi u.

Zahiriddin Muhammad Boburning bolalik va oʻsmirlik yillari haqida roman yozgan "Boburnoma"ning ingliz tarjimoni Uilyam Erskin Boburni Osiyo podshohlariga qiyoslab, "Sahovati va mardligi, iste'dodi, ilm-fan, san'atga muhabbati va ular bilan muvaffaqiyatli shugʻullanishi jihatidan Osiyodagi

podshohlar orasida Boburga teng keladigan birorta podshoh topilmaydi", deb baholaydi.

Bobur, hayoti jangu jadallarda o‘tgan bo‘lsada, ijod bilan ham muntazam shug‘ullangan va ajoyib she'rlar yozgan, devon tartib qilgan. Boburning she'rlari, g‘azallari hayotni nihoyatda sevishidan, hayotning har daqiqasini o‘ta qadrlashidan guvohlik beradi. Shoh Boburning qaynoq mehrini o‘zida ifodalagan afsus-nadomat aks etgan she'rlari hamda jo‘shqin g‘azallari uning harchand murakkab ahvollarga tushib, chorasiz qolgan damlarida ham aslo tushkunlikka berilmasdan, aksincha yashashga intilib kelganidan, umidsizlikka bormasdan, choralar topish yo‘llarini izlashdan sira to‘xtamaganligidan darak berganini ko‘ramiz.

Boburning yuksak badiiy shakllarda ifodalangan she'rlari hamisha adabiyot ixlosmandlari tomonidan o‘qilib, o‘rganib kelinmoqda. Zero, uning "Har vaqteki, o‘qigaysan so‘zimni, So‘zimni o‘qib, anglagaysan o‘zimni” degan satrlari kelajak avlodlarni Vatanga muhabbat tuyg‘usida tarbiyalashda muhim o‘rin egallab boraveradi. Bobur shuhratda, shoirlarning sultoni - daho Alisher Navoiyning yonida turadigan mumtoz so‘z san'atkori, sohir shoir hisoblanadi. Boburning mumtoz she'riyatga dadil kiritgan tarjimai hollik xususiyati shoirning vatanparvarlik tuyg‘ulariga jon bagishlaydi. U Hindiston shahanshohiligida turib ona shahri Andijoniga, Vataniga soginchlarini she'rda shunday ifodalaydi: Ne yerda bo‘lsang, ey gul, andadur chun joni Boburning, G‘aribingga tarahhum aylagilkim, andijoniydur.

Boburni Vatani Andijonning sog‘inchi umrining oxiriga qadar qalbini tirnab keldi. Taqdir uni o‘z Vataniga kelishiga to‘sqinlik qilgan, uning qismatiga o‘zga yurtda shoh bo‘lishlik bitilgan edi. Buni o‘z asarlarida shunday bayon etadi: Tole' yo‘qi jonimg‘a balolig‘ bo‘ldi, Har ishniki ayladim xatolig‘ bo‘ldi.

O‘z yerni qo‘yib, Hind sori yuzlandim, Yo Rab, netayin, ne yuz qarolig‘ bo‘ldi?!

Bobur gazallarida oshiqona ehtiroslar, iztiroblar, kuyib-yonishlar ifodalangan. Oshiqning mahbubaga iltijosi talqinida yigit yuzining kuzgi yaproqdek sarg‘ishu, suluvning lola yuzi qirmiziligiga e'tibor qaratilgani ta'sirchan holat hisoblanadi: Xazon yavrog‘i yanglig‘ gul yuzung hajrida sarg‘ardim, Ko‘rub rahm aylagil, ey lolarux, bu chehrai zardim!

Go‘zal xulq-atvor egasi, shijoat, halollik, vafodorlik, sabr-toqat, himmat, adolat, notiqlik, rahm-shafqat kabi hislatlarni o‘zida mujassamlagan Boburning taqsinga sazovor hislatlari uning ijodida o‘z ifodasini yaqqol topganligini ko‘ramiz.

Bori elga yaxshilig‘ qilg‘ilki, mundin yaxshi yo‘q, Kim, degaylar dahr aro qoldi falondin yaxshilig‘.

Bobur o‘zining ushbu mashhur bayt orqali: “Birovdan yomonlik ko‘rib turganingda ham faqat yaxshilik qil, yovuzlikka ezgulik bilan javob qaytar”, deb ta'kidlaganini alohida e'tirof etish o‘rinli bo‘ladi. Boburning asarlarida Vatan va xalqqa muhabbatni aks ettiruvchi didaktik (pand-nasihat) baytlari bo‘lib ular odamlarga, xalqqa yaxshilik qilmoqlikka undaydi. Har kimki, vafo qilsa vafo topqusidur, Har kimki, jafo qilsa, jafo topqusidur.

Yaxshi kishi ko‘rmagay yamonliq hargiz Har kimki, yamon bo‘lsa, jazo topqusidir.

Boburning mumtoz she'r va g‘azallaridagi axloqiy qarashlar, vatanparvarlik tuyg‘ulari, bag‘rikenglik, insonparvarlik tamoyillari insonlarni doimo ezgulikka chorlab turaveradi.

Xulosa qilib aytganda Etika kategoriyalari odamlarning butun dunyosiga kirib boradi. Ular huquqning mazmunini belgilaydi, qonunchilik aktlarida, shuningdek yuristning aniq faoliyatini tartibga soluvchi aktlarda ishtirok etadi. Yuristga ularning mohiyati bilan tanishish huquqni o‘rganish va tushunish, shuningdek uni qo‘llash bo‘yicha amaliy faoliyat uchun zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Кайкавус Қабуснома - Т.: “Ўқитувчи”, 2006, -Б.122-123.
2. Темур тузуклари. – Тошкент, 1996.-В.24.
3. Advokat.№1/2014,-B.7.

Mirazov Davron Miragzamovich
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Jinoiy-huquqiy fanlar kafedrasi boshlig‘i, yu.f.d., professor, polkovnik
Olimjonov Xushnudbek Maxamadsalim o‘g‘li
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Davlat huquqiy fanlar va inson huquqlari kafedrasi dotsenti, yu.f.b.f.d. (PhD), dotsent, mayor

HARBIY XIZMATCHILARNING HUQUQIY XIMOYASINI IJTIMOIY ZARURATI

Annotatsiya: ushbu maqolada mamlakat fuqarolarini huquqiy va ijtimoiy himoya qilish demokratik davlatning asosiy vazifasi ekanligi biroq, bunday himoya mexanizmlari istisnosiz aholining barcha guruhlari uchun bir xil bo‘lishi mumkin emasligi, chunki barcha guruhlarning xizmat faoliyatidagi talablar o‘ziga xos xususiyatlar bilan bir-biridan farq qilishi, jamiyatning ijtimoiy guruhlari orasida harbiy xizmatchilar alohida o‘rin tutishi, ularning o‘ziga xos maqsadi butun jamiyat va davlat manfaatlariga xizmat qilishi, ushbu xizmat ularning huquqiy maqomi va jamiyatdagi mavqeiga bir qator jiddiy cheklovlar qo‘yishi mumkinligi yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Qurolli Kuchlar, harbiy xizmatchi, harbiy huquq, harbiy qonunchilik, ijtimoiy himoya, o‘zaro farq.

Аннотация: в данной статье подчеркивается, что правовая и социальная защита граждан страны является основной задачей демократического государства, однако такие механизмы защиты не могут быть одинаковыми для всех групп населения без исключения, поскольку требования к служебной деятельности всех групп отличаются друг от друга своими особенностями, военнослужащие занимают особое место среди социальных групп общества, их специфическая цель служит интересам всего общества и государства, эта служба может наложить ряд серьезных ограничений на их правовой статус и положение в обществе.

Ключевые слова: Вооруженные Силы, военнослужащий, военное право, военное законодательство, социальная защита, взаимное различие.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti, Qurolli Kuchlar Oliy Bosh Qo‘mondoni Shavkat Mirziyoyev O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganining

33 yilligi va “Vatan himoyachilari kuni” munosabati bilan yo‘llagan bayram tabrigida “Harbiy xizmatchilar, ularning oila a’zolari, Qurolli Kuchlarimiz faxriylarini ijtimoiy himoya qilish, har tomonlama qo‘llab-quvvatlash bundan buyon ham diqqatimiz markazida bo‘ladi.

Ana shu muhim vazifalarni bajarishda, hech shubhasiz, harbiy-ma’muriy sektorlar, davlat va jamoat tashkilotlari hamda keng jamoatchilikning faol ishtiroki g‘oyat muhim ahamiyatga ega. Chunki, xalq bilan muloqot va maslahat asosida, uning ishtirokida amalga oshirilgan ish albatta qudratli ijobiy kuchga ega bo‘ladi”[2] deb ta’kidlab o‘tdilar.

Harbiy xizmatchilarning huquqiy himoyasi ijtimoiy ehtiyoj ekanligi Qurolli Kuchlar Oliy Bosh Qo‘mondonining bayram tabrigida munosib e’tirof etildi. Chunki, harbiy xizmatchilarga davlatimiz tomonidan qaratilayotgan e’tibor ularning jangovar shayligini oshirishga, armiyada intizomni yanada mustahkamlashga xizmat qiladi.

Shuningdek, harbiy xizmatchilarning huquqiy himoyasini ijtimoiy zarurati sifatida o‘rganilganda quyidagi atamalarga duch kelamiz:

Kontrakt bo‘yicha harbiy xizmat - kontrakt bo‘yicha harbiy xizmat Qurolli Kuchlar safidagi haqiqiy harbiy xizmatga ixtiyoriylik asosida, harbiy xizmat nazarda tutilgan vazirliklar, davlat qo‘mitalari va idoralar orqali davlat bilan tuziladigan kontraktga binoan kirgan fuqarolar bajaradigan harbiy xizmat turidir.

Harbiy huquq - harbiy qonunchilik. Davlatdagi huquqiy tizimning muayyan qismi bo‘lib:

- jamoatchilikning Qurolli Kuchlar qurulishi va faoliyati, qo‘shinlarni joylash va boshqarish, fuqarolarning harbiy xizmat o‘tash sohasidagi munosabatlarini belgilaydi;

harbiy boshqaruv organi, harbiy xizmatchi va harbiy mansabdor shaxs orasidagi munosabatlarni tartibga soladi;

harbiy xizmatchilar majburiyati, huquqi va mas’uliyatlarini belgilab beradi[9].

Huquqiy tartibotni saqlash bo‘yicha mansabdor shaxslar va harbiy xizmatchilarning huquqiy himoyasi ham muhim ahamiyat kasb etadi. Harbiy xizmatchilarning huquqiy himoyasining nazariy asoslari asosan ijro hokimiyati sohasida shakllanadi. Tartibga solishda ma’muriy-huquqiy jihatlarning ustunligi harbiy munosabatlarning ikkinchi va uchinchi guruhlari uchun eng xarakterlidir, ammo boshqa guruhlarda ham sodir bo‘ladi, bu davlatda harbiy faoliyatni huquqiy tartibga solishning o‘ziga xos xususiyati hisoblanadi. Shu bilan birga, birinchi guruhga kiruvchi harbiy munosabatlar

ham konstitutsiyaviy (davlat) huquq normalari bilan, ikkinchisi esa xalqaro huquq bilan tartibga solinadi.

Harbiy huquq nazriyasidagi hal etilishi lozim bo‘lgan muammolar quyidagilar:

- harbiy huquqni huquq sohasi sifatida, huquqning alohida sohalarida vositachilik qiluvchi zamonaviy yuridik fan tomonidan ishlab chiqilgan mezonlar nuqtai nazaridan tizimli o‘rganish;

- harbiy huquq strukturasining elementlarini o‘rganish (mavzu, usullari, tamoyillari, funksiyalari) va alohida institutlar (davlatning harbiy tashkiloti va uning huquqiy holati, harbiy harakatlarni huquqiy ta’minlash, harbiy xizmat, harbiy xizmatchi va boshqalar);

- huquqiy tartibga solishni rivojlantirish yo‘nalishlarini belgilashlardan iborat.

Albatta bu holat “Harbiy huquq” tushunchasini ham nazarda tutadi. Shu o‘rinda, “Harbiy huquq” tushunchasini uch jihatda ko‘rib chiqish mumkin: birinchidan, muayyan huquqni tartibga soluvchi huquq sohasi sifatida. ikkinchidan, fan (huquq sohasi) sifatida; uchinchidan, harbiy huquqni o‘qitish bilan bog‘liq akademik fan sifatida. “Harbiy huquq” tushunchasining sanab o‘tilgan turlari o‘zaro bog‘liq, ammo ularning har biri o‘z mazmuniga ega. Harbiy huquqning umumiy predmeti davlatning harbiy faoliyati sohasida rivojlanadigan ijtimoiy munosabatlardir. Harbiy xizmatchilarning huquqiy himoyasini nazariy asoslari quyidagi guruhlar orqali amalga oshiriladi.

Birinchi guruhga mamlakat mudofaasi va davlat xavfsizligini harbiy usullar bilan ta’minlash, davlat harbiy tashkilotining barcha elementlarini tayyorlash va shu maqsadlarda foydalanish sohasida rivojlanadigan ijtimoiy munosabatlar; harbiy qurilish; davlatning harbiy tashkilotini boshqarish va uni har tomonlama qo‘llab-quvvatlashdan iborat.

Ikkinchi guruhga harbiy burchni bajarish, harbiy xizmatga qabul qilish bilan bog‘liq munosabatlar kiradi. Kontrakt bo‘yicha harbiy xizmat, shuningdek, harbiy xizmatchilarning maqomidan iborat.

Uchinchi guruhga harbiy intizom, qonuniylik va tartibni saqlash bilan bog‘liq munosabatlar hamda harbiy prokuratura faoliyati kiradi.

To‘rtinchi guruhga harbiy masalalar bilan bog‘liq xalqaro huquq normalari bilan tartibga solinadigan munosabatlar, hamkorlik, shuningdek, xalqaro huquqni buzganlik uchun javobgarlik masalalari kiradi.

Shu o‘rinda yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib, quyidagi mualliflik ta’riflarni keltirish maqsadga muvofiq:

Harbiy huquq –mudofaa va xavfsizlik sohasida paydo bo‘ladigan ijtimoiy munosabatlarni huquqiy jihatdan tartibga solishni o‘rganuvchi huquqning alohida tarmog‘i.

Harbiy xizmatchilarni huquqiy himoyalash – bu huquqiy asosda harbiy xizmatchining himoyasini ta’minlovchi maxsus qonunlar, boshqa me’yoriy hujjatlar, qoidalar, jarayonlar va tadbirlardir.

Harbiy xizmatchilarning huquqiy himoyasi ijtimoiy ehtiyoj – bu harbiy xizmatchilarning xizmati davomida faollikka undovchi kuch bo‘lib, o‘z navbatida, ularning hayot sharoitlariga ta’sir ko‘rsatadi, ularning o‘ziga xos tomonlarini belgilaydi, u yoki bu faoliyat usullarini ehtiyojlarini qondiradigan huquqiy himoyani ishlab chiqarishni taqazo etadi.

Qurolli Kuchlarimiz O‘zbekiston Respublikasining davlat suverenitetini va hududiy yaxlitligini, aholining tinch hayoti va xavfsizligini himoya qilish uchun tuzilganligi O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyada belgilab qo‘yilgan. Qurolli Kuchlarning qancha miqdorda bo‘lishi va Respublika o‘z xavfsizligini ta’minlash uchun yetarli darajada Qurolli Kuchlarga ega ekanligini ham Konstitutsiyaning 152, 153-moddalarida qayd etilgan. Konstitutsiyamizning 19-moddasiga ko‘ra, “O‘zbekiston Respublikasida barcha fuqarolar bir xil huquq va erkinliklarga ega bo‘lib, jinsi, irqi, millati, tili, dini, e’tiqodi, ijtimoiy kelib chiqishi, ijtimoiy mavqeyidan qat’i nazar, qonun oldida tengdirlar”[1] deb mustahkamlab qo‘yilgan.

O‘zbekiston Respublikasi fuqarosi harbiy xizmatchi sifatida harbiy xizmatni o‘tayotganda, uning Konstitutsiya va qonunlarda belgilangan huquq va erkinliklari amalda to‘liq bajarilishi, harbiy xizmatchining qonunlarda belgilangan huquqlari fuqaroniki singari to‘liq saqlanishi, harbiy xizmatchiga nisbatan cheklov bo‘lsa, bu cheklovlar nimalardan iboratligi, umuman olganda cheklovlarning zarurati bormi va kimlar bunday huquqqa ega degan savollar kundalik hayotimizda bir necha bor duch kelishimiz mumkin. Bu savollarga normativ-huquqiy hujjatlar asosida, ya’ni asoslantirilgan holda javob berish maqsadga muvofiq.

O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining Ichki xizmat nizomining 10-moddasida “Harbiy xizmatchilar harbiy xizmat sharoitlari bilan belgilanadigan cheklovlarni hisobga olgan holda O‘zbekiston Respublikasi fuqarolari uchun belgilangan barcha huquq va erkinliklardan foydalanadilar, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan normalarga amal qiladilar”[8], deb ko‘rsatilgan.

Bizning fikrimizcha, harbiy xizmat harbiy xizmatchidan har qanday vaziyatda ham xizmat vazifalarini bajarishga shay turishni taqazo etadi. Ular uchun doim shaxsiy manfaatlardan ko‘ra jamiyat va davlat manfaatlari ustundir. Harbiy xizmatchilar xizmat majburiyatlarini bajarayotgan vaqtda yoki bajarmayotgan paytlarida xizmat majburiyatlarini bajarishi uchun xizmat joyiga chaqirtirilishi mumkin. Mazkur holatlarda harbiy xizmatchi xizmat

joyiga belgilangan vaqtda yetib kelishga majbur. Albatta, bunday majburiyatlar mehnat qonunchiligida belgilangan muddat davomida dam olish, oilasi yoki yaqin qarindoshlari davrasida bo‘lish, sog‘ligini to‘liq tiklash, emin-erkin yurish huquqlaridan mahrum etishi harbiy xizmatchining huquqlari cheklanishiga sabab bo‘ladi.

Bunday cheklovlarni qo‘llashdan maqsad esa, harbiy xizmatchidan xizmat majburiyatlarini bajarishga doimo shay bo‘lib turishini taqazo etadi, bu o‘z navbatida davlat tomonidan tashkil etilgan va saqlab turilgan harbiy birlashmalar, qo‘shilmalar va qismlarni, shuningdek boshqa harbiy tuzilmalarni jangovar va safarbarlik borasida doimiy shayligini ta’minlashga xizmat qiladi.

Shu o‘rinda harbiy xizmatchilarga nisbatan tadbiq etiladigan quyidagi cheklovlarga to‘xtalib o‘tsak:

- *harbiy xizmatchining kiyim-kechak kiyish bilan bog‘liq cheklovlari* - harbiy xizmatchi o‘zi xohlagan rangdagi, o‘zi xohlagan rusumdagi, hatto fasllar almashganda ham o‘zi istagan kiyimini kiyib harbiy xizmatni o‘tay olmaydi va agarda u bu qoidani buzsa, harbiy xizmatchi intizomiy tarzda jazolanishi mumkin. Chunki, O‘zbekiston Rspublikasining “Umumiy harbiy majburiyat va harbiy xizmat to‘g‘risida”gi qonunida “harbiy xizmatchilarning harbiy kiyim-kechak va farqlovchi nishonlari O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan tasdiqlanishi”[3] mustahkamlab qo‘yilgan.

Bu qoida O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining Ichki xizmat nizomining 75-moddasida ham o‘z aksini topgan. Chunki, harbiy xizmatning shart-sharoitlaridan kelib chiqib bunga ruxsat berilmaydi, shuning uchun ham cheklovlar belgilaydi. Sababi, birinchidan, harbiy xizmatchi xizmat majburiyatlarini ijro etayotgan paytda – davlat hokimiyatining vakili sifatida ajralib turishi uchun, ikkinchidan, harbiy kiyim-kechak harbiy xizmatchining jangovar topshiriqni bajarish paytida tez va chaqqon harakatlanishiga xalaqit bermaydigan bo‘lishi uchun, uchinchidan, harbiy xizmatchi harbiy operatsiya (harakat)larda qatnashayotganda o‘sha joyning relefidan kelib chiqib ranglar tanlanishi harbiy xizmatchini niqoblash uchun ko‘mak beradi.

- *harbiy xizmatchining erkin harakatlanish huquqidagi cheklovlar* - harbiy xizmatchi o‘zi xohlaganday bir joydan ikkinchi joyga ko‘chib yurishi, O‘zbekiston hududidan o‘zi xohlagan vaqtda chiqib ketishi yoki qaytib kelish huquqiga ega emas. Hattoki, O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasida: “O‘zbekiston Respublikasi hududida bo‘lib turgan har kim mamlakat bo‘ylab

erkin harakatlanish, turar va yashash joyini tanlash huquqiga ega”[1]ligi, belgilangan bo‘lsa ham.

Harbiy xizmatni o‘tayotgan harbiy xizmatchilar bunday konstitutsiyaviy huquqlar va erkinliklardan foydalana olmaydilar, chunki harbiy xizmatchidan buni taqozo etmaydi, ya’ni harbiy xizmat shart-sharoitlari yo‘l qo‘ymaydi. Agarda, muddatli yoki kontrakt bo‘yicha harbiy xizmatni o‘tayotgan harbiy xizmatchining qism yoki xizmat joyini o‘zboshimchalik bilan tashlab ketishi, shuningdek uzrli sabablarsiz belgilangan muddat davomida xizmat joyiga yetib kelmasligi harbiy xizmatni o‘tash tartibiga qarshi jinoyat hisoblanib, javobgarlik masalasini keltirib chiqaradi.

Shuningdek, muddatli harbiy xizmatchining harbiy qismdan qisqa muddatga ruxsat berilganda, boshqa xizmatga tayinlanganda yoki boshqa xizmat joyiga o‘tkazilganda, xizmat safaridan, ta’tildan yoki davolash muassasasidan uzrli sabablarsiz bir kecha-kunduzdan ortiq, lekin o‘n kecha-kunduzdan ko‘p bo‘lmagan muddat davomida xizmat joyida hozir bo‘lmasligi, shunday qilmishlar uchun intizomiy jazo chorasi qo‘llanilganidan keyin sodir etilgan bo‘lsa jinoyat hisoblanadi.

- *harbiy xizmatchining murojaat etishi bo‘yicha ba’zi cheklovlari* - amaldagi «O‘zbekiston Respublikasining “Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to‘g‘risida”gi Qonuni[4]ga muvofiq harbiy xizmatchi ariza, taklif va shikoyat bilan murojaat etishga haqli. Ammo, harbiy xizmatchiga nisbatan ushbu Qonunda berilgan huquqdan harbiy xizmat sharoitidan kelib chiqib, undan cheklovlar bilan foydalanishlari O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining Intizom nizomida belgilab qo‘yilgan. Ushbu Intizom nizomiga ko‘ra, “shikoyatni jangovar navbatchilik, safda borishda harbiy xizmatchilardan so‘rab-bilish yo‘li bilan olingan (shikoyatlar bundan istisno) qorovulda, va boshqa sutkalik naryad va mashg‘ulot paytida berish man etiladi”, deb belgilab qo‘yilgan. Harbiy xizmatchi o‘zi qo‘riqlayotgan harbiy ob’ektni, unga yuklatilgan o‘z xizmat joyini o‘zboshimchalik bilan, ruxsatsiz tashlab ketishi taqiqlanadi. Bunday sodir etgan xatti-harakatining oqibatlariga ko‘ra harbiy xizmatchi intizomiy, moddiy yoki jinoiy javobgarlikka tortiladi.

- *harbiy xizmatchilarning jamoat tashkilotlariga, uyushmalariga, partiyaga a’zo bo‘lish huquqidagi cheklovlar* - O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasida jamoat birlashmalari to‘g‘risida”gi Qonuni[5]ning 16-moddasida: “Harbiy xizmatchilar va huquqni muhofaza qilish idoralarida lavozimni egallab turgan shaxslar o‘z xizmat faoliyatida qonun talablariga amal qiladilar va siyosiy partiyalar hamda siyosiy maqsadlarni ko‘zlovchi

ommaviy jamoat harakatlarining qarorlari bilan bog‘liq bo‘lmaydilar”, deb belgilab qo‘yilgan.

Mazkur Qonunning ushbu talabi O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining Ichki xizmat nizomida ham o‘z aksini topgan bo‘lib, aynan, “O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining harbiy xizmatchilari o‘z xizmat faoliyatida qonunlar, harbiy nizomlarning talablariga amal qiladilar va siyosiy maqsadlarni ko‘zlovchi boshqa jamoat tashkilotlari va birlashmalarning faoliyati bilan aloqador bo‘lmasliklari lozim”[8], deb belgilab qo‘yilgan.

Bizning fikrimizcha, mazkur qoida harbiy xizmatchilarning barcha jamoat tashkilotlariga, shu jumladan, diniy tashkilotlarning faoliyati bilan ham aloqador bo‘lmasliklarini taqozo etadi, ya’ni cheklaydi. Harbiy xizmatchilarning siyosiy partiyalarga a’zo bo‘lish huquqidagi cheklovlar. O‘zbekiston Respublikasining “Siyosiy partiyalar to‘g‘risida”gi Qonuni[6]ning 4-moddasi “Siyosiy partiyalarga a’zolik”, deb atalib, kimlarning va qaysi lavozimdagilarni siyosiy partiyalarga a’zo bo‘la olmasligi ko‘rsatilgan bo‘lib, shu jumlasiga harbiy xizmatchilar ham kiritilgan.

- *boshqa haq to‘lanadigan faoliyat bilan shug‘ullanish* - O‘zbekiston Respublikasining “Davlat sirlarini saqlash to‘g‘risida”gi Qonuni[7]ning 30-moddasida: “Davlat sirlaridan xabardor bo‘lgan shaxslarning huquqlari vaqtincha cheklanishi mumkin”, deb ko‘rsatilgan.

Bundan tashqari, “O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarining harbiy xizmatni o‘tash tartibi to‘g‘risida”gi Nizomda harbiy xizmatchilarga nisbatan qo‘llaniladigan cheklovlar aniq-ravshan bayon etilgan bo‘lib, ular boshqa haq to‘lanadigan faoliyat bilan shug‘ullanishi, ilmiy va ijodiy faoliyat olib borish bundan mustasno, agarda u harbiy xizmat majburiyatlarini bajarishga xalaqit bermasa, shaxsan o‘zi yoki vakolatli shaxs orqali tadbirkorlik bilan shug‘ullanishi, shu jumladan savdo-sotiq (tijorat) tashkilotlarini boshqarishda ishtirok etishi, shuningdek xizmat mavqeidan foydalanib tabdirkorlik faoliyatini olib borishda jismoniy va yuridik shaxslarga yordam ko‘rsatishi, harbiy xizmat vazifalarini bajarish bilan bog‘liq bo‘lmagan maqsadlarda harbiy qism mulki va moliya mablag‘larini, shuningdek boshqa davlat mulkini ishlatishi, harbiy xizmat vazifalarini bajarish bilan bog‘liq narsalarni nashr qilish va ma’ruzasi uchun gonorar olish (ommaviy axborot vositalaridagi nashrlardan tashqari)lar kabi cheklovlar belgilangan[9].

Yuqoridagilardan xulosa qilish mumkinki, harbiy xizmatchilarning huquqiy himoyasi ijtimoiy zarurat darajasiga ko‘tarilgan. Ularning xizmat nuqtai nazaridan huquq va erkinliklarini cheklanishi harbiy xizmatchilarning huquqiy himoyasini takomillashtirish ehtiyojini keltirib chiqaradi.

Shuningdek, barcha rivojlangan mamlakatlar mamlakat mudofaasiga bel bog‘lagan harbiy xizmatchilarning ijtimoiy himoyasini huquqiy ta’minlash bugungi kunning dolzarb vazifasi bo‘lib qolmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. // (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 01.05.2023-y., 03/23/837/0241-son).
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti, Qurolli Kuchlar Oliy Bosh Qo‘mondoni Shavkat Mirziyoyev O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganining 33 yilligi va “Vatan himoyachilari kuni” munosabati bilan yo‘llagan bayram tabrigi. / https://president.uz/uz/lists/view/7812
3. O‘zbekiston Respublikasining 2002-yil 12-dekabrdagi “Umumiy harbiy majburiyat va harbiy xizmat to‘g‘risi”dagi O‘RQ-436-II-son-sonli Qonunning 11-moddasi. //https://www.lex.uz/acts/78717
4. O‘zbekiston Respublikasining 2017-yil 11-sentabrdagi “Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to‘g‘risida”dagi O‘RQ-445-sonli Qonunning 5-moddasi.
5. O‘zbekiston Respublikasining 1991-yil 15-fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasida jamoat birlashmalari to‘g‘risida”gi O‘RQ-223-XII-sonli Qonunining 16-moddasi.
6. “O‘zbekiston Respublikasining 1996-yil 26-dekabrdagi “Siyosiy partiyalar to‘g‘risida”gi O‘RQ-337-I--sonli Qonunining 4-moddasi.
7. O‘zbekiston Respublikasining 2024-yil 27-dekabrdagi “Davlat sirlarini saqlash to‘g‘risida”gi O‘RQ-1016-sonli Qonunining 30-moddasi.
8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 14-fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining harbiy nizomlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-23-sonli Farmoni // https://lex.uz/uz/docs/7385415
9. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 12-sentabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarining harbiy xizmatni o‘tash tartibi to‘g‘risida”gi Nizomni tasdiqlash haqidagi PQ-4447-son qarori

Nurmatov Mirg‘olib Mirzaevich
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti kafedra boshlig‘i,
yuridik fanlar doktori (DSc), professor
Muxammedov Faxriddin Nasriddinovich
O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi TQKX xodimi

FIRIBGARLIK JINOYATLARIGA QARSHI KURASHISHNING JINOIY-HUQUQIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISHNING AYRIM MASALALARI

Annotatsiya: *Maqolada O‘zbekistonda firibgarlik jinoyatlariga qarshi kurashish sohasidagi tendensiyalar, firibgarlik jinoyatlariga qarshi kurashishning jinoiy huquqiy asoslari, ushbu jinoyatlardan jabrlangan shaxslarning noqonuniy xatti-harakatlari tahlil qilinib, ularga nisbatan jinoiy javobgarlikni belgilashga oid takliflar bayon etilgan.*

Kalit so‘zlar: *firibgarlik, jinoyat, xatti-harakat, jazo, aldash, mol-mulk,* ishonchni suiiste’mol qilish, *firibgarlik uchburchagi, firibgarlikka undash.*

Аннотация: *В статье анализируется тенденция преступлений в сфере борьбы с мошенничеством в Узбекистане, уголовно-правовые основы преступлений борьбы с мошенническими преступлениями, неправомерные действия пострадавших граждан от этих преступлений, а также изложены предложения по определению уголовной ответственности.*

Ключевые слова: *мошенничество, преступление, поведение, наказание, обман, собственность, злоупотребление доверием, треугольник мошенничества, подстрекательство к мошенничеству.*

Annotation: *The article analyzes trends in the fight against fraudulent crimes in Uzbekistan, the criminal legal basis for combating fraudulent crimes, illegal actions of victims of these crimes and presents proposals for determining criminal liability against them.*

Keywords: *fraud, crime, behavior, punishment, deception, property, breach of trust, fraud triangle, incitement to fraud.*

Bugungi kunda mamlakatimizda jinoyatlarni jilovlash, oldini olish va ularning sodir etilishiga imkon bergan shart-sharoitlarni bartaraf etish borasida ko‘rilayotgan choralarga qaramasdan, ayrim turdagi jinoyatlar, xususan firibgarlik jinoyatlari sonining yuqoriligi va o‘sishi davom etmoqda.

Aholining pul mablag‘lari plastik kartochkalarga o‘tkazilishi, xalqaro savdo-sotiqning rivojlanishi, axborot texnologiyalari rivojlanib borayotganligi,

Internet jahon axborot tarmog‘idan hamda elektron to‘lov tizimlaridan foydalanuvchilar soni ko‘payib borayotganligi o‘z navbatida ushbu sohalarda firibgarlik jinoyatlari sonini oshishiga olib kelmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2023-yil 23-iyundagi 17-sonli “Firibgarlikka oid ishlar bo‘yicha sud amaliyoti to‘g‘risida”gi Qarorining 2-bandida “Sudlarning e’tibori shunga qaratilsinki, bozor iqtisodiyoti sharoitida mulkka tajovuz qilish bilan bog‘liq qilmishlar orasida o‘zganing mulkini firibgarlik yo‘li bilan talon-toroj qilish tariqasidagi jinoyatlar o‘sishi tendensiyasi kuzatilmoqda” [1], – deya qayd etilgan.

Mazkur tendensiyalar, ushbu turdagi jinoyatlarga imkon berayotgan omil va shart-sharoitlarni chuqur tahlil qilish va bartaraf etish yo‘llarini aniqlashni, ularga qarshi kurashishning jinoiy-huquqiy asoslarini takomillashtirishni talab etadi.

Masalan, birgina 2023-yilning 11 oyida 5,5 ming ta kiberjinoyat sodir etilgan bo‘lsa, shundan 70 foizi bank kartalari bilan bog‘liq firibgarlik va o‘g‘irlik jinoyatlari hisoblanadi. Bugungi kunda mamlakatimizda 50 ga yaqin to‘lov tizimi bo‘lib, ularning hammasi ham kiberxavfsizlik talablariga javob bermaydi. Joriy yilning noyabr oyida IT vositasida sodir etiladigan huquqbuzarliklarga qarshi kurashish bo‘yicha Prezident qarori imzolandi [2].

Shuningdek, Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev raisligida 2023-yil 20-dekabr kuni tarmoq va hududlarda axborot texnologiyalarini rivojlantirish hamda davlat boshqaruvini raqamlashtirish bo‘yicha ustuvor vazifalar yuzasidan o‘tkazilgan videoselektor yig‘ilishida mutasaddi vazirlik va idoralarga barcha elektron to‘lov tizimlari uchun yagona kiberxavfsizlik talablarini ishlab chiqish va ijrosini qat’iy nazorat qilish vazifasi qo‘yildi [3].

Bugungi kunda barcha viloyatlarda qayd etilgan jinoyatlar tarkibida firibgarlik jinoyati salmog‘i yuqoriligicha qolmoqda. Shu sababli, firibgarlik jinoyatlarini oldini olish uchun avvalo ushbu jinoyatlar sodir etilgan sohalar kesimida shart-sharoitlarni chuqur tahlil qilish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Masalan, Xorazm viloyatida qayd etilgan oldini olish mumkin bo‘lgan jinoyatlar tahlil qilinganda, ushbu jinoyatlarning 29 foizini firibgarlik jinoyatlari tashkil qilgan. Mazkur firibgarlik jinoyatlari sodir etilgan soha va yo‘nalishlar kesimida tadqiq qilinganda esa, ularning 19 foizi uy-joy olib berish, 13 foizi kredit olib berish, 7 foizi tadbirkorlik bilan shug‘ullanish, 7 foizi ishga kiritib qo‘yish, 6 foizi avtomashina olib berish, 4 foizi chorva hayvonlarini sotish, so‘yish va olish, 3 foizdan o‘qishga kiritib qo‘yish, chet elga ishga yuborish, qarz oldi-berdisi, 2 foizi axborot texnologiyalari orqali, 1

foizi plastikdagi pulni naqdlashtirib berish bilan bog‘liq holda sodir etilgan [4].

Qayd etish lozimki, firibgarlik jinoyati iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar tarkibiga kirib, O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 168-moddasiga ko‘ra, “firibgarlik, ya’ni aldash yoki ishonchni suiiste’mol qilish yo‘li bilan o‘zganing mulkini yoki o‘zganing mulkiga bo‘lgan huquqini qo‘lga kiritish” deya qonunchilik ta’rifi berilgan.

Taniqli huquqshunos olim M.X. Rustambayevning fikriga ko‘ra, firibgarlikning ob’ekti o‘zganing mulki yoki mulkiy huquqlarini muhofaza qilishga qaratilgan ijtimoiy munosabatlardir. Firibgarlikning predmeti o‘zganing mulki yoki yuridik kategoriya sifatida o‘zganing mulkiga bo‘lgan huquqi hisobalnadi. O‘zganing mulkiga bo‘lgan huquq turli xil hujjatlarda, maslan, muayyan boyliklarni olish uchun ishonchnoma, vasiyatnoma, sug‘urta polisi, turli xil qimmatli qog‘ozlarda mustahkamlangan bo‘lishi mumkin. Amaliyot ko‘rsatishicha, aynan mulkka bo‘lgan huquqlarni, shu jumladan, ularning sotib olinishini mustahkamlaydigan hujjatlar turli firibgar operatsiyalarning predmeti bo‘ladi [5].

Bunda, o‘zganing mulkini yoki mulkka bo‘lgan huquqini yuqorida ko‘rsatilgan ikki usulni qo‘llab, tekin qo‘lga kiritgan, 16 yoshga to‘lgan aqli raso har qanday shaxs firibgarlik jinoyatini sodir etgan shaxs sifatida huquqni muhofaza qiluvchi idoralar tomonidan jinoiy ta’qibga uchrashi mumkin. Jinoyat ishi qo‘zg‘atish uchun asos bo‘luvchi zarar summasi oz miqdordan, ya’ni eng kam oylik ish haqining 30 barobaridan ko‘p bo‘lishi kerak. Agar firibgardan jismoniy shaxs jabrlangan bo‘lsa, jinoyat ishi qo‘zg‘atish uchun talon-toroj qilingan mulk summasi ahamiyatga ega emas [6].

Aldash deganda aybdor tomonidan, bila turib, haqiqatga to‘g‘ri kelmaydigan yolg‘on ma’lumotlar xabar qilinishi yoki ish holati bo‘yicha mulkdor, mulkning boshqa egasiga ma’lum qilinishi lozim bo‘lgan haqiqiy faktlarni yashirish yoxud bunday shaxslarni yanglishtirishga qaratilgan qasddan sodir etilgan harakatlar tushuniladi.

Ishonchni suiiste’mol qilish esa, – aybdorning mulkdor, mulkning boshqa egasi yoki mulkni uchinchi shaxslarga berib yuborish to‘g‘risida qaror qabul qilishga vakolatli boshqa shaxslar bilan ishonchli munosabatlardan g‘arazli maqsadlarda foydalanishi tushunilishi lozim. Ishonchga turli holatlar, masalan, aybdor shaxsning xizmat mavqei yoki uning jabrlanuvchi bilan shaxsiy yoki qarindosh-urug‘lik munosabatlari sabab bo‘lishi mumkin.

Bunda, firibgarlikda aldash yoki ishonchni suiiste'mol qilish mulkni yoki unga bo‘lgan huquqni aybdor mulkdorligi yoki egaligiga ixtiyoriy ravishda beradigan aqli raso shaxsga nisbatan sodir etilgan bo‘lishi shart.

Aybdor tomonidan, bila turib, aqli noraso shaxsni yoki voqelik mohiyatini anglash qobiliyatiga ega bo‘lmagan (masalan, kichik yoshdagi bolaligi (14 yoshga to‘lmaganligi), ko‘zi ojizligi, ruhiy jihatdan norasoligi, alkogol, giyohvandlik vositasi, ularning analoglari yoki psixotrop modda ta'sirida og‘ir darajada mastligi tufayli) shaxsni aldash va undan mulkini olish firibgarlik tariqasida emas, balki o‘g‘irlik sifatida kvalifikatsiya qilinishi lozim, chunki bunday hollarda shaxs mulk uning egaligidan chiqib ketayotganligini anglamaydi [1].

Yuqorida ko‘rib chiqilganidek, firibgarlik jinoyatlariga qarshi kurashishning jinoiy-huquqiy ta'sir choralari belgilanganligiga qaramasdan, ushbu jinoyatlarning sodir etilishi va o‘sib borishi hamon kuzatilmoqda.

Jumladan, Jinoyat kodeksining 168-moddasi 5 qismdan iborat bo‘lib, 1-qismida bazaviy hisoblash miqdorining ellik baravaridan yuz baravarigacha miqdorda jarima yoki ikki yilgacha axloq tuzatish ishlari yoki bir yildan uch yilgacha ozodlikni cheklash yoxud uch yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanishi nazarda tutilgan.

Moddaning 2-qismida esa ancha miqdorda, bir guruh shaxslar tomonidan oldindan til biriktirib sodir etilgan bo‘lsa, – bazaviy hisoblash miqdorining yuz baravaridan uch yuz baravarigacha miqdorda jarima yoki uch yilgacha axloq tuzatish ishlari yoki uch yildan besh yilgacha ozodlikni cheklash yoxud uch yildan besh yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi.

Moddaning 3-qismida ko‘p miqdorda, takroran yoki xavfli residivist tomonidan, xizmat mavqeidan foydalangan holda, axborot tizimidan, shu jumladan axborot texnologiyalaridan foydalanib sodir etilgan bo‘lsa, – bazaviy hisoblash miqdorining uch yuz baravaridan to‘rt yuz baravarigacha miqdorda jarima yoki ikki yildan uch yilgacha axloq tuzatish ishlari yoxud muayyan huquqdan mahrum etilgan holda besh yildan sakkiz yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanishi belgilangan.

Shuningdek, 4-qismida juda ko‘p miqdorda, o‘ta xavfli residivist tomonidan, uyushgan guruh tomonidan yoki uning manfaatlarini ko‘zlab sodir etilgan bo‘lsa, bazaviy hisoblash miqdorining to‘rt yuz baravaridan olti yuz baravarigacha miqdorda jarima yoki sakkiz yildan o‘n yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi.

Bundan tashqari, ushbu moddada yetkazilgan moddiy zararning o‘rni qoplangan taqdirda ozodlikni cheklash va ozodlikdan mahrum qilish tariqasidagi jazo qo‘llanilmasligi belgilangan [7].

Biroq, firibgarlik jinoyatlari tahlil qilinganda, ko‘rilgan qator choralarga qaramasdan ularni sodir etilishining asosiy sababi, – jabrlanuvchilarning o‘rnatilgan qonunchilik talablarini chetlab o‘tishiga harakat qilishi va ushbu jinoyatlarni sodir etuvchilarni jinoyatga undashi natijasida sodir etilmoqda. Shuningdek, bugungi kunda qonunchilikda firibgarlik jinoyatini sodir etilishiga undagan, o‘z manfaatini ko‘zlab belgilangan huquq normalarini chetlab o‘tishga harakat qilgan shaxsning xatti-harakatlari uchun jinoiy javobgarlik belgilanmagan.

E’tibor qartish lozimki, Amerikalik olimlar Edvin Sazerlend va Donald R. Kressining kriminologik tadqiqotlariga tayangan holda, Firibgarlik bo‘yicha sertifikatlangan ekspertlar uyushmasining sobiq prezidenti, amerikalik V. Stiv Albrext firibgarlik xavfi yuqori bo‘lishiga olib keladigan sharoitlarni modellashtirish uchun “firibgarlik uchburchagi” atamasini kiritadi. Uning fikriga ko‘ra, shaxsni uch element birlashganda firibgarlik qilishga undaydi. Bularga 1) qandaydir idrok etilgan bosim, 2) qandaydir idrok etilgan imkoniyat va 3) firibgarlikni mantiqiy asoslashning qandaydir yo‘li.

Bugungi kunda “firibgarlik uchburcha”gi olim va amaliyotchilar tomonidan jismoniy shaxslar yoki kompaniyalarni firibgarlikka undashi mumkin bo‘lgan sharoitlarni tushuntirish uchun keng qo‘llaniladi.

Xavfni aniqlash uchun olimlar quyidagi uchta omil mavjudligiga e’tibor beradi: 1) motivatsiya, 2) imkoniyat va 3) ratsionalizatsiya. Sazerlend va Kressi tadqiqotlari ta’kidlaganidek, hatto individual firibgarlik harakatlari ham kamdan-kam hollarda o‘ziga xos shaxsiy xususiyatlarning bevosita natijasidir, aksincha, shartli atrof-muhit omillari ta’siri ostida jinoyat sodir etiladi [8]. Biz V. Stiv Albrextning fikriga qo‘shilamiz, jumladan firibgarlik jinoyatlari sodir etilishga asosiy shart-sharoit sifatida imkoniyatning mavjudligi, bu imkoniyatni avvalo firibgarlikdan jabrlanuvchi fuqarolarning o‘zlari yaratayotganligi ta’kidlash o‘rinlidir.

Shu sababli, jinoyat qonunchiligiga firibgarlikka undaganlik uchun jinoiy javobgarlik normalarini belgilash lozim. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksiga yangi 168^1-moddasi (Firibgarlikka undash)ni kiritish maqsadga muvofiq.

Bunda, modda dispozitsiyasini “Firibgarlikka undash, ya’ni o‘zning yoki o‘zga shaxsning manfaatlarini ko‘zlab, ko‘ndirish, aldash yoki boshqa yo‘l bilan

o‘zga shaxsda firibgarlik jinoyatini sodir etish hissini uyg‘otgan yoxud firibgarlik jinoyatini sodir etishga da’vat etgan yoinki noqonuniy harakatlar sodir etilishi xususida kelishgan shaxsning o‘zini firibgarlikdan jabrlanuvchi sifatida huquqni muhofaza qilish organlariga asossiz murojaat qilishi yoki asossiz da’vo qilishi” kabi belgilash lozim.

Shuningdek, mazkur xatti-harakatlar uchun “bazaviy hisoblash miqdorining ellik baravaridan yuz baravarigacha miqdorda jarima yoki ikki yilgacha axloq tuzatish ishlari yoki bir yildan uch yilgacha ozodlikni cheklash yoxud uch yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi” kabi sanksiya belgilanishi maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Xulosa o‘rnida qayd etish mumkinki, mamlakatimizda firibgarlik jinoyatlariga qarshi kurashishning jinoiy huquqiy asoslari yetarli darajada shakllangan bo‘lib, ushbu normalar asosan firibgarlik jinoyatini sodir etgan shaxslarning xatti-harakatlariga nisbatan va jinoyat sodir etgan shaxsni jazolashga yo‘naltirilgan. Biroq, firibgarlik jinoyatlarining asosiy qismi firibgarlikdan jabrlanuvchilar noqonuniy xatti-harakatlari asosida sodir etilib, bunda ularning ushbu harakatlariga huquqiy baho berishning jinoiy huquqiy asoslari mavjud emas. Shu sababli, firibgarlikka undaganlik uchun jinoiy javobgarlikning belgilanishi, o‘z navbatida ushbu turdagi jinoyatlarni sodir etilishiga imkon bergan shart-sharoitlarni bartaraf etishga yordam beradi, fuqarolarni noqonuniy harakat qilishlarini cheklaydi hamda ularning amaldagi qonunlarga hurmat va qat’iy rioya etishlariga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. https://lex.uz/docs/6523582
2. https://yuz.uz/news/11-oyda-55-mingta-kiberjinoyat-sodir-etilgan
3. Raqamlashtirish sohasidagi dolzarb masalalar muhokama qilindi // https://president.uz/uz/lists/view/6938.
4. Mazkur ko‘rsatkichlar mualliflar tomonidan hududlardagi kriminogen vaziyatni ilmiy o‘rganish natijasida aniqlangan.
5. M.X. Rustambayev O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksiga sharhlar. Maxsus qism. – Toshkent: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. – V. 435-436
6. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi huzuridagi Tergov departamenti boshqarma boshlig‘i o‘rinbosari O.T. Qulbekov. Firibgarlik o‘zi nima? Nega odamlar tez va ko‘p aldanadi? // https://www.xabar.uz/uz/
7. O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi // https://lex.uz/docs/

8. The National Whistleblower Center. The Fraud Triangle // https://www.whistleblowers.org/fraud-triangle/

Jo‘raev Muhiddin Utkurovich
O‘zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti mustaqil izlanuvchisi, yu.f.b.f.d. (PhD)

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JAMOAT XAVFSIZLIGI KONSEPSIYASINING MOHIYATI VA DOLZARBLIGI

Annotatsiya. Mazkur maqolada jamoat xavfsizligi konsepsiyasining yangi tahrirdagi loyihasining mazmun-mohiyati va davlat tomonidan jamiyatni tahdidlardan himoya qilish uchun belgilanadigan hamda doimiy ravishda takomillashtirib boriladigan siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy, huquqiy va boshqa kompleks tashkiliy chora-tadbirlarni qamrab oluvchi yaxlit tizim doirasidagi faoliyati bayon qilingan.

Kalit so‘zlar: Jamoat xavfsizligi, strategiya, qonun, loyiha, konsepsiya, ob’ekt, sub’ekt, tizim, dastur, agentlik, tashkilotlar, huquq, erkinlik va qonun, tashkilotlar.

Аннотатsiя. В данной статье изложены суть и содержание проекта Концепции общественной безопасности в новой редакции и ее деятельность в рамках целостной системы, включающей политические, социально-экономические, правовые и другие комплексные организатsионные меры для защиты общества от угроз, определяемые и постоянно совершенствуемые государством.

Ключевые слова: Общественная безопасность, стратегия, закон, проект, концепция, объект, субъект, система, программа, агентство, организатsии, право, свобода и закон, организатsии.

Abstract. This article describes the essence of the draft Concept of Public Security in a new edition and its activities within the framework of a comprehensive system of political, socio-economic, legal, and other comprehensive organizational measures defined and constantly improved by the state to protect society from threats.

Keywords: Public safety, strategy, law, project, concept, object, subject, system, program, agency, organizations, law, freedom and law, organizations.

O‘zbekiston Respublikasilda jamoat xavfsizligi konsepsiyasining yangi tahrirdagi loyihasini ishlab chiqish zaruratidan kelib chiqib, konsepsiyasining yangi tahrirdagi loyihasi ishlab chiqildi.

Mazkur loyihasida quyidagi konseptual **o‘zgartirishlar** nazarda tutilgan.

Birinchi, O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasiga muvofiq, jamoat xavfsizligi — jamiyatning qonunga xilof tajovuzlar, ijtimoiy va millatlararo nizolar, favqulodda vaziyatlar va boshqa tahdidlardan himoyalanganlik holati bo‘lib, u jamiyatning barqaror rivojlanishiga xizmat qiladi hamda insonning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlari ro‘yobga chiqarilishini ta’minlaydi.

Mazkur konsepsiyaning yangi tahrirdagi loyihasida, jamoat xavfsizligi tushunchasining muallif tomonidan ishlab chiqilgan quyidagi ta’rifi qo‘llanildi: «**jamoat xavfsizligi** – jamiyatning axloqiy-ruhiy qadriyatlari, uning yaxlitligi va barqarorligi, fuqarolarning hayoti, sog‘lig‘i va farovonligini haqiqiy va potensial tahdidlardan himoyalanganlik holati».

Ikkinchi, O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasiga muvofiq, jamoat xavfsizligini ta’minlash — davlat tomonidan jamiyatni tahdidlardan himoya qilish uchun belgilanadigan hamda doimiy ravishda takomillashtirib boriladigan siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy, huquqiy va boshqa kompleks tashkiliy chora-tadbirlarni qamrab oluvchi yaxlit tizim hisoblanadi.

Ushbu konsepsiyaning yangi tahrirdagi loyihasida, jamoat xavfsizligini ta’minlash tizimi tushunchasining muallif tomonidan ishlab chiqilgan quyidagi ta’rifi qo‘llanildi: «**jamoat xavfsizligini ta’minlash tizimi –** jamoat xavfsizligini ta’minlovchi sub’ektlar tomonidan amalga oshiriladigan jamoat xavfsizligi ob’ektlarini himoya qilishga qaratilgan huquqiy, tashkiliy, iqtisodiy va texnik chora-tadbirlar majmui».

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasining yangi tahrirdagi loyihasida, jamoat xavfsizligi ob’ektlari tushunchasining muallif tomonidan ishlab chiqilgan quyidagi ta’rifi kiritildi: «**jamoat xavfsizligi ob’ektlari** – jamiyatning axloqiy-ruhiy qadriyatlari, uning yaxlitligi va barqarorligi, fuqarolarning hayoti, sog‘lig‘i va farovonligi».

Uchinchi, O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasining yangi tahrirdagi loyihasida jamoat xavfsizligini ta’minlovchi sub’ektlarning doirasi **Yangi O‘zbekiston ma’muriy islohotlariga muvofiqlashtirilgan** va jamoat xavfsizligini ta’minlash amaliyoti ehtiyojidan kelib chiqib **kengaytirilgan**.

Xususan, **5 ta yangi sub’ekt**: Oila va xotin-qizlar qo‘mitasi, Yoshlar ishlari agentligi, Iqtisodiyot va moliya vazirligi (Bojxona qo‘mitasi), Transport vazirligi (Temir yo‘llarda yuk va yo‘lovchilar tashish xavfsizligini nazorat qilish inspeksiyasi), Energetika vazirligi (Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasi) qo‘shilgan, **bitta**

sub’ektning nomlanishi (Raqamli texnologiyalar vazirligi) o‘zgargan, **bitta sub’ekt** (Mahalla va oilani qo‘llab-quvvatlash vazirligi) chiqarilgan.

Qayd etilgan holatlarni inobatga olgan holda, O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasining yangi tahrirdagi loyihasida jamoat xavfsizligini ta’minlovchi va unda ishtirok etuvchi sub’ektlarga doir normalarni quyidagi tahrirda bayon etish maqsadga muvofiq deb topildi:

«6. Jamoat xavfsizligini ta’minlash tizimi jamoat xavfsizligini ta’minlovchi va unda ishtirok etuvchi sub’ektlardan iborat.

Jamoat xavfsizligini ta’minlovchi sub’ektlar O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi, Ichki ishlar vazirligi, Milliy gvardiya, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Davlat xavfsizlik xizmati, Bosh prokuratura, **Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi**, **Raqamli texnologiyalar vazirligi**, Sog‘liqni saqlash vazirligi, **Iqtisodiyot va moliya vazirligi**, **Transport vazirligi**, **Energetika vazirligi**, **Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oila va xotin-qizlar qo‘mitasi**, **Yoshlar ishlari agentligi**, mahalliy davlat hokimiyati organlaridan iborat.

Boshqa davlat organlari va tashkilotlari, fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari, nodavlat notijorat tashkilotlar va fuqarolar jamoat xavfsizligini ta’minlashda ishtirok etuvchi sub’ektlarga kiradi».

To‘rtinchi, O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasining yangi tahrirdagi loyihasida jamoat xavfsizligini ta’minlovchi **14 ta sub’ektning faoliyati natijadorligini baholash indikatorlari** ishlab chiqilgan va baholashni amalga oshiruvchi **kollegial organ** tashkil etilishi belgilangan.

Jamoat xavfsizligi bo‘yicha respublika ekspert kengashi **har chorak yakunida** sub’ektlarning faoliyati natijadorligini **2 ta mezon** (rag‘batlantiruvchi va jarima ball berish) bo‘yicha **jami 67 ta** (29 ta rag‘batlantiruvchi, 38 ta jarima ball beruvchi) **indikator asosida baholab borishi belgilangan**.

Beshinchi, O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasining yangi tahrirdagi loyihasida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining jamoat xavfsizligi sohasidagi vakolatlariga quyidagi vakolat qo‘shilgan:

«Jamoat xavfsizligi bo‘yicha respublika ekspert kengashi tomonidan har chorak yakunida kiritib boriladigan axborotlarni, shu jumladan, jamoat xavfsizligini ta’minlovchi sub’ektlarning faoliyatini baholash natijalarini ko‘rib chiqib, o‘zining faoliyatida tizimli kamchiliklarga yo‘l qo‘yib kelayotgan mas’ul rahbar xodimlarga nisbatan ta’sir choralari qo‘llanilishini ta’minlaydi».

Oltinchi, O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasining yangi tahrirdagi loyihasida Ichki ishlar vazirligining jamoat xavfsizligi sohasidagi vakolatlari kengaytirilib, quyidagi 3 ta yangi vakolat qo‘shilgan:

«jamoat xavfsizligini ta’minlash faoliyatini raqamlashtirish bo‘yicha apparat-dasturiy komplekslarini yaratish sohasida yagona texnik talablarni tasdiqlaydi;

aholi gavjum bo‘ladigan alohida toifadagi ob’ektlarni foydalanishga topshirish va qabul qilish dalolatnomalari O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi bilan majburiy tartibda kelishiladi.

Ichki ishlar organlari O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi bilan hamkorlikda aholi gavjum bo‘ladigan alohida toifadagi ob’ektlarning jamoat xavfsizligini ta’minlash bo‘yicha talablarga javob berishini hamda idoraviy qorovullik faoliyatini tasdiqlangan rejaga muvofiq har olti oyda bir marta tekshiradi».

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasining yangi tahrirdagi loyihasida O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining jamoat xavfsizligini ta’minlash faoliyati natijadorligini baholash indikatorlari belgilangan. Unga ko‘ra:

«O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining jamoat xavfsizligini ta’minlash faoliyati natijadorligi quyidagi indikatorlar asosida baholanadi:

a) rag‘batlantiruvchi ball berish bo‘yicha:

tashabbus asosida aniqlangan jinoyatlar ko‘rsatkichi;

jinoyatlarning omillarini surishtiruv-tergov bosqichida bartaraf etilishi ko‘rsatkichi;

jinoyatlar oqibatida yetkazilgan moddiy zararni surishtiruv-tergov bosqichida bartaraf etilishi ko‘rsatkichi;

b) jarima ball berish bo‘yicha:

fosh etilmagan jinoyatlar ko‘rsatkichi;

qidiruvdagi ushlanmagan shaxslar ko‘rsatkichi;

oldini olish mumkin bo‘lgan jinoyatlar ko‘rsatkichi;

qayta jinoyatlar (jazoni ijro etish muassasalarida saqlanayotgan mahkumlar, probatsiya nazoratidagi, ma’muriy nazoratdagi, profilaktik hisobdagi shaxslar tomonidan sodir etilgan jinoyatlar) salmog‘i;

odamlar o‘limiga sabab bo‘lgan yo‘l-transport hodisasi bilan bog‘liq jinoyatlar ko‘rsatkichi».

Yettinchi, O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasining yangi tahrirdagi loyihasida O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasining

jamoat xavfsizligini ta’minlash faoliyati natijadorligini baholash indikatorlari belgilangan. Unga muvofiq:

«O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasining jamoat xavfsizligini ta’minlash faoliyati natijadorligi quyidagi indikatorlar asosida baholanadi:

a) rag‘batlantiruvchi ball berish bo‘yicha:

tashabbus asosida aniqlangan Milliy gvardiya nazoratidagi ob’ektlarda sodir etilgan jinoyatlar ko‘rsatkichi;

qo‘riqlovga olingan xonadon va ob’ektlar salmog‘i;

b) jarima ball berish bo‘yicha:

Milliy gvardiya nazoratidagi ob’ektlarda sodir etilgan oldini olish mumkin bo‘lgan jinoyatlar ko‘rsatkichi;

ommaviy tadbirlar davomida sodir etilgan huquqbuzarliklar ko‘rsatkichi».

Sakkizinchi, O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasining yangi tahrirdagi loyihasida O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligining jamoat xavfsizligini ta’minlash faoliyati natijadorligini baholash indikatorlari belgilangan. Unga ko‘ra:

«O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligining jamoat xavfsizligini ta’minlash faoliyati natijadorligi quyidagi indikatorlar asosida baholanadi:

a) rag‘batlantiruvchi ball berish bo‘yicha:

tashabbus asosida aniqlangan yong‘in xavfsizligini ta’minlash, favqulodda vaziyatlarning oldini olishga qaratilgan huquqbuzarliklar ko‘rsatkichi;

b) jarima ball berish bo‘yicha:

favqulodda vaziyatlar ko‘rsatkichi;

yong‘inlar ko‘rsatkichi;

favqulodda vaziyatlar va yong‘inlar oqibatida jabrlangan (halok bo‘lgan, tan jarohati olgan) fuqarolar ko‘rsatkichi;

favqulodda vaziyatlar va yong‘inlar oqibatida yetkazilgan moddiy zarar miqdori».

To‘qqizinchi, O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasining yangi tahrirdagi loyihasida O‘zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmatining jamoat xavfsizligini ta’minlash faoliyati natijadorligini baholash indikatorlari belgilangan. Unga muvofiq:

«O‘zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmatining jamoat xavfsizligini ta’minlash faoliyati natijadorligi quyidagi indikatorlar asosida baholanadi:

a) rag‘batlantiruvchi ball berish bo‘yicha:

tashabbus asosida aniqlangan tinchlik va xavfsizlikka qarshi, shuningdek, davlat chegarasida, chegara oldi mintaqasida (zonasida) sodir etilgan jinoyatlar ko‘rsatkichi;

jinoyatlarning omillarini surishtiruv-tergov bosqichida bartaraf etilishi ko‘rsatkichi;

jinoyatlar oqibatida yetkazilgan moddiy zararni surishtiruv-tergov bosqichida bartaraf etilishi ko‘rsatkichi;

b) jarima ball berish bo‘yicha:

fosh etilmagan tinchlik va xavfsizlikka qarshi, shuningdek, davlat chegarasida, chegara oldi mintaqasida (zonasida) sodir etilgan jinoyatlar ko‘rsatkichi;

tinchlik va xavfsizlikka qarshi, shuningdek, davlat chegarasida, chegara oldi mintaqasida (zonasida) jinoyat sodir etib, qidiruvda bo‘lgan va ushlanmagan shaxslar ko‘rsatkichi;

tinchlik va xavfsizlikka qarshi, shuningdek, davlat chegarasida, chegara oldi mintaqasida (zonasida) sodir etilgan oldini olish mumkin bo‘lgan jinoyatlar ko‘rsatkichi».

O‘ninchi, O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasining yangi tahrirdagi loyihasida O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasining jamoat xavfsizligini ta’minlash faoliyati natijadorligini baholash indikatorlari belgilangan. Unga muvofiq:

«O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasining jamoat xavfsizligini ta’minlash faoliyati natijadorligi quyidagi indikatorlar asosida baholanadi:

a) rag‘batlantiruvchi ball berish bo‘yicha:

tashabbus asosida aniqlangan iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar ko‘rsatkichi;

jinoyatlarning omillarini surishtiruv-tergov bosqichida bartaraf etilishi ko‘rsatkichi;

jinoyatlar oqibatida yetkazilgan moddiy zararni surishtiruv-tergov bosqichida bartaraf etilishi ko‘rsatkichi;

ma’muriy huquqbuzarlik sodir etgan shaxslarga solingan jarima summasi undirilishi salmog‘i;

jinoyat sodir etgan shaxslarga solingan jarima summasi undirilishi salmog‘i;

b) jarima ball berish bo‘yicha:

fosh etilmagan iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar ko‘rsatkichi;

iqtisodiyot sohasidagi jinoyatni sodir etib, qidiruvda bo‘lgan va ushlanmagan shaxslar ko‘rsatkichi;

iqtisodiyot va yer sohasidagi oldini olish mumkin bo‘lgan jinoyatlar ko‘rsatkichi» kabi jamoat xavfsizligini ta’minlash faoliyati natijadorligini baholash indikatorlari kiritilgan.

Xulosa qilib aytganda, O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasining yangi tahrirdagi loyihasida jamoat xavfsizligini ta’minlash tizimining konseptual asoslariga doir huquqiy bo‘shliqlar va ziddiyatlar bartaraf etilgan, shuningdek, jamoat xavfsizligini ta’minlash amaliyotida yuzaga kelgan masalalarning huquqiy yechimlari bayon etilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси // URL: https://lex.uz/docs/5749291 (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.11.2024).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқлаш тўғрисида» 2023 йил 23 мартдаги 121-сон қарори // URL: https://lex.uz/docs/6411327 (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.11.2024).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 мартдаги 121-сон қарори билан тасдиқланган 2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» // URL: https://lex.uz/docs/6411327 (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 08.11.2024).

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини 2024 йилда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқлаш тўғрисида» 2024 йил 1 августдаги 473/7-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ижро учун келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. — Т.: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, 2024.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 1 августдаги 473/7-сон қарори билан тасдиқланган 2022 – 2025 йилларда

Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини 2024 йилда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ижро учун келиб тушган норматив-hyqyqий hужжатлар тўплами. — Т.: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, 2024.

Хайдаров Камол Ашурович
Жамоат хавфсизлиги университети Махсус тактик тайёргарлик ва жанговар қўллаш кафедраси бошлиғи с.ф.б.ф.д (PhD), доцент, полковник

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ ЖИҲАТИ

Аннотация. Мақолада замонавий глобаллашув шароитида жамоат хавфсизлигининг ҳарбий-сиёсий аспектлари таҳлил қилинган. Тадқиқотнинг асосий мақсади – миллий хавфсизлик тизимида жамоат хавфсизлиги механизмларини ўрганиш ва такомиллаштириш йўналишларини аниқлашдан иборат. Мақолада замонавий таҳдидлар контекстида хавфсизлик тизимининг эволюциясига, давлат ва жамоат тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик механизмларига эътибор қаратилган. Президент Шавкат Мирзиёевнинг стратегик қарашларига таянган ҳолда, жамоат хавфсизлиги тизимининг мураккаб табиати очиб берилган.

Калит сўзлар: жамоат хавфсизлиги, ҳарбий-сиёсий жиҳат, миллий хавфсизлик, таҳдидлар, хавфсизлик сиёсати, ҳарбий сиёсат, Қуролли Кучлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат тузилмалари, ноанъанавий таҳдидлар, халқаро терроризм, экстремизм, ҳарбий-стратегик вазият.

Аннотация. В статье проанализированы военно-политические аспекты общественной безопасности в условиях современной глобализации. Основная цель исследования – изучение механизмов общественной безопасности в системе национальной безопасности и определение направлений их совершенствования. Внимание сосредоточено на эволюции системы безопасности в контексте современных угроз и механизмах взаимодействия государственных и общественных структур. На основе стратегических воззрений Президента Шавката Мирзиёева раскрыта сложная природа системы общественной безопасности.

Ключевые слова: общественная безопасность, военно-политический аспект, национальная безопасность, угрозы, политика безопасности, военная политика, Вооруженные Силы, правоохранительные органы, общественные структуры, нетрадиционные угрозы, международный терроризм, экстремизм, военно-стратегическая ситуация.

Abstract. The article analyzes the military-political aspects of public safety in the context of modern globalization. The main research objective is to study public safety mechanisms within the national security system and identify directions for their improvement. Focus is placed on the evolution of the security system in the context of contemporary threats and interaction mechanisms between state and public structures. Based on President Shavkat Mirziyoyev's strategic perspectives, the complex nature of the public safety system is revealed.

Key words: public safety, military-political aspect, national security, threats, security policy, military policy, armed forces, law enforcement agencies, public structures, non-traditional threats, international terrorism, extremism, military-strategic situation.

Бугунги кунда жаҳонда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг оқибатлари давлат ҳавфсизлигига жиддий таъсир ўтказиши билан бир қаторда инсонларнинг осуда ҳаётини барбот бўлишига олиб келмоқда. Хавфсизликка солинган таҳдидларга қарши самарали кураш олиб борилмаслиги бу каби муаммоларни олиб келиши мумкин ҳолос. Шунинг учун ҳам инсонларнинг осуа ҳаётини бардавомлигини ҳамда миллий хавфсизликни таъминлашга бўлган эҳтиёжларни ўз вақтида бартараф қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу ўринда ҳозирги замон барчамиздан аввало огоҳ бўлиб яшашимизни, тинч ва осуда ҳаётимиз ҳамда осмонимиз мусаффолигини сақлашимиз учун курашишимизни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжумандаги маърузасида “Ҳозирги вақтда дунё миқёсида ҳукм сураётган таҳликали вазият, сиёсий ва иқтисодий инқирозлардан ташвишга тушмаётган бирорта давлат ёки жамият йўқ, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Айниқса, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилик, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айрим минтақаларда иқтисодий ночорлик, ишсизлик, қашшоқлик кучайиб бораётгани бутун инсониятни қаттиқ хавотирга солмоқда.

Ана шундай ўта мураккаб ва қалтис шароитда қандай йўл тутиш, қандай қилиб тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарор ривожланишни таъминлаш мумкин, деган савол барчамизни жиддий

ўйлантириши зарур”[66] деб бежиз таъкидламаган.

Бу борада бир қатор олимлар ўз тадқиқотлари давомида турлича фикрларни баён қилганлар. Жумладан, тадқиқотчи А.Ишмуҳаммедов “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳаётий муҳим бўлган манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ташқи ва ички хавфлардан муҳофаза қилиш кафолати сифатида тушуниладиган миллий хавфсизлик – давлат тузумлари билан бир қаторда, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, шунингдек, нодавлат тузумларнинг кенг тармоқлари мажмуаси ва чора-тадбирлар тизимидир”[67], – деган фикрни илгари сурган бўлса, Ҳ.Абулқосимов «Хавфсизлик объекти инсон ҳаётининг барча соҳалари, жумладан, шахсий-оилавий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий табиий соҳа ва жабҳаларини қамраб олади. «Хавфсизлик» тушунчаси кенг қиррали бўлиб, ўзининг объектлари ва субъектлари нуқтаи назаридан турли шаклларда намоён бўлади. Аммо ҳозирги даврда бу тушунчанинг умумлашган шакли миллий хавфсизлик деб аталади»[68], – деб таъкидлаб ўтади.

Тадқиқотчи Н.Абдусамедов “Хавфсизлик мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлганлиги учун уни туркумлаштириш масаласига XX асрнинг иккинчи ярмида алоҳида аҳамият берилиб, устувор йўналишлари белгиланди”[69], – деб ёзади. Дарҳақиқат, хавфсизликнинг таъминлашни ҳарбий-сиёсий нуқтаий назардан қараладиган бўлсак, профилактик чора-тадбирлар орқали хавфсизлик таъминланмаган жамиятда ҳарбий қудрат орқали ҳам таъминлаб бўлмайди деб ҳисоблаймиз. Негаки, носоғлом жамиятни куч ва қўрқитиш орқали вазиятни назорат қилиб туриш “порох тўлдирилган идиш устида ўтириш” деган нақл билан бир хилдир.

Шунинг учун ҳам жамият аъзоларини мамлакат хавфсизлигини таъминлашда энг асосий куч сифатида қараш ва уларни жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига кенг жалб этиш лозим. Айнан, жамоат аъзоларини бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бориши хавфсизлик тизимининг самарадорлигини оширилишига хизмат қилиши мумкин.

Хориж олимларидан В.Останков “... хавфсизликни таъминлаш биринчи навбатда ҳам яқин ҳам узоқ истиқболга йўналтирилган

---

[66] *Ш.М.Мирзиёев.* Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби // Ҳалқ сўзи, 2017 й.

[67] *Ишмуҳамедов А.Э.* Иқтисодий хавфсизлик (Ўқув қўлланма). – Тошкент: ТДИУ, 2004. – Б. 19.

[68] *Абулқосимов Ҳ. П.* Иқтисодий хавфсизлик. – Тошкент: Akademiya, 2006. – Б. 7.

[69] *Абдусамедов Н.А.* Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ижтимоий–фалсафий жиҳатлари. Фалс...ф…н…дисс…автореферати. – Тошкент, 2007. – Б. 10.

самарали ҳарбий сиёсатни ишлаб чиқишни кўзда тутиб, унинг мазмуни эса давлатнинг моддий, молиявий, инсон ва маънавий ресурслари билан белгиланиб, булардан турли соҳада хавфсизликка таҳдидларни нейтраллаштиришда, шунингдек ҳарбий куч ишлатиш йўли билан ҳам фойдаланилиши мумкин"[70], – деб кўрсатади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашда барча давлат органлари ўртасидаги ҳамкорлик, жамоат тузилмалари, шунингдек фуқаролар билан муносабатлари ҳамда ижтимоий фаолиятнинг натижаси сифатида уларнинг хатти-ҳаракатлари орқали намоён бўлади. Сиёсий тизим (давлат, жамоат бирлашмалари) жамоат тартибини шакллантиради, ижтимоий хатти-ҳаракатлар қоидаларини ўрнатиш, уларнинг ижролари ва уларга риоя этилишини таъминлаш орқали ижтимоий муносабатларга фаол таъсир кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, давлат бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, вазирлик ва қўмиталар, жамоат тузилмалари, корхона, ташкилот ва муассасалар маъмуриятлари ҳамда фуқаролар жамоат тартиби ва хавфсизлигига хавф солувчи шахслар устидан назоратни амалга оширувчи субеъктлар ҳисобланади. Мазкур субеъктлар қонун-ҳужжатларда кўрсатилган ваколатлари доирасида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини бевосита таъминлашда қатор чора-тадбирларни амалга оширади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг хавфсизлик сиёсатида хавфсизликка таъсир қилувчи омиллар атрофлича ҳисобга олинган бўлиб, бу шахс, жамият ва давлатнинг турли кўринишдаги таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилиш кафолатидир. Жамоат хавфсизлигини талаб даражасида ушлаб туришнинг ўзи мамлакатнинг тараққиёти ва салоҳиятини таъминлаш учун хизмат қилишига замин яратиб беради. Хавфсизликнинг зарурий даражаси барча тузилмавий компонентлар – ҳам соф ҳарбий, ҳам сиёсий-дипломатик, иқтисодий, мафкуравий ва бошқаларнинг мавжудлиги, давлат институтларининг мақсадли йўналтирилган ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлари асосида таъминланади[71]. Бу жараёнда эса, ҳарбий сиёсатнинг энг муҳим мураккаб ва масъулиятли элементларидан бири - бу давлатнинг ҳарбий-

[70] *Останков В. И.* Проблемные вопросы научно-методологического обеспечения военной безопасности Российской Федерации / Военная безопасность Российской Федерации в XXI веке. Сборник научных статей. Под общей редакцией Квашнина А.В. – М: ГШ ВС РФ, 2004. – http://www.m–vlast.ru/geopolitics/russia_war_security.doc.

[71] *Волошко В.С.* Военная политика и проблемы обеспечения военной безопасности Российской Федерации / Военная безопасность Российской Федерации в XXI веке. Сборник научных статей. Под общей редакцией Квашнина А.В. – М.: ГШ ВС РФ, 2004. – http://www.m–vlast.ru/geopolitics/russia_war_security.doc.

сиёсий фаолиятининг умумий йўналишларини ва уни амалга оширишга доир тизимли ёндашувни белгилашдир[72].

Жамиятнинг барқарор фаолиятини таъминлашда ҳарбий омил асосий ўринни тутиб, у бевосита ҳарбий хавфсизлик билан боғлиқдир. Негаки, Қуролли Кучлар вазифаларининг такомиллашуви, жамият барқарорлигини таъминлашда унинг зиммасига давлат томонидан қўйилаётган талаблар ҳам, хавф ва таҳдидларнинг сонини ошиши билан бирга ошиб бормоқда. Таҳдидлар жамият ҳаётининг қайси соҳасига қаратилган бўлмасин ҳарбий тус олиб келмоқда. Бунга турли деструктив гуруҳларнинг пайдо бўлганлиги, халқаро террорчилик ҳаракатларини намоён бўлиши, демократияни тарғиб этиш билан боғлиқ турли саъй-ҳаракатлар мисол бўла олади. Албатта, булар ўз навбатида Қуролли Кучлар олдига қуйидаги хусусиятга эга бўлган вазифаларни қўяди:

биринчидан, ноанъанавий характерга эга бўлган хавф ва таҳдидларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

иккинчидан, турли даражаларда хавфсизликни таъминлаш учун мобил кучларга эга бўлиш;

учинчидан, классик тактикадан холи бўлган жанг усулларини ишлаб чиқиш ва қисмларни бошқариш услубиётини яратиш;

тщртинчидан, фавыулотда ҳолатлар режими кабилар.

Ҳарбий сиёсат ўзида давлатнинг бир нечта фаолият йўналишларини (илмий-назарий, ҳуқуқий, ташкилий-амалий) мужассам этиб, жамият ҳаётининг мураккаб кўриниши сифатида намоён бўлади[73]. Дунёда ҳарбий-сиёсий муносабатларнинг ривожланиши, қуролланиш ва ҳарбий техника соҳасида сезиларли ўзгаришлар ва бошқа асосли далилларга янги қарашларни ҳисобга олганда, дунёдаги кўпчилик мамлакатларнинг ҳарбий сиёсати экстремистик кучлар ва халқаро терроризмга қарши курашишга қаратилган. Халқаро ҳарбий-сиёсий вазиятнинг таҳлили асосида таъкидлаш мумкинки, давлатларнинг ҳарбий сиёсати вужудга келган жорий ҳарбий-сиёсий вазиятга қараб ўзгариши мумкин. Бунда инсон, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига зид бўлган, таркибида ҳарбий унсур мавжуд бўлган ҳар қандай хавф ва таҳдидларни тизимли ёндашув асосида ўрганиб, унга

[72] Ўша жой.

[73] *Хайдаров К.А.* Мудофаа тизимида ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (Очиқ манбалар мисолида). Сиё.ф.б.ф.д (PhD). Дисс.иши. Тошкент.2020. –Б-19.

тўғри баҳо бера олиш талаб этилади. Шундагина ҳарбий сиёсат мамлакат хавфсизлигини таъминлашда амалий мазмун касб этади.

Умуман олганда юқоридаги фикрлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизим фаолияти жамият ҳаётининг барақарорлигини таъминловчи сиёсий куч ҳисобланиб, уни давр талаби ҳамда жаҳон ва минтақадаги ҳарбий-стратегик вазиятлар характеридан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз;

ҳуқуқни мухофаза қилувчи органларида хизмат олиб борувчи ходимлар ва ҳарбий хизматчиларнинг умумий, махсус ва касбий тайёргарлигини юқори даражада таъминлаш мақсадида ҳарбий-сиёсий тадқиқотларни жамоат хавфсизлигини таъминлаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда режалаштириш ҳамда бажариш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ш.М.Мирзиёев.* Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби // Ҳалқ сўзи, 2017 й.

2. *А.Э. Ишмуҳамедов* Иқтисодий хавфсизлик (Ўқув қўлланма). – Тошкент: ТДИУ, 2004. – Б. 19.

3. *Ҳ. П. Абулқосимов* Иқтисодий хавфсизлик. – Тошкент: Akademiya, 2006. – Б. 7.

4. *Н.А. Абдусамедов* Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ижтимоий–фалсафий жиҳатлари. Фалс...ф…н…дисс… автореферати. – Тошкент, 2007. – Б. 10.

5. *В. И. Останков* Проблемные вопросы научно-методологического обеспечения военной безопасности Российской Федерации / Военная безопасность Российской Федерации в XXI веке. Сборник научных статей. Под общей редакцией Квашнина А.В. – М: ГШ ВС РФ, 2004. – http://www.m–vlast.ru/geopolitics/russia_war_security.doc.

6. *В.С. Волошко* Военная политика и проблемы обеспечения военной безопасности Российской Федерации / Военная безопасность Российской Федерации в XXI веке. Сборник научных статей. Под общей редакцией Квашнина А.В. – М.: ГШ ВС РФ, 2004. – http://www.m–vlast.ru/geopolitics/russia_war_security.doc.

7. *К.А. Хайдаров* Мудофаа тизимида ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (Очиқ манбалар мисолида). Сиё.ф.б.ф.д (PhD). Дисс.иши. Тошкент.2020. –Б-19.

Kalauov Saydulla Aymaxanovich
t.f.n., prof. O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi akademiyasi Avtomobil tayyorgarlik kafedrasi boshlig'i, e-mail: kalauov@mail.ru, tel.: 71-265-15-40

SUN'IY INTELLEKT YORDAMIDA YIRIK SHAHARLARDA AVTOMOBIL HARAKATINI OPTIMALLASHTIRISH VA TIRBANDLIKLARNING OLDINI OLISH

Annotatsiya. Ushbu maqolada yirik shaharlarda avtomobil harakatini sun'iy intellekt (SI) yordamida optimallashtirish orqali tirbandliklarning oldini olish masalalari o'rganilgan. Bugungi kunda avtomobillar sonining keskin ortishi va yo'l infratuzilmasining yetarli darajada rivojlanmaganligi shahar markazlarida doimiy tirbandliklarga olib kelmoqda. Shu munosabat bilan, sun'iy intellekt asosida ishlovchi aqlli boshqaruv tizimlarini joriy etish transport harakatini samarali boshqarish va yo'l harakatini muvozanatli taqsimlash imkonini beradi. Tadqiqotda real vaqt rejimida ma'lumotlarni yig'ish, svetofor ishoralarini moslashtirish, avtomobil oqimini bashorat qilish va optimal yo'nalishlarni belgilash kabi texnologik yechimlar tahlil qilingan. Shuningdek, xorijiy tajribalar asosida ishlab chiqilgan aqlli shahar konsepsiyalari tahlil qilinib, ular asosida O'zbekiston shaharlarida amaliyotga tatbiq etish yo'llari ko'rib chiqilgan. Ishning asosiy maqsadi – sun'iy intellekt vositalaridan foydalangan holda tirbandlik darajasini kamaytirish va transport tizimining umumiy samaradorligini oshirishdan iborat.

Kalit so'zlar: Sun'iy intellekt, tirbandlik, avtomobil harakati, transport boshqaruvi, aqlli shahar, svetofor tizimi, real vaqtli tahlil, optimallashtirish, yo'l harakati xavfsizligi.

Kirish.

Bugungi kunda yirik shaharlarda avtomobil harakatining keskin ortishi va aholi zichligining oshib borishi yo'l harakati tizimida jiddiy muammolarni keltirib chiqarmoqda. Ayniqsa, tirbandliklar, yo'llarda vaqt yo'qotilishi, ekologik muammolar va yo'l-transport hodisalarining ko'payishi zamonaviy transport boshqaruvi tizimlarini tubdan qayta ko'rib chiqishni talab etmoqda. An'anaviy usullar bu muammolarga samarali yechim bo'la olmayapti. Shu bois, so'nggi yillarda yo'l harakatini boshqarishda sun'iy intellekt (SI) texnologiyalaridan foydalanish dolzarb yo'nalishga aylanib bormoqda.

Sun’iy intellekt orqali transport tizimini real vaqt rejimida kuzatish, tirbandlik holatini tahlil qilish, bashoratlash hamda avtomatik boshqaruv choralarini qo‘llash mumkin. Bunday texnologiyalar svetofor signallarini optimallashtirish, yo‘lovchi oqimini taqsimlash, avtotransportlar yo‘nalishini muvofiqlashtirish va hatto avtonom transport vositalarini integratsiya qilishda keng imkoniyatlar yaratadi. Dunyoning ko‘plab rivojlangan shaharlarida – masalan, Singapur, Amsterdam, Tokio va Nyu-Yorkda – bunday tizimlar allaqachon sinovdan o‘tkazilib, amaliyotga joriy etilgan.

O‘zbekistonning yirik shaharlarida, xususan Toshkent, Samarqand yoki Namangan kabi hududlarda ham transport oqimi yil sayin ortib bormoqda. Ammo hozircha sun’iy intellektga asoslangan avtomatlashtirilgan boshqaruv tizimlari yetarlicha darajada rivojlanmagan. Shu sababli, mavjud muammolarni hal qilishda zamonaviy texnologiyalarni, xususan sun’iy intellektni tatbiq etish dolzarb ahamiyat kasb etadi.

1-jadval.

Dunyodagi eng tirband shaharlar,2024-yil

Shahar	**Mamlakat**	**Yillik o‘rtacha vaqt yo‘qotilishi (soat)**
Istanbul	Turkiya	105
Nyu-York	AQSh	102
Chikago	AQSh	102
London	Buyuk Britaniya	101
Meksika	Meksika	97

1-jadvalda keltirilgan ma’lumotlarga ko‘ra, 2024-yilda dunyodagi eng tirband shaharlar ro‘yxatining yuqori pog‘onalarida Istanbul, Nyu-York, Chikago, London va Meksika shahri joy olgan. Ushbu shaharlarda haydovchilar yil davomida o‘rtacha 97 dan 105 soatgacha vaqtlarini tirbandlikda yo‘qotgan.

Eng yuqori ko‘rsatkich Istanbul shahriga tegishli bo‘lib, 2023-yilga nisbatan 15 % ortiq vaqt yo‘qotilishi qayd etilgan. Bu Istanbulda transport oqimini boshqarishdagi muammolar, aholining ko‘pligi, shuningdek jamoat transport tizimining to‘liq qamrab olmaganligini ko‘rsatadi.

Nyu-York va Chikago shaharlarida ham yiliga 102 soatlik yo‘qotish kuzatilgan. Bu shaharlar rivojlangan jamoat transportiga ega bo‘lsa-da, transport vositalari sonining haddan tashqari ko‘pligi va yo‘l infratuzilmasining yuklama ostida ishlashi sababli tirbandlik muammosi saqlanib qolmoqda.

London 101 soat bilan roʻyxatda toʻrtinchi oʻrinda turibdi. Bu yerda ham avtomobillar soni koʻpligi va tarixiy shahar tuzilmasining tor yoʻllarga ega boʻlishi tirbandlik darajasini oshirmoqda.

Meksika shahri esa 97 soat bilan ilk beshlikni yakunlaydi. Ushbu shaharda transport harakati juda zich, ammo jamoat transporti rivojlanayotgan boʻlsa-da, barcha hududlarni toʻliq qamrab olmagan.

2-jadval.

Istanbul va Toshkent shaharlarida tirbandlik holati (2024-yil)

Koʻrsatkich	**Dunyoda eng yuqori (Istanbul)**	**Oʻzbekiston (Toshkent)**
Yillik oʻrtacha vaqt yoʻqotilishi (soat)	105	80-100
Yoʻl oʻtkazuvchanligi (%)	15	20-30
Avtomobillar soni (mln)	3,5	1,2
Svetoforlar soni	15 000	3 000-4 000

2-jadvaldan koʻrinib turibdiki, Toshkent va Istanbul shaharlarida tirbandlik darajasi muhim farqlar bilan ajralib turadi. Istanbul – dunyo boʻyicha eng tirband shahar sifatida e’tirof etilgan boʻlsa-da, Toshkentda ham bu muammo tobora dolzarb boʻlib bormoqda.

1. Yillik oʻrtacha vaqt yoʻqotilishi

Istanbulda haydovchilar yiliga oʻrtacha 105 soatni tirbandlikda yoʻqotadi.

Toshkentda bu koʻrsatkich 80-100 soat atrofida baholanmoqda, bu esa tirbandlik darajasining jiddiy ekanini koʻrsatadi.

Bu koʻrsatkichlar transport tizimining samaradorligi pastligini va vaqt resurslarining katta qismini yoʻqotish holatini ifodalaydi.

2. Yoʻl oʻtkazuvchanligi

Istanbulda yoʻl oʻtkazuvchanligi atigi 15 % ni tashkil etadi.

Toshkentda esa bu koʻrsatkich 20-30 % atrofida, bu esa nisbatan yaxshi holatni anglatadi.

Bu shuni bildiradiki, Toshkentda transport oqimini toʻgʻri boshqarsa, tirbandlikni kamaytirish imkoniyati mavjud.

3. Avtomobillar soni

Istanbulda avtomobillar soni 3,5 millionga yetgan.

Toshkentda esa bu raqam 1,2 million atrofida.

Shunga qaramay, Toshkentda mavjud infratuzilma bunday yuklamani koʻtarishga tayyor emasligi sababli tirbandliklar yuzaga kelmoqda.

4. Svetoforlar soni

Istanbulda 15 000 dan ortiq svetofor mavjud.

Toshkentda esa bu koʻrsatkich 3 000-4 000 atrofida.

Svetoforlarning soni va ularning boshqaruv algoritmlari tirbandlik darajasiga bevosita ta’sir koʻrsatadi. Toshkentda ularni sun’iy intellekt asosida avtomatlashtirish tirbandliklarni kamaytirishga xizmat qilishi mumkin.

Metodika.

Ushbu tadqiqotning asosiy maqsadi – yirik shaharlarda transport harakatini sun’iy intellekt yordamida optimallashtirish va tirbandliklarni kamaytirish imkoniyatlarini oʻrganishdir. Metodologik yondashuvda nazariy tahlil, mavjud tizimlar oʻrganilishi, statistik ma’lumotlar tahlili hamda tajriba asosida modellashtirish usullari qoʻllanildi.

Tadqiqot bir nechta asosiy bosqichlar asosida olib borildi:

1. **Axborot yigʻish bosqichi**

Avvalo, transport tizimidagi tirbandliklar sabablari, mavjud boshqaruv tizimlari va xorijiy amaliyotlar oʻrganildi. Bunda ochiq manbalardan, ilmiy maqolalardan, hukumat hisobotlaridan, shuningdek, transport boshqarmasi ma’lumotlaridan foydalanildi. Toshkent shahri misolida avtomobil oqimi, svetoforlar soni, avtomobil soni va eng koʻp tirbandlik kuzatiladigan joylar haqida statistik ma’lumotlar yigʻildi.

2. **Tahlil bosqichi**

Yigʻilgan ma’lumotlar asosida sun’iy intellekt orqali tirbandlikni aniqlash va oldindan bashorat qilish uchun modellashgan algoritmlar tanlab olindi. Jumladan:

Mashinaviy oʻrganish (Machine Learning) – tirbandlikni bashorat qilish uchun.

Chuqur oʻrganish (Deep Learning, ayniqsa RNN va LSTM tarmoqlari) – vaqt boʻyicha harakatni tahlil qilishda.

Kompyuter koʻrish – kamera ma’lumotlari asosida avtomobil oqimini aniqlash.

3. **Model qurish va simulyatsiya qilish**

Transport oqimini tahlil qilish va boshqaruvga takliflar berish uchun modellashtirish ishlari olib borildi. Simulyatsiya uchun SUMO (Simulation of Urban Mobility) kabi ochiq dasturiy ta’minotlardan foydalanildi. Unda svetofor signallarini avtomatik boshqarish, eng qisqa yoʻnalishni tanlash va avtotransport oqimini vaqt boʻyicha taqsimlash algoritmlari test qilindi.

4. **Baholash va natijalarni tahlil qilish**

Model asosida transport oqimi qanday oʻzgarganini va tirbandlik darajasidagi kamayishni aniqlash uchun oldingi holat va yangi sun’iy intellekt

asosidagi tizim holati solishtirildi. Unga koʻra, svetofor signallarini moslashtirish orqali tirbandliklar **20–25 % gacha** kamayishi mumkinligi aniqlandi.

3-jadval.

SI yordamida boshqaruv joriy etilgan va etilmagan holatni solishtirish

Koʻrsatkichlar	**An'anaviy tizim**	**SI asosidagi tizim**	**Farqi (%)**
Oʻrtacha harakat vaqti (min)	45	34	-24%
Tirbandlik holati (koʻrsatkich)	Yuqori	Oʻrtacha	-30%
YTHlar soni (oyiga)	120	85	-29%
Yoʻl oʻtkazuvchanligi (%)	100	128	+28%

3-jadvaldan koʻrinib turibdiki, sun'iy intellekt asosidagi transport boshqaruvi tizimining joriy etilishi yoʻl harakati samaradorligini sezilarli darajada oshiradi. Avvalo, oʻrtacha harakat vaqti 45 daqiqadan 34 daqiqagacha qisqarib, bu 24 % vaqt tejamkorligiga olib kelgan. Bu esa shahar aholisi va ishbilarmonlar uchun katta qulaylik yaratadi.

Shuningdek, tirbandlik holati yuqori darajadan oʻrtacha darajagacha pasaygan, ya'ni yoʻllarda transport harakati yanada silliq va barqaror tus olgan. Bu esa 30 % ijobiy oʻzgarishni anglatadi.

Yoʻl-transport hodisalari sonining kamayishi ham e'tiborga loyiq – oyiga 120 ta YTHdan 85 tagacha tushib, deyarli 29 % kamaygan. Bu, oʻz navbatida, xavfsizlikning oshganini va transport boshqaruvi tizimi yanada samarali ishlayotganini koʻrsatadi.

Eng ijobiy oʻzgarishlardan biri bu yoʻl oʻtkazuvchanligining oshishidir – ilgari 100 % boʻlgan bu koʻrsatkich SI joriy etilgach, 128 % oshgan. Bu shuni anglatadiki, ayni bir yoʻl infratuzilmasi koʻproq avtomobil oqimini oʻtkazishga qodir boʻlgan.

Umuman olganda, jadval natijalari sun'iy intellekt texnologiyalarining transport tizimida samarali qoʻllanishi orqali tirbandliklarni kamaytirish, harakat xavfsizligini oshirish va yoʻllardan foydalanish samaradorligini kuchaytirish imkonini berishini yaqqol koʻrsatmoqda.

4-jadval.

Sun'iy intellekt texnologiyalarining transport boshqaruvidagi qo'llanilishi

Texnologiya turi	**Qo'llanilish sohasi**	**Foyda**	**Misollar**
Mashinaviy o'rganish	Tirbandlikni prognoz qilish	Real vaqtli qaror qabul qilish	Google Maps, Waze
Chuqur o'rganish (Deep Learning)	Svetofor boshqaruvi	Svetofor vaqtini avtomatik sozlash	Smart Traffic Lights (Toronto)
Kompyuter ko'rish (CV)	Avtomobil oqimini aniqlash	Kamera orqali harakatni kuzatish	CCTV tizimlari + AI (Londonda)
IoT + SI integratsiyasi	Avtomobil, svetofor va yo'llar aloqasi	Avtomatik boshqaruv va monitoring	Smart City loyihalari (Singapur)

4-jadvalda sun'iy intellekt texnologiyalarining yo'l harakati va transport tizimidagi turli yo'nalishlarda qo'llanilishi aniq ko'rsatilgan. Har bir texnologiya o'ziga xos funksiyalarga ega bo'lib, ularning umumiy maqsadi – transport oqimini samarali boshqarish, tirbandliklarni kamaytirish va harakat xavfsizligini oshirishdir.

Avvalo, mashinaviy o'rganish (Machine Learning) texnologiyasi real vaqtli ma'lumotlarni qayta ishlash orqali tirbandliklarni oldindan prognoz qilish imkonini beradi. Google Maps va Waze kabi xizmatlar shu asosda harakatlanish uchun eng qulay yo'nalishlarni tavsiya qiladi, bu esa foydalanuvchilarga vaqt va yoqilg'i tejash imkonini beradi.

Chuqur o'rganish (Deep Learning) esa, ayniqsa, svetoforlarni avtomatik tarzda boshqarishda samarali bo'lib, transport oqimini aniq kuzatib, signal almashinuvi vaqtini optimallashtiradi. Bu texnologiya Toronto shahrida muvaffaqiyatli tatbiq etilgan bo'lib, tirbandlik darajasi sezilarli kamaygan.

Kompyuter ko'rish (Computer Vision) texnologiyasi esa yo'llardagi holatni kameralar yordamida tahlil qilish orqali avtomobil oqimini aniqlaydi. Bu texnologiya Yevropa va boshqa rivojlangan davlatlardagi AI-integratsiyalashgan CCTV tizimlarida keng qo'llaniladi. Bu orqali real vaqtli monitoring va operativ boshqaruv imkoniyati yaratiladi.

Eng zamonaviy yondashuvlardan biri – IoT (Internet of Things) va sun'iy intellekt integratsiyasi bo'lib, bunda avtomobil, svetofor va yo'l

infratuzilmasi o‘zaro doimiy aloqada bo‘ladi. Singapurdagi aqlli shahar loyihalarida ushbu tizimlar yordamida transport boshqaruvi to‘liq avtomatlashtirilgan, foydalanuvchi faolligiga moslashuvchi tizimlar ishlab chiqilgan.

Umuman olganda, jadvalda ko‘rsatilgan texnologiyalar yirik shaharlar uchun zamonaviy va samarali transport tizimini shakllantirishda muhim rol o‘ynaydi. Har bir texnologiyaning o‘zaro bog‘liqligi va bir-birini to‘ldirishi ularning kompleks qo‘llanilishini talab etadi. Bu esa, o‘z navbatida, tirbandlik muammosini yechishda barqaror va innovatsion yondashuvlar yaratadi.

Kutilayotgan natijalar.

1. Tirbandlik darajasining sezilarli kamayishi. Sun’iy intellekt yordamida tirbandlikni prognoz qilish va real vaqtli boshqaruv tizimlarini joriy etish orqali yo‘llardagi yuklama muvozanatlashtiriladi. Bu esa transport oqimini optimal taqsimlashga va tirbandliklarning oldini olishga xizmat qiladi.

2. Avtomobillar harakat tezligini barqarorlashtirish. Aqlli svetoforlar va harakatni real vaqt rejimida boshqaruvchi algoritmlar orqali transport vositalarining harakatlanishida to‘xtalishlar kamayadi, bu esa umumiy harakat tezligini oshiradi va vaqt tejamkorligini ta’minlaydi.

3. Yillik vaqt yo‘qotishlarining kamayishi. Haydovchilar tirbandlikda bekor o‘tayotgan vaqtdan 20-30 % gacha tejashlari mumkin. Bu natijada iqtisodiy samaradorlik oshadi hamda shaxsiy va tijorat transporti harakatida unumdorlik ortadi.

4. Transport vositalarining yoqilg‘i sarfi va zararli gazlar chiqindilarining kamayishi. Harakatdagi uzilishlar va tirbandliklar kamayganida, avtomobillar yoqilg‘ini kamroq sarflaydi. Bu esa ekologik tozalikka xizmat qiladi va havo ifloslanishini kamaytiradi.

5. Yo‘l-transport hodisalarining (YTH) kamayishi. Sun’iy intellekt xavfsizlikni ta’minlovchi algoritmlar (masalan, kameralar orqali tezlik, holat va yo‘l qoidalarini nazorat qilish) yordamida xavfli vaziyatlarni aniqlaydi va oldini oladi.

6. Shahar infratuzilmasidan foydalanish samaradorligining oshishi. Sun’iy intellekt tizimlari mavjud yo‘llarni, ko‘priklar va chorrahalarni tahlil qilib, ularning qaysi paytda qanday yuklamada ishlashini aniqlaydi. Bu esa infratuzilmani qayta qurishsiz ham samarador foydalanishni ta’minlaydi.

7. Foydalanuvchi uchun qulay, aqlli shahar muhitining yaratilishi. Mobil ilovalar, real vaqtli navigatsiya, individual marshrutlarni tavsiya

qiluvchi tizimlar orqali haydovchilar va yo‘lovchilarga qulaylik yaratiladi. Bu esa raqamli xizmatlarning sifatini oshiradi.

Xulosa.

Zamonaviy yirik shaharlarda yo‘l-transport tizimining samarali ishlashi muhim muammo bo‘lib qolmoqda. Aholi sonining o‘sishi, avtomobillar sonining ortishi va mavjud infratuzilmaning yetarlicha takomillashmaganligi tirbandliklarni keltirib chiqarayotgan asosiy omillardandir. Ushbu muammoning yechimi sifatida sun’iy intellekt (SI) texnologiyalarini transport boshqaruv tizimlariga joriy etish muhim ilmiy-texnik va amaliy yondashuv sifatida qaralmoqda.

Tadqiqot davomida sun’iy intellekt asosida avtomobil harakatini boshqarish, tirbandlikni prognoz qilish, svetoforlar ishini avtomatlashtirish, real vaqtli tahlil qilish kabi metodlar tahlil qilindi. SI asosidagi tizimlar orqali yo‘l harakati oqimini optimallashtirish, avtohalokatlar sonini kamaytirish, yoqilg‘i sarfini va chiqindilarni kamaytirish imkoniyati yaratiladi. Misol tariqasida, mashinaviy o‘rganish, chuqur o‘rganish, kompyuter ko‘rish, IoT kabi texnologiyalarni integratsiyalash orqali shaharlardagi tirbandlik 25-30 % gacha kamaytirilgan holatlar mavjud.

Toshkent va Istanbul kabi shaharlardagi transport tizimlarini solishtirish asosida aniqlanishicha, Toshkentda avtomobil soni nisbatan kam bo‘lsa-da, tirbandlik darajasi yuqori bo‘lib qolmoqda. Bu esa mavjud infratuzilma va boshqaruv tizimlarining zamonaviy texnologiyalar bilan to‘liq integratsiyalanmaganligidan dalolat beradi.

Shunday qilib, yirik shaharlarda sun’iy intellekt texnologiyalarini transport boshqaruviga joriy etish nafaqat tirbandlik muammosini hal etadi, balki atrof-muhitni muhofaza qilish, iqtisodiy samaradorlikni oshirish, transport xavfsizligini ta’minlashda ham muhim rol o‘ynaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Agrahari, A., Dhabu, M. M., Deshpande, P. S., Tiwari, A., Baig, M. A., & Sawarkar, A. D. (2024). Artificial intelligence-based adaptive traffic signal control system: A comprehensive review. *Electronics*, 13(19), 3875. https://doi.org/10.3390/electronics13193875

2. Yin, X., Wu, G., Wei, J., Shen, Y., Qi, H., & Yin, B. (2020). Deep learning on traffic prediction: Methods, analysis and future directions. *arXiv preprint arXiv:2004.08555*.

3. Shaygan, M., Meese, C., Li, W., Zhao, X., & Nejad, M. (2023). Traffic prediction using artificial intelligence: Review of recent advances and emerging opportunities. *arXiv preprint arXiv:2305.19591*.

4. Mandl, V., Mussah, A. R., Jin, P., & Adu-Gyamfi, Y. (2020). Artificial intelligence enabled traffic monitoring system. *arXiv preprint arXiv:2010.01217*.

5. Agrahari, A., Dhabu, M. M., Deshpande, P. S., Tiwari, A., Baig, M. A., & Sawarkar, A. D. (2024). Artificial intelligence-based adaptive traffic signal control system: A comprehensive review. *Electronics*, 13(19), 3875. https://doi.org/10.3390/electronics13193875

6. Fu, X., Gao, H., Cai, H., Wang, Z., & Chen, W. (2021). How to improve urban intelligent traffic? A case study using traffic signal timing optimization model based on swarm intelligence algorithm. *Sensors*, 21(8), 2631. https://doi.org/10.3390/s21082631

7. Zhu, Q., Liu, Y., Liu, M., Zhang, S., Chen, G., & Meng, H. (2021). Intelligent planning and research on urban traffic congestion. *Future Internet*, 13(11), 284. https://doi.org/10.3390/fi13110284

Maxsadov Maxsatullo Ismatovich,
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi uneversiteti professori, yuridik fanlar doktori (DSc), dotsent

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA HARBIY XIZMATCHI (XODIM)LARNING MA’MURIY HUQUQBUZARLIKLAR SOHASIDAGI VAKOLATLARINI TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI

***Annotatsiya*:** Mazkur maqolada jamoat xavfsizligini ta’minlashda harbiy xizmatchi va huquqni muhofaza qiluvchi organlar xodimlarining ma’muriy huquqbuzarliklar sohasidagi vakolatlari tahlil qilinadi. Harbiy tuzilmalar xodimlarining huquqiy maqomi, jamoat joylarida tartibni saqlash, huquqbuzarliklarning oldini olishdagi vakolatlari, mavjud huquqiy asoslar va ular orasidagi muvofiqlik masalalari o‘rganiladi. Xorijiy tajriba asosida takomillashtirish yo‘nalishlari va takliflar ishlab chiqiladi.

Kalit so‘zlar: harbiy xizmatchi, ma’muriy huquqbuzarlik, jamoat xavfsizligi, vakolatlar, Milliy gvardiya, huquqiy asoslar, idoralararo hamkorlik, huquq-tartibot.

Аннотация: В данной статье рассматриваются полномочия военнослужащих и сотрудников правоохранительных органов в сфере административных правонарушений при обеспечении общественной безопасности. Анализируется правовой статус военнослужащих, их функции по поддержанию общественного порядка и предотвращению правонарушений, а также актуальные проблемы правового регулирования и межведомственного взаимодействия. Также предлагаются направления совершенствования на основе зарубежного опыта.

Ключевые слова: военнослужащие, административные правонарушения, общественная безопасность, полномочия, Национальная гвардия, правовая основа, межведомственное сотрудничество, правопорядок.

Abstract: This article analyzes the powers of military personnel and law enforcement officers in the field of administrative offenses within the context of public safety. It explores their legal status, authority in maintaining public order, and preventing violations, as well as existing legal frameworks and coordination mechanisms. Based on international practices, the paper offers proposals for improving institutional mandates and legal regulation.

Keywords: military personnel, administrative offenses, public safety, powers, National Guard, legal framework, interagency cooperation, law enforcement.

Bugungi kunda Yangi O‘zbekistonda inson huquqlarini ta’minlash, davlat organlarining hisobdorligi va ochiqligini kuchaytirish hamda fuqarolik jamiyati institutlari, ommaviy axborot vositalarining roli, aholi va jamoat birlashmalarining siyosiy faolligini oshirish bo‘yicha tizimli ishlar amalga oshirilmoqda. Xususan, «Inson qadri uchun» tamoyili xalqimizning farovonligini yanada oshirish, iqtisodiyot tarmoqlarini transformatsiya qilish va tadbirkorlikni jadal rivojlantirish, inson huquqlari va manfaatlarini so‘zsiz ta’minlash hamda faol fuqarolik jamiyatini shakllantirish maqsadida 2022 yil 28 yanvarda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022 – 2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmoni[74] qabul qilindi.

Mazkur Farmon bilan Yangi O‘zbekistonni yanada rivojlantirishga qaratilgan 100 maqsaddan iborat “Inson qadrini ulug‘lash va faol mahalla yili”da amalga oshiriladigan chora-tadbirlarga oid davlat dasturi[75] qabul qilindi. Ushbu dasturning 8-maqsadi “Norma ijodkorligi jarayonini modernizatsiya qilish, qonunchilik hujjatlarining qat’iy ijrosini ta’minlash”ga yo‘naltirilgan bo‘lib, unda Yangi O‘zbekistonni ravnaqi uchun faoliyat yuritayotigan barcha sohalarni huquqiy tartibga solishning tizimliligi va barqarorligini, davlat boshqaruvi tizimini, ijtimoiy-iqtisodiy hamda sud-huquq sohalarini isloh qilish bo‘yicha qonun hujjatlari normalarining bir xil qo‘llanilishini ta’minlashda ta’sirchan mexanizmlarni ishlab chiqish orqali amalga oshirilishiga qaratilgandir.

Shu o‘rinda, huquqshunos olimlardan A.Sh.Sodikov fikricha “har bir mustaqil davlatda norma ijodkorligi faoliyatida normativ-huquqiy hujjatlarning ishlab chiqilishi mazkur davlatning demokratik yondashuvlari, sivilizatsiyasi va madaniyat darajasini ko‘rsatib berishga xizmat qiladi” degan fikri o‘rinlidir[76]. Darhaqiqat, mamlakatda normativ-huquqiy hujjatning amaliyotda samarali ishlab ketishi uchun zaruriy ma’lumotlar bazalarini ilmiy texnik jihatdan qo‘llab-quvvatlanganligi kelajakda mazkur normalarni muvaffaqiyatli tadbiq etilishini prognozlashtirish mexanizmlarini joriy etish, axborot kommunikatsiya texnologiyalarini keng tatbiq etish kabi ustuvor vazifalarni amalga oshirish jamiyat taraqqiyotini belgilab beradi, desak adashmagan bo‘lamiz.

Xususan, huquqshunos olim Sh.A.Saydullaev fikricha, huquqiy bo‘shliqni aniqlanishi bu – vakolatli shaxs (mansabdor shaxs) huquqni qo‘llash jarayonida

[74] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // Қонунчилик миллий базаси / Lex.uz

[75] Ўша манбаанинг 2-иловасида “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга ошириладиган Давлат дастур

[76] Содиков А.Ш. Норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш: илмий-амалий масалалар // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали / Т.: 2020 й. 33-34-бб. / huquq-2020-s4.pdf (journals.uz)

aniqlangan muammolar bo‘yicha qonunchilikda normalari (hujjatlari)da aniq yechimni topa olmaganligi namoyon bo‘ladi[77] deydi.

Rossiyalik huquqshunos olimlardan V.N.Lixachev, Ye.I.Spektor va F.R.Uranskiylar o‘z ilmiy asarlarida huquqdagi bo‘shliqlarni aniqlashning muayyan metodlardan foydalanish orqali quyidagilarga erishish mumkinligiga alohida e’tibor qaratgan. Xususan:

1) muayyan normativ-huquqiy hujjatda bo‘shliq mavjud, degan noto‘g‘ri xulosaga kelish hamda buning oqibatida uni asossiz to‘ldirishning oldi olinadi;

2) huquqni qo‘llovchi organlar tomonidan bo‘shliqlarni to‘ldirish imkoniyatining mavjudligi to‘g‘risidagi masala hal etiladi;

3) ijtimoiy munosabatlar rivojlanishining mavjud darajasi bilan bog‘liq holda tegishli qonun hujjatlaridagi bo‘shliqlarni bartaraf etishning obyektiv zarurati bor yoki yo‘qligi to‘g‘risidagi masala hal etiladi;

4) muayyan normativ-huquqiy hujjatlarni takomillashtirish maqsadida yangi huquqiy konstruksiyalarni ishlab chiqish bilan bog‘liq vazifalarni rejalashtirishda bo‘shliqlarni bartaraf etish zaruratining mavjudligiga oid masalalar ko‘rib chiqiladi[78].

Shu o‘rinda huquqshunos olim V.V.Lazarevning yuqoridagi masalalar yuzasidan quyidagi fikrlari e’tiborga loyiq ekanligini alohida ta’kidlash joiz. Xususan, uning fikricha, agar huquqdagi bo‘shliqlarni aniqlash bilan ularni huquqni qo‘llash jarayonida yengib o‘tish yoki bartaraf etish masalalari ahamiyatiga qarab taqqoslanadigan bo‘lsa, bunda asosiy e’tibor aynan bo‘shliqlarni aniqlash vazifasiga qaratilishi lozim deydi. Chunki, ushbu masalaning ijobiy hal etilishi, o‘z navbatida, qonuniylikka rioya etish hamda huquqiy tartibga solish tizimini takomillashtirishga qaratilgan faoliyatni to‘g‘ri yo‘nalishda borishini ta’minlash nuqtai nazaridan birlamchi ahamiyat kasb etadi[79].

Huquqdagi bo‘shliqlarning mavjud yoki mavjud emasligi to‘g‘risidagi masalalarni aniqlash metodlariga keladigan bo‘lsak, bunda bo‘shliqlarni to‘ldirishda muayyan mexanizmlardan foydalanishning qanchalik to‘g‘ri bo‘lishiga oid holatlar yuzasidan huquqshunos olimlarning yondashuvlari turlicha ekanligini ko‘ramiz. Bunda bo‘shliqlarni aniqlash metodlari eng avvalo, norma ijodkorining bo‘shliq hodisasi mohiyati va ushbu hodisaning turli xil shakllariga oid masalalarni qay darajada tushunishi va hal etishiga bog‘liq. Bizning fikrimizcha, aynan ushbu holatlar

[77] Сайдуллаев Ш.А. Ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни аниқлаш механизмларини такомиллаштириш масалалари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали / 75-бет / huquq-2020-s4.pdf (journals.uz)

[78] Лихачев В.Н. Установление пробелов в современном международном праве. - Казань: Изд-во Казан. ун-та, 1989. – С.7; Спектор Е.И. Пробелы в законодательстве и пути их преодоления. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2003. – 21 с.; Уранский Ф.Р. Пробелы в праве и способы их восполнения в правоприменительной деятельности. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2005. – 22 с.

[79] Лазарев В.В. О видах пробелов в праве // Правоведение. – Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1969, № 6. – С.30;

bo‘shliqlarni aniqlash metodlarini huquqshunoslik metodologiyasi kategorial apparatining tarkibiy elementi sifatida tavsiflashga asos bo‘ladi.

Ayrim huquqshunos olimlarning fikricha, bo‘shliqlarni amaldagi, qonuniy jihatdan rasmiylashtirilgan va huquqiy doiraga kiruvchi sohalardan (tegishli qonunning umumiy qoidalari mazmunida nazarda tutilgan bo‘lsada, lekin uning aniq normasi bilan belgilanmagan holatlarda) izlash lozim. Bu borada D.B.Abushenkoning fikricha, qonun hujjatlaridagi bo‘shliq huquqiy jihatdan tartibga solinishi lozim bo‘lgan munosabatlar doirasining amalda tegishli huquq normalari bilan qamrab olingan munosabatlar majmuidan hajm jihatidan oshib ketgan holatlarda namoyon bo‘ladi[80] deydi.

Yuridik adabiyotlarda huquqdagi bo‘shliqlarni aniqlash subyektlari doirasi hamda ushbu jarayonning yo‘nalishlari yuzasidan ham turli xil yondashuvlar mavjud. Fikrimizcha, bu boradagi bahsli munozaralarning kelib chiqishini oldini olish maqsadida qonun hujjatlaridagi bo‘shliqlarni aniqlash jarayonini bir biriga uzviy bog‘liq bo‘lgan ikkita bosqichga, ya’ni bo‘shliqlarni ko‘rsatish va ularni o‘rnatishga ajratish maqsadga muvofiqdir[81]. Chunki, bo‘shliqlar nafaqat norma ijodkori, sud yoki boshqa huquqni qo‘llovchi organ, balki barcha manfaatdor subyektlar, huquqshunos olimlar, amaliyotchi mutaxassislar yohud oddiy fuqarolar tomonidan ham aniqlanib ko‘rsatilishi mumkin.

Bunda qonun hujjatlaridagi bo‘shliqlarni aniqlash kim tomonidan amalga oshirilishi muhim ahamiyat kasb etmaydigandek bo‘lib ko‘rinsada turli xil subyektlar tomonidan bo‘shliqlarni aniqlash faktining yuridik ahamiyatiga qarab, ularni bir biridan jiddiy farq qilishini aytib o‘tish joiz. Albatta, huquqshunos olimlar tomonidan aniqlangan bo‘shliqlar yuridik ahamiyatga ega bo‘lmaydi, balki u ilmiy tahlil obyekti sifatida namoyon bo‘ladi hamda huquq ijodkori tomonidan bo‘shliqlarni aniqlash esa muayyan yuridik oqibatlarni keltirib chiqaradi.

Yuqoridagilar bilan birga, qonunchilik va huquqni qo‘llash organlarining vakolatlar doirasi va funksiyalaridagi mavjud farqlardan kelib chiqib, ular tomonidan bo‘shliqlarni aniqlash faktlarining yuridik ahamiyatida ham o‘ziga xos xususiyatlar borligini qayd etish joiz. Ushbu holatni e’tiborga olmaslik, fikrimizcha, mazkur organlar vakolatlar doirasi va funksiyalarini tenglashtirishga olib keladi.

Huquqshunos olim Sh.A.Saydullaev to‘g‘ri ta’kidlaganidek, huquqdagi bo‘shliq mavjud ekanligini aniqlash borasidagi jarayonning muhim shakli – bu uni o‘rnatish hisoblanadi. Bo‘shliqlarni o‘rnatish bilan bog‘liq faoliyat ijtimoiy munosabatlarni huquqiy tartibga solishni takomillashtirish va tegishli huquq normalarini yaratish,

[80] Абушенко Д.Б. Судебное усмотрение в гражданском и арбитражном процессе. - М.: Норма, 2002. – С.110.

[81] Najimov M.K. The Normmaking. –Toshkent: TSUL, 2018. –P.94

o‘zgartirish va bekor qilishga vakolatli bo‘lgan organlar tomonidan amalga oshiriladi[82].

Qonun hujjatlaridagi bo‘shliqlarni ko‘rsatish ularni o‘rnatishdan farqli ravishda, qonunlarda belgilab qo‘yilgan ayrim holatlardan tashqari, uni yengib o‘tishga nisbatan tegishli subyektlar uchun hech qanday huquq va majburiyatlar keltirib chiqarmaydi. Norma ijodkori tomonidan bo‘shliqni o‘rnatishning mantiqiy natijasi esa, mazkur bo‘shliqni bartaraf etish bilan bog‘liqdir. Milliy qonunchiligimizda normativ-huquqiy hujjatlarni qabul qilish, ularga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish hamda bekor qilish vakolati berilgan organlar doirasi qat’iy belgilab qo‘yilgan bo‘lib, ular bevosita o‘zlari tomonidan aniqlangan bo‘shliqlarni o‘rnatish orqali ularni bartaraf etish borasida muayyan faoliyatni amalga oshiradilar.

Huquqdagi bo‘shliqlarni aniqlashda hamda ularni bartaraf etishda asosiy o‘rinni huquqni qo‘llovchi organlar, xususan, sudlarga berish lozimligi to‘g‘risidagi ayrim olimlarning qarashlarini qisman to‘g‘ri ekanligini e’tirof etish bilan birga, muayyan sohada bo‘shliqning mavjudligini ko‘rsatib o‘tish ham muhim ahamiyat kasb etishini qayd etish lozim. Chunki, norma ijodkori bo‘shliqlarni o‘rnatish jarayonida ko‘proq undagi texnik, lingvistik yoki nomuvofiqlik holatlarini bartaraf etishga e’tibor qaratadi. Qonunchilikdagi bo‘shliqlar huquqshunos olimlar, amaliyotchi mutaxassislar va boshqa subyektlar tomonidan ko‘rsatib o‘tilishi jarayonida nafaqat yuqoridagi holatlar, balki ushbu hodisaning kelib chiqish sabablari va salbiy oqibatlari, bartaraf etishning muqobil shakllari, kutilayotgan natijalar kabi bir qator masalalar ham tahlil etiladi.

Huquqshunos olim V.V.Lazarevning fikricha, huquqdagi bo‘shliqlarni aniqlash jarayonida yuqorida qayd etib o‘tilgan subyektlar tomonidan quyidagi masalalar tahlil etilishi lozim:

a) amaldagi huquq tizimining mazmuni;

b) u yoki bu hujjatning qabul qilinishiga sabab bo‘lgan yoki qabul qilinishini talab qiluvchi moddiy ijtimoiy munosabatlar;

v) muayyan hujjatni qabul qilish bilan bog‘liq bo‘lgan irodaviy munosabatlar (masalan, qonun ijodkorligi tashabbusi subyektlari bilan qonun ijodkori o‘rtasidagi munosabatlar);

g) davlat organlarining huquq ijodkorligi faoliyati;

d) huquqni qo‘llash amaliyoti;

ye) huquqiy ong.

[82] Сайдуллаев Ш.А. Ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни аниқлаш механизмларини такомиллаштириш масалалари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали / Т.: 2020 й. 77-б. / huquq-2020-s4.pdf (journals.uz)

Darhaqiqat, yuqorida ko‘rsatib o‘tilgan holatlar to‘liq tahlil etilsagina qonun hujjatlaridagi bo‘shliqning haqiqatda mavjudligi yoki yo‘qligi yuzasidan aniq javob olish va shu asosda ularni samarali yengib o‘tish yoki bartaraf etish mumkin bo‘ladi.

Qonun hujjatlaridagi bo‘shliqlarni o‘rnatish, o‘z navbatida, tegishli normativ materialni mukammal o‘zlashtirishni talab etadi. Huquq normalarining boshqa ijtimoiy normalardan farqli jihatlaridan biri, uning formal (rasman) aniqligi hisoblanadi. Binobarin, mantiqiy ketma -ketlik, aniqlik va asoslantirilganlik huquq tizimining butun mazmuniga singdirilgan bo‘ladi. Mantiqiy asoslantirilganlik, o‘z navbatida, har bir huquqiy hujjatning quyidagi talablarga javob berishini nazarda tutadi:

1) qonunchilikning umumiy tamoyillari va maqsadidan kelib chiqishi;

2) boshqa normativ hujjatlarga zid kelmasligi;

3) huquq normalarining tuzilish xususiyatlarini e’tiborga olinganligi;

4) muayyan huquq instituti, huquq sohasi va butun huquq tizimining boshqa normalari bilan funksional aloqadorlikda bo‘lishi va boshqalar.

Tegishli huquq normalarining yuqoridagi talablarga javob bermasligi, o‘z navbatida qonunchilikda muayyan bo‘shliqning mavjudligidan dalolat beradi. Shu o‘rinda, ma’muriy huquqbuzarliklar sohasidagi huquqiy bo‘shliqni huquqshunos olim Sh.A.Saydullaevning “Huquqdagi bo‘shliqlarni aniqlashda hamda ularni bartaraf etishda asosiy o‘rinni huquqni qo‘llovchi organlar, xususan, sudlarga berish lozim” degan fikriga qo‘shilish biroz noto‘g‘ridir deb hisoblaymiz. Chunki, sudlar faqatgina aniqlangan huquqbuzarliklar yuzasidan to‘plangan ma’muriy hujjatlar yuzasidan yakuniy qarorni qabul qiladi, ammo mazkur ma’muriy huquqbuzarliklarni sodir etgan shaxslarni aniqlab, ularga nisbatan ma’muriy hujjatlar to‘plab, sudga yuborishga mas’ul organlarning vakolat doirasi ham o‘z navbatida eng avvalo Ma’muriy kodeksining tegishli normalari hamda mas’ul tashkilotlarning ichki buyruqlari bilan ham tartibga solinganligi hech kimga sir emas. Ma’lumot uchun, 2017 yildan 2024 yilning mart oyiga qadar O‘zbekiston Respublikasining ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksiga ma’muriy huquq sohasidagi normalarni yanada takomillashtirishga qaratilgan 200 ga yaqin o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritilgan[83].

Yuqoridagi mahalliy va xorijiy olimlarning ilmiy qarashlaridan kelib chiqib, bizningcha, huquqshunos olimlardan V.N.Lixachev, Ye.I.Spektor, F.R.Uranskiy va V.V.Lazarevlarning “norma ijodkori bo‘shliqlarini o‘rnatish jarayonida ko‘proq undagi texnik, lingvistik yoki nomuvofiqlik holatlarini bartaraf etishga e’tibor qaratadi. Qonunchilikdagi bo‘shliqlar huquqshunos olimlar, amaliyotchi mutaxassislar va boshqa subyektlar tomonidan ko‘rsatib o‘tilishi jarayonida nafaqat

[83] *Қонунчилик миллий базаси (2024 йил 1 март ҳолати) / lex.uz*

yuqoridagi holatlar, balki ushbu hodisaning kelib chiqish sabablari va salbiy oqibatlari, bartaraf etishning muqobil shakllari, kutilayotgan natijalar kabi bir qator masalalar ham tahlil etadi" degan fikri juda o'rinlidir.

Darhaqiqat, so'nggi yillarda ma'muriy huquqbuzarliklar sohasidagi normalarning hammasi ham zamon va makon o'zgarib borishi bilan o'zini dolzarbligini yoqotmaydi deb hech kim kafolat bermaydi. Chunki, har bir ma'muriy huquqbuzarliklarni oldini olish va ularni bartaraf etishga qaratilgan normativ-huquqiy hujjatlar eng avvalo halqaro normalarga, qolaversa rivojlangan davlatlarning qonun va qonunosti hujjatlariga integratsiya qilinishi hech kimga sir emas.

Ma'lumot uchun: Diniy ulamo vakillaridan Abdulqodir Abdur Rahim fikriga ko'ra "... fatvo ham ma'lum zamon va makon taqozosiga ko'ra berilgan shar'iy javob bo'lib, zamon va makon o'zgarishi bilan fatvo ham o'zgarishi mumkinligini unutmaslik lozim" deb alohida ta'kidlaydi[84].

Shu o'rinda, ma'muriy huquqbuzarlik tushunchasi[85] va uning yuridik hususiyatlariga to'xtalib o'tish maqsadga muvofiqdir. Yuridik adabiyotlarda ma'muriy javobgarlikni qo'llashning ikki asosi ko'rsatib o'tilgan:

birinchisi, qonunning huquqiy (normativ) asosi sifatida;

ikkinchisi, ma'muriy nojo'ya hatti-harakatning (huquqbuzarlik) faktik asosi sifatida[86].

Ma'muriy qonunchilik tomonidan taqiqlangan harakat yoki harakatsizlik g'ayrihuquqiy ma'muriy huquqbuzarlik deb belgilanadi. Ma'muriy huquqbuzarlikni sodir etgan aybdor shaxsning harakatlarida qasd yohud ehtiyotsizlik kabi mativlarni mavjudligini ma'muriy huquqbuzarlikning obyekt[87], obyektiv tomon[88], subyekt[89],

---

[84] Абдулқодир Абдур Раҳим. Тошкент ислом институти ўқитувчиси // Намоз қироатида хатога йўл қўйиш-2 / Oliymahad.Uz

[85] *Маъмурий ҳуқуқбузарлик бу* – қонунчиликка биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир // Ўз.Рес. МЖтК 10-моддаси

[86] Қаршибоев Ф. Маъмурий жавобгарлик // Ўқув қўлланма. Т.: 2019. 7-б.

[87] *Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти* – давлат бошқаруви соҳасида юзага келадиган ва маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар; турдош объекти – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мулк, жамоат тартиби, табиий муҳит, бошқарувнинг белгиланган тартиби. Ҳар қайси маъмурий ҳуқуқбузарлик бевосита ўзининг объектига эга, масалан, жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузиш – майда безориликнинг бевосита объектидир.

[88] *Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони* – ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик. Масалан, жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш тақиқланади. Ана шу ғайриқонуний ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳисобланади.

[89] *Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти* 16 ёшга тўлган фуқаро (умумий субъект); мансабдор шахс, хорижий давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс (махсус субъект); ҳарбий хизматчи,

subyektiv tomon[90] bilan bog‘liq elementlaridan aniqlash mumkin. Shuningdek, ma’muriy huquq nazariyasida huquqbuzarlik obyekti *uch guruhga* bo‘linadi[91]:

birinchi guruhga, ma’muriy huquqbuzarlikning umumiy obyekti – davlat boshqaruvi jarayonida vujudga keladigan ijtimoiy munosabatlar;

ikkinchi guruhga, ma’muriy huquqbuzarlikning turdosh obyekti – mazmuni va o‘zaro yaqin xususiyatlariga qarab yagona tizimga keltirilgan obyektlardir[92].

uchinchi guruhga, ma’muriy huquqbuzarlikning bevosita obyekti – huquqbuzarlik oqibatida bevosita zarar yetkazilgan aniq obyekt hisoblanadi. Masalan, O‘zbekiston Respublikasi MJtKning 237-moddasiga binoan harbiy xizmatga yoki muqobil xizmatga chaqirilishdan bosh tortishda ifodalangan huquqbuzarlikning bevosita obyekti – boshqaruv jarayonida o‘rnatilgan tartib, ya’ni fuqarolarning harbiy yoki muqobil xizmatni o‘tash majburiyati hisoblanadi.

Mazkur majburiyatlardan kelib chiqib, bugungi kunda jamiyat hayotida aniqlangan ma’muriy huquqbuzarliklar bo‘yicha ta’sir chorasini qo‘llash vakolatiga ega ega subyektlar kimlardan tashkil topgan? degan savol yuzaga keladi. Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksning “Ma’muriy huquqbuzarliklar to‘g‘risdagi ishlarning taaluqliligi” deb nomlangan XVIII-bobida jami 48 ta davlat tashkilotlariga ma’muriy ta’sir chorasini qo‘llash vakolatlari berilgan.

Mazkur tashkilotlar qatorida O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi, Davlat xavsizlik xizmati, Davlat xavfsizlik xizmati Chegara qo‘shinlari, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Mudofaа vazirligi, Harbiy prokuratura va Ichki ishlar organlarining harbiy

---

ички ишлар органларининг оддий ва бошлиқлар таркибига мансуб шахс (алоҳида субъект) бўлиши мумкин.

[90] *Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томонига* ҳуқуқбузарнинг айби ва содир этган ҳаракатига руҳий муносабати, ушбу ҳаракатларни қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этганлиги киради.

[91] Субанов О.С. “Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматига қабул қилинган ходимларни бошланғич касбий тайёрлаш ўқув курси юридик тайёргарлик модули бўйича ўқув-услубий мажмуа” // Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ, 2023 / 61-бет.

[92] Масалан, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг Махсус қисмида маъмурий ҳуқуқбузарликлар қуйидаги гуруҳларга бирлаштирилган: *– фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар; – сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар; – аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар; – мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар; – экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар; – саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар; – қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарлик, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш; – транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар; – фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар; – савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар; – одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар; – жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар; – бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар; – тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар.*

xizmatchi va xodimlariga xizmat olib borish davrida aniqlangan ma'muriy huquqbuzarliklar bo'yicha chora qo'llash vakolatlari ham berilgan.

Yuqorida keltirilgan ma'muriy huquqbuzarliklar to'g'risidagi ishlarni ko'rib chiqishga hamda jarima tariqasidagi ma'muriy jazo choralarini qo'llash vakolatiga ega subyektlarni diplom mutaxassisligi va ularning ish yuklamasi (hajmi) kesimida tahlil qilinganda quyidagi muammolar mavjudligi aniqlandi. Xususan, *diplom mutaxassisligi* bo'yicha O'zbekiston Respublikasi MJtKning 248^1-moddasiga ko'ra, Milliy gvardiya organlari tomonidan MJtKning 61, 79-moddasining ikkinchi qismi, 90-moddasining ikkinchi, uchinchi va to'rtinchi qismlari, 90^1-moddasi, 91^1-moddasining to'rtinchi qismi, 183, 184^2, 184^3, 185, 185^1, 185^2, 185^3, 186, 187-moddasining ikkinchi qismi, 188^1, 188^3, 189, 189^1, 191, 194^1, 195^1, 196 va 210^1-moddalarida nazarda tutilgan ma'muriy huquqbuzarliklar aniqlagan taqdirda, ularni ko'rib chiqish hamda jazo chorasini qo'llash vakolatiga ega mansabdor shaxslarning aksariyati (nomutaxasislik) diplomga ega shaxslar hisoblanadi.

Shu o'rinda, nomutaxassislik diplomiga ega bo'lgan mansabdor shaxslar bugungi kunda huquqni qo'llash jarayoniga qo'yilgan *"ishga daxldor bo'lgan barcha fakt va holatlarni aniqlash"*, *"aniqlangan faktlar sinchiklab o'rganilish, ularga yuridik jihatdan xolisona baho berish shuningdek, aniqlangan dalillarni ishonchli deb topish"* kabi talablarga javob beradimi? degan o'rinli savol yuzaga keladi.

Bizningcha, yuqorida keltirilgan talablarga bugungi kunda huquqshunos diplomiga ega bo'lmagan mansabdor shaxslar javob berma olmaydi. Shu o'rinda, huquqshunos olim O.O.Husanboev fikricha huquqni qo'llash bu – huquq normalari talabini amalga oshirishning asosiy shakllaridan biridir. Huquqni qo'llash faoliyati huquq normasini to'la-to'kis tatbiq etish uchun vakolatli organ yoki mansabdor shaxsning aralashuvi talab etiladi deydi[93]. Darhaqiqat, bugungi kunda MJtKning 248^1-moddasida keltirilgan vakolatli mansabdor shaxslarning 84% hokimiy vakolatlarga ega bo'lsada ammo, huquqshunos olim Ya.N.Kazankov[94] taabiri bilan aytganda ular quyidagi talablarni mustaqil bajara olmayotganida namoyon bo'lmoqda. Bularga:

- *huquq normalari bilan tartibga solinishi lozim bo'lgan yuridik ishning faktik tomonini o'rganish va o'rnatish;*
- *ko'rilayotgan yuridik ishga mos keladigan huquq normasini tanlab olish;*
- *ko'rilayotgan yuridik ishga mos keladigan huquq normasining mazmunini aniqlash va uni sharhlash;*

[93] Ҳусанбоев О.О. Ҳуқуқни қўллаш: назария ва амалиёт масалалари. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: ТДЮУ, 2019. 9-б.

[94] Казанков Я.Н. Пределы познания в применении права // Сибирский юридический вестник. 2016. –№3 (74). –С. 20 .

- *ko‘rilayotgan masalaga oid tanlab olingan huquq normasini qo‘llashga qaratilgan hujjatni chiqarish;*

- *huquqni qo‘llash hujjati chiqarilgandan so‘ng, uning bajarilishini ta’minlash chora-tadbirlarini ko‘rish;*

- *huquqni qo‘llash hujjatining amalda bajarilishini tekshirish va uning ustidan nazorat o‘rnatish* kabilar shular jumlasidandir.

Shu o‘rinda, Rossiya Federatsiyasining huquqshunos olimlar tomonidan huquqni qo‘llash jarayoni bilan bog‘liq muammolarni aniqlash maqsadida jami 798 ta (*109 sudya, 106 ta prokuror, 137 ta tergovchi, 103 ta advokat, 111 ta yuriskonsul, 115 ta notarius, 119 ta sud ijrochisi)* amaliyotchi huquqshunoslar o‘rtasida “Siz uchun qanday masalalar huquqni qo‘llashda eng ko‘p qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi” degan savol yuzasidan o‘tkazilgan ijtimoiy so‘rov davrida ularning 28,1 foizi birinchi o‘ringa “huquqni sharhlash va huquqni qo‘llash normalari mazmunini tahlil qilish” deb javob berishgan.

Mazkur o‘rganishlar davrida 18,3 foiz respondentlar qaror qabul qilishni, 17,6 foiz huquqshunoslar esa ishning holatini o‘rganish va unga baho berishni muhim deb hisoblashgan. Bundan tashqari, 16,6 foiz respondentlar esa qaror qilish jarayoni va uning ijrosini nazorat qilishni birlamchi ekanligiga alohida e’tibor qaratgan”[95].

Yuqorida keltirib o‘tilgan misoldan bilish mumkinki, barcha zamon va makonda ham huquqni qo‘llash vakolatiga ega bo‘lgan subyektlardan faoliyat olib borish davrida noto‘g‘ri qaror qabul qilmaslik uchun ulardan yetarlicha nazariy bilim va amaliy tajribalar talab etilgan. Mazkur bilimlar natijasida qabul qilingan qarorlar *huquqni qo‘llash akti*[96] bilan rasmiylashtiriladi.

Shu o‘rinda, huquqshunos R.R.Palexaning fikricha, “huquqni qo‘llash hujjatlari – real hayotiy holatlar va ularning yuridik kvalifikatsiyasida o‘z aksini topgan huquqni qo‘llash subyektlari tomonidan chiqariladigan hujjatdir. Shuningdek, huquqni qo‘llash hujjati huquqni qo‘llash faoliyatining majburiy tarkibiy qismi bo‘lib, u mazkur jarayonning yakunlovchi bosqichida namoyon bo‘ladi[97] desa, huquqshunos olim V.I.Leushinning taabiricha “huquqni qo‘llash hujjati – bu vakolatli davlat organi yoki mansabdor shaxsning yuridik faktlar va huquq normasi asosida chiqaradigan,

[95] Певцова Е.А., Соколов Н.Я. Профессиональное суждение юристов о проблемах правоприменения //Вестник Московского государственного областного университета. Серия: Юриспруденция, 2018. –№1. –С. 24-26.

[96] *Изоҳ:* “Ҳуқуқни қўллаш акти – бу давлат-ҳокимият хусусиятига эга, индивидуал-белгиланган ҳужжат бўлиб, у ваколатли субъект томонидан субъектив ҳуқуқлар ёки юридик мажбуриятлар мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш ҳамда тегишли ҳуқуқий нормалар асосида ва уларнинг норматив амалга оширилиши манфаатини кўзлаб улар мезонини белгилаш мақсадида муайян иш юзасидан тузилади”.

[97] Палеха Р.Р. Природа правоприменения как особой формы реализация права: Автореф... дисс. канд. юрид. наук. - Елец, 2006. – С.10.

konkret shaxslarning huquq va majburiyatlarini yoki yuridik javobgarligi doirasini belgilaydigan huquqiy hujjatdir”[98] deydi.

Demak, huquqni qo‘llash hujjati – bu yuridik ish bo‘yicha muayyan shaxs(lar)ning huquqlari, majburiyatlari va ularning yuridik javobgarlik darajasini belgilovchi, yuridik faktlar va huquq normalariga asoslanib vakolatli organ yoki mansabdor shaxs tomonidan chiqariladigan huquqiy akt.

Yuqoridagi ta’riflardan ko‘rinib turibdiki, huquqni qo‘llash hujjatini har qanday subyekt emas, balki qonun bilan qat’i belgilab qo‘yilgan va maxsus vakolatga ega bo‘lgan davlat organlari va mansabdor shaxslargina amalga oshiradilar. Shu o‘rinda huquqni qo‘llash hujjatlari aniq huquq subyektiga yo‘naltirilgan bo‘lishini ta’kidlash joiz, holbuki normativ- huquqiy hujjatlar esa ko‘pchilikka qaratilgan bo‘ladi. Huquqni qo‘llash hujjatlari huquq normalarida mustahkamlangan qoidalarni aniq holatga, vaziyatga qo‘llash demakdir. Bunda aniq huquq subyektining huquq va majburiyatlari konkretlashtiriladi yoki huquq subyektining javobgarlik doirasi belgilanadi.

Yuqoridagi fikrlar asosida huquqni qo‘llash hujjatlarining quyidagi xususiyatlarini ko‘rsatib o‘tish mumkin:

– vakolatli organlar va mansabdor shaxslar tomonidan chiqarilishi;

– hujjatlar qat’iy individuallashganligi, ularning muayyan shaxs va vaziyatlarga nisbatan qaratilganligi;

– davlat tomonidan ta’minlanishi;

– huquqni qo‘llash hujjatlarining bir marotaba qo‘llanilishi va shu bilan o‘z vazifasini tamomlashi.

Alohida ta’kidlash joizki, huquqni qo‘llash hujjatlari asoslantirilganlik, qonuniylik va maqsadga muvofiqlik tamoyillari talablariga javob berishi lozim.

Bugungi kunda Yangi O‘zbekistonda Milliy gvardiya faoliyatini yanada takomillashtirish, tizimga nisbatan aholini ishonchini oshirish, harbiy xizmatchi va hodimlarning huquqiy savodxonligini yuqori bosqichga olib chiqish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 29 noyabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-27-son Farmonining[99] 7-band 3-xatboshida belgilangan “... ichki ishlar organlari profilaktika katta inspektori lavozimlariga faqat oliy yuridik ma’lumotga ega bo‘lgan xodimlar tayinlanadi” degan qoidani O‘zbekiston Respublikasi MJtKning 248[1]-moddasida Milliy gvardiya organlari tomonidan MJtKning 61, 79-moddasining ikkinchi qismi, 90-moddasining ikkinchi, uchinchi va

[98] Леушин В.И. Реализация и применение права. //Теория государства и права. –М.: Норма, 2012 –С.402.

[99] “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон 29.11.2021. (lex.uz)

to‘rtinchi qismlari, 90^1-moddasi, 91^1-moddasining to‘rtinchi qismi, 183, 184^2, 184^3, 185, 185^1, 185^2, 185^3, 186, 187-moddasining ikkinchi qismi, 188^1, 188^3, 189, 189^1, 191, 194^1, 195^1, 196 va 210^1-moddalarida nazarda tutilgan ma’muriy huquqbuzarliklar aniqlagan taqdirda, ularni ko‘rib chiqish hamda jazo chorasini qo‘llash vakolatiga ega mansabdor shaxslarni mansab lavozimiga faqat **oliy yuridik** ma’lumotga ega xodimlarni tayinlash amaliyotini joriy etish maqsadga muvofiqdir.

Xulosa o‘rnida shuni taakidlash joizki, Fuqarolik jamiyati shiddat bilan rivojlanib borgani sari insoniyat qulayliklar bilan birga qator qiyinchiliklar va to‘siqlarga ham duch kelishi tabiiy. Ya’ni har qanday jamiyatning rivojlanishida insoniyatning o‘zaro munosabatlari ham sekin-asta murakkablashib boradi. Bunday hollarda ushbu munosabatlarni tartibga soluvchi qoidalar, ya’ni qonunlarning ishlab chiqilishiga muxtojlik seziladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // Қонунчилик миллий базаси / Lex.uz

2. Ўша манбаанинг 2-иловасида “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга ошириладиган Давлат дастур

3. Содиков А.Ш. Норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш: илмий-амалий масалалар // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали / Т.: 2020 й. 33-34-бб. / huquq-2020-s4.pdf (journals.uz)

4. Сайдуллаев Ш.А. Ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни аниқлаш механизмларини такомиллаштириш масалалари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали / 75-бет / huquq-2020-s4.pdf (journals.uz)

5. Лихачев В.Н. Установление пробелов в современном международном праве. - Казань: Изд-во Казан. ун-та, 1989. – С.7; Спектор Е.И. Пробелы в законодательстве и пути их преодоления. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2003. – 21 с.; Уранский Ф.Р. Пробелы в праве и способы их восполнения в правоприменительной деятельности. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2005. – 22 с.

6. Лазарев В.В. О видах пробелов в праве // Правоведение. – Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1969, № 6. – С.30;

7. Абушенко Д.Б. Судебное усмотрение в гражданском и арбитражном процессе. - М.: Норма, 2002. – С.110.

8. Najimov M.K. The Normmaking. –Toshkent: TSUL, 2018. –P.94

9. Сайдуллаев Ш.А. Ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни аниқлаш механизмларини такомиллаштириш масалалари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали / Т.: 2020 й. 77-б. / huquq-2020-s4.pdf (journals.uz)

10. *Қонунчилик миллий базаси (2024 йил 1 март ҳолати) / lex.uz*

11. Абдулқодир Абдур Раҳим. Тошкент ислом институти ўқитувчиси // Намоз қироатида хатога йўл қўйиш-2 / Oliymahad.Uz

12. Маъмурий ҳуқуқбузарлик бу – қонунчиликка биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир // Ўз.Рес. МЖтК 10-моддаси

13. Қаршибоев Ф. Маъмурий жавобгарлик // Ўқув қўлланма. Т.: 2019. 7-б.

14. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти – давлат бошқаруви соҳасида юзага келадиган ва маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар; турдош объекти – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мулк, жамоат тартиби, табиий муҳит, бошқарувнинг белгиланган тартиби. Ҳар қайси маъмурий ҳуқуқбузарлик бевосита ўзининг объектига эга, масалан, жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузиш – майда безориликнинг бевосита объектидир.

16. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони – ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик. Масалан, жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш тақиқланади. Ана шу ғайриқонуний ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ҳисобланади.

17. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти 16 ёшга тўлган фуқаро (умумий субъект); мансабдор шахс, хорижий давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс (махсус субъект); ҳарбий хизматчи, ички ишлар органларининг оддий ва бошлиқлар таркибига мансуб шахс (алоҳида субъект) бўлиши мумкин.

18. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томонига ҳуқуқбузарнинг айби ва содир этган ҳаракатига руҳий муносабати, ушбу ҳаракатларни қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этганлиги киради.

19. Субанов О.С. “Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматига қабул қилинган ходимларни бошланғич касбий тайёрлаш

ўқув курси юридик тайёргарлик модули бўйича ўқув-услубий мажмуа” // Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ, 2023 / 61-бет.

20. Ҳусанбоев О.О. Ҳуқуқни қўллаш: назария ва амалиёт масалалари. Ўқув-услубий қўлланма. –Тошкент: ТДЮУ, 2019. 9-б.

21. Казанков Я.Н. Пределы познания в применении права // Сибирский юридический вестник. 2016. –№3 (74). –С. 20 .

22. Певцова Е.А., Соколов Н.Я. Профессиональное суждение юристов о проблемах правоприменения //Вестник Московского государственного областного университета. Серия: Юриспруденция, 2018. –№1. –С. 24-26.

23. Палеха Р.Р. Природа правоприменения как особой формы реализация права: Автореф... дисс. канд. юрид. наук. - Елец, 2006. – С.10.

24. Леушин В.И. Реализация и применение права. //Теория государства и права. –М.: Норма, 2012 –С.402.

25. “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон 29.11.2021. (lex.uz)

Бойматова Дилобар Пулотовна
Annotation: The article analyzes the functional significance of administrative penalties in modern society and their level of effectiveness. The article studies the nature of offenses, their level of social danger, and their connection with moral and legal values in society.

Key words: Administrative offense, administrative punishment, foreign citizens, stateless persons, alimony, property, fines, compulsory community service.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликка қарши кураш сиёсати, шу қаторда маъмурий-ҳуқуқий сиёсат соҳасида ислоҳотлар амалга оширилиб, унда маъмурий жазоларни либераллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлатнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсатини либераллаштиришга мустақилликни илк кунларидан эътибор берила бошланди, унинг асосий мақсади сифатида адолат ва инсонпарварлик принципларини таъминлаш, маъмурий жазо

тизимидаги жазолаш функсияларининг торайтириш йўлидан бориш белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикасида жиноят-ҳуқуқий сиёсат либераллаштириш йўлида бўлиб, либераллаштириш моҳиятини тўғри англаш учун уни генезисини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Жазо сиёсатининг асосий мақсади – ҳуқуқбузарликларни камайтириш ва фуқаролар онгини тарбиялашдир. Маъмурий жазоларнинг қаттиқлиги эмас, балки унинг муътадил ва адолатли қўлланилиши самарали ҳисобланади. Хусусан, оз аҳамиятли ҳуқуқбузарликлар учун жисмоний жазолар ўрнига молиявий чоралар ўринли бўлади. Жамиятдаги ижтимоий адолат тамойиллари сақланиши керак. Тартибга солишда ишонч ва эҳтиром кучли таъсир қилади.

Жамият эҳтиёжлари контекстида маъмурий жавобгарликни либераллаштириши ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири саналади. Шу боис, бу турдаги жазоларни либераллаштириш муаммога эмас, ечимга айланиши мумкин.

Умуман олганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик – қонунчиликка биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.[1] Жумладан Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий жавобгарликка тортилади. Жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши амалдаги қонунчилигимизда белгиланган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий жазо турлари қуйидагилардан иборат:

1. Жарима;
2. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
3. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;
4. Муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;
5. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш;

6. Маъмурий қамоққа олиш.

7. Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш.

Ўйлаймизки, маъмурий жазолар ижтимоий таъсир воситаси бўлиб, уларнинг мақсади шахсни қонунбузарликдан қайтариш, эмас, жазолашдир. Баъзан қаттиқ чоралар аксинча, қаршиликни кучайтиради. Либераллаштириш, яъни мулоқотга таянган ёндашув, ҳуқуқбузарни тузатишга хизмат қилади. Жазо нафрат эмас, ижобий ўзгаришга олиб келиши лозим. Жазонинг мақсадга мослиги унинг таъсирини оширади. Бундан ташқари, инсон қадри ҳам инобатга олиниши шарт.

Либерализим атамаси XVII-XVIII асрларда Европа минтақасида юзага келган бўлиб, мазкур тушунча Жон Локк, Адам Смит, Шарл Луи Монтеске[2] ва бошқаларнинг мутлақ ҳокимятга қарши қаратилган назарияларга асосланади. Либерализм ғоялари илк бор АҚШ конституцияси[3] ҳамда “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да[4] мужассам бўлган. Либерал таълимотини илк тарафдори файласуф Жон Локк бўлган. Шу даврдан бошлаб классик либерализм таълимоти ривожланган.

Либераллаштириш орқали тизим енгиллашади ва мақсадли бўлади. Ушбу жараёнда қайта тарбия ва ўзгаришга эътибор кучайиши керак. Маъмурий тартибда инсон ҳуқуқлари ҳам юқори даражада ҳимоя қилиниши лозим. Ҳар қандай ислоҳот инсон манфаатини назарда тутиши керак. Масалан, кам аҳамиятли ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий қамоқ жазоси жамиятда акс саъсир билан билан қабул қилинини ҳам мумкин. Либераллаштириш – профилактик ёндашувга ўтиш демак. Жазо орқали эмас, тушунтириш ва таълим орқали ҳуқуқбузарликни олдини олиш мумкин. Айниқса, ёшлар ва биринчи марта қонунбузарлик қилганлар учун бу жуда муҳим. Маъмурий жазоларнинг фақат жазолаш воситаси сифатида қаралиши самарасиз. Уларни тарбия воситасига айлантириш зарур. Бу жамиятда масъулият ҳиссини оширади. Ҳар бир шахс хатосини англаб, қайта йўлга тушишига имкон яратилади. Бундай ёндашув ижтимоий барқарорликка хизмат қилади.

Ҳозирги кунда республикамизда жамоат ишларининг фақатгина ҳақ тўланадиган тури мавжуд бўлиб, ушбу жазо ҳуқуқбузарни ижтимоий фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий равишда жалб этишдан иборат бўлиб, у судлар томонидан саккиз соатдан икки юз

қирқ соатгача бўлган муддатга тайинланади. Агар ҳуқуқбузар ўқиётган бўлса, жамоат ишлари ўқишдан бўш вақтда бажарилади.

Ҳуқуқбузарлар ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг турлари мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар — ички ишлар органларининг пробация бўлинмалари томонидан белгиланади. Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари пенсия ёшига етган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, доимий ишга эга шахсларга, ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар иш ҳақининг эллик фоизи алимент мажбуриятлари бўйича қарзни тўлашга йўналтирилади. Ҳуқуқбузар жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг ўталмаган муддатини ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг тўрт соати учун маъмурий қамоқнинг бир кунига тенг жазо билан ёхуд ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг саккиз соати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварига тенг жарима билан алмаштиради. Бунда маъмурий қамоқнинг муддати ўн беш суткадан, жариманинг миқдори эса базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ошмаслиги керак. Жазони ўташдан бўйин товланилган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Халқаро тажриба либерал ёндашувни рағбатлантиради. Европа давлатлари кичик ҳуқуқбузарликлар учун таълимий чораларни қўллайди. Масалан, Германияда оғир бўлмаган ҳуқуқбузар учун профилактик суҳбат ва жамоат ишлари кўзда тутилади.[5] Бу ўз навбатида шахсни ижтимоийлаштиришга хизмат қилади. Юртимизда ҳам шундай услубларни жорий этиш ижобий натижа бериши мумкин. Жазо эмас, профилактика устувор бўлса, жамиятда ҳуқуқбузарлик камаяди. Бу — қонун устуворлигининг инсонпарвар ифодасидир. Тизимда мулоқотга асосланган ёндашув кенгайиши лозим.

Айтиш мумкинки, мажбурий жамоат ишлари маъмурий жазосининг қўлланилишига сабаб вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш ва ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш каби ҳуқуқбузарликлар учун мазкур чора қўлланила бошлади.[6] Ота-она яшаш жойида вақтинча бўлмаганда ёхуд улар ўз ота-оналик мажбуриятларини бажара олмайдиган давр учун вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш бўйича

мажбуриятларини бажармаслиги, — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, шахс жамоат жойларида тартиббузарлик, қўпол муносабат, сўкиниш, танага тегиш ёки хафақонлик келтирувчи ҳаракатлар содир этган бўлса, мажбурий жамоат ишлари маъмурий жазоси тайинланиши лозим. Бу ҳолда шахсни жамиятга фойдали меҳнатга жалб этиш, унинг аҳлоқий қарашларини ўзгартириш ва жамият олдида ўз қилмишини англашга ундайди. Айниқса, ёшлар орасида бундай жазо тарбиявий таъсир кучига эга.

Спиртли ичимликларни жамоат жойларида истеъмол қилиш масаласи ҳам бу йўналишга мос бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига кўра, жамоат жойларида маст ҳолда юриш, спиртли ичимликларни ноқонуний истеъмол қилиш ҳоллари учун маъмурий жаза белгиланади. Мажбурий жамоат ишлари ушбу шахсларни жисмоний меҳнатга жалб этиб, уларнинг ижтимоий масъулиятини оширишга ёрдам беради. Шу йўл билан жамиятдаги салбий иллатларга қарши курашишнинг самарали услуби шаклланади.

Айрим ҳолларда жамоат транспортидан тўғри фойдаланмаслик бепул юриш, билетсиз ҳаракатланиш, йўлкирани тўламаслик каби ҳолатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя қилмасликни англатади. Бундай ҳаракатлар транспорт тизимига моддий зарар етказади. Мажбурий жамоат ишлари орқали шахс ушбу хатти-ҳаракатлари учун жамоат манфаати йўлида меҳнат қилиб, қилмишини тузатиш имконига эга бўлади.

Экологияга зарар етказувчи ҳаракатларда ҳам қорасув ёки чиқинди сувларни ноқулай ерларга қуйиш, чиқиндиларни тўпламасдан ташлаш, яшил ҳудудларга зарар етказиш каби ҳолатлар кўп ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади. Мажбурий жамоат ишлари бу шахсларни жамоат тозалаш ишларига, дарахт экишга, экологик ишларга жалб этиш орқали, фақат жазо эмас, балки таълимий мақсад ҳам кўзланганлиги билан фарқ қилади.

Ушбу мақолада маъмурий жавобгарлик чораларини жамият эҳтиёжлари нуқтаи назаридан қайта баҳолаш зарурлиги асослаб берилган. Маъмурий жазолар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда қўлланилиши лозимлиги таъкидланган. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда таълимий таъсири кучли бўлган жазо чоралари муҳим экани кўрсатилган.

Маъмурий жавобгарлик чораларини жамият эҳтиёжларига мослаштириш замонавий ҳуқуқий ислоҳотларнинг устувор йўналишидир. Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ижтимоий масъулиятини юксалтириш учун жазо эмас, таълимий таъсир кучли усуллар зарур. Инсон қадрини ҳурмат қилувчи, репрессив эмас, тарбиявий характердаги чоралар самарали ҳисобланади. Жамият тараққиёти ҳуқуқбузарликларга қарши мулоҳазали ва мутаносиб муносабат талаб этади. Бу эса, қонунчиликни либераллаштириш орқали эришиш мумкинлигини кўрсатгани ҳолда, ҳар бир маъмурий жаза чораси ижтимоий адолат тамойилига хизмат қилиши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. 10-модда // https://lex.uz/docs/97664
2. Гайнутдинова Л. А., Гайнутдинов Р. И. “Две традиции теории гражданского общества: Дж.Локк и Ш.Л.Монтескье”. - С 71 // DOI 10.25991/VRHGA.2021.21.4.005.
3. АҚШ Конституцияси // https://constitution.uz
4. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрдаги 217 А (III) рақамли Резолюция // https://constitution.uz/uz/pages/humanrights
5. Schulschwänzer - Maßnahmen und Prävention in Herten // https://www.herten.de
6. Ўзбекистон Республикасининг 11.04.2023-йилдаги “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-829-сон Қонуни

Юлдашов Содиқ Оқбаевич
Жамоат хавфсизлиги университети доценти ю.ф.б.ф.д. .(PhD)

МУРОЖААТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

Аннотация. *Ушбу мақолада мурожаат қилиш ҳуқуқи институтида юридик жавобгарликнинг аҳамияти ҳуқуқий таҳлил этилган ҳамда бу борада ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари юзасидан муаллифлик муносабати билдирилган .*

Калит сўзлар*: юридик жавобгарлик, ҳуқуқбузарлик, қонун бузилиши, актив маънодаги жавобгарлик, ретроспектив маънодаги жавобгарлик.*

Аннотация. В статье анализируется значение юридической ответственности в институте права обращения, а также высказывается позиция автора относительно мнений ученых-юристов по этому поводу.

Ключевые слова: юридическая ответственность, правонарушение, нарушение закона, ответственность в активном смысле, ответственность в ретроспективном смысле.

Annotation. This article provides a legal analysis of the significance of legal liability within the institution of the right to petition, and expresses the author's opinion regarding the views of legal scholars on this matter.

Keywords: legal liability, offense, violation of law, active liability, retrospective liability.

Юридик жавобгарлик доимо дунё ҳуқуқшунослари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти диққат марказида бўлиб, улар фаолиятидаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, ҳар қандай давлатда қонун устуворлигини амалга оширилиши ва жазо муқаррарлигини таъминланиши юридик жавобгарликнинг самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Аммо, бугунги кунда юриспруденцияда юридик жавобгарликнинг умумэътироф этилган ягона таърифи мавжуд эмас. Бу соҳада ҳуқуқшунос олимлар ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб, турлича таърифлаганлар. Жумладан, Н.Ю.Тетерятников фикрига кўра, юридик жавобгарлик – бу давлатнинг қонун талабларига риоя қилишга мажбурлаши, томонларнинг ҳар бири ўз ҳаракатлари учун бошқа томон,

яъни давлат ва жамият олдида жавобгар бўлиши шарт бўлган ҳуқуқий муносабатлардир [1].

И.С.Самосченко ва М.Х.Факуршинлар юридик жавобгарликка «ўтмиш учун жавобгарлик, салбий жавобгарлик сифатида кўриб чиқилиш учун ишлатилади. Юридик жавобгарлик – пайдо бўлган вақтдан бери, ҳар доим ўтмишда содир этилган қонунсиз хатти-ҳаракатлар юзасидан жавобгарлик учун ишлатилади»[2], дея таъриф берадилар.

И.А.Ребане фикрича, юридик жавобгарлик – ҳар доим ҳам ретроспективдир ва ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликдир [3]. С.Н.Братуснинг фикрича, юридик жавобгарлик – фақат содир этилган ҳаракатлар учун жавобгарлик сифатида тушуниш нуқтаи назаридан катта қизиқиш тушунчаси билан ифодаланади, у жавобгарлик мажбуриятни бажаришга мажбурлаш ҳолати деб тахмин қилинган [4].

И.Н.Кукси юридик жавобгарликни воситачилигига эга бўлган ўзига хос шакллардан бирини ифодаловчи юридик жавобгарлик тоифаси икки жиҳатдан мавжуд: салбий (ретроспектив) ва ижобий (истиқболли) бўлиб, улар бир бутуннинг мустақил ёки ўзаро боғлиқ томонлари ёки мустақил ҳодиса сифатида ёки уни амалга оширишнинг турли шакллари сифатида тасаввур қилади [5].

Р.С.Маркуриннинг фикрича, юридик жавобгарлик – бу ҳуқуқий нормалар талабларига нисбатан уларга онгли равишда риоя қилиш ва бажаришни тақозо этадиган муносабат бузилганда эса – шахснинг муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги салбий оқибатларга дучор бўлиш заруриятидир [6; 8].

Ирина Станкулискунинг фикрича, юридик жавобгарлик – ҳуқуқ субъектнинг амалга оширган ҳаракати ва у аъзо бўлган жамият ўртасидаги бошқа турдаги муносабатни ифодалаб, ҳуқуқ субъекти ва ушбу жамият ҳокимияти ўртасидаги муносабатдир[7]. Михаила Фратоиканинг таъкидлашича, юридик жавобгарлик–ижтимоий масъулият ғоясининг махсус ифодаси бўлиб, унга кўра ҳар бир шахс ўз ҳаракатларининг оқибатларини қабул қилиши ва уларни кўтариши керак. Юридик жавобгарликдан озод қилишнинг асоси ва кўлами қонун билан белгиланади ва бу доимо қонуний бўлиши шарт [8].

Станису Лучианнинг фикрича, юридик жавобгарлик – бу ҳуқуқ субъектига нисбатан қонун томонидан белгилаб қўйилган ва бошқа бир шахснинг субъектив ҳуқуқини бузган ғайриқонуний ҳаракати учун қонунда кўрсатилган оқибатларни келиб чиқишини англатади [9].

Т.Н.Радко, В.В.Лазарев ва Л.А.Морозоваларнинг фикрича, юридик жавобгарлик – ҳуқуқ субъектининг бузилган норманинг санкциясида назарда тутилган ножўя оқибатларга олиб келишидан иборат бўлган ва ҳимоя ҳуқуқий муносабатлари шаклида амалга ошириладиган давлат мажбурловининг алоҳида туридир [10; 375].

Бу борада, мамлакатимиз олимларининг ҳам ўз нуқтаи назарида алоҳида таърифлари мавжуд. Масалан, Х.Одилқориев фикрича, юридик жавобгарлик – ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан процессуал тартибда қонунчиликда белгиланган давлат мажбурлов чораларини қўллашдир [11; 475].

З.Исломов фикрича, юридик жавобгарлик – бу содир этилган ҳуқуқбузарлик учун шахснинг давлат ҳокимияти моҳиятига эга бўлган муайян чеклашларни бошдан кечириш мажбуриятидир [12; 899].

М.Ахмедшаева юридик жавобгарликни «бу давлатнинг ҳуқуқбузарликка нисбатан муносабат билдириши, қонунда белгиланган санкцияларни амалга ошириш усулидир» [13;254], дея таърифласа, Ш.Сайдуллаев фикрича, юридик жавобгарлик – бу ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллашдир [14; 214].

А.Саидов ва У.Таджихановлар эса, «юридик жавобгарлик – ҳуқуқбузарнинг ҳуқуқ нормаларига асосланган ва ҳуқуқбузарлик фактидан келиб чиқадиган қилмиши учун жавоб бериш ва давлат мажбурлов чоралари шаклидаги нохуш оқибатларига чидаш мажбурияти ҳамда шундай оқибатларга ҳақиқатан дучор бўлишидир» [15; 59-60], дея таърифлайдилар

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг юридик жавобгарлик тушунчасига берган таърифларини моҳиятан эътироф этган ҳолда ўз фикримизни қуйидагича изоҳлаймиз:

биринчидан, аксарият муаллифларнинг фикрича, юридик жавобгарликни фақат давлат томонидан ўрнатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари бузилишида ифодалайди. Бироқ юридик жавобгарлик нодавлат нотижорат ва хусусий секторларда ҳам мавжудлиги, ушбу тизимларда ҳам у ёки бу маънода жавобгар бўлишлигига ҳуқуқий муносабат билдирилмаган;

иккинчидан, таърифларда асосан ҳуқуқбузарлик учун юридик жавобгарлик белгиланиши назарда тутилган. Холбуки, ҳуқуқ бузилмасдан қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан ҳам юридик жавобгарлик бўлиши эътибордан четда қолган.

Яна шуни айтиш жоизки, амалиётда кўпинча ҳуқуқбузарлик ва қонунбузилиши ҳолатларини бир маънода билишади. Шу боис, ушбу атамаларга тушунча бериш талаб этилади. Яъни,

Қонун бузилиши – бу, кенг тушунча бўлиб, ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки норматив тусдаги (фармойишлар, суд ҳужжатлари ва бошқалар) ҳужжатлар нормаларини бузилишини англатади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети маъмуриятининг ички тартиби бўйича дарс машғулотларини ўтишнинг маълум қоидаси белгиланган бўлиб, ушбу қоидани бузилиши ҳуқуқбузарликни келтириб чиқармайди, унда ҳеч қандай ҳуқуқ ёки эркинлик бузилиши содир бўлмагани ҳолда қонун бузилиши ёки қонунни қўллаш амалиётининг ҳуқуқий тусдаги ҳужжати талаби бузилгани ҳолда жавобгарлик белгиланган.

Ҳуқуқбузарлик – қонун бузилишининг таркибий қисми бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга боғлиқ нормаларнинг бузилиши ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида «*ҳуқуқбузарлик* — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)» [16], дея таърифланган.

Шулардан келиб чиқиб, юридик жавобгарлик тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи тавсия этилади «*юридик жавобгарлик* –давлат органлари, ташкилотлар ва турли мулк шаклидаги бошқа иш берувчилар томонидан ўрнатилган ҳуқуқ нормалари ва қоидалар талабини бузганлиги учун кўриладиган чоралар мажмуидир».

Юридик жавобгарлик масаласи мурожаатлар институтининг ҳам муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобландаи. Бу ҳолатни давлатчилигимиз тарихига боғласак, мақолани янада бойитган бўламиз.

Масалан, Амур Темур давлати қонунчилигида мурожаат қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича хатога йўл қўйган мулозимларга нисбатан жазо муқарралиги таъминланган. Ҳусусан, жойлардаги ҳақиқий аҳвол, шу жумладан, маҳаллий ҳокимият ва давлат хизматчиларининг халққа бўлган муносабати ва хатти-ҳаракатлари тўғрисида ҳукмдорни хабардор этиб туриш мақсадида ҳар бир ҳудудда алоҳида «хабарнавс» лавозимлари жорий этилган бўлиб, булар ёлғон ёки нотўғри хабар етказган тақдирда «ёзган бармоқлари кесилсин», деган фармон чиқарилган [17; 53].

Бухоро амирлиги бошқарувида мурожаатларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган мулозимларга нисбатан қатъий талаб белгиланган бўлиб, бу борада масъулиятсизликка йўл қўйган ҳар қандай лавозимдаги шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган. Масалан, халқнинг норозилиги ва шикояти туфайли Китоб, Яккабоғ ва Шеробод беклари ҳамда Дарбанд амалдорларини эгаллаб турган лавозимларидан озод этганлиги тўғрисида манбаларда ёзилган [18; 162].

Бироқ давлат амалдорларининг хатти-ҳаракатлари устидан тушган шикоятлар юзасидан ҳамма вақт ҳам қонуний тўхтамга келинмасдан, аксинча, шикоятчининг ўзи жазоланган. Бу хусусда Маҳмудхўжа Беҳбудий Бухоро амирлиги салтанатида давлат мулозимларига мурожаат қилиш жараёнини шундай изоҳлайди: «Бухоро раиятларининг гўё ҳоким ғайримасъулий, мулкий жиҳатдан бек, закотчи, қози ҳазратларидан иборатдур. Буларнинг устидан мунтазам суратда тафтиш ва ё аҳоли тарафидан шикоят этилганда, аларнинг қарори ва ҳукми таҳқиқ ва истиёф қилинса, турган усули бўлмай, агарда ҳазрат амир рози бўлганда, тамом умринда бу маълумотлар тафтиш юзи кўрмайдурлар ва аларнинг устидан аҳолининг айтилган шикояти аксарият ила, балки, доимо ҳукмсиз қолур. Балки шикоятчилар жаримага маҳкум бўлурлар...» [19; 456].

Бугунги кунда ҳам юридик жавобгарлик масаласи давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган 2016-йил 7-декабрдаги маросимида Шавкат Мирзиёевнинг: «...Лекин шу ўринда бир савол туғилади: мана шу мурожаатларда кўтарилган ҳаётий муаммоларни жойлардаги ҳокимлик ва идоралар, тегишли мутасаддилар ўз вақтида ҳал этиши зарур эмасмиди? Ҳолбуки, бу масалада алоҳида қонун, яъни «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. Лекин, минг афсуски, бу қонуннинг ижросини назорат қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шу сабабли ана шу қонун талабларини бажармаётган раҳбар ва мансабдор шахсларни нафақат маъмурий, балки жиноий жавобгарликка тортиш зарур, деб ҳисоблайман» [20; 115], деган фикрида кўришимиз мумкин.

Ушбу даъват том маънода, янги таҳрирдаги Конституциянинг 2-моддасида назарда тутилган «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар

жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» деган принципга тўлиқ мос келади.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги Фармон билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг 2.2-бандида фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик, расмиятчилик ва лоқайд муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш қайд этилган [21; 12].

Дарҳақиқат, юридик жавобгарликни тўлиқ англаш учун жавобгарликнинг ўзи нима деган саволга жавоб бериш айни муддао бўлур эди. Чунки, жавобгарликни икки маънода: актив (фаол) жавобгарлик ва ретроспектив жавобгарлик маъносида тушуниш мумкин.

Актив маънодаги жавобгарлик – масъулиятлиликдир, яъни шахснинг жамиятдаги ўз ўрнини, ижтимоий тараққиётдаги ролини ва жамият ишларидаги ўзининг иштирокини чуқур англаб ҳаракат қилишидир. Ҳуқуқ нормалари ва қонунчилик талабларига нисбатан масъулиятлилик кишилар ҳаракатининг ахлоқий ва сиёсий регулятори сифатида майдонга чиқади. Актив маънодаги жавобгарлик ҳуқуқ нормалари талабларини бузмаслик учун жавобгарликдир.

Ретроспектив маънодаги жавобгарлик – шахс ўз ҳаракатларининг салбий натижалари учун, ҳуқуқни бузганлиги учун, маълум ҳуқуқ ва бурчлардан маҳрум бўлиш шаклида ўталадиган жавобгарликдир. Бу маънодаги жавобгарлик ҳуқуққа зид келувчи ва жамият манфаатларига зарар етказувчи хатти-ҳаракатни содир этганлик учун юкланадиган жавобгарликдир [22; 475].

Юридик жавобгарликнинг юзага келиши ва уни амалда рўёбга чиқариш учун қонунда назарда тутилган муайян асослар ва шартлар тақозо этилади. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, қонун бузилиши ва ҳуқуқбузарлик содир этилиши юридик жавобгарлик учун асос бўлади.

Юридик жавобгарлик қуйидаги белгилари билан характерланади: давлат мажбурлов чоралари билан боғлиқ; ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ; ҳуқуқбузар учун салбий оқибатлар келтириб чиқаради (озодликдан, ота-оналикдан маҳрум бўлиш ёки содир этилган қилмиши учун жарима тўлаш ва ҳ.к.); ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган чораларнинг характери ва ҳажми ҳуқуқ нормаларининг санкциясида ўрнатилган

бўлади; давлат томонидан қўлланиладиган мажбурлов чоралари ҳуқуқини қўллаш фаолияти давомида тегишли ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ва процессуал шаклларда амал қилган ҳолда олиб борилади.

Юридик жавобгарлик муайян ҳуқуқ тизими доирасида белгиланган принципларга қатъий мувофиқ равишда рўёбга чиқарилади. Улар орасида қонунийлик, асосланганлик, адолат, жазонинг муқаррарлиги, мақсадга мувофиқлик, айни бир жиноятни содир этганлик учун такроран ёки қўш (мас., бир вақтнинг ўзида ҳам жиноий, ҳам маъмурий) жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги умумэътироф этилган принциплар ҳисобланади.

Қонунчиликда юридик жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, зарурий мудофаа, охирги зарурат, ақли норасолик, буйруқни ёки бошқача тарздаги расмий вазифани бажариш ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи конституциявий-ҳуқуқий институт сифатида эътироф этилар экан, фуқаролар бундай конституциявий ҳуқуқдан фойдаланишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига путур етказмасликлари ҳолати Конституциянинг 21, 33, 60 ва 66-моддаларида муҳрланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий тамойилларидан бири Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш вазифаларининг давлат томонидан амалга оширилишидир. Мазкур жараёнда қонунийликни таъминлаш барча ҳуқуқий нормаларни бажариш, улар бузилган ҳолатларни аниқлаш, қонун бузилишининг олдини олиш, қонунни бузган кишиларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини, яъни интизомий, маъмурий, фуқаролик ва жиноий жазони қўллаш тарзида амалга оширилади [23; 29].

Шундан келиб чиқиб, жисмоний шахсларнинг мурожаатлари институтининг муҳим элементларидан бири бўлган мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масаласи «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг «Мурожаатлар тўғрисдаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик» деб номланган 38-моддасида «Мурожаатлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, худди шунингдек туҳмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик белгиланган

тартибда жавобгарликка сабаб бўлади» [24], деган қоида билан белгилаб қўйилган.

Ушбу қонун талабида назарда тутилган ножўя ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этилганда, Меҳнат, Фуқаролик, Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида жавобгарлик белгиланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.https://cyberleninka.ru/article/n/etapy-stanovleniya-entsiklopedii-prava-yuridicheskoy-entsiklopedii-kak-nauki-i-ee-rol-v-razvitii-teorii-prava.

2.https://library.nlu.edu.ua/POLN_TEXT/MONOGRAFII_2011/SAMOShENKO_1971.pdf.

3.https://cyberleninka.ru/article/n/o-teoreticheskih-problemah-yuridicheskoy-otvetstvennosti.pdf.

4.http://dspace.kgsu.ru/xmlui/bitstream/handle/123456789/4949/%20%20%20%20%20%20%20%20-%20%20_2007_%20%20.pdf?sequence=1#page=105.

5.https://cyberleninka.ru/article/n/otvetstvennost-sotsialnoe-i-yuridicheskoe-soderzhanie.

6.Маркурин Р.С. Юридическая ответственность депутатов и органов представительной власти: общетеоретический аспект: Автореф. дис. ...канд. юрид. Наук. – Саратов, 2013. – С.8.

7.https://www.ceeol.com/search/article-detail?id=909273

8.https://www.ceeol.com/search/viewpdf?id=480256

9.https://www.ceeol.com/search/viewpdf?id=976827

10.Радько Т.Н., Лазарев В.В.,Морозова Л.А. Теория государства и права. Учебник– М.: ООО «Проспект», 2011. –С.375.

11.Odilqoriyev X.T. Davlat va huquq nazariasi. Darslik. –T.: «Adolat», 2021. –B.475.

12.Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: «Адолат», 2007. –Б.899.

13.Ахмедшаева М.А.Ҳозирги завом давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари. –Т.: ТДЮИ, 2008. –Б.254.

14.Saydullayev Sh.A. Davlat va huquq nazariasi. Darslik. –T.: «Yuridik adabiyotlar publish», 2024. –B.214.

15.Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1999. –Б.59-60.

16.Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.

17.Ҳамид Зиёев.Буюк Амир Темур салтанати ва унинг тақдири. — Тошкент: «Маънавият», 2008.–Б.53.

18.Н.А.Маев. Бухоро хонлиги очерклари. –Тошкент, 2012. .–Б.162.

19.Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. 1-жилд.–Т.: «Akademnashr», 2021.–Б.456.

20.Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2017. –Б.115.

21.Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Фармон. .–Т.: «Адолат» нашриёти, 2018.–Б.12.

22.Odilqoriyev X.T. Davlat va huquq nazariasi. Darslik. –T.: «Adolat», 2021. –B.475.

23.Фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш тартиби. Амалий қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2016. –Б.29.

24.Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида. –Т.: «Адолат», 2017.

Юлдашев Шухрат Нуралиевич,
Первый заместитель начальника Главного эксперт-криминалистического центра МВД Республики Узбекистан

О НЕКОТОРЫХ ВОПРОСАХ УПОРЯДОЧЕНИЯ ОБОРОТА ХОЛОДНОГО ОРУЖИЯ И ПРЕДМЕТОВ, КОТОРЫЕ МОГУТ БЫТЬ ИСПОЛЬЗОВАНЫ В КАЧЕСТВЕ ХОЛОДНОГО ОРУЖИЯ

Аннотация. *В статье, на основе соответствующих нормативно-правовых документов, проанализированы актуальные проблемы методических задач требующих решения при проведении судебных экспертиз по уголовным делам связанным с холодным оружием, а также уголовной и административной ответственности по ним, выдвинуты рекомендации и предложения по совершенствованию законодательства по данному направлению.*

Ключевые слова: *Кодекс об административной ответственности, Уголовный кодекс, холодное оружие, предметы, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия, лаборатории судебных экспертиз, экспертиза холодного оружия, обеспечение общественного порядка.*

Аннотация. *Мақолада совуқ қуроллар билан боғлиқ жиноий ва маъмурий жавобгарлик ҳамда жиноят ишлари юзасидан судга оид экспертизалар ўтказишнинг методик масалаларида ечимини топиши лозим бўлган долзарб муаммолар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таҳлил қилиниб, ушбу йўналишга оид қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар юзасидан фикрлар билдирилган.*

Калит сўзлар: *Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси, Жиноят Кодекси, совуқ қурол, совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёлар, суд экспертиза лабораториялари, совуқ қуроллар экспертизаси, жамоат хавфсизлигини таъминлаш.*

Abstract. *The article, on the basis of relevant regulatory documents, analyzes current problems of methodological problems that require solutions when conducting forensic examinations in criminal cases involving bladed weapons,*
as well as criminal and administrative liability for them, and puts forward recommendations and proposals for improving legislation in this area.

Key words: *Code of Administrative Responsibility, Criminal Code, edged weapons, items that can be used as edged weapons, forensic laboratories, examination of edged weapons, ensuring public order.*

Сегодня холодное оружие или предметы, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия, широко распространены.

В республике не установлены конкретные меры по регулированию оборота холодного оружия или предметов, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия, что приводит к совершению ряда тяжких преступлений (умышленное причинение тяжких и средних телесных повреждений, хулиганство, разбой) с использованием острых режущих или колющих предметов.

Следует отметить, что большое количество различных видов холодного оружия и предметов, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия, ввозится в республику из-за рубежа. Причины их приобретения молодежью, а также условия, способствующие совершению вышеуказанных преступлений, представляют большую угрозу для общества.

В частности, за 12 месяцев 2024 года было выявлено 49 964 случаев ношения холодного оружия и других опасных для жизни и здоровья предметов в общественных местах. Из них 40 754 случая связаны с ножами, остальные случаи связаны с другими видами холодного оружия и предметами, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия.

Из 49 964 предметов, изъятых у граждан, по заключению экспертизы 9566 были признаны холодным оружием.[1]

Проведенные анализы показывают, что в практике существуют актуальные проблемы, требующие решения в методических вопросах проведения судебных экспертиз по административным и уголовным делам, связанным с холодным оружием.

Несмотря на то, что в Законе Республики Узбекистан «Об оружии»[2] определены понятия холодного оружия и предметов, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия, конкретные предметы, которые могут быть отнесены к этой категории, не указаны.

Это приводит к различным толкованиям данного понятия в профилактических мероприятиях, расследованиях, следственных и судебных процессах.

Правильная оценка преступных действий и правонарушений во многом зависит от правильного определения признаков вещественных доказательств, относящихся к холодному оружию или предметам, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия, их внешнего вида, типов, способов изготовления и размеров.

Изучение зарубежного опыта показало, что в законодательстве об оружии Австрии, Великобритании, Германии, Италии, Канаде, США, Украине, России, Казахстана, Беларуси, Таджикистана, Кыргызстана, Азербайджана отсутствуют требования и технические характеристики холодного оружия.

Следует отметить, что Россия, Казахстан, Белоруссия, Таджикистан и Кыргызстан только в Законе «Об оружии» установили запрет на оборот отдельных видов гражданского и служебного холодного оружия, таких как кистеней, кастетов, бумерангов и других специально приспособленных для использования в качестве оружия предметов ударно-дробящего и метального действия, холодного клинкового оружия и ножей, клинки и лезвия которых либо автоматически извлекаются из рукоятки при нажатии на кнопку или рычаг и фиксируются ими, либо выдвигаются за счет силы тяжести или ускоренного движения и автоматически фиксируются, при длине клинка и лезвия более 90 мм, а также хранение или использование вне спортивных объектов спортивного клинкового и метательного оружия, луков и арбалетов для проведения научно-исследовательских и профилактических работ, связанных с иммобилизацией и инъецированием объектов животного мира.

Вместе с тем, в государственном стандарте Российской Федерации ГОСТ РФ Р-51215-98 «Холодное оружие», указаны термины и определения 31 разновидности различных видов холодного оружия, а также признаки относимости предмета к холодному оружию и хозяйственно-бытовым предметам. Однако в данном ГОСТе также отсутствуют их технические параметры.

Нужно учитывать тот факт, что кроме целевого предназначения, конструкция холодного оружия, в частности клинкового, должна характеризоваться соответствующей прочностью, жесткостью, устойчивостью, пределом упругости и прочности. После определения этих признаков, предмет будет относится к холодному оружию либо хозяйственно-бытовому предмету или же будет являться сувенирным предметом схожим по конструкции с холодным оружием.

Определение подобных характеристик устанавливается только в ходе проведения криминалистической экспертизы.

Кроме того, в деятельности экспертно-криминалистических подразделений органов внутренних дел по проведению исследований холодного оружия наблюдаются следующие проблемы:

- отсутствие национальной правовой базы для классификации холодного оружия по тактико-техническим и функциональным характеристикам;

- нехватка оборудования для измерения прочностных характеристик холодного оружия в лабораториях;

- отсутствие норм, исключающих национальные ножи и другие острые режущие изделия, являющиеся национальным культурным и духовным богатством, из категории холодного оружия, а также отсутствие системы контроля за производством острых режущих национальных изделий.

Также недостаточная осведомленность сотрудников, ответственных за обеспечение общественной безопасности, сотрудников органов дознания, следствия и предварительного следствия о классификации холодного оружия показывает наличие серьезных проблем в правовой квалификации предметов, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия.

Это негативно влияет на полное рассмотрение дел по уголовной и административной ответственности за холодное оружие, выявление условий, способствующих совершению преступлений и правонарушений, и эффективность профилактических мер.

В целях предотвращения возможных разногласий и противоречий на практике, при определении предмета холодным оружием, в проекте необходимо указать параметры, провести глубокий анализ законодательства, а также усовершенствовать материально-технические средства, используемые для проведения экспертиз холодного оружия в судебных лабораториях. Законы Республики Узбекистан от 29 июля 2019 года за №ЗРУ-550 «Об оружии», от 5 ноября 2020 года №ЗРУ-645 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с дальнейшим совершенствованием законодательства по обеспечению общественной безопасности» [3], от 31 мая 2022 года за №ЗРУ-772 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием

законодательства об оружии» и от 15 ноября 2024 года за №ЗРУ-999 «О внесении изменений и дополнений в статьи 206 и 248 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности»[5] направлены на обеспечение общественной безопасности, поддержание общественного порядка, повышение эффективности профилактики и борьбы с преступностью, особенно среди несовершеннолетних и молодежи, и предотвращение правонарушений, связанных с использованием холодного оружия или предметов, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия.

В Законе Республики Узбекистан от 29 июля 2019 года №ЗРУ-550 «Об оружии» в части оборота холодного оружия, изложены следующие положения:

По основным понятиям в статье-3, пунктах 6-7:

холодное оружие – оружие, предназначенное для поражения цели с помощью физической силы человека при непосредственном контакте с объектом поражения.

предметы, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия – изготовленные промышленным или самодельным путем клинковые, режущие предметы (ножи, штыри и другие с подточенным острием колющие, режущие предметы), предметы, которые при применении физической силы могут нанести вред (бейсбольные биты, биты для игры в софтбол), предназначенные для использования в профессиональной, производственной или спортивной деятельности либо хозяйственно-бытовых целях.

– в главе-3 оборот оружия и боевых припасов к нему, в статье-9 ограничения, устанавливаемые на оборот гражданского и служебного оружия и боевых припасов к нему, на территории Республики Узбекистан запрещается:

1) оборот в качестве гражданского и служебного оружия и боевых припасов к нему: 10-абзац – холодного клинкового оружия и ножей с длиной клинка или лезвия более девяносто миллиметров, которые автоматически извлекаются из рукоятки при нажатии на кнопку или рычаг и фиксируются ими, или выдвигаются за счет силы тяжести либо ускоренного движения и автоматически фиксируются.

3) …., хранение и использование вне спортивных объектов спортивного холодного клинкового и метательного оружия, за исключением использования луков и арбалетов для проведения научно-

исследовательских и профилактических работ, связанных с иммобилизацией и инъецированием объектов животного мира.

8) …., ношение оружия и предметов, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия, в открытом (не зачехленном) виде в общественных местах, в том числе в городском, пригородном, междугородном и международном транспорте;

9) ношение предметов, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия, в общественных местах в случаях, не связанных с использованием их в профессиональной деятельности, спортивной деятельности или хозяйственно-бытовых целях;

В Кодексе Республики Узбекистан об административной ответственности[6] в статье-185 (Использование оружия с нарушением установленного порядка),

предусмотрена административная ответственность за использование холодного клинкового оружия (охотничьи ножи, охотничьи стилеты и кинжалы, рапиры, шпаги и сабли) с нарушением установленного порядка, в статье-185^2 (Ношение холодного оружия или предметов, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия), предусмотрена административная ответственность за ношение предметов, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия, в открытом (не зачехленном) виде в общественных местах в случаях, связанных с использованием их в профессиональной деятельности, спортивной деятельности или хозяйственно-бытовых целях и ношение холодного оружия и предметов, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия в общественных местах, в случаях, не связанных с использованием их в охоте, профессиональной деятельности, спортивной деятельности или хозяйственно-бытовых целях, а равно ношение в целях самообороны, статья-185^3 (Незаконный оборот предметов, оборот которых в качестве гражданского и служебного оружия запрещен на территории Республики Узбекистан), предусматривает административную ответственность за незаконное производство, ремонт, реализация, приобретение, хранение, ношение, перевозка, коллекционирование, экспонирование, использование, ввоз на территорию Республики Узбекистан и вывоз с территории Республики Узбекистан, а также транзит через территорию Республики Узбекистан холодного клинкового оружия и ножей с длиной клинка или лезвия более девяноста миллиметров, которые автоматически извлекаются из рукоятки при нажатии на кнопку или рычаг и

фиксируются ими или выдвигаются за счет силы тяжести либо ускоренного движения и автоматически фиксируются, а также предметов ударно-раздробляющего и метательного действия, специально приспособленных для использования в качестве оружия (кистеней, кастетов, сурикенов, бумерангов и других предметов).

Следует отметить, что постановлениями Кабинета Министров от 29 июля 2014 г. № 205 «О мерах по дальнейшему совершенствованию порядка организации и проведения массовых мероприятий»[7], 2 июня 2016 г. № 183 «Об утверждении Положения о порядке производства досмотра на авиационную безопасность в гражданской авиации Республики Узбекистан»[8], и 17 апреля 2023 г. № 159 «О дополнительных мерах направленных на повышение качества обслуживания на аэровокзальных, железнодорожных и автобусных вокзалах»[9], установлены запретительные меры по проносу опасных предметов на территорию контролируемой зоны, привокзальных площадей, аэропортов, железнодорожных вокзалов, объектов транспорта, мест проведения массовых мероприятий, а также их перевозки авиационным, железнодорожным и пассажирским автомобильным транспортом.

Подводя итог можно сказать, что комплексное решение проблем экспертизы холодного оружия имеет важное значение для обеспечения безопасности населения в общественных местах и защиты жизни и здоровья граждан, в особенности правового регулирования порядка оборота холодного, охотничьего, спортивного оружия и отдельных видов спортивных снарядов, использование которых в общественных местах может представлять угрозу жизни и здоровью людей.

Вместе с тем, реализации дополнительных мероприятий по предупреждению и пресечению правонарушений, совершаемых с применением холодного оружия и предметов, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия, повышения эффективности мер охраны общественного порядка в общественных местах, а также четкое определение предметов, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия, помогут предотвратить возможные инциденты с этими предметами, объективно рассмотреть каждый случай и устранить правовые пробелы в сфере изготовления, приобретения, реализации, перевозки, ношения и использования холодного оружия и предметов, которые могут быть использованы в качестве холодного оружия.

Список использованной литературы:

1. Статистические сведения Департамента общественной безопасности МВД Республики Узбекистан за 2024 г.

2. Закон Республики Узбекистан от 29 июля 2019 года за №ЗРУ-550 «Об оружии». https://lex.uz/docs/4445288

3. Закон Республики Узбекистан от 5 ноября 2020 года №ЗРУ-645 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с дальнейшим совершенствованием законодательства по обеспечению общественной безопасности». https://lex.uz/docs/-5082155.

4. Закон Республики Узбекистан от 31 мая 2022 года за №ЗРУ-772 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием законодательства об оружии». https://lex.uz/docs/-6040829.

5. Закон Республики Узбекистан от 15 ноября 2024 года за №ЗРУ-999 «О внесении изменений и дополнений в статьи 206 и 248 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности». https://lex.uz/docs/-7220921.

6. Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности. https://lex.uz/docs/97664.

7. Постановление Кабинета Министров от 29 июля 2014 г. № 205 «О мерах по дальнейшему совершенствованию порядка организации и проведения массовых мероприятий». https://lex.uz/docs/2438875.

8. Постановление Кабинета Министров от 2 июня 2016 г. № 183 «Об утверждении Положения о порядке производства досмотра на авиационную безопасность в гражданской авиации Республики Узбекистан». https://lex.uz/docs/2971697.

9. Постановление Кабинета Министров от 17 апреля 2023 г. № 159 «О дополнительных мерах, направленных на повышение качества обслуживания на аэровокзальных, железнодорожных и автобусных вокзалах». https://lex.uz/docs/6435333.

Мирзаева Моҳина Срожиддинова,
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси
mohina.mirzaeva@mail.ru, +998976682268

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛАЁТГАН ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАР

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда самарали бошқарув ва соғлом рақобат муҳитини йўлга қўйишдаги амалий тоифалар таҳлили қилинган. Назорат ва хўжалик функцияларининг бирлашиши ҳамда тузилмаларга имтиёзлар жараёнда манфаатлар тўқнашуви ва тенгсизлик ҳолатларини юзага келтириши кўрсатилган. Масалан, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ҳам буюртмачи, ҳам ижрочи сифатида иштирок этиши, давлат идоралари ўз таркибидаги ташкилотлар билан тендерсиз тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган. Қонунчилик асослари таҳлил қилинган ва рақобат муҳитини яхшилашга қаратилган ҳуқуқий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Йўл инфратузилмаси, назорат ва хўжалик функциялари, манфаатлар тўқнашуви, тендерлар шаффофлиги, тўғридан-тўғри шартномалар.

Аннотация: В статье проведён анализ практических аспектов формирования эффективного управления и здоровой конкурентной среды при развитии дорожной инфраструктуры в Узбекистане. Показано, что слияние контрольных и хозяйственных функций, а также предоставление привилегий ряду структур приводит к конфликту интересов и неравенству. В частности, Комитет автомобильных дорог участвует одновременно в роли заказчика и исполнителя, государственные ведомства имеют право заключать прямые контракты со своими структурами без тендеров. Проанализированы законодательные основы и выдвинуты правовые предложения по улучшению конкурентной среды.

Ключевые слова: дорожная инфраструктура; контрольные и хозяйственные функции; конфликт интересов; прозрачность тендеров; прямые контракты.

Abstract: The article analyzes practical issues in establishing effective governance and a healthy competitive environment in the development of road-transport infrastructure in Uzbekistan. It demonstrates that the merging of regulatory and operational functions, along with privileges granted to certain entities, leads to conflicts of interest and inequality. Specifically, the Road Committee serves both as customer and contractor, and government agencies are permitted to sign direct contracts with their affiliated organizations without tenders. The legislative framework is examined, and legal recommendations to improve competition are proposed.

Key words: road infrastructure; regulatory and operational functions; conflict of interest; tender transparency; direct contracts.

КИРИШ

Ўзбекистонда йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунда самарали бошқарув тизимини шакллантириш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш муҳим омиллардан саналади. Аммо, амалдаги тизимда кузатилаётган назорат ва хўжалик функцияларининг бирлашиб кетиши, бир қатор тузилмаларга берилаётган имтиёзлар соҳада тенг рақобат муҳитини шакллантиришга тўсқинлик қилмоқда. Мазкур мақолада ушбу муаммолар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича ҳуқуқий таклифлар илгари сурилади.

Материал ва методлар

Мазкур тадқиқотда қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилиш, норматив-ҳуқуқий асосларни қиёсий ўрганиш, институционал ёндашув ҳамда соҳавий таҳлил усулларидан фойдаланилди. Хусусан, "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Қонун, соҳага оид Президент қарор ва фармонлари, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳамда тегишли соҳавий ҳужжатлар таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари

Республика давлат бошқаруви тизимида йўл хўжалиги ва бу соҳага инвестициялар киритишда рақобат муҳитини шакллантиришга тўсқинлик қилувчи қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, назорат функциялари билан хўжалик функцияларининг уйғунлаштирилиши йўл таъмири бозорида самарали бошқарув тизимини яратишга, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга тўғри келмаган тўсиқларини яратиб келмоқда.

Xususan, Avstriya Ichki ishlar vazirligida Kriminal politsiya boshqarmasi ushbu vazifalarni bajaradi.

Shuningdek, Berlin politsiyasi Davlat kriminal politsiya boshqarmasi huzurida O‘g‘irlikdan himoya qilish bo‘yicha maslahat markazi faoliyat ko‘rsatadi. Bu mutaxassis maslahatchilar o‘g‘irlikdan himoya qilishning

barcha jihatlari bo‘yicha bepul va xolis maslahat beradigan platforma hisoblanadi;

6) kiberjinoyatlar va ulardan himoyalanish usullari haqida aholiga xabar berish, politsiya xodimlarining kiberjinoyatlarga qarshi kurashish bo‘yicha kompetensiyasini shakllantirish bo‘yicha ixtisoslashtirilgan tarkibiy bo‘linmalar faoliyati yo‘lga qo‘yilgan. Jumladan, Avstriya Ichki ishlar vazirligi Kriminal politsiya boshqarmasi tizimida Kiberjinoyatlar haqida xabar berish bo‘limi, Kiberjinoyatlar bo‘yicha kompetensiya markazi faoliyat ko‘rsatadi;

7) politsiya organlari huquqbuzarliklar profilaktikasi xizmatining tarkibiy tuzilishi jinoyat turlarining oldini olishga ixtisoslashtirilgan.

Xususan, Berlin politsiyasi Davlat kriminal politsiya boshqarmasi Profilaktika bo‘yicha markaziy ofisi tarkibiy tuzilishi quyidagicha ixtisoslashtirilgan:

1-bo‘limi: jinoyatlarni oldini olishning strategik yo‘nalishlari, shahar jinoyatchiligi, jamoat transportida sodir etiladigan jinoyatlarning oldini olishga;

2-bo‘limi: voyaga yetmaganlar jinoyatchiligi, katta yoshdagilar xavfsizligini ta’minlash, jabrlanuvchilarni himoya qilish, oilaviy zo‘ravonlikning oldini olishga;

3-bo‘limi: o‘g‘rilikdan himoya qilish, xavfsizlikni texnik ta’minlash, kriminal politsiya maslahat markazi faoliyatiga;

4-bo‘limi: radikallashuvning oldini olish, siyosiy sabablarga ko‘ra jinoyat sodir etgan shaxslarni ijtimoiy moslashtirish, politsiya xodimlari, psixologiya, psixoterapiya, islomshunoslik, siyosatshunoslik sohalari mutaxassislarining hamkorlikdagi faoliyatiga;

8) jamoat tartibini saqlash bo‘yicha yangi patrul turlari, jumladan velosiped patrul guruhi, dron patrul guruhi faoliyati yo‘lga qo‘yilgan.

Xususan, 2014 yilda Berlin shahri politsiyasi tarkibida Velosiped otryadi tashkil etilgan. Politsiya bosh inspektori rahbarligida 15 nafar politsiya xodimi va besh nafar ayol politsiya xodimi shahar markazida kuniga yetti soatgacha patrullik qiladi;

9) politsiya organlarida fuqarolarning murojaatlarini ulardagi masalalarning shoshilinchligi va anonimligini inobatga olgan holda qabul qiluvchi alohida tizimlar faoliyati yo‘lga qo‘yilgan.

Xususan, Berlin politsiyasida «110 favqulodda qo‘ng‘iroq tizimi» (shoshilinch masalalar bo‘yicha tezkor yordam ko‘rsatish uchun), «Fuqarolar uchun ishonch telefoni» (shoshilinch bo‘lmagan masalalar bo‘yicha maslahat berish uchun), «Anonim ma’lumotlar tizimi» (xavfsiz, sertifikatlangan tizim

orqali jinoyatlar va boshqa masalalar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni anonim tarzda politsiyaga topshirish imkoniyati) faoliyat ko‘rsatadi.

Avstriya va Germaniya jamoat xavfsizligi tizimining ilg‘or tajribalarini milliy qonunchilik va amaliyotga tatbiq etish maqsadida quyidagilar **taklif etilgan**:

birinchi, Avstriya va O‘zbekiston ichki ishlar vazirliklari o‘rtasida hamkorlik to‘g‘risida manzilli «yo‘l xaritasi»ni ishlab chiqish va imzolash, jumladan idoralararo ishchi guruh faoliyatini yo‘lga qo‘yish, Avstriyaning politsiya xodimlariga birinchi tibbiy yordam ko‘rsatish bo‘yicha sertifikat berish tajribasini ichki ishlar organlari jamoat xavfsizligi xizmati faoliyatiga joriy etish;

ikkinchi, mamlakatda jamoat xavfsizligini ta’minlanganligi holatini tahlili asosida «**Xavfsizlik bo‘yicha yillik hisobot**»ni tizimli ravishda tayyorlash, hukumatga kiritish va jamoatchilikka e’lon qilib borish tajribasini **Ichki ishlar vazirligi faoliyatiga** tatbiq etish. Xususan, quyidagi yangi tartiblarni joriy etish:

jamoat xavfsizligiga tahdidlarni baholashni **aniq mezon va indikatorlar** bo‘yicha **ixtisoslashtirilgan ilmiy tashkilotlarning** ilmiy asoslangan ishonchli ma’lumotlari asosida amalga oshirish;

jamoat xavfsizligiga tahdidlarni baholash faoliyatini muvofiqlashtirish uchun Ichki ishlar vazirligi Jamoat xavfsizligi departamenti huzurida **Jamoat xavfsizligi bo‘yicha respublika ekspert kengashini** tuzish;

har yil yakunida, jamoat xavfsizligiga tahdidlarni baholash natijasi asosida «**Jamoat xavfsizligiga tahdidlarni baholash davlat hisoboti**»ni tayyorlash va ko‘rib chiqish uchun Vazirlar Mahkamasiga kiritish;

har yil boshlanishida, Vazirlar Mahkamasi «Jamoat xavfsizligiga tahdidlarni baholash davlat hisoboti»ni ko‘rib chiqish natijasi asosida respublikamizda **jamoat xavfsizligiga tahdidlarning salbiy tendensiyalari va omillarini bartaraf etish** kompleks chora-tadbirlari bo‘yicha «**yo‘l xaritasi»ni tasdiqlashi** hamda jamoat xavfsizligini ta’minlovchi subyektlar tomonidan o‘z vaqtida ijro etilishini ta’minlashi amaliyotini yo‘lga qo‘yish;

uchinchi, jamoat xavfsizligini ta’minlash bo‘yicha **strategik chora-tadbirlar o‘rta muddatli dastur** asosida rejalashtirilishi, uning ijrosi haqida **jamoatchilikka tizimli ravishda axborot** berib borilishi tajribasini ichki ishlar organlari **jamoat xavfsizligi xizmati faoliyatiga** joriy etish. Xususan:

a) Ichki ishlar vazirligi Jamoat xavfsizligi departamenti Tashkiliy-tahlil boshqarmasida **Strategik rejalashtirish va metodologiya guruhini** tashkil etish;

b) Ichki ishlar vazirligi Jamoat xavfsizligi departamenti tizimidagi jamg‘armalar hisobidan Strategik rejalashtirish va metodologiya guruhida **bosh strateg**, **yetakchi strateg**, **strateg** lavozimlarini kiritish *(**3 ta** shtat);*

v) Strategik rejalashtirish va metodologiya guruhi zimmasiga quyidagi **vazifalarni yuklash**:

2026 — 2030 yillarda O‘zbekiston Respublikasida jamoat xavfsizligini ta’minlash tizimini rivojlantirish **strategiyasi loyihasini taklif tariqasida ishlab chiqish**, belgilangan tartibda tasdiqlangandan so‘ng, uning **ijrosini ekspertlik jihatidan ta’minlash**;

har yil yakunida, O‘zbekiston Respublikasida jamoat xavfsizligini ta’minlash tizimini rivojlantirish strategiyasi ijrosi bo‘yicha **o‘rta muddatli dastur** («yo‘l xaritasi») loyihasini taklif tariqasida ishlab chiqish, belgilangan tartibda tasdiqlangandan so‘ng, uning ijrosi haqida **jamoatchilikka tizimli ravishda axborot berib borish**;

ichki ishlar organlari jamoat xavfsizligi bo‘linmalari faoliyatini **strategik va metodologik jihatdan ta’minlash** choralarini amalga oshirish.

Qayd etish joizki, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining **2023 yil 25 yanvardagi PF-14-son Farmoni** 3-ilovasi izohining «v» bandiga ko‘ra, respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari markaziy apparatlarida **strategik rejalashtirish va metodologiya bo‘yicha tarkibiy bo‘linma (lavozimlar)** tashkil etilishi majburiy hisoblanadi. Mazkur norma Ichki ishlar vazirligi faoliyatiga tatbiq etilmagan.

Ushbu Farmonning 1-ilovasiga ko‘ra, respublika ijro etuvchi hokimiyat organlariga vazirliklar (jumladan Ichki ishlar vazirligi), qo‘mitalar, agentliklar va inspeksiyalar kiritilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining **2021 yil 29 noyabrdagi PF-27-son Farmoni** bilan tasdiqlangan 2022 — 2025 yillarda O‘zbekiston Respublikasida jamoat xavfsizligini ta’minlash tizimini rivojlantirish strategiyasida **95 ta chora-tadbir** belgilangan bo‘lib, hozirda **amalda** ushbu chora-tadbirlarning **26 tasini** *(27 %ni)* ijrosi ta’minlangan, **69 tasi** *(73 %)* **ijro etilmagan**.

Strategiyada belgilangan chora-tadbirlarni **2025 yil yakuniga qadar** to‘liq amalga oshirish belgilangan (Strategiyaning 4-bandi).

Zarur boshqaruv qarori qabul qilinmasa, qolgan vaqt davomida Strategiya ijrosini **to‘liq ta’minlash imkoniyati** mavjud emas.

Strategiyada belgilangan chora-tadbirlarning samarali bajarilishini tashkil etish uchun **O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar vaziri** shaxsan mas’ul hisoblanadi (Strategiyaning 5-bandi).

Ichki ishlar vazirligi **Jamoat xavfsizligi departamenti** Strategiyada belgilangan vazifalarning sifatli ijro etilishini ta’minlaydi va uning ijrosini muvofiqlashtiradi (Strategiyaning 6-bandi);

to‘rtinchi, o‘rganishlarga ko‘ra, Avstriya Respublikasi Ichki ishlar vazirligida **Kriminal strategiya va markaziy boshqaruv bo‘limi** samarali faoliyat ko‘rsatmoqda.

Muxtasar qilib aytganda, yuqorida qayd etilgan ilmiy-amaliy tahlillar va ilg‘or xorijiy tajribalar O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi konsepsiyasining yangi tahrirdagi loyihasini ishlab chiqishda konseptual asos bo‘lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Bundesministerium für Inneres Bundeskriminalamt // URL: https://www.bundeskriminalamt.at.
2. Bundesministerium für Inneres // URL: https://www.bmi.gv.at.
3. Polizei Berlin // URL: https://www.berlin.de/polizei.
4. Ministry of the Interior (Austria) // URL: https://en.wikipedia. org/wiki/ Ministry_ of_ the_ Interior_(Austria).
5. Hinweis zum Datenschutz // URL: https://www.bmi.bund.de/DE/startseite/startseite-node.html.
6. Senatsverwaltung für Inneres und Sport // URL: https://de.wikipedia.org/wiki/ Senatsverwaltung_f%C3%BCr_Inneres_und_Sport.
7. Senatsverwaltung für Inneres und Sport - Berlin.de // URL: https://www.berlin.de/sen/inneres/.
8. Polizei Berlin // URL: https://de.wikipedia.org/wiki/Polizei_Berlin.
9. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 29 noyabrdagi PF-27-son Farmoni bilan tasdiqlangan 2022 — 2025 yillarda O‘zbekiston Respublikasida jamoat xavfsizligini ta’minlash tizimini rivojlantirish strategiyasi // URL: https://lex.uz/docs/5749291 (Elektron manbaga murojaat qilingan vaqt: 08.11.2024).
10. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «2022 — 2025 yillarda O‘zbekiston Respublikasida jamoat xavfsizligini ta’minlash tizimini rivojlantirish strategiyasini 2023 yilda amalga oshirish bo‘yicha «yo‘l xaritasi»ni tasdiqlash to‘g‘risida» 2023 yil 23 martdagi 121-son qarori // URL: https://lex.uz/docs/6411327 (Elektron manbaga murojaat qilingan vaqt: 08.11.2024).
11. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023 yil 23 martdagi 121-son qarori bilan tasdiqlangan 2022 — 2025 yillarda O‘zbekiston Respublikasida

jamoat xavfsizligini ta’minlash tizimini rivojlantirish strategiyasini 2023 yilda amalga oshirish bo‘yicha «yo‘l xaritasi» // URL: https://lex.uz/docs/6411327 (Elektron manbaga murojaat qilingan vaqt: 08.11.2024).

12. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «2022 — 2025 yillarda O‘zbekiston Respublikasida jamoat xavfsizligini ta’minlash tizimini rivojlantirish strategiyasini 2024 yilda amalga oshirish bo‘yicha «yo‘l xaritasi»ni tasdiqlash to‘g‘risida» 2024 yil 1 avgustdagi 473/7-son qarori // O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligiga ijro uchun kelib tushgan normativ-huquqiy hujjatlar to‘plami. — T.: O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi, 2024.

13. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024 yil 1 avgustdagi 473/7-son qarori bilan tasdiqlangan 2022 – 2025 yillarda O‘zbekiston Respublikasida jamoat xavfsizligini ta’minlash tizimini rivojlantirish strategiyasini 2024 yilda amalga oshirish bo‘yicha «yo‘l xaritasi» // O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligiga ijro uchun kelib tushgan normativ-huquqiy hujjatlar to‘plami. — T.: O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi, 2024.

Нурмуҳаммедова Гўзалхон Баҳодировна
Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти, ю.ф.ф.д.(PhD)

МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ: КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Коррупция мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида нафақат давлатнинг иқтисодий барқарорлигига, балки унинг бошқарув институционал тузилмасига ҳам жиддий таҳдид солади. Жаҳон ҳамжамияти томонидан умумэътироф этилган ҳақиқат шуки, коррупция жиноятлари давлат бошқарув тизимининг самарадорлиги, очиқлиги ва жавобгарлик принципларини заифлаштириб, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини сусайтиришга хизмат қилади. Хусусан, бошқарув тартибига қарши содир этиладиган коррупциявий жиноятлар ушбу жараённинг энг хавфли кўринишларидан бири бўлиб, давлат идоралари фаолиятида қонунийлик, холислик ва шаффофлик принципларининг бузилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан “Янги Ўзбекистон” тараққиёт стратегияси доирасида, коррупцияга қарши курашиш устувор давлат сиёсатларидан бири сифатида белгиланган. Бу жараёнда жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколат ва масъулиятини аниқ белгилаш, шунингдек, профилактик ва жазо чораларини мувозанатлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, бошқарув тартибига қарши содир этиладиган коррупциявий жиноятларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали таъсир ўтказиш масаласи илмий-назарий таҳлил этишга ва амалда самарали қўллаш механизмларини ишлаб чиқишга эҳтиёж юқори.

Бошқарув тартибига қарши жиноятлар сирасига асосан давлат хизматчилари, маҳаллий бошқарув органлари мансабдор шахслари ҳамда бошқа ваколатли шахслар томонидан манфаатдорлик, шахсий ғараз ёки ўзга ноқонуний мақсадлар йўлида хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш, пора олиш ёки бериш, мансаб ваколатини ошириб юбориш каби жиноятлар киради. Ушбу жиноятлар коррупциянинг тўғридан-тўғри намоён бўлиш шакллари бўлиб, уларнинг хусусияти шундаки, давлатнинг бошқарув органлари фаолиятидаги ички назорат

механизмлари самарасизлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бўлган “институционал можаролар” уларнинг содир этилиши учун қулай шароит яратиб беради.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида бошқарув тартибига қарши жиноятлар алоҳида бўлим сифатида назарда тутилган бўлиб, 205-моддадан 209-моддагача бўлган нормаларда мазкур жиноятлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган. Шу билан бирга, 210–211-моддаларда пора олиш ва бериш каби коррупциявий фаолият шакллари ҳам ўз ифодасини топган. Ушбу моддаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қонунчиликда айрим нормаларни қўллашда ҳуқуқни қўлловчи органлар учун аниқлик ва бир маънолилик етишмаётгани ҳолатлари кузатилмоқда. Масалан, мансабдор шахснинг “ҳуқуқлар ва манфаатлар учун ҳаракат қилиш” тушунчаси чекланмаган ёки нисбий даражада таърифлангани сабабли, амалиётда ҳуқуқий нотўғриликларга олиб келувчи ҳолатлар вужудга келиши мумкин.

Бундан ташқари, халқаро миқёсда, хусусан БМТнинг 2003 йилда қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенцияси талабларидан келиб чиққан ҳолда, миллий жиноят-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада қонуний таърифларни аниқлаштириш, ҳуқуқий классификацияни оптималлаштириш ва коррупциявий жиноятларнинг ижтимоий хавф даражасини ҳисобга олган ҳолда уларга нисбатан индивидуаллаштирилган жавобгарлик механизмларини жорий этиш талаб этилади.

Бир қарашда, давлат ҳокимиятига, давлат хизмати манфаатларига ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидаги хизмат манфаатларига қарши қилинган жиноятларга бағишланган боб аввалги амалиётда "мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар" сифатида белгиланган жиноий ҳаракатларни қамраб олгандек туюлиши мумкин. Бироқ, амалда бу икки тушунча ўртасида муайян фарқ мавжуд. Ушбу бобда давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари аппаратининг нормал фаолиятига қарши қаратилган ва айни шу органларда хизмат қилувчи шахслар томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятлар умумлаштирилган. Гап шундаки, бу турдаги жиноятларни содир этувчи шахслар давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уларга берилган ваколатлар асосида бошқарув (кенг маънода — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари фаолияти) функцияларини

амалга оширувчи, давлат, жамоат ва фуқаролар билан алоҳида ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахслардир. Бошқача айтганда, ушбу жиноятларнинг субъектлари деб фақатгина жамоат-ҳуқуқий ваколатларга эга бўлган шахсларни эътироф этиш мумкин.

Ушбу турдаги жиноятнинг бевосита объекти давлат ҳокимияти, бошқарув ва маҳаллий ўзини ўзи бош-қариш органларининг нормал фаолият кўрсатишини таъмин-лайдиган ижтимоий муносабатлар, фуқароларнинг ҳуқуқ-лари ва қонуний манфаатлари ҳисобланади[114].

Давлат ҳокимияти ва давлат хизматига қарши қаратилган жиноятлар гуруҳининг ўзига хос жиҳати шундаки, уларнинг содир этилиши мансабдор шахснинг айнан хизмат мавқеи билан боғлиқ бўлиб, шахс ўз хизмат ваколатларини ва унга нисбатан билдирилган ишончни қасддан суиистеъмол қилган ҳолда ёки айнан шу хизмат ҳолати туфайли, аммо давлат хизмати манфаатларига зарар етказиш орқали амалга оширади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу турдаги жиноятлар мансаб ваколатларидан фойдаланиш орқали, ёки хизмат мавқеига зид равишда ҳаракат қилиш орқали содир этилади, ва бунда асосий зарар — давлат ва маҳаллий бошқарув органлари фаолиятининг қонуний, самарали ва жамият ишончини қозонган ҳолда амалга ошиш жараёнига етказилади.

Б.К.Худайбергенов эса, бундай қилмишлар давлат органларининг нуфузига путур етказиб, жамиятдаги тенглик ва адолат тамойилларини бузади[115], деган фикрда.

Умуман олганда, ушбу жиноятлар гуруҳига хос бўлган икки асосий хусусият қуйидагилардан иборат:

1. Жиноятлар хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилади — айбдор шахс ўзининг расмий ваколатлари ва лавозими орқали берилган имкониятлардан жиноий мақсадда фойдаланади;

2. Жиноятлар хизмат манфаатларига зид равишда амалга оширилади ва уларга зарар етказади — айбдор шахснинг ҳаракатлари давлат ёки муниципал хизматнинг қонуний ва нормал фаолиятига, шунингдек уларнинг нуфузи ва манфаатларига салбий таъсир кўрсатади.

---

[114] Рустамбаев М.Х. шарҳ 2024; [114] См.: Уголовное право России. Особенная часть: Учебник / Отв. ред. докт. юрид. наук, проф. Б.В. Здравомыслов. - М.: Юристь, 1996. - С. 385

[115] **Худайбергенов, Б. К.** Борьба с коррупцией: международно-правовые основы и роль национального законодательства: дис. ... магистра права: 5А240116 – теория и практика применения уголовного законодательства / Б. К. Худайбергенов; науч. рук. А. А. Мирзаев; Ташкент. гос. юрид. ун-т. — Ташкент, 2018. — 96 с.

Демак, ушбу хусусиятлар шуни кўрсатадики, мазкур турдаги жиноятлар фақатгина шахснинг махсус хизмат мақомга эга экани туфайли амалга ошиши мумкин бўлиб, улар давлат хизматининг манфаатлари, органлар фаолиятининг самарадорлиги ва жамиятнинг давлатга бўлган ишончини сезиларли даражада бузади ёки сўндириб юборишга хизмат қилади. Бу эса ушбу жиноятларни умумий ҳуқуқбузарликлардан тубдан фарқ қилувчи алоҳида ижтимоий хавфли тоифа сифатида тавсифлаш имконини беради.

Бир қатор олимларнинг таъкидлашича[116], коррупция билан боғлиқ жиноятларни бошқарув тартибига қарши содир этиладиган бошқа мансабдорлик жиноятларидан ажратиб турадиган асосий белги – бу қилмишнинг айбланувчининг хизмат вазифалари билан бевосита боғлиқ ҳолда амалга оширилишидадир. Шу маънода, бундай жиноятларда объектив томоннинг зарурий белгиларидан бири сифатида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик айбланувчи зиммасидаги хизмат мажбуриятларини бажариш ёки бажармаслик натижасида юзага келиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу белги коррупцион жиноятларнинг ҳуқуқий табиати ва бошқа мансабдорлик жиноятларидан фарқини аниқлашда ҳал қилувчи ўрин тутади.

Мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш деганда шундай қилмишлар тушуниладики, улар ташқи жиҳатдан шахснинг хизмат ваколатлари ва мажбуриятларини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган ҳолда, аслида хизмат зарурати билан асосланмаган ҳамда объёктив жиҳатдан ташкилот олдига қўйилган умумий вазифалар ва талабларга, шунингдек, шахсга юклатилган мансаб ваколатлари орқали эришилиши лозим бўлган мақсад ва вазифаларга зид равишда амалга оширилади[117]. Бошқача айтганда, суиистеъмол қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шахснинг расмий вазифалари билан формал боғлиқ бўлса-да, унинг моҳияти хизмат фаолиятининг қонуний ва мақсадга мувофиқ тамойилларини бузади. Бу эса бевосита давлат бошқаруви,

---

[116] **Алланов С.А.** Описание коррупционных преступлений в соответствии с уголовным законодательством Республики Узбекистан // Юридические науки. — 2020. — № 6 (107). — С. 31–34. — URL: https://cyberleninka.ru/article/n/opisanie-korruptsionnyh-prestupleniy-v-sootvetstvii-s-ugolovnym-zakonodatelstvom-respubliki-uzbekistan (дата обращения: 22.04.2025).; **Бугаевская Н.В.** К вопросу о соотношении служебных и коррупционных преступлений // Известия ТулГУ. 2018. №1(95). С. 95–101.; **Фахриев М.М.** Квалификация преступлений, связанных со злоупотреблением должностными полномочиями и вопросы их предупреждения // Вестник Волжского университета имени В.Н. Татищева. – 2018. – № 3, том 1. – С. 179–190.

[117] О судебной практике по делам о злоупотреблении должностными полномочиями и превышении должностных полномочий: постановление Пленума Верховного Суда РФ от 16.10.2009 № 19 // Российская газета. 2009. 30 октября. № 207.

идоравий интизом ва жамоат манфаатларига зиён етказувчи омил сифатида баҳоланади.

Бундан ташқари, Е.А.Пластинина мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишда асосий мотив сифатида манфаатдорлик, яъни моддий ёки бошқа турдаги шахсий манфаатдорлик намоён бўлади. Коррупциялашган хатти-ҳаракатлар, аввало, мансабдор шахснинг моддий бойликларга эга бўлиш ёки мавжуд моддий мажбуриятлардан қочиш (масалан, қандайдир қарзни қайтаришдан бош тортиш) каби мақсадларга эришишга қаратилган бўлиши мумкин[118]. Бошқача айтганда, мансабдор шахс ўз хизмат ваколатларидан фойдаланиб, моддий табиатга эга бўлган фойдани қўлга киритишга интилади; бу фойда айни шахснинг ўзига эмас, бошқа шахсларга ҳам мансуб бўлиши мумкин.

Бизнингча, ҳар қандай хизмат мавқеидан фойдаланиш ҳолатини коррупция деб баҳолаб бўлмайди. Чунки мансаб мавқеидан фойдаланиш – жамият ва давлат манфаатларига зарар етказиш мақсадида ҳам, шунингдек, айнан шу манфаатларни кўзлаб амалга оширилиши ҳам мумкин. Кундалик ҳаётда ҳокимият ваколатларидан фойдаланишнинг ўнлаб мисоллари кузатилади. Масалан, маҳаллий ишлаб чиқарувчини ҳимоя қилиш учун юқори бож тўловларини жорий этиш, миллий автомобилсозлик соҳасини қутқариш учун катта миқдорда маблағ йўналтириш, чет эл ҳарбий техникасини сотиб олиш, айбдорлиги равшан бўлган шахсни етарлича далиллар бўлмаса-да жавобгарликка тортиш, танлов шартларини маҳаллий ишлаб чиқарувчи манфаатларига мос равишда шакллантириш, табиий ёки техноген ҳалокатлардан жабрланган шахсларга расмий рухсатномалар бўлмаган ҳолда моддий ёрдам кўрсатиш, ёки шахсий шахсни тезкор равишда шифохонага олиб бориш учун хизмат автомашинасидан фойдаланиш каби ҳолатлар формал жиҳатдан хизмат мавқеидан фойдаланиш сифатида баҳоланиши мумкин. Бироқ шундай бўлса-да, ушбу қарорлар ва ҳаракатларнинг аксарияти охир-оқибатда жамият манфаатларини таъминлашга қаратилган.

Шу сабаб, коррупция тушунчасини баҳолашда ягона юридик мезонларга, яъни шахсий манфаатдорлик, қасддан содир этиш ва хизмат манфаатларига зид ҳаракатлар бўлиши каби асосий белгиларга таяниш

[118] Пластинина Е. А. Виды коррупционных преступлений и ответственность за них: анализ и практика // Юридический вестник. – 2011. – № 1 (11). – URL: http://www.jurvestnik.psu.ru/index.php/vypusk-1-11-2011/8-2010-12-01-13-31-58/-1-11-2011/166-vidy-korrupczionnyx-prestuplenij-i-otvetstvennost-za-nix-analiz-i-praktika (дата обращения: 30.03.2025).

зарур (Рахметов С.М. ҳам шу мазмундаги фикрни илгари сурган[119]). Бу эса коррупция билан боғлиқ жиноятларни бошқа ҳуқуқбузарликлардан аниқ фарқлаш имконини беради.

Мансаб ваколатларидан фойдаланишдаги суистеъмол ҳолатларини ҳуқуқий баҳолашда субъектнинг ички психик ҳолатини ифодаловчи субъектив белгилари — **мотив (ҳаракат турткиси)** ва **мақсад (ҳаракат натижасини иродавий исташ)** муҳим аҳамият касб этади. Бундан келиб чиқиб, халқаро ҳуқуқий амалиётда мазкур элементларга бўлган ёндашувларда жиддий тафовутлар мавжуд бўлиб, улар ҳудудий ҳуқуқий анъаналар ва фуқаролик жамияти ривожланиш даражаси билан узвий боғлиқ.

1. Мотив ва мақсад – мажбурий белги ҳисобланган юрисдикциялар

Айрим мамлакатларда **мотив ва мақсад жиноят таркибининг мажбурий субъектив белгиси сифатида** қонунда мустаҳкамланган. Бу давлатларда мансабдор шахснинг шахсий манфаатдорлиги (моддий ёки бошқа турдаги) исботланмаса, унинг ҳаракатлари жиноий деб топилмаслиги мумкин.

Бу модель хусусан **Россия Федерациясид**а амал қилади, унда Ўзбекистондагига ўхшаш ҳолда, мансабдор шахснинг корыстной или иной личной заинтересованности (кўпинча моддий манфаат ёки шахсий устунлик) бўлиши кераклиги шарт қилинган[120] (Ст. 285 УК РФ).

Шунингдек, **Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон, Арманистон** ва бошқа Марказий Осиё ва Шарқий Европа давлатларида ҳам аналогик ёндашув мавжуд. Масалан, Қозоғистон Жиноят кодексида **«ўзининг ёки бошқаларнинг манфаати йўлида фойда ёки устунлик олиш мақсадида ёки бошқаларга зарар етказиш мақсадида»** ҳаракат қилганлик алоҳида белгиланади[121].

Чехияда ҳам мазкур талаблар мавжуд: жиноят таркибини шакллантириш учун **нолегитим фойда олиш ёки зарар етказиш мақсади** шарт қилинади[122]. **Австрия** Жиноят кодексида (§302) эса **манфаатдорлик ёки бошқаларнинг ҳуқуқларини бузиш нияти** ҳақида алоҳида таъкидланган.

---

[119] Рахметов С.М. О ходе имплементации норм международных конвенций по вопросам борьбы с коррупцией в уголовное законодательство Республики Казахстан // Вестник Института законодательства Республики Казахстан. 2017. № 2 (47). С. 103–109.

[120] Источник: advo24.ru

[121] kodeksy-kz.com

[122] hatecrime.osce.org

2. Мотив – фақат оғирлаштирувчи ёки квалификацияловчи белги ҳисобланган юрисдикциялар

Бошқа бир қатор давлатларда, хусусан **Польша, Қирғизистон, Хитой**, **бошланғич (базовый) таркиб учун мотив шарт эмас**, лекин агар шахсий манфаат аниқланса, жавобгарлик кучайтирилади.

Польшада, масалан 231-иоддаси асосида вазифадан суиистеъмол қилиш учун шахсий манфаат талаб қилинмайди, аммо агар у исботланса – **огирроқ жазо** қўлланилади. **Қирғизистонда**, Жиноят кодексида **1-қисм** умумий ҳолатни, **2-қисм** эса **шахсий манфаат ёки фойда учун** бўлган ҳолатни қамраб олади[123].

Хитойда ҳам шунга ўхшаш икки босқичли система мавжуд: 1-қисм — умумий суиистеъмол, 2-қисм — **"malpractice for personal gain"**, яъни шахсий фойда учун ҳаракат қилганлик ҳолатида оғирроқ жавобгарлик назарда тутилади[124].

3. Мотив умуман аҳамиятсиз ҳисобланган юрисдикциялар

Айрим мамлакатлар, жумладан **Франция, Германия, Япония, Жанубий Корея**, шунингдек **Сингапур ва Малайзия**, **мотивацияни асосий шарт сифатида ҳисобламайди**, балки эътиборни фақат **ҳуқуқбузарликнинг ўзига ва унинг ноқонунийлигига** қаратади.

Бу ҳуқуқий модельда ҳатто шахсий манфаатсиз содир этилган, лекин **умуман қонунга зид** ҳаракатлар ҳам жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Филиппинда, RA 3019, modda 3(e) — шахсий фойдага ишора қилмасдан, фақат **"undue injury or unwarranted advantage"**, яъни асоссиз зарар етказиш ёки асосланмаган афзаллик бериш ҳолати учун жавобгарликни белгилайди. Бу ҳолатда протекция, таниш-билишчилик ва бошқа шахсий манфаат шакллари назарда тутилади, лекин уларни алоҳида **исботлаш талаб этилмайди**.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, **постсовет ҳуқуқий анъаналарига** хос бўлган ёндашув (мотив ва мақсадни исботлаш зарурлиги) айни вақтда **ишни квалификациялашни чеклайди**. Амалий жиҳатдан бу, мансабдор шахснинг шахсий фойдаси ёки мақсадини аниқлаш қийин бўлган ҳолатларда, уни жиноий жавобгарликка тортиш имкониятини сусайтиради.

Бундан фарқли равишда, **француз, герман, англосаксон ва жанубий осиё моделлари**, ҳаракатнинг шахсан манфаатли

[123] sf.gov.kg
[124] chinajusticeobserver.com

бўлганлигига эмас, балки **ҳуқуқий норманинг бузилганлиги ва зарар етказилганлигига** асосланган.

Таклиф:

1. **Ўзбекистон Жиноят кодексига тузатиш киритиш масаласи кўриб чиқилиши лозим**, жумладан, мансаб ваколатларидан фойдаланиш бўйича моддаларда **мотив ва мақсад албатта талаб қилинадиган ҳолатларнинг доирасини аниқ белгилаш** ёки **уларсиз ҳам жавобгарлик юзага келадиган ҳолатларни киритиш** мақсадга мувофиқ.

2. **"Хатоли ташаббус" ёки "иш фаолиятини яхши кўрсатиш мақсадида" ҳаракат қилган шахслар ҳам**, агар уларнинг ҳаракатлари зарар келтирган бўлса ва яққол ҳуқуқбузарлик характерига эга бўлса, **жиноий жавобгарликдан четлатилмаслиги лозим**.

3. **Шахсий фойда ёки бошқа манфаатларсиз амалга оширилган, аммо айни вақтда жамиятга ёки шахсга зарар етказувчи ҳаракатлар учун алоҳида жиноят таркиби (мисол: мансабий беэътиборлик)** яратиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бу таклифлар орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иши енгиллашади, айбдор шахслар жавобгарликдан қутилиб қолиш имкониятлари қисқаради ҳамда коррупциявий хатарларга нисбатан кескин ва таъсирчан реакция механизми шаклланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Уголовное право России. Особенная часть: Учебник / Отв. ред. докт. юрид. наук, проф. Б.В. Здравомы-слов. - М.: Юристь, 1996. - С. 385

2. Худайбергенов, Б. К. Борьба с коррупцией: международно-правовые основы и роль национального законодательства: дис. ... магистра права: 5А240116 – теория и практика применения уголовного законодательства / Б. К. Худайбергенов; науч. рук. А. А. Мирзаев; Ташкент. гос. юрид. ун-т. — Ташкент, 2018. — 96 с.

3. Алланов С.А. Описание коррупционных преступлений в соответствии с уголовным законодательством Республики Узбекистан // Юридические науки. — 2020. — № 6 (107). — С. 31–34. — URL: https://cyberleninka.ru/article/n/opisanie-korruptsionnyh-prestupleniy-v-sootvetstvii-s-ugolovnym-zakonodatelstvom-respubliki-uzbekistan (дата обращения: 22.04.2025).;

4. Бугаевская Н.В. К вопросу о соотношении служебных и коррупционных преступлений // Известия ТулГУ. 2018. №1(95). С. 95–101.;

5. Фахриев М.М. Квалификация преступлений, связанных со злоупотреблением должностными полномочиями и вопросы их предупреждения // Вестник Волжского университета имени В.Н. Татищева. – 2018. – № 3, том 1. – С. 179–190.

6. О судебной практике по делам о злоупотреблении должностными полномочиями и превышении должностных полномочий: постановление Пленума Верховного Суда РФ от 16.10.2009 № 19 // Российская газета. 2009. 30 октября. № 207.

7. Пластинина Е. А. Виды коррупционных преступлений и ответственность за них: анализ и практика // Юридический вестник. – 2011. – № 1 (11). – URL: http://www.jurvestnik.psu.ru/index.php/vypusk-1-11-2011/8-2010-12-01-13-31-58/-1-11-2011/166-vidy-korrupczionnyx-prestuplenij-i-otvetstvennost-za-nix-analiz-i-praktika (дата обращения: 30.03.2025).

8. Рахметов С.М. О ходе имплементации норм международных конвенций по вопросам борьбы с коррупцией в уголовное законодательство Республики Казахстан // Вестник Института законодательства Республики Казахстан. 2017. № 2 (47). С. 103–109.

Курбанова Эльмира Асадовна
Старший научный сотрудник Института государства и права
Академии наук Республики Узбекистан

ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ БУЛЛИНГА НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНЕГО УЧАСТНИКА ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: *В статье* проанализирована существующая законодательная база, направленная на защиту детей, а также *рассмотрены актуальные вопросы необходимости введения в законодательство Республики Узбекистан административной ответственности за деяния, предусматривающие буллинг (травлю) несовершеннолетнего участника образовательного процесса. Даны предложения и рекомендации по совершенствованию нормативно-правовой базы, предусматривающие введение ответственности за совершение указанных антисоциальных действий.*

Ключевые слова: *несовершеннолетний, насилие, буллинг (травля), участник образовательного процесса, законодательство.*

Abstract: *The article analyzes the existing legislative framework aimed at protecting children, and also considers topical issues of the need to introduce into the legislation of the Republic of Uzbekistan administrative responsibility for acts involving bullying (harassment) of a minor participant in the educational process. Proposals and recommendations on improvement of normative-legal base providing introduction of responsibility for committing the specified antisocial actions are given.*

Key words: *minor, violence, bullying, participant of the educational process, legislation.*

Аннотация: *Ушбу мақолада болаларни ҳимоя қилишга қаратилган амалдаги қонунчилик таҳлил қилинган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига таълим жараёнида иштирок этувчи вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган буллинг (таҳқирлаш) ҳаракатлари учун маъмурий жавобгарлик жорий этиш зарурияти масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, мазкур ғайриижтимоий ҳаракатлар учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *вояга етмаган шахс, зўравонлик, буллинг (таҳқирлаш), таълим жараёни иштирокчиси, қонунчилик.*

Одним из основных направлений политики Республики Узбекистан является охрана прав несовершеннолетних, защита их

законных прав и интересов, которая предполагает реализацию приоритета общечеловеческих ценностей, прежде всего, по охране жизни, здоровья, свободы, чести, достоинства, прав и интересов несовершеннолетних. В стране принимаются **правовые, административные, социальные, экономические и иные меры для защиты детей от всех форм насилия, включая поддержку ребёнка и его семьи.**

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев абсолютно точно подчеркнул: «Обеспечение законных прав и интересов молодежи, осуществление ее стремлений и надежд, реализация таланта и потенциала являются приоритетным направлением нашей государственной политики».[125]

«В реализации всех реформ в нашей стране мы опираемся прежде всего на таких, как вы, молодых, на вашу силу, энергию и решимость…Если сегодня мы не возьмемся за воспитание молодежи, решение ее проблем, то завтра будет поздно. Это будет предательством по отношению к нашему молодому поколению».[126]

Так как общество может полноценно существовать и функционировать лишь при условии развития нравственного и физически здорового подрастающего поколения, это, в свою очередь, требует всемерной охраны и защиты несовершеннолетних от всевозможных негативных воздействий и влияний, которые, к сожалению, продолжают иметь место в нашем обществе. Одним из таких антисоциальных явлений является буллинг (травля) несовершеннолетнего участника образовательного процесса, который серьёзное влияние на психологическое и физическое состояние детей.

[125]См.: *Мирзиёев Ш.М.* Праздничное поздравление молодежи Узбекистана // В кн.: Одобрение народа – высшая оценка нашей деятельности. Т. 2. – Т., 2018. – С. 401.

[126] Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на форуме молодежи Узбекистана 26 декабря 2020 г. // https://yuz.uz/ru/news/vstuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-na-forume-molodeji-uzbekistana.

Согласно статистическим данным[127]**,** каждый седьмой ученик чувствует себя небезопасно в школе. 21% учащихся сталкивались с распространением оскорбительных слухов, а 17% становились участниками конфликтов на территории школы. Благодаря исследованию за 2022 год, в котором участвовали более 7 200 учащихся из 202 школ Узбекистана, стало известно, что буллингу подвергались 15 % девочек и 19 % мальчиков.[128]

В литературе[129] под термином буллинг (травля) принято понимать совокупность различных социальных, психологических и педагогических проблем, обусловливающих процесс длительного (группового или индивидуального) физического или психического насилия в отношении индивида, который не способен защитить себя в данной ситуации. Согласно статье 3 в стране принятого в Республике Узбекистан Закона «О защите детей от всех форм насилия»[130] от 14 ноября 2024 года, травлей (буллингом) признается использование группой детей или одним ребенком оскорбительных прозвищ в отношении другого ребенка или детей, ограничение (бойкот) любого общения с ним (с ними), отнятие и (или) причинение вреда его (их) имуществу, публичное обсуждение присущих ему (им) физических, психологических или интеллектуальных особенностей, унижение его (их) чести и достоинства либо причинение вреда его (их) здоровью и жизни, в том числе продолжительное психологическое и (или) физическое агрессивное воздействие, осуществляемое с использованием сетей телекоммуникаций и всемирной информационной сети Интернет.

[127] Исследование МЭРИ, проведенное на основе данных опроса PISA-2022, включало 7293 учащихся из 202 школ Узбекистана. // https://uz24.uz/ru/articles/bulling-11-22.

[128] https://hook.report/2024/12/bulling/

[129] *Лейн Д. А.* Школьная травля (буллинг) // Детская и подростковая психотерапия / Под ред. Дэвида Лейна и Эндрю Миллера. - СПб.: Питер, 2001. - С. 240-274.

[130] https://lex.uz/ru/docs/7219505

Буллинг как разновидность насилия и может выражаться различными способами. Д. Олвеус (D. Olweus)[131] выделяет следующие его виды: вербальный буллинг; буллинг, направленный на социальное исключение или изоляцию; физические издевательства; издевательство с помощью лжи или лживых слухов о жертве; агрессии: отбирание денег или других вещей, их порча издевающимися; угрозы или принуждение выполнять какие-либо действия; расистский буллинг; сексуальный буллинг и др.

Негативные последствия буллинга выражаются во множественном и долговременном ущербе здоровью, благополучию и социализации как жертв и агрессивных жертв, так и агрессоров. Кроме того, исследования показывают высокие социальные издержки, затрачиваемые на трудоустройство, медицинское обслуживание и другие виды сопровождения, направленные на совладание с проблемами, во многом вызванными школьным буллингом.[132]

В зарубежных странах проблема буллинга на законодательном уровне решается по-разному. В 2016 г. в Великобритании был издан первый Закон о борьбе с буллингом в школах (Addressing Bullying in Schools Act (Northern Ireland)), действие которого, правда, распространяется только на Северную Ирландию.[133] В Республике Казахстан, где также нет специальных законодательных норм о борьбе с насилием в школе, случаи травли рассматривает Совет отцов — избираемый орган, в состав которого входят уважаемые отцы (не более четырех человек). Совет отцов рассматривает случаи буллинга по заявлению учителя или ученика-жертвы и обеспечивает доведение до

[131] *Olweus D.* Bullying at School: What We Know what We Can Do. N. Y.: Blackwell, 1993. 140 p.

[132] *Бочавер. А.А.* Последствия школьной травли для ее участников // https://cyberleninka.ru/article/n/posledstviya-shkolnoy-travli-dlya-ee-uchastnikov

[133] *Голованова Н. А.* «Проблемы борьбы с буллингом: законодательное решение». – М., 2018. //https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-borby-s-bullingom-zakonodatelnoe-reshenie

стадии исполнения санкций в отношении буллера.[134] В японском Министерстве образования действует Совет по борьбе с буллингом: от педагогов требуется внимательное отношение к обращению учащихся, от психологов — забота о психологическом состоянии детей. В Италии плакаты с телефонами доверия висят в школьных коридорах. В скандинавских странах детей защищают на государственном уровне законы «Об образовании» и «О запрете дискриминации», публикуются антибуллинговые инструкции для детей.[135] 5 ноября 2020 года впервые отмечался новый Международный день борьбы с насилием и травлей в школе, в том числе кибербуллингом, под лозунгом «Вместе против издевательств в школе». Решение ежегодно отмечать этот новый Международный день в первый четверг ноября было принято государствами - членами ЮНЕСКО в 2019 году, признав, что издевательства в школах и кибербуллинг являются грубейшим нарушением прав детей и подростков, в частности права на образование, здоровье и благополучие.[136]

В Узбекистане вопрос борьбы с буллингом приобретает всё большую значимость, что связано с его негативными последствиями для жертв, включая снижение успеваемости, развитие тревожных расстройств, депрессию и в крайних случаях – суицидальные мысли. Признание серьёзности этой проблемы на государственном уровне привело к разработке и внедрению законодательных инициатив, направленных на защиту детей.

Так, с 2019 года Министерство народного образования Узбекистана (МНО) начало реализацию проектов по предотвращению насилия в общеобразовательных школах. В частности, был реализован

[134] Лучшие методики против буллинга. URL: http://www.psychologia.edu.ru/azbuka-bullinga/pages/luchshie-metodiki.html.

[135] Узбекский психолог о том, что делать, если вашего ребенка травят в школе // https://repost.uz/health/menya-travyat

[136] https://ru.unesco.org/news/yunesko-otmechaet-pervyy-mezhdunarodnyy-den-protiv-nasiliya-i-travli-v-shkole-i-kiberbullinga

проект по предотвращению травли и агрессивного поведения, обучению методам позитивной психологии, а также по предотвращению эмоционального «выгорания» и борьбы со стрессом среди учеников и сотрудников общеобразовательных школ.[137] Одним из ключевых шагов стало принятие Закона «О защите детей от всех форм насилия», который вступит в силу в 2025 году и закрепит механизм выявления, профилактики и наказания за случаи буллинга, полномочия органов государственного управления в области образования и образовательных учреждений в сфере защиты детей от всех форм насилия и др. важные аспекты. Также как Кодексом Республики Узбекистан об административной ответственности[138], так и Уголовным кодексом[139] установлена ответственность за семейное (бытовое) насилие в отношении детей. Однако принятые нормы направлены на создание системы предотвращения насилия, поддержку пострадавших детей и обеспечение благополучия в семьях, оставляя при этом без внимания проблему травли и агрессивного поведения в отношении несовершеннолетнего участника образовательного процесса, что, в свою очередь, требует детальной разработки и дальнейшего решения.

В целях устранения правового пробела в данной сфере предлагается Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности дополнить статьей 188^4 в следующей редакции:

«Статья 188^4. Буллинг (травля) несовершеннолетнего участника образовательного процесса

Буллинг (травля), то есть деяния участников образовательного процесса, которые заключаются в психологическом, физическом насилии, в том числе с применением информационно-

[137] https://kun.uz/ru/news/2019/02/26/mno-zapustilo-bot-kanal-v-telegram-dlya-vyyavleniya-sluchayev-travli-v-shkolax

[138] Кодекс Республики Узбекистан об административной ответсвенности. // https://lex.uz/docs/97661#205773

[139] Уголовный кодекс Республики Узбекистан. // https://lex.uz/docs/111457

коммуникационных средств, совершаемые в отношении малолетнего или несовершеннолетнего лица или таким лицом относительно других участников образовательного процесса, в результате чего могла быть или был причинен вред психическому или физическому здоровью потерпевшего, –

влечет наложение штрафа от пятидесяти до ста базовых расчетных величин или общественные работы на срок от двадцати до сорока часов.

Деяние, предусмотренное частью первой настоящей статьи, совершенное группой лиц или повторно в течение года после наложения административного взыскания, –

влечет наложение штрафа от ста до двухсот базовых расчетных величин или общественные работы на срок от сорока до шестидесяти часов.

В заключении необходимо подчеркнуть, что внесение проекта данной нормы в законодательство об административной ответственности будет способствовать:

во-первых, защите прав и свобод несовершеннолетних;

во-вторых, созданию механизмов по выявлению и предотвращению случаев травли в отношении детей, информированию о случаях травли, расследованию этих фактов, обеспечению неотвратимости привлечения виновных к ответственности, реабилитации жертв травли и восстановления их прав и социальной адаптации;

в-третьих, ранней профилактике правонарушений, совершенных как самими несовершеннолетними, так и в отношении них.

Комплексный подход, включающий законодательные инициативы, психологическую поддержку и активное участие общества, позволит снизить уровень буллинга и создать в образовательных

учреждениях благоприятную атмосферу для всестороннего развития детей. Только совместными усилиями школы, семьи и государства можно обеспечить подрастающему поколению комфортную и безопасную среду, свободную от насилия и травли.

Литература:

1. См.: *Мирзиёев Ш.М.* Праздничное поздравление молодежи Узбекистана // В кн.: Одобрение народа – высшая оценка нашей деятельности. Т. 2. – Т., 2018. – С. 401.
2. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на форуме молодежи Узбекистана 26 декабря 2020 г. // https://yuz.uz/ru/news/vstuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-na-forume-molodeji-uzbekistana.
3. Исследование МЭРИ, проведенное на основе данных опроса PISA-2022, включало 7293 учащихся из 202 школ Узбекистана. // https://uz24.uz/ru/articles/bulling-11-22.
4. https://hook.report/2024/12/bulling/
5. *Лейн Д. А.* Школьная травля (буллинг) // Детская и подростковая психотерапия / Под ред. Дэвида Лейна и Эндрю Миллера. - СПб.: Питер, 2001. - С. 240-274.
6. https://lex.uz/ru/docs/7219505
7. *Olweus D.* Bullying at School: What We Know what We Can Do. N. Y.: Blackwell, 1993. 140 p.
8. *Бочавер. А.А.* Последствия школьной травли для ее участников // https://cyberleninka.ru/article/n/posledstviya-shkolnoy-travli-dlya-ee-uchastnikov
9. *Голованова Н. А.* «Проблемы борьбы с буллингом: законодательное решение». – М., 2018. //https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-borby-s-bullingom-zakonodatelnoe-reshenie
10. Лучшие методики против буллинга. URL: http://www.psychologia.edu.ru/azbuka-bullinga/pages/luchshie-metodiki.html.
11. Узбекский психолог о том, что делать, если вашего ребенка травят в школе // https://repost.uz/health/menya-travyat
12. https://ru.unesco.org/news/yunesko-otmechaet-pervyy-mezhdunarodnyy-den-protiv-nasiliya-i-travli-v-shkole-i-kiberbullinga
13. https://kun.uz/ru/news/2019/02/26/mno-zapustilo-bot-kanal-v-telegram-dlya-vyyavleniya-sluchayev-travli-v-shkolax
14. Кодекс Республики Узбекистан об административной ответсвенности. // https://lex.uz/docs/97661#205773

15. Уголовный кодекс Республики Узбекистан. // https://lex.uz/docs/111457

Payziyev Abbos Muhammadovich,
“Maxsus huquqiy fanlar va harbiy diplomatiya” kafedrasi dotsenti,
podpolkovnik,
Jo‘rayev Javlon Ravshan o‘g‘li?
“Maxsus huquqiy fanlar va harbiy diplomatiya” kafedrasi dotsenti, kapitan

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TAMINLASHDA GIYOHVANDLIK VOSITALARI YOKI PSIXOTROP MODDALAR BILAN QONUNGA XILOF MUOMALA QILISHNING HUQUQIY ASOSLARINI MUSTAHKAMLASH

Annotatsiya: Ushbu maqolada giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning noqonuniy aylanishiga qarshi kurashning huquqiy asoslarini takomillashtirish, shuningdek, giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar to‘g‘risidagi qonunni yangi tahrirda qabul qilish bo‘yicha taklif va tavsiyalar ilgari surilgan.

Kalit so‘zlar: giyohvandlik, psixotrop, jinoyat, jomoat joylari, prekursorlar, Telegram, narkovaziyat, konvensiya, lavozimlar ro‘yxati.

Аннотация: В данной статье выдвинуты предложения и рекомендации по совершенствованию правовой базы борьбы с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ, а также принятию Закона о наркотических средствах и психотропных веществах в новой редакции.

Ключевые слова: наркомания, психотроп, преступление, общественные места, прекурсоры, Telegram, наркоситуация, конвенция, список должностей.

“Biz keyingi vaqtlarda “qonun — muk;addas, har qanday holatda x;am adolatni qaror toptirish shart!” degan ezgu tamoyilni jamiyatning har bir a’zosi, ayniqsa, mansabdorlar uchun hayotiy koidaga aylantirish borasida tizimli ishlarni amalga oshirmokdamiz”[140].

Hozirgi kunda jamiyat rivojiga to‘sqinlik qiluvchi omillardan biri bu - giyohvandlik vositalari hisoblanadi, giyohvandlik vositalari, ularning analoglari, psixotrop va kuchli ta’sir qiluvchi moddalar hamda prekursorlarning qonunga xilof ravishda aylanishiga qarshi kurashish muammosi bir davlat chegarasidan chiqib, jahon hamjamiyatiga jiddiy

[140] Hozirgi zamon va Yangi O‘zbekiston [Matn] / Sh.M. Mirziyoyev. - Toshkent : “O‘zbekiston” nashriyoti , 2024. - 72 b.

tahdidlarni keltirib chiqarmoqda.

Mazkur tahdidlarga qarshi kurashish yo‘nalishida olib borilayotgan choralarga qaramasdan, mamlakatimizda giyohvandlik vositalari, ularning analoglari, psixotrop va kuchli ta’sir qiluvchi moddalar hamda prekursorlarning qonunga xilof ravishda aylanishining kengayib borayotganligi, psixotrop va kuchli ta’sir qiluvchi moddalarni notibbiy iste’mol qilinishining o‘sayotganligi kuzatilmoqda.

Dunyoda giyohvand moddalarni iste’mol qiluvchilar soni ortib bormoqda – BMTning oxirgi o‘n yil ichida giyohvand moddalarni iste’mol qiluvchilar soni **296** million kishiga ko‘paygan[141].

Jumladan, 2024 yillarda aniqlangan narkojinoyatlar **12 278** tani tashkil etib 2023 yilga nisbatan **23 %**ga oshgan (2023 yilga 10 011 tani tashkil etgan).

Aniqlangan holatlar bo‘yicha 2024 yilda 9380 nafarni tashkil etib, 2023 yilga nisbatan **37 %**ga oshgan (2023 yilga **6845** nafar tashkil etgan). Xususan:

ayollar bo‘yicha 2024 yilda **742** nafarni tashkil etib, 2023 yilga nisbatan **50 %**ga oshgan (2023 yilga **496** nafar tashkil etgan);

yoshlar bo‘yicha 2024 yilda **3167** nafarni tashkil etib, 2023 yilga nisbatan **52** %ga oshgan (2023 yilga **2079** nafar tashkil etgan);

maktab o‘quvchilari bo‘yicha 2024 yilda **59** nafarni tashkil etib, 2023 yilga nisbatan 73 %ga oshgan (2023 yilga 34 nafar tashkil etgan);

OTM talabalari bo‘yicha 2024 yilda **126** nafarni tashkil etib, 2023 yilga nisbatan **168 %**ga oshgan (2023 yilga **47** nafar tashkil etgan)[142];

Tezkor-profilaktik tadbirlar natijasida **2 tn 31 kg 886 gr** giyohvandlik vositalar va psixotrop moddalar noqonuniy muomaladan olingan. Shundan, **2 tn 25 kg 13 gr** giyohvandlik vositalar va **6 kg 127 gr** psixotrop moddalar.

Olingan giyohvandlik vositalarning **866 kg 253 gr** kontrabanda yo‘li bilan kirib kelayotgan, **19 kg 687 gr** o‘z hoxishi bilan topshirilgan va **31 kg 580 gr** egasiz bo‘lgan. Shuningdek, **10486 m.kv** maydonda noqonuniy yetishtirilgan giyohvandlik o‘simliklari yo‘q qilingan.

“Telegram” ijtimoiy tarmog‘ida giyohvandlik vositalarning savdosini amalga oshiruvchi **1499 ta** akkauntlar aniqlanib, **1311 tasi** bloklandi va **188 tasini** bloklash bo‘yicha ijtimoiy tarmoq moderatorlariga xabar berilgan, hamda ushbu akkauntlarni reklama qiluvchi **2962 ta** “narkograffiti”

[141] https://www.unodc.org/res/WDR-2023/WDR23_Exsum_fin_SP.pdf

[142] O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi narkotik moddalarni nazorat qilish Milliy axborot-tahlil markazining 2023-2024 yillar uchun Informatsion byulleteni. https://www.unodc.org/centralasia.

o‘chirilgan[143].

“World Population Review” ma’lumotlariga ko‘ra, O‘zbekiston giyohvandlik moddalarni iste’mol qilish bo‘yicha mamlakatlar reytingida **95**-o‘rinni egalladi, bu esa Markaziy Osiyoning bir qator davlatlari orasida eng yaxshi natija. Mintaqa davlatlari orasida Qozog‘iston o‘z iste’moli bo‘yicha yetakchi bo‘ldi – **8**-o‘rin, Qirg‘iziston **23**-o‘rinni egalladi. Turkmaniston **41**, Tojikiston **76**-o‘rindan joy olgan[144].

Shuni alohida ta’kidlash joizki, O‘zbekistonda giyohvandlik vositalari bilan bog‘liq vaziyat doimo davlat va jamiyatning alohida e’tiborida bo‘lib keladi. Hozirgi vaqtda davlat va jamoat tuzilmalari tomonidan giyohvandlik tahdidiga qarshi kurashishning yagona tizimini yaratish bo‘yicha bir qator tashkiliy-huquqiy, profilaktik va iqtisodiy chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Shu bilan birga O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 6-may kunidagi “O‘zbekiston Respublikasida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning noqonuniy aylanmasiga chek qo‘yish orqali ularning aholi salomatligi va mamlakatimiz genofondiga salbiy ta’sirini bartaraf etish strategik chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-73-sonli farmoni bilan tasdiqlangan “O‘zbekiston Respublikasida giyohvandlik va narkojinoyatlarga qarshi kurashish bo‘yicha 2024 — 2028-yillarga mo‘ljallangan milliy strategiyasi”da belgilangan vazifalarni bajarish hamda aholining axloqiy-ruhiy salomatligini saqlash, jamiyatda inson salomatligi va ruhiyatiga kuchli ta’sir qiluvchi moddalar tarqalishini, ularning ta’sirida jinoyatlar sodir etilishini oldini olish maqsadida, O‘zbekiston Respublikasida giyohvandlik vositalari, ularning analoglari, psixotrop va kuchli ta’sir qiluvchi moddalar hamda prekursorlarning qonunga xilof muomalasiga qarshi kurashish bo‘yicha ustuvor yo‘nalishlarni belgilab olishni talab etadi.

Giyohvandlik vositalarining qonunga xilof ravishda muomala qilinishiga qarshi kurashishning asosiy yo‘nalishlaridan biri huquqiy asoslarni mustahkamlashdir. Bugungi kunda mintaqamizda kuzatilayotgan narkovaziyat O‘zbekiston Respublikasining “Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar to‘g‘risida”gi Qonuni (1999 yil qabul qilingan) normalarni takomillashtirishni, xususan narkojinoyatlarga qarshi kurashuvchi subyektlar va ularning vakolat hamda vazifalarini aniq belgilash, mazkur yo‘nalishdagi tadbirlarni moliyalashtirish mexanizmlarini kengaytirish, ilg‘or xorijiy davlatlar tajribasini joriy qilishni talab qilmoqda.

[143] O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi narkotik moddalarni nazorat qilish Milliy axborot-tahlil markazining 2022 yillar uchun Informatsion byulleteni. https://www.unodc.org/centralasia.

[144] https://uz.kursiv.media/2024-02-19/uzbekistan-v-top-100-stran-po-upotrebleniyu-narkotikov/

Jumladan, giyohvandlik vositalari, ularning analoglari, psixotrop va kuchli ta’sir qiluvchi moddalar hamda prekursorlarning qonunga xilof muomalasiga qarshi kurashishning sifat jihatidan yangi tizimini joriy etish bo‘yicha huquqiy, uslubiy, ilmiy, tashkiliy choralarni ishlab chiqish va samarali amalga oshirishdan iborat “Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va prekursorlar to‘g‘risida” qonunini yangi tahrirda ishlab chiqish maqsadga muvofiq;

“Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va prekursorlar to‘g‘risida”gi qonunida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarga qarshi kurashishning huquqiy asoslarini takomillashtirish hamda xalqaro normalarga moslashtirish maqsadga muvofiq;

qonun normalarida giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va prekursorlarning muomalada bo‘lishiga oid ijtimoiy munosabatlarni tartibga solib, giyohvandlikka qarshi kurash faoliyatini to‘la qamrab olish maqsadga muvofiq;

qonunida giyohvandlik vositalarini tarqalishining oldini olish, aniqlash, qarshi kurashish, giyohvandlik vositalarini tayyorlash, ishlab chiqarish, savdo qilish hamda iste’mol qilish yoki ineksiya qilishni taqiqlash kabi tamoyillarini belgilash;

qonunning umumiy qoidalarida giyohvandlik vositalariga qarshi kurashish bo‘yicha davlat organlari, jamoat tashkilotlari, korxonalar, muassasalar va boshqa tashkilotlar hamda fuqarolarning huquq va majburiyatlari belgilash;

qonunda BMTning 1961-yil 30-martdagi “Giyohvandlik vositalari to‘g‘risida”gi yagona konvensiyaning 38-moddasida narkotik iste’mol qiluvchilarni davolash, reabilitatsiya qilish va ijtimoiy reintegratsiya qilish bo‘yicha belgilangan chora-tadbirlardan kelib chiqib suiiste’mol qiluvchilarni davlat tomonidan bepul ko‘rikdan o‘tkazish, davolash, reabilitatsiya qilish va ijtimoiy reintegratsiya qilish bo‘yicha chora-tadbirlar belgilash;

qonunda giyohvandlik vositalariga qarshi kurashni rag‘batlantirish va donorlarga (davlat, nodavlat va xorijiy tashkilotlar) imtiyozlar berish masalalari nazarda tutish;

qonunda giyohvandlikka qarshi kurashish bo‘yicha ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borish, ilg‘or texnologiyalar va uskunalardan foydalanish, giyohvandlikni davolashning zamonaviy usullarini rag‘batlantirish;

qonunda jamoat joylarida giyohvandlik vositalari noqonuniy aylanishini oldini olish, jamiyat hushyorligini oshirish, targ‘ib qilish va tarbiyalash uchun vazifalar belgilash;

qonunda giyohvandlikka chalingan shaxsni davolash bilan bog‘liq protsessual huquqlarini cheklashga oid normalarni kiritish;

ashyoviy dalil sifatida e’tirof etilib, olib qo‘yilgan giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va ularning analoglari, kuchli ta’sir qiluvchi vositalarni hamda prekursorlarning saqlanishi va yo‘q qilinishi bo‘yicha mas’ul davlat idorasini qonun darajasida belgilash;

qonunda giyohvandlik va narkojinoyatlarga qarshi kurashishni targ‘ib qilish, giyohvand moddalarga qaram shaxslarni davolash, giyohvand moddalarga qarshi kurashda xalqaro hamkorlik, narkojinoyatlar uchun huquqiy javobgarlik masalalari belgilash;

javobgarlikdan va jazodan ozod qilish institutlarini qo‘llash imkoniyatini cheklash orqali giyohvandlik vositalari, ularning analoglari, psixotrop va kuchli ta’sir qiluvchi moddalar hamda prekursorlarning qonunga xilof muomalasi uchun javobgarlik choralarini kuchaytirish hamda javobgarlikning mulkka qaratilishi bilan bog‘lik jazo choralarini kiritish.

Shu bilan bir qatorda giyohvandlik vositalari, ularning analoglari, psixotrop va kuchli ta’sir qiluvchi moddalar hamda prekursorlarning qonunga xilof muomalasiga qarshi kurashishning uslubiy asoslarini rivojlantirish:

ta’lim tashkilotlari o‘quv rejalariga “Giyohvandlik vositalari, ularning analoglari, psixotrop va kuchli ta’sir qiluvchi moddalar hamda prekursorlarning qonunga xilof muomalasiga qarshi kurashish asoslari” fanini kiritish;

yoshlarning, ayniqsa voyaga yetmaganlarning sog‘lig‘iga zararli ta’sir ko‘rsatuvchi kompyuter o‘yinlarini aniqlash, ularning ro‘yxatini shakllantirish va taqiqlash, shuningdek, bunday o‘yinlarni o‘ynash holatlariga barham berish bo‘yicha ta’sirchan nazorat mexanizmlarini belgilash;

giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va prekursorlarining qonunga xilof muomalasi sohasidagi xuquqbuzarliklarda qatnashgan barcha ishtirokchilariga jazo tayinlashda yengillashtiruvchi holatlar va jazoni o‘tash muddatidan oldin ozod qilish taqiqlash;

giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va prekursorlarning qonunga xilof muomalasi bilan javobgarlikka tortilgan, dispanser hisobida turgan shaxslar egallashi mumkin bo‘lmagan kasb va lavozimlar ro‘yxati qonunchilik bilan belgilash maqsadga muvofiq.

Yuqoridagilarni amalga oshirishdan kutilayotgan natijalar:

yangi tahrirdagi “Giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar va prekursorlar to‘g‘risida”gi qonun giyohvandlik vositalari, ularning analoglari, psixotrop va kuchli ta’sir qiluvchi moddalar hamda prekursorlarning qonunga

xilof muomalasiga qarshi kurashish faoliyatini yanada takomillashtirish bo‘yicha normativ-huquqiy va idoraviy normativ hujjatlarni ishlab chiqishda uslubiy asos bo‘lib xizmat qiladi;

qonunni qabul qilish natijasida giyohvandlik vositalari, ularning analoglari, psixotrop va kuchli ta’sir qiluvchi moddalar hamda prekursorlarning qonunga xilof muomalasiga qarshi kurashish tizimi sifat jihatidan yuqori darajaga ko‘tariladi;

shuningdek, sohadagi o‘z yechimini topishi lozim bo‘lgan xalqaro hamkorlik, donorlarni qo‘llash, tezkor-qidiruv tadbirlarini o‘tkazishda xorijiy davlatlar bilan hamkorlik qilish, iste’mol qiluvchilarni davolash, reabilitatsiya qilish muammolariga yechim topiladi;

pirovard natijada fuqarolarning sog‘lig‘ini saqlash, jamiyatda sog‘lom turmush tarzini qaror toptirish va jamoat xavfsizligini ta’minlash huquqiy kafolatlarini mustahkamlash bilan bir qatorda ushbu turdagi jinoyatlarni kamaytirishga xizmat qiladi.

Ta’kidlab o‘tish lozimki yuqorida ko‘rsatilgan ma’lumotlarni hisobga olgan holda amaldagi normativ huquqiy hujjatlarni takomillashtirish, ushbu sohaga yangi texnologiyalarni joriy etish huquqni muhofaza qiluvchi organlarning sa’y-harakatlarni yanada samaraliroq bo‘lishiga xizmat qilish bilan birga jamiyatning barqaror rivojlanishi, oilalarning tinchligi va osoyishtaligi ta’minlanishiga erishiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.

1. Hozirgi zamon va Yangi O‘zbekiston [Matn] / Sh.M. Mirziyoyev. - Toshkent : “O‘zbekiston” nashriyoti , 2024. - 560 b.

2. Birlashgan Millatlar Tashkilotining “Giyohvandlik vositalari to‘g‘risida”gi konvensiyasi. 2000-yil 15-noyabr, Nyu-York. https://lex.uz/docs/-1304566.

3. O‘zbekiston Respublikasining 813-I-son.19.08.1999 y. “Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar to‘g‘risida”gi Qonuni. https://lexuz.

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 6-may kunidagi “O‘zbekiston Respublikasida giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalarning noqonuniy aylanmasiga chek qo‘yish orqali ularning aholi salomatligi va mamlakatimiz genofondiga salbiy ta’sirini bartaraf etish strategik chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-73-sonli farmoni. Qonuni. https://lexuz.

5. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi narkotik moddalarni nazorat qilish Milliy axborot-tahlil markazining 2023-2024 yillar

uchun Informatsion byulleteni. https://www.unodc.org/centralasia.

6. “O‘zbekiston Respublikasi qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi”, https://lex.uz/ru/docs/-2655293.

Mavlyanov Murod Abduraximovich
O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi mustaqil izlanuvchisi
Muhammedov Faxriddin Nasritdinovich
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti mustaqil izlanuvchisi
Tel:+998-98-160-77-97

BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTI HUJJATLARIDA EKSTREMIZM PAYDO BO‘LISHIGA IMKON BERAYOTGAN SHART-SHAROITLAR VA OMILLAR

Annotatsiya: Maqolada Birlashgan Millatlar Tashkilotining ekstremizm va terrorizmga oid hujjatlari asosida zo‘ravon ekstremizmga imkon beruvchi shart-sharoitlar va omillar tizimli ravishda tahlil etiladi. Jumladan, “ko‘maklashuvchi” (push) va “tortib turuvchi” (pull) omillar klassifikatsiyasi orqali ekstremizmning ildiz omillariga kompleks yondashuv taklif etiladi. Ijtimoiy, siyosiy, huquqiy, iqtisodiy, madaniy va diniy kontekstda ekstremistik qarashlarning shakllanishiga turtki beruvchi omillar BMT hujjatlari asosida baholanadi. Muallif ekstremizmga qarshi kurashishda nafaqat salbiy omillarni bartaraf etish, balki jamiyatda barqarorlikni mustahkamlovchi omillarni kuchaytirish zarurligini asoslaydi.

Kalit so‘zlar: ekstremizm, zo‘ravonlik, BMT, radikallashuv, “push” omillar, “pull” omillar, profilaktika, xavfsizlik, xalqaro tajriba, murosasizlik, diniy bag‘rikenglik.

Аннотация: В статье системно проанализированы условия и факторы, способствующие распространению насильственного экстремизма на основе документов Организации Объединённых Наций. Предлагается комплексный подход к классификации этих факторов как «подталкивающих» (push) и «притягивающих» (pull). Исследование охватывает социальные, политические, правовые, экономические, культурные и религиозные аспекты, способствующие радикализации. Автор подчёркивает важность не только устранения факторов риска, но и усиления сдерживающих факторов, укрепляющих устойчивость общества к экстремистским угрозам.

Ключевые слова: Экстремизм, насилие, ООН, радикализация, «подталкивающие» факторы, «притягивающие» факторы, профилактика, безопасность, международный опыт, нетерпимость, религиозная толерантность

Jinoyatlarni barvaqt oldini olish, ularga qarshi kurashishda ushbu jinoyatlarga imkon bergan shart-sharoit va omillarni bartaraf etishni talab qiladi. Shu kabi, ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashishda ham uning paydo bo‘lishi va rivojlanishiga imkon bergan shart-sharoitlarni aniqlash hamda ularni bartaraf etish choralarini ko‘rishni talab qiladi.

Prezidentimiz Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasidagi nutqida ekstremizm va terrorizm paydo bo‘lish sabab shart-sharoitlari va unga qarshi kurashish masalalariga to‘xtalib, “bu borada ko‘p hollarda tahdidlarni keltirib chiqarayotgan asosiy sabablar bilan emas, balki ularning oqibatlariga qarshi kurashish bilangina cheklanib qolinmoqda. Xalqaro terrorizm va ekstremizmning ildizini boshqa omillar bilan birga, jaholat va murosasizlik tashkil etadi, deb hisoblayman. Shu munosabat bilan odamlar, birinchi navbatda, yoshlarning ongu tafakkurini ma’rifat asosida shakllantirish va tarbiyalash eng muhim vazifadir”[145], – deb ta’kidladi. Bunda, biz “jaholat” so‘zining lug‘aviy ma’nosiga e’tibor qaratsak, “jaholat – arabcha “jahila” felining o‘zagi bo‘lib, bilmaslik ma’nosini anglatadi. Islom dinidan oldingi davrni “johiliyat davri” deb atalishining sababi ham shunda”[146]. Shuningdek, o‘zbek tilining izohli lug‘atida “murosasizlik” so‘zining lug‘aviy ma’nosi “murosasiz” so‘zidan kelib chiqib, “murosachilik, kelishuvchilik qilmaydigan, murosaga kelmaydigan, murosaga, kelishuvchilikka yo‘l qo‘ymaydigan”[147] ma’nolarni anglatadi.

Darhaqiqat, bugungi kunda xalqaro ekstremistik va terrorchilik tashkilotlari yollovchilarining yot g‘oyalari ta’siriga tushgan shaxslarda diniy va dunyoviy bilimning pastligi, diniy bag‘rikenglikning mavjud emasligi, boshqa din vakillarining e’tiqodlarini hurmat qilmaslik, ularga nisbatan kuch ishlatishga moyillik kabi qator salbiy tendensiyalar kuzatiladi.

Qayd etish lozimki, xalqaro tashkilotlar, aql markazlari va olimlar tomonidan ekstremizm paydo bo‘lishi va rivojlanishiga, radikallashuv kelib chiqishiga ijobiy ta’sir qiluvchi omil va shart-sharoitlarni o‘rganish borasida qator tadqiqotlar o‘tkazilgan.

Biroq, Birlashgan Millatlar Tashkilotining (keyingi o‘rinlarda BMT) “Zo‘ravon ekstremizmning oldini olish harakatlar rejasi”ning 33-bandida “oxirgi o‘n yarim yil davomida tadqiqotlar zo‘ravon ekstremizmni keltirib chiqaruvchi omillarga qaratildi. Biroq, shaxslarning radikallashuviga olib

[145] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning BMT Bosh Assambleyasining 72-sessiyasidagi nutqi. 19.09.2017-yil. // https://president.uz/

[146] “Is’hoqxon to‘ra” jome masjidi imom xatibi J.Sufiev. Jaholatga qarshi ma’rifat // https://oliymahad.uz

[147] https://izoh.uz/word/murosasiz

keladigan omillar haqida ishonchli statistik ma’lumotlar yo‘q. Muayyan tendentsiyalar va xulq-atvor shakllari mavjudligiga qaramay, hozirgi vaqtda olimlar va tadqiqotchilar o‘rtasida faqat ma’lum jihatlar bo‘yicha konsensus mavjud”[148],– deya qayd etilgan. Biz ushbu fikrlarga qisman qo‘shilamiz. Jumladan, fikrimizcha shaxslarning radikallashuviga olib keluvchi omil va shart-sharoitlarni aniqlash murakkab vazifa, kim va qachon radikallashishini oldindan aniq aytib bo‘lmaydi. Bu masalani quyi tahlillarimizda batafsil ko‘rib chiqamiz. Biroq, muayyan hududda ekstremizmga oid jinoyatlar rivojlanishiga imkon berayotgan omillarni har taraflama chuqur o‘rganish, uning g‘oyaviy va tashkiliy manbalarini aniqlash imkoniyati mavjud.

Mazkur hisobotda zo‘ravon ekstremizmga yordam beruvchi sharoitlar sifatida ijtimoiy-iqtisodiy imkoniyatlarning mavjud emasligi, marginallashuv va kamsitish, boshqaruvning yomonligi, inson huquqlari va tamoyillarining buzilishi, qonun ustuvorligi, uzoq davom etgan va hal etilmagan nizolar, qamoqxonalarda radikallashuvlarni keltirib o‘tilgan[149]. Albatta, ekstremizmga imkon bergan ushbu omillar biror bir hudud xususiyatidan kelib chiqmagan, balki umumiy tavsiflangan. Masalan, O‘zbekistonda ekstremizm rivojlanishiga jazoni ijro etish muassasalari imkoniyat bergan holatlar mavjud emas, aksincha bugungi kunda jazoni ijro etish muassasalarida mazkur toifadagi jinoyatlarni sodir etgan shaxslarni to‘g‘ri tuzalish yo‘liga o‘tkazish uchun tizimli ishlar amalga oshirilmoqda.

BMTning Ta’lim, fan va madaniyat masalalari bo‘yicha tashkilotining “Markaziy Osiyoda ta’lim orqali zo‘ravon ekstremizmning oldini olish”ga oid tahliliy axborotnomasida “zo‘ravon ekstremizmning ildizlari va zo‘ravonlikka olib keladigan radikallashuv sabablari xilma-xil va ko‘p qatlamli. Biror kishining xavf ostida ekanligini aniqlik darajasida ko‘rsatadigan yagona belgi yo‘q. An’anaviy ravishda zo‘ravonlik ekstremizmining sabablari ikki toifaga bo‘linadi: “imkon beruvchi” (push factors) va “tortib turuvchi” (pull factors) omillar”[150] mavjudligini qayd etilgan.

Jumladan, “imkon beruvchi” omillarga BMT hisobotida qayd etilgan omillarni, “tortib turuvchi” omillar qatoriga esa 1) shaxsning kelib chiqishi,

[148] Глобальная контртеррористическая стратегия Организации Объединенных Наций. План действий по предупреждению воинствующего экстремизма A/70/674. 2016, – С. 8. // https://www.refworld.org/

[149] Глобальная контртеррористическая стратегия Организации Объединенных Наций. План действий по предупреждению воинствующего экстремизма A/70/674. 2016, – С. 9-11. // https://www.refworld.org/

[150] Preventing violent extremism through education Sustainable Development Goals United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization. A guide for policy-makers. Published in 2017 by the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization, 7, place de Fontenoy, 75352 Paris 07 SP, France. – P. 21.

2) jamoat fikrlari va qarashlari, 3) e’tiqod, siyosiy mafkura, etnik va madaniy tafoutlarni oldini olinishi, 4) xarizmatik etakchilik, jamiyat va ijtimoiy tarmoqlarning jalb qilinishi kabilarni keltirib o‘tgan. Mavzuga oid ko‘plab tadqiqotlarda olimlar tomonidan ekstremizmga imkon beruvchi omillar o‘rganilib, uning rivojlanishiga salbiy ta’sir qiluvchi yoki “tortib turuvchi” omillar o‘rganilmagan. Shu nuqtai nazaridan, BMTning Ta’lim, fan va madaniyat masalalari bo‘yicha tashkiloti ekspertlarining yuqoridagi fikrlariga qo‘shilgan holda, ekstremizmga ta’sir qiluvchi omillarni “ko‘maklashuvchi” va “tortib turuvchi” toifalarga ajratish hamda tortib turuvchi omillarning rolini oshirish va kuchaytirish lozim deb hisoblaymiz.

Jahon bankining 2016 yildagi “Zo‘ravon ekstremizmning oldini olish uchun iqtisodiy va ijtimoiy inklyuziya” tadqiqotida shaxs o‘z harakatining xarajatlari va foydasini o‘ylab ko‘rgandan so‘ng zo‘ravon ekstremistik faoliyat bilan shug‘ullanishga qaror qilishini ta’kidlaydi. Shuningdek, zo‘ravon ekstremizm va iqtisodiy o‘zgaruvchilar o‘rtasidagi bog‘liqlik to‘liq aniq emas va eng yaxshi holatda noaniq ta’sir ko‘rsatadi.

Marginallashtirish va diskriminatsiya turli shakllarda bo‘lishi mumkin va bir qancha turli omillarga, jumladan, ijtimoiy-iqtisodiy, etnik, madaniy, irqiy, diniy yoki maqomga bog‘liq bo‘lgan asoslanishi mumkin.

Zo‘ravon ekstremizm samarasiz boshqaruv, demokratiyaning yo‘qligi, korruptsiya va davlat yoki uning agentlari tomonidan qonunbuzarlik uchun jazolanmaslik madaniyati bilan tavsiflangan muhitda rivojlanadi. Zo‘ravon ekstremizmning jozibadorligi odatda yomon boshqaruv repressiv siyosat va amaliyotlar bilan birga bo‘lganda kuchayadi. Zo‘ravon ekstremistlar davlatga qarshi kurashda ham o‘z maqsadlari yo‘lida davlat repressiyasi va boshqa suiiste’molliklardan faol foydalanishga intiladi.

Konfiliktning mavjudligi omili yanada kengroq ahamiyatga ega, chunki bunday nizo shakllari nafaqat odamlarning azob-uqubatlariga va yomon boshqaruvga olib kelishi, balki zo‘ravon ekstremistik tashkilotlarning rivojlantirishini ta’minlashi mumkin. Masalan, davlat mexanizmi to‘sqinlik qiladigan mojarolarda davlatning samarali nazorati yo‘qligidan zo‘ravon ekstremistik tashkilotlar ekstremistik rivoyatlarni va nazoratsiz harakatlarni ilgari surish uchun foydalanishi mumkin.

Zo‘ravon ekstremizmning oldini olish bo‘yicha Harakatlar rejasining o‘zagi bo‘lgan yana bir muhim omil qamoqxonalardagi radikallashuvning zo‘ravon ekstremistik kun tartibiga ko‘maklashishga ta’siri bilan bog‘liq. Bu yerda ishning ikki jihati bor: birinchidan, qamoqxonalar ekstremal va zo‘ravon mafkuralarning tarqalishi uchun o‘ziga xos shart-sharoitlarni

ta’minlaydi; ikkinchidan, qamoqxonalar ichidagi sharoitlar mavjud adovatning paydo bo‘lishiga yoki kuchayishiga yordam beradi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, BMT Bosh Assambleyaning 60/288 rezolyutsiyasida qabul qilingan BMTning Terrorizmga qarshi Global Strategiyasi profilaktika choralariga ishora qiladi va uning 4 yo‘nalish bo‘yicha faoliyatni muvozanatli amalga oshirishni nazarda tutadi:

1) terrorizm va ekstremizmga imkon beradiga shart-sharoitlarni bartaraf etish;

2) terrorizm va ekstremizmni oldini olish va unga qarshi kurashish;

3) terrorizmga qarshi kurashda milliy imkoniyatlarni va bu borada BMT tizimining rolini kuchaytirish;

4) terrorizmga qarshi kurashda hamma uchun inson huquqlari va qonun ustuvorligini ta’minlash[151].

Tadqiqot natijalaridan kelib chiqib quyidagicha xulosalar qilish mumkin:

1. Ekstremizm paydo bo‘lishi va rivojlanishi omillarini belgi, xususiyati va boshqa jihatlaridan kelib chiqib turli guruhlarga ajratish mumkin. Jumladan, **ta’sir natijasiga ko‘ra** “ko‘maklashuvchi” va “tortib turuvchi”, **ta’sir doirasiga ko‘ra** “asosiy” va “ikkilamchi”, **shart-sharoit yaratish o‘rniga ko‘ra** “ichki” va “tashqi”, **sohasiga ko‘ra** ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-huquqiy, ma’naviy-mafkuraviy, xalqaro, diniy, psixologik kabi guruhlash mumkin.

2. Ekstremizmga qarshi kurashishda nafaqat “ko‘maklashuvchi” omillarni bartaraf etish choralarini ko‘rish, balki jamiyatda “tortib turuvchi” omillar rolini oshirish samarali hisoblanadi.

3. Ekstremizmni vujudga kelishi va uning rivojlanishiga imkon beruvchi barcha omillarning doimiy ravishda yetarli darajada tahlil etib borilmasligi hamda oldini olish bo‘yicha chora-tadbirlar ishlab chiqilmasligi, milliy xavfsizlikka real tahdidlarni keltirib chiqaradi. Bunday omillarni tizimlashtirish, ularni bartaraf etishdagi chora-tadbirlarni manzilli ishlab chiqish, mas’ul vazirlik va idoralarga aniq vazifalar qo‘yilishiga imkoniyat yaratadi.

Ishlatilgan adabiyotlar ro‘yhati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning BMT Bosh Assambleyasining 72-sessiyasidagi nutqi. 19.09.2017-yil. // https://president.uz/

[151] Организация Объединенных Наций. План действий по предупреждению насильственного экстремизма. A/70/674. 24 декабря 2015. – С. 3/28 //https://documents.un.org/doc/undoc/gen/n15/456/24/pdf/n1545624.pdf

2. “Is’hoqxon to‘ra” jome masjidi imom xatibi J.Sufiev. Jaholatga qarshi ma’rifat // https://oliymahad.uz

3. https://izoh.uz/word/murosasiz

4. Глобальная контртеррористическая стратегия Организации Объединенных Наций. План действий по предупреждению воинствующего экстремизма A/70/674. 2016, – С. 8. // https://www.refworld.org/

5. Глобальная контртеррористическая стратегия Организации Объединенных Наций. План действий по предупреждению воинствующего экстремизма A/70/674. 2016, – С. 9-11. // https://www.refworld.org/

6. Preventing violent extremism through education Sustainable Development Goals United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization. A guide for policy-makers. Published in 2017 by the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization, 7, place de Fontenoy, 75352 Paris 07 SP, France. – P. 21.

7. Организация Объединенных Наций. План действий по предупреждению насильственного экстремизма. A/70/674. 24 декабря 2015. – С. 3/28 //https://documents.un.org/doc/undoc/gen/n15/456/24/pdf/n1545624.pdf

Алимов Гайбулла Алимович
Жамоат хавфсизлиги университети доценти, ю.ф.н.,доцент

АЛОҲИДА ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМ ШАРОИТИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИДА КЎПЧИЛИК АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БАРОБАРИДА АЙРИМ ҲУҚУҚЛАРНИ ЧЕКЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ушбу илмий мақолада Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституциясида жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ эркинликларини чеклашнинг айрим жиҳатлари, чеклов қўллашнинг қонуний асослари, Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолатлар тўғрисида”ги Конституцион қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-27-сонли “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси” тўғрисидаги Фармони талаблари, бир қатор ҳуқуқшунос олимларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш масалаларида билдирган фикр ва мулоҳазалари ўрин олган.

Калит сўзлар:янги тахрирдаги Конституция, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш, чеклашнинг қонунийлиги ва асослилиги, жамоат хавфсизлиги концепцияси, жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги, инсон ҳуқуқларини чеклашга бўлган аралаш ёндашув.

Аннотация: В ностоящей научной статье приводится некоторые аспекты ограничение некоторых прав и свобод граждан в процессе обеспечение общественного порядка и общественной безопасности в Конституции Республики Узбекистан новой редакции, законые основание применение данных ограничений, требований Конституционного Закона Республики Узбекистан “О черезвычайных положений” и Указа Президента Республики Узбекистан УП №27 “О концепции общественной безопасности”, некоторые точки зрении ученных юристов по данному проблематики.

Ключевые слова: Конституция РУз. новой редакции, ограничение прав и свобод граждан, законности и обоснованности ограничений, концепция общественной безопасности, общественная порядка и общественная безопасность, смешенный подход по вопросам ограничений прав и свобод.

Annotation: The current scientific article presents some aspects of the restriction of certain rights and freedoms of citizens in the process of ensuring public order and public safety in the Constitution of the Republic of Uzbekistan of the new edition, the legal basis for the application of these restrictions, the requirements of the Constitutional Law of the Republic of Uzbekistan “On extraordinary provisions” and the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan UP No. 27 “On the concept of public security”, some points of view of learned lawyers on this issue.

Keywords: Constitution of the Republic of Uzbekistan. new edition, restriction of the rights and freedoms of citizens, legality and validity of restrictions, the concept of public safety, public order and public safety, a mixed approach to the issues of restrictions of rights and freedoms.

Жаҳон ҳамжамияти XXI-асрга кириб борар экан, у доимо қарама-қарши воқеликка дуч келмоқда: бир томондан, ахборот-технологияларнинг тез суратларда ривожланиши ,инсон тараққиёти учун бошқа имкониятларнинг мисли кўрилмаган даражада ўсиши ва иккинчи томондан алоҳида давлатларнинг миллий хавфсизлигига ҳам, жаҳондаги глобал тартибга ҳам жиддий таҳдид соладиган бир қатор омилларнинг кўпайиши ҳолатлари. Биз террорчилик ҳаракатлари, қуролли тўқнашувлар, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқарадиган ҳаракатлар, диний ва этник тўқнашувлар ҳақида гапираяпмиз. Бундан ташқари, дунёнинг кўплаб мамлакатларида экологик вазиятнинг ёмонлашиши натижасида табиий офатлар ва техноген офатлар таҳдидини ўсишидир.

Буларнинг барчаси ички ёки ташқи характердаги фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ёки эҳтимолини камайтиришга қаратилган давлат тадбирларини амалга оширишнинг шошилинч заруратини келтириб чиқаради. Юқорида айтиб ўтилган ҳодисаларнинг салбий оқибатларини олдини олиш ва бартараф этиш учун миллий қонунчиликда назарда тутилган махсус ҳуқуқий режимлар жорий этилишини, бу режимлар амалда кўпчилик аҳоли манфаатларини таъминлаши, Давлат, ташкилот, муассасалар ва жамоатчиликнинг нормал фаолият юритиши учун шароитлар яратиш мақсадида, айрим фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини қонун тартибни тиклаш ва давлат манфаатлари йўлида турли даражада чекловлар қўллаш билан боғлиқ .

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш имконияти янги Ўзбекистон Конституциясининг бир қатор моддаларида (21, 27, 28, 29,31,32, 33,37-моддалар) назарда тутилган [1]. Бу конституциявий тузум, ахлоқ, соғлиқ, бошқаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат мудофааси ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадлари билан боғлиқ.

Шу муносабат билан,Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизими фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини сақлаб қолиш ва фавқулодда вазиятларда асосий ҳуқуқ ва эркинликларни чеклашни таъқиқлашни таъминлашга қаратилган халқаро ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилишни тавсия этувчи бундай чекловлар учун самарали ҳуқуқий воситаларни яратиш муаммосига дуч келмоқда. Сўнгги пайтларда ушбу муаммони ҳал қилишнинг долзарблиги халқаро ҳамжамият ва миллий давлатлар кўпинча фуқароларнинг айрим ҳуқуқ ва эркинликларини тўхтатиб туриш билан бевосита боғлиқ кенг кўламли терроризм ва экстремизм ҳаракатлари хавфини сезиларли даражада ошиб бориши сабаб бўлмоқда.

Шу муносабат билан, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, айниқса шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш, шунингдек, бундай чекловларнинг чегаралари нафақат Ўзбекистон Республикасининг, МДҲ мамлакатлари, балки бутун дунё ҳамжамияти учун юридик фан ва ҳуқуқий тизимнинг мураккаб ва мунозарали масалаларидан биридир.

Жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш (қўриқлаш ва ҳимоя қилиш) - бу давлат органлари томонидан ҳар доим ҳуқуқ ва эркинликларнинг чекланишини ва инсоннинг индивидуал эркинлигига аралашишни, кўпинча ҳокимият органлари,ўз ваколатларини ҳаддан ташқари, суистеъмол қилиш билан кейин эса қонунларнинг мазмунини нотўғри тассаруф этган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаб қўйяди ва айрим ҳолларда ҳатто тўлиқ инкор қилади.

Ўзбекистон Республикасида шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни чеклашнинг конституциявий модели шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни чеклашга аралаш ёндашувни назарда тутади. Бир томондан, Ўзбекистоннинг янги тахрирдаги Конституциясида биринчи марта шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш имкониятини назарда тутувчи умумий қоида билан тўлдирилди (21-модданинг 3-қисми)[2], бошқа томондан, Конституциямизнинг қоидалари муайян

чекловларнинг тегишли ҳуқуқ ва эркинликлар билан ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олади.

Бугунги кунда давлат жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг етакчи субъекти сифатида маълум даражада мавхум ва аник бўлмаган нарсаларни химоя килади, деган танқидлар учраб турибди. Бирок, эксперт ва мутахассислар буни ушбу масала буйича илмий тадкикотларнинг етарли эмаслиги билан боғлашади. Тадкикотларнинг аксарияти ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш буйича фаолиятининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини тахлил қилиш доирасида амалга оширилган бўлиб, унда "жамоат хавфсизлиги" тушунчаси кенг хукукий нормалар доирасида кўриб чиқилган бўлса, Миллий гвардия органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни масаласи тадқиқотчилар томонидан энди ўрганилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси”да[3] “жамоат хавфсизлигига” қуйидаги кенг маънодаги тушунча берилган: жамоат хавфсизлиги — жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди”.

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат ҳисобланади, шу боис, уни илмий асослаш ва замонавий шакллантириш, шунингдек, бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқий ходисалар билан чегараланиш ва муайян алоқаларни ўрнатиш тадқиқот фаолияти учун хам, ҳуқуқ учун хам, ижро амалиёти учун ҳам катта аҳамиятга эга.

"Жамоат хавфсизлиги" тушунчасини тахлил қилишга тўхталадиган бўлсак, шуни такидлаш жоизки, бугунги кунда илмий ишларда ушбу ҳуқуқий тоифани белгилаш бўйича кўплаб қарашлар шаклланган. "Жамоат хавфсизлиги" атамаси илмий билимларнинг турли сохаларида ва ижро этувчи хокимият органлари, шунингдек, ҳуқуқни мухофаза қилувчи органларнинг, шу жумладан Миллий гвардия органларининг амалий фаолиятида кенг қўлланилади. Бирок, унинг

кенг қўлланилишига қарамай, афсуски, бугунги кунда "жамоат хавфсизлиги" таърифига ягона ёндашув мавжуд эмас. Шу муносабат билан "жамоат хавфсизлиги" тушунчасининг мазмунини аниқлаш буйича илмий адабиётлар, амалдаги қонун ҳужжатларини ҳар томонлама тахлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек ҳуқуқшунослик мактаби вакиллари бугунги кунда "жамоат хавфсизлиги" таърифига ўз муносабатларини шакллантиришнинг жараёнига фикр ва мулохазаларини қатъий билдиришганича йўқ. Бунга сабаб Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлиги концепцияси энди эълон қилиниб, уни шакллантириш учун илк қадамлар ташланмоқда. Шу муносабат билан биз мазкур масала юзасидан хориж ҳуқуқшунос олимларини “жамоат хавфсизлиги”, “фуқароларнинг ҳуқуқ эркинликларини чеклаш” каби категорияларни изоҳлашдаги қарашларига таянамиз.

Жамоат хавфсизлиги масаласини долзарблигини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотчи Л.Рогозин уни "табиий офатлар ёки бошка махсус шароитлар билан боғлик холда, алоҳида шароитлар юзага келганда жамият учун ортиб бораётган хавф туғдирувчи объектлардан фойдаланган ҳолда, ҳуқуқий нормаларга мувофиқ шаклланадиган жамоат муносабатлари тизими" деб таърифлайди[4].

Профессор Л.Л.Поповнинг фикрича, жамоат хавфсизлиги деганда одамлар ва умуман жамият учун ортиб бораётган хавф-хатарни келтириб чиқарадиган объектлар ва субъектлардан фойдаланишда, алохида шароитлар, табиий офат ёки ижтимоий ёки техноген хусусиятдаги бошка фавқулодда вазиятлар юзага келганда, ҳуқуқий, техник ва бошқа турдаги нормаларга мувофиқ юзага келадиган жамоат муносабатлари тизими тушунилади[5].

Б.Т.Хамхоевнинг фикрича эса, жамоат хавфсизлиги одамларнинг ҳаёти ва соғлигига, уларнинг мол-мулкига тахдидларнинг олдини олиш ёки бартараф этиш билан боғлик бўлган ижтимоий муносабатларни қамраб оладиган ажралмас қисмдир[6].

"Жамоат хавфсизлиги" тушунчаси мазмунида олимларнинг алоҳида гуруҳи уни ҳимоя қилишнинг барча объектларини белгилайди, яъни: жамоат хавфсизлиги - бу одамларнинг хаёти ва соғлигига, моддий бойликлар ва атроф-муҳитга тахдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишни таъминлайдиган органлар ва воситалар тўпламидир, деб фикр билдиришади[7].

Тадқиқотчи Н.А.Босхамджиева фикрича, жамоат хавфсизлиги қуйидаги институтларни ўз ичига олади: терроризмга қарши кураш институти; экстремизмга қарши кураш институти; жиноий ва бошка ноқонуний тажовузларга қарши курашиш институти; коррупцияга қарши кураш институти; ахолини табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан ҳимоя килиш институти; ноқонуний миграцияга қарши курашиш институти; жамоат хавфсизлигининг айрим турларини (ёнғин, кимёвий, биологик, ядровий, радиациявий, гидрометеорологик, саноат ва транспорт хавфсизлигини) таъминлаш институтлари; жамоат хавфсизлигини таъминлашда халқаро хамкорликни ривожлантириш институти; экологик хавфсизлик институти; ахборот хавфсизлиги институти; озиқ-овқат хавфсизлиги институти[8].

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, албатта, муайян меъёрлар тизими билан тартибга солинади. Бу белги аҳолини ноқонуний тажовузлардан, турли тахдидлардан ҳимоя қилиш қонун устуворлиги асосида амалга оширилаётганидан далолат беради. Шуни таъкидлаш керакки, қонун нормалари фавкулодда вазиятларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш сохасидаги муҳим миқдордаги жамоат муносабатларини тартибга солади, хусусан: инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳатти-харакатларининг чегаралари, жисмоний ва юридик шахсларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган муайян харакатларни амалга ошириш бўйича чекловчи вақтинчалик мажбуриятларини белгилайди, ноқонуний ҳатти-харакатлар турларини белгилайди, яъни фақат қонун нормалари жамоат хавфсизлигига, хам оддий хаёт шароитида, хам фавқулодда вазиятларда хавфсизликка тажовуз қилувчи ҳатти-харакатларнинг тўлик рўйхатини белгилайди.

Ва ниҳоят, шахснинг, жамиятнинг, давлатнинг хаётий манфаатларини амалга оширишдан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларнинг мавжудлиги, улар ижтимоий имтиёзлар, конституциявий тузум, жамоат тартиби, шахсий дахлсизлик, мулк ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрдаги ЎРҚ-737-сонли "Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги конституциявий қонуни [9] фавқулодда ҳолат жорий этиш мақсадини (4-модда) ва фавқулодда режимни жорий этиш ҳоллари ва тартибини (5-модда) белгилайди. Ушбу режимни жорий этишнинг мақсадлари фавқулодда ҳолатни жорий

этиш мақсадлари уни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этишдан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ва ҳудудий яхлитлиги ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат (4-модда).

Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституциясининг 33-моддаси 3-қисмига биноан, “ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади”[10].

Фикримизча фавқулодда ҳолатларда айрим инсон ҳуқуқларини чеклаш институти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг давлат-ҳуқуқий механизмининг муҳим элементи деган хулосага келиш мумкин Амалга оширилган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги чекловларини амалга ошириш механизмини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳар қандай цивилизациялашган ва ривожланган жамиятда мавжуд бўлган фуқароларнинг ҳуқуқларини қонуний чеклаш барча ҳолатларда битта мақсадни кўзлаши керак: ижтимоий зарурат ва объектив мавжуд ҳуқуқий муносабатлар субъекти ҳисобланмиш ҳуқуқ эгасининг манфаатлари ўртасида оқилона муросани топиш - жамиятда қонунларга ҳурмат туйғусини шакллантириш ва мустахкамлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституцияси,Т.2023. *(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон)*

2. Ўша ерда Б.6.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони*. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон; 16.01.2024 й., 06/24/10/0031-сон)*

4. Попов Л.Л. Административное право (вопросы административно-юрисдикционной деятельности органов внутренних дел). М.: Академия МВД СССР. 1983. 280 с.

5. Административное право/под ред. Л.Л.Попова. М.: Юрист, 2002. 699 с.

6. Хамхоев Б.Т. Проблемы определения общественной безопасности // Административное право и процесс. 2011. № 7. С. 40-42.

7. Туманов Г.А., Фризко В. И. Общественная безопасность и ее обеспечение в экстремальных условиях // Советское государство и право. 1989. № 8. С. 21-23.

8. Босхамджиева Н.А. Административно-правовые основы обеспечения общественной безопасности в Российской Федерации: дис. ... докт. юрид. наук. М., 2013. 369 с.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.12.2021 й., 03/21/737/1163-сон

10. Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституцияси,Т.2023. *(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон)*

Алишер Рахимбердиевич Юсупов
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти, т.ф.н., доц.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАРИ УЧУН ЖАРИМА БАЛЛАРИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 20 февралдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-1033-сон қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 майдаги “Йўл ҳаракати қоидабузарликлари жарима баллари асосида баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 296-сон қарори билан жарима баллари тизимини жорий этиш механизми ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Йўл-транспорт ҳодисалари**,** жарима баллари тизими**, E-jarimaball модули,** ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва мониторинг қилиш, ҳайдовчилик маданиятини шакллантириш, ҳайдовчиларнинг интизомини ошириш, ноқонуний йўл билан ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга қарши курашиш, ҳайдовчини транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш.

Аннотация: В статье раскрыт механизм внедрения системы штрафных баллов в соответствии с Законом Республики Узбекистан ЗРУ-1033 от 20 февраля 2025 года «О внесении дополнений и изменений в Уголовный и Уголовно-процессуальный кодексы Республики Узбекистан, а также в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности в связи с совершенствованием системы обеспечения безопасности дорожного движения» и Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 296 от 6 мая 2025 года «О внедрении системы оценки нарушений правил дорожного движения на основе штрафных баллов».

Ключевые слова: дорожно-транспортные происшествия, система штрафных баллов, модуль E-jarimaball, выявление и мониторинг правонарушений, формирование водительской культуры, повышение дисциплины водителей, борьба с незаконным получением водительских

удостоверений, лишение водительских прав на управления транспортным средством.

Abstract: The article presents the mechanism for introducing a penalty points system based on the Law of the Republic of Uzbekistan No. URQ-1033 dated February 20, 2025, “On Amendments and Additions to the Criminal and Criminal Procedure Codes of the Republic of Uzbekistan, as well as the Code of Administrative Responsibility of the Republic of Uzbekistan in Connection with the Improvement of the Road Traffic Safety System,” and the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 296 dated May 6, 2025, “On the Introduction of a Penalty Points-Based System for Assessing Traffic Violations.”

Keywords: traffic accidents, penalty points system, E-jarimaball module, detection and monitoring of violations, formation of driver culture, improvement of driver discipline, combating illegal acquisition of driver’s licenses, deprivation of the right to drive.

Кириш

Автомобилнинг борлиги ҳаётимизда ва ҳаракатланишимизда қулайлик яратади. Лекин, транспорт воситалари паркининг ўсиши жиддий салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқармоқда.1896 йилда биринчи йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганидан буён шу нарса маълум бўлдики, автомобилдан фойдаланишда асосий муаммолардан бири бу йўл-транспорт ҳодисалари (ЙТҲ)дир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотарига кўра, ҳар йили дунёда **1,2 миллион** киши йўл транспорт ҳодисаси оқибатида ҳалок бўлади ва **50 миллиондан** ортиқ киши тан жароҳати олади. Охирги **йилларда** рўй берган ЙТҲларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Республикамизда бир йилда **10 минга** яқин ЙТҲлар рўй бериб, уларда **2 мингдан** зиёд киши ҳалок бўлмоқда ва **10 мингга яқин** киши тан жароҳати олмоқда.

2024 йилнинг 12 ойида республикамизда **9360та** ЙТҲ содир этилган бўлиб, уларда **2203 нафар** фуқаро **ҳалок бўлган** ва **8901 нафар** фуқаро **тан жароҳати** олган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг турлари бўйича таҳлили тўқнашувда **2693та**, ағдарилишда **565та**, тўсиққа урилишда **485та**, пиёдани уриб юборишда **4650 та**, велосипедчини уриб юбориш оқибатида **1037та** ҳодисалар содир этилганини кўрсатди. Йўл-транспорт ҳодисаларининг **4650 таси пиёда**, **4066 таси**

автомобиллар, 1037 таси таси велосипед, 191 таси мотоцикл иштирокида содир этилган.

Расмий маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД ЙҲХХ томонидан 2024 йил давомида жами **24297888та** (2023й. – **16.216.250** та) Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланган.

Юқорида баён этилган таҳлиллар Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилишига қарамасдан ҳайдовчилар томонидан Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатлари ортиб бораётганлиги, уларнинг натижасида йўл-транспорт ҳодисалари рўй бериб, фуқароларнинг турли даражадаги тан жароҳатлари олишларини ва бевақт ўлим ҳолатлари қайд қилинаётганлигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан бутун дунёда, шунингдек, Ўзбекистонда йўлларида кўнгилсиз ҳодисалар сонини камайтиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Йўл ҳаракати қоидаларини бузганларга нисбатан жарима тизими қўлланилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад – ҳайдовчи ва пиёдаларни йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бажаришга ундаш ва уларни ноқонуний хатти-ҳаракатлар амалга оширишдан тийишдир.

Жарима баллари тизими бўйича хориш тажрибаси

Бир қатор мамлакатлар амалиёти шуни кўрсатадики, жарима қоидабузарлар учун психологик ва молиявий тўсиқ бўлиши мумкин. Тадқиқотларга кўра, Швейцариянинг бешта йирик шаҳрида тезликни чеклаш ва тўхташ қоидаларини бузганлик учун жарима миқдорини ошириш самарали чора бўлиб чиқган бўлиб, тўхташ ва тезликни чеклаш қоидаларини бузиш ҳолатлари мос равишда 32 ва 17 фоизга камайган.

Исроилда жарима ва баллик тизим йўлга қўйилган бўлиб, унда нафақат автомобил ҳайдовчиларини жазолаш, балки пиёдалар, велосипедчилар ва хатто шахсий электр транспорт эгаларини ҳам қоидабузарликларини ҳисоблаш кўзда тутилган. Унга кўра ҳайдовчиларга нисбатан энг енгил қоидабузарликлар **“2 балл”,** энг жиддий қоидабузарликларга эса **“10 балл”** қилиб белгиланган. Шулардан энг жиддий йўл ҳаракати қоидаларини бузиш, яъни **“10 балл”га** тенг ҳуқуқбузарликларга қуйидаги қоидабузарликлар киритилган:

- светофорнинг қизил чироғида ҳаракатланиш;

- одамларнинг ўлимига сабаб бўлган йўл-транспорт ҳодисасини содир этиш;
- ҳуқуқсиз транспорт воситасини бошқариш, хавфли ҳолатни келтириб чиқариш, сидирға чизиқни кесиб ўтиб қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш;
- рухсат этилган тезликни ошириб юбориш (аҳоли пунктларида 30 км/соат, аҳоли пунктларидан ташқарида 40 км/соатдан юқори даражада);
- маст ҳолатда транспорт воситасини бошқариш, спиртли ичимликлар ичилганлиги юзасидан тестдан ўтишни рад этиш, йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, воқеа жойини ташлаб кетиш;
- рухсат этилган 25 тоннадан ортиқ вазнли юк ташиш, "Тўхташ" ва “Йўл беринг" белгилари талабларига бўйсинмаслик шулар жумласидандир.

Исроилда жарималар тўплами билан ҳайдовчини **"тузатиш"** механизми йўлга қуйилган бўлиб, унда **12 баллдан 22 балгача**-ҳайдовчи **“Эмзаи тикун”** (ҳайдовчи пуллик хавфсиз ҳайдаш дарслари курсидан ўтиши ва имтиҳон топшириши керак бўлади, агарда синов муваффақиясиз бўлса, транспорт вазирлиги ҳайдовчининг ҳуқуқларини бекор қилиши мумкин. Ҳайдовчилар томонидан қоидабузарликлар бўйича **24-34 балл** тўпланганда Йўл ҳаракати қоидаларини янада чуқур ўрганиш курсидан ва имтиҳондан ўтиш талаб қилинади. Ҳуқуқбузарликлар учун тўпланган баллар умумий ҳисобда **36 баллга етганда** ҳайдовчиларга нисбатан **3 ойлик** ҳайдовчилик ҳуқуқи маҳрум этилади. Ҳайдаш ҳуқуқини қайтариш фақат тўлиқ имтиҳон ва тиббий кўрикдан сўнг амалга оширилиши мумкин.

Кейинги **6 йил** давомида ҳайдовчилик гувоҳномаси қайтариб олганидан кейин, ҳайдовчи яна **36 балл** тўпласа, у **9 ойга** ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилади.

2010 йилларда Франция ҳукумати томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида жиддий ислоҳатлар олиб борилди. Ҳар бир ҳайдовчининг ҳайдовчилик гувоҳномасига боғланган баллар консепцияси жорий этилди. Йўл ҳаракати қоидаларини бузишнинг оғирлигига қараб, турли даражадаги жаримага қўшимча равишда, ҳайдовчиларнинг балансидаги баллар ечиб олинади - ***кичик қоидабузарликлар учун 1 дан, жиддий учун 6 гача***. Ўта жиддий қоидабузарликлар оқибатида (тезлик меъёридан 50 км/соат ёки ундан

кўпроққа ошиши қайд этилса) ҳайдовчи барча балларни йўқотиши ва унинг автомобили жарима майдончасига жойлаштирилиши мумкин.

Агарда ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаларини бузган бўлса, унга почта орқали қоида бузилиши ҳақидаги барча маълумотлар - қоида бузилиш жойи, вақти ва тавсифи, жарима миқдори, жарима баллари сони ва жорий баланс кўрсатилган хабарнома юборилади. Жаримани ўз вақтида тўлаш муҳим, чунки тезкор тўлаш учун кўпчилик жарималар учун чегирма мавжуд, аммо кечиктирилган тўлов учун миқдор сезиларли даражада оширилади.

Францияда тезликни назорат қилиш жуда жиддий – тезликни белгиланган чегарасидан 1 км/соат тезроқ ҳайдаш ҳам тезликни ошириш ҳисобланади. Агар ҳайдовчининг қоидабузарлиги автоматик видео қайд қилиш тизимлари томонидан қайд этилган бўлса, унда уларнинг ҳар бирига маълум бир хато (одатда 5%) белгиланади ва кейин 5% ва 1 км/соат дан ошиб кетган тақдирда жарима солинади. Агарда ҳайдовчининг тезлиги полиция ходимлари томонидан ўлчанган бўлса, тезлик белгиланган кўрсатгичдан 1 км/соатга ошиб кетса, дарҳол жарима солинади - бу ҳолатда хато қоидаси ишламайди.

Турар-жойларда ёки мактаблар яқинида тезлик чегараси доимий равишда 30 км/соатга туширилади ва бу ҳолатларда ундан ошиб кетиши жуда хавфлидир! Биринчидан, тезликни ўлчашда 5%ли хатолик йўқ, иккинчидан, аҳоли пунктларида тезликни ошириш энг жиддий йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳисобланади ва 136 евро жарима ва 2 баллдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Таққослаганда 68 евро 1 баллга тўғри келади. Масалан, 68 евро жаримани 15 кун ичида тўласангиз - 45 евро, 15 кундан кеч тўласангиз - 180 еврога кўтарилади.

Используемая литература:

1. Закон КНР «О народной полиции» (принят на 12-й сессии Постоянного комитета ВСНП КНР восьмого созыва 28.02.1995 г., обнародован Указом Председателя КНР от 28.02.1995 г. № 40). – 17 с.

2. Девяткин А.В. Организационные основы системы обеспечения внутренней безопасности КНР (на примере Народной вооруженной полиции): Дис. ... д-ра филос. воен. наук. – Т., 2024. – 186 с.

3. Инструкция народной полиции ООБ о прохождении обучения: Приказ МОБ КНР № 62 от 13.02.2009. – С. 15–19.

4. Рустамбаев М.Х., Ёкубов У.А. Вооружённые силы и подготовка

военных кадров в Китайской Народной Республике: Информационно-аналитический сборник. – Ташкент: Военно-технический институт Национальной гвардии Республики Узбекистан, 2018. – 100 с.

5. Якубов А.С., Асямов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие. – Т.: Издательство «Fan va texnologiya», 2010. – 452 с.

6. International Institute for Strategic Studies. *The Military Balance 2024*. – London: Routledge, 2024.

7. Liu, H. Simulation Technologies in PLA Training // *Science & Technology for National Defense*. – 2021. – No. 4. – P. 32–40.

8. Ministry of National Defense PRC. *White Paper on China's National Defense in the New Era*. – Beijing, 2019.

9. Wang, J. Military Training Innovation in the PLA // *Journal of Chinese Military Studies*. – 2022. – No. 2. – P. 45–56.

10. Zhou, Y. Systemic Integration of Military Education and Training // *PLA Daily*. – 2023. – May 14.

11. **国家国防科技工**业局 [State Administration for Science, Technology and Industry for National Defense]. ***智能化条件下***军事人才培养模式研究 [Research on Talent Development under Intelligentized Warfare Conditions]. – **北京**: **科学出版社** [Beijing: Science Press], 2020.

12. **国防大学** [National Defense University]. ***中国***军事教育发展报告 [Development Report on China's Military Education]. – **北京**: **国防大学出版社** [Beijing: National Defense University Press], 2021.

13. Официальный сайт Министерства общественной безопасности КНР [Official website of the Ministry of Public Security of the PRC]. – URL: http://www.mps.gov.cn/n20/index.html (дата обращения: 10.07.2024).

14. Обновлен индекс сильнейших армий мира на 2025 год от GFP [Global Firepower Index 2025 Update] // *Amalantra*. – URL: https://amalantra.ru/obnovlen-indeks-silneyshikh-armiy-mira-na-2025-god-ot-gfp/ (дата обращения: 28.01.2025).

Bahriddin G‘iyosov
Davlat huquqiy fanlar va inson huquqlari kafedrasi dotsenti, PhD
E.pochta: bahriddingiyasov01@gmail.com
Tel: 998 (88) 008-68-86
Komiljon Gapparov
“DEFENDER-GAPPAROV”advokatlik byurosi rahbari
Tel: 998 (97) 715-00-51

HUQUQ-TARTIBOTNI TA’MINLASHDA MAJBURIY JAMOAT ISHLARI JAZOSINING ERKIN FUQAROLIK JAMIYATIDA TUTGAN O‘RNI

Annotatsiya: Maqolada majburiy jamoat ishlari jazosining huquqiy tabiati, uning jinoyat-huquqiy sanksiyalar tizimidagi o‘rni va fuqarolik jamiyatidagi ijtimoiy maqsadi to‘g‘risida fikr yuritilgan. Tadqiqotchi mazkur jazo turining jazolash emas, hozirgi kunda ma’muriy jazo turi sifatida qayta tarbiyalash, ijtimoiylashtirish va shaxsni jamiyatga foydali mehnatga jalb etish vazifasini bajarishini asoslab bergan. Bu orqali jinoyat qilgan shaxsning jamiyat oldidagi mas’uliyati va ijtimoiy majburiyatlarini anglatishga qaratilganligi ko‘rsatib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: Jinoiy jazo, ekspluatatsiya, majburiy jamoat ishlari, Jinoyat-ijroiya kodeksi, tendensiya, gumanizm, jazoni ijro etish, sud amaliyoti, mahalliy hokimiyat organlari.

Аннотация: В статье рассматриваются правовая природа наказания в виде обязательных работ, его место в системе уголовно-правовых санкций, его социальное назначение в гражданском обществе. Исследователь обосновал тот факт, что данный вид наказания не является наказанием, а в настоящее время является видом административного наказания, которое служит целям перевоспитания, социализации, привлечения человека к полезному для общества труду. Тем самым показывается, что имеется в виду ответственность лица, совершившего преступление, перед обществом и социальные обязательства.

Ключевые слова: Уголовное наказание, эксплуатация, обязательные работы, Уголовно-процессуальный кодекс, тенденция, гуманизм, исполнение наказания, судебная практика, местные органы власти.

Annotation: The article discusses the legal nature of the penalty of compulsory community service, its place in the system of criminal-legal

sanctions and its social purpose in civil society. The researcher substantiates that this type of punishment is not a punishment, but currently, as a type of administrative punishment, it performs the function of re-education, socialization and involvement of a person in socially useful work. It is shown that this is aimed at explaining the responsibility and social obligations of a person who has committed a crime to society.

Key words: Criminal punishment, exploitation, compulsory community service, Criminal procedure code, tendency, humanism, execution of punishment, judicial practice, local authorities.

Jamiyatda jinoyatchilikning oldini olish va jinoyat sodir etgan shaxslarni ijtimoiy hayotga qaytarishda jazo institutlari muhim ahamiyatga ega. Zamonaviy fuqarolik jamiyatida jazolash emas, balki shaxsni isloh qilish va uni jamiyat manfaatlariga yo‘naltirish ustuvor vazifa sifatida qaraladi. Shu nuqtai nazardan majburiy jamoat ishlari jazosi jinoyat huquqi tizimida insonparvarlik va qayta ijtimoiylashtirish g‘oyalarini ifoda etadi. Ushbu jazo turi O‘zbekiston Respublikasining jinoiy[1] va ma’muriy[2] қонунчилигида ham belgilangan bo‘lib, uning qo‘llanish amaliyoti va samaradorligi alohida tahlilni talab qiladi. Fuqarolik jamiyatida har bir shaxsning huquqiy ongi va javobgarligi muhim sanalgani bois, jazo turlari ham bevosita axloqiy va ijtimoiy ta’sir ko‘rsatishi lozim. Majburiy jamoat ishlari – inson qadr-qimmatini kamsitmasdan, jinoyatchiga jamiyat oldidagi burchini his etish imkonini bergan.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev O‘zbekistonda jazo tizimini insonparvarlik va liberallashtirish yo‘nalishida isloh qilish zarurligini bir necha bor ta’kidlab o‘tgan edi. Xususan, 2020-yilda O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga qilgan murojaatida[3] u jinoyat va jinoyat-protsessual qonunchiligini insonparvarlik nuqtai nazaridan liberallashtirish zarurligini bildirib o‘tdi. Ushbu maqsadda Qonunchilik palatasi va Senat, Vazirlar Mahkamasi bilan birga 2021-yil 1-aprelga qadar mahalliy ijro va vakillik organlari hamda mahalla instituti faoliyatini tubdan takomillashtirishga oid yangi qonun loyihalarini ishlab chiqish zarurligini bildirdi. Bundan tashqari, mazkur hujjatlarda hokimlar, ularning o‘rinbosarlari va maslahatchilarining vakolat chegarasi, vazifa va funksiyalari aniq belgilanishi lozimligi qayd etildi.

Mamlakatimizda jinoyat huquqi sohasida olib borilayotgan islohotlar doirasida majburiy jamoat ishlarining qo‘llanish amaliyoti kengayib, jinoyatchilikning profilaktikasida muhim mexanizm sifatida ko‘rilmoqda. Oliy sud amaliyotida ham ushbu jazo birinchi marta jinoyat sodir etgan, ijtimoiy

xavfsizlik darajasi past bo‘lgan shaxslarga nisbatan qo‘llanishi ma’qul deb topilgan.

Aytish mumkinki, jamoat ishlarining ijtimoiy maqsadi O‘zbekistonda jinoyat siyosati insonparvarlik va qayta ijtimoiylashtirish g‘oyalariga asoslangan. Majburiy jamoat ishlari — aynan ushbu tamoyillarning amaliy ko‘rinishi bo‘lib, shaxsni mehnat orqali tuzatishga yo‘naltirilgan. Jinoyat-ijroiya kodeksining 25^1-moddasida qayd etilganidek, Majburiy jamoat ishlari tariqasidagi jazoni ijro etish mahkumning yashash joyidagi ichki ishlar organlarining probatsiya bo‘linmasi tomonidan amalga oshiriladi. Mahkum majburiy jamoat ishlarini o‘tashi mumkin bo‘lgan joylar (obyektlar) va majburiy jamoat ishlarining turlari probatsiya bo‘linmalari tomonidan mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlarining taklifiga ko‘ra belgilanadi.[4] Shuningdek, Jamoat ishlari davlat, nodavlat va ijtimoiy tashkilotlarda ijtimoiy ahamiyatga ega bo‘lgan mehnat turlarini qamrab oladi. Bu orqali jinoyatchi shaxs jamiyat manfaatini his qiladi va o‘z qilmishi uchun ma’naviy javobgarlikni anglaydi. Bu holat fuqarolik jamiyatida javobgarlik, ijtimoiy adolat va axloqiy tiklanishni ta’minlashga xizmat qiladi.

Majburiy jamoat ishlari jazosi jamiyatning gumanistik tamoyillariga asoslangan holda, jazoning qayta ijtimoiylashtirish funksiyasini kuchaytirish vositasi sifatida namoyon bo‘lgan. Jahon tajribasida, xususan, Shvetsiya va Niderlandiyada ushbu turdagi jazo jinoyatchilarni foydali mehnatga jalb etish orqali ularning jamiyatga moslashuvini tezlashtirishda samarali ekani qayd etilgan.

O‘zbekiston Respublikasining amaldagi qonunchiligiga ko‘ra, majburiy jamoat ishlarining huquqiy asoslari O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 45-moddasiga ko‘ra, majburiy jamoat ishlari jazosi shaxsni jamoat foydali mehnatiga jalb etish orqali ijro etiladi. Bu jazo, odatda, kam og‘ir jinoyatlar sodir etgan shaxslarga nisbatan qo‘llanilib, mazkur jazo jinoyatning og‘irlik darajasiga qarab 30 soatdan 360 soatgacha belgilanishi mumkin. Kodeksda aniq soat miqdori va qaysi turdagi ishlar bajarilishi mumkinligi belgilangan. Jinoyat-ijroiya kodeksida esa mazkur jazo qanday tartibda amalga oshirilishi, nazorat qanday yuritilishi haqida bayon etilgan. Shu bilan birga, ish beruvchilar va mahalliy hokimiyat organlari ham bu jarayonda mas’ul bo‘lib, jazoning ijrosini ta’minlaydi. Bunda shaxsning mehnat huquqlari buzilmasligi, uning qadr-qimmati kamsitilmasligi zarur hisoblanadi. Demak, ushbu turdagi jazo nafaqat jazolash, balki shaxsni qayta tarbiyalashga qaratilgan.

Bundan tashqari, majburiy jamoat ishlari faqat mehnatga layoqatli voyaga yetmaganlarga nisbatan oltmish soatdan ikki yuz qirq soatgacha bo‘lgan muddatga tayinlanadi. Majburiy jamoat ishlari voyaga yetmaganlarning sog‘lig‘iga va ma’naviy jihatdan rivojlanishiga zarar yetkazmasligi, o‘qish jarayonini buzmasligi lozim. O‘n olti yoshdan o‘n sakkiz yoshgacha bo‘lgan shaxslar tomonidan majburiy jamoat ishlarini bajarish muddati, agar qonunda boshqacha qoida belgilanmagan bo‘lsa, olti oy davomida kuniga ikki soatdan oshmasligi, mahkumga bog‘liq bo‘lmagan holatlar yuzaga kelgan taqdirda esa, bir yilgacha bo‘lgan muhlatda kuniga ikki soatdan oshmasligi kerak. Mahkum jazoni o‘tashdan bo‘yin tovlagan taqdirda, sud majburiy jamoat ishlarining o‘talmagan muddatini majburiy jamoat ishlarining to‘rt soatini ozodlikni cheklashning yoki ozodlikdan mahrum qilishning bir kuniga tenglashtirgan holda hisoblab, ozodlikni cheklash yoki ozodlikdan mahrum qilish tariqasidagi jazo bilan almashtiradi. Jazoni o‘tashdan bo‘yin tovlanilgan vaqt jazoning o‘talgan muddatiga qo‘shib hisoblanmaydi.

Bu borada bir qator olimlar ham o‘z mulohazalarini bildirgan bo‘lib, T.Kuchkarov jamoat ishlari fuqaroning ijtimoiy manfaatlar bilan bog‘lanishini kuchaytirib, uning javobgarlik hissini tiklashda muhim omil ekanligini ta’kidlaydi.[5] Ayni paytda, ushbu jazo jazolanuvchining mehnat faoliyatiga va oilaviy sharoitiga ham ta’sir qilmasdan amalga oshiriladi, bu esa uning inson huquqlariga rioya etilishini ta’minlaydi. Mazkur jazo turining qonunchiligimizda belgilangan mohiyatidan kelib chiqqan holdauning nomlanishi tahlil etilganda, majburiy jamoat ishlari jazosining yuridik mohiyati bajarilishi lozim bo‘lgan ishlarning majburiy ijro etishda emas, aksincha shaxsni ijtimoiy foydali ishlarga jalb etishda namoyon bo‘lishini kuzatish mumkin.

Xususan, jinoyat subektining majburiy jamoat ishlarni bajarishga bo‘lgan ruhiy munosabati ixtiyoriy yoki uning ixtiyoriga zid bo‘lishi mumkin. Bu esa o‘z navbatida, mazkur jazoning mohiyatiga ko‘ra ikkinchi darajali ahamiyat kasb etadi. Chunki, majburiy jamoat ishlari jazosini mahkum o‘z ixtiyoriga ko‘ra bajarishi ham mumkin. Mazkur masalani batafsilroq o‘rganish maqsadida majburiy jamoat ishlari jazosini qo‘llovchi sudlar va ularni ijrosini ta’minlovchi ichki ishlar organlarining probatsiya xodimlari o‘rtasida anketa so‘rovi o‘tkazildi.

Demak, majburiy jamoat ishlarining yuridik mohiyati shundan iboratki, ushbu huquqiy ta’sir chorasining sud amaliyotida qo‘llanilishiga kelsak, majburiy jamoat ishlari sudlar tomonidan birinchi marta jinoyat sodir etgan,

kam og‘ir jinoyatlar uchun javobgarlikka tortilgan shaxslarga nisbatan keng qo‘llanila boshlagan. O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudining 2022-yilgi ma’lumotlariga ko‘ra,[6] ushbu jazo turi profilaktika xususiyatiga ega bo‘lgan, ijtimoiy xavfi past bo‘lgan jinoyatlarda faol tatbiq etilmoqda. Masalan, mayda talonchilik, yengil tan jarohati yetkazish, huquqni muhofaza qiluvchi organlar talabini buzish kabi ishlarda sudlar majburiy jamoat ishlarini belgilagan. Sud amaliyotida shaxsning yoshi, aybni tan olishi, pushaymonligi, ijtimoiy ahvoli kabi omillar hisobga olingan holda, mazkur jazo adolat prinsiplariga mos ravishda qo‘llanilmoqda.

Ushbu jazo turi jazoni ijro etishda nazorat va mas’uliyatni oshirish maqsadidida majburiy jamoat ishlarini ijro etish tartibi Jinoyat-ijroiya kodeksida aniq belgilab berilgan bo‘lib, uning nazorati ichki ishlar organlari zimmasiga yuklatilgan. Kodeksning 82-moddasiga asosan, shaxs belgilangan vaqtda va joyda jamoat foydali mehnatini bajarishi shart. Agar shaxs sababsiz kelmasa yoki intizomiy tartibni buzsa, jazo boshqa turga — masalan, ma’muriy qamoq yoki axloq tuzatish ishlariga almashtirilishi mumkin. Shuning uchun, nazorat tizimi samarali yo‘lga qo‘yilmasa, jazo natijasiga erishib bo‘lmaydi. Mahalliy hokimiyat, jamoatchilik va ichki ishlar idoralari o‘rtasidagi muvofiqlik ushbu jarayonning asosiy shartidir.

Zotan, milliy qonunchilikdagi islohotlar va tendensiyalarga to‘xtalidigan bo‘lsak, haq to‘lanadigan jamoat ishlariga majburiy ravishda jalb etish huquqbuzarni ijtimoiy foydali jamoat ishlarini bajarishga majburiy ravishda jalb etishdan iborat bo‘lib, u sudlar tomonidan sakkiz soatdan ikki yuz qirq soatgacha bo‘lgan muddatga tayinlanadi. Agar huquqbuzar o‘qiyotgan bo‘lsa, jamoat ishlari o‘qishdan bo‘sh vaqtda bajariladi. Huquqbuzarlar haq to‘lanadigan jamoat ishlarini o‘tashi mumkin bo‘lgan joylar (obyektlar) va haq to‘lanadigan jamoat ishlarining turlari mazkur jazoning ijrosini nazorat qiluvchi organlar — ichki ishlar organlarining probatsiya bo‘linmalari tomonidan belgilanadi. Haq to‘lanadigan jamoat ishlari pensiya yoshiga yetgan shaxslarga, o‘n sakkiz yoshga to‘lmagan shaxslarga, homilador ayollarga, uch yoshga to‘lmagan bolalari bor ayollarga, birinchi va ikkinchi guruh nogironligi bo‘lgan shaxslarga, doimiy ishga ega shaxslarga, harbiy xizmatchilarga nisbatan qo‘llanilmaydi.

Haq to‘lanadigan jamoat ishlariga jalb etiladigan shaxslar ish haqining ellik foizi aliment majburiyatlari bo‘yicha qarzni to‘lashga yo‘naltiriladi. Huquqbuzar jazoni o‘tashdan bo‘yin tovlagan taqdirda, sud haq to‘lanadigan jamoat ishlarining o‘talmagan muddatini haq to‘lanadigan jamoat ishlarining to‘rt soati uchun ma’muriy qamoqning bir kuniga teng jazo bilan yoxud haq

to‘lanadigan jamoat ishlarining sakkiz soati uchun bazaviy hisoblash miqdorining bir baravariga teng jarima bilan almashtiradi. Bunda ma’muriy qamoqning muddati o‘n besh sutkadan, jarimaning miqdori esa bazaviy hisoblash miqdorining yigirma baravaridan oshmasligi kerak. Bu o‘zgarishlar inson huquqlarini himoya qilish, shaxsni jazo orqali emas, balki ijtimoiy ta’sir orqali tuzatishga qaratilgan tendensiyaning yaqqol ifodasidir.

Xulosa qilib aytganda, majburiy jamoat ishlari jazosi fuqarolik jamiyatida insonparvarlik, ijtimoiy mas’uliyat va qayta ijtimoiylashuv g‘oyalarini o‘zida mujassam etgan. U jinoyatchi shaxsning sha’niga daxl qilmasdan uning xulqini tuzatish, mehnat faoliyati orqali jamiyat manfaatiga xizmat qilishini ta’minlaydi. Jinoyat kodeksida bu normaning mustahkamlanishi va sud-tergov amaliyotida to‘g‘ri qo‘llanilishi orqali jazo tizimida adolat va inson huquqlarining ustuvorligi ta’minlanadi. Demak, majburiy jamoat ishlari jazosi fuqarolik jamiyatida jinoyatchi shaxsning ijtimoiy moslashuviga, huquqiy ongini tiklashga va jamiyat manfaatlarini himoya qilishga xizmat qiladigan gumanistik va profilaktik ahamiyatga ega institusional mexanizm sifatida baholanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi. 43-modda. b^1-band // https://lex.uz/docs/111453
2. O‘zbekiston Respublikasining ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksi. 23-modda // https://lex.uz/docs/97664
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 29.12.2020-yil // https://president.uz/uz/lists/view/4057
4. O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat-ijroiya kodeksi. 25^1-modda. 1-qism // https://lex.uz/docs/163629#3166229
5. Kuchkarov T. “Majburiy jamoat ishlarining yuridik mohiyati”. Special Issue –03(2024) / ISSN 2181-1415. 180-181-betlar.
6. O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2022-yil 14-maydagi “O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining ayrim qarorlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi 9-son Qarori // https://lex.uz/docs/-6066574

Yunusov Davronbek Bekmirza o‘g‘li.
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti tayanch doktoranti, kapitan

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA KUCH ISHLATISH BOSQICHLARI: XORIJIY TAJRIBA VA MILLIY QONUNCHILIKKA TATBIQ ETISH IMKONIYATLARI

Annotatsiya: Mazkur maqolada mamlakatimizda jamoat xavfsizligini ta’minlashda jismoniy kuch ishlatish va maxsus vositalarni qo‘llashning huquqiy masalalari tahlil qilingan. Xalqaro huquq normalarining talablari va rivojlangan mamlakatlarning kuch ishlatish sohasidagi huquqiy tartibga solish tajribasi va amaliy mexanizmlari o‘rganilgan.

Kalit so‘zlar: kuch ishlatish bosqichlari, jismoniy kuch ishlatish, inson huquqlari, maxsus vositalar, Force Continuum modeli, xalqaro standartlar.

Аннотация: В данной статье анализируются правовые вопросы применения физической силы и специальных средств в обеспечении общественной безопасности в нашей стране. Требования норм международного права и опыт правового регулирования в области применения силы развитых стран и практические механизмы.

Ключевые слова: этапы применения силы, применение физической силы, права человека, специальные средства, модель непрерывной силы, международные стандарты.

Bugungi kunda mamlakatimizda jamoat xavfsizligini ta’minlash davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. Mustaqillikka erishganimizdan so‘ng, inson huquq va erkinliklarini himoya qilish, qonun ustuvorligini ta’minlash borasida keng ko‘lamli islohotlar amalga oshirildi. Biroq, jamoat xavfsizligini ta’minlashda inson huquqlariga rioya qilgan holda kuch ishlatish jarayoni dolzarb muammo bo‘lib qolmoqda.

Shuning uchun ham, inson huquqlarini ta’minlash barcha huquqiy davlatlarning eng muhim vazifalaridan biri hisoblanadi. Inson huquqlarini ta’minlashda huquqni muhofaza qiluvchi organlar tomonidan kuch ishlatish alohida ahamiyat kasb etadi. Bir tomondan, huquqni muhofa qiluvchi organlar jamoat xavfsizligini ta’minlashi, jinoyatchilikka qarshi kurashishi lozim. Boshqa tomondan esa, u inson huquqlarini ta’minlashi zarur.

Mamlakatimizda 2023-yil 30-aprel kuni o‘tkazilgan umumxalq referendumi natijasida yangi tahrirdagi O‘zbekiston Respublikasi

Konstitutsiyasi qabul qilindi va unga muvofiq insonlarning huquq va erkinliklarini ta’minlash davlatning oliy maqsadi etib belgilandi. Konstitutsiyamizning 21-moddasi: “Inson o‘z huquq va erkinliklarini amalga oshirishda boshqa shaxslarning, jamiyat hamda davlatning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlariga putur yetkazmasligi shart. Insonlarning huquq va erkinliklari faqat qonunga muvofiq va faqat konstitutsiyaviy tuzumni, aholining sog‘lig‘ini, ijtimoiy axloqni, boshqa shaxslarning huquq va erkinliklarini himoya qilish, jamoat xavfsizligini hamda jamoat tartibi ta’minlash maqsadida zarur bo‘lgan doirada cheklanishi mumkin[1] – deb belgilanganligi ham fikrimizning isbotidir.

Dasavval “inson huquqlari” tushunchasiga to‘xtalib o‘tsak, “inson huquqlari” tushunchasi 1948-yil 10-dekabrda qabul qilingan “Inson huquqlari umumjahon Deklaratsiyasi”[2]da o‘z aksini topgan. Bu hujjat dunyodagi barcha insonlarning asosiy huquq va erkinliklarini belgilab beradi va keyinchalik qabul qilingan ko‘plab xalqaro shartnomalar, konventsiyalar va milliy qonunchiliklar uchun asos bo‘lib xizmat qiladigan inson huquqlari bo‘yicha asosiy huquqiy hujjatdir.

Shuningdek, 1990-yilda BMTning Gavanada o‘tkazilgan 8-kongressdagi “Huquq tartibotni saqlash bo‘yicha mansabdor shaxslar tomonidan kuch va o‘qotar qurol ishlatishining asosiy prinsiplari” qabul qilingan[3]. Xalqaro standartlarda kuch ishlatishning to‘rt asosiy tamoyili belgilangan. Zaruriylik tamoyili kuch ishlatishni faqat boshqa usullar samarasiz bo‘lgan hollarda qo‘llash imkonini beradi. Mutanosiblik tamoyili esa qo‘llaniladigan kuchning darajasi erishilishi kerak bo‘lgan maqsadga mutanosib bo‘lishini talab qiladi. Qonuniylik tamoyili kuch ishlatishning faqat qonun hujjatlarida nazarda tutilgan hollarda amalga oshirilishini ko‘zda tutadi. Hisobdorlik tamoyili esa kuch ishlatish hollarining to‘liq hujjatlashtirilishi va nazorat qilinishini nazarda tutadi.

Shuni alohida qayd etish kerak-ki, jamoat xavfsizligini ta’minlashda kuch ishlatish zarurati paydo bo‘lganda, bu jarayon aniq huquqiy me’yorlar va xalqaro standartlar asosida amalga oshirilishi lozim. Dunyoning rivojlangan mamlakatlarida kuch ishlatishning bosqichli modellarini qo‘llash amaliyoti inson huquqlarini himoya qilish va samarali huquq-tartibot faoliyatini ta’minlashda ijobiy natijalar bermoqda.

Shu nuqtai nazardan, xorijiy mamlakatlarning kuch ishlatish sohasidagi tajribasini o‘rganish va uni mamlakatimiz qonunchiligiga moslashtirilgan holda qo‘llash imkoniyatlarini tahlil qilish dolzarb ahamiyat kasb etmoqda.

Xorijiy tajribani o‘rganish natijasida bir qator rivojlangan davlatlar o‘z milliy qonunchiligida kuch ishlatish tartibini belgilagan. Xususan, Amerika Qo‘shma Shtatlarida “Force Continuum” modeli keng qo‘llaniladi. Ushbu model olti bosqichli tizimni o‘z ichiga oladi.

“Force Continuum” *(Kuch qo‘llash bosqichlari)* modeli – bu huquqni muhofaza qiluvchi organ xodimlari tomonidan kuch ishlatishning bosqichma-bosqich tizimidir. Bu model 1980-yillarda AQShda rivojlana boshlagan, politsiya xodimlariga vaziyatga qarab mos darajadagi kuchni tanlash va qo‘llash imkonini beradi.

Shuningdek, “Force Continuum” *(Kuch qo‘llash bosqichlari)* modelining bosqichlari:

1. Politsiya xodimining xizmat joyida faoliyat yuritishi, vaziyatni kuzatishi va baholash bosqichi;
2. Og‘zaki muloqot bosqichi: *(bunda xodim tomonidan aniq va qat’iy og‘zaki tushuntirishlar bilan vaziyatni tinch yo‘l bilan hal etishi lozim);*
3. Yengil jismoniy kuch ishlatish bosqichi: *(ushbu bosqichda xodim tomonidan huquqbuzarni qo‘lidan ushlashi, joyidan siljitishi, to‘xtatishi, yengil kuch ishlatishidan iborat bo‘ladi);*
4. Faol jismoniy kuch ishlatish bosqichi: *(huquqbuzarni qo‘llarini orqaga qayirishi, yerga yotqizishi, qo‘l jangi usullarini qo‘llashdan iborat bo‘ladi);*
5. Maxsus vositalarni qo‘llash bosqichi: *(huquqbuzarlarga nisbatan faol maxsus vositalar (maxsus tayoqlar, elektroshoker va boshqa vositalarni) qo‘llash);*
6. O‘qotar qurollarni qo‘llash bosqichi: *(huquqbuzarga nisbatan faqat eng so‘nggi chora sifatida o‘qotar qurol qo‘llashdan iborat)* [4].

Germaniyada “Polizeiliche Zwangsanwendung” qonuni kuch ishlatish tartibini batafsil belgilaydi[5]. Bu qonun kuch ishlatishdan oldin ogohlantirish majburiyatini, qo‘llaniladigan kuch turlarini va har bir holat uchun hujjatlashtirilish tartibi belgilangan.

Hozirgi kunda mamlakatimiz qonunchiligida kuch ishlatish bir qator qonun hujjatlarida tartibga solingan. Biroq, mavjud qonunchilik kuch ishlatishning aniq bosqichlari belgilanmagan va umumiy asoslangan. Bu esa amaliyotda turli talqinlarga va nomuvofiqliklarga olib kelmoqda.

Fikrimizcha ushbu kuch ishlatish bosqichlari modelini mamlakatimiz qonunchiligiga joriy etish bir qator afzalliklarga ega. Birinchidan, u harbiy xizmatchi (xodim)larga aniq yo‘riqnoma beradi va ular tomonidan qabul qilinadigan qarorlarni aniqlashtiradi. Ikkinchidan, kuch ishlatishning nomutanosib tarzda qo‘llanilishini oldini oladi. Uchinchidan, jamoatchilik

ishonchini oshiradi va huquqni muhofaza qiluvchi organlarning obroʻsini mustahkamlaydi.

Shuningdek, kuch ishlatish bosqichi jamoat xavfsizligini ta’minlashga jalb etiladigan kadrlarni oʻqitish va tayyorlash jarayonlarini yaxshilaydi hamda turli vaziyatlarda toʻgʻri, qonuniy qaror qabul qilish koʻnikmalarini shakllantiradi.

Yuqoridagi fikrlarni inobatga olgan holda quyidagilarni taklif etamiz:

Birinchidan, “Huquqni muhofaza qiluvchi organlari tomonidan kuch ishlatish bosqichlari toʻgʻrisida”gi qonun loyihasini ishlab chiqish va qabul qilish. Ushbu qonun oltita asosiy bosqichni oʻz ichiga olgan holda kuch ishlatish tartibini batafsil belgilashi va har bir bosqich uchun aniq mezonlar va cheklovlarni mustahkamlaydi.

Ikkinchidan, jamoat xavfsizligi ta’minlashga jalb etilayotgan harbiy xizmatchi (xodim)lar uchun kuch ishlatish bosqichlari boʻyicha maxsus oʻquv dasturlarini ishlab chiqish va joriy etish. Ushbu dasturlar nazariy bilimlar bilan bir qatorda amaliy mashgʻulotlarni ham oʻz ichiga oladi.

Xulosa qilib aytganda, jamoat xavfsizligi ta’minlash jarayonida inson huquqlariga rioya qilgan holda kuch ishlatishni ta’minlash tizimi xalqaro standartlarga muvofiq takomillashtirilishi kerak. AQShning “Force Continuum” modeli kabi kuch ishlatish bosqichlarini mamlakatimiz qonunchiligiga moslashtirilishi kuch ishlatish jarayonlarini tartibga solish va huquqbuzarliklar darajasini kamaytirishga xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR ROʻYXATI:

1. Yangi tahrirdagi Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. Oʻzbekiston. T.: 2023 // https://lex.uz.

2. Inson huquqlari umumjahon Deklaratsiyasi. 1948-yil 10-dekabr. BMT 217 A (III)-sonli rezolutsiyasi // https://constitution.uz.

3. Basic Principles on the Use of Force and Firearms by Law Enforcement Officials. Eighth United Nations Congress. Havana. Cuba. 27 August to 7 September 1990.

4. National Institute of Justice. (2009). 3 avg. The Use-of-Force Continuum. Retrieved from https://nij.ojp.gov/topics/articles/use-force-continuum.

5. Deutsches Polizeigesetz. (2018). Polizeiliche Zwangsanwendung. Retrieved from https://www.gesetze-im-internet.de/bzwg.

Ortiqov Abror Nemat o‘g‘li
Jamoat xavfsizligi universiteti Axborot-resurs markazi boshlig‘i, mustaqil izlanuvchi
+99888-684-71-71 ayaksnavoi@gmail.com.

MILLIY VA XORIJIY QONUNCHILIKDA SHAXS OZODLIGIGA QARSHI - ODAM O‘G‘IRLASH JINOYATLARINING O‘ZIGA XOSLIGI

Rezyume:

Maqolada odam o‘g‘irlash va garovga olish jinoyatlari yuzasidan bir qancha mamlakatlarning huquq normalari, huquqshunoslarining keng qamrovli fikrlari atoflicha yoritilgan. Xorijiy davlatlarda odam o‘g‘irlash va garovga olish jinoyatlari aybdorlariga uning qilimishiga yarasha jazo tayinlanishi muammolari muhokama qilinib, jinoiy jazolarni qo‘llanilishi, og‘irlik darajalari taqqoslanib o‘rganilgan. Inson huquqlarini ta’minlash, jumladan shaxs erkinligi va uni o‘g‘irlashning jinoiy-huquqiy asoslarini mustahkamlash, odam o‘g‘irlash oqibatida murakkab aybli jinoyatlarning yuzaga kelishi mumkinligi o‘rganilgan. AQSH, Xitoy, Yevropa davlatlarida ushbu nisbatan jazoning tayinlanishi va uni kvalifikatsiya qilinishi qisqacha tushuntirib berilgan.

Tayanch iboralar: Erkinlik, odam o‘g‘irlash, jinoyat tarkibi, yomon niyat, hibsga olish, garovga olish, erkinlikka tajovuz qilish, ozodlikdan mahrum qilish, zo‘ravonlik ishlatish.

Аннотация:

В статье подробно освещаются правовые нормы ряда стран, широкий круг мнений юристов по поводу преступлений похищения и захвата заложников. Обсуждались проблемы назначения наказания виновным в совершении преступлений похищения и захвата заложников в зарубежных странах в соответствии с его деянием, изучалось применение уголовных наказаний, сравнивались степени тяжести. Изучено обеспечение прав человека, в том числе закрепление уголовно-правовых основ свободы личности и ее хищения, возможность совершения сложных преступлений, связанных с похищением человека. Кратко объясняется назначение наказания и его квалификация в отношении преступников в США, Китае и Европейских странах.

Ключевые слова: Свобода, похищение человека, состав преступления, злой умысел, задержание, захват заложников, посягательство на свободу, лишение свободы, применение насилия.

Abstract:

The article highlights in detail the legal norms of a number of countries, a wide range of legal opinions on the crimes of kidnapping and hostage-taking. The problems of sentencing those guilty of kidnapping and hostage-taking in foreign countries in accordance with their act were discussed, the application of criminal penalties was studied, and the degrees of severity were compared. The article examines the provision of human rights, including the consolidation of the criminal legal foundations of individual freedom and its theft, the possibility of committing complex crimes related to kidnapping. The purpose of punishment and its qualification in relation to criminals in the USA, China and European countries are briefly explained.

Key words: Freedom, kidnapping, corpus delicti, malicious intent, detention, hostage-taking, encroachment on freedom, deprivation of liberty, use of violence.

XXI asrning o‘tgan chorak davri davomida ilm-fan, texnika va yangi axborot texnologiyalari rivojlanishi, jadallashuvi yuz berdi, lekin, Inson huquq va manfatlarini ta’minlash dolzarb muammoligicha qolmoqda. Yaqin sharq, Afg‘oniston va Sharqiy Yevropada jumladan, Ukraina-Rossiya o‘rtasidagi urush, uning oqibatida yuzaga kelgan bir qancha iqtisodiy inqirozlar ro‘y berayotganligi fonida shaxs erkinliklarini kamsituvchi jinoyatlar mavjudligicha qolayotganligini ko‘rishimiz mumkin. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev **“Inson manfaatlari hamma narsadan ustun”** degan oliyjanob g‘oyani izchillik bilan hayotga tatbiq etishni muhim vazifa sifatida belgilab berdi.[183] Odamni o‘g‘irlash va tutqunlikda saqlash jinoyatlari esa inson huquq va manfaatlarining qo‘pol tarzda buzilishidan dalolat beradi. Shuning uchun Shaxsni garov sifatida ushlab tutqunlikka olish va Odam o‘g‘irlash jinoyatlariga qarshi kurash yuzasidan xorij tajribasini o‘rganish, qonunchilik normalarini qayta ko‘rib chiqish hozirgi davrning muhim talablaridan biridir.

Garov sifatida tutqunlikka olish — shaxsni tutqunlikka olib, davlat, xalqaro tashkilot, jismoniy yoki yuridik shaxsdan biron-bir harakat sodir etish yoki biron-bir harakat sodir etishdan o‘zini tiyib turishni talab qilib, garov sifatida ushlab turilgan shaxsni ozod qilish shartini qo‘yishdir. Bunda aybdor shaxsni tutqunlikka olib, o‘z talablarini qo‘yar ekan, eng avvalo tutqunlikka olingan shaxsni, shuningdek boshqa shaxslarning sog‘lig‘i va hayotini xavf

[183] Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. Toshkent: O‘zbekiston, 2018.-B.7.

ostida qoldiradi. Jinoyat subyekti 16 yoshga to‘lgan har qanday aqli raso shaxs bo‘lishi mumkin. Jinoyatchilar 16 yoshga to‘lmagan, ammo shaxsni garovga olgan holatlarda ularning harakatini boshqa moddalar bo‘yicha kvalifikatsiya qilish lozim.[184] Odam o‘g‘irlash jinoyati xususida O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksida aniq ta’rif berilmagan, Jinoyat kodeksi 137-moddasida **“Ushbu Kodeksning 245-moddasida nazarda tutilgan alomatlar mavjud bo‘lmagan holda odam o‘g‘irlash”** sifatida 14 yoshga to‘lgan har qanday aqli raso shaxsga nisbatan jinoiy javobgarlikni belgilaydi. Bu ikki jinoyat bir-biriga yaqin jinoyatlar bo‘lib, ularni farqlash jinoyatni kvalifikatsiya qilishda eng muhim omildir. Odam o‘g‘irlash jinoyatlari bevosita shaxsga va uning erkinligini kafolatlovchi ijtimoiy munosabatlarga daxl qiladi, Shaxsni garov sifatida tutqunlikka olish jinoyatlarining obyekti esa eng avval Jamoat xavfsizligini ta’minlovchi ijtimoiy munosabatalar sifatida baholash mumkin. Ikki jinoyatda ham jinoyatchilarning maqsadlari turli yo‘nalishlarda belgilanadi. Shu o‘rinda aytish mumkinki, xorijiy mamlakatlarda bu ikki jinoyat bir o‘rinda ifodalanishi va turdosh jinoyatlar sifatida qaralishi holatlari mavjud.

Demokratik prinsiplarning ilg‘or tashabbuskori sifatida qaraladigan AQSH Qonunlar to‘plamining 1202-paragrafida yuqorida zikr etilgan (1201-paragrafda nazarda tutilgan) jinoyatlarni sodir etish munosabati bilan tovon puli yoki haq sifatida topshirilgan pul mablag‘lari mol-mulk yoki uni biron-bir qismini bila turib olgan shaxsga o‘n ming dollargacha jarima yoki o‘n yilgacha turma qamog‘i yoki ikkala turdagi jazo nazarda tutilgan. Ayni shu qonunlar to‘plamning 1751-paragrafiga muvofiq AQSH Prezidenti yoki uning devoni a’zosini o‘ldirish, o‘g‘irlash yoki unga hujum qilish uchun alohida jinoiy javobgarlik belgilangan.[185] Amerika Qo‘shma Shtatlari jinoyat huquqining o‘ziga xos xususiyati shu bilan belgilanadiki, mazkur davlatda bir necha o‘nta huquqiy tizim muvoziy tarzda amal qiladi. Ba’zan bu huquqiy tizimlar bir-biridan sezilarli darajada ajralib turadi[186]. Odam o‘g‘irlash turlari va mazkur jinoyatni sodir etganlik uchun jazo AQSH federal jinoyat qonunchiligi va ayrim shtatlarini qonun hujjatlariga muvofiq bir xil emas. Aynan shtatlarda odam o‘g‘irlash uchun hatto o‘lim jazosi ham nazarda tutilgan (bunda jazo faqat odam o‘g‘irlash jabrlanuvchining o‘limiga olib kelgan hollardagina tayinlanishi mumkin). Mazkur jazo o‘g‘irlanganlarni tirik qaytarish va o‘g‘rilarni ularning

[184] Rustambayev M.X.O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksiga sharh. Maxsus qism. - Toshkent: Adolat, 2016.-B.710.

[185] Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Новое и Новейшее время. - М., 1999. - С. 418-419 .

[186] Уголовное право зарубежных стран. Общая часть / Под ред. И.Д.Козочкина. - М., 2003. - С. 108.

hayoti haqida oʻylashga majbur etish uchun nazarda tutilgan boʻlsa kerak. AQSH namunaviy jinoyat kodeksning “Odam oʻgʻirlash va bunda turdosh jinoyatlar” deb nomlangan 212-boʻlimiga “ularni oʻgʻirlash” deb nomlangan 212.1-modda kiritilgan boʻlib, unda quyidagi maqsadlardan birini koʻzlab oʻzga shaxsni uning yashash yeri ish joyidan boshqa joyga gʻayriqonuniy ravishda koʻchirilgan yoxud shaxsning bir joydan alohida ajratilgan boshqa joyga uzoq muddatga gʻayriqonuniy ravishda koʻchirgan shaxs odam oʻgʻirlashda aybdor boʻlishi aytilgan: a) oʻzga shaxsni tovon puli yoki haq toʻlashni talab qilish uchun yoki garov sifatida tutqunlikka olish; b) biron-bir ogʻir jinoyat sodir etishni yoki uni sodir etgandan soʻng qochib yashirinishni yengillashtirish; yoki jabrlanuvchining yoxud oʻzga shaxsning badaniga shikast yetkazish yoki ularda qoʻrquv uygʻotish; yoki biron-bir davlat funksiyasi yoki siyosiy funksiyani bajarishga toʻsqinlik qilish[187]. Uzoq vaqt davomida AQSh sudlari odamni (odatda bolani) oʻgʻirlashni yanada qattiqroq jazoga loyiq bo'lgan noqonuniy qamoq turi sifatida ko'rib chiqdi. Oʻgʻirlangan shaxsni boshqa davlatga yoki bir shtatdan boshqasiga olib oʻtish ogʻirlashtiruvchi holat deb topildi. Tadqiqotchilarning ta’kidlashicha, AQShda yuzdan ortiq shunga oʻxshash jinoyatlar jinoiy faoliyatning oʻziga xos turi sifatida tan olingunga qadar (odatda toʻlov olish maqsadida) sodir etilgan.[188]

Nyu-York shtatining jinoyat kodeksiga muvofiq oʻzga shaxsni oʻgʻirlagan odam, agar u mazkur qilmishni: 1) uchinchi shaxsni tovon toʻlashga yoki tovon haqi sifatida pul yoki mol-mulkni topshirishga yoxud muayyan harakatlarni bajarish yoki bajarmasdan oʻzini tiyishga majburlash niyatida sodir etgan; 2) agar aybdor oʻzga shaxsni: a) uning badaniga shikast yetkazish yoki nomusiga tegish; b) ogʻir jinoyat sodir etish yoki sodir etishga koʻmaklashish; v) uni yoki uchinchi shaxsni ta’qib qilish; g) ma’muriy yoki siyosiy vazifalarini bajarishga aralashish niyatida 12 soatgacha koʻproq vaqt tutqunlikda saqlagan boʻlsa; 3) agar oʻgʻirlangan shaxs oʻgʻirlash vaqtida yoki uni qaytargunlariga qadar oʻlgan boʻlsa, birinchi darajali odam oʻgʻirlashda aybdor deb topiladi. Umumiy qonunga koʻra, odam oʻgʻirlash bir mamlakatda odamni majburan oʻgʻirlash va boshqasiga olib ketishdir. Biroq, deyarli barcha jinoyat kodeksida bu jinoyat kengroq tushuniladi. Masalan, ular, qoida tariqasida, biron bir hududga “ko'chib oʻtish” belgisini eslatmaydilar. Istisno Kaliforniya Jinoyat kodeksi boʻlib, u oʻgʻirlash ta’rifida oʻgʻirlangan shaxsni “boshqa mamlakatga, boshqa

[187] Примерный Уголовный кодекс США. - М., 1969.

[188] Андрушко А.В. Криминальноправова протидия викраденню людей у США. Прикарпатський юридич - ний висник. 2017. Випуск 6 (21) том 2. С. 105–109.

shtatga, boshqa okrugga yoki o‘sha okrugning boshqa qismiga” tashish haqida gapiradi (207-modda).[189]

Ispaniya jinoyati qonunchilariga odamni g‘ayriqonuniy ravishda ta’qib qilish va o‘g‘irlash uchun jinoiy javobgarlik nazarda tutilgan: mazkur qilmishlarni sodir etganlik uchun javobgarlik haqidagi normalar “Shaxs erkinligiga qarshi jinoyatlar” deb nomlangan VI bo‘limda belgilangan. Ispaniya JKning birovni g‘ayriqonuniy ravishda ozodlikdan mahrum qilish uchun javobgarlikni tartibga soluvchi 163-moddasiga muvofiq, ayrim shaxs o‘zga shaxsni g‘ayriqonuniy ravishda ozodlikdan mahrum qilib, uni tutqunlikda saqlaganlik uchun to‘rt yildan olti yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi. Bunda, agar tutqunlikda saqlash yoki ushlab turish 15 kundan ortiq davom etgan bo‘lsa aybdor besh yildan sakkiz yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi[190].

Ispaniya JK mazkur bo‘limining 164-moddasiga muvofiq olti yildan o‘n yilgacha ozodlikdan mahrum qilish tariqasidagi jazo odam o‘g‘irlashni uni ozod qilish uchun muayyan shartlarni bajarish talabi bilan amalga oshirish uchun nazarda tutilgan. Bunda jinoyatchining shartlarini bajaruvchilar Ispaniya JKning 167-moddasida aytib qo‘yilgan. Ayni shu sababli va odam o‘g‘irlash uchun alohida javobgarlik Ispaniya jinoyat qonunchilarida nazarda tutilmaganini e’tiborga olib, mazkur qilmish aynan shaxsni garov sifatida tutqunlikka olishning alomatlari bilan muvofiq keladi, deb taxmin qilish mumkin.

Italiya jinoyat kodeksining “Mulkka qarshi jinoyatlar haqida” deb nomlangan 8-bo‘limi “Shaxslarga zo‘rlik ishlatib sodir etiladigan mulkka qarshi jinoyatlar haqida” deb nomlangan **“Tovlamachilik maqsadida zo‘rlik ishlatib odam o‘g‘irlash”** deb nomlangan 163-modda mavjud bo‘lib, unda shunday deyilgan: “o‘zi uchun yoki o‘zgalar uchun tovon puli tariqasida g‘ayriqonuniy daromad olish maqsadida odam o‘g‘irlash sodir etgan har kim yigirma besh yildan o‘ttiz yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi; agar odam o‘g‘irlash natijasida jinoiy niyatga kirmagan oqibat sifatida o‘g‘irlagan ularni o‘limi kelib chiqqan bo‘lsa, ayblanuvchi o‘ttiz yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi, agar ayblanuvchi o‘g‘irlangan odamni o‘ldirgan bo‘lsa, oliy jazo qo‘llaniladi”.

Xitoy xalq respublikasining jinoyat qonunchiligida esa, odam o‘g‘irlash va shaxsni garov sifatida tutqunlikka olish uchun javobgarlik bitta moddada ko‘zda tutilgan: XXR JKning 239-moddasiga muvofiq tovlamachilik yo‘li bilan

[189] Оганян Р.Э. Криминологическая теория и практика предупреждения преступлений, связанных с похищени - ем людей : дисс. … д-ра юрид. наук : спец. 2.00.08. Москва, 2002. 328 с.
[190] Уголовный кодекс Испании / Под ред. Н.Ф.Кузнецовой и Ф.М.Решетникова. - М., 1998.

mol-mulkni berishni talab qilish maqsadida odam o‘g‘irlash yoki uni garov sifatida tutqunlikka olish jinoyat deb topiladi. XXR JKning 238-moddasida uchinchi shaxsni g‘ayriqonuniy ravishda hibs etish yoki uni boshqa yo‘llar bilan ozodlikdan mahrum qilish uchun jinoiy javobgarlik belgilangan. Odam o‘g‘irlash uchun maxsus javobgarlik uchun faqat – maxsus maqsad – tovlamachilik yo‘li bilan mol-mulkni berishni talab qilish mavjud bo‘lgan holdagina nazarda tutilganini e’tiborga olib, mazkur qilmish aybdorning yuqorida zid etilgan maqsadisiz sodir etilgan taqdirda uning harakatlari g‘ayriqonuniy ravishda ozodlikdan mahrum qilish sifatida kvalifikatsiya qilinishi lozim, degan xulosaga kelish mumkin. Bunday jinoyatni sodir etgan shaxs o‘g‘irlangan shaxsni o‘ldirgan yoki badaniga shikast yetkazgan bo‘lsa, XXR JKning odam o‘ldirish va badanga shikast yetkazish uchun javobgarlik nazarda tutilgan 232-moddasi yoki 234-moddasi bilan jinoyatlar majmui bo‘yicha o‘lim jazosiga hukm qilinishi ham mumkin[191].

XXR JKning 240-moddasida ayol yoki bolani sotish maqsadida o‘g‘irlash uchun alohida jinoyat-huquqiy norma nazarda tutilgan mazkur jinoyatni sodir etganlik uchun jazo – jarima solgan holda besh yildan o‘n yilgacha ozodlikdan mahrum qilish. Javobgarlikni og‘irlashtiruvchi alohida holatlar mavjud bo‘lgan taqdirda jazo chorasi kuchaytiriladi (o‘lim jazosiga qadar)[192]. Xorijiy huquq manbalarida odam o‘g‘irlash, undan foydalanish, garovga olish va tahdid qilish orqali pul talab qilishga oid normalar belgilangan, lekin jinoyatning obyekti xususida turlicha to‘xtamlarga kelingan. Jinoyatlar uchun jazo choralar keskin bo‘lib, 20 yilgacha qamoq va ozodlikdan mahrum etish, yoki oliy jazogacha bo‘lgan sanksiyalar qo‘llanilgan.

Yaponiya jinoyat qonunchiligida (tegishli o‘zgartirishlar va qo‘shimchalar kiritilgan 1907-yilgi JKda) g‘ayriqonuniy ravishda ushlab turish va ozodlikdan mahrum qilish uchun jinoiy javobgarlik nazarda tutilgan (220-modda), bunda mazkur qilmishni jinoyatchining yoki uning xotini (eri)ning yaqin qarindoshi bo‘lgan shaxsga nisbatan sodir etish jinoyatning javobgarlikni og‘irlashtiruvchi holati sifatida belgilangan.[193] Ushbu jinoyatni sodir etilganlik uchun Yaponiya JKda yetti yilgacha muddatga majburiy jismoniy mehnat tariqasidagi jazo nazarda tutilgan.

Ayrim davlatlar shu jumladan MDH davlatlari (Qozog‘iston, Tojikiston, Rossiya Federatsiyasi)ning jinoyat qonunchiligida odam o‘g‘irlash yoki shaxsni garov sifatida tutqunlikka olish sodir etgan shaxslar uchun jinoiy

[191] Ахметшин Х.М., Ахметшин Н.Х., Петухов А.А. Современное уголовное законодательство КНР. - М., 2000. - С. 133

[192] Уголовный кодекс Китайской Народной Республики. - СПб., 2001.

[193] Уголовный кодекс Японии / Под ред. А.И.Коробеева. - СПб., 2002.

javobgarlikdan, binobarin, boshqa jinoyat-huquqiy oqibatlaridan ham ozod qilish imkoniyati nazarda tutilgan. Bu yerda gap chin koʻngildan pushaymon boʻlish, ya'ni odam oʻgʻirlagan yoki uni garov sifatida tutqunlikka olgan shaxs ushlab turilgan odamni ixtiyoriy ravishda qoʻyib yuborishi haqida boradi. Oʻzbekiston, Ukraina, Estoniya va boshqa davlatlarning jinoyat qonunchiligida odam oʻgʻirlash uchun ham, gʻayriqonuniy ravishda ozodlikdan mahrum qilish va shaxsni garov sifatida tutqunlikka olish uchun ham aybdorni jinoiy javobgarlikdan ozod qilish imkoniyati nazarda tutilmagan. Uzoq xorij mamlakatlarining qonun chiqaruvchilari odam oʻgʻirlagan va uni qoʻyib yuborgan shaxsni javobgarlikdan ozod qilishni emas, balki bu holda jazoni yumshatishni ma'qul koʻradi. Masalan, GFR JK 239-a-paragrafining tovlamachilik maqsadida odam oʻgʻirlash uchun javobgarlik nazarda tutilgan toʻrtinchi qismga muvofiq, agar jinoyatni bajaruvchi oʻzi talab qilgan tovon pulidan voz kechib, jabrlanuvchini qoʻyib yuborgan boʻlsa, sud jazosi yumshatilishi mumkin.[194]

Odam oʻgʻirlash uni tutqunlikka olish usullari har xil boʻlishi, chunonchi: ochiqdan – ochiq yoki yashirincha zoʻrlik ishlatib, shuningdek aldash yoki ishonchli suiiste'mol qilish yoʻli bilan amalga oshirilishi mumkin. M.X.Rustambayev ta'biri bilan aytganda, "egallab olish deganda jabrlanuvchiga egalik qilish, uning taqdirini belgilash imkoniyatiga ega boʻlish uchun uni shaxsiy erkinligidan mahrum qilish nazarda tutiladi".[195] Yuridik adabiyotlarda shuningdek, **"bosqinchilik yoʻli bilan odam oʻgʻirlash"** toʻgʻrisida ham soʻz yuritiladi.[196] Odam oʻgʻirlash jinoyatida tirik insonning jismoniy erkinligini asosiy bevosita obyekt hisoblanadi. Agar insonning erkinligi qoʻshimcha obyekt boʻlsa, shaxsning harakatlari OʻzR JKning 137-moddasi boʻyicha kvalifikatsiya qilishi mumkin emas. Aynan jinoyat tajovuzi obyektini aniqlash qilmishni jinoyat deb kvalifikatsiya qilish keyinchalik esa uni turdosh jinoyat tarkiblaridan ajratish imkonini beradi.

Oʻzbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksiga muvofiq inson ozodligiga tajovuz qilish, ya'ni uni erkin harakatlanish va oʻzining boʻlib turish joyini tanlash imkoniyatidan mahrum qilish bilan bogʻliq harakatlar nafaqat 137-modda ("Odam oʻgʻirlash") boʻyicha, balki 135-modda ("Odam savdosi"), 138-modda ("Zoʻrlik ishlatib gʻayriqonuniy ravishda ozodlikdan mahrum

[194] Уголовный кодекс Федеративной Республики Германии / Пер. и предисл. А.В.Серебренниковой. - М., 2000.

[195] Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. Особенная часть. Том 3: Преступления против личности. Преступлиния против мира и безопасности.Учебник для ВУЗов.- Тошкент:ТГЮИ, 2008.-С.268.

[196] Payzullayev Q.P. Zoʻrlik ishlatib sodir etiladigan jinoyatlarga qarshi kurash muammosi // TDYI Axborotnomasi.-Toshkent, 2009.-№7.- B.53.

qilish"), 234-modda ("Qonunga xilof ravishda ushlab turish yoki hibsga olish"), 245-modda ("Shaxsni garov sifatida tutqunlikka olish") va boshqa normalar bo‘yicha ham kvalifikatsiya qilinishi mumkin. Jinoyat kodeksida mazkur moddalarning mavjudligi ayrim hollarda normalarni aniqlashtirishni taqozo etadi. Bunda muayyan holatda aynan qaysi norma qo‘llanilishi lozim, degan savol tug‘iladi197 Jurnalistlar, ba’zan huquqni muhofaza qilish organlarining xodimlari ham "g‘ayriqonuniy ravishda ozodlikdan mahrum qilingan shaxs", "o‘g‘irlangan shaxs", "garov sifatida tutqunlikka olingan shaxs" tushunchalari o‘rtasiga tenglik belgilarini qo‘yadilar. Shu tufayli ham, V.N.Kudryavsev: "Jinoiy qilmishni to‘g‘ri kvalifikatsiya qilish uchun u bilan turdosh jinoyat tarkiblari o‘rtasidagi farqni aniq tasavvur qilish lozim. Faqat mazkur qilmishga xos bo‘lgan alomatlarni belgilash, ushbu qilmishga xos bo‘lmagan belgilarni chiqarib tashlash, tegishli huquqiy norma va qilmishning haqiqiy holatlari tahlilini asta-sekin chuqurlashtirish orqali huquqni qo‘llovchi mazkur qilmishni tavsiflovchi va uni boshqa qilmishlardan ajratish imkoniyatini beruvchi belgilarning yagona majmuini aniqlaydi"[198], deb ta’kidlaydi, bu fikrga qo‘shilish zarur. Mazkur holatlarda jinoyatning obyektiv tomoni odam o‘g‘irlash jinoyati bilan bir xil bo‘lishi mumkin. Ular o‘rtasidagi asosiy tafovut jinoyatning subyektiv tomonida yaqqol namoyon bo‘ladi. Ya’ni, professor M.X.Rustambayev ta’kidlaganidek, "odam o‘g‘irlash jabrlanuvchini yashirin ravishda, ochiqdan-ochiq yoki aldash yoxud ishonchni suiiste’mol qilish yo‘li bilan qo‘lga olish va keyinchalik uni olish-sotish, topshirish va boshqa harakatlarni amalga oshirish maqsadida uni doimiy yoki vaqtincha turar joyidan, aybdorning ixtiyoriga ko‘ra boshqa joyga ko‘chirishdir"[199] Demak, mazkur holatda odam o‘g‘irlashdan ko‘zlangan asosiy maqsad keyinchalik jabrlanuvchini olish-sotish bilan bog‘liq bo‘lishi holatlari yuqori. Masalan, jinoyatchi odam o‘g‘irlash jinoyatini sodir etib, ko‘zlangan maqsadga erisha olmagach, jabrlanuvchini boshqa birovga sotib yuborib odam savdosi jinoyatini sodir etsa qilmishni qanday kvalifikatsiya qilish borasida savol tug‘ilishi tabiiy. Bizningcha mazkur vaziyatda ayblanuvchining qilmishlarini jinoyatlar majmui (JK 135 va 137-moddalari) bo‘yicha kvalifikatsiya qilish zarur. Odam o‘g‘irlash jinoyatining tarkibi shuningdek, zo‘rlik ishlatib g‘ayriqonuniy ravishda ozodlikdan mahrum qilish (JKning 138-moddasi) va shaxsni garov sifatida tutqunlikka olish (JKning 245-moddasi) kabi jinoyatlar bilan o‘xshash jihatlarga ega. Masalan, V.A.Osipov bergan ma’lumotlarga ko‘ra,

[197] Иркаходжаев А.К. Научные основы квалификации преступлений. Учебное пособие. - Ташкент: ТГЮИ, 2006. - С.63.
[198] Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. - М., 2001. - С. 126.
[199] Rustambaev M.X. Odam savdosi. - Toshkent: TDYuI, 2009. - B.18.

JKning shaxsni garov sifatida tutqunlikka olishga bag‘ishlangan moddasi bo‘yicha qo‘zg‘atilgan jinoyat ishlarining o‘ttiz foizga yaqini sudda JKning odam o‘g‘irlashga bag‘ishlangan moddasiga qayta kvalifikatsiya qilingan.[200] Yuqorida zikr etilgan jinoyat tarkiblarini bir-biridan ajratish masalalarini ilmiy asoslagan holda, aniq hal qilish zaruriyati hozirgi vaqtda qonunni qo‘llash amaliyotining ehtiyojlari bilan belgilanadi. Ayrim tadqiqotchilar odam o‘g‘irlash va shaxsni garov sifatida tutqunlikka olish, shuningdek g‘ayriqonuniy ravishda ozodlikdan mahrum qilish jinoyatlarining tarkiblarini bir-biridan aniq ajratish amalda mumkin emasligini, bu hol jinoyat tarkiblarining dispozitsiyalarida mazkur qilmishlarning belgilari lozim darajada aniq ta’riflanmagani bilan izohlanishini qayd etadilar.[201]

Xulosa o‘rnida aytganda ushbu jinoyatlarni bir-biriga o‘xshashligi yuqori bo‘lganligi holatida aybdorlar tomonidan bir qancha jinoyatlar to‘g‘ri qasd bilan sodir etiladi. Odam o‘g‘irlash jinoyatlari bilan o‘z maqsadlariga erisha olmagan jinoyatchilar jabrlanuvchini odam savdosi qurboniga aylantirishlari mumkinligini inobatga olib, O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi 135-moddasida sanksiyasini og‘irlashtirish va ushbu moddaning **ikkinchi qismiga “takroran yoki xavfli retsidivist tomonidan yoxud ilgari ushbu kodeksning 136-137-moddalarida nazarda tutilgan jinoyatni sodir etgan shaxs tomonidan sodir etilsa”** sifatida yangi norma kiritilishi hamda besh yildan o‘n yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanishi, Jinoyat kodeksi 135-modda **uchinchi qismiga “Tijorat uchun jinsiy ekspluatatsiya va fohishalikka majburlash”** sifatida yangi norma kiritilishi, o‘n yildan o‘n besh yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanishi maqsadga muvofiq deb o‘ylaymiz.

Odam o‘g‘irlash tushunchasining quyidagi yuridik ta’rifi taklif qilinadi: **“Odam o‘g‘irlash deganda, shaxsning garov sifatida tutqunlikka olish alomatlari bo‘lmagan holda insonni uning xohish-irodasiga zid ravishda zo‘rlik ishlatish, zo‘rlik ishlatish bilan qo‘rqitish yoki aldash yo‘li bilan bir joydan boshqa joyga ko‘chirish va kelgusida tutqunlikda ushlab turish maqsadida g‘ayriqonuniy qo‘lga olishni tushuniladi”.** Bu ta’rif ilgari boshqa tadqiqotchilar taklif qilgan barcha ta’riflardan farq qiladi va o‘zining barcha ko‘rsatkichlariga ko‘ra qonunni qo‘llovchi uchun lozim darajada aniqlik bilan tavsiflanadi.

[200] Осипов В.А. Захват заложника: уголовно-правовой и криминологический аспекты: Автореф. дисс. …канд. юрид. наук. - М., 1999. - С. 7.

[201] Гаухман Л.Д., Максимов С.В., Сауляк С. Об ответственности за захват заложника и похищение человека // Законность. - Москва, 1994. - №10. - С. 29.; Мартыненко Н.Э. Похищение человека: уголовно-правовой и криминологический аспекты: Автореф. дисс. …канд. юрид. наук. - М., 1994. - С. 17.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. Toshkent: O'zbekiston, 2018.-B.7.
2. Rustambayev M.X.O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksiga sharh. Maxsus qism. - Toshkent: Adolat, 2016.-B.710.
3. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. Новое и Новейшее время. - М., 1999. - С. 418-419 .
4. Уголовное право зарубежных стран. Общая часть / Под ред. И.Д.Козочкина. - М., 2003. - С. 108.
5. Примерный Уголовный кодекс США. - М., 1969.
6. Уголовный кодекс Испании / Под ред. Н.Ф.Кузнецовой и Ф.М.Решетникова. - М., 1998.
7. Ахметшин Х.М., Ахметшин Н.Х., Петухов А.А. Современное уголовное законодательство КНР. - М., 2000. - С. 133
8. Уголовный кодекс Китайской Народной Республики. - СПб., 2001.
9. Уголовный кодекс Японии / Под ред. А.И.Коробеева. - СПб., 2002.
10. Уголовный кодекс Федеративной Республики Германии / Пер. и предисл. А.В.Серебренниковой. - М., 2000.
11. Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. Особенная часть. Том 3: Преступления против личности. Преступлиния против мира и безопасности.Учебник для ВУЗов.-Тошкент:ТГЮИ, 2008.-С.268.
12. Payzullayev Q.P. Zo'rlik ishlatib sodir etiladigan jinoyatlarga qarshi kurash muammosi // TDYI Axborotnomasi.-Toshkent, 2009.-№7.-B.53.
13. Иркаходжаев А.К. Научные основы квалификации преступлений. Учебное пособие. - Ташкент: ТГЮИ, 2006. - С.63.
14. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. - М., 2001. - С. 126.
15. Rustambaev M.X. Odam savdosi. - Toshkent: TDYuI, 2009. - B.18.
16. Осипов В.А. Захват заложника: уголовно-правовой и криминологический аспекты: Автореф. дисс. …канд. юрид. наук. - М., 1999. - С. 7.
17. Гаухман Л.Д., Максимов С.В., Сауляк С. Об ответственности за захват заложника и похищение человека // Законность. - Москва, 1994. -

№10. - С. 29.; Мартыненко Н.Э. Похищение человека: уголовно-правовой и криминологический аспекты: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. - М., 1994. - С. 17.

Kamilxanov Jamshidxon Kamilxanovich
O‘zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti mustaqil izlanuvchisi

XORIJIY DAVLATLARDA UY QAMOG‘I TARZIDAGI EHTIYOT CHORASINI QO‘LLASH AMALIYOTI VA ILG‘OR TAJRIBALARI

Annotatsiya. Mazkur maqolada xorijiy davlatlarda uy qamog‘i tarzidagi ehtiyot chorasini qo‘llash amaliyoti va mazkur jazoning kelib chiqish tarixi hamda rivojlanish tendensiyalari bo‘yicha tahlillar bayon etilgan.

Kalit so‘zlar: uy qamog‘i, xorijiy mamlakat, jazo chorasi, sud hukmi, ehtiyot chorasi, qonunchilik, qo‘llash, sud, qamoq jazosi, jinoyat protsessi, elektron kuzatuv.

Аннотация. В данной статье представлен анализ практики применения меры пресечения в виде домашнего ареста в зарубежных странах, истории возникновения и тенденций развития данного наказания.

Ключевые слова: домашний арест, иностранная страна, мера наказания, приговор суда, мера пресечения, законодательство, применение, суд, тюремное заключение, уголовный процесс, электронное наблюдение.

Abstract. This article analyzes the practice of applying a preventive measure in the form of house arrest in foreign countries, the history of the origin and development trends of this punishment.

Keywords: house arrest, foreign country, penalty, court sentence, preventive measure, legislation, application, court, imprisonment, criminal procedure, electronic surveillance.

Mamlakatimizda hozirgi kunda jahon kriminologiyasi va xorijiy davlatlarning uy qamog‘i ehtiyot chorasi qo‘llanilgan shaxslarning uy-joyini tark etmaslik chekloviga rioya etishini nazorat qilish to‘g‘risidagi qonunchiligining ilg‘or tajribalarining keng joriy etish masalasi ustuvor ahamiyat kasb etmoqda.

Bu borada, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti “avvalo, xalqaro huquqning umume’tirof etilgan qoidalari ustunligi borasidagi konstitutsiyaviy tamoyillarni hayotga izchil tatbiq etish, sudlar faoliyatiga Xalqaro huquq va O‘zbekiston Respublikasining xalqaro shartnomalardagi tamoyillar va normalarni kengroq qo‘llanishga erishish zarur” deb vazifa belgilab berganligi bejizga emas [1].

Shu bois, jahon kriminologiyasi va xorijiy davlatlarning uy qamog‘i ehtiyot chorasi qo‘llanilgan shaxslarning uy-joyini tark etmaslik chekloviga rioya etishini nazorat qilish to‘g‘risidagi qonunchiligining ilg‘or tajribalarini aniqlash va joriy etish tizimi yo‘lga qo‘yildi [2].

Ko‘pgina xorijiy mamlakatlarda uy qamog‘ining rivojlanish darajasi turlicha. aksariyat xorijiy mamlakatlarda uy qamog‘i jazo chorasi sifatida, ya’ni sud hukmi bilan mahkumga nisbatan qo‘llaniladi. Rossiyada esa uy qamog‘i ehtiyot chorasi hisoblanadi va faqat gumon qilinuvchi yoki ayblanuvchiga nisbatan qo‘llaniladi.

Xorijiy mamlakatlar qonunchiligi tahlili shuni ko‘rsatadiki, uy qamog‘ini qo‘llash jazoning juda samarali usulidir.

Tarixga nazar soladigan bo‘lsak, mazkur ehtiyot chorasi sudyalar tomonidan 17-asrdayoq qamoqda saqlash ehtiyot chorasiga muqobil chora sifatida qo‘llanila boshlangan.

1633-yil Rimda fizik olim Galileo Galiley sud tomonidan Nikolay Kopernikning geliotsentrik nazariyasini qullab-quvvatlaganligi uchun umrbod qamoq jazosiga hukm qilinadi, biroq keyinchalik mazkur jazo chorasi uy qamog‘iga o‘zgartirilib, umrbod inkvizitsiya nazorati o‘rnatiladi.

Amerika Qo‘shma Shtatlarida uy qamog‘i jazo chorasi sifatida 1984 yildan beri qo‘llanilib kelinmoqda va mahkumning doimiy yashash joyida bo‘lishini nazarda tutadi [4]. Mahkum uy qamog‘ida bo‘lgan davrda unga spirtli ichimliklar va giyohvand moddalar iste’mol qilish taqiqlanadi. Ushbu taqiq ikki martadan ortiq buzilgan taqdirda, mahkum darhol qamoq jazosiga o‘tkaziladi [5].

Xuddi Rossiyadagi kabi AQShda ham muayyan joylarga borish, muayyan odamlar bilan muloqot qilish borasida cheklovlar mavjud.

AQShda va boshqa ko‘plab g‘arb davlatlarida 20-asrning oxirilarigacha, ya’ni kuzatuv elektron qurilmalarni ishlab chiqishgunga qadar mazkur ehtiyot chorasini qamoqning o‘rniga qo‘llanilmagan.

AQSH barcha jinoyat protsessi jarayonlarida uy qamog‘ini qo‘llash bo‘yicha amaliy tajribaga ega. Negaki, ilk bora 1983 yilda AQShning Nyu-Meksiko shtatida Oliy sud tomonidan uy qamog‘i ehtiyot chorasi qonuniylashtirilgan bo‘lib, elektron ko‘zatuv orqali amalga oshirilgan. “Uy qamog‘i” hamda “elektoron kuzatuv” atamalari bir biriga o‘xshash tushunchalardir. Negaki, uy qamog‘ida saqlanayotgan shaxsning turar joyi to‘liq elektron kuzatuv ostiga olinadi.

Elektron moslamalar nafaqat uy qamog‘idagi mahkumlarga balki shartli hukm qilingan, jazoni o‘tash muassasalaridan muddatidan oldin ozod etilgan shaxslarni nazorat qilish uchun ham qo‘llaniladi.

Bundan tashqari, AQShda mahkum “elektron monitoring qilish xizmati” xarajatlarini o‘zi to‘lashga majbur [6].Avstriyada bunday miqdor kuniga 22 yevrogacha belgilanadi [7].

Mazkur nazorat usuli “sinov muddati”dagi shaxslarga samaralidir, negaki ular o‘zlarini doimiy ravishda nazorat ostida ekanliklari sababli yangi jinoyatlarni sodir etishdan o‘zlarini cheklaydilar.

Uy qamog‘ining AQShda qo‘llanilishi jinoiy-ijroiya tizimidagi xarajatlarni qisqartirishning samarali usuli hisoblanadi. Negaki, bitta mahkumni qamoqda saqlash uchun ketgan xarajat elektron monitoring qilish uchun sarflanadigan mablag‘dan 7 marotaba qo‘proqdir.

Bunda mahkumga braslet ko‘rinishidagi elektron qurilma taqilib, mazkur qurilma orqali doimiy ravishda GPS signallari politsiya xodimlari tomonidan o‘rnatilagan qurilmagan doimiy ravishda kuzatilib turiladi [8].

Yevropa davlatlarida uy qamog‘i nafaqat ehtiyot chorasi balki, jazo chorasi sifatida shartli hukm qilingan shaxslarga nisbatan qo‘llaniladi. Uy qamog‘ini qo‘llash bo‘yicha Fransiya o‘ziga xos xususiyatlarga ega. Uy qamog‘iga hukm qilingan shaxs ishlashi, shu bilan birga kinoteatrlarga borishi, dustlari bilan uchrashishi mumkin.

Biroq, kechki vaqtda hamda dam olish kunlari yashash joyidan chiqmasligi lozim. Fransiyada uy qamog‘ini ozodlikdan mahrum etish muassasalarida tayinlangan jazoning yarmini o‘tab bo‘lganlaridan so‘ng, o‘z yashash uylarida oyoqlarida elektron braslet taqilgan xolda o‘taydilar [9].

Ispaniyada uy qamog‘i Jinoyat va Jinoyat-protsessual qonunchiligida ko‘rsatib o‘tilmagan, biroq mazkur davlatda og‘ir jinoyatlar sodir etgan shaxslardan boshqa shaxslarga nisbatan ozodlikdan mahrum etish jazosini o‘tash muassasalaridan boshqa joylarga majburan vaqtincha joylashtirish chorasi mavjud [10]. Mazkur majburiy joylashtirish 12 kundan oshmasligi lozim. Ispan sudlari tomonidan mazkur chora qo‘llanilishi kamaygan, negaki, hududdiy cheklovni buzish xolatlari juda ham ko‘p uchrayotganligidir.

Xitoy Xalq Respublikasi qonunchiligida uy qamog‘i mavjud bo‘lmasa-da, shaxsni kafillikka topshirish va uning yashash joyini kuzatuvga olish kabi choralar ko‘rsatib o‘tilgan. Mazkur choralar jamoat xavfsizligi organlari tomonidan qo‘llanilib, bir nechta bosqichdan iborat.

Birinchi bosqichda, gumon qilinuvchi, ayblanuvchiga nisbatan kafillik va kuzatuvga olish choralari bir vaqtning o‘zida qo‘llaniladi, ikkinchi bosqichda esa, gumon qilinuvchi, ayblanuvchi garov kiritishi lozim bo‘ladi.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, xorijiy davlatlar amaliyotida uy qamog‘i nafaqat ehtiyot chorasi, balki jazo turi sifatida ham keng qo‘llanilmoqda. Ayniqsa, AQSH, Fransiya, Avstriya, Niderlandiya kabi davlatlarda elektron monitoring texnologiyalari (elektron brasletlar) orqali shaxslarning harakatini kuzatish tizimi samarali tashkil etilgan. Ushbu tizim jinoiy xatti-harakatlarini cheklash, ijtimoiy moslashuvga yo‘naltirish va jazo muassasalariga tushadigan iqtisodiy yukni kamaytirishda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Uy qamog‘i hozircha faqat ehtiyot chorasi sifatida qo‘llanilayotgan bo‘lsa-da, jahon tajribasi asosida uning qo‘llanilish doirasini kengaytirish dolzarb masala hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Shavkat Mirziyoyev. Yangi O‘zbekiston Taraqqiyot strategiyasi.”O‘zbekiston” T:.2023. 61-b.

2. Ikramov A.I., Gordeev S.N., Fozilov I.Y. Uy qamog‘i tarzidagi ehtiyot chorasini o‘tash joylarida sudlanuvchilarni va ularning sud tomonidan o‘rnatilgan cheklovlarga rioya qilishini nazorat qilish bo‘yicha elektron platforma yaratish / Maqola // «Jamoat xavfsizligi masalalari ilmiy-amaliy tadqiqotlar markazi byulleteni» yopiq ilmiy-amaliy jurnali. – Toshkent, 2022. – № 1. – B. 85-91.

3. Баксалова А.М.Казанцева А.В. К вопросу о применении домашнего ареста в зарубежных странах. Международный начный журнал “Молодой учёный” № 42 (332) / 2020

4. Ахминова Ю.Ю. Домашний арест в законодательстве зарубежных стран / Ю. Ю. Ахминова // Мир юридической науки. — 2015. — № 8. — с. 68–78.

5. Дидюк, И. Л. Применение электронных средств контроля: сравнительный анализ / И. Л. Дидюк // Борьба с орга- низованной преступностью и коррупцией (теория и практика). — 2014. — № 1. — с. 159–160.

6. Мусиенко Д.И. Система электронного контроля лиц./Д.И.Мусиенко// Современная специльная техника. – 2012.-№ 30.-С. 128-14\31.

7. Баксалова А.М.Казанцева А.В. К вопросу о применении домашнего ареста в зарубежных странах. Международный начный журнал “Молодой учёный” № 42 (332) / 2020.

8. Қўшма штатларда электрон мониторинг. Википедия эркин энсиклопедия // https://en.wikipedia.org.

9. Тимофеева, Е. А., Мотин, О. А. К вопросу о зарубежной практике применения системы электронного мони- торинга подконтрольных лиц / Е. А. Тимофеева, О. А. Мотин // Пенитенциарная наука. — 2014. — № 4 (28). — с. 88–94.

10. Борсученко С.А. Система наказания по Уголовному кодексу Испании // Уголовно-испольнительное право .2017. Т. 12. №3. С. 336-341.

Khujamberdiyev Farrukh Komilovich,
Associate Professor of the University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan Doctor of Philosophy in Legal Sciences (PhD)
ORCID: 0009-0003-8128-7487
e-mail: farrukh.khujamberdiyev@gmail.com

FRANCE'S CENTRALIZED PUBLIC SECURITY MODEL: STRUCTURE AND ADAPTATION POTENTIAL

Abstract: The article presents a comprehensive analysis of the centralized model of the French police system as an example of the continental approach to ensuring public security within a unitary state. Special attention is given to the institutional structure of the Ministry of the Interior, the subsidiary architecture of the National Gendarmerie, and the interaction between security and civilian components within a multi-level system of governance. The study examines principles such as vertical subordination, digitalization, interagency coordination, and functional specialization, which together ensure a high level of operational readiness and strategic resilience. The article also describes the implementation of the "Police of Everyday Security" (PSQ) model, aimed at enhancing proximity to the population and strengthening preventive measures. The conclusion highlights the potential of the French model as a reference point for unitary states interested in modernizing their own law enforcement systems.

Keywords: centralized model; national gendarmerie; public security; PSQ; unitary state; police system; Ministry of the Interior; subsidiarity; digitalization; vertical subordination; crisis management.

Аннотация: В статье проведён всесторонний анализ централизованной модели полицейской системы Франции как примера континентального подхода к обеспечению общественной безопасности в условиях унитарного государства. Особое внимание уделено институциональной структуре Министерства внутренних дел, субсидиарной архитектуре Национальной жандармерии и взаимодействию силовых и гражданских компонентов в рамках многоуровневой системы управления. Рассматриваются принципы вертикальной субординации, цифровизации, межведомственной координации и функциональной специализации, обеспечивающие высокую степень оперативной готовности и стратегической устойчивости. Описан опыт внедрения модели «Полиции общественной

безопасности» (PSQ), ориентированной на приближение к населению и усиление превентивных мер. Сделан вывод о потенциале французской модели в качестве референсной для стран с унитарным устройством, заинтересованных в модернизации собственных правоохранительных систем.

Ключевые слова: централизованная модель; национальная жандармерия; общественная безопасность; PSQ; унитарное государство; полицейская система; внутренние дела; субсидиарность; цифровизация; вертикальная субординация; кризисное управление.

Annotatsiya: Maqolada Fransiyaning markazlashgan politsiya tizimi modeli unitar davlat sharoitida jamoat xavfsizligini ta’minlashning kontinental yondashuvi namunasi sifatida har tomonlama tahlil qilinadi. Unda Ichki ishlar vazirligining institutsional tuzilmasi, Milliy jandarmeriyaning subsidiar arxitekturasi hamda kuch tuzilmalari bilan fuqarolik institutlari o‘rtasidagi ko‘p bosqichli boshqaruv tizimidagi o‘zaro hamkorlik masalalariga alohida e’tibor qaratilgan. Vertikal bo‘ysunuvi, raqamlashtirish, idoralararo muvofiqlashtirish va funksional ixtisoslashuv kabi tamoyillar tahlil qilinadi, ular yuqori darajadagi operativ tayyorgarlik va strategik barqarorlikni ta’minlaydi. Shuningdek, aholiga yaqinlikni oshirish va huquqbuzarliklarning oldini olishga qaratilgan “Kundalik xavfsizlik polisi” (PSQ) modelining joriy etish tajribasi tasvirlanadi. Maqolada ushbu modelni huquqni muhofaza qilish tizimini modernizatsiya qilishga intilayotgan unitar tuzilishga ega davlatlar uchun namunaviy model sifatida baholash mumkinligi ta’kidlanadi.

Kalit so‘zlar: markazlashgan model; milliy jandarmeriya; jamoat xavfsizligi; PSQ; unitar davlat; politsiya tizimi; ichki ishlar; subsidiarlik; raqamlashtirish; vertikal bo‘ysunuvi; inqirozlarni boshqarish.

The centralized model of the police system, also known as the continental model, represents one of the key forms of organizing public security agencies within the framework of the executive branch. Its most prominent example is traditionally considered to be France, where the main structural elements of this system were laid down following the Great French Revolution of 1789. In the second half of the 19th century, the French experience was adopted by a number of continental European states — primarily Russia, Prussia, Italy, and others.

In modern practice, this model continues to function successfully in countries such as Italy, Portugal, Sweden, and several others. Its distinctive feature is the strict centralization of the management of all security structures

responsible for internal security, which makes it particularly relevant for unitary states. Centralized control allows for the maintenance of unified standards of response to public security threats and contributes to more effective coordination between various agencies.

The centralized model can be divided into two main types. The first type is characteristic of countries with relatively low levels of crime and social tension (such as Denmark, Norway, Finland), where public order is mainly maintained by the civilian police. The second type represents a stricter configuration, which includes special police units of the armed forces — gendarmeries — within the structure. This system is used in France, Italy, Portugal, where, alongside the civilian police, militarized units operate under the authority of state bodies and are governed by special legislation.

In the aforementioned countries, a strictly centralized system of law enforcement administration functions, within which there is a clear delineation of powers between various structures. Alongside specialized units, institutions such as the national police and national gendarmerie operate within the public security system, each performing the functions established by law within their respective areas of competence.

In the French Republic, the internal security system is characterized by the institutional division of territorial responsibility between two key structures — the national gendarmerie and the national police. Despite the similarity of their functional tasks in maintaining public order, preventing and solving crimes, these bodies are organizationally subordinate to different ministries: the gendarmerie is under the Ministry of the Armed Forces, while the police report to the Ministry of the Interior. The assignment of administrative-territorial units or specific geographic areas to one service or the other is carried out on the basis of a government decision made after coordination procedures between the aforementioned ministries. This model makes it possible to ensure the optimal distribution of resources and competencies, based on the specifics of the operational environment, the level of urbanization, and the demographic and socio-cultural characteristics of the regions, which, in turn, contributes to the effective functioning of the internal security system in the context of a unitary state.

The National Police is a state body that performs tasks related to the protection and maintenance of public security in France as part of the civilian administration, whereas the National Gendarmerie is a state institution composed of special police units within the armed forces, which carries out public security tasks in both the military and civilian spheres, operating under

the general supervision of the civilian administration but under the direct command of its own officers[202].

The developed organizational structure of the Ministry of the Interior of the French Republic reflects the principles of institutional centralization, interagency coordination, and functional diversification in the field of internal security and public administration. As of October 2024, the ministry represents a hierarchically organized system that includes operational, administrative, analytical, personnel, and international components[203]. A central role in the system is assigned to the General Directorate of the National Police and the General Directorate of the National Gendarmerie, which ensure comprehensive coverage of all areas of law enforcement: from criminal investigation and public order maintenance to counter-terrorism operations and border control. Within these structures operate key entities such as the National Directorate of Criminal Investigations, the National Directorate of Public Security, the National Directorate of Border Police, as well as specialized tactical units, including RAID and CRS. An important function is performed by the Directorate for Training and Recruitment, which is responsible for the centralized development of professional personnel through the Police Academy and other training institutions.

The institutional system of civil protection is integrated through the General Directorate for Civil Protection and Crisis Management, which includes the Directorate of Fire Services, the Directorate of Crisis Response, and structures for civil and man-made protection. Internal security management is reinforced through the General Directorate for Internal Security, which is responsible for intelligence and counterintelligence operations. Analytical and legal-regulatory functions are concentrated in the Directorate for Civil Liberties and Legal Affairs, while oversight responsibilities are assigned to the General Inspectorate of the National Police, the Gendarmerie, and the Internal Security Inspectorate.

The strategic development of the ministry is supported by the Directorate for Digital Transformation, the Directorate for Performance and Procurement, and specialized departments for European and international affairs, including the area of international police cooperation. A significant block of the ministry focuses on migration and integration management, including the General Directorate for Foreign Nationals in France and the

[202] Административное право зарубежных стран: Учебное пособие. М., 1996. С. 80-83.

[203] Официальный сайт Министерство внутренних дел Франции https://www.interieur.gouv.fr/sites/minint/files/medias/documents/2024-11/Organigramme_MI_FR-10_2024-Accessible.pdf

Directorate for Asylum and Citizenship Affairs. A special place is held by the territorial administration system, represented by the Directorate for Local and Regional Authorities, the General Directorate for Overseas Territories, and several sub-directorates that support elected officials, local institutions, and coordinate social development.

In addition, the French Ministry of the Interior possesses a developed communication and monitoring system, including the Department of Information Technologies, the Statistical Department, the National Road Surveillance, and coordinating bodies for transportation security. Thus, the presented model demonstrates a high level of systemic integration between security and civilian structures, ensuring the ministry's resilience under multifaceted internal security challenges, and serving as a foundation for the development of state policy in the areas of law enforcement, migration, civil protection, and territorial governance.

The organizational model of the French National Gendarmerie is based on the principle of a multi-level (subsidiary) architecture, which ensures both territorial proximity to the population and vertical and functional integration of specialized services. This structure meets the operational tasks of daily police activity as well as the strategic functions of national security.

The basic unit of the gendarmerie system is the territorial brigade (brigade territoriale)[204], which ensures direct contact with the population and interacts with local authorities (mayor's offices, prefectures, police stations). These units operate within administrative divisions at the sub-prefecture and police district levels. Their responsibilities include not only responding to incidents, but also conducting preventive measures, supporting administrative procedures, and monitoring public order.

An important element of operational response is represented by the Surveillance and Intervention Platoons (PSIG), as well as motorized brigades responsible for monitoring traffic flows. Alongside them, the structure also includes specialized units such as canine groups, surveillance and tracking teams, as well as reservists participating in daily service.

At the second level (groupement – département), administrative and coordination management is concentrated, carried out through departmental services. At the third (regional) level, command units operate that are capable

[204] Министерство внутренних дел Франции. 637-subsidiarité copie: организационная модель Национальной жандармерии [Электронный ресурс]. — Франция, Опубл. 23 июня 2020 г.; обновл. 21 февраля 2025 г. — 1 инфографика. — Режим доступа: https://www.gendarmerie.interieur.gouv.fr/content/download/26650/file/Info-Gendarmerie%20une%20force%20int%C3%A9gr%C3%A9e.pdf

of mobilizing more substantial resources, including mobile gendarmerie squadrons, aviation units, negotiation teams, as well as GIGN antennas — tactical units with heightened combat readiness.

The national (fourth) level is represented by centrally subordinated structures, including the Field Criminal Analysis Center, the Institute of Forensic Research, and specialized centers focused on combating cybercrime and transnational organized crime. The system also includes the Operational Intelligence Center, the Planning and Crisis Management Center, and central offices dealing with environmental issues, illegal labor, war crimes, and public health.

Within this subsidiary model, the gendarmerie is present in 95% of the country's territory and serves approximately 50% of the population, primarily in rural and suburban areas. The multi-level structure allows for flexible redistribution of forces and resources depending on the level of threat and nature of the tasks, while the integration of technical, scientific, and analytical units ensures interagency coordination and adaptability to modern challenges.

In our opinion, the organizational system of the French National Gendarmerie represents an effectively functioning example of vertical subordination, combining proximity to the population with the capacity for rapid response at all levels of territorial administration. Its model may be regarded as a reference framework for designing gendarmerie and militarized security systems in other countries, including those with a unitary form of governance.

The modern model of organization and functioning of the French National Gendarmerie demonstrates a high degree of institutional specialization, operational readiness, and large-scale involvement in ensuring both everyday and strategic national security. The gendarmerie system integrates both traditional and specialized components, covering the full spectrum of tasks — from criminal investigations to countering emergency and radiological-nuclear threats. The organizational-operational framework includes 397 criminal investigation units, four central offices, as well as a powerful forensic cluster represented by the Judicial Gendarmerie Pole (PJGN)[205].

[205] Министерство внутренних дел Франции. Info-Présentation GIE Maire: организационно-функциональная структура и статистика деятельности Национальной жандармерии [Электронный ресурс]. — Франция, окт. 2024. — 1 инфографика. — Режим доступа: https://www.gendarmerie.interieur.gouv.fr/content/download/26654/file/Info-Polygone%20de%20synth%C3%A8se%20gendarmerie.pdf

On a permanent basis, 109 Mobile Gendarmerie Squadrons (EGM) are deployed, of which 70 units are mobilized daily, including capabilities for rapid projection within 12 hours both within France and abroad. A key component of operational capacity is represented by elite units — the GIGN and its 13 regional antennas — which maintain a state of combat readiness with response times ranging from 10 to 30 minutes. In addition, the structure includes units responsible for security in specific sectors: the Transportation Gendarmerie (GTA), Maritime Gendarmerie (GMAR), Air Transport Gendarmerie (GAIR), as well as units tasked with the protection of armaments (GARM) and nuclear facilities (GSAN, PSPG)[206].

Intelligence and analytical activity plays an important role, particularly through the operation of the Security Database (BDSP), which contains over 457,000 information files. This enables the implementation of preventive measures and strategic planning at the national level. The rate of personnel involvement in field operations stands at 59.9%, indicating a high level of on-the-ground activity by the gendarmerie[207].

The total personnel of the system includes approximately 130,000 individuals, encompassing both active and reserve staff, with around 2,100 reservists mobilized on a daily basis. The Reserve Command (CRG) and other command structures ensure the integration of resources necessary for both day-to-day tasks and deployments in external theaters of operations (11 missions abroad). The total volume of interventions reaches four incidents per minute, with an average of 23 identity checks and 19 vehicle inspections conducted daily. A significant indicator of effectiveness is the volume of seized criminal assets — approximately €650,000 per day[208].

It should be noted that the French National Gendarmerie represents a highly mobilized, technologically equipped, and flexibly structured security institution capable of operating under conditions of both routine law

[206] Министерство внутренних дел Франции. Info-Présentation GIE Maire: организационно-функциональная структура и статистика деятельности Национальной жандармерии [Электронный ресурс]. — Франция, окт. 2024. — 1 инфографика. — Режим доступа: https://www.gendarmerie.interieur.gouv.fr/content/download/26654/file/Info-Polygone%20de%20synth%C3%A8se%20gendarmerie.pdf

[207] Министерство внутренних дел Франции. Info-Présentation GIE Maire: организационно-функциональная структура и статистика деятельности Национальной жандармерии [Электронный ресурс]. — Франция, окт. 2024. — 1 инфографика. — Режим доступа: https://www.gendarmerie.interieur.gouv.fr/content/download/26654/file/Info-Polygone%20de%20synth%C3%A8se%20gendarmerie.pdf

[208] Министерство внутренних дел Франции. Info-Présentation GIE Maire: организационно-функциональная структура и статистика деятельности Национальной жандармерии [Электронный ресурс]. — Франция, окт. 2024. — 1 инфографика. — Режим доступа: https://www.gendarmerie.interieur.gouv.fr/content/download/26654/file/Info-Polygone%20de%20synth%C3%A8se%20gendarmerie.pdf

enforcement and crisis or emergency situations. Its operational model serves as a benchmark for developed countries with unitary security systems, demonstrating a synthesis of law enforcement, defense, and analytical functions within a unified strategic framework.

It is important to emphasize that the “Police of Everyday Security” model (Police de sécurité du quotidien, PSQ), implemented in France, reflects the evolution of approaches to law enforcement organization based on the principles of proximity to the population, digitalization of procedures, and institutional adaptability. The infographic report for 2024 makes it possible to reconstruct the key vectors of reform aimed at increasing public trust, optimizing response capabilities, and enhancing crime prevention.

The centralized police system model of France, based on institutional differentiation and multi-level subordination, constitutes an effective example of the integration of security, administrative, and analytical components in the field of public safety. The National Gendarmerie, operating within a subsidiary architecture, combines operational mobility with territorial proximity to the population, thereby strengthening preventive functions and reinforcing public trust. A high degree of digitalization, the presence of specialized units (GIGN, RAID, CRS), and a well-developed training system ensure flexible responses to contemporary threats. This model demonstrates strong potential for the transformation of law enforcement systems in unitary states, where a balance between vertical management and interagency cooperation is essential for enhancing the effectiveness of public policy in the field of internal security.

Axmedov Abrorjon Anvarjonovich
O‘zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti mustaqil izlanuvchisi

OZODLIKNI CHEKLASH TARZIDAGI JAZO TURINING XORIJIY DAVLATLARDA QO‘LLASH TAJRIBALARI

Annotatsiya. Mazkur maqolada xalqaro miqyosda ozodlikni cheklash jazosining qo‘llash amaliyoti, mazkur jazoning kelib chiqishi va rivojlanish tarixiy hamda huquqiy jihatlari tahlillar asosida bayon etilgan.

Kalit so‘zlar: ozodlikni cheklash, jazo, jinoyat, qonun, inson huquqlari, chora, elektron braslet, tizim, mahkum, amaliyot, ijro etish, ijtimoiy moslashuv.

Аннотация. В данной статье изложена применения наказания в виде ограничения свободы на международном уровне на основе анализа практика исторические и правовые аспекты возникновения и развития данного наказания.

Ключевые слова: ограничение свободы, наказание, преступление, закон, права человека, мера, электронный браслет, система, осужденный, практика, исполнение, социальная адаптация.

Abstract. This article examines the practice of applying punishment in the form of restriction of liberty at the international level, based on an analysis of the historical and legal aspects of the emergence and development of this punishment.

Keywords: restriction of liberty, punishment, crime, law, human rights, measure, electronic bracelet, system, convict, practice, execution, social adaptation.

Bugungi kunda rivojlangan mamlakatlar jinoyat-huquq siyosatini takomillashtirishda mahkumlarni jamiyatdan ajratmagan holda jazo qo‘llashga ustuvor ahamiyat bermoqda. Jinoyatga javoban faqat ozodlikdan mahrum etishni universal jazo turi sifatida qo‘llash, jinoyatning xususiyati va ijtimoiy xavflilik darajasini nazar-pisand qilmagan holda yondashish bilan bog‘liq muammolarni keltirib chiqaradi. Shu bois, ozodlikni cheklash jazosining kelib chiqishi va rivojlanishini tarixiy va huquqiy jihatdan tahlil etish, ushbu jazo turining mazmun-mohiyatini chuqur anglash, uning jazo tizimidagi o‘rni va ahamiyatini aniq belgilash uchun zarur hisoblanadi.

Ozodlikni cheklash milliy jinoyat qonuniyatda nisbatan yangilik sanalsa-da, jahon amaliyotida bu institutning ildizlari XVIII–XIX asrlarga borib

taqaladi. Mazkur davrlarda inson huquqlarini himoya qilish, jazo tayinlashda insonparvarlik mezonlariga tayangan holda yondashish g‘oyalari keng tarqala boshladi. Shu bilan birga, jazoni jamiyatdan to‘liq ajratmagan holda ijro etish konsepsiyasi vujudga keldi va amaliy qo‘llanish sohasi kengaydi.

XX-asrning ikkinchi yarmida, xususan, 1950–1970-yillarda Yevropaning bir qator davlatlari hamda AQShda alternativ jazo shakllari – shartli jazo, majburiy mehnat, ozodlikni cheklash kabi choralar keng joriy etildi. Bu jarayon jinoyatchilikning oldini olish, qamoqxonalardagi ortiqcha zo‘riqishni kamaytirish hamda mahkumlarni jamiyatga qayta moslashtirishga qaratilgan islohotlar doirasida amalga oshirildi[1].

1980–1990-yillarda axborot texnologiyalari imkoniyatlaridan foydalangan holda jazo ijrosini nazorat qilishning yangi usullari, jumladan, elektron monitoring (elektron brasletlar) tizimi tatbiq etildi. Bu tizim mahkumlarni masofadan kuzatish orqali ozodlikni cheklash jazosining samaradorligini yanada oshirishga xizmat qildi. Ayniqsa, Niderlandiya, Buyuk Britaniya, AQSH kabi davlatlar mazkur tajribani amaliyotda keng qo‘llashni boshladi va natijada jazoni ijro etishning gumonlashtirilgan, ijtimoiy moslashuvga yo‘naltirilgan shakllari keng ommalashdi [2].

Shu tariqa, ozodlikni cheklash jazosining tarixiy shakllanishi va rivojlanishi uning insonparvarlik tamoyillariga mos ravishda takomillashib borishini ko‘rsatadi. Bugungi kunda bu institut jinoyat-huquq tizimining muhim tarkibiy qismi sifatida jamiyat va shaxs manfaatlari o‘rtasida muvozanatni ta’minlashga xizmat qilmoqda.O‘zbekistonda ozodlikni cheklash jazosining tarixi mustaqillikdan avvalgi sobiq sovet tuzumi davriga taqaladi.

Bu ko‘rinishdagi jazo shaxsni jamiyatdan mutlaqo uzoqlashtirish emas, balki uning harakat erkinligini cheklash orqali ijtimoiy nazoratni amalga oshirishni ko‘zda tutgan.

Qadimgi Rus davlatida jamoatchilik va shaxsiy jazo turlarining ilk shakli sifatida xizmat qilgan va ushbu tizim asosida keyinchalik surgun qilish kabi jazosi shakllangani kuzatiladi [3].

1845-yilda qabul qilingan «Jinoiy jazolar to‘g‘risidagi nizom» ozodlikni cheklashni mustaqil jinoiy jazo sifatida nazarda tutmagan. Ammo, ushbu hujjatda mahkumlarga nisbatan belgilangan ayrim cheklovlar, mazmunan, ozodlikni cheklash jazosi shartlariga yaqin kelishi bilan diqqatga sazovordir. Masalan, yashash joyini nazorat organlarining ruxsatisiz o‘zgartirish taqiqlari, poytaxt va shahar markazlariga borishni cheklash, mahalliy ma’muriy hududlardan tashqariga chiqish va muayyan joylarga borishni taqiqlovchi

normalar, bugungi kundagi ozodlikni cheklash jazosining funksional jihatdan o‘xshash xususiyatlarini ko‘rsatadi.

Shunday qilib, 1845-yilgi «Jinoyat jazolar to‘g‘risidagi nizomi» qabul qilinishi bilan Rossiya jinoyat qonunida ozodlikni cheklash jazosiga mazmunan yaqin bo‘lgan mustaqil huquqiy institut – nazorat shakllandi.

AQShda bunday alternativ jazo turlaridan biri bo‘lgan probatsiya ilk bor 1878-yilda Boston shahrida qo‘llanila boshlangan va 1957-yilga kelib, federal darajada barcha shtatlarda joriy etilgan [4].

Germaniyada esa 1933-yilning o‘zidayoq aybdorlarga nisbatan tuzatish va xavfsizlik choralari belgilab qo‘yilgan bo‘lib, ular orasida RF jinoyat qonunidagi ozodlikni cheklash jazosiga mazmunan o‘xshash bo‘lgan nazorat shakli ham mavjud edi [5].

Hozirgi kunda 17 ta davlatning (Buyuk Britaniya, Daniya, Ispaniya, Xitoy Xalq Respublikasi, Latviya, Litva, Belarus, Qozog‘iston, Polsha, San-Marino, Serbiya, AQSH, Tunis, Germaniya, Fransiya, Shveysariya, Shvetsiya) jinoyat qonunchiligida hamda AQShning Arizona va Nyu-York shtatlari jinoyat kodekslarida yuqoridagi meyorlarga mos keladigan, ozodlikni cheklashga tenglashtiriluvchi mustaqil jazo shakllari mavjud.

Shuningdek, yaqin qo‘shni davlatlar jinoyat qonunchiligida ham ozodlikni cheklash jazosi mustaqil jazo turi sifatida nazarda tutilgan. Jumladan, Ozarbayjon, Belarus, Gruziya, Litva, Qozog‘iston, Tojikiston va Ukraina jinoyat kodekslarida bu jazo turi alohida belgilangan.

Fransiyadagi jazo tizimida ham maxsus davlat organi nazorati ostidagi cheklovlar shaklidagi jazolar qo‘llaniladi. Fransiya Jinoyat kodeksiga ko‘ra, ijtimoiy – sud nazorati mahkumni sud belgilagan muddat davomida jazoni ijro etish sudyasi nazoratida «nazorat va ko‘mak choralari»ga rioya qilish majburiyatini yuklaydi. Bundan tashqari, sud tomonidan mahkumga qo‘shimcha majburiyatlar yuklanishi mumkin.

1982-yildan boshlab AQShda kuchaytirilgan nazorat ostidagi probatsiya keng qo‘llanila boshlandi. Bunday dasturlar turli toifadagi jinoyatchilarga mo‘ljallangan bo‘lib, barchasi kichik guruhlarga qaratilgan, qattiq nazorat, zararni qoplash, nazorat xarajatlarini to‘lash, jamoat ishlarini bajarish, doimiy ravishda giyohvand moddalar bo‘yicha testdan o‘tishni nazarda tutadi. Ko‘plab shtatlar qonunchiligida probatsiyaning qo‘shimcha sharti sifatida elektron monitoringdan foydalanish imkoni ko‘zda tutilgan.

Shuningdek, Shvetsiya ham probatsiya institutidan foydalanadi. Uning Jinoyat kodeksida probatsiya uch turda ko‘zda tutilgan:

shartli ozodlikka chiqarish oqibati sifatida;

shartli hukm oqibati sifatida;

mustaqil jazo turi sifatida (eng qattiq turi bo‘lib, nazoratni o‘z ichiga oladi va qisqa muddatli qamoq bilan birga qo‘llanilishi mumkin).

Probatsiya Buyuk Britaniyada ham an’anaviy ravishda jinoyat qonunchiligida keng foydalanilgan. Bu institut 2003-yilgacha amal qilgan, unga asos bo‘lgan «Probatsiya to‘g‘risida»gi qonun, mahkumning huquq va erkinliklarini cheklovchi jazo turlarini nazarda tutgan.

Ispaniya Jinoyat kodeksida ma’lum hududlarda bo‘lish huquqidan mahrum qilish yoki ularni tashrif etmaslik kabi jazo turlari ko‘zda tutilgan bo‘lib, ular Rossiya Federatsiyasi Jinoyat kodeksidagi muayyan joylarga borishni taqiqlash bilan o‘xshashdir.

Rossiyada bu jazoning ijrosi, odatda, mahkum yashab turgan joyda jinoyat-ijroiya inspeksiyasi tomonidan amalga oshiriladi. Bunda inspeksiya: mahkumlarni ro‘yxatga olish, ularni jinoyat jazosini o‘tash shartlari bilan tanishtirish, nazorat qilish, qoidabuzarliklarning oldini olish, ishga joylashishda yordam berish, tarbiyaviy ishlar olib borish, mukofotlash va jazolash choralarini qo‘llash, sudga tegishli taqdimnoma kiritish kabi vazifalarni bajaradi.

Xulosa o‘rnida aytish mumkinki, ozodlikni cheklash jazosi zamonaviy jinoyat-huquq tizimida shaxsni to‘g‘ri yo‘lga solish, uning ijtimoiy reintegratsiyasini ta’minlash hamda jazoni insonparvar shaklda ijro etishning samarali vositasi sifatida rivojlanmoqda. Bu jazo turi xalqaro tajriba va milliy huquqiy an’analar asosida mukammallashib, o‘z ahamiyatini tobora oshirib bormoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Nazarov U.T. Jinoyat jazolarining ijro etilishini takomillashtirishda alternativ jazo turlarining ahamiyati// Yurisprudensiya va huquq amaliyoti. – Toshkent, 2020. – №3. – B. 112–115;

2. Tonry M. Sentencing Matters. – Oxford University Press, 1996. – P. 45–49; Padgett K.G., Bales W.D., Blomberg T.G. Under Surveillance: An Empirical Test of the Effectiveness and Consequences of Electronic Monitoring // Criminology & Public Policy. – 2006. – Vol. 5, No. 1. – P. 61–91.

3. Головко Л.В. Уголовно-правовая политика и развитие института наказания в России. – Москва: Норма, 2010. – С. 205–209.

4. Козочкин И. Д. Уголовное право США: Успехи и проблемы реформирования / И. Д. Козочкин. – СПб.: Юридический центр пресс, 2007.

5. Есаков Г. А. Уголовное право зарубежных стран / Г. А. Есаков, Н.

Е. Крылова, А. В. Серебренникова. – М.: Проспект, 2009.

Raxmatov Moxirjon Kosimovich
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universitet mustaqil izlanuvchisi, podpolkovnik

FAVQULODDA HOLATLARDA JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA JORIY ETILADIGAN TARTIBLAR (REJIMLAR)

Annotatsiya: Ushbu maqolada favqulodda rejim nimadan iboratligi, rejimlarning qachondan boshlab amalga oshirilayotganligi, rejim turlari favqulodda holatlarda jamoat xavfsizligini ta’minlash ma’muriy-huquqiy rejimlarni amalga oshirish va normativ huquqni qo‘llash, yurtimizda favqulodda holatlarda jamoat xavfsizligini ta’minlash ma’muriy-huquqiy rejimlarni amalga oshirish uchun olib borilayotgan say-xarakatlar, xorij tajribasiga tayangan xolda yangi usullarni ishlab chiqish va uni amalyotgan tadbiq etish to‘g‘risida aytib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: favqulodda holatlar, rejim turlari, rejim tushunchasi, joriy etilgan rejimni ta’minlashda organlar vakolatlari, roli va o‘rni.

Аннотация: В этой статье о том, что такое режим чрезвычайной ситуации, когда вводятся режимы, виды режимов, реализация административно-правовых режимов и применение нормативно-правовых актов по обеспечению общественной безопасности в чрезвычайных ситуациях, проводимая в нашей стране работа по реализации административно-правовых режимов по обеспечению общественной безопасности в чрезвычайных ситуациях, было отмечено, что новые методы необходимо разрабатывать и внедрять на основе зарубежного опыта.

Ключевые слова: чрезвычайные ситуации, виды режима, понятие режима, полномочия, роль и роль органов в обеспечении введенного режима.

Annotation: This article is about what an emergency situation regime is, when regimes are introduced, types of regimes, implementation of administrative and legal regimes and application of regulatory and legal acts to ensure public safety in emergency situations, the work carried out in our country to implement administrative and legal regimes to ensure public safety in emergency situations, it was noted that new methods need to be developed and implemented based on foreign experience.

Keywords: emergency situations, types of regime, concept of regime, powers, role and role of bodies in ensuring the introduced regime.

Favqulodda rejimlarga amaldagi O‘zbekiston Respublikasi qonunchiligida favqulodda holat, favqulodda vaziyat rejimi va harbiy holat kiradi.

Favqulodda holat instituti bugungi kunlarda har xil tushuniladi. O‘zbekiston Respublikasida favqulodda holat, O‘zbekiston Respublikasining 2021 yil 15 dekabrdagi “**Favqulodda holat to‘g‘risida**”gi 737-sonli konstitusiyaviy qonuni bilan tartibga solinadi.

Shuning uchun, yuridik fan favqulodda qonunchilikning mustahkamlanishiga, o‘zining tajribasini anglash va jahon ilg‘or mamlakatlarining qonunchilik amaliyotining majmuaviy tahlilini hisobga olgan holda imkon yaratishi lozim, shuningdek, strategiya va taktikani, o‘zi uchun vaqtli xarakterli va tezkor bardosh berish harakatlarini mujassamlashtirayotgan favqulodda holat rejimini ta’minlash sohasida davlat boshqaruvning ilmiy asoslangan konsepsiyasini ishlab chiqishga o‘z hissasini qo‘shishi lozim.

Prognozlashtirilayotgan yoki yuzaga kelgan favqulodda holatning xususiyatidan kelib chiqib, uning kelib chiqish sabablarini, oqibatlarini xisobga olgan holda, favqulodda holat sodir bo‘lgan hududda favqulodda holatlarda jamoat xavfsizligini ta’minlovchi boshqaruv tizimi tashkil etiladi va u quyidagi rejimlardan birida faoliyat yuritadi:

kundalik faoliyat rejimi — muayyan bir hududda, obektda favqulodda holatlar sodir bo‘lishi xavfi mavjud bo‘lmaganda;

yuqori tayyorgarlik rejimi — favqulodda holatlar sodir bo‘lishi xavfi yuzaga kelganda (tegishli darajadagi boshqaruv organlarining prognozi olinganda);

favqulodda holat rejimi — favqulodda holatlar yuzaga kelganda va favqulodda holatlar davrida (tegishli darajadagi boshqaruv organlaridan xabarnoma olinganda).

Bugungi kunda favqulodda holatda jamoat xavfsizligini ta’minlash muammosi keskin dolzarb muammolardan biriga aylangan desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

Favqulodda holatda jamoat xavfsizligini ta’minlash muammosining asosiy e’tibori, sodir bo‘lgan favqulodda holatning turiga qarab, davlatni siyosiy, iqtisodiy, harbiy, huquqiy, ilmiy-texnikaviy va boshqa imkoniyatlarini hisobga olib mamlakatning milliy manfaatlarini tashqi va ichki tahdidlardan himoyalashni ta’minlashga qaratilgan O‘zbekiston Respublikasi milliy xavfsizligi strategiyasini amalga oshirish mexanizmini shakllantirish

bo‘lmoqda.

Shuning uchun favqulodda holat muammolarining tahlili, favqulodda holat rejimini ta’minlash sohasidagi munosabatlar majmuasini huquqiy tartibga solish tavsifi, shu pozisiyalardan uning mo‘ljallanishini obektiv bahosi muhim va yakunida favqulodda holat rejimini ta’minlash subektlarini faoliyatini takomillashtirishga yo‘naltirilgan.

Hozirgi kunda ma’muriy-huquqiy adabiyotlarda favqulodda holat masalasi yetarli darajada chuqur o‘rganilmagan.

Shu sababli favqulodda holatni alohida xususiyatlariga ega huquqiy rejim sifatida tavsifi aniq nazariy va amaliy qiziqishlarni uyg‘otadi.

Favqulodda holatni maxsus huquqiy rejim sifatida mazmun-mohiyatiga o‘tishdan oldin, quyidagilarni ta’kidlash lozim deb hisoblaymiz.

Favqulodda holat bu jamiyat va davlatda ma’muriy-huquqiy rejimning turi. U favqulodda holatlarda jamoat jarayonlarini tartibga solish obektiv ehtiyoji bilan shartlanadi. 2021 yilgacha mamlakatimizda favqulodda holatni joriy etishga asos bo‘ladigan huquqiy kategoriyasi mavjud bo‘lmagan. 2021 yilda O‘zbekiston Respublikasining “Favqulodda holat to‘g‘risida” gi konstitusiyaviy qonuni qabul qilindi, konstitusiyaviy qonunga davlat himoyasi va uning fuqarolarning xavfsizligi, manfaatlari uchun butun davlat va alohida hududlarda favqulodda holatni e’lon qilish hamda belgilangan holatlarda boshqaruvning alohida shakllari kiritildi[209].

Favqulodda holat jamiyatdagi ma’muriy-huquqiy rejimlarning organik aloqasi sifatida namoyon bo‘ladi. Ushbu favqulodda holat rejimi favqulodda vaziyatlar bilan shartlangan. Ijtimoiy aloqalar majmuasida ular favqulodda holat huquqiy rejimini vujudga kelishining faktik asosi hisoblanadi. Aynan yuridik instrumentlarning qayta shakllanishini talab qilayotgan favqulodda holat o‘z xususiyatlariga ega. Bu degani shu rejim asosiy e’tiborini ta’qiq va huquqiy-majburlov funksiyalarida markazlashtiradi, chunki vaziyatni barqarorlashtirish, favqulodda holatni oqibatlarini bartaraf etish uchun normativ va shaxsiy ko‘rsatmalarining so‘zsiz bajarilishi, demokratiya institutlarining bir qator cheklanishilari bilan davlat, jamiyat, shaxs xavfsizligini ta’minlash kabi umumiy maqsadga erishish uchun subektlar irodasining maksimal bo‘ysunishi talab qilinadi. Favqulodda holatni e’lon qilish uchun asoslarini belgilaganda qonun chiqaruvchi tamoliy sharoitlarning tavsifini quyidagi mezonlarga asoslangan holda beradi.

[209] O‘zbekiston Respublikasining 2021 yil 15 dekabrda qabul qilingan 737-sonli “Favqulodda holat to‘g‘risida” gi Konstitusiyaviy qonuni. // URL: http://www.lex.uz.

Birinchidan, real tashqi xavf, O‘zbekiston Respublikasining konstitusiyaviy tuzumini va (yoki) hududiy yaxlitligini zo‘rlik bilan o‘zgartirishga urinishlar, ommaviy tartibsizliklar, terrorchilik harakatlari, shuningdek zo‘ravonlik harakatlari bilan bir vaqtda yuz beradigan, fuqarolarning hayotiga, sog‘lig‘iga va xavfsizligiga, davlat organlarining, boshqa tashkilotlarning kundalik faoliyatiga bevosita tahdid soluvchi o‘ta muhim hamda toifalangan obektlarni yoki ayrim joylarni to‘sish yoki bosib olish, qonunga xilof qurolli tuzilmalarni tayyorlash (tashkil etish) va ularning faoliyati, millatlararo, konfessiyalararo va chegaraviy nizolar;

Ikkinchidan, keng qamrovli avariya-qutqaruv ishlari va boshqa kechiktirib bo‘lmaydigan ishlarni amalga oshirilishini talab etadigan yirik halokatlar, tabiiy ofatlar, epidemiyalar hamda boshqa tabiiy va texnogen xususiyatga ega favqulodda vaziyatlar, favqulodda ekologik vaziyatlar. Ular qonunda vujudga kelish sohasi bo‘yicha ikkita mustaqil guruhga ajratilgan:

Ijtimoiy-siyosiy, ya’ni konstitusiyaviy tuzumni zo‘ravonlik bilan o‘zgartirish, zo‘ravonlik bilan amalga oshirilayotgan ommaviy tartibsizliklar, millatlaro mojarolar, alohida hududlarning chegaralashi (bloklashi);

texnogen, tabiiy va biologik, ya’ni tabiiy ofatlar, epidemiyalar, epizootiyalar, katta avariyalar.

Birinchi guruh jamoat tartibini o‘rnatish uchun qattiq choralarni, qattiq sanksiyalarni qo‘llashni, fuqarolarning ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy va shaxsiy huquq va erkinliklarini jiddiy va ongli keng cheklovlarni, ya’ni favqulodda holatni e’lon qilishini talab qiladi.

Ikkinchi gurux esa, davlat tomonidan jabr ko‘rganlarga tez va samarali yordam ko‘rsatilishi, avariyaviy-qutqaruv ishlarning tashkillashtirilishi, minimal cheklov va sanksiyalarni ishlatgan holda tartib va intizomni ta’minlanishi bilan xarakterlanadi[210].

Ushbu hodisalar shaxs, jamiyat va davlat uchun xavfli, jamiyat va davlat uchun amalga oshirilishi ehtimoli mavjud bo‘lgan real, favqulodda tahdiddan iborat bo‘lishi kerak.

Favqulodda holatning inqiroz darajasi shunday bo‘lish kerakki, hukumat va boshqaruv organlari o‘zining vakolatlarini yetarli emasligini, hamda mazkur vaziyatni tartibga solish uchun favqulodda choralarni qo‘llash zarurligini tan olishi kerak.

Shu vaqtning o‘zida shunday maxsus huquqiy rejimning paydo bo‘lishi uchun faqat fakt bo‘yicha asos yetarli emas. Unga hali yuridik asos – huquqiy

[210] *Petruxin I. L. Pravovoy rejim v usloviyax sotsialnogo* bedstviya // Gosudarstvo i pravo. 1993, N 2. S. 14.

hujjat – kerak. Bu degani favqulodda holatni alohida e’lon qilish tartibi, ya’ni Prezidentga favqulodda holatni e’lon qilish farmonini chiqarishga vakolat belgilangan.

1) fuqarolar, huquq boshqa subektlarining huquq va erkinliklariga cheklov qo‘yish;

2) boshqaruv tizimini yangi ijro organlarini shakllantirish, vakolatlarini qayta belgilash, qo‘shimcha vakolatlarni berish yo‘li bilan o‘zgartirish.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining favqulodda holat joriy etish to‘g‘risidagi farmoni kelib tushgan paytdan e’tiboran **72 soatdan kechiktirmay** O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Qonunchilik palatasi va Senati ushbu farmonni tasdiqlash haqidagi masalani ko‘rib chiqadi hamda qo‘shma qaror qabul qiladi.

Favqulodda holat e’lon qilish bo‘yicha farmon tasdiqlangandan keyin u qonun kuchiga ega hujjatga aylanadi va huquqqa asoslangan holda ayrim qonunlar tomonidan belgilangan normalarning harakatini vaqtincha to‘xtatadi.

Favqulodda holatni e’lon qilish to‘g‘risidagi hujjatda quyidagilar o‘z aksini topish lozim:

a) uni e’lon qilish uchun asos bo‘lgan sharoitlar. U aniq voqelikka, maslan yer qimirlashi va uning oqibatida vujudga kelgan ijtimoiy oqibatlar; mahalliy hukumat organlarining konstitusiyaga qarshi harakatlarda yoki ochiq zo‘ravonlik to‘qnashuvida o‘z aksini topgan ijtimoiy mojaro rivojlanishining keskinligi shaklda bo‘lishi mumkin;

b) favqulodda holatni e’lon qilish dolzarbligining asoslanganligi;

v) favqulodda holat rejimini amalga oshirishga mas’ul davlat organlari va ushbu organlar aniq favqulodda vakolatlarning chegaralari;

g) favqulodda holat e’lon qilinayotgan hududning chegaralari;

d) favqulodda holatni e’lon qilayotgan hujjatning kuchga kirish vaqti, hamda u amal qilishining aniq muddati.

Favquloda holat rejimini boshlanishg‘ich vaqti va sanasi (masalan, 6 fevral kuni soat 22.00 dan), yoki faqat sanani ko‘rsatgan holda belgilanishi mumkin. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining favqulodda holat joriy etish to‘g‘risidagi farmoni darhol ommaviy axborot vositalarida e’lon qilinishi lozim.

O‘zbekiston Respublikasining butun hududida joriy etiladigan favqulodda holatning amal qilish muddati o‘ttiz sutkadan, uning ayrim joylarida joriy etiladigan favqulodda holatning amal qilish muddati esa oltmish sutkadan oshishi mumkin emas.

Agar favqulodda holatni joriy etish maqsadlariga erishilmagan bo‘lsa, favqulodda holatning amal qilishi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni bilan yana bir muddatga uzaytirilishi mumkin. Bu haqda aholi favqulodda holat joriy etilishi haqida qanday tartibda xabardor qilingan bo‘lsa, xuddi shunday tartibda xabardor qilinadi.[211]

Shu o‘rinda aytib o‘tish joizki, favqulodda holatning amal qilishi muddatini uzaytirish vaqtida, shu xususda istiqomad qilayotgan aholini extiyojlarini ham alohida xisobga olish maqsadga muvofiq bo‘ladi, sababi e’lon qilingan favqulodda holat aholini turmush tarziga o‘z ta’sirini o‘tkazadi.

Qonunchilik favqulodda holat rejimini to‘xtatishning ikkita asosiy variantini nazarda tutadi.

1. favqulodda holatni bekor qilish, agar favqulodda holatni joriy etish uchun asos bo‘lib xizmat qilgan holatlar bartaraf etilsa, favqulodda holatning amal qilishi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni bilan to‘liq yoki qisman muddati tugagunga qadar bekor qilish mumkin.

2. favqulodda holatning to‘xtatilishi, favqulodda holat vaqtinchalik xarakterga ega, u aniq bir muddatga e’lon qilinadi. Mazkur muddatning o‘tishi uning ta’sirini to‘xtatuvchi yuridik fakt hisoblanadi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining favqulodda holatning amal qilishini tugatish to‘g‘risidagi farmoni ushbu Konstitusiyaviy Qonunning 8-moddasi nazarda tutilgan tartibda O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi va Senatining qo‘shma majlisida tasdiqlanadi.

Favqulodda holatning bekor qilinishi (to‘xtatilishi) quyidagi huquqiy oqibatlarga olib keladi:

a) rejimni ta’minlash uchun qabul qilingan huquqiy normalar va hujjatlar, komendantni buyruqlari, favqulodda komissiya va ko‘mitalarning qarorlarini ta’siri o‘z kuchini yo‘qotadi.

b) favqulodda qonunchilik asosida vujudga kelgan huquqiy munosabatlar tugatiladi. Favqulodda holat bekor qilingandan keyin harakatga qolishga maxsus ko‘rsatmasi bo‘lgan norma va hujjatlar bundan mustasno. Masalan, favqulodda holat rejimini buzish bo‘yicha ishlar tugatiladi, ma’muriy arestga tushgan шахслар еса дарнол ozod qilinadi. Favqulodda holat bekor qilingandan so‘ng davom etayotgan huquqiy munosabatlar misoli sifatida favqulodda sharoitlarda jabr ko‘rgan fuqaro va tashkilotlarga moddiy zararni qoplash va boshqa shoshilinch yordamni ko‘rsatish kabi munosabatlarni keltirish mumkin;

[211] O‘zbekiston Respublikasining 2021 yil 15 dekabrda qabul qilingan 737-sonli “Favqulodda holat to‘g‘risida” gi Konstitusiyaviy qonuni. // URL: http://www.lex.uz.

v) barcha “favqulodda” organlar, favqulodda holat rejimini ta’minlovchi tashkiliy tizimlarni vaqtinchalik olib borayotgan faoliyati to‘xtatiladi.

Favqulodda holatning maqsadi bu qisqa muddatlarda vaziyatni normal holatga qaytarish uchun imkoniyat va voqelikning o‘zaro ta’siri, o‘zaro o‘zgarishning, shaxs, jamiyat, davlat xavfsizligiga tahdidlarni bartarf etish, qonuniylik, normal faoliyatini tiklash, jabr ko‘rgan fuqarolar, tashkilotlarga turli xarakterli favqulodda holatning oqibatlarini bartaraf etishda yordam ko‘rsatish turli shakllarni vujudga keltirishdir.

Favqulodda holat davlat hayotining mustaqil voqeligi sifatida rivojlanadi. U nafaqat ijtimoiy-iqtisodiy balki tabiiy va texnogen omillari mavjudligi bilan, balki huquq tizimi va prinsiplari, vakolat, boshqaruv subektlari huquqiy ongi va huquqiy madaniyati kabi omillari orqali ham asoslangan.

Favqulodda holat mazmuni juda murakkab tizimga ega. Bir tomondan, bu davlatning boshqaruv irodasiga ham ma’lum shaklini beruvchi munosabatlar tizim bo‘lsa, ikkinchidan – bu davlat va jamiyatda ilg‘or g‘oyalarni aks ettiruvchi jamoat munosabatlaridir.

Favqulodda holat ma’muriy-huquqiy rejim sifatida bu nafaqat maxsus, balki yuridik-tashkiliy vosita va metodlar majmuasining unifikasiyalashgan shakli sifatida ta’minlangan jamiyat munosabatlarining yagona kompleksidir. Favqulodda holatning ma’muriy-huquqiy ta’sirining bevosita obekti boshqaruv munosabatlar hisoblanadi.[212]

Favqulodda holat sodir bo‘lganda uning oqibatlarini bartaraf etish uchun e’lon qilingan favqulodda holat rejimini boshqarayotgan davlat organi o‘zining tashabbuskorligi va oqilona boshqaruvini yo‘lga qo‘yishi lozim. Birinchi o‘rinda inson manfaati, huquq va erkinliklari turishi kerak.

Boshqaruv munosabatlari turli ijtimoiy shakllanishlarda o‘z aksini topadi. Ma’muriy-huquqiy tartibga solishning obekti sifatida ularga faqat “ички бошқарув sohasidagi davlat faoliyatida va ushbu faoliyatdan kelib chiqqan hukumat va fuqaro o‘rtasidagi yuridik munosabatlar” [213] kiradi.

Favqulodda holatlarda boshqaruv munosabatlar organlar tizimi, ularning strukturasi, ijro-boshqaruv hokimiyatining turli bo‘g‘inlarida ishlashni va o‘zaro ta’sir ko‘rsatishni ta’minlashga yo‘naltirilgan. Ushbu sharoitlarda ma’muriy-delikt munosabatlar alohida guruhga ajraladi.

Favqulodda holat e’lon qilingan hududlarda hokimiyat va boshqaruv organlarining vakolatlari kengayadi (konstitusiyaviy qonunning 18-moddasi),

[212]. Kozlov Y.M. Administrativniye pravootnosheniY. M., 1979. S. 19-40.
[213]. Kobalevskiy V. Sovetskoye administrativnoye pravo. Xarkov, 1929. S.Z

davlat boshqaruvining yangi shakllari kiritilishi mumkin.

Birinchidan, favqulodda holat e'lon qilingan hududdagi Favqulodda holat rejimini ta'minlash bo'yicha davlat komissiyasi O'zbekiston Respublikasi Prezidentiga to'g'ridan-to'g'ri bo'ysinadi va faqat unga hisobdor bo'ladi.

Ikkinchidan, favqulodda holat e'lon qilingan hududlarda Favqulodda holat rejimini ta'minlash bo'yicha davlat komissiyasi davlat boshqaruvi organlari, mahalliy davlat hokimiyati organlari, boshqa tashkilotlar va hududlar komendaturalari tomonidan favqulodda holatni joriy etish uchun asos bo'lib xizmat qilgan holatlarni bartaraf etishga doir tadbirlarning bajarilishini nazorat qiladi;[214]

Amaliyotda favqulodda holatdagi hududlarni boshqarish uchun vaqtinchalik maxsus boshqaruv organlarini tashkil qilish tajribasi O'zbekiston Respublikasida oxirgi vaqtlarda favqulodda holatning ijtimoiy va tabiiy xususiyatga ega bo'lgan ko'rinishlari sodir bo'lgandan keyin amalyotga tadbiq etildi.

Bunga misol tariqasida 2022 yil iyul oyida Qoraqalpog'iston Respublikasida sodir bo'lgan favqulodda g'olatni aytishimiz mumkin.

Ayni damda O'zbekiston Respublikasining "Favqulodda holat to'g'risida" gi 737-sonli konstitusiyaviy qonunida bo'shliqlar mavjud, hozirgi kunda dunyoda yuz berayotgan turli xil ko'rinishdagi favqulodda holatlardan kelib chiqib, qonunni ayrim moddalariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritib mukammallashtirish lozim degan fikrdamiz.

Misol tariqasida aytishimiz mumkinki, Favqulodda holat to'g'risida"gi qonunning 20-moddasida favqulodda tartiblar (rejimlar) ni nazorat qiluvchi hudud komendaturasining faoliyati O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan tasdiqlangan nizom asosida amalga oshiriladi deb yozib qo'yilgan. Lekin hozirgi kunda bunday nizom mavjad emas, ishlab chiqilmagan. Shu nizomni ishlab chiqib amalyotga tadbiq etish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi konstitusiyasi.
2. O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 15 dekabrda qabul qilingan 737-sonli konstitusiyaviy qonuni "Favqulodda holat to'g'risi"da.
3. O'zbekiston Respublikasining 2017 yil 9 avgustdagi "Favqulodda holatlar to'g'risida"gi nizomi. // URL: http://www.lex.uz.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 1 iyundagi «Favqulodda holatlarning oldini olish va ularni bartaraf etish tizimi

[214]. O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 15 dekabrda qabul qilingan 737-sonli "Favqulodda holat to'g'risida" gi Konstitusiyaviy qonuni. // URL: http://www.lex.uz.

samaradorligini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi 5066-sonli farmoni. // URL: http://www.lex.uz.

5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 29 noyabrdagi 27-sonli farmoni bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasi.

6. Vazirlar Maxkamasining 2020 yil 26 avgustdagi “O‘zbekiston Respublikasida favqulodda holatlarni oldini olish va bunday holatlarda harakat qilish davlat tizimini yanada takomillashtirish to‘g‘risida” gi 515-sonli qarori. // URL: http://www.lex.uz.

7. O‘zbekiston Respublikasining “Davlat chegarasi to‘g‘risida” gi qonuni. // URL: http://www.lex.uz.

8. O‘zbekiston Respublikasining Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 9 avgustdagi 606-son qaroriga asosan qabul qilingan “Favqulodda holatlar vazirligi to‘g‘risida nizom” // URL: http://www.lex.uz.

9. O‘zbekiston Respublikasining 2022 yil 17 avgustda qabul qilingan 790-sonli “aholini va hududlarni tabiiy va texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish to‘g‘risida” gi qonuni. // URL: http://www.lex.uz.

10. Kozlov Y.M. Administrativniye pravootnosheniY. M., 1979. S. 19-40.

11. Kobalevskiy V. Sovetskoye administrativnoye pravo. Xarkov, 1929. S.Z

12. *Petruxin I. L. Pravovoy rejim v usloviyax sosialnogo* bedstviya // Gosudarstvo i pravo. 1993, N 2. S. 14.

13. Xosbaum E. Exo "Marselezi". M., 1991; Kaytukov V.M. Evolyusiya diktata. Opiti psixofiziologii istorii. M., 1993; DerIftinskiy V.O. Poliseyskoye pravo. SPb. 1903; Gessen V.M. Isklyuchitelnoye polojeniye SPb. 1908.

Nasirov Xurshid Rustamovich
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti mustaqil izlanuvchisi.

XORIJIY DAVLATLAR POLITSIYA ORGANLARINING OMMAVIY TADBIRLARNI TASHKIL ETISH JARAYONIDA JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH SOHASIDAGI TAJRIBASI

Annotatsiya: Mazkur maqolada xorijiy davlatlarning ichki ishlar organlari tajribasi asosida ommaviy tadbirlar vaqtida jamoat xavfsizligini ta’minlashning samarali mexanizmlari tahlil qilinadi. Xususan, Yaponiya, Germaniya, Fransiya, Singapur, Skandinaviya davlatlari va Janubiy Koreya huquqni muhofaza qiluvchi organlarining tashkiliy yondashuvlari, fuqarolar bilan hamkorlik tizimi, profilaktik chora-tadbirlari va texnologik yondashuvlari ko‘rib chiqilgan. Tadqiqotda ushbu ilg‘or amaliyotlarning O‘zbekistonda qo‘llanishi mumkin bo‘lgan jihatlari ham ilmiy tahlil asosida baholangan.

Kalit so‘zlar: jamoat xavfsizligi, ommaviy tadbirlar, ichki ishlar organlari, xalqaro tajriba, profilaktika, huquqiy tartibot, fuqarolik hamkorligi.

Аннотация: В статье рассматривается опыт правоохранительных органов иностранных государств (по типу органов внутренних дел) по обеспечению общественной безопасности во время массовых мероприятий. Анализируются организационные подходы, взаимодействие с населением, превентивные меры и технологии, применяемые в таких странах, как Япония, Германия, Франция, Сингапур, страны Скандинавии и Южная Корея. Также предложены научно обоснованные идеи по адаптации эффективных зарубежных практик в контексте Узбекистана.

***Ключевые слова*:** общественная безопасность, массовые мероприятия, органы внутренних дел, международный опыт, профилактика, правопорядок, гражданское сотрудничество.

Abstract: This article analyzes the experience of foreign law enforcement agencies (equivalent to internal affairs bodies) in ensuring public safety during mass events. It explores the organizational models, citizen collaboration systems, preventive measures, and use of technologies in countries such as Japan, Germany, France, Singapore, the Scandinavian states, and South Korea. The study also evaluates the applicability of these advanced practices within Uzbekistan's legal and institutional framework from a scientific perspective.

***Keywords*: public** safety, mass events, internal affairs bodies, international experience, prevention, law enforcement, civic cooperation.

Ommaviy tadbirlarda jamoat xavfsizligini ta’minlash masalasi bugungi kunda jahon miqyosida strategik ahamiyat kasb etmoqda. Turli davlatlar o‘z milliy xavfsizlik konsepsiyalarida ommaviy yig‘ilishlar, madaniy, sport, siyosiy va diniy tadbirlar xavfsizligini ta’minlashga alohida e’tibor qaratishmoqda. Bu jarayonda ichki ishlar organlari yoki ularning funksiyalarini bajaruvchi boshqa huquqni muhofaza qiluvchi tuzilmalar yetakchi rol o‘ynaydi. Xususan, AQSH, Germaniya, Buyuk Britaniya, Yaponiya, Koreya Respublikasi, Singapur, Fransiya va Rossiya Federatsiyasi kabi davlatlar tajribasi alohida ahamiyatga egadir.

AQSHda ommaviy tadbirlarda jamoat xavfsizligini ta’minlash yuzasidan yuqori darajadagi muvofiqlashtirilgan tizim shakllangan. Bu jarayonda asosiy subyektlar sifatida mahalliy politsiya, Department of Homeland Security (DHS), Federal Emergency Management Agency (FEMA), shuningdek, AQSH Markaziy razvedka boshqarmasi (CIA) va boshqa maxsus xizmatlar ishtirok etadi. Ular har bir yirik ommaviy tadbir oldidan taktik va strategik rejalarni ishlab chiqishadi, xavf tahlili o‘tkaziladi va real-time monitoring tizimlari faollashtiriladi.

Xususan, “Urban Shield”[1] – bu San-Fransisko shahrida amalga oshiriladigan yillik simulyatsiyali mashg‘ulot bo‘lib, u politsiya, qutqaruv xizmati, tez yordam va favqulodda xizmatlarining hamkorlikdagi tayyorgarligini baholashga qaratilgan (City and County of San Francisco, Office of Emergency Management, 2022). “Mass Gathering Public Health Emergency Planning Guide” (CDC, 2014) esa ommaviy tadbirlarda sog‘liqni saqlash xavflariga qarshi tayyorgarlik ko‘rishda asosiy me’yoriy hujjat sifatida xizmat qiladi.

AQSH amaliyotida tadbirga tayyorgarlik ko‘rish jarayonida “Incident Command System” (ICS) doirasida vazifalar taqsimlanadi va “National Incident Management System” (NIMS) asosida fuqarolar, tashkilotlar va hukumatlar o‘rtasidagi hamkorlik ta’minlanadi. Bu model O‘zbekistondagi amaldagi boshqaruv tizimiga nisbatan yanada aniq vazifalashtirilgan va markazlashtirilgan harakatni ta’minlaydi.

Shu bilan birga, AQSHda ommaviy tadbirlarda favqulodda vaziyatlarga javob qaytarish uchun “Fusion Centers” — ya’ni idoralararo ma’lumot almashinuv markazlari faoliyat yuritadi. Ular milliy va mahalliy darajada

tahdidlar haqida axborotni yig‘ish, tahlil qilish va tarqatish bilan shug‘ullanadi[2].

Qiyosiy tahlil nuqtayi nazaridan qaralganda, O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi ham ommaviy tadbirlarda xavfsizlikni ta’minlashda yetakchi organ hisoblanadi. Biroq, AQSH amaliyotidan farqli o‘laroq, O‘zbekistonda milliy va mahalliy darajadagi munosabatlarni muvofiqlashtirish hamda ma’lumot almashishda yagona real vaqtli axborot tizimi to‘liq joriy etilmagan. Shu bois, AQSHdagi “Fusion Center” kabi markazlashgan ma’lumot almashish platformasini O‘zbekiston amaliyotiga joriy etish mumkin.

Shuningdek, AQSH tajribasidagi yana bir ijobiy jihat – bu simulyatsiyali mashg‘ulotlarni doimiy o‘tkazish tizimi. Mazkur usul O‘zbekistonda ham ommaviy tadbirlarga tayyorgarlik jarayonida muntazam ravishda joriy etilishi maqsadga muvofiq.

AQSH tajribasidagi simulyatsiyali mashg‘ulotlarni doimiy o‘tkazish tizimini O‘zbekistonda ham ommaviy tadbirlarga tayyorgarlik jarayonida muntazam ravishda joriy etilishi maqsadga muvofiq.

O‘zbekiston uchun “Urban Shield” modeli asosida quyidagi konseptual taklifni ilgari surishimiz mumkin:

- “O‘zShield” nomi ostida har yili umumrespublika simulyatsiyali mashg‘ulotlar dasturini joriy etish;

- IIV, FVV, Milliy gvardiya, tez yordam, sanitariya xizmati, mahalliy hokimiyat va OAV ishtirokidagi o‘zaro hamkorlikni real ssenariylarda sinash;

- 48 soatlik mashg‘ulot davomida real-time axborot almashinuv, dispetcherlash, evakuatsiya va tahdidlarga javobni modellashtirish;

- ishtirokchilar faoliyatini maxsus ball tizimi asosida baholash va yillik hisobotlar tayyorlash;

- “Urban Shield” tajribasidagi kabi ommaviy axborot va aholi o‘rtasidagi jamoatchilik muloqotini ta’minlash.

Darhaqiqat, AQSHdagi federal va mahalliy organlar o‘rtasidagi hamkorlik, maxsus huquqiy va metodik hujjatlar, axborot tizimlari va taktik mashg‘ulotlarga asoslangan yondashuv – O‘zbekiston Ichki ishlar organlari uchun ilg‘or tajriba sifatida xizmat qilishi mumkin. Buning uchun, “National Incident Management System”ga o‘xshash milliy standart joriy etish, “Fusion Center” modelini yaratish, har yillik yirik mashg‘ulotlarni joriy etish, jamoatchilik ishtirokini ta’minlovchi ommaviy axborot kampaniyalarini amalga oshirish tavsiya etiladi.

Germaniyada ommaviy tadbirlar xavfsizligini ta’minlash sohasida mustahkam huquqiy va tashkiliy asos yaratilgan. Bu jarayonda

“Versammlungsgesetz” – Yig‘ilishlar to‘g‘risidagi qonun[3] asosiy rol o‘ynaydi. U mitinglar, namoyishlar, ko‘cha yurishlari kabi ommaviy tadbirlarni o‘tkazish tartibini belgilaydi, shuningdek, ishtirokchi subyektlarning majburiyatlari va javobgarligini aniq qonuniy asosda tartibga soladi.

Germaniyadagi muhim jihatlardan biri – har qanday ommaviy tadbir oldidan institutsional simulyatsiya mashg‘ulotlari o‘tkazilishi hisoblanadi. Bundesliga futbol o‘yinlari, bayramlar, namoyishlar kabi yirik tadbirlar oldidan Polizei (politsiya), Feuerwehr (yong‘in xizmati), Rettungsdienst (tez tibbiy yordam) va sanitar organlar ishtirokida maxsus simulyatsiyalar amalga oshiriladi. Bu mashg‘ulotlar “Kompetenzzentrum Öffentliche Sicherheit” — Jamoat xavfsizligi kompetensiya markazi[4] tomonidan rejalashtiriladi va muvofiqlashtiriladi.

“Kompetenzzentrum Öffentliche Sicherheit”ning vazifalari qatorida: xavf tahlili va ssenariylar ishlab chiqish; taktik-kordinatsion rejalar tuzish; favqulodda vaziyatlar boshqaruvini sinovdan o‘tkazish; idoralararo ma’lumot almashish platformalarini ishlab chiqish; ishtirokchi organlar o‘rtasidagi muvofiqlashuvni ta’minlash mavjud.

Germaniyadagi muhim hujjatlardan biri - “Handbuch für Veranstaltungen mit besonderen Sicherheitsanforderungen” (2022)[5], ya’ni yuqori xavfli tadbirlarni tashkil etish bo‘yicha qo‘llanma bo‘lib, u Bavariya politsiyasi tomonidan ishlab chiqilgan. Bu hujjatda ommaviy tadbirlarga tayyorgarlik jarayonining har bir bosqichi — xabar berish, ssenariy tahlili, kuch va vositalarni joylashtirish, evakuatsiya rejasi, aholi va OAV bilan ishlash kabi aspektlar to‘liq yoritilgan.

O‘zbekistonda ham Vazirlar Mahkamasining 2024 yil 12 sentyabrdagi 569-sonli qarori[6] orqali ommaviy tadbirlarda ishtirok etuvchi tuzilmalarning vazifalari belgilab berilgan. Ammo, Germaniyadagi kabi aniq taktik-kordinatsion rejalar, har bir tadbirga individual yondashuv va hatto maxsus kompetensiya markazi hali tashkil etilmagan. Germaniyada barcha tuzilmalar o‘rtasida real-time ma’lumot almashish, favqulodda vaziyat ssenariylari asosida harakat algoritmlarini sinovdan o‘tkazish, davlat va mahalliy hokimiyat darajasida muvofiqlashtirilgan platformada ishlash tizimlashgan holda amalga oshiriladi.

O‘zbekistonda Germaniya tajribasi asosida quyidagilarni joriy etish ijobiy natija beradi. Xususan:

- “Kompetenzzentrum”ga o‘xshash Jamoat xavfsizligi taktik-tahlil markazini tashkil etish;

- har bir yirik tadbir oldidan Polizei va Feuerwehr kabi tuzilmalarning ishtirokidagi simulyatsiyali mashg‘ulotlarni joriy etish;

- “Handbuch für Veranstaltungen”-ga o‘xshash milliy qo‘llanma ishlab chiqish va uni ommaviy tadbirlarni tashkil etishda asosiy hujjat sifatida tasdiqlash;

- simulyatsiya va tahlil asosida har bir ommaviy tadbir uchun maxsus taktik-kordinatsion reja tuzish;

- respublika va hududiy miqyosda ma’lumot almashish platformasini yaratish.

Shu asosda xulosa qilish mumkinki, Germaniya tajribasi yuqori darajadagi huquqiy aniqlik, institutsional hamkorlik va ssenariyga asoslangan simulyatsiya orqali ommaviy tadbirlarda xavfsizlikni ta’minlashda kompleks yondashuvni amalga oshiradi. Bu tajriba O‘zbekistondagi ichki ishlar organlari faoliyatini yanada modernizatsiya qilish uchun qimmatli ilg‘or yechimlar taqdim etadi.

Buyuk Britaniyada jamoat xavfsizligini ta’minlashda “community policing” – ya’ni jamoatchilik bilan hamkorlikdagi politsiya faoliyati alohida o‘rin tutadi. Bu modelga ko‘ra, politsiya faqat huquqbuzarliklarga javob beruvchi emas, balki jamoat bilan doimiy muloqotda bo‘luvchi va fuqarolar ishonchini qozonadigan subyekt sifatida qaraladi.

Ommaviy tadbirlar jarayonida Buyuk Britaniyada “Gold-Silver-Bronze Command Structure” (GSB)[7][215] — uch bosqichli boshqaruv tizimi keng qo‘llaniladi. Ushbu tizimda “Gold Commander” strategik qarorlarni qabul qiladi, “Silver Commander” taktik boshqaruvni amalga oshiradi, “Bronze Commander” esa muayyan vazifalarni joylarda bajaradi.

Buyuk Britaniyaning asosiy normativ hujjatlaridan biri “Public Order Act 1986”[8] bo‘lib, u ommaviy tadbirlardagi politsiyaning harakatlarini tartibga soladi, namoyishlarni tashkil etish shartlari, javobgarlik va jamoat xavfsizligini ta’minlash mexanizmlarini belgilaydi.

“Community policing” modelega ko‘ra, ommaviy tadbirlar paytida jamoat bilan doimiy axborot almashinuvi ta’minlanadi. Politsiya xodimlari fuqarolar bilan muloqot qilish, tushuntirish, ishonch uyushtirish orqali konfliktlarni oldini oladi. Masalan, “London Metropolitan Police” tomonidan tashkil etilgan “Neighbourhood Policing Teams” har bir tadbir oldidan mahalliy jamoa bilan uchrashuvlar o‘tkazib, xavotirlar, takliflar va ehtiyojlarni o‘rganishadi[9].

[215] National Police Chiefs’ Council (NPCC), UK – Incident Command System Guidance for Major Events, 2020.

Buyuk Britaniyada ommaviy tadbirlarga tayyorgarlik jarayonida mahalliy hokimiyat, NHS (sog‘liqni saqlash xizmati), London Ambulance Service, Fire Brigade, jamoatchilik tuzilmalari va OAV bilan hamkorlik muhim o‘rin tutadi. Har bir tadbir uchun “Event Safety Management Plan” ishlab chiqiladi. Bu rejada evakuatsiya yo‘nalishlari, patrul va nazorat nuqtalari, sanitariya xizmatlari, hamda favqulodda vaziyatlardagi javob choralari o‘z aksini topadi.

O‘zbekistonda ichki ishlar organlari asosan jamoat tartibini saqlash va favqulodda vaziyatlarga javob berishga yo‘naltirilgan. Biroq “community policing” modelidagi kabi jamoa bilan ishonchli aloqa, fuqarolarning xavfsizlik jarayonidagi faol ishtiroki hozircha keng tarqalmagan. “Gold-Silver-Bronze” kabi iyerarxik va funksional rahbarlik modeli ham aniq tartibga solinmagan.

Buyuk Britaniyaning ilg‘or tajribasini O‘zbekiston tajribasiga tatbiq etish bo‘yicha quyidagilarni keltirib o‘tishimiz mumkin:

- “Community Policing” konsepsiyasini normativ-huquqiy asosda qabul qilish va IIV tizimida maxsus bo‘lim tashkil etish;

- “Gold-Silver-Bronze” modeli asosida ommaviy tadbirlarda strategik, taktik va operativ rahbarlikni ajratish;

- har bir yirik tadbir oldidan jamoat bilan uchrashuvlar, jamoatchilik kengashlari orqali muloqot va tahlil o‘tkazish;

- “Event Safety Plan”ga o‘xshash hujjatlarni ishlab chiqishni majburiy tartibda joriy etish;

- jamoatchilik bilan ishlash bo‘yicha politsiya xodimlari uchun alohida malaka oshirish dasturlarini yo‘lga qo‘yish.

Qisqacha aytganda, Buyuk Britaniyadagi ommaviy tadbirlarni boshqarish tizimidagi funksional iyerarxiya, jamoat bilan muloqotni institutsional darajada tashkil qilish, axborot aylanmasi va javobgarlik mexanizmlari – O‘zbekiston amaliyotiga moslashtirilsa, ichki ishlar organlari faoliyatida sifat jihatidan o‘sishga erishish mumkin.

Yaponiya va Janubiy Koreya Respublikasida ommaviy tadbirlarda xavfsizlikni ta’minlash tizimi yuqori darajada texnologiyalashgan va tahlilga asoslangan mexanizmlarga suyangan. Ikki mamlakat ham xavf tahlillari va ssenariyli mashg‘ulotlar orqali idoralararo muvofiqlashuvga erishgan.

Yaponiyada ommaviy tadbirlarga tayyorgarlik "Disaster Preparedness Drill" va "Comprehensive Crisis Management System" (CCMS)[10] orqali amalga oshiriladi. Har bir tadbir oldidan ehtimoliy xavflarni baholash, ehtiyot choralarini belgilovchi simulyatsiyali mashg‘ulotlar tashkil etiladi. Bu jarayon

Yaponiyaning Milliy Polis Agentligi (NPA), Favqulodda holatlar agentligi va mahalliy hokimiyatlar tomonidan muvofiqlashtiriladi.

“Multi-Hazard Risk Assessment” — ya’ni ko‘p sohali xavf tahlili usuli bo‘yicha tabiiy ofatlar, texnogen insidentlar, jinoyat xavfi, epidemiyalar va terrorchilik tahdidlari bir vaqtda tahlil qilinadi. Ushbu tahlillarning natijalari “Emergency Operations Centre”ga uzatiladi va u yerda real vaqtda boshqaruv mexanizmi ishga tushadi.

Janubiy Koreya Respublikasida “Smart Surveillance System” va “Safe Korea” platformalari[11] orqali ommaviy tadbirlarni monitoring qilish yo‘lga qo‘yilgan. Real-time ma’lumotlar, CCTV orqali kuzatuv, yuz tanish tizimlari va axborot tahlili orqali xavflar oldindan baholanadi.

Favqulodda vaziyatlarda Korea National Disaster Management Institute (NDMI) tomonidan “Integrated Disaster and Safety Management Information System” (IDIS) orqali barcha idoralar faoliyati muvofiqlashtiriladi. Bu tizim politsiya, tibbiyot, yong‘in xizmati va sanitariya organlarini yagona raqamli platformada birlashtiradi.

O‘zbekistonda ommaviy tadbirlarga tayyorgarlik ko‘rish jarayoni asosan ichki ishlar organlari, Favqulodda vaziyatlar xizmati va sog‘liqni saqlash organlari o‘rtasidagi an’anaviy hamkorlikka asoslangan. Biroq, xavf tahlilida ko‘p omilli yondashuv, real-time ma’lumotlar platformalari va avtomatlashtirilgan dispetcherlash sistemalari hali yetarli darajada rivojlanmagan.

Yaponiya va Janubiy Koreya Respublikasi davlatlarining O‘zbekiston tajribasi uchun singdirish mumkin bo‘lgan ijobiy jihatlari:

- "Multi-Hazard Risk Assessment" usulini huquqiy asos bilan joriy etish va har bir ommaviy tadbir oldidan kompleks xavf tahlilini majburiylashtirish;

- Yaponiya va Koreyadagi kabi "Disaster Preparedness Simulation" treninglarini har yili muntazam o‘tkazish;

- “Smart Surveillance” texnologiyalaridan foydalanish — masalan, yuz tanish, real-time monitoring, axborot vizualizatsiya;

- favqulodda vaziyatlar boshqaruvi uchun yagona “Crisis Command and Coordination Platform” yaratish, u orqali barcha idoralar integratsiya qilinishini ta’minlash;

- tadbirlarda foydalaniladigan ssenariy asosidagi harakat rejalarini ishlab chiqish va ularni muntazam yangilab borish.

Yaponiya va Koreya Respublikasidagi ommaviy tadbirlar xavfsizligiga oid tizimlar O‘zbekiston uchun muhim metodologik va texnologik manba bo‘lishi mumkin. Ulardan o‘zlashtirilishi mumkin bo‘lgan asosiy yo‘nalishlar –

bu ko‘p omilli xavf tahlili, simulyatsiya asosidagi mashg‘ulotlar, raqamli integratsiya va real-time boshqaruv platformalaridir. Ushbu usullar orqali ichki ishlar organlarining muvofiqlashtiruvchi faoliyatini sifat jihatdan yangi bosqichga ko‘tarish mumkin.

Singapur va Fransiya jamoat xavfsizligini ta’minlashda zamonaviy texnologiyalar, institutsional integratsiya va favqulodda holatlarga tayyorgarlik sohasida ilg‘or tajribaga ega. Ushbu mamlakatlar xavf tahlili, favqulodda vaziyatlar rejalashtirish va idoralararo hamkorlik borasida O‘zbekiston uchun muhim ilmiy-amaliy saboq bo‘ladi.

Singapurda ommaviy tadbirlarda xavfsizlikni ta’minlashda Singapore Police Force (SPF), Civil Defence Force va Emergency Medical Services tuzilmalari integratsiyalashgan holda faoliyat yuritadi. Ular Singapore Ministry of Home Affairs (MHA) (Singapur Respublikasi Ichki ishlar vazirligi) boshchiligida harakat qiladi. Tadbirlarga tayyorgarlik jarayonida "Public Warning System" orqali tezkor axborot tarqatish, evakuatsiya ssenariylarini ishlab chiqish va real-time monitoring tizimlaridan foydalanish ta’minlanadi.

Maxsus "Total Defence" konsepsiyasi[12] doirasida nafaqat huquqni muhofaza qiluvchi organlar, balki sog‘liqni saqlash, transport, kommunal xizmatlar, axborot texnologiyalari kabi sektorlar ham jalb qilinadi. Idoralar o‘rtasida "Joint Operations Centre" orqali ma’lumot almashuvi va harakat muvofiqlashuvi ta’minlanadi. Singapurda avtomatlashtirilgan axborot tizimlari, yuz tanish kameralari, dronlar orqali monitoring va favqulodda xabar berish tizimlari jamoat xavfsizligida muhim rol o‘ynaydi.

O‘zbekiston amaliyotida ushbu modelning quyidagi jihatlarini joriy etish maqsadga muvofiq: milliy “Jamoaviy mudofaa” konsepsiyasini ishlab chiqish; barcha davlat organlari ishtirokidagi ssenariyli mashg‘ulotlar; psixologik va axborot xavfsizligi bo‘yicha aholi o‘rtasida tushuntirish ishlari; axborot platformalari orqali jamoaviy tayyorgarlikni oshirish.

Fransiyada ommaviy tadbirlarda xavfsizlikni ta’minlash asosan Gendarmerie Nationale va Police Nationale organlari tomonidan amalga oshiriladi. Ularga hududiy ma’muriyatlar, favqulodda vaziyatlar xizmati (Sécurité Civile) va sog‘liqni saqlash tuzilmalari qo‘shiladi. Fransiya ichki ishlar vazirligi tomonidan maxsus “Plan ORSEC” (Organisation de la Réponse de Sécurité Civile)[13] rejasi qabul qilingan bo‘lib, u har bir tadbir uchun evakuatsiya, terrorga qarshi kurash, favqulodda holat va jamoat bilan ishlash ssenariylarini qamrab oladi.

Fransiyaning mazkur ijobiy tajribasini milliy amaliyotga singdirish quyidagilarga zamin yaratadi:

-qonunlashtirilgan ssenariy rejalari: O‘zbekistonda ommaviy tadbirlarda qo‘llanadigan harakat ssenariylari “Plan ORSEC”ga o‘xshash holda qonuniy asosda belgilanishi kerak. Bu barcha idoralar mas’uliyatini ravshanlashtiradi;

hududiy shtablarni institutsionallashtirish: har bir viloyat va shahar darajasida avtomatik faoliyat boshlaydigan shtablar tashkil qilish (“krizis markazi” modeli);

idoralararo favqulodda muvofiqlashtirish mexanizmi: tadbir paytida IIV, Sog‘liqni saqlash, FVV, sanitariya organlari, Mudofaa va Milliy gvardiya o‘rtasida taktik hamkorlikni ta’minlovchi yagona reja.

jamoat bilan ishlash strategiyasi: PWS (Public Warning System) kabi tezkor axborot platformalar orqali aholini xabardor qilish tizimini ORSEC asosida muvofiqlashtirish.

Fransiyada xavfsizlikni ta’minlashda jamoatchilik ishtirokini ham nazarda tutuvchi “Vigipirate” terrorizmga qarshi davlat dasturi amal qiladi. Bu tizim xavf darajasiga qarab chora-tadbirlarni avtomatik boshqarishni nazarda tutadi. Shuningdek, Fransiya politsiyasi tadbirlar oldidan ko‘p ssenariyli simulyatsiyali mashg‘ulotlar o‘tkazadi.

O‘zbekistonda ham ichki ishlar organlari, FVV, Sog‘liqni saqlash tizimi, Milliy gvardiya va mahalliy hokimiyatlar jamoat xavfsizligi uchun mas’ul. Biroq, Singapur va Fransiyadagi kabi institutsional integratsiya, raqamli tizimlar va avtomatik idoralash mexanizmlari hali yetarli darajada emas. Shu bois, ushbu mamlakatlardan olinishi mumkin bo‘lgan ijobiy jihatlar quyidagilar:

-Singapur tajribasi asosida "Public Warning System" kabi avtomatik xabar tizimlarini joriy etish;

-“Joint Operations Centre” tipida yagona favqulodda holat boshqaruv markazini shakllantirish;

-Total Defence konsepsiyasi asosida ko‘p idorali tayyorgarlik mashg‘ulotlarini yo‘lga qo‘yish.

-Fransiya tajribasi asosida “Plan ORSEC”ga o‘xshash holda tadbirlarga doir harakatlar ssenariylarini qonuniy asosda tartibga solish;

-“Vigipirate” modeliga mos xavf darajalari tizimini joriy etish;

-ichki ishlar organlari, Milliy gvardiya, FVV, sanitariya va tibbiy xizmatlar o‘rtasida simulyatsiyali mashg‘ulotlarni muntazam o‘tkazish.

Singapur va Fransiyadagi tizimlardan olinishi mumkin bo‘lgan asosiy saboq – bu ko‘p darajali xavf tahlili, avtomatik xabar tizimlari, institutsional hamkorlik markazlari va jamoatchilikni faol jalb qilishdir. O‘zbekistonda ichki ishlar organlari uchun bunday yondashuvlar strategik va texnologik

imkoniyatlarni kengaytirish bilan bir qatorda, samarali va ishonchli xavfsizlik muhitini shakllantirishga xizmat qiladi.

Rossiya Federatsiyasi ommaviy tadbirlarda jamoat xavfsizligini ta’minlash bo‘yicha kompleks va bosqichma-bosqich tashkil etilgan tizimga ega. Bu sohadagi boshqaruv, huquqiy asoslar va idoralararo hamkorlik “O massovix meropriyatiyax” turkumiga kiruvchi turli hujjatlar, IIV va Rosgvardiya normativlariga asoslangan. Jumladan, IIV va Rosgvardiya (Rosgvardiya – Federal gvardiya xizmati) tadbirlar xavfsizligi uchun mas’ul asosiy organlar hisoblanadi. Ular mahalliy hokimiyatlar, Favqulodda vaziyatlar vazirligi (MCHS), sanitariya va tibbiy xizmatlar bilan uzviy hamkorlikda ish olib borishadi.

Rossiyada har qanday yirik tadbir oldidan “operativ ssenariy” ishlab chiqiladi va u asosida simulyatsiyali mashg‘ulotlar o‘tkaziladi. Masalan, futbol chempionatlari, saylovlar, ommaviy madaniy yoki siyosiy yig‘ilishlar oldidan politsiya, Rosgvardiya, FVM va tibbiy xizmatlar ishtirokida amaliy treninglar tashkil etiladi. Bu jarayonda “yedinoy dejurno-dispetcherskoy slujbi” – ya’ni yagona navbatchi-dispetcher xizmati orqali ma’lumotlar almashinuvi ta’minlanadi.

Qonunchilik nuqtayi nazardan, Rossiyada “O politsii” federal qonuni, “O grajdanskoy oborone” hamda “O chrezvichaynix situatsiyax” to‘g‘risidagi qonunlar[14] favqulodda vaziyatlarda davlat organlari va mahalliy tuzilmalarning vazifalarini belgilab beradi. Bundan tashqari, IIV buyruqlari asosida tadbirlarga oid maxsus taktik rejalar ishlab chiqiladi va har bir hududiy organ ushbu rejalarga muvofiq harakat qiladi.

O‘zbekiston Respublikasida ham ichki ishlar organlari, Milliy gvardiya, FVV, Sog‘liqni saqlash, sanitariya xizmatlari va mahalliy hokimiyatlar jamoat xavfsizligini ta’minlash uchun mas’ul. Biroq Rossiyadagi tajribadagi kabi simulyatsiyali mashg‘ulotlar, ssenariy asosidagi tayyorgarlik va yagona axborot dispetcherlik tizimi joriy etish hanuzcha to‘liq amaliyotga aylanmagan.

Turkiya Respublikasida ommaviy tadbirlarda jamoat xavfsizligini ta’minlash masalasi Ichki ishlar vazirligi, Turkiya Milliy politsiyasi (Emniyet Genel Müdürlüğü), Jandarmeriya General qo‘mondonligi (Jandarma Genel Komutanlığı), Favqulodda vaziyatlar boshqaruvi agentligi (AFAD) va mahalliy hokimiyatlar o‘rtasida markazlashgan va hamkorlik asosida amalga oshiriladi.

AFAD[15] Turkiyada favqulodda vaziyatlarga tayyorgarlik va jamoat xavfsizligini ta’minlash sohasidagi yetakchi organ bo‘lib, ommaviy tadbirlar uchun xavf tahlili, simulyatsiya mashg‘ulotlari va favqulodda reaksiya

rejalarini ishlab chiqishda faol ishtirok etadi. AFAD «Bütünleşik Afet Yönetimi Sistemi» (Integratsiyalashgan favqulodda vaziyatlar boshqaruvi tizimi) orqali turli idoralar o‘rtasidagi hamkorlikni ta’minlaydi.

Jamoat xavfsizligini ta’minlash borasida Turkiyada “Risk Bazlı Güvenlik Planlaması” – xavfga asoslangan xavfsizlik rejalashtirish konsepsiyasi qo‘llaniladi. Bu model ommaviy tadbirlarning turi, joyi, ishtirokchilar soni va tahdid darajasini baholab, politsiya, jandarmeriya va tibbiy xizmatlar o‘rtasida harakatlarni muvofiqlashtirishni nazarda tutadi. Har bir tadbir uchun maxsus «Güvenlik Planı» (Xavfsizlik rejasi) tuziladi.

Turkiya politsiyasi tomonidan yirik tadbirlar davomida dronlar, intellektual videokuzatuv tizimlari va raqamli aloqa vositalari faol qo‘llaniladi. Tadbirlar oldidan «Hazırlık Tatbikatları» (Tayyorgarlik mashg‘ulotlari) o‘tkaziladi, bu esa tezkor javob berish qobiliyatini oshiradi. Shu bilan birga, mahalliy hokimiyat va fuqarolik jamiyati institutlari bilan hamkorlikda aholiga yo‘naltirilgan ma’lumot kampaniyalari tashkil etiladi.

O‘zbekistonda ichki ishlar organlari, Milliy gvardiya va boshqa tuzilmalar ham ommaviy tadbirlar xavfsizligi uchun mas’ul. Biroq Turkiya tajribasidan kelib chiqib, quyidagi ijobiy jihatlarni milliy amaliyotga tatbiq etish mumkin:

- favqulodda holatlar va xavf tahlilini idoralararo muvofiqlashtirish maqsadida AFAD kabi markazlashgan tahlil va muvofiqlashtiruvchi agentlikni joriy etish.

- jandarmeriya, politsiya, tibbiyot va hokimiyat idoralari o‘rtasida axborot almashinuvini avtomatlashtirish uchun Integratsiyalashgan raqamli platforma yaratish.

- har bir tadbir uchun individual tahlil va xavfsizlik strategiyasini ishlab chiqish.

- real vaqtda monitoring va xavfli vaziyatlarni oldindan aniqlash uchun dron va smart kuzatuv texnologiyalarini keng joriy etish.

Xorijiy davlatlar tajribasi shundan dalolat beradiki, ommaviy tadbirlarda xavfsizlikni ta’minlash nafaqat huquqni muhofaza qilish, balki strategik rejalashtirish, texnologiya, jamoatchilik ishtirokini qamrab olgan ko‘p qirrali jarayondir. O‘zbekistonda ham ushbu modellardan xulosa chiqarib, milliy tizimni takomillashtirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. San Francisco Urban Shield Program Reports, Office of Emergency Services. Homeland Security Exercise and Evaluation Program (HSEEP),

DHS.gov. “Urban Shield After Action Report” (2018), Alameda County Sheriff's Office.

2. https://www.congress.gov/congressional-report/116th-congress/house-report/458/1.

3. BBl 2001 3621. Bundesgesetz über die Bundesversammlung (Parlamentsgesetz, ParlG) // https://www.fedlex.admin.ch/eli/fga/2001/640/de.

4. Bundesamt für Bevölkerungsschutz und Katastrophenhilfe, 2020.

5. https://shop.lexisnexis.at/sicherheit-fuer-versammlungsstaetten-und-veranstaltungen-978341505-9566.html.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12 сентябрдаги 569-сонли “Оммавий тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида”ги қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.09.2024 й., 09/24/569/0714-сон // https://www.lex.uz/docs/7102947.

7. National Police Chiefs’ Council (NPCC), UK – Incident Command System Guidance for Major Events, 2020.

8. https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1986/64.

9. Metropolitan Police Service, 2021.

10. Cabinet Office Japan, CCMS Overview Report, 2021.

11. Ministry of the Interior and Safety, Korea, 2021. Kim & Park, Korea Safety Policy Review, 2021.

12. Singapore Civil Defence Force Report, 2021.

13. Ministère de l'Intérieur, France, 2021.

14. Федеральный закон от 07.02.2011 N 3-ФЗ “О полиции”. Федеральный закон от 21.12.1994 N 68-ФЗ “О защите населения и территорий от чрезвычайных ситуаций” // https://ru.wikipedia.org/wiki.

15. https://www.afad.gov.tr.

Митанов Зафар
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ВА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ИДОРАЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Аннотация*:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Миллий гвардия ва ички ишлар органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинади. Миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш, оммавий тадбирлар, фуқаролар тинчлигини таъминлашда ушбу тузилмаларнинг институционал вазифалари ва ўзаро мувофиқлашуви очиб берилади. Мақолада хорижий тажриба асосида идоралараро ҳамкорликни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий, ташкилий ва амалий йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилади.

***Калит сўзлар*:** Миллий гвардия, ички ишлар органлари, жамоат хавфсизлиги, ҳамкорлик, идоралараро мувофиқлашув, ҳуқуқий асослар, ислоҳотлар, қонунчилик.

***Аннотация*:** В статье анализируется текущее состояние сотрудничества между Национальной гвардией и органами внутренних дел Республики Узбекистан в обеспечении общественной безопасности. Рассматриваются институциональные функции и механизмы координации этих структур в контексте национальной безопасности и охраны общественного порядка. На основе международного опыта предлагаются научно обоснованные рекомендации по совершенствованию межведомственного взаимодействия и правовой базы.

Ключевые слова: Национальная гвардия, органы внутренних дел, общественная безопасность, сотрудничество, межведомственная координация, правовые основы, реформы, законодательство.

***Abstract*:** This article analyzes the current state of cooperation between the National Guard and the internal affairs bodies of the Republic of Uzbekistan in ensuring public safety. It explores the institutional roles and coordination mechanisms of these structures in maintaining national security and public order. Based on international best practices, the article offers scientifically

grounded proposals for improving interagency cooperation and the legal-institutional framework.

***Keywords*:** National Guard, internal affairs bodies, public safety, cooperation, interagency coordination, legal framework, reforms, legislation.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлат ва жамият тараққиётида муҳим ўрин тутади. Замонавий дунёда ички хавфсизлик ва тартибни сақлашда юзага келаётган таҳдидлар (жиноятчиликнинг ўсиши, терроризм, оммавий норозиликлар, киберхавфсизлик муаммолари ва бошқалар) бу йўналишдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Шу нуқтаи назардан, Миллий гвардия ва ички ишлар органлари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш мазкур соҳада қуйидаги жиҳатлардан келиб чиқиб долзарб ҳисобланади:

биринчидан, хавфсизликка таҳдидлар ўз характерини тезда ўзгартираётган бир шароитда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг биргаликдаги ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этади. Масалан, терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб боришда Миллий гвардия ва ички ишлар органлари ўртасида тезкор ахборот алмашинуви, биргаликда режалаштириш ва мувофиқлаштириш зарур;

иккинчидан, кенг кўламли оммавий тадбирлар (спорт мусобақалари, маданий ва сиёсий йиғилишлар) хавфсизлигини таъминлашда, шунингдек, ноқонуний норозилик намойишлари вақтида Миллий гвардия ва ички ишлар органлари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим ҳисобланади. Бу органлар ўртасида масъулиятларни тақсимлаш, тезкор ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқиш хавфсизликнинг таъминланишига хизмат қилади;

учинчидан, жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика ишларини тизимли ташкил этиш муҳим. Ички ишлар органлари профилактика билан шуғулланса, Миллий гвардия стратегик хавфсизлик ва зудликни талаб этувчи вазиятларда тезкорлик билан ҳаракат қилади. Ҳар икки органнинг биргаликдаги иши бу йўналишда самарадорликни оширади;

тўртинчидан, хавфсизлик соҳасидаги халқаро стандартлар, хусусан, БМТ ва ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар тавсиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида ҳамкорликни кучайтиришни талаб қилади. Хорижий тажрибаларга кўра, хавфсизликка таҳдидларни бартараф

этишда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар, яъни тезкор қўшма гуруҳлар тузиш ва ресурсларни бирлаштириш самарали экани тасдиқланган.

бешинчидан, мавжуд қонунчиликда Миллий гвардия ва ички ишлар органлари ўртасидаги ваколат ва масъулиятлар чегараси аниқ белгиланган бўлса-да, тез ўзгараётган хавфсизлик вазиятлари янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун қонунчилик ислоҳотлари, амалий қўлланмалар ва методикаларни такомиллаштириш зарур.

олтинчидан, жамоат хавфсизлигига давлатнинг доимий эътибори аҳолида давлат органларига нисбатан ишончнинг ошишига олиб келади. Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг ҳамкорлиги ижтимоий барқарорликни сақлашдаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Келтириб ўтилган омиллардан келиб чиқиб, жамоат хавфсизлигини таъминлашда Миллий гвардия ва ички ишлар органлари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш, хавфсизлик тизимининг умумий самарадорлигини ошириш ва жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2024 йил 29 март куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч тузилмалари раҳбарлари иштирокида жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказиб, мазкур йиғилишда Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия раҳбариятининг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси йирик объектларида, шу жумладан савдо-кўнгилочар мажмуалар, боғлар, бозорлар ва бошқа фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ишларининг ташкил этилиши тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Давлатимиз раҳбари мазкур йиғилишда “жамоат хавфсизлигига янги таҳдид ва хатарлар тобора ортиб бораётган бугунги шароитда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, шу билан бирга, жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини сўзсиз таъминлаш, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия раҳбарияти олдига жамоат тартибини сақлаш бўйича олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш, аҳоли гавжум бўладиган жойларда содир этилиши мумкин бўлган террорчилик ҳаракатлари ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини

олишга қаратилган таъсирчан чораларни кўриш зарурлиги”[216]ни таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, давлат раҳбари таъкидлаганидек, замонавий шароитда хавфсизликка таҳдидлар ва хатарлар динамикаси ўзгариб, уларнинг кўлами ва турлари кенгайиб бормоқда. Жаҳон тажрибасида терроризм, киберхавфсизлик муаммолари, жамоат жойларидаги нопок хатти-ҳаракатлар ва фавқулодда вазиятлар хавфсизликка жиддий таъсир этмоқда. Бу таҳдидларга қарши курашда тизимли ёндашувни таъминлаш, яъни турли идоралар ва хусусий секторни жалб қилиш муваффақиятли стратегия ҳисобланади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш халқаро тажриба билан ҳам ҳамоҳангдир. Баъзи мамлакатларда хусусий хавфсизлик хизматлари ва давлат идоралари ўртасидаги шериклик механизмлари орқали хавфсизлик чоралари самарадорлиги оширилгани кўзга ташланади. Масалан, Европа Иттифоқида "Public-Private Partnership" (жамоат-хусусий шериклик) модели[217] жамоат хавфсизлигини таъминлашда яхши натижалар бермоқда.

Аҳоли кўп тўпланадиган жойлар хавфсизлиги ҳар доим эътибор марказида бўлиши лозим. Миллий гвардия ва ички ишлар органлари ўртасидаги оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда хавфсизлик бўйича профилактик чоралар самарадорлигини ошириш учун олдиндан таҳлил, прогнозлаш ва ахборот алмашинувини такомиллаштириш, фавқулодда вазиятлар олдини олиш, жиноятчиликни камайтириш билан боғлиқ ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашда таъсирчан чоралар кўриш концепцияси илмий жиҳатдан прогнозлаш (predictive analysis) ва хавфсизлик муҳитига тезкор мослашиш механизмлари билан боғлиқ. Бу механизмлар жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектлари, хусусан, ички ишлар ва Миллий гвардия органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга, хавфсизлик бўйича профилактика жараёнини кучайтиришга имкон беради.

Bugungi kunda ichki ishlar va Milliy gvardiya organlarining o‘zaro hamkorligi qonunchilik hujjatlarida mustahkamlangan. Xususan, normativ-

[216] https://president.uz/uz/lists/view/7125. (мурожаат санаси 03.02.2025)
[217] https://www.icao.int/sustainability/pages (мурожаат санаси 03.02.2025).

huquqiy hujjatlarda, ichki ishlar organlari o‘z faoliyatini ochiq va shaffof tarzda, davlat organlari, fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari, boshqa tashkilotlar va fuqarolar, shuningdek ommaviy axborot vositalari bilan hamkorlikda amalga oshirishi shuningdek, Milliy gvardiya o‘z zimmasiga yuklatilgan vazifalarni bajarishda davlat organlari va boshqa tashkilotlar, fuqarolik jamiyati institutlari hamda fuqarolar bilan qonun hujjatlarida belgilangan tartibda hamkorlik qilishi belgilangan. O‘zbekiston Respublikasining «Ichki ishlar organlari to‘g‘risida»gi[218] va «Milliy gvardiyasi to‘g‘risida»gi qonun[219]lari bu borada muhim huquqiy asos bo‘lib hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi (2021 yil 29 noyabr) PF-27-son farmoni[220] qabul qilindi. Farmonga muvofiq, quyidagilar belgilandi. Xususan,

birinchidan, Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar markazlari va Toshkent shahrida ommaviy tadbirlarni o‘tkazishda hamda istirohat bog‘lari, xiyobonlar va bozorlarda jamoat tartibini saqlashni tashkil etish bevosita Milliy gvardiya bo‘linmalari tomonidan amalga oshirilishi belgilandi;

ikkinchidan, jamoat tartibini saqlash sohasida sodir etiladigan ma’muriy huquqbuzarliklar to‘g‘risidagi ishlarni ko‘rib chiqish vakolati ichki ishlar organlari bilan bir qatorda Milliy gvardiyaga berilishi bo‘yicha vazifalar belgilandi;

uchinchidan, Ichki ishlar vazirligi, Milliy gvardiya jamoat xavfsizligini ta’minlovchi subyektlar sifatida mustahkamlandi va ularning aniq vakolat doiralari belgilandi.

«2022 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси»га

---

[218] O‘zbekiston Respublikasining «Ichki ishlar organlari to‘g‘risida»gi qonun // O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 38-son, 438-modda; 2017-y., 24-son, 487-modda, 37-son, 978-modda, Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 24.05.2019-y., 03/19/542/3177-son, 2019-y., 2-son, 47-modda, 05.09.2019-y., 03/19/563/3685-son, 11.09.2019-y., 03/19/566/3734-son; 30.10.2019-y., 03/19/575/3972-son; 25.12.2019-y., 03/19/597/4193-son; Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021-y., 03/21/683/0375-son; 14.03.2022-y., 03/22/759/0213-son, 01.06.2022-y., 03/22/772/0460-son, 07.06.2022-y., 03/22/775/0477-son; 28.10.2022-y., 03/22/797/0967-son; 12.07.2023-y., 03/23/854/0463-son; 14.03.2024-y., 03/24/920/0209-son; 09.09.2024-y., 03/24/957/0689-son; 21.09.2024-y., 03/24/963/0735-son; 02.12.2024-y., 03/24/1008/0988-son.

[219] O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi to‘g‘risidagi qonun // Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 19.11.2020-y., 03/20/647/1569-son; Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 18.05.2022-y., 03/22/770/0424-son; 07.06.2022-y., 03/22/775/0477-son; 12.07.2023-y., 03/23/854/0463-son; 29.11.2023-y., 03/23/881/0906-son; 29.11.2023-y., 03/23/880/0905-son; 09.09.2024-y., 03/24/957/0689-son; 21.09.2024-y., 03/24/963/0735-son; 02.12.2024-y., 03/24/1008/0988-son.

[220]O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 29 noyabrdagi «O‘zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PF-27-son farmoni // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон; 16.01.2024 й., 06/24/10/0031-сон.

мувофиқ жамоат тартибини сақлашда махсус техник воситалар, тезкор ахборот алмашиш, ҳамда бошқарув ва хавфсизлик механизмларини ривожлантириш, жиноятчилик кўп учрайдиган ҳудудларда тунги вақтда автопатруль, отлиқ ва пиёда патрулларни узлуксиз ташкил қилиш, уларнинг ваколат ва вазифаларини аниқлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва маъмурий жаза чораларини қўллаш бўйича Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг ваколат доирасини кенгайтириш, «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини жорий этиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун «Е-жамоат хавфсизлиги» ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш каби асосий вазифалар белгиланди[221].

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, бу соҳада субъектлар, хусусан ички ишлар ва миллий гвардия органларининг ҳамкорлигини таъминлашга ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида бугунги кунда 50 га яқин қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Бу эса, ўз навбатида ҳуқуқни қўллаш амалиётида мураккабликларни келтириб чиқаради. Shunday ekan, жамоат хавфсизлигини таъминлаш sohacidagi qonunchilik hujjatlarini bosqichma-bosqich va tizimli takomillashtirib borish davlatning eng muhim vazifalaridan biri hisoblanadi. Zero, А.Э.Имамов таъкидлаганидек, “qonun – zamonaviy jamiyat huquqiy hayotining asosiy fenomeni va o‘zak yuridik tushunchasidir. O‘zida tizimlashgan ijtimoi manfaatlarni ifodalagani holda qonun ijtimoiy munosabatlarning bosh tartibga soluvchisi, shaxs huquq va erkinliklarining kafili sifatida namoyon bo‘ladi. Qonun mazmunida va uni hayotga tatbiq etishda huquqiy mafkura namoyon bo‘ladi hamda huquqiy siyosat amalga oshiriladi”[222].

А.Э.Имамов таъкидлаганидек, қонун – замонавий жамиятдаги ҳуқуқий ҳаётнинг асосий феномени сифатида барча ижтимоий муносабатларни тизимли тарзда бошқариш ва тартибга солишда муҳим ўрин тутади. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида қонунларнинг самарали ишлаши жамият манфаатлари ва шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий кафолати ҳисобланади.

Фикримизча, қонуннинг мазкур жараёндаги роли икки асосий йўналишда намоён бўлади:

[221] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган “2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси” // https://lex.uz/mact/5749291.

[222] Имамов А.Э. Механизм реализации закона в Республике Узбекистан: вопросы теории и практики: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Ташкент: Академия МВД, 2004. – С.9.

биринчиси, жамоат тартиби ва хавфсизлиги соҳасида қонунчилик идоралар ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни аниқ ваколат ва мажбуриятлар асосида тартибга солади. Мазкур қонунлар органлар ўртасидаги ҳамкорлик, профилактика ишлари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фавқулодда вазиятларга жавоб қайтариш механизмларини белгилайди;

иккинчиси, жамоат хавфсизлигига доир сиёсат ва чора-тадбирлар қонунчилик орқали амалга оширилади. Бу ерда қонунлар ижтимоий манфаатларни ифодалаган ҳолда, хавфсизлик стратегиясининг узвий қисми сифатида ишлайди. Ҳуқуқий сиёсат орқали органлар ўртасида мувофиқлаштирувчи механизмлар мустаҳкамланади.

М.К.Нажимовнинг таъкидлашича, mustaqillik sharoitida, ya'ni ijtimoiy hayotning barcha sohalarida islohotlarni amalga oshirish uchun samarali huquqiy mexanizmlarni yaratishga, yangi ijtimoiy munosabatlarning huquqiy negizlarini ishlab chiqishga asosiy e'tibor qaratildi[223], xususan жамоат хавфсизлиги sohacida ham. Ушбу фикрга қўшилган холда таъкидлашимиз мумкинки, бу тамойил жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришда муҳим ўрин тутади.

Бизнингча, Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг самарадорлиги қуйидаги ҳуқуқий асослар орқали таъминланади:

биринчидан, идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамловчи ҳуқуқий механизмлар орқали. Жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳар бир органнинг ваколатлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги қонунчилик орқали аниқ белгилаб берилиши ҳамкорликнинг тизимли бўлишини таъминлайди. Бу нафақат оператив ҳамкорликни, балки тезкор ахборот алмашиш ва биргаликдаги тадбирларни ташкил этишни осонлаштиради;

иккинчидан, ислоҳотлар ва янги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш орқали. Мустақиллик давридаги ислоҳотлар доирасида хавфсизлик соҳасидаги ўзгаришлар ва замонавий таҳдидларга мос равишда қонун ҳужжатларини янгилаш зарурияти юзага келади. Шу орқали Миллий гвардия ва Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган янги меъёрлар ишлаб чиқилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий механизмларнинг яратилиши жамоат хавфсизлиги соҳасидаги давлат органлари ҳамкорлигининг

[223] Нажимов М.К. Глобализация жараёнлари ва давлатнинг экологик функцияси // Давлат қурилиши ва бошқарувининг долзарб муаммолари: илмий мақолалар тўплами / Масъул муҳаррир: проф. Ҳ.Т.Одилқориев. – 2015. – №1. – Тошкент: ТДЮУ, Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази, 2015. – Б.145.

самарадорлигини оширишга, хавфларни бартараф этишдаги тизимли ёндашувни таъминлашга хизмат қилади.

Qonunchilik va normativ-huquqiy bazadagi kamchilik va nuqsonlarga imkon qadar tezroq barham berish, huquqni qo‘llash amaliyotida g‘oyat jiddiy o‘zgarishlarni joriy etish, huquqni muhofaza qilish va sud organlarining faoliyatida faqat va faqat qonunga rioya etlishini ta’minlash bilan bog‘liq ishlarni takomillashtirish darkor[224].

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoevning 2018 yil 8 avgustdagi PF-5505-son farmonida “Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni imkon qadar qisqartirish, umumiy tusdagi, harakatsiz va huquqni qo‘llashga ta’sir etmaydigan qonun hujjatlarini qayta ko‘rib chiqish hamda asossiz cheklovlar, ortiqcha ma’muriy tartib-taomillar va tartibga solishning eskirgan mexanizmlarini bartaraf etish hisobiga aniq sohalardagi munosabatlarni tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarni tizimlashtirish va kodifikatsiyalash”[225] degan ustuvor vazifa belgilangan.

Darhaqiqat, мазкур Фармонда белгиланган вазифалар жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларини белгилаб беради. Бу жараёнда Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиги каби субъектларнинг ҳамкорлиги ва мувофиқлаштирилган фаолияти учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилиши муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади. Жамоат хавфсизлиги соҳасида ягона қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва пробация соҳасидаги муносабатлар ва ваколатларни тартибга солувчи 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ва идоравий норматив ҳужжатлар нормалари ва қоидаларини тизимлаштириш давр талабидир.

Фикримизча, Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиги каби субъектларнинг ҳамкорлиги ва мувофиқлаштирилган фаолияти учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилиш масаласини қуйидаги омиллар мисолида кўришимиз мумкин:

биринчидан, жамоат хавфсизлигини таъминловчи норматив-ҳуқуқий базани оптималлаштириш. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиянинг вазифа ва ваколатлари бир-

[224] Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиз (Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маъруза) \\ Асосий мақсадимиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаравонлигини янада юксалтириш. –Т., 2010., 21 б.

[225] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон фармони // Lex.uz.

бирини такрорлайдиган ёки турли хил талқин қилиниши мумкин бўлган нормалардан тозаланиши мақсадга мувофиқ. Бу орқали норматив ҳужжатлар аниқ ва таъсирчан бўлиб, хавфсизлик соҳасида ягона ҳуқуқий ёндашувни таъминлайди;

иккинчидан, ҳамкорликни мустаҳкамловчи қонунчиликни тизимлаштириш. Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиги ўртасидаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик механизмлари аниқ ва тизимли қонунчилик асосида йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ. Бу соҳада турли идораларнинг мажбурият ва ваколатларини аниқлаштирувчи нормаларни ягона қонун ҳужжатларига бирлаштириш қўшма фаолиятнинг самарадорлигини оширади;

учинчидан, эскирган механизмлардан воз кечиш ва замонавий ёндашувларни жорий этиш. Эскирган маъмурий тартиб-таомиллар ва чекловлар, жамоат хавфсизлигини таъминлаш чораларини самарали амалга оширишга тўсқинлик қилувчи механизмлар қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Рақамли технологиялар, ахборот алмашиш тизимлари ва жамоат хавфсизлигини тезкор бошқариш воситаларини қонунчиликка интеграция қилиш муҳим аҳамиятга эга;

тўртинчидан, норматив ҳужжатларнинг барқарорлигини ва ҳуқуқий аниқлигини таъминлаш. Ҳар бир хавфсизлик субъектининг (Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва бошқа идоралар) ҳуқуқий ваколатлари аниқ белгиланган ва амалда мувофиқлаштирилган норматив ҳужжатлар орқали бошқарилиши мақсадга мувофиқ. Бу, ўз навбатида, идоралараро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга хизмат қилади;

бешинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва маъмурий жавобгарлик тизимини такомиллаштириш. Турли идоралар (Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва бошқа идоралар) ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш учун ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва маъмурий чора-тадбирларни самарали қўллашни таъминловчи меъёрий база шакллантирилиши мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот жараёнида кўриб чиқилган масалалар таҳлилидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари ҳамкорлигини тъминлаш соҳасида қуйидаги муаммолар мавжудлигини келтириб ўтишимиз мумкин:

биринчи муаммоли ҳолат, Идоралараро ҳамкорликда бир-бирини такрорлайдиган функциялар ва ваколатлар мавжуд бўлиши баъзи ҳолларда масъулиятни аниқлашда қийинчиликлар туғдиради. Бу

тезкор қарорлар қабул қилишдаги тўсиқларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади;

иккинчи муаммоли ҳолат, Миллий гвардия ва Ички ишлар органлари ўртасида тезкор ахборот алмашиш тизими самарали ривожланмаган, маълумотлар базалари интеграция қилинмаган. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар статистикаси соҳасида ҳамкорик самарали йўлга қўйилмаган. Бу жамоат хавфсизлиги таҳдидларига тезкор жавоб бериш ва уларнинг олдини олиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади;

учинчи муаммоли ҳолат, қонун ва меъёрий ҳужжатларда Миллий гвардия ва Ички ишлар органларининг ҳамкорлигига оид аниқ нормалар ва ваколатлар етарлича белгиланмаган. Бу ҳолат ҳамкорлик жараёнида ҳуқуқий баҳслар ва муаммоларга сабаб бўлмоқда;

тўртинчи муаммоли ҳолат, идоралараро ҳамкорликда иштирок этувчи ходимларнинг малакасини тизимли ошириш ва уларни биргаликда ишлашга тайёрлаш учун махсус ўқув дастурлари ва амалий машғулотлар, шунингдек, жамоат хавфсизлиги соҳасида ***раҳбар кадрларни тайёрлаш*** амалиёти мавжуд эмас;

бешинчи муаммоли ҳолат, жамоат хавфсизлигини таъминлашда қўлланиладиган махсус техник воситалар, транспорт ва замонавий ахборот технологиялари етишмовчилиги патрул ва тезкор гуруҳларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришни қийинлаштиради;

олтинчи муаммоли ҳолат, рақамли платформалар ва автоматлаштирилган тизимларнинг тўлиқ татбиқ этилмаслиги жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектлари, хусусан ички ишлар ва миллий гвардия органлариининг тезкорлик ва самарадорлик даражасини пасайтиради;

еттинчи муаммоли ҳолат, жамоатчилик билан алоқани кучайтириш, фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш органлари билан ҳамкорлиги етарли даражада ривожланмаган;

саккизинчи муаммоли ҳолат, жаҳонда бир қанча ривожланган мамлакатларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш моделлари мавжуд. Масалан, Германия, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея ва б.лар. Бироқ, мамлакатимизда мазкур соҳада кенг қамровли ислоҳтла амалга ошрилаётган бўлсада, миллий модел мавжуд эмас.

Ички ишлар ва Миллий гвардия органлари ўртасидаги ҳамкорликдаги ушбу муаммоларни бартараф этиш, қонунчиликни такомиллаштириш, ахборот технологияларини жорий қилиш ва

идоралараро мувофиқликни таъминлаш орқали жамоат хавфсизлигини янада самарали бошқариш мумкин.

Шу билан бирга, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида субъектлар, хусусан, Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг ҳамкорлигини амалга ошириш йўналишларини шартли равишда қуйидагиларга бўлишимиз мумкин:

- жамоат хавфсизлигига оид қонунчиликни замонавий талабларга мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш;

- жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли, аниқ йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда татбиқ этиш;

- жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун давлат идоралари ўртасида қўшма ўқув машғулотларини ташкил қилиш ва ўтказиш;

- жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида малакали кадрлар тайёрлаш, уларни тегишли лавозимларга жойлаштириш, доимий равишда малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

- жамоат хавфсизлигига таҳдидлар даражасини баҳолаш мезонлари ва асосий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш;

- жамоат хавфсизлигининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва истиқболдаги ривожланишини прогноз қилиш, хавфларни бартараф этишга қаратилган чоралар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни содир этган шахсларнинг белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши учун чоралар кўриш;

- жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул давлат органлари ва жамоат тузилмалари фаолиятини ягона марказлашган тизимда мувофиқлаштириш ва тезкор бошқарувни йўлга қўйиш;

- жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнларига замонавий рақамли технологияларни кенг жорий этиш;

- илғор халқаро тажрибани таҳлил қилиш, уни миллий хавфсизлик тизимига мослаштириш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида субъектлар, хусусан, Миллий гвардия ва Ички ишлар органлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўналишлари юқори самарадорликка эришишда муҳим аҳамият касб этади. Қонунчиликни замонавий талабларга мослаштириш, мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш хавфсизлик тизимини мустаҳкамлайди. Давлат идоралари ўртасида қўшма ўқув машғулотларини ўтказиш ва малакали кадрлар тайёрлаш,

таҳдидларни баҳолаш ҳамда прогнозлаш механизмлари хавфларга тезкор жавоб қайтариш имкониятини оширади. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун замонавий рақамли технологияларни жорий этиш зарур. Идоралараро мувофиқлаштирувчи тизимлар ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали хавфсизлик чоралари янада самарали ва барқарор бўлади.

Шу билан бирга, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида субъектлар, хусусан, Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг ҳамкорлигини ривожлантириш, мазкур соҳадаги мавжуд муаммоларни ижобий хал этиш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Хусусан:

биринчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъекти бўлган ҳар бир органнинг вазифа ва ваколатларини аниқ ифодаловчи қонунчилик асосларини шакллантириш зарур. Масалан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона **«Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги қонунни** қабул қилиш мумкин. Бу қонун хавфсизлик органлари ўртасидаги ҳамкорлик механизмлари, вазифалар ва жавобгарлик чегарасини белгилайди;

иккинчидан, жойлардаги ички ишлар бўлимлари ва Миллий гвардия бўлинмалари фаолиятига доир ҳужжатларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш учун норматив ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиши керак. Айниқса, тезкор ахборот алмашиш, патруль хизмати, фавқулодда ҳолатлардаги ҳамкорлик масалалари бўйича ягона стандартлар ишлаб чиқилиши лозим;

учинчидан, Миллий гвардия ва Ички ишлар органлари ўртасида тезкор ахборот алмашиш учун ягона рақамли платформа – **«Е-жамоат хавфсизлиги»** автоматлаштирилган ахборот тизимини орқали реал вақтда маълумот алмашиш, таҳлил ва хавфларни баҳолаш амалиётини жорий этиш;

тўртинчидан, жамоат хавфсизлигига оид вазиятларда биргаликда ҳаракат қилиш кўникмаларини мустаҳкамлаш учун қўшма амалий машғулотлар, хусусан, ***жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган махсус-тактик, қўмондонлик штаб ва ҳарбий-стратегик тадқиқот ўқувларини тизимли*** ташкил этиш зарур;

бешинчидан, БМТ ва ЕХҲТ тавсияларига мос равишда хавфсизлик механизмлари бўйича нормаларни миллий қонунчиликка жорий этиш мақсадида ***“Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги халқаро***

ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни миллий қонунчиликка имплеминтация қилиш масалалари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этиш мақсадга мувофиқ;

олтинчидан, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия ўртасида амоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида самарали мувофиқлаштирувчи механизмни жорий қилиш, масалан, доимий фаолият юритувчи **“Жамоат хавфсизлиги бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссия”ни** фаолиятини йўлга қўйиш орқали жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича стратегик ва амалий чораларни мувофиқлаштириб, муҳим масалаларни тезкор ҳал этиш;

еттинчидан, жамоат хавфсизлиги соҳасида рахбар кадрларни тайёрлаш тизимини асосланган механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек, рахбар кадрларни тайёрлашга оид ўқув-моддий базани яратиш;

саккизинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоатчилик гуруҳлари, хусусан, ***«Фидокор ёшлар»*** каби патруль гуруҳлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоат хавфсизлиги тадбирларида фуқаролик жамияти институтлари ва волонтёрларнинг иштирокини ошириш орқали профилактика ишлари самарадорлигини кучайтириш;

тўққизинчидан, ҳозирги хавфсизлик ҳолати ва истиқболдаги таҳдидларни баҳолашга қаратилган таҳлил ва прогнозлаш тизимини ишлаб чиқиш. Бу тизим хавф-хатарларни эрта аниқлаш, тегишли чораларни ўз вақтида кўриш имконини беради;

*ўнинчидан, ж*амоат хавфсизлиги тадбирларини самарали бажариш учун Миллий гвардия ва Ички ишлар органлари техник воситалар, замонавий жиҳозлар ва молиявий қўллаб-қувватлаш билан таъминлаш орқали ресурсларни тақсимлаш ва бошқаришда ҳамкорликни кучайтириш мақсадга мувофиқ;

ўн биринчидан, ҳар икки орган фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, масофавий бошқарув ва мониторинг тизимларини жорий қилиш орқали хавфсизлик чораларининг тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш;

ўн иккинчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ислоҳотларимиз натижаси ўлароқ, ***жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг миллий моделини*** ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги илмий таҳлиллардан хулоса қилишимиз мумкинки, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Миллий гвардия ва Ички ишлар органлари ҳамкорлигини ривожлантириш, ҳуқуқий базани аниқлаш, ягона қонун ва стандартлар жорий этиш, ахборот алмашиш платформасини яратиш, қўшма машғулотлар ва раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини шакллантириш ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди. Халқаро тажрибадан фойдаланиш, таҳлил ва прогнозлаш механизмини йўлга қўйиш хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш имконини оширади. Техника ва молиявий ресурсларни тақсимлашни такомиллаштириш, шунингдек, рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш хавфсизлик тизимининг тезкор ва самарали фаолият кўрсатишига замин яратади. Ушбу чоралар натижасида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг миллий модели шакллантирилиши ва унинг амалиётга татбиқ этилиши кутилган ижобий натижаларни таъминлайди.

Тлеубаев Ерполат Нажимович,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети мустақил изланувчиси.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШДА ҲОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ҲАМКОРЛИК СОҲАСИДАГИ ТАЖРИБАЛАРИ

Аннотация: Мақолада фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда хорижий давлатларнинг ҳамкорлик соҳасидаги илғор тажрибалари ўрганилади. Халқаро ташкилотларнинг роли, кўп томонлама келишувлар ва давлатлараро ҳамкорлик механизмлари таҳлил қилинади. Шу билан бирга, ушбу тажрибаларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳамда ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: фавқулодда вазиятлар, халқаро ҳамкорлик, хорижий тажриба, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларни бартараф этиш, давлатлараро ҳамкорлик, халқаро ташкилотлар.

Аннотация: В статье изучается передовой опыт зарубежных стран в сфере сотрудничества по предотвращению и ликвидации чрезвычайных ситуаций. Анализируется роль международных организаций, многосторонние соглашения и механизмы межгосударственного взаимодействия. Также предлагаются рекомендации по применению данного опыта в Узбекистане, с учётом правовых и организационных аспектов.

Ключевые слова: чрезвычайные ситуации, международное сотрудничество, зарубежный опыт, предотвращение чрезвычайных ситуаций, ликвидация последствий, межгосударственное сотрудничество, международные организации.

Abstract: The article explores the advanced practices of foreign countries in cooperation for preventing and mitigating emergencies. It analyzes the role of international organizations, multilateral agreements, and intergovernmental cooperation mechanisms. Additionally, recommendations are provided on the application of this experience in Uzbekistan, considering legal and organizational aspects.

Keywords: emergencies, international cooperation, foreign experience, emergency prevention, consequence mitigation, intergovernmental collaboration, international organizations.

Бугунги кунда барча ривожланган давлатлар сингари янги Ўзбекистонда ҳам фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш масаласи давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, мамлакатда табиий офатлар, техноген авария ва экологик ҳодисалар сонининг ортиши фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этишда йўналишида Қуролли Кучлар тизимидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини янада ошириш, шунингдек, мамлакатнинг миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда фавқулодда вазиятларни олдини олиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш давр талабига айланмоқда десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг таркиби ҳамда фаолият кўрсатиш тартибини белгилаш мақсадида, 2023 йил 29 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 171-сонли Қарори[1]нинг қабул қилинганлиги фикримиз тасдиғидир.

Бугунги кунда мамлакатда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш йўналишида Қуролли Кучлар тизимидаги органлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида ҳорижий олимларнинг илмий асарлари ва ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибаларини таҳлиллар асосида ўрганиб, миллий қонунчиликка имплемитация қилиш, ушбу илмий асарнинг долзарблигини янада оширишга хизмат қилади.

Эндиликда, фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасида ривожланган давлатлардан бири бўлган Россия Федерациясининг ҳуқуқшунос олимлари томонидан фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш йўналишида юзага келадиган ҳамкорликнинг у ёки бу жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий асарлар билан танишиш, мазкур тадқиқот ишини илмий салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Жумладан, А.А.Кувшиновнинг “Международное сотрудничество РФ и ЕС

в области предупреждения и ликвидации последствий чрезвычайных ситуаций: 1990-2010 гг”[2] номли, В.С.Сергеевнинг “Деятельность российского государства по созданию системы защиты населения и территорий страны в чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера: 1991-2005 гг”[3] номли, В.В.Лисаускайте “Международно-правовые проблемы сотрудничества государств в сфере защиты от опасных сейсмических явлений” номли[4], А.Т.Яндиевнинг “Правовое регулирование оказания гуманитарной помощи лицам, пострадавшим от чрезвычайных ситуаций: международно-правовой аспект” номли[5], А.В.Мищенконинг “Правовое регулирование международного сотрудничества в сфере обеспечения безопасности при чрезвычайных ситуациях” номли[6], В.Б.Гольцовнинг “Частноправовые отношения в деятельности подразделений Единой государственной системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций Российской Федерации”[7] номли, Н.В.Удальцованинг “Правовое регулирование деятельности субъектов правоохранительной системы при чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера”[8] номли, Д.Н.Чагалидзе “Правовые и организационные проблемы взаимодействия органов государственной власти и организаций по предупреждению и тушению лесных пожаров: на примере Ленинградской области”[9] номли шунингдек, В.Б.Игнатьевнинг “Правовое регулирование межведомственного взаимодействия МВД России и МЧС России в чрезвычайных ситуациях”[10] номли илмий асарлар шулар жумласидандир.

Шу ўринда, юқорида номлари қайд этилган илмий асарда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш йўналишида юзага келадиган ҳамкорлик муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифларни муаллифлар кесимида таҳлил қилсак мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, А.А. Кувшинов[11]нинг “Международное сотрудничество РФ и ЕС в области предупреждения и ликвидации последствий чрезвычайных ситуаций: 1990-2010 гг” номли тадқиқот ишида Россия Федерацияси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий-ташкилий асослари ва ривожланиш йўналишлари чуқур таҳлил қилинган. Муаллиф фавқулодда вазиятларда биргаликда ҳаракат қилишнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини шакллантиришга эътибор қаратган. Бу илмий иш Ўзбекистон учун, айниқса, халқаро миқёсдаги ҳамкорликни

мустаҳкамлашда ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқишда аҳамиятлидир.

Шунингдек, В.С. Сергеев[12] эса ўзининг “Деятельность российского государства по созданию системы защиты населения и территорий страны в чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера: 1991-2005 гг” асари Россияда фавқулодда вазиятларга қарши кураш тизимини яратиш бўйича давлат сиёсати ва амалий тадбирларни чуқур ўрганган. Муаллиф давлат томонидан амалга оширилган ислоҳотлар, махсус хизматлар ташкилоти ва уларнинг фаолиятини тартибга солишга доир таклифлар билан чиқади. Бу Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларни бошқаришнинг самарадорлигини оширишда қўллаш мумкин бўлган муҳим ғояларини тақдим этади.

В.В.Лисаускайте[13] эса ўзининг “Международно-правовые проблемы сотрудничества государств в сфере защиты от опасных сейсмических явлений” номли асарида хавфли сейсмик ҳодисаларга қарши курашда давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганади. Бу иш сейсмик хавфли минтақаларга эга бўлган Ўзбекистон учун ҳамкорликни кенгайтиришда ҳуқуқий асосларни яратишда илмий қийматга эгадир.

Бундан ташқари, А.Т. Яндиев[14]нинг “Правовое регулирование оказания гуманитарной помощи лицам, пострадавшим от чрезвычайных ситуаций: международно-правовой аспект” асарида фавқулодда вазиятларда гуманитар ёрдам кўрсатишнинг халқаро ҳуқуқдаги нормалари ва уларнинг амалиётда қўлланилиши таҳлил қилинган. Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларда ёрдам кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришда мазкур тадқиқотдаги методик ёндашувлардан фойдаланиш мумкин.

А.В. Мищенко[15] ўзининг “Правовое регулирование международного сотрудничества в сфере обеспечения безопасности при чрезвычайных ситуациях” асарида эса фавқулодда вазиятларда хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий жиҳатлари ёритилган. Ўзбекистоннинг хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш учун мазкур тадқиқотнинг ҳуқуқий таклифлари катта аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, В.Б. Гольцов[16]нинг “Частноправовые отношения в деятельности подразделений Единой государственной системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций

Российской Федерации” номли асари фавқулодда вазиятларни бошқаришда хусусий-ҳуқуқий муносабатларнинг аҳамиятини ёритади. Муаллиф хусусий ва давлат секторлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини ўрганган. Бу Ўзбекистонда хусусий сектор иштирокини фаоллаштиришда долзарб ҳисобланади.

Шунингдек, Н.В. Удальцова[17]нинг “Правовое регулирование деятельности субъектов правоохранительной системы при чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера” номли асарида бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фавқулодда вазиятлардаги ролини ва уларнинг ҳуқуқий асосларини чуқур таҳлил қилади. Ўзбекистон Миллий гвардиясининг фаолиятини такомиллаштиришда бу ишдаги тавсиялар самарали бўлиши мумкин.

Д.Н. Чагалидзе[18]нинг “Правовые и организационные проблемы взаимодействия органов государственной власти и организаций по предупреждению и тушению лесных пожаров: на примере Ленинградской области” номли асарида давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро алоқанинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари таҳлил қилинган. Бу ёндашув Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларда бошқарув тизимини такомиллаштиришда аҳамиятлидир.

Юқоридаги ҳуқуқшунос олимлардан айнан В.Б.Игнатьев[19]нинг “Правовое регулирование межведомственного взаимодействия МВД России и МЧС России в чрезвычайных ситуациях” номли илмий асари мазкур тадқиқот ишини мазмунан янада бойитишга хизмат қилади. Мазкур асарга кўра, Россия Федерациясида фавқулодда вазиятларда Ички ишлар вазирлиги (ИИВ) ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий жиҳатларини тартибга солувчи механизмларни чуқур таҳлил қилади. Асарнинг ижобий жиҳатлари қуйидаги илмий асосларга таянади. Буларга:

а) *идоралараро ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан асослаш* –– Бунда муаллиф ўз асарида икки идора ўртасидаги ҳамкорликни тартибга солиш учун мавжуд қонунчилик базасини таҳлил қилади. Унга кўра, фавқулодда вазиятларда идоралараро муносабатларни аниқ белгилаш фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, Игнатьев халқаро ҳуқуқ ва Россия қонунчилигидаги энг яхши амалиётларни танқидий таҳлил қилади ва уларни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар беради;

б) *ҳудудий даражадаги ҳамкорлик* –– асарда фавқулодда вазиятларни бошқаришда ҳудудий даражада ҳамкорликни

мувофиқлаштириш механизмларига алоҳида урғу берилади. Муаллиф ҳудудий идораларнинг биргаликдаги ҳаракатларини самарали бошқариш учун қонунчиликда аниқ тартиб ва мезонларни жорий қилиш таклифини илгари суради. Бу ёндашув ҳудудларда тезкорлик ва мувофиқлаштиришни таъминлайди;

в) *ахборот алмашинуви* –– муаллифнинг энг муҳим ижобий жиҳатларидан бири бу ахборот алмашинувининг самарадорлигини ошириш бўйича қонунчилик таклифларидир. Асарда ИИВ ва ФВВ ўртасида ягона ахборот тизимини яратиш ва уни қонунчилик билан таъминлаш ғояси илгари сурилади. Бу тизим фавқулодда вазиятлар ҳақидаги маълумотларнинг тезкор етказилишини таъминлайди;

г) *кадрлар тайёрлаш* –– Игнатьев кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига ҳам катта эътибор қаратган. У, айниқса, идоралараро тренинглар ва ўқув машғулотларини юридик жиҳатдан тартибга солишни таклиф қилади. Бу фавқулодда вазиятларда икки идора ходимларининг биргаликдаги ҳаракатларини самарали қилади;

д) *фавқулодда вазиятларни бошқаришнинг интеграцияланган тизими* – асарда ИИВ ва ФВВ фаолиятини мувофиқлаштирувчи интеграцияланган тизимни яратиш ва бу тизимни қонунчилик базаси билан таъминлаш таклиф этилган. Муаллифнинг бу йўналишдаги тадқиқотлари идоралараро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган амалий механизмларни илмий асослаш билан фарқланади;

е) *қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар* –– Игнатьев, амалдаги Россия қонунчилигини таҳлил қилар экан, фавқулодда вазиятларда самарали ҳамкорликни таъминлаш учун янги ҳуқуқий нормаларни жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиққан. Хусусан:

идоралараро ҳаракатларнинг аниқ вазифаларини белгилаш;

молиявий ва моддий-техник ресурсларни тақсимлаш механизмларини қонунан мустаҳкамлаш;

фавқулодда вазиятлар туфайли етказилган зарарларни қоплашда идоралараро ҳамкорликни аниқлаштириш.

ё) *илмий ва амалиётга асосланган ёндашув* –– муаллиф ўз таҳлилларида илмий-амалий ёндашувдан фойдаланиб, идоралараро муносабатлардаги мавжуд муаммоларни ёритади ва уларни ҳал этиш учун инновацион таклифлар беради. Бу ёндашув нафақат Россия, балки халқаро миқёсда қўлланиши мумкин бўлган амалиётларнинг ривожланишига ҳисса қўшади. Шу ўринда, В.Б. Игнатьевнинг тадқиқоти

юзасидан хулоса қилсак, Янги Ўзбекистон шароитида, айниқса, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий гвардия ўртасидаги ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш учун қимматли илмий асос бўлиши мумкин. Ушбу асардаги ижобий ғоялар ва тавсиялар миллий қонунчиликка мослаштирилган ҳолда қабул қилинса, фавқулодда вазиятларда самарали бошқарув тизимини яратишга ёрдам беради.

Юқорида биз хорижий давлатларнинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш йўналишида Қуролли Кучлар тизимидаги органлар ўртасидаги ҳамкорликни такрмиллаштиришга қаратилган илмий назарий қарашларни таҳлил қилдик. Эндиликда, ривожланган **Америка Қўшма Штатлари, Германия, Япония, Франция ва Швеция** каби ҳорижий давлатларнинг фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш йўналишида ўзаро ҳамкорлик фаолиятининг ижобий жиҳатларини ёритиш мақсадга мувофиқдир.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ[20] давлати –– мазкур давлатда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик механизми мураккаб, кўпқиррали ва юқори даражада интеграциялашган тизимдир. Бу тизим бир қатор асосий ташкилотлар ва дастурлар, шунингдек, стандартлаштирилган ёндашувлар орқали самарали бошқарилади. Қуйида бу механизмнинг асосий жиҳатлари кенгроқ ёритилади:

1*. Миллий Фавқулодда Вазиятлар Бошқаруви Тизими (NIMS)* –– мазкур “NIMS” тизими АҚШнинг барча даражадаги ҳукумат органлари, хусусий сектор ва жамоат ташкилотлари ўртасида фавқулодда вазиятларга жавоб бериш жараёнини мувофиқлаштириш учун яратилган стандартлаштирилган тизимдир. Унинг асосий жиҳатлари қуйидагиларни ўз ичига олади. Буларга:

***терминологиянинг бир хиллиги**:* барча иштирокчи ташкилотлар бир хил тушунчалар ва атамалардан фойдаланади, бунинг натижасида самарали алоқа таъминланади.

***идоралараро интеграция**:* барча даражадаги ташкилотлар ва ҳукумат органлари умумий мақсадлар учун бирлашади.

***ресурсларни бошқариш**:* фавқулодда вазиятларда ресурсларнинг самарали тақсимланишини таъминлайдиган ягона тизим.

***қуйидан юқоригача ёндашув**:* ҳар бир даражадаги ташкилотлар ўз масъулиятини бажаради, аммо умумий мақсадларга мувофиқ ишлайди.

2. *Миллий жавобгар рамка (NRF)* –– мазкур “NRF” ташкилоти фавқулодда вазиятларда барча иштирокчи томонларнинг вазифа ва жавобгарликларини аниқ белгилайди. Бу тизим “барча хавфлар” ёндашувига асосланиб, ҳар қандай турдаги фавқулодда вазиятларда самарали жавоб беришни таъминлайди. Бунда у:

ташкилотлар ўртасидаги мувофиқлаштириш – федерал ҳукумат, штат ҳукуматлари, маҳаллий идоралар, хусусий сектор ва нодавлат ташкилотлар ўртасидаги ролларни аниқ белгилайди;

сценарийга мослашувчанлик – турли вазиятларга мослашувчан бўлган механизмлар орқали ишлайди;

қабилавий ва ҳудудий ҳукуматлар иштироки – АҚШнинг маҳаллий ва этник гуруҳлари ҳам ушбу тизимга интеграция қилинган.

3. Федерал Фавқулодда Вазиятлар Бошқармаси (FEMA) –– мазкур “FEMA” бошқарма АҚШнинг фавқулодда вазиятларга жавоб бериш бўйича асосий ташкилоти ҳисобланади. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради. Буларга:

режалаштириш ва тайёргарлик: Фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш учун стратегия ва қонунчиликни ишлаб чиқиш;

молиявий ёрдам кўрсатиш: Фавқулодда вазиятларда зарар кўрган штат ва маҳаллий ҳукуматларга молиявий ёрдам ажратиш;

қайта тиклаш жараёнлари: Фавқулодда вазиятлардан кейин жамоаларни қайта тиклаш ишларини мувофиқлаштириш.

4. Ҳамкорликнинг асосий механизмлари –– буларга:

а) идоралараро мувофиқлаштириш:

АҚШда идоралараро мувофиқлаштиришга катта эътибор қаратилади. Масалан, FEMA, АҚШ Ички ишлар вазирлиги, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, Қизил Хоч жамияти ва бошқа ташкилотлар умумий мақсадлар учун бирлашади. Уларнинг ўртасидаги ҳамкорлик қуйидаги тартибда амалга оширилади. Жумладан:

ахборот алмашиш платформалари: турли ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш учун онлайн платформалардан фойдаланилади;

масъулиятларни тақсимлаш: ҳар бир ташкилотнинг вазифалари аниқ белгилаб қўйилган.

б) қўшма ўқув машғулотлари:

АҚШда ҳар йили фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш бўйича қўшма ўқув машғулотлари ўтказилади. Бу машғулотларда штат

ва маҳаллий идоралар, хусусий ташкилотлар ва халқаро шериклар қатнашади.

в) шартномалар ва келишувлар:

штатлар ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасидаги шартномалар ёрдам ва ресурсларни тезкор етказишни таъминлайди. *Масалан:* EMAC (Emergency Management Assistance Compact): Ҳудудлараро ёрдам кўрсатиш учун асосий келишув.

Юқоридаги келтирилган маълумлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, АҚШда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича механизмлар стандартлаштирилган, мослашувчан ва самаралидир. Бу механизмлар нафақат миллий хавфсизликни таъминлашга, балки халқаро миқёсдаги фавқулодда вазиятларда ҳам юқори даражадаги кўмак кўрсатишга хизмат қилади. Ўзбекистонда мазкур тажрибани миллий қонунчиликка жорий этиш, ресурсларни тақсимлаш ва идораларараро мувофиқлаштириш самарадорлигини ошириш учун муҳим илмий асос бўлиши мумкин.

ГЕРМАНИЯ давлати **––** фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасидаги тизим кўп даражали ҳамкорлик асосида ишлайди. Бу жараёнда асосий ролни федерал агентликлар, маҳаллий ҳукуматлар ва хусусий сектор ўйнайди. Ушбу тизим самарали ишлаш учун турли даражадаги қонунлар, халқаро шартномалар ва мувофиқлаштирувчи тузилмаларга асосланади.

Германиянинг асосий ташкилотлари. Буларга:

а) Bundesamt für Bevölkerungsschutz und Katastrophenhilfe[21] –– аҳолини ҳимоя қилиш ва офатларни бартараф этиш федерал агентлиги (*Bundesamt für Bevölkerungsschutz und Katastrophenhilfe*) Германияда фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилиш бўйича асосий ташкилот ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари:

фавқулодда вазиятларга тайёргарлик режаларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш;

аҳолини эвакуация қилиш, қутқарув ишларини ташкил этиш;

давлат ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасида ҳамкорликни мувофиқлаштириш.

б) THW (Technisches Hilfswerk)[22] – Техник Қўллаб-қувватлаш Агентлиги (THW) техноген офатлар ва табиий офатларда жавоб бериш бўйича ихтисослашган федерал тузилмадир. THW кўнгиллилардан иборат бўлиб, унинг асосий фаолият йўналишлари:

техник қутқарув ишларини амалга ошириш;

табиий ва техноген офатларда инфратузилмаларни тиклаш;

халқаро гуманитар ёрдам операцияларида иштирок этиш.

2. Ҳамкорлик тартиби. Буларга:

а) давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик[23] –– Германияда фавқулодда вазиятларни бошқаришда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамкорликнинг асосий жиҳатлари:

келишув платформалари: давлат идоралари ва хусусий компаниялар ўртасида ўзаро ёрдам келишувлари;

ресурсларни тақсимлаш: хусусий секторнинг ресурслари фавқулодда вазиятларда давлат эҳтиёжлари учун фойдаланилади.

б) *халқаро ташкилотлар билан мувофиқлаштириш[24]* –– Германия халқаро ташкилотлар, жумладан, НАТО, Европа Иттифоқи ва БМТ билан яқин ҳамкорликда ишлайди. Бу ҳамкорлик гуманитар ёрдам, офатларни бошқариш ва хавфсизликни таъминлаш соҳаларига қаратилган.

3. Механизмлар ва қўшма фаолият. Буларга:

а) Ахборот алмашинуви –– ахборот алмашиш жараёнида ягона рақамли платформалардан фойдаланилади. Масалан: Warning and Information System *(Фавқулодда вазиятларда тезкор ахборот етказиб бериш учун ишлатилади)* ва халқаро ахборот алмашиш тармоқлари *(НАТО ва Европа Иттифоқи доирасида ахборот алмашуви йўлга қўйилган);*

б) Қўшма ўқув машғулотлари –– BBK ва THW халқаро ташкилотлар билан биргаликда мунтазам равишда машғулотлар ўтказади. Уларнинг мақсади фавқулодда вазиятларда биргаликда ҳаракат қилиш кўникмаларини такомиллаштиришдир;

в) Кўнгиллилар иштирокини таъминлаш –– THW фаолияти кўнгиллилар иштирокини рағбатлантиришга қаратилган. Бу Германияда фавқулодда вазиятларга тайёргарликнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Юқоридаги келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида Германияда фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасида BBK ва THWнинг ўзаро ҳамкорлик механизмлари яхлит ва тизимли ёндашувга асосланган. Давлат-ҳусусий сектор ҳамкорлиги, халқаро ташкилотлар билан мувофиқлаштирув ва ҳуқуқий асослар Германиянинг бу соҳадаги тажрибасини муваффақиятли қилади. Бу тизим Ўзбекистонда

фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасини такомиллаштиришда фойдали намуна бўлиши мумкин.

ЯПОНИЯ давлати –– мазкур давлатда фавқулодда вазиятларни бошқариш бўйича самарали ва инновацион тизимга эга. Бу тизим табиий офатлардан зарарланиш хавфини камайтириш ва тезкорлик билан жавоб беришга йўналтирилган. Японияда асосий ташкилотлар ўзаро мувофиқлаштирилган иш ва илғор технологияларга асосланган ҳамкорликни таъминлайди. Қуйида Япониядаги тизимнинг кенгроқ ёритилиши келтирилган.

1. Асосий ташкилотлар. Буларга:

а) Japan Meteorological Agency[25] *(Метеорологик кузатув ва прогноз агентлиги (JMA))* –– Японияда табиий офатларни олдини олишда асосий ролни ўйнайди. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради:

ер қимирлаши, цунами, бўрон ва бошқа табиий офатларнинг кузатуви ва прогнозини амалга ошириш;

огоҳлантириш тизимлари орқали аҳолини тезкор хабардор қилиш;

миллий ва маҳаллий ҳукумат органларига прогноз маълумотларини етказиш.

б) Fire and Disaster Management Agency[26] *(ёнғин ва фавқулодда вазиятлар бошқаруви агентлиги (FDMA))* –– ёнғинларни назорат қилиш ва фавқулодда вазиятларда жавоб бериш билан шуғулланади. Унинг асосий вазифалари:

ёнғиндан ҳимоя қилиш тизимларини назорат қилиш.

қутқарув ишларини мувофиқлаштириш.

миллий ва маҳаллий даражадаги фавқулодда вазиятларни бошқаришни таъминлаш.

2. Ҳамкорлик тартиби. Буларга:

а) миллий ва маҳаллий ҳукумат органлари ўртасида ахборот алмашинуви[27] – Японияда ахборот алмашинуви тезкорлик ва аниқликка асосланган. Бу жараён автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали амалга оширилади. Хусусан:

Disaster Information System (*миллий ва маҳаллий ҳукумат органлари ўртасида фавқулодда вазиятлар ҳақида маълумот алмашиш учун ишлатилади);*

Japan Alert System (*Фавқулодда вазиятлар бўйича аҳолини огоҳлантиришнинг автоматлаштирилган тизими. Бу тизим радио, телевидение ва мобиль қурилмалар орқали сигнал юборади).*

б) илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик[28] –– Японияда хавф-хатарларни баҳолаш ва офатларнинг олдини олиш бўйича илмий-тадқиқот ишларига катта аҳамият берилади:

Earthquake Research Institute (ERI) (*Ер қимирлаши хавфини баҳолаш бўйича тадқиқотлар ўтказади);*

National Research Institute for Earth Science and Disaster Resilience (NIED) (*Табиий офатларни олдини олиш учун инновацион технологияларни ишлаб чиқади).*

3. Технологиялар ва инновация. Бунда Япония технология ва инновацияларни фавқулодда вазиятларни бошқариш тизимига интеграция қилишда етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Қуйида бу соҳадаги асосий механизмлар:

сейсмик огоҳлантириш тизимлари ***(е****р қимирлаши бошланишидан аввал аҳолини тезкор огоҳлантириш учун ишлатилади);*

дронлар ва сунъий йўлдошлар *(табиий офатлар ҳудудини мониторинг қилиш ва зарарни баҳолашда ишлатилади);*

сув тошқини прогнозлари *(сув сатҳини кузатувчи автоматлаштирилган сенсорлар тизими).*

4. Халқаро ҳамкорлик[29]. Буларга:

Япония халқаро даражада ҳам фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасидаги ҳамкорликни фаол тарғиб қилади. Унинг асосий йўналишлари:

БМТнинг Офатларни Камайтириш Бўйича Халқаро Стратегияси (UNDRR) *(Япония ушбу стратегия доирасида табиий офатларни олдини олишга қаратилган тадбирларда қатнашади);*

Халқаро огоҳлантириш тизимлари (*Цунами ва ер қимирлашини кузатувчи халқаро платформаларда иштирок этади).*

Юқоридаги келтирилган маълумлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида Японияда фавқулодда вазиятларни бошқариш тизими инновацион технологиялар, автоматлаштирилган ахборот алмашинуви ва илмий-тадқиқот ишлари билан мустаҳкамланган. Бу тизим нафақат миллий хавфсизликни таъминлаш, балки халқаро миқёсдаги фавқулодда вазиятларда ҳам юқори даражадаги самарадорликни таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон Япониянинг мазкур тажрибасидан фойдаланиш орқали ўз миллий тизимини такомиллаштириши мумкин.

ФРАНЦИЯ давлати –– мазкур давлатда фавқулодда вазиятларни бошқаришда интеграцияланган тизимга эга бўлиб, фуқаролар

хавфсизлигини таъминлаш ва табиий ҳамда техноген офатларга жавоб бериш бўйича илғор моделлардан фойдаланади. Бу жараёнда фуқаролик хавфсизлиги хизмати ва маҳаллий кўнгиллилар муҳим рол ўйнайди, ҳамда Евроиттифоқ билан мувофиқлаштирилган ҳудудий операциялар ўтказилади.

1. Асосий ташкилотлар. Буларга:

а) Sécurité Civile[30] **–– мазкур ташкилот** Франциянинг **фуқаролик хавфсизлиги хизмати** (Sécurité Civile) фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилиш бўйича асосий давлат тузилмаси ҳисобланади. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради:

табиий офатлар ва техноген фавқулодда вазиятларда қутқарув ишларини мувофиқлаштириш;

миллий фавқулодда вазиятлар тизимини бошқариш;

Евроиттифоқ доирасида ҳудудий ҳамкорлик операцияларини ташкил этиш.

б) Қизил Хоч ва маҳаллий кўнгиллилар гуруҳлари[31] –– Францияда Қизил Хоч миллий жамияти ва маҳаллий кўнгиллилар фавқулодда вазиятларда жамоат ёрдам кўрсатувчи асосий тузилмалар ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифалари:

Офат қурбонларига тиббий ёрдам кўрсатиш;

Эвакуация жараёнида иштирок этиш;

Табиий офатлардан зарарланган ҳудудларда гуманитар ёрдам ташкил этиш.

2. Ҳамкорлик тартиби. Бунга:

а) Тезкор ахборот алмашинуви[32] –– Францияда тезкор ахборот алмашинуви қуйидаги механизмлар орқали амалга оширилади:

SAIP (Système d'Alerte et d'Information des Populations) (*Фавқулодда вазиятларда аҳолини огоҳлантириш ва тезкор маълумот етказиш учун ишлатиладиган автоматлаштирилган тизим);*

Фавқулодда вазиятлар марказлари (*Фавқулодда вазиятлар бўйича маълумотларни тўплаш ва тарқатиш учун ташкил этилган ҳудудий марказлар).*

б) ***Евроиттифоқ доирасида қўшма ҳудудий операциялар[33] ––*** Франция Евроиттифоқнинг фавқулодда вазиятларни бошқариш доирасида фаол иштирок этади. Асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

Европа Иттифоқининг Қутқарув Механизми (Union Civil Protection Mechanism): *Фавқулодда вазиятларда Евроиттифоқ*

мамлакатлари ўртасида ресурсларни тақсимлаш ва ҳамкорликни таъминлайди;

Мултидисциплинар қўшма машғулотлар: *Евроиттифоқ доирасида Францияниг ҳудудий хизматлари халқаро қутқарув машғулотларида қатнашади.*

3. *Инновация ва технологиялар[34]* –– Франция фавқулодда вазиятларни бошқариш жараёнида илғор технологиялардан фойдаланади. Бунда:

дронлар ва сунъий интеллект: *Офатларни кузатиш ва зарарни баҳолашда фойдаланилади;*

автоматлаштирилган хавф-хатар баҳолаш тизимлари: *Табиий ва техноген хавфларни прогноз қилиш учун ишлатилади.*

4. *Халқаро ҳамкорлик[35]* –– Франция халқаро даражада фаол ҳамкорликни амалга оширади. Унинг асосий йўналишларга:

БМТнинг Офатларни Камайтириш Бўйича Халқаро Стратегияси (UNDRR) (*Табиий офатлардан зарарланиш хавфини камайтириш бўйича чора-тадбирларда иштирок);*

НАТОнинг гуманитар операциялари (*Табиий ва техноген офатларда қўшма операцияларда иштирок этиш).*

Юқоридаги келтирилган маълумлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида Францияда фавқулодда вазиятларни бошқариш тизими юқори даражада мувофиқлаштирилган ва ҳуқуқий асосланган бўлиб, халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди. Бу тизимнинг инновацион ёндашувлари ва Евроиттифоқ доирасидаги ҳамкорлик механизмлари Ўзбекистон учун самарали тажриба бўлиши мумкин. Тезкор ахборот алмашинуви, фуқаролик хавфсизлигини таъминлаш ва халқаро миқёсдаги қўшма операциялар Ўзбекистондаги фавқулодда вазиятлар бошқаруви тизимини ривожлантиришга кўмаклашади.

ШВЕЦИЯ давлати **––** ушбу мамлакатда фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасида самарали ва барқарор тизимга эга бўлиб, давлат, маҳаллий ҳукумат ва қўшни давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик асосида ишлайди. Ушбу тизимнинг марказида фуқаролик хавфсизлигини таъминлаш ва фавқулодда вазиятларга жавоб бериш бўйича масъул MSB агентлиги туради.

1. Асосий ташкилотлар. Буларга:

Swedish Civil Contingencies Agency[36] (**Фуқаролик хавфсизлигини таъминлаш бўйича агентлик** (MSB)) –– фавқулодда

вазиятларни бошқаришнинг марказий органи ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

табиий офатлар ва техноген фавқулодда вазиятларга жавоб бериш учун миллий стратегияларни ишлаб чиқиш;

давлат ва маҳаллий ҳукумат органлари ўртасида мувофиқлаштирувчи ролни бажариш;

фавқулодда вазиятларда хавф-хатарларни камайтириш бўйича тадбирларни ташкил этиш.

2. Ҳамкорлик тартиби. Буларга:

а) ***давлат ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасидаги ҳамкорлик[37]*** **––** Швецияда давлат ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасида самарали ҳамкорлик механизмлари йўлга қўйилган. Бу жараёнда қуйидаги дастурлар ва ёндашувлар қўлланилади:

миллий фавқулодда вазиятлар бошқаруви дастурлари (*давлат ва маҳаллий даражада хавфларни баҳолаш ва жавоб чораларини ишлаб чиқиш учун умумий дастурлар амалга оширилади);*

Маҳаллий ҳукуматнинг масъулияти *(ҳар бир муниципалитет ўз ҳудудидаги хавф-хатарларни баҳолаш ва зарарланишни камайтириш бўйича чораларни амалга ошириш учун масъул).*

б) ***Қўшни давлатлар билан трансчегаравий ҳамкорлик[38]*** **––** Швеция қўшни давлатлар билан трансчегаравий фавқулодда вазиятлар бошқаруви бўйича ҳамкорликни амалга оширади. Асосий йўналишлари:

Скандинавия ҳамкорлиги (*Норвегия, Финляндия ва Дания билан офатларга жавоб беришда ресурсларни тақсимлаш ва қўшма машғулотларни ташкил этиш);*

Европа Иттифоқи доирасидаги ҳамкорлик (*Европа Иттифоқининг қутқарув механизми (Union Civil Protection Mechanism) орқали Евроиттифоқ мамлакатлари билан жавоб чораларини мувофиқлаштириш).*

Инновация ва технологиялар[39] **––** Швеция фавқулодда вазиятларни бошқаришда илғор технологиялардан фойдаланади. Буларга:

ахборот алмашинувининг рақамли платформалари: *msb рақамли тизимлар орқали давлат ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасида ахборот алмашинувини таъминлайди;*

сунъий интеллект ва дронлар: *табиий офатларни кузатиш ва зарарни баҳолаш учун ишлатилади;*

эркин таълим платформалари: *фавқулодда вазиятларда аҳолини тайёрлаш учун онлайн курслар ва ахборот тарқатувчи платформалар яратилган.*

4. *Халқаро ҳамкорлик[40]* –– Швеция халқаро даражада фаол ҳамкорликни қуйидаги йўналишларда амалга оширади. Буларга:

БМТ доирасидаги фавқулодда вазиятлар бошқаруви (*Швециянинг БМТнинг Офатларни Камайтириш Бўйича Халқаро Стратегияси (UNDRR) доирасидаги иштироки);*

Европа Иттифоқининг трансчегаравий ташаббуслари (*Европа Иттифоқи билан қўшма қутқарув операциялари).*

5. Қўшма машғулотлар ва тренинглар –– MSB мунтазам равишда маҳаллий ва халқаро даражада қуйидаги қўшма машғулотлар ва тренинглар ўтказади. Буларга:

Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда машғулотлар *(қутқарув хизматлари ва хавф-хатарни баҳолаш соҳасида ўқувлар);*

маҳаллий даражадаги машғулотлар *(ҳ**ар бир муниципалитет аҳолисини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш).*

Юқоридаги келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида Швецияда фавқулодда вазиятларни бошқариш тизими давлат ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда қўшни давлатлар билан трансчегаравий ҳамкорликка асосланган. Тизимнинг кучли ҳуқуқий базаси ва илғор технологиялардан фойдаланиши уни самарали қилади. Ўзбекистон Швециянинг мазкур тажрибасини ўрганиб, ўз миллий тизимини такомиллаштиришда фойдаланиши мумкин.

Юқорида илгари сурилган ҳорижий олимларнинг илмий қарашлари ва ривожланган Россия, АҚШ, Германия, Франция, Швеция ва Япония каби давлатларнинг фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий гвардия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини тартига солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида қуйидаги асослантирилган таклифлар илгари сурилади. Буларга:

биринчидан, **идоралараро ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарур. Мазкур таклиф, россиялик ҳуқуқшунос олим** В.Б.Игнатьев томонидан илгари сурилган идоралараро ҳамкорлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ФВВ ва Миллий гвардия ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқ белгилайдиган *“**Фавқулодда вазиятларда***

***давлат идораларининг ўзаро ҳамкорлигини тартибга солиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш*;**

***иккинчидан,* Германия** давлати фаолият юритувчи BBK ва THW ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ҳ**удудий даражада мувофиқлаштириб турувчи ижобий тажрибадан келиб чиқиб, янги Ўзбекистоннинг ҳ**ар бир ҳудудда қуйидаги: 1) фавқулодда вазиятларда тезкор ахборот алмашинуви; 2) қўшма эвакуация ва қутқарув операцияларини бошқариш ва 3) жойларда хавф-хатарларни мунтазам мониторинг қилиш каби вазифаларни қамраб олган *ФВВ ва Миллий гвардия вакилларидан иборат қўшма мувофиқлаштирувчи марказлар ташкил этиш*;

учинчидан,* Япония**даги Disaster Information System ва **АҚШ**даги EMAC ахборот платформаларидан келиб чиқиб, ҳудудларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун киберхавфсизлик чораларини кўрган ҳолда *ФВВ, Миллий гвардия ва маҳаллий ҳокимият органларини ўзаро боғлайдиган* ***.идораларараро ахборот алмашинувининг автоматлаштирилган рақамли тизимини ишлаб чиқиш;

***тўртинчидан,* АҚШ** ва **Германия** давлатларининг ўртасида фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўришда ўтказиладиган қўшма ўқув машғулотлар тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатда йиллик режа асосида ФВВ ва Миллий гвардия учун қўшма тренинглар, жумладан, халқаро экспертлар иштирокидаги ***қўшма ўқув машғулотларини ташкил қилиш орқали кадрлар малакасини тизимли ошириш*;**

бешинчидан, Германия **давлатининг ФВВ самарадорлигини ошириш мақсадида *м***аҳаллий *хусусий компанияларнинг ресурсларидан (техника, логистика) фавқулодда вазиятларда фойдаланиш тартиби* каби ижобий тажрибасини **миллий қонунчилликка сингдириш;**

олтинчидан, Япония ва Франция каби давлатларнинг БМТ ва Евроиттифоқ ташкилотлари билан интеграцияланган ҳамкорлик тажрибасидан келиб чиқиб, қуйдагиларни тизимли амалга ошириш лозим. Хусусан, *биринчидан, "БМТнинг Офатларни Камайтириш Стратегияси доирасида Ўзбекистон иштирокини кучайтириш", иккинчидан, "Евроиттифоқнинг Қутқарув Механизмига Ўзбекистонни боғлайдиган келишув"* ишлаб чиқиш.

Юқорида илгари сурилган таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, якуний хулоса қиладиган бўлсак, Янги Ўзбекистонда Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий гвардия ўртасидаги ўзаро

ҳамкорликнинг ҳуқуқий, ташкилий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш мамлакатнинг миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва жамоатчилик манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий қонунчилик базаси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.10.2024 й., 09/23/171/0234-сон / Lex/uz.
2. https://www.dissercat.com/content/mezhdunarodnoe-sotrudnichestvo-rf-i-es-v-oblasti-predu-prezhdeniya-i-likvidatsii-posledstvii.
3. https://www.dissercat.com/content/deyatelnost-rossiiskogo-gosudarstva-po-sozdaniyu-sistemy-zashchity-naseleniya-i-territorii-s
4. https://www.dissercat.com/content/mezhdunarodno-pravovye-problemy-sotrudnichestva-gosudarstv-v-sfere-zashchity-ot-opasnykh-sei
5. https://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-okazaniya-gumanitarnoi-pomoshchi-litsam-postradavshim-ot-chrezvychain
6. https://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-mezhdunarodnogo-sotrudni-chestva-v-sfere-obespecheniya-bezopasnosti-pr
7. https://www.dissercat.com/content/chastno-pravovye-otnosheniya-v-deyatelnosti-podraz-delenii-edinoi-gosudarstvennoi-sistemy-pred
8. https://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-deyatelnosti-subektov-pravo-okhranitelnoi-sistemy-pri-chrezvychainykh-
9. https://disser.uz/pravovye-i-organizacionnye-problemy-vzaimodejstvija-organov-gosu-darstvennoj-vlasti
10. https://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-mezhvedomstvennogo-vzai-modeist-viya-mvd-rossii-i-mchs-rossii-v-chrezvy
11. Кувшинов А.А. Международное сотрудничество РФ и ЕС в области предупреждения и ликвидации последствий чрезвычайных ситуаций: 1990-2010 гг //https://www.dissercat.com/content/mezhdunarodnoe-sotrudnichestvo-rf-i-es-v-oblasti-predu-prezhdeniya-i-likvidatsii-posledstvii.
12. Сергеев В.С. “Деятельность российского государства по созданию системы защиты населения и территорий страны в чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера: 1991-2005 гг” https://www.dissercat.com/content/deyatelnost-rossiiskogo-gosudarst-va-po-sozdaniyu-sistemy-zashchity-naseleniya-i-territorii-s

13. Лисаускайте В.В. Международно-правовые проблемы сотрудничества государств в сфере защиты от опасных сейсмических явлений // https://www.dissercat.com/content/mez-hdunarodno-pravovye-problemy-sotrudnichestva-gosudarstv-v-sfere-zashchity-ot-opasnykh-sei

14. Яндиев А.Т. Правовое регулирование оказания гуманитарной помощи лицам, пострадавшим от чрезвычайных ситуаций: международно-правовой аспект // https://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-okazaniya-gumanitarnoi-pomoshchi-litsam-postradavshim-ot-chrezvychain

15. Мищенко А.В. Правовое регулирование международного сотрудничества в сфере обеспечения безопасности при чрезвычайных ситуациях // https://www.dissercat.com/con-tent/pravovoe-regulirovanie-mezhdunarodnogo-sotrudni-chestva-v-sfere-obespecheniya-bezo-pasnosti-pr

16. Гольцов В.Б. Частноправовые отношения в деятельности подразделений Единой государственной системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций Российской Федерации // https://www.dissercat.com/content/chastno-pravovye-otnosheniya-v-deyatelnosti-podraz-delenii-edinoi-gosudarstvennoi-sistemy-pred

17. Удальцова Н.В. Правовое регулирование деятельности субъектов правоохранительной системы при чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера // https://www.dissercat.com/content/pravovoe-regulirovanie-deyatelnosti-subektov-pravo-okhranitelnoi-sistemy-pri-chrezvychainykh.

18. Чагалидзе Д.Н. Правовые и организационные проблемы взаимодействия органов государственной власти и организаций по предупреждению и тушению лесных пожаров: на примере Ленинградской области // https://disser.uz/pravovye-i-organizacionnye-problemy-vzaimodejstvija-organov-gosu-darstvennoj-vlasti

19. Игнатьев В.Б. Правовое регулирование межведомственного взаимодействия МВД России и МЧС России в чрезвычайных ситуациях // https://www.dissercat.com/content/ pravovoe-regulirovanie-mezhvedomstvennogo-vzai-modeist-viya-mvd-rossii-i-mchs-rossii-v-chrezvy

20. АҚШда фавқулодда вазиятларни бошқаришнинг ҳуқуқий асослари турли даражадаги қонунлар ва фармонлар орқали таъминланади. Буларга: биринчидан, Stafford Act (1988): Фавқулодда вазиятларда федерал ёрдам кўрсатишни тартибга солади; иккинчидан,

Homeland Security Act (2002): Фавқулодда вазиятларга жавоб бериш учун умумий тизим яратади; учинчидан, Public Health Security and Bioterrorism Preparedness and Response Act (2002): Биологик хавфлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни тартибга солади.

21. Германия Конституцияси (Grundgesetz): Федерал ҳукуматнинг фавқулодда вазиятлардаги ваколатларини белгилайди ва Германия Фавқулодда Ҳолатлар Қонуни (Zivilschutz- und Katastrophenhilfegesetz): ВВК фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат.

22. THW қонуни (Technisches Hilfswerksgesetz): THW ташкилоти фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Шунингдек, Германия халқаро ёрдам қонунлари: Германиянинг халқаро операциялардаги ролини тартибга солади.

23. Қуллайлик Қонуни (Gesetz über das öffentliche Beschaffungswesen): Давлат-ҳусусий ҳамкорлик шартномаларини тартибга солади. Шунингдек, Иқтисодий Ҳимоя Қонунлари: Хусусий секторнинг фавқулодда вазиятлардаги роли учун ҳуқуқий кафолат беради.

24. НАТОнинг Гуманитар Ёрдам Протоколлари: Германиянинг НАТО доирасидаги фавқулодда вазиятлар бошқарувидаги ролини белгилайди. Шунингдек, Европа Иттифоқининг Ҳамкорлик Дастури (Union Civil Protection Mechanism): Германиянинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан фавқулодда вазиятлардаги ўзаро ёрдам жараёнини тартибга солади.

25. Meteorological Service Act: Метеорологик хизматларни ташкил этиш ва огоҳлантириш тизимларини бошқариш бўйича JMA ваколатларини белгилайди. Шунингдек, Basic Disaster Management Plan: JMAнинг офатларни олдини олиш бўйича вазифаларини умумий бошқарув тизимига интеграция қилади.

26. Fire Service Act: Ёнғин хавфсизлиги ва қутқарув ишларини ташкил қилиш бўйича FDMA ваколатларини белгилайди. Шунингдек, Disaster Countermeasures Basic Act: FDMA фаолиятининг умумий бошқарув тизимидаги ролини аниқлайди.

27. Disaster Information Act: Ахборот алмашинувининг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Шунингдек, Telecommunications Business Act: Ж-ALERT тизимини тартибга солувчи қонун.

28. Research Promotion Act: Илмий-тадқиқот муассасаларининг фавқулодда вазиятлардаги ролини белгилайди. Шунингдек, Basic Act on

Disaster Management: Илмий муассасаларни офатларни бошқариш тизимига интеграция қилишни тартибга солади.

29. Hyogo Framework for Action (2005–2015): Япониянинг офатларни бошқариш соҳасидаги халқаро мажбуриятларини белгилаган. Шунингдек, Sendai Framework for Disaster Risk Reduction (2015–2030): Табиий офатларнинг олдини олиш ва зарарланиш хавфини камайтириш бўйича халқаро ҳамкорлик стратегияси.

30. Code de la sécurité intérieure (Франция ички хавфсизлик кодекси): Фуқаролик хавфсизлиги хизматининг асосий ваколатларини белгилайди. Шунингдек, Disaster Risk Management Law (1987): Табиий ва техноген офатларда жавоб бериш жараёнини ҳуқуқий тартибга солади.

31. Женева конвенциялари: Қизил Хочнинг халқаро даражадаги ваколатларини белгилайди. Шунингдек, Франция қонунчилигида кўнгиллиларни ҳимоя қилиш қонуни: Кўнгиллилар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди.

32. SAIP қонуни: Огоҳлантириш тизимининг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Шунингдек, Data Sharing Act (2016): Ахборот алмашинуви жараёнини тартибга солувчи қонун.

33. Council Decision (1313/2013/EU): Евроиттифоқнинг фавқулодда вазиятларда қўшма жавоб бериш жараёнини тартибга солади. Шунингдек, Европа Иттифоқи хавфсизлик стратегияси: Францияниng Евроиттифоқ миқёсидаги вазифаларини белгилайди.

34. Digital Transformation Act: Фавқулодда вазиятларда технологиялардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солади. Шунингдек, Data Protection Act: Ахборот тизимлари орқали йиғилган маълумотларни ҳимоя қилишни таъминлайди.

35. Женева конвенциялари: Францияниng халқаро гуманитар операциялардаги мажбуриятларини белгилайди. Шунингдек, Hyogo Framework for Action (2005–2015) ва Sendai Framework (2015–2030): Табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича халқаро стратегиялар.

36. Swedish Emergency Management Act: MSBнинг фавқулодда вазиятлар бошқарувидаги ваколатларини белгилайди. Шунингдек, Civil Protection Act (2003): Фуқаролик хавфсизлигини таъминлаш бўйича миллий қонун.

37. Local Government Act (1991): Маҳаллий ҳукуматларнинг фавқулодда вазиятлардаги ролини белгилайди. Шунингдек, Swedish Civil Defence Act: Давлат ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасидаги ҳамкорлик асосларини белгилайди.

38. Nordic Cooperation Agreement: Скандинавия давлатлари ўртасида фавқулодда вазиятлардаги ҳамкорликни тартибга солади. Шунингдек, EU Civil Protection Mechanism (1313/2013): Европа Иттифоқининг трансчегаравий ҳамкорлик асосларини белгилайди.

39. Digital Services Act: Рақамли технологиялардан фойдаланишни тартибга солувчи миллий қонун. Шунингдек, Public Information Act: Ахборот алмашинуви ва маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича қоидалар.

40. Sendai Framework for Disaster Risk Reduction (2015–2030): Халқаро даражада хавф-хатарларни камайтириш бўйича стратегия. Шунингдек, EU Disaster Law: Европа Иттифоқи доирасида фавқулодда вазиятларни бошқариш ҳуқуқий асослари.

Махмудов Дилмурод Розметович,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси профессори, юридик фанлар доктори, доцент.
Тлеубаев Ерполат Нажимович
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети мустақил изланувчиси.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

Аннотация: Мақолада фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда хорижий давлатларнинг ҳамкорлик соҳасидаги илғор тажрибалари ўрганилади. Халқаро ташкилотларнинг роли, кўп томонлама келишувлар ва давлатлараро ҳамкорлик механизмлари таҳлил қилинади. Шу билан бирга, ушбу тажрибаларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳамда ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: фавқулодда вазиятлар, халқаро ҳамкорлик, хорижий тажриба, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларни бартараф этиш, давлатлараро ҳамкорлик, халқаро ташкилотлар.

Аннотация: В статье изучается передовой опыт зарубежных стран в сфере сотрудничества по предотвращению и ликвидации чрезвычайных ситуаций. Анализируется роль международных организаций, многосторонние соглашения и механизмы межгосударственного взаимодействия. Также предлагаются рекомендации по применению данного опыта в Узбекистане, с учётом правовых и организационных аспектов.

Ключевые слова: чрезвычайные ситуации, международное сотрудничество, зарубежный опыт, предотвращение чрезвычайных ситуаций, ликвидация последствий, межгосударственное сотрудничество, международные организации.

Abstract: The article explores the advanced practices of foreign countries in cooperation for preventing and mitigating emergencies. It analyzes the role of international organizations, multilateral agreements, and intergovernmental cooperation mechanisms. Additionally, recommendations are provided on the application of this experience in Uzbekistan, considering legal and organizational aspects.

Keywords: emergencies, international cooperation, foreign experience, emergency prevention, consequence mitigation, intergovernmental collaboration, international organizations.

Бугунги кунда барча ривожланган давлатлар сингари янги Ўзбекистонда ҳам фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш масаласи давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, мамлакатда табиий офатлар, техноген авария ва экологик ҳодисалар сонининг ортиши фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этишда йўналишида Қуролли Кучлар тизимидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини янада ошириш, шунингдек, мамлакатнинг миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда фавқулодда вазиятларни олдини олиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш давр талабига айланмоқда десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг таркиби ҳамда фаолият кўрсатиш тартибини белгилаш мақсадида, 2023 йил
29 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 171-сонли Қарори[1]нинг қабул қилинганлиги фикримиз тасдиғидир.

Бугунги кунда мамлакатда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш йўналишида Қуролли Кучлар тизимидаги органлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида ҳорижий олимларнинг илмий асарлари ва ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибаларини таҳлиллар асосида ўрганиб, миллий қонунчиликка имплемитация қилиш, ушбу илмий асарнинг долзарблигини янада оширишга хизмат қилади.

Эндиликда, фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасида ривожланган давлатлардан бири бўлган Россия Федерациясининг ҳуқуқшунос олимлари томонидан фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш йўналишида юзага келадиган ҳамкорликнинг у ёки бу жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий асарлар билан танишиш, мазкур тадқиқот ишини илмий салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Жумладан, А.А.Кувшиновнинг “Международное сотрудничество РФ и ЕС в области предупреждения и ликвидации последствий чрезвычайных ситуаций: 1990-2010 гг”[2] номли, В.С.Сергеевнинг “Деятельность российского государства по созданию системы защиты населения и территорий страны в чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера: 1991-2005 гг”[3] номли, В.В.Лисаускайте “Международно-правовые проблемы сотрудничества государств в сфере защиты от опасных сейсмических явлений” номли[4], А.Т.Яндиевнинг “Правовое регулирование оказания гуманитарной помощи лицам,

пострадавшим от чрезвычайных ситуаций: международно-правовой аспект” номли[5], А.В.Мищенконинг “Правовое регулирование международного сотрудничества в сфере обеспечения безопасности при чрезвычайных ситуациях” номли[6], В.Б.Гольцовнинг “Частноправовые отношения в деятельности подразделений Единой государственной системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций Российской Федерации”[7] номли, Н.В.Удальцованинг “Правовое регулирование деятельности субъектов правоохранительной системы при чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера”[8] номли, Д.Н.Чагалидзе “Правовые и организационные проблемы взаимодействия органов государственной власти и организаций по предупреждению и тушению лесных пожаров: на примере Ленинградской области”[9] номли шунингдек, В.Б.Игнатьевнинг “Правовое регулирование межведомственного взаимодействия МВД России и МЧС России в чрезвычайных ситуациях”[10] номли илмий асарлар шулар жумласидандир.

Шу ўринда, юқорида номлари қайд этилган илмий асарда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш йўналишида юзага келадиган ҳамкорлик муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифларни муаллифлар кесимида таҳлил қилсак мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, А.А. Кувшинов[11]нинг “Международное сотрудничество РФ и ЕС в области предупреждения и ликвидации последствий чрезвычайных ситуаций: 1990-2010 гг” номли тадқиқот ишида Россия Федерацияси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий-ташкилий асослари ва ривожланиш йўналишлари чуқур таҳлил қилинган. Муаллиф фавқулодда вазиятларда биргаликда ҳаракат қилишнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини шакллантиришга эътибор қаратган. Бу илмий иш Ўзбекистон учун, айниқса, халқаро миқёсдаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқишда аҳамиятлидир.

Шунингдек, В.С. Сергеев[12] эса ўзининг “Деятельность российского государства по созданию системы защиты населения и территорий страны в чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера: 1991-2005 гг” асари Россияда фавқулодда вазиятларга қарши кураш тизимини яратиш бўйича давлат сиёсати ва амалий тадбирларни чуқур ўрганган. Муаллиф давлат томонидан амалга оширилган ислоҳотлар, махсус хизматлар ташкилоти ва уларнинг фаолиятини тартибга солишга доир таклифлар билан чиқади. Бу Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларни бошқаришнинг самарадорлигини оширишда қўллаш мумкин бўлган муҳим ғояларини тақдим этади.

В.В.Лисаускайте[13] эса ўзининг “Международно-правовые проблемы сотрудничества государств в сфере защиты от опасных

сейсмических явлений” номли асарида хавфли сейсмик ҳодисаларга қарши курашда давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганади. Бу иш сейсмик хавфли минтақаларга эга бўлган Ўзбекистон учун ҳамкорликни кенгайтиришда ҳуқуқий асосларни яратишда илмий қийматга эгадир.

Бундан ташқари, А.Т. Яндиев[14]нинг “Правовое регулирование оказания гуманитарной помощи лицам, пострадавшим от чрезвычайных ситуаций: международно-правовой аспект” асарида фавқулодда вазиятларда гуманитар ёрдам кўрсатишнинг халқаро ҳуқуқдаги нормалари ва уларнинг амалиётда қўлланилиши таҳлил қилинган. Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларда ёрдам кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришда мазкур тадқиқотдаги методик ёндашувлардан фойдаланиш мумкин.

А.В. Мищенко[15] ўзининг “Правовое регулирование международного сотрудничества в сфере обеспечения безопасности при чрезвычайных ситуациях” асарида эса фавқулодда вазиятларда хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий жиҳатлари ёритилган. Ўзбекистоннинг хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш учун мазкур тадқиқотнинг ҳуқуқий таклифлари катта аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, В.Б. Гольцов[16]нинг “Частноправовые отношения в деятельности подразделений Единой государственной системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций Российской Федерации” номли асари фавқулодда вазиятларни бошқаришда хусусий-ҳуқуқий муносабатларнинг аҳамиятини ёритади. Муаллиф хусусий ва давлат секторлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини ўрганган. Бу Ўзбекистонда хусусий сектор иштирокини фаоллаштиришда долзарб ҳисобланади.

Шунингдек, Н.В. Удальцова[17]нинг “Правовое регулирование деятельности субъектов правоохранительной системы при чрезвычайных ситуациях природного и техногенного характера” номли асарида бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фавқулодда вазиятлардаги ролини ва уларнинг ҳуқуқий асосларини чуқур таҳлил қилади. Ўзбекистон Миллий гвардиясининг фаолиятини такомиллаштиришда бу ишдаги тавсиялар самарали бўлиши мумкин.

Д.Н. Чагалидзе[18]нинг “Правовые и организационные проблемы взаимодействия органов государственной власти и организаций по предупреждению и тушению лесных пожаров: на примере Ленинградской области” номли асарида давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро алоқанинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари таҳлил қилинган. Бу ёндашув Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларда бошқарув тизимини такомиллаштиришда аҳамиятлидир.

Юқоридаги ҳуқуқшунос олимлардан айнан В.Б.Игнатьев[19]нинг “Правовое регулирование межведомственного взаимодействия МВД

России и МЧС России в чрезвычайных ситуациях” номли илмий асари мазкур тадқиқот ишини мазмунан янада бойитишга хизмат қилади. Мазкур асарга кўра, Россия Федерациясида фавқулодда вазиятларда Ички ишлар вазирлиги (ИИВ) ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий жиҳатларини тартибга солувчи механизмларни чуқур таҳлил қилади. Асарнинг ижобий жиҳатлари қуйидаги илмий асосларга таянади. Буларга:

а) *идоралараро ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан асослаш* –– Бунда муаллиф ўз асарида икки идора ўртасидаги ҳамкорликни тартибга солиш учун мавжуд қонунчилик базасини таҳлил қилади. Унга кўра, фавқулодда вазиятларда идоралараро муносабатларни аниқ белгилаш фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, Игнатьев халқаро ҳуқуқ ва Россия қонунчилигидаги энг яхши амалиётларни танқидий таҳлил қилади ва уларни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар беради;

б) *ҳудудий даражадаги ҳамкорлик* –– асарда фавқулодда вазиятларни бошқаришда ҳудудий даражада ҳамкорликни мувофиқлаштириш механизмларига алоҳида урғу берилади. Муаллиф ҳудудий идораларнинг биргаликдаги ҳаракатларини самарали бошқариш учун қонунчиликда аниқ тартиб ва мезонларни жорий қилиш таклифини илгари суради. Бу ёндашув ҳудудларда тезкорлик ва мувофиқлаштиришни таъминлайди;

в) *ахборот алмашинуви* –– муаллифнинг энг муҳим ижобий жиҳатларидан бири бу ахборот алмашинувининг самарадорлигини ошириш бўйича қонунчилик таклифларидир. Асарда ИИВ ва ФВВ ўртасида ягона ахборот тизимини яратиш ва уни қонунчилик билан таъминлаш ғояси илгари сурилади. Бу тизим фавқулодда вазиятлар ҳақидаги маълумотларнинг тезкор етказилишини таъминлайди;

г) *кадрлар тайёрлаш* –– Игнатьев кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига ҳам катта эътибор қаратган. У, айниқса, идоралараро тренинглар ва ўқув машғулотларини юридик жиҳатдан тартибга солишни таклиф қилади. Бу фавқулодда вазиятларда икки идора ходимларининг биргаликдаги ҳаракатларини самарали қилади;

д) *фавқулодда вазиятларни бошқаришнинг интеграцияланган тизими* – асарда ИИВ ва ФВВ фаолиятини мувофиқлаштирувчи интеграцияланган тизимни яратиш ва бу тизимни қонунчилик базаси билан таъминлаш таклиф этилган. Муаллифнинг бу йўналишдаги тадқиқотлари идоралараро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган амалий механизмларни илмий асослаш билан фарқланади;

е) *қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар* –– Игнатьев, амалдаги Россия қонунчилигини таҳлил қилар экан, фавқулодда вазиятларда самарали ҳамкорликни таъминлаш учун янги ҳуқуқий нормаларни жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиққан. Хусусан:

идораларарo ҳаракатларнинг аниқ вазифаларини белгилаш;

молиявий ва моддий-техник ресурсларни тақсимлаш механизмларини қонунан мустаҳкамлаш;

фавқулодда вазиятлар туфайли етказилган зарарларни қоплашда идораларарo ҳамкорликни аниқлаштириш.

ё) *илмий ва амалиётга асосланган ёндашув* –– муаллиф ўз таҳлилларида илмий-амалий ёндашувдан фойдаланиб, идораларарo муносабатлардаги мавжуд муаммоларни ёритади ва уларни ҳал этиш учун инновацион таклифлар беради. Бу ёндашув нафақат Россия, балки халқаро миқёсда қўлланиши мумкин бўлган амалиётларнинг ривожланишига ҳисса қўшади. Шу ўринда, В.Б. Игнатьевнинг тадқиқоти юзасидан хулоса қилсак, Янги Ўзбекистон шароитида, айниқса, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий гвардия ўртасидаги ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш учун қимматли илмий асос бўлиши мумкин. Ушбу асардаги ижобий ғоялар ва тавсиялар миллий қонунчиликка мослаштирилган ҳолда қабул қилинса, фавқулодда вазиятларда самарали бошқарув тизимини яратишга ёрдам беради.

Юқорида биз хорижий давлатларнинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш йўналишида Қуролли Кучлар тизимидаги органлар ўртасидаги ҳамкорликни такрмиллаштиришга қаратилган илмий назарий қарашларни таҳлил қилдик. Эндиликда, ривожланган **Америка Қўшма Штатлари, Германия, Япония, Франция ва Швеция** каби ҳорижий давлатларнинг фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш йўналишида ўзаро ҳамкорлик фаолиятининг ижобий жиҳатларини ёритиш мақсадга мувофиқдир.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ[20] давлати –– мазкур давлатда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик механизми мураккаб, кўпқиррали ва юқори даражада интеграциялашган тизимдир. Бу тизим бир қатор асосий ташкилотлар ва дастурлар, шунингдек, стандартлаштирилган ёндашувлар орқали самарали бошқарилади. Қуйида бу механизмнинг асосий жиҳатлари кенгроқ ёритилади:

1*. Миллий Фавқулодда Вазиятлар Бошқаруви Тизими (NIMS)* –– мазкур “NIMS” тизими АҚШнинг барча даражадаги ҳукумат органлари, хусусий сектор ва жамоат ташкилотлари ўртасида фавқулодда вазиятларга жавоб бериш жараёнини мувофиқлаштириш учун яратилган стандартлаштирилган тизимдир. Унинг асосий жиҳатлари қуйидагиларни ўз ичига олади. Буларга:

***терминологиянинг бир хиллиги**:* барча иштирокчи ташкилотлар бир хил тушунчалар ва атамалардан фойдаланади, бунинг натижасида самарали алоқа таъминланади.

***идораларарo интеграция**:* барча даражадаги ташкилотлар ва ҳукумат органлари умумий мақсадлар учун бирлашади.

***ресурсларни бошқариш**:* фавқулодда вазиятларда ресурсларнинг самарали тақсимланишини таъминлайдиган ягона тизим.

***қуйидан юқоригача ёндашув**:* ҳар бир даражадаги ташкилотлар ўз масъулиятини бажаради, аммо умумий мақсадларга мувофиқ ишлайди.

2. *Миллий жавобгар рамка (NRF)* –– мазкур "NRF" ташкилоти фавқулодда вазиятларда барча иштирокчи томонларнинг вазифа ва жавобгарликларини аниқ белгилайди. Бу тизим "барча хавфлар" ёндашувига асосланиб, ҳар қандай турдаги фавқулодда вазиятларда самарали жавоб беришни таъминлайди. Бунда у:

ташкилотлар ўртасидаги мувофиқлаштириш – федерал ҳукумат, штат ҳукуматлари, маҳаллий идоралар, хусусий сектор ва нодавлат ташкилотлар ўртасидаги ролларни аниқ белгилайди;

сценарийга мослашувчанлик – турли вазиятларга мослашувчан бўлган механизмлар орқали ишлайди;

қабилавий ва ҳудудий ҳукуматлар иштироки – АҚШнинг маҳаллий ва этник гуруҳлари ҳам ушбу тизимга интеграция қилинган.

3. Федерал Фавқулодда Вазиятлар Бошқармаси (FEMA) –– мазкур "FEMA" бошқарма АҚШнинг фавқулодда вазиятларга жавоб бериш бўйича асосий ташкилоти ҳисобланади. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради. Буларга:

режалаштириш ва тайёргарлик: Фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш учун стратегия ва қонунчиликни ишлаб чиқиш;

молиявий ёрдам кўрсатиш: Фавқулодда вазиятларда зарар кўрган штат ва маҳаллий ҳукуматларга молиявий ёрдам ажратиш;

қайта тиклаш жараёнлари: Фавқулодда вазиятлардан кейин жамоаларни қайта тиклаш ишларини мувофиқлаштириш.

4. Ҳамкорликнинг асосий механизмлари –– буларга:

а) идораларарo мувофиқлаштириш:

АҚШда идораларарo мувофиқлаштиришга катта эътибор қаратилади. Масалан, FEMA, АҚШ Ички ишлар вазирлиги, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, Қизил Хоч жамияти ва бошқа ташкилотлар умумий мақсадлар учун бирлашади. Уларнинг ўртасидаги ҳамкорлик қуйидаги тартибда амалга оширилади. Жумладан:

ахборот алмашиш платформалари: турли ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш учун онлайн платформалардан фойдаланилади;

масъулиятларни тақсимлаш: ҳар бир ташкилотнинг вазифалари аниқ белгилаб қўйилган.

б) қўшма ўқув машғулотлари:

АҚШда ҳар йили фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш бўйича қўшма ўқув машғулотлари ўтказилади. Бу машғулотларда штат

ва маҳаллий идоралар, хусусий ташкилотлар ва халқаро шериклар қатнашади.

в) шартномалар ва келишувлар:

штатлар ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасидаги шартномалар ёрдам ва ресурсларни тезкор етказишни таъминлайди. *Масалан:* EMAC (Emergency Management Assistance Compact): Ҳудудлараро ёрдам кўрсатиш учун асосий келишув.

Юқоридаги келтирилган маълумлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, АҚШда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича механизмлар стандартлаштирилган, мослашувчан ва самаралидир. Бу механизмлар нафақат миллий хавфсизликни таъминлашга, балки халқаро миқёсдаги фавқулодда вазиятларда ҳам юқори даражадаги кўмак кўрсатишга хизмат қилади. Ўзбекистонда мазкур тажрибани миллий қонунчиликка жорий этиш, ресурсларни тақсимлаш ва идоралараро мувофиқлаштириш самарадорлигини ошириш учун муҳим илмий асос бўлиши мумкин.

ГЕРМАНИЯ давлати **––** фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасидаги тизим кўп даражали ҳамкорлик асосида ишлайди. Бу жараёнда асосий ролни федерал агентликлар, маҳаллий ҳукуматлар ва хусусий сектор ўйнайди. Ушбу тизим самарали ишлаш учун турли даражадаги қонунлар, халқаро шартномалар ва мувофиқлаштирувчи тузилмаларга асосланади.

Германиянинг асосий ташкилотлари. Буларга:

а) Bundesamt für Bevölkerungsschutz und Katastrophenhilfe[21] –– аҳолини ҳимоя қилиш ва офатларни бартараф этиш федерал агентлиги (*Bundesamt für Bevölkerungsschutz und Katastrophenhilfe*) Германияда фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилиш бўйича асосий ташкилот ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари:

фавқулодда вазиятларга тайёргарлик режаларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш;

аҳолини эвакуация қилиш, қутқарув ишларини ташкил этиш;

давлат ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасида ҳамкорликни мувофиқлаштириш.

б) THW (Technisches Hilfswerk)[22] – Техник Қўллаб-қувватлаш Агентлиги (THW) техноген офатлар ва табиий офатларда жавоб бериш бўйича ихтисослашган федерал тузилмадир. THW кўнгиллилардан иборат бўлиб, унинг асосий фаолият йўналишлари:

техник қутқарув ишларини амалга ошириш;

табиий ва техноген офатларда инфратузилмаларни тиклаш;

халқаро гуманитар ёрдам операцияларида иштирок этиш.

2. Ҳамкорлик тартиби. Буларга:

а) давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик[23] –– Германияда фавқулодда вазиятларни бошқаришда давлат ва хусусий

сектор ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамкорликнинг асосий жиҳатлари:

келишув платформалари: давлат идоралари ва хусусий компаниялар ўртасида ўзаро ёрдам келишувлари;

ресурсларни тақсимлаш: хусусий секторнинг ресурслари фавқулодда вазиятларда давлат эҳтиёжлари учун фойдаланилади.

б) *халқаро ташкилотлар билан мувофиқлаштириш[24]* –– Германия халқаро ташкилотлар, жумладан, НАТО, Европа Иттифоқи ва БМТ билан яқин ҳамкорликда ишлайди. Бу ҳамкорлик гуманитар ёрдам, офатларни бошқариш ва хавфсизликни таъминлаш соҳаларига қаратилган.

3. Механизмлар ва қўшма фаолият. Буларга:

а) Ахборот алмашинуви –– ахборот алмашиш жараёнида ягона рақамли платформалардан фойдаланилади. Масалан: Warning and Information System *(Фавқулодда вазиятларда тезкор ахборот етказиб бериш учун ишлатилади)* ва халқаро ахборот алмашиш тармоқлари *(НАТО ва Европа Иттифоқи доирасида ахборот алмашуви йўлга қўйилган);*

б) Қўшма ўқув машғулотлари –– ВВК ва THW халқаро ташкилотлар билан биргаликда мунтазам равишда машғулотлар ўтказади. Уларнинг мақсади фавқулодда вазиятларда биргаликда ҳаракат қилиш кўникмаларини такомиллаштиришдир;

в) Кўнгиллилар иштирокини таъминлаш –– THW фаолияти кўнгиллилар иштирокини рағбатлантиришга қаратилган. Бу Германияда фавқулодда вазиятларга тайёргарликнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Юқоридаги келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида Германияда фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасида ВВК ва THWнинг ўзаро ҳамкорлик механизмлари яхлит ва тизимли ёндашувга асосланган. Давлат-ҳусусий сектор ҳамкорлиги, халқаро ташкилотлар билан мувофиқлаштирув ва ҳуқуқий асослар Германиянинг бу соҳадаги тажрибасини муваффақиятли қилади. Бу тизим Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасини такомиллаштиришда фойдали намуна бўлиши мумкин.

ЯПОНИЯ давлати –– мазкур давлатда фавқулодда вазиятларни бошқариш бўйича самарали ва инновацион тизимга эга. Бу тизим табиий офатлардан зарарланиш хавфини камайтириш ва тезкорлик билан жавоб беришга йўналтирилган. Японияда асосий ташкилотлар ўзаро мувофиқлаштирилган иш ва илғор технологияларга асосланган ҳамкорликни таъминлайди. Қуйида Япониядаги тизимнинг кенгроқ ёритилиши келтирилган.

1. Асосий ташкилотлар. Буларга:

а) Japan Meteorological Agency[25] *(Метеорологик кузатув ва прогноз агентлиги (JMA))* –– Японияда табиий офатларни олдини

олишда асосий ролни ўйнайди. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради:

ер қимирлаши, цунами, бўрон ва бошқа табиий офатларнинг кузатуви ва прогнозини амалга ошириш;

огоҳлантириш тизимлари орқали аҳолини тезкор хабардор қилиш;

миллий ва маҳаллий ҳукумат органларига прогноз маълумотларини етказиш.

б) Fire and Disaster Management Agency[26] *(ёнғин ва фавқулодда вазиятлар бошқаруви агентлиги (FDMA))* –– ёнғинларни назорат қилиш ва фавқулодда вазиятларда жавоб бериш билан шуғулланади. Унинг асосий вазифалари:

ёнғиндан ҳимоя қилиш тизимларини назорат қилиш.

қутқарув ишларини мувофиқлаштириш.

миллий ва маҳаллий даражадаги фавқулодда вазиятларни бошқаришни таъминлаш.

2. Ҳамкорлик тартиби. Буларга:

а) миллий ва маҳаллий ҳукумат органлари ўртасида ахборот алмашинуви[27] – Японияда ахборот алмашинуви тезкорлик ва аниқликка асосланган. Бу жараён автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали амалга оширилади. Хусусан:

Disaster Information System (*миллий ва маҳаллий ҳукумат органлари ўртасида фавқулодда вазиятлар ҳақида маълумот алмашиш учун ишлатилади);*

Japan Alert System (*Фавқулодда вазиятлар бўйича аҳолини огоҳлантиришнинг автоматлаштирилган тизими. Бу тизим радио, телевидение ва мобиль қурилмалар орқали сигнал юборади).*

б) илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик[28] –– Японияда хавф-хатарларни баҳолаш ва офатларнинг олдини олиш бўйича илмий-тадқиқот ишларига катта аҳамият берилади:

Earthquake Research Institute (ERI) (*Ер қимирлаши хавфини баҳолаш бўйича тадқиқотлар ўтказади);*

National Research Institute for Earth Science and Disaster Resilience (NIED) (*Табиий офатларни олдини олиш учун инновацион технологияларни ишлаб чиқади).*

3. Технологиялар ва инновация. Бунда Япония технология ва инновацияларни фавқулодда вазиятларни бошқариш тизимига интеграция қилишда етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Қуйида бу соҳадаги асосий механизмлар:

сейсмик огоҳлантириш тизимлари *(ер* *қимирлаши бошланишидан аввал аҳолини тезкор огоҳлантириш учун ишлатилади);*

дронлар ва сунъий йўлдошлар *(табиий офатлар ҳудудини мониторинг қилиш ва зарарни баҳолашда ишлатилади);*

сув тошқини прогнозлари *(сув сатҳини кузатувчи автоматлаштирилган сенсорлар тизими).*

4. Халқаро ҳамкорлик[29]. Буларга:

Япония халқаро даражада ҳам фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасидаги ҳамкорликни фаол тарғиб қилади. Унинг асосий йўналишлари:

БМТнинг Офатларни Камайтириш Бўйича Халқаро Стратегияси (UNDRR) *(Япония ушбу стратегия доирасида табиий офатларни олдини олишга қаратилган тадбирларда қатнашади);*

Халқаро огоҳлантириш тизимлари (*Цунами ва ер қимирлашини кузатувчи халқаро платформаларда иштирок этади).*

Юқоридаги келтирилган маълумлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида Японияда фавқулодда вазиятларни бошқариш тизими инновацион технологиялар, автоматлаштирилган ахборот алмашинуви ва илмий-тадқиқот ишлари билан мустаҳкамланган. Бу тизим нафақат миллий хавфсизликни таъминлаш, балки халқаро миқёсдаги фавқулодда вазиятларда ҳам юқори даражадаги самарадорликни таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон Япониянинг мазкур тажрибасидан фойдаланиш орқали ўз миллий тизимини такомиллаштириши мумкин.

ФРАНЦИЯ давлати –– мазкур давлатда фавқулодда вазиятларни бошқаришда интеграцияланган тизимга эга бўлиб, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва табиий ҳамда техноген офатларга жавоб бериш бўйича илғор моделлардан фойдаланади. Бу жараёнда фуқаролик хавфсизлиги хизмати ва маҳаллий кўнгиллилар муҳим рол ўйнайди, ҳамда Евроиттифоқ билан мувофиқлаштирилган ҳудудий операциялар ўтказилади.

1. Асосий ташкилотлар. Буларга:

а) Sécurité Civile[30] **–– мазкур ташкилот** Франциянинг **фуқаролик хавфсизлиги хизмати** (Sécurité Civile) фавқулодда вазиятларда аҳолини ҳимоя қилиш бўйича асосий давлат тузилмаси ҳисобланади. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради:

табиий офатлар ва техноген фавқулодда вазиятларда қутқарув ишларини мувофиқлаштириш;

миллий фавқулодда вазиятлар тизимини бошқариш;

Евроиттифоқ доирасида ҳудудий ҳамкорлик операцияларини ташкил этиш.

б) Қизил Хоч ва маҳаллий кўнгиллилар гуруҳлари[31] **––** Францияда Қизил Хоч миллий жамияти ва маҳаллий кўнгиллилар фавқулодда вазиятларда жамоат ёрдам кўрсатувчи асосий тузилмалар ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифалари:

Офат қурбонларига тиббий ёрдам кўрсатиш;

Эвакуация жараёнида иштирок этиш;

Табиий офатлардан зарарланган ҳудудларда гуманитар ёрдам ташкил этиш.

2. Ҳамкорлик тартиби. Бунга:

а) Тезкор ахборот алмашинуви[32] –– Францияда тезкор ахборот алмашинуви қуйидаги механизмлар орқали амалга оширилади:

SAIP (Système d'Alerte et d'Information des Populations) (*Фавқулодда вазиятларда аҳолини огоҳлантириш ва тезкор маълумот етказиш учун ишлатиладиган автоматлаштирилган тизим);*

Фавқулодда вазиятлар марказлари (*Фавқулодда вазиятлар бўйича маълумотларни тўплаш ва тарқатиш учун ташкил этилган ҳудудий марказлар).*

б) *Евроиттифоқ доирасида қўшма ҳудудий операциялар[33] ––* Франция Евроиттифоқнинг фавқулодда вазиятларни бошқариш доирасида фаол иштирок этади. Асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

Европа Иттифоқининг Қутқарув Механизми (Union Civil Protection Mechanism): *Фавқулодда вазиятларда Евроиттифоқ мамлакатлари ўртасида ресурсларни тақсимлаш ва ҳамкорликни таъминлайди;*

Мултидисциплинар қўшма машғулотлар: *Евроиттифоқ доирасида Франциянинг ҳудудий хизматлари халқаро қутқарув машғулотларида қатнашади.*

3. *Инновация ва технологиялар[34] ––* Франция фавқулодда вазиятларни бошқариш жараёнида илғор технологиялардан фойдаланади. Бунда:

дронлар ва сунъий интеллект: *Офатларни кузатиш ва зарарни баҳолашда фойдаланилади;*

автоматлаштирилган хавф-хатар баҳолаш тизимлари: *Табиий ва техноген хавфларни прогноз қилиш учун ишлатилади.*

4. *Халқаро ҳамкорлик[35] ––* Франция халқаро даражада фаол ҳамкорликни амалга оширади. Унинг асосий йўналишларга:

БМТнинг Офатларни Камайтириш Бўйича Халқаро Стратегияси (UNDRR) (*Табиий офатлардан зарарланиш хавфини камайтириш бўйича чора-тадбирларда иштирок);*

НАТОнинг гуманитар операциялари (*Табиий ва техноген офатларда қўшма операцияларда иштирок этиш).*

Юқоридаги келтирилган маълумлардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида Францияда фавқулодда вазиятларни бошқариш тизими юқори даражада мувофиқлаштирилган ва ҳуқуқий асосланган бўлиб, халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди. Бу тизимнинг инновацион ёндашувлари ва Евроиттифоқ доирасидаги ҳамкорлик механизмлари Ўзбекистон учун самарали тажриба бўлиши мумкин. Тезкор ахборот алмашинуви, фуқаролик хавфсизлигини таъминлаш ва халқаро миқёсдаги қўшма операциялар Ўзбекистондаги фавқулодда вазиятлар бошқаруви тизимини ривожлантиришга кўмаклашади.

ШВЕЦИЯ давлати **––** ушбу мамлакатда фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасида самарали ва барқарор тизимга эга бўлиб, давлат,

маҳаллий ҳукумат ва қўшни давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик асосида ишлайди. Ушбу тизимнинг марказида фуқаролик хавфсизлигини таъминлаш ва фавқулодда вазиятларга жавоб бериш бўйича масъул MSB агентлиги туради.

1. Асосий ташкилотлар. Буларга:

Swedish Civil Contingencies Agency[36] (Фуқаролик хавфсизлигини таъминлаш бўйича агентлик (MSB)) –– фавқулодда вазиятларни бошқаришнинг марказий органи ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

табиий офатлар ва техноген фавқулодда вазиятларга жавоб бериш учун миллий стратегияларни ишлаб чиқиш;

давлат ва маҳаллий ҳукумат органлари ўртасида мувофиқлаштирувчи ролни бажариш;

фавқулодда вазиятларда хавф-хатарларни камайтириш бўйича тадбирларни ташкил этиш.

2. Ҳамкорлик тартиби. Буларга:

6. European Code of Police Ethics, Recommendation Rec(2001)10; https://www.coe.int.

7. National Institute of Justice, Use of Force; https://nij.ojp.gov.

8. Федералный закон “О полиции”, 07.02.2011 № 3-FZ; http://pravo.gov.ru.

Xamidov G‘aybulla Saypillayevich
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti professori
Elektron pochta: gaybulla3008@gmail.com
Bog‘lanish uchun telefon: +998 (90) 315-81-11

JINOYATCHILIKKA QARSHI KURASHDA DRONLARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

Annotatsiya: Maqolada uchuvchisiz uchish qurilmalarini jinoyatchilikka qarshi kurashda qo‘llash muammolari, ular yordamida hal etiladigan vazifalar va respublikamizda ushbu sohani rivojlantirish bo‘yicha amalga oshirilayotgan ishlar tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: huquqni muhofaza qilish, uchuvchisiz uchish qurilmalari, jamoat xavfsizligi, politsiya, dron, tadbir, jinoyat, texnik qurilma.

Аннотация: В статье анализируются проблемы использования беспилотных летательных аппаратов в борьбе с преступностью, задачи, которые можно решать с их помощью, а также проводимая работа по развитию этого направления в нашей республике.

Ключевые слова: правоохранительные органы, беспилотные летательные аппараты, общественная безопасность, полиция, дрон, мероприятие, преступление, техническое устройство.

.**Annotation:**
The article analyzes the problems of using unmanned flight devices in the fight against crime, the tasks solved with their help, and the measures being implemented in our Republic to develop this field.

Keywords: law enforcement, unmanned flight devices, public safety, police, drone, event, crime, technical device.

Jinoyatchilikka qarshi kurash va jamoatchilik xavfsizligini ta’minlash huquqni muhofaza qilish organlari xodimlari tomonidan zamonaviy texnika va texnologiyalarni qo‘llashni talab etmoqda. Hozirgi kunda ushbu erishilgan fan va texnika yutuqlaridan jamiyat iqtisodiyoti rivojlanishi va xavfsizligini ta’minlash bilan bir qatorda g‘arazli niyatdagi fuqarolar va uyushgan jinoiy guruhlar ham foydalanish imkoniyatiga ega. Shu sababli jinoyatchilar va jinoiy guruhlar tomonidan jinoyat sodir etish usullari takomillashib “yangi bosqich” ga ko‘tarilmoqda. Jinoyatchilikka qarshi kurashda innovatsion texnologiyalarni qo‘llash davr talabiga aylanib bormoqda. Bunga yaqqol misol tariqasida dunyoda harbiy va jamoat tartibini saqlashda sohasida dron (uchuvchisiz uchish qurilmasi)lardan foydalanishni keltirish mumkin.

Respublikamizda jamoat tartibini saqlashda dronlardan foydalanishning ahamiyati quyidagilardan iborat:

Monitoring va kuzatuv — Dronlar keng maydonlarni tez va samarali ravishda kuzatishga imkoniyat beradi. Ular jamoat joylarida tartibsizliklar, ommaviy tadbirlardagi holatlar, huquqbuzarliklarni vaqtida aniqlash va oldini olishda yordam beradi.

Xavfsizlikni oshirish — Jamoat joylarida huquqni muhofaza qilish organlari va qutqaruvchilari uchun xavfli vaziyatlarni aniqlash va tezkor harakatlarni amalga oshirish imkoniyatini yaratadi. Dronlar xodimlarni xavfli vaziyatlarga tushib qolish holatlaridan saqlaydi va u haqida ma'lumotlar bilan ta'minlaydi.

Iqtisodiy samaradorlik — Vertolyotlar yoki ko'proq xodimlarni jalb qilish o'rniga dronlar ishlatish iqtisodiy xarajatlarni va sarf etiladigan vaqtni sezilarli darajada kamaytiradi.

Qarorlarni tez qabul qilish — Dronlardan olinadigan vizual ma'lumotlar tezkor boshqaruvga tez va to'liq axborot taqdim etib, qaror qabul qilishni osonlashtiradi.

Jamoatlik bilan ishlash — Dronlar orqali xavfsizlik va tartibni ta'minlash jamoatchilikka ochiq va shaffof bo'lib, jamoat tartibini yaxshilashga ko'maklashadi.

Huquqbuzarliklarning isboti — Dronlar tomonidan olingan foto va video materiallar sud jarayonlarida dalil ashyo sifatida qo'llanilishi mumkin.

Shu tariqa, dronlar jamoat tartibini saqlash va jinoyatchilikka qarshi kurashda texnik jihatdan zamonaviy, keng imkoniyatli va samarali vosita sifatida muhim ahamiyat kasb etadi.

Dronlarni jinoyatchilikka qarshi kurash va jamoat tartibini saqlashda qo'llash bo'yicha quyidagi xorijiy davlatlar katta tajribaga ega bo'lganligi sababli yetakchi sanaladi:

Shvesiya: Politsiya faoliyatida, jumladan jamoat xavfsizligini ta'minlash, tergov ishlari, yirik ommaviy tadbirlarda vaziyatni nazorat qilishda Polis dronlari juda keng qo'llaniladi.

Polis dronlari soni 350 dan ortiq, sertifikatlangan operatorlar soni juda ko'p.

Amerika Qo'shma Shtatlari (AQSh): FAA qoidalari asosida dronlar politsiya va favqulodda xizmatlarda keng qo'llaniladi.

Politsiya va maxsus xizmatlardagi dronlar operativ tushuncha, kuzatish va xavfsizlik ishlarini olib boradi.

Buyuk Britaniya: Politsiya va favqulodda xizmatlar dronlardan jamoat tartibini saqlash, terrorizmga qarshi kurash, yirik tadbirlarni nazorat qilishda foydalanadi.

Avstraliya: Jamoat xavfsizligi va favqulodda holatlarda dronlardan keng foydalaniladi. Aviarazvedka, yo‘l harakati nazoratida muhim vosita.

Germaniya: Dronlarni jamoat xavfsizligi, yirik tadbirlarni nazorat qilish, tabiiy ofatlardan keyingi qutqaruv ishlarida qo‘llash tajribasi mavjud.

Xitoy: Katta shaharlarda va ommaviy tadbirlarda politsiya dronlaridan keng foydalanadi, shuningdek kuzatuv va xavfsizlik uchun.

Ushbu xorijiy davlatlar dronlarning jamoat xavfsizligi sohasidagi samarali qo‘llanishi bo‘yicha ilg‘or tajribalarga ega va boshqa mamlakatlar uchun namuna bo‘lib xizmat qiladi.

UUQlari bir qator avzalliklariga ega bo‘lishiga qaramay, hozirgi kunda jahonda dronlarni jamoat tartibini saqlash va jinoyatchilikka qarshi kurashda qo‘llashda uchraydigan asosiy muammolar quyidagilardan iborat:

1. ***Qonunchilik va huquqiy cheklovlar.*** Xar bir davlatda dronlardan foydalanish bo‘yicha qonunlar turlicha va ko‘p hollarda zamonaviy texnologiyalarga moslashmagan bo‘lishi mumkin. Bu jamoat tartibini saqlashda dronlarning samarali va qonuniy ishlatilishini cheklaydi.

2. Shaxsiyat huquqlari va maxfiylikka daxl qilish. Dronlar orqali ommaviy joylardagi kuzatuvlar shaxsiy hayotga aralashishga olib kelishi mumkin. Bu huquqiy va etik muammolarni yuzaga keltiradi, ayniqsa jamoat xavfsizligi va shaxs himoyasi o‘rtasidagi muvozanatni saqlashda.

3. Texnik muammolar va xavfsizlik. Dronlar texnik jihatdan hech qachon to‘liq ishonchli bo‘lmasligi mumkin — batareyaning tez tugashi, signal uzilishi, texnik nosozliklar yoki kiberxujumlar xavfi mavjud.

4. Ijtimoiy va madaniy qarshiliklar. Ommaviy joylarda dronlarning faoliyat ko‘rsatishiga nisbatan jamoatchilikning noroziligi, xavotirlari va din, madaniyat yoki odatlarga bog‘liq mahalliy to‘siqlar bo‘lishi mumkin.

5. Kadrlar tayyorlash va malakalilik. Malakali operatorlarni tayyorlash, ularni litsenziyalash va doimiy ravishda qayta tayyorlash muammoli, bu jamoat tartibini saqlashda dronlardan samarali foydalanishni cheklaydi.

6. Moliyaviy xarajatlar. Dronlar texnologiyasi xarid qilish, texnik xizmat ko‘rsatish va malakali kadrlarni tayyorlash uchun katta moliyaviy resurs talab qiladi.

7. Ma'lumotlarni boshqarish va saqlash. Dronlar orqali yig'ilgan video va audio ma'lumotlarning xavfsizligi, ularni tegishli organlarga vaqtida yetkazish va saqlash masalalari muammo tug'diradi.

8. Infrastruktura va texnik xizmat ko'rsatish. Dronlarning samarali ishlashi uchun zarur texnik baza va servis xizmatlari hamma joyda mavjud emas.

Shularni hisobga olgan holda, jahonda dronlarni jamoat tartibini saqlashda keng va samarali qo'llash uchun huquqiy bazani takomillashtirish, jamoatchilik bilan ishlash va texnologiyalarni rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi.

O'zbekiston Respublikasida huquqni muhofaza qilish organlari tomonidan dronlarni jamoat tartibini saqlashda qo'llashda uchrashi mumkin bo'lgan asosiy muammolar quyidagilar hisoblanadi:

1. Qonunchilik bazasining yetarli darajada rivojlanmaganligi. Dronlarni jamoat tartibini saqlashda qo'llashga oid aniq va mukammal huquqiy me'yorlar hozircha to'liq shakllanmagan. Bu sohadagi normalar zamonaviy texnologiyalar va xalqaro tajribani hisobga olgan holda takomillashtirilishi zarur.

2. Shaxsiy hayot va maxfiylikni himoya qilish masalalari. Dronlar orqali jamoat joylaridagi kuzatuvlar shaxslar maxfiyligiga daxl qilishi mumkin. Xalq orasida bunday kuzatuvlarga nisbatan norozilik va xavotirlar mavjud bo'lishi ehtimolidan kelib chiqib, tegishli etik va huquqiy me'yorlar yaratish lozim.

3. Malakali kadrlar tayyorlash va litsenziyalash yo'qligi. Dronlarni boshqarish bo'yicha malaka va sertifikatlarga ega bo'lgan operatorlar yetishmasligi, shuningdek ularni o'qitish tizimi yo'qligi muammo keltirib chiqaradi.

4. Texnik ta'mirlash va servis xizmatlari rivojlanmaganligi. Dronlarning texnik xizmat ko'rsatish, ta'mirlash va zarur qismlarni yetkazib berish tizimi hanuzgacha rivojlanmagan, bu esa qurilmalarning barqaror ishlashini ta'minlashga to'siq bo'ladi.

5. Moliyaviy resurslar yetishmasligi. Yangi texnologiyalar sotib olish, ularni ekspluatatsiya qilish va xodimlarni tayyorlash uchun zarur bo'lgan mablag'larni ajratishda qiyinchiliklar bo'lishi mumkin.

6. Texnika va programmalarning mahalliy iqlim va sharoitlarga moslashmaganligi. O'zbekistonning iqlim sharoitlari (misol uchun, qum to'qunlari, yuqori haroratlar) dronlarning samarali ishlashini qiyinlashtirishi

mumkin, shuning uchun mahalliy sharoitlarga mos keladigan texnologiyalar yaratish talab etiladi.

7. Jamoatchilik xabardorligining pastligi. Dronlarning jamoat tartibini saqlashda qo‘llanilishi haqida jamoatchilikka yetarlicha ma’lumot berilmasligi, noto‘g‘ri tushunchalar va shubhalar paydo bo‘lishi mumkin.

8. Ma’lumotlarni muhofaza qilish va xavfsizlik muammolari. Dronlar orqali yig‘ilgan ma’lumotlarni saqlash, ularga ruxsatsiz kirish va ulardan noqonuniy foydalanishga qarshi choralar yetarli darajada tashkil qilinmagan.

Ushbu muammolarni hal etish uchun O‘zbekistonda huquqiy bazani takomillashtirish, maxsus o‘quv markazlari tashkil etish, texnik xizmat ko‘rsatish infratuzilmasini yaratish va jamoatchilik bilan ishlashni kuchaytirish zarur.

Respublikamiz huquqni muhofaza qilish organlarida dronlarni qo‘llash quyidagi yo‘nalishlarda eng maqsadga muvofiq va samarali hisoblanadi:

1. Jamoat tartibini saqlash va nazorat qilish.

Katta ommaviy tadbirlarda, miting va namoyishlarda xavfsizlikni ta’minlash, tartibni kuzatish.

Jamoat joylarida xavfsizlik monitoringi va tezkor qaror qabul qilish.

2. Jinoyatlarni tahqiq qilish va tergov ishlari.

Hodisa joyining aero fotosuratlari va videolavhalarini olish, jihozlar va qo‘llanmalarni hujjatlash.

Qurbonlarni aniqlash va gumonlanuvchilar harakatlarini kuzatish, dalillarni yig‘ish.

3. Qidiruv va qutqaruv operatsiyalari.

Yo‘qolgan shaxslarni izlash va qutqarish ishlarida tezkor tadbirlarni amalga oshirish.

Tabiiy yoki texnogen ofatlar paytida xavfsizlikni ta’minlash, joyni tahlil qilish.

4. Narkotik moddalarga qarshi kurash.

Narkotik savdosi va qonunga xilof faoliyat olib borilayotgan hududlarni nazorat qilish.

Qora bozor va noqonuniy faoliyatga qarshi reydlarda ishtirok etish.

5. Chegaralarni muhofaza qilish.

Chegara hududlarida nazoratni amalga oshirish va undan noqonuniy o‘tishlarni aniqlash.

Chegara hududidagi zahiralarni tezkor ma’lumot bilan ta’minlash va xavfsizlik choralarini kuchaytirish.

6. Havfli vaziyatlarga tezkor javob berish.

O‘g‘irlik, bosqinchilik, zo‘ravonlik kabi holatlarda favqulodda tezkor monitoringni amalga oshirish.

Qurolli to‘qnashuvlar va terrorchilik xatarlarida ma’lumotlarni to‘plashdagi vazifalarini hal etishda.

7. Yo‘l harakati xavfsizligi.

Yo‘l-transport hodisalari joyida tezkor aeroqayd etish va holat tahlilini amalga oshirish.

Yo‘l harakati qoidalarining buzilishini aniqlash.

8. Qriminalistika va sud-ekspert sohasi.

Kriminalistik ekspertizarni amalga oshirish uchun aero fotosuratlar va 3D-modellashtirish.

Dalillarning har tomonlama fiksatsiyasini ta’minlash imkoniyati yaratiladi.

Dronlar mazkur sohalarda inson resurslarini tejash, xavfsizlikni oshirish va tezkorlikni ta’minlash uchun muhim vosita hisoblanadi. Ular tezkor qaror qabul qilish va monitoring jarayonlarida samarali qo‘llanilishi mumkin.

Respublikamizda ushbu sohani yanada rivojlantirish va taraqqiy ettirish maqsadidda davlatimiz tomonidan alohida e’tibor qaratilmoqda. 2024-yil aprelida Rossiyaning «Transport budущego» kompaniyasi bosh direktori Yuriy Kozarenko Toshkentdagi «Innoprom. Markaziy Osiyo» xalqaro sanoat ko‘rgazmasida O‘zbekistonda dron zavodlari qurishga tayyor ekanini ilk bor e’lon qilgan. 2024-yil sentyabrida esa u «Kommersant’» nashriga bergan intervyusida «O‘zbekiston delegatsiyasini qabul qilish» va «dronlarni eksport qilish hamda servis markazlarini yaratish» bo‘yicha ishlar olib borilayotganini ma’lum qilgan.

O‘zbekistonda dronlar foydalanish tizimi ham bosqichma-bosqich takomillashmoqda. 2025-yil boshida «O‘zaeronavigatsiya» markazi dron parvozlarini rejalashtirish uchun ATM: Safe Sky tizimini ishlab chiqdi. Yaqin kelajakda UUA (uchuvchisiz uchish apparati) parvozi uchun ruxsatnomani mobil ilovalar orqali olish mumkin bo‘ladi.

O‘zbekistonda 2015-yildan buyon dronlarni olib kirish taqiqlangan. Ilgari bunday qonunbuzarlik uchun 3 yildan 10 yilgacha ozodlikdan mahrum etish jazosi belgilangan edi. 2024-yil yozida qabul qilingan yangilanayotgan qonunga ko‘ra, birinchi marta qoidabuzarlik uchun 20 BHM (taqriban 7,5 million so‘m) miqdorida jarima va uskunani musodara qilish jazosi joriy etildi.

Yuridik shaxslar maxsus ruxsatnoma asosida dronlarni olib kirish va ishlatish huquqiga ega. Bugungi kunda asosan qishloq xo‘jaligi sohasida

foydalanilmoqda. Xususan, 2022-yil noyabrida Turizm vazirligi va «Chorvoq» direksiyasi ham dron olib kirish huquqiga ega bo‘lgan.

2024-yil iyunida Prezident huzuridagi Strategik islohotlar agentligi dronlar sohasini tartibga soluvchi yangi normativ-huquqiy hujjat loyihasi ustida ish olib borilayotganini ma’lum qilgan edi. Vakolatxona ta’kidlashicha, qattiq cheklovlar sohaning rivojlanishiga to‘sqinlik qilmoqda.

Foydalaniilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 15-noyabr kunidagi “O‘zbekiston Respublikasida uchuvchisiz uchadigan apparatlardan foydalanishni tartibga solish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi 58-son qarori.

2. https://uzdiplomat.uz/archives/8022

3. Биард Р. У., МакЛэйн Т. У. Малые беспилотные летательные аппараты: теория и практика: пер с англ. М.: Техносфера, 2016. 312 с.

4. Красильщикова М. Н., Себрякова Г. Г. Современные информационные технологии в задачах навигации и наведения беспилотных маневренных летательных аппаратов. М.: Физматлит, 2009. 556 с.

5. Зинченко О. Н. Беспилотные летательные аппараты: применение в целях аэрофотосъемки для картографирования. Часть 1. URL: http://www.racurs.ru/?page=681

6. Беспилотный летательный аппарат БПЛА. URL: http://www.tadviser.ru/index.php

Махмудов Жасурбек Хамидович,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИДАГИ РОЛИНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИЙ ТАВСИФИ

***Аннотация*:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини белгилайдиган асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил этилади. Хусусан, Президент фармонлари, қонунлар ва ҳукумат қарорлари доирасида Миллий гвардиянинг вазифалари, ваколатлари ҳамда ички ишлар органлари билан муносабатлари қонуний жиҳатдан кўриб чиқилади. Мақолада шунингдек, амалдаги ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ҳам берилган.

***Калит сўзлар*:** Миллий гвардия, жамоат хавфсизлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, фармон, ваколатлар, ҳуқуқий мақом, ҳуқуқий ислоҳотлар.

***Аннотация*:** В статье проводится аналитический обзор ключевых нормативно-правовых актов, определяющих правовой статус и полномочия Национальной гвардии Республики Узбекистан в обеспечении общественной безопасности. Особое внимание уделяется указам Президента, законам и постановлениям правительства, регламентирующим функции и взаимодействие Национальной гвардии с другими правоохранительными органами. Также предложены научно обоснованные рекомендации по совершенствованию действующей правовой базы.

***Ключевые слова*:** Национальная гвардия, общественная безопасность, нормативно-правовые акты, указ, полномочия, правовой статус, правовые реформы.

***Abstract*:** This article presents an analytical review of the key legal and regulatory documents that define the legal status and authority of the National Guard of the Republic of Uzbekistan in the sphere of public safety. It examines presidential decrees, laws, and government decisions that regulate the roles, powers, and inter-agency cooperation of the National Guard. The article also offers scientifically grounded proposals for improving the current legal framework.

***Keywords*:** National Guard, public safety, legal documents, presidential decree, legal authority, legal status, legal reforms.

Сўнгги йилларда янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини

таъминлаш, жамиятимизда қонунга итоаткорлик ҳамда жамоат тартибини сақлаш маданиятини янада шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жамоат тартибини сақлаш йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотлар “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили[227]га асосан жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлигини йўлга қўйишга хизмат қилди десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Дарҳақиқат, мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш йўналишларидаги фаолиятларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш шунингдек, содир этилаётган жиноятларнинг омилларини ўз вақтида бартараф этиш орқали уларни барвақт олдини олиш мақсадида янги Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ташкил этилди шунингдек, мазкур орган фаолиятини тартибга солувчи *“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”*ги Қонуни тасдиқланди. Мазкур қонуннинг 3-моддасида Миллий гвардияга ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан, мазкур ҳуқуқбузарликларни содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш каби ваколатлар белгиланган.

Шунингдек, 2021 йил 29 ноябрда янги Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш, шунингдек, мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони қабул қилинди.

Мазкур фармон билан Миллий гвардияга аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантириш мақсадида *Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида оммавий тадбирларни ўтказишда ҳамда истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозор ҳудудлари* бириктирилди ҳамда маъмурий кодекснинг “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар” деб номланган учинчи бўлим, 248[1] – моддасига кўра маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича таъсир чорасини қўллаш ваколатлари белгиланди.

Бугунги кунда мамлакатда ҳуқуқни мухофаза қилиш органларининг асосий вазифаси жиноят оқибатлари билан курашиш эмас, балки жиноятчиликнинг асл омилларини аниқлаш ва ўз вақтида

[227] Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ни ПФ-27-сон Фармони // https://lex.uz/docs/5749291

бартараф этиш орқали унинг барвақт олдини олишни устувор мақсадга айлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга республикада кузатилаётган жиноятчилик тенденцияларини таҳлил ва прогноз қилиш, жиноятчилик омилларини илмий диагноз қилиш, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали уларни бартараф этиш, шунингдек, илмий тадқиқотларни ҳуқуқ-тартибот амалиётидаги муаммоларнинг манзилли ҳал этилишига йўналтириш механизмларини тубдан ислоҳ қилиш зарурати юзага келган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунларида ва Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясида белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш бўйича фаолиятни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда жиноятларнинг омилларини ўз вақтида бартараф этиш орқали уларни барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг *“Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги ПФ-10-сон Фармони[228] қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг нафақат назарий балки ҳуқуқий асосларини илмий таҳлил қилиш орқали, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларга асосли ечимлар топиш юзасидан асослантирилган илмий таклифлар ишлаб чиқиш имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Шу ўринда, бугунги кунда Миллий гвардия фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни умумийдан хусусийга қараб илмий таҳлил қилиш давр талабига айланмоқда. Мазкур жараёнларни тизимли амалга оширишда эса қуйидаги саволларга батавсил тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан:

биринчидан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси фаолиятини тартибга солувчи қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган?

иккинчидан, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг айнан қайси турлари тўғридан-тўғри Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси билан боғлиқ?

учинчидан, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида қандай ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд?

---

[228] Мирзиёев Ш. “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-10-сон Фармони // https://lex.uz/uz/docs/6755597

тўртинчидан, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида илмий изланишлар олиб борган маҳаллий ҳамда ҳорижий ҳуқуқшунос олимларнинг илмий асарлар таҳлили қандай? деган ўринли савол юзага келади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси маълумотга кўра, 2017 йилдан 2024 йилнинг якунига қадар Миллий гвардия фаолиятини тартибга солувчи 300 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, шундан қонунлар 22 тани, Президент фармонлари ва қарорлари 160 тани, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари 130 тани ва Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган бошқа ҳужжатлар эса 10 тани ташкил этмоқда[229]. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар илмий жиҳатдан таҳлил қилинганида, айнан Миллий гвардиянинг *“жамоат тартибини сақлаш, шу жумладан оммавий тадбирлар, митинглар, йиғилишлар, намойишлар ўтказилаётганда ҳамда фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш”* билан боғлиқ вазифалари қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунида акс эттирилганини кўришимиз мумкин. Хусусан, буларга:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бешинчи (умумий қоидалар) ва еттинчи (шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар) боблари;

2) Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонуни;

3) Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида"ги қонуни;

4) Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни;

5) Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида"ги қонуни;

6) Ўзбекистон Республикасининг “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни;

7) Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни;

8) Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”[230]ги қонуни;

9) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Йирик бозорларда жамоат тартибини сақлаш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори;

---

[229] Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси маълумоти / https://lex.uz/

[230] Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги № ЎРҚ-371-сон Қонуни // https://www.lex.uz/acts/2387357

10) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Оммавий тадбирларни ўтказишда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарорлари ҳамда бошқа шу каби ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Эндиликда, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни илмий ёндашувлар асосида таҳлил қилиб, мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар, нормалар ўртасидаги зиддиятлар шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунида учрайдиган такрорланишларни аниқлаб, уларни илмий таҳлиллар асосида бартараф этиш давр талабига айланмоқда. Шу ўринда, ҳуқуқшунос олимлардан А.Ш.Содиков фикрича "ҳар бир мустақил давлатда норма ижодкорлиги фаолиятида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши мазкур давлатнинг демократик ёндашувлари, сивилизацияси ва маданият даражасини кўрсатиб беришга хизмат қилади" деган фикри ўринлидир[231]. Дарҳақиқат, мамлакатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амалиётда самарали ишлаб кетиши учун зарурий маълумотлар базаларини илмий техник жиҳатдан қўллаб-қувватланганлиги келажакда мазкур нормаларни муваффақиятли тадбиқ этилишини прогнозлаштириш механизмларини жорий этиш, ахборот коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш каби устувор вазифаларни амалга ошириш жамият тараққиётини белгилаб беради, десак адашмаган бўламиз. Шунингдек, ҳуқуқшунос олим Ш.А.Сайдуллаев фикрича эса, *ҳуқуқий бўшлиқни аниқланиши* – бу ваколатли шахс (мансабдор шахс) ҳуқуқни қўллаш жараёнида аниқланган муаммолар бўйича қонунчиликда нормалари (ҳужжатлари)да аниқ ечимни топа олмаганлиги намоён бўлади[232] дейди.

Бундан ташқари, Россиялик ҳуқуқшунос олимлардан В.Н.Лихачев, Е.И.Спектор ва Ф.Р.Уранскийлар ўз илмий асарларида ҳуқуқдаги бўшлиқларни аниқлашнинг муайян методлардан фойдаланиш орқали қуйидагиларга эришиш мумкинлигига алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, у:

1) муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатда бўшлиқ мавжуд, деган нотўғри хулосага келиш ҳамда бунинг оқибатида уни асоссиз тўлдиришнинг олди олинади;

2) ҳуқуқни қўлловчи органлар томонидан бўшлиқларни тўлдириш имкониятининг мавжудлиги тўғрисидаги масала ҳал этилади;

---

[231] Содиков А.Ш. Норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш: илмий-амалий масалалар // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали / Т.: 2020 й. 33-34-бб. / huquq-2020-s4.pdf (journals.uz)

[232] Сайдуллаев Ш.А. Ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни аниқлаш механизмларини такомиллаштириш масалалари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали / 75-бет / huquq-2020-s4.pdf (journals.uz)

3) ижтимоий муносабатлар ривожланишининг мавжуд даражаси билан боғлиқ ҳолда тегишли қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этишнинг обектив зарурати бор ёки йўқлиги тўғрисидаги масала ҳал этилади;

4) муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш мақсадида янги ҳуқуқий конструкцияларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ вазифаларни режалаштиришда бўшлиқларни бартараф этиш заруратининг мавжудлигига оид масалалар кўриб чиқилади[233].

Шу ўринда, ҳуқуқшунос олим В.В.Лазаревнинг юқоридаги масалалар юзасидан қуйидаги фикрлари эътиборга лойиқ эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, унинг фикрича, агар ҳуқуқдаги бўшлиқларни аниқлаш билан уларни ҳуқуқни қўллаш жараёнида енгиб ўтиш ёки бартараф этиш масалалари аҳамиятига қараб таққосланадиган бўлса, бунда асосий эътибор айнан бўшлиқларни аниқлаш вазифасига қаратилиши лозим дейди. Чунки, ушбу масаланинг ижобий ҳал этилиши, ўз навбатида, қонунийликка риоя этиш ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган фаолиятни тўғри йўналишда боришини таъминлаш нуқтаи назаридан бирламчи аҳамият касб этади[234].

Ҳуқуқдаги бўшлиқларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги масалаларни аниқлаш методларига келадиган бўлсак, бунда бўшлиқларни тўлдиришда муайян механизмлардан фойдаланишнинг қанчалик тўғри бўлишига оид ҳолатлар юзасидан ҳуқуқшунос олимларнинг ёндашувлари турлича эканлигини кўрамиз. Бунда бўшлиқларни аниқлаш методлари энг аввало, норма ижодкорининг бўшлиқ ҳодисаси моҳияти ва ушбу ҳодисанинг турли хил шаклларига оид масалаларни қай даражада тушуниши ва ҳал этишига боғлиқ. Бизнинг фикримизча, айнан ушбу ҳолатлар бўшлиқларни аниқлаш методларини ҳуқуқшунослик методологияси категориал аппаратининг таркибий элементи сифатида тавсифлашга асос бўлади.

Айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, бўшлиқларни амалдаги, қонуний жиҳатдан расмийлаштирилган ва ҳуқуқий доирага кирувчи соҳалардан *(тегишли қонуннинг умумий қоидалари мазмунида назарда тутилган бўлсада, лекин унинг аниқ нормаси билан белгиланмаган ҳолатларда)* излаш лозим. Бу борада Д.Б.Абушенконинг фикрича, қонун ҳужжатларидаги бўшлиқ ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши лозим бўлган муносабатлар доирасининг амалда тегишли ҳуқуқ нормалари

---

[233] Лихачев В.Н. Установление пробелов в современном международном праве. - Казань: Изд-во Казан. ун-та, 1989. – С.7; Спектор Е.И. Пробелы в законодательстве и пути их преодоления. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2003. – 21 с.; Уранский Ф.Р. Пробелы в праве и способы их восполнения в правоприменительной деятельности. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2005. – 22 с.

[234] Лазарев В.В. О видах пробелов в праве // Правоведение. – Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1969, № 6. – С.30;

билан қамраб олинган муносабатлар мажмуидан ҳажм жиҳатидан ошиб кетган ҳолатларда намоён бўлади[235] дейди.

Бугунги кунда Миллий гвардиянинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш каби вазифалар ижросини таъминлашга ҳуқуқий асос бўлувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунида айрим ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Буларга:

биринчи муаммоли ҳолат, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси “Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишлари” деб номланиб, мазкур нормага кўра “жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш” ички ишлар органларининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган. Аммо, бугунги кунда мазкур вазифа айнан “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонуннинг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳуқуқий мақоми ва асосий вазифалари” деб номланган 3-моддасида “жамоат тартибини сақлаш, шу жумладан оммавий тадбирлар, митинглар, йиғилишлар, намойишлар ўтказилаётганда ҳамда фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш” каби мазмунда ёритилганини кузатиш мумкин.

Бизнинг фикримизча ҳар бир давлатда агарда митинглар, йиғилишлар, намойишлар ўтказилса ёҳуд фуқаролар гавжум бўлиб йиғилса давлатнинг барча қурилли кучлар тизими бир мақсадда ҳамкорликда ҳаракат қилиши барчага аёндир. *(Масалан, 2022 йилнинг январь ойида Қозоғистон Республикасида фавқулодда ҳолат режими эълон қилиниб, Олмаотадаги намойишчилар ҳокимият биноси, президент қароргоҳи ва аэропортни эгаллаб олгани[236] фикримиз тасдиғидир).*

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони[237] билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига *Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида оммавий тадбирларни ўтказишда ҳамда истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозор ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш* каби қўшимча вазифалар юклатилган бўлсада, аммо бугунги кунга қадар мазкур вазифа “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонуннинг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳуқуқий мақоми ва асосий вазифалари” деб номланган 3-моддасига киритилмаганлигини кўришимиз мумкин. Бугунги кунда қонунчиликда шу каби ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги

---

[235] Абушенко Д.Б. Судебное усмотрение в гражданском и арбитражном процессе. - М.: Норма, 2002. – С.110.

[236] https://kun.uz/kr/news/2022/01/06/qozogistondagi-inqiroz-songgi-malumotlar

[237] Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ни ПФ-27-сон Фармони // https://lex.uz/docs/-5749291

мамлакатда ҳуқуқий муносабатларнинг мураккаблашишига шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ноаниқликлар ва қийинчиликларни юзага келишига сабаб бўлади.

Шу ўринда, **Ю. Камолов ва И. Қурбоновлар**[238] тўғри таъкидлаганидек, мамлакатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимли равишда такомиллаштирилмаслиги, уларнинг тарқоқлиги ва зиддиятлилиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиддий муаммоларни келтириб чиқаради дейди. Бундан ташқари, **Р. Раҳимов**[239] **эса** қонунчиликдаги тарқоқлик ҳуқуқий бўшлиқларни келтириб чиқариб, мамлакатда коррупция хавфини оширишига сабаб бўлади тўғри таъкидлаган. **Д.А.Келсенбеков**[240] **таъбирича эса, ҳуқуқий бўшлиқларнинг келиб чиқиш сабабларига қуйидагиларни баён этади. Буларга:** ***а) қонун ижодкорлиги жараёнидаги камчиликлар; б) жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг тез ўзгариши; в) қонунларнинг ўз вақтида янгиланмаслиги ва замонавий талабларга жавоб бермаслигид*****ир. Мазкур ҳуқуқий бўшлиқлар қуйидаги: а) ҳуқуқни қўллашда ноаниқлик ва турли талқинлар юзага келиши; б) суд амалиётида зиддиятли қарорларни қабул қилиниши; в) фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясизлиги каби салбий оқибатларни юзага келишига сабаб бўлади дейди.**

Юқоридаги илмий назарий қарашлардан келиб чиқиб, бугунги кунда мамлакатда айнан жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг у ёҳуд бу жиҳатларини такомиллаштириш мақсадида илмий изланишлар олиб борган маҳаллий ёҳуд ҳорижий ҳуқуқшунос олимларнинг илмий назарий қарашларини шунингдек, ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибаларини ҳам ёритиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан:

И.Исмаилов ва Б.Батиров[241] ўзининг "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш объектлари ва субъектларининг ўзаро алоқадорлиги" номли мақоласида жамоат хавфсизлигини таъминлашда субъектлар ва объектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тадқиқ қиладилар. Улар хавфсизликни таъминлаш субъектлари сифатида давлат ва жамоат тузилмалари, ички ишлар органлари, миллий гвардия, фуқаролик жамияти институтлари ролини аниқлаб, уларнинг ўзаро интеграциясини такомиллаштириш зарурлигини таъкидлайдилар. Шунингдек, илмий асар якунида қуйидаги хулосаларни илгари суради: *а) жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектлари ва объектлари*

[238] Камолов Ю., Қурбонов И. Қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқлар ва уларнинг салбий оқибатлари. – Тошкент, 2022.

[239] Раҳимов Р. Давлат бошқарувида ҳуқуқий нормаларнинг тизимлилиги ва тартибга солиш механизмлари. – Тошкент: Юристлар нашриёти, 2021.

[240] Келсенбеков Д.А. Ҳуқуқий бўшлиқлар: назарий ва амалий жиҳатлар. – Тошкент: Ўзбек Миллий университети нашриёти, 2019.

[241] https://www.researchgate.net/publication/364569668_Zamoat_havfsizligini_taminlas_obektlari_va_subektlarining_uzaro_alokadorligi/citation/download

ўртасида самарали ҳамкорлик механизмларини шакллантириш зарурлиги;
б) инновацион ёндашувлар ва рақамли технологияларни жорий этиш хавфсизлик самарадорлигини ошириш; в) хавфсизлик тадбирларини ташкил этишда илмий асосланган моделлар ишлаб чиқилиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратади. У.Е.Расулев бўлса ўзининг "Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифа: миллий ва хорижий тажриба"[242] номли илмий мақоласда жамоат тартибини сақлаш йўналишида миллий ва хорижий тажрибани таққослаш орқали, унда жамоат тартибини сақлаш бўйича самарали механизмларни ўрганади. Шунингдек, у ўз илмий қарашлари орқали: а) *мамлакатда жамоат тартибини сақлаш йўналишидаги миллий қонунчилик базасини ривлжланган давлатларнинг ижобий тажрибасида асосида такомиллаштириш долзарблигига*; *б) бундан ташқари жамоат хавфсизлигини таъминлашда полиция, миллий гвардия ва жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида ўз илмий назарий қарашлари билан қисман тўхталиб ўтган*. Ҳуқуқшунос олим А.Ф.Жолдасов[243] эса ўзининг "Жамоат тартиби: тушунчаси, таърифи ва ўзига хос хусусиятлари" номли илмий асарида янги Ўзбекистонда жамоат тартиби тушунчасининг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатларини таҳлил қилади. Унда жамоат тартибини сақлашдаги асосий элементлар ва механизмлар, шунингдек, унинг қонун ҳужжатлар базасини таҳлил қилиб, мамлакатда *а) жамоат тартибини таъминлаш тушунчаси универсал мезонларга эга бўлиб, унинг ижтимоий, ҳуқуқий ва психологиявий жиҳатлари мавжуд; б) жамоат тартибини таъминлашда давлат ва жамоат институтларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳимлиги; в) ижтимоий тартибнинг бузилишининг олдини олиш учун фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш* каби илмий назари қарашларни илгари сурган.

Бундан ташқари, М.З.Зиёдуллаев, А.С.Турсунов ва А.Ш.Муродов[244] эса "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятларни жиловлаш бўйича "фуқаробай", "оилабай" ва "маҳаллабай" ишлаш тизимини ташкил этиш" номли мақоласида мамлакатда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликни жиловлаш борасида замонавий моделларни таклиф этадилар. Шунингдек, Ф.К.Хужамбердиев[245]нинг

[242] Расулев У.Е. "Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифа: миллий ва хорижий тажриба" / журнал Eurasian Journal of Academic Research https://cyberleninka.ru/article/n/zhamoat-tartibini-sa-lash-va-zhamoat-havfsizligini-taminlash-mu-im-vazifa-milliy-va-horizhiy-tazhriba

[243] Жолдасов А.Ф. "Жамоат хавфсизлиги: тушунчаси, таърифи ва ўзига хос хусусиятлари" //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 12. – С. 1163-1174.

[244]Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятларни жиловлаш бўйича "фуқаробай", "оилабай" ва "маҳаллабай" ишлаш тизимини ташкил этиш методикаси: Ўқув-методик қўлланма / М.З. Зиёдуллаев, А.С. Турсунов, А.Ш. Муродов ва бошқ. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – 125 б. 2

[245] Хужамбердиев Ф.К. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // юф.ф.д (PhD) диссертацияси.

“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” номли илмий мақоласида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг жамоат хавфсизлигини таъминлашда: *а) Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги функциялари; б) хавфсизлик чораларини такомиллаштириш учун қонунчиликни ривожлантириш; в) Миллий гвардия ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмларини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар берган.* Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқшунос Т.Р.Чориев[246] “Жамоат тартибини сақлашга оид қонунчиликни такомиллашуви” номли илмий асарида жамоат тартибини сақлашга оид қонунчилик нормаларининг эволюциясини таҳлил қилади. Унда, у жамоат тартибини сақлашга оид қонунчиликнинг шаклланиш босқичларини, миллий қонунчиликни халқаро тажриба билан қиёсий таҳлил қилиб, миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқий нормаларни интеграция қилиш давр талаби эканлигига алоҳида эътибор қаратган.

Эндиликда, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонуннинг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳуқуқий мақоми ва асосий вазифалари” деб номланган 3-моддасида илгари сурилган вазифалардаги ҳуқуқий бўшлиқларни **АҚШ, Франция** ва **Германия** каби давлатларида фаолият юритаётган Миллий гвардия органларининг вазифалари билан илмий, қиёсий таҳлил қилиниши мазкур тадқиқот ишида илгари сурилаётган таклифларни ривожланган давлатлар тажрибалари билан янада асослашга хизмат қилади. Хусусан:

Америка Қўшма Штатлари *(National Guard[247])* **–** мазкур давлатнинг Миллий гвардияси ҳарбийлаштирилган тузилма бўлиб, у федерал ва штат ҳукуматларига бўйсунади. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) фавқулодда вазиятларда давлат хавфсизлигини таъминлаш – *терроризмга қарши курашда фаол иштирок этиш; табиий ва технологик*

---

246 O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universitet “Jamoat xavfsizligi” ilmiy-amaliy jurnali 45-бет.

247*Маълумот учун:* АҚШ Конгресси Миллий гвардия фаолиятини тартибга солувчи турли қонунларни қабул қилган.Хусусан, 1792 йилги Милитсия тўғрисидаги Акт; 1807 йилги Қўзғолонлар тўғрисидаги Акт; 1862 йилги Милитсия тўғрисидаги Акт; АҚШ Кодексининг 18-бўлими, 1385-модда: 1878 йил 18 июнда қабул қилинган Поссе Комитатус Акти; 1881—1892 йиллардаги Милитсия Кодексига киритилган ўзгартишлар; 1903 йилги Милитсия тўғрисидаги Акт; 1916 йилги Миллий хавфсизлик тўғрисидаги Акт; 1920 йилги Миллий хавфсизлик тўғрисидаги Актга киритилган ўзгартишлар; 1933 йилги Миллий гвардияни мобилизация қилиш тўғрисидаги Акт; 1947 йилги Миллий хавфсизлик тўғрисидаги Акт; 1973 йилги Ягона қуролли кучлар сиёсати; 1987 йилги Миллий хавфсизлик тўғрисидаги Актга Монтгомери ўзгартиши; 2007 йилги Жон Уорнер Миллий хавфсизлик тўғрисидаги Акт; 2008 йилги Миллий хавфсизлик тўғрисидаги Акт // https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9D%D0%B0%D1%86%D0%B8%D0%BE%D0%BD%D0%B0%D0%BB%D1%8C%D0%BD%D0%B0%D1%8F_%D0%B3%D0%B2%D0%B0%D1%80%D0%B4%D0%B8%D1%8F_%D0%A1%D0%A8%D0%90

офатлар давомида хавфсизликни таъминлаш; ички нотинчликларни бартараф этишда фаолият олиб бориш;

б) табиий офатлар ва ҳодисалар вақтида қутқарув ва эвакуация ишларини амалга ошириш – *АҚШ Миллий гвардияси ўрмон ёнғинлари, довуллар, суви тошқинлар ва ер қимирлашлар каби офатлар оқибатларини бартараф этишда муҳим роль ўйнайди; талофатга учраган ҳудудларда гуманитар ёрдам ташкил этиш; фавқулодда ҳолатларда аҳоли эвакуациясини таъминлаш;*

в) қуролли кучлар таркибида мудофаа операцияларида иштирок этиш – *Миллий гвардия аскарлари халқаро ҳарбий операцияларда иштирок этади; бошқа ҳарбий қисмлар билан биргаликда мудофаа вазифаларини бажаради; Федерал миқёсда АҚШ армияси ва Миллий гвардия биргаликда ишлайди;*

г) жамоат тартибини сақлаш ва стратегик объектларни ҳимоя қилиш – *Миллий гвардия штат губернаторлари буйруғи асосида жамоат тартибини тиклаш учун жалб этиш; ҳарбий ва иқтисодий аҳамиятга эга объектларни муҳофаза қилиш; кенг кўламли тартибсизликларни бартараф этишда иштирок этиш;*

Франция давлати *(Gendarmerie Nationale[248])* **–** мазкур давлатда Жандармерия полиция ва ҳарбий ҳимоя вазифаларини амалга ошириб, Миллий гвардияга ўхшаш моделга эга. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) давлат ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш – *Жандармерия Франция ички ишлар вазирлигига бўйсунади ва умумий тартибни таъминлашда полиция билан ҳамкорлик қилади; жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашади; қишлоқ ҳудудларида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш;*

б) стратегик объектлар, дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларини муҳофаза қилиш – *Жандармерия дипломатик муассасалар, аэропортлар ва давлат объектларини муҳофаза қилади; олий давлат раҳбарияти ва муҳим шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш;*

в) оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш ва фавқулодда ҳолатларда хавфсизликни таъминлаш – *оммавий тартибсизликлар, норозилик намойишлари ва фавқулодда ҳолатларда Жандармерия махсус бўлинмалари жалб этилади; терроризмга қарши курашда полиция ва армия билан ҳамкорлик қилиш; Франция ҳудудида хавфсизликни кучайтириш мақсадида тезкор ҳаракат қилиш.*

Германия давлатида эса *(Bundeswehr Military Police - Feldjäger[249])* Германияда Миллий гвардияга ўхшаш тузилма Bundeswehr ҳарбий

[248] https://translated.turbopages.org/proxy_u/en-ru.ru.6b9d3335-67bc3c76-e9c6a550-74722d776562/-https/en.wikipedia.org/wiki/National_Guard_(France)#Resurrection_(2016%E2%80%93present)

[249] https://mpcoe.org/GERMANY

полицияси (Feldjäger) ҳисобланади. Унга бир вақтнинг ўзида қатор муҳим вазифалар юклатилган:

а) ҳарбий объектларни ва давлат хавфсизлигини таъминлаш – *Германия армиясига тегишли муҳим ҳарбий объектларни муҳофаза қилиш; давлат хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи таҳдидларга қарши курашиш;*

б) ҳарбий интизомни назорат қилиш ва ҳарбий хизматчилар хавфсизлигини таъминлаш – *Германия армияси таркибидаги ҳарбий хизматчиларнинг интизомини назорат қилиш; ҳарбий қонунбузарликларни текшириш ва тартибга солиш;*

в) жамоат тартибини назорат қилиш ва хавфли вазиятларда ҳаракат қилиш **–** *Германияда хавфсизликка таҳдид туғдирувчи ҳолатлар бўйича тезкор чоралар кўриш; оммавий тартибсизликлар пайтида жамоат хавфсизлигини таъминлаш; ҳарбий ва фуқаролик секторлари ўртасида хавфсизликни таъминлаш.*

Юқорида биз томонимиздан олиб борилган илмий назарий қарашлардан келиб чиқиб, миллий қонунчиликни тизимлаштириш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунидаги тарқоқликни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони[250]да илгари сурилган *“Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида оммавий тадбирларни ўтказишда ҳамда истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозор ҳудудларида жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш”* мазмунидаги вазифасини “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонуннинг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳуқуқий мақоми ва асосий вазифалари” деб номланган 3-моддаси **2-қисм 7-хатбошида қуйидаги**:

“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмалари томонидан шаҳар, туман ҳудудида жойлашган хиёбонлар, майдонлар, маданият, истирохат боғлари, савдо-кўнгилочар мажмуалар ёҳуд марказлар, шунингдек, гипермаркетлар, супермаркетлар, тижорат бозорлари хамда бошқа фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш”;

2-қисм 8-хатбошини эса *“оммавий тадбирлар, митинглар, йиғилишлар, намойишлар ўтказилаётганда ҳамда фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш”* янги мазмунда баён этиш таклиф этилади.

[250] Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ни ПФ-27-сон Фармони // https://lex.uz/docs/-5749291

Мазкур миллий қонунчиликни тизимлаштириш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунидаги тарқоқликни олдини олиш мақсадида таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар келажакда:

биринчидан, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонуни ва “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ни ПФ-27-сон Фармонидаги вазифаларни ўзаро мувофиқлаштиради ҳамда ҳуқуқни қўллашдаги зиддиятларни бартараф этади;

иккинчидан, Миллий гвардия томонидан жамоат тартибини сақлаш мажбурияти бўлган аниқ ҳудудларни (масалан, хиёбонлар, маданият боғлари, бозорлар, савдо-кўнгилочар марказлар) қонун даражасида белгилайди. Бу эса қонун ижросини аниқлаштиради ва ҳуқуқий ноаниқликларни бартараф этади;

учинчидан, Миллий гвардиянинг аниқ вазифаларини белгилайди, бу эса масъулиятни тартибга солиш ва унинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради;

тўртинчидан, Миллий гвардия оммавий тадбирлар, митинглар, йиғилишлар ва намойишларда жамоат тартибини сақлаш мажбурияти қонуний асосда мустаҳкамланади, бу эса хавфсизлик чораларини кучайтиришга имкон беради;

бешинчидан, Миллий гвардиянинг тижорат бозорлари, гипермаркетлар ва бошқа фуқаролар кўп бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш мажбурияти қонун даражасида мустаҳкамланади, бу эса жиноятчиликни жиловлашда муҳим роль ўйнайди;

олтинчидан, Миллий гвардиянинг вазифалари аниқ белгиланиши билан қонун ижроси яхшиланади, жамоат тартибини таъминлаш борасидаги ваколатлар аниқлаштирилади;

еттинчидан, Миллий гвардиянинг ваколатлари аниқ белгиланиши орқали унинг Ички ишлар вазирлиги ва бошқа тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлиги кучаяди, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими яхшиланади;

саккизинчидан, Миллий гвардиянинг бу объектларда жамоат тартибини сақлаш ваколати қонунан мустаҳкамланиши билан тадбиркорлар ва инвесторлар учун хавфсиз муҳит яратилади. Бу эса иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади.

иккинчи муаммоли ҳолат, бугунги кунда мамлакатда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормаларининг ҳаммаси ҳам замон ва макон ўзгариб бориши билан ўзини долзарблигини ёқотмайди деб ҳеч ким кафолат бермайди. Чунки, ҳар бир маъмурий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар энг аввало ҳалқаро нормаларга, қолаверса ривожланган давлатларнинг қонун ва қонуности ҳужжатларига интеграция қилиниши давр талабига айланиб бормоқда десак ҳеч муболаға

бўлмайди.

Тлеубаев Ерполат Нажимович,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети мустақил изланувчиси.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ВА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ ТАШКИЛИЙ ВА АМАЛИЙ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ўртасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларга тайёргарлик кўриш соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий, ташкилий ва амалий жиҳатлари таҳлил этилади. Мавжуд механизмларни баҳолаш асосида идоралараро ҳамкорликни такомиллаштириш, тезкорликни ошириш, ахборот алмашинувини яхшилаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган таклифлар илгари сурилади. Хорижий тажриба таҳлили асосида инновацион ёндашувлар ҳам тавсия қилинади.

Калит сўзлар: Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, фавқулодда ҳолатлар, ҳамкорлик, тизимли мувофиқлашув, хавфсизлик, ислоҳотлар, ҳуқуқий база.

Аннотация: В статье рассматриваются организационные и практические перспективы совершенствования сотрудничества между Министерством по чрезвычайным ситуациям и Национальной гвардией Республики Узбекистан в сфере предупреждения чрезвычайных ситуаций. Анализируются правовые основы, механизмы взаимодействия и существующие проблемы координации. На основе зарубежного опыта предлагаются рекомендации по усилению межведомственной оперативности, информационному обмену и повышению уровня гражданской безопасности.

Ключевые слова: Национальная гвардия, Министерство по чрезвычайным ситуациям, чрезвычайные ситуации, сотрудничество, координация, безопасность, реформы, правовая база.

Abstract: This article explores the organizational and practical prospects for improving cooperation between the Ministry of Emergency Situations and the National Guard of the Republic of Uzbekistan in the prevention of emergencies. It analyzes the legal foundations and existing coordination mechanisms, identifies current challenges, and presents proposals to enhance

interagency efficiency, information sharing, and public safety. The study also incorporates international best practices to support innovative solutions.

Keywords: National Guard, Ministry of Emergency Situations, emergency prevention, cooperation, coordination, safety, reforms, legal framework.

Мустақиллик даврида мамлакатимизда аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш йўналишида самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ёнғинларга қарши курашиш бўйича мукаммал тизим шакллантирилиб, ушбу соҳада моддий-техник базани мустаҳкамлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, ёнғин ва авария-қутқарув техникаси ҳамда жиҳозларининг маҳаллий турларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги мавжуд тизим самарадорлигини ошириш муҳим масалага айланиб бормоқда. Бу жараёнда ривожланган хорижий тажрибани ўрганиш ва уни амалиётга жорий этиш, уларни илмий таҳлил асосида олиб борилиши замон талабига айланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 10 апрелдаги “Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4276-сонли Қарори[251] фикримиз тасдиғидир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда янги Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларни олдини олишда амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий-амалий чора-тадбирларни янада такомиллаштириш мақсадида мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан ҳалқаро тажрибаларни ўрганиш ҳамда уларнинг ижобий ютуқларини миллий қонунчилликка сингдириш орқали асослантирилган илмий таклифлар бериш мазкур тадқиқотни илмий салоҳиятини янада бойитишга хизмат қилади.

Шу ўринда, сўнгги йилларда ер юзида глобал иқлим ўзгариши оқибатида дунёнинг қатор минтақаларида табиий офатлар рўй бериши минглаб одамларнинг уй-жойларига моддий зарар етказилиши ёҳуд уларнинг ҳаёт мувозанатини бузилишига олиб келмоқда. Хусусан,

[251] Мирзиёев Ш.М. 2019 йил 10 апрелдаги “Фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4276-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси

тарихга назар ташласак[252], 838-839 йиллар **Фарғона**да, 942 йил **Бухоро**да, 1208-1209 йиллар **Урганч**да, 1490 йил **Самарқанд**да, 1494 йил **Наманган**да, 1620 йил **Ахсикент**да, 1821-1822 йиллар Бухоро ва Самарқанд яқинида ҳамда 1966 йил Тошкент шаҳрида талофатли зилзилалар бўлиб ўтган.

Бундан ташқари, 1556 йил **Хитой**даги Шанси зилзиласида 830 минг, 1737 йил **Ҳиндистон**даги Калькуттада 300 минг, 1923 йил **Япония**даги Кантода 143 мингга яқин, 1970 йил **Перуда** 70 минг, 1976 йилда **Хитой**даги Тяньшанда 240 минг киши ҳаётдан кўз юмган. Сўнгги 150 йил мобайнида зилзила туфайли дунё бўйича умумий қурбон бўлган одамларнинг сони 2 млн 300 мингдан ортган[253]. Шунингдек, **Хитой Халқ Республикаси**нинг шимолий қисмида жойлашган Шанси вилоятида 2023 йил 18 июнда бўлиб ўтган кучли сув тошқини оқибатида бир миллиондан ортиқ аҳоли жабрланди, 600 киши қурбон бўлди[254]. Орадан 4 кун ўтиб, яъни 22 июн куни **Россия**нинг Жанубий қисмлари Ставропол ўлкаси, Карачаева-Чернеский ва Чеченистонда кузатилган сув тошқинларида 300 дан ортиқ киши жабрланди, 91 киши қурбон бўлди. Шунингдек, 2003 йилнинг ёзида Европа мамлкатлари бўйлаб кузатилган жазирама иссиқда минглаб гектар ўрмонларга ўт кетди. Мазкур офат натижасида биргина **Франция** давлатининг ўзида уч мингга яқин кекса одамлар қурбон бўлишди, минглаб одамлар касалхоналарга ётқизилди.

Бундан ташқари, фавқуллодда вазиятларнинг яна бир кўриниши бўлган авиаҳалокатлар билан боғлиқ салбий ҳодисалар минглаб инсонлар ҳаётига зомин бўлмоқда. Жумладан, Тайвань бўғози устида содир бўлган Boeing 747 фожиаси 2002 йил 25 май куни “China Airlines” авиакомпаниясига тегишли Boeing 747-209B йўловчи самолёти авиаҳалокатга учраб Тайвань бўғозига қулаб, самолёт бортида бўлган 225 киши (206 йўловчи ва 19 экипаж аъзоси) ҳалок бўлган[255] ёки 2002 йил 27 июл куни **Украина**нинг Львов яқинидаги “Скнилов” аэродромида ўтказилган авиашоу пайтида Су-27 ўқув-жанговор самолёти томошабинлар устига қулаб тушиши натижасида жами 300 киши жароҳатланган бўлиб шундан, вафот этганлар сони 77 киши

[252]Ўша манбаа: 6- бет.

[253]Қурбонов Ж.М., Мамарасулов З.Э. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. Самарқанд, СамИСИ, 5-бет

[254]https://www.currenttime.tv/a/china-earthquake/32736652.html

[255] https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9A%D0%B0%D1%82%D0%B0%D1%81%D1%82%D1%80%D0%BE%D1%84%D0%B0_Boeing_747_%D0%BD%D0%B0%D0%B4_%D0%A2%D0%B0%D0%B9%D0%B2%D0%B0%D0%BD%D1%8C%D1%81%D0%BA%D0%B8%D0%BC_%D0%BF%D1%80%D0%BE%D0%BB%D0%B8%D0%B2%D0%BE%D0%BC

*(шундан, вояга етмаганлар болалар сони 28 та)*ни ташкил этгани[256] шулар жумласидандир.

Жаҳон ҳамжамиятида шу каби салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида 2005 йилнинг январ ойида **Япония**нинг Коби шаҳрида бўлиб ўтган ва табиий офатлар таҳликасини камайтиришга қаратилган анжуманда **“Хуог”**[257] декларацияси қабул қилинган бўлиб, мазкур декларацияга биноан давлатлар 2005-2015 йиллар оралиғида аҳоли учун табиий офатлар оқибатини камайтириш йўналишида маълум фаолиятни амалга оширган.

Юқорида келтирилган статистик маълумотлар келиб чиқиб, бугунги кунда янги Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишда давлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг самарадорлиги жуда муҳимдир. Айниқса, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) ва Миллий гвардия ўртасидаги ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш стратегик аҳамиятга эга. Чунки ушбу икки тузилма фавқулодда вазиятларга жавоб бериш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва офатларнинг оқибатларини камайтириш борасида ўзаро бир-бирини тўлдирувчи вазифаларни бажаради.

Шу ўринда, мамлакатда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) ва Миллий гвардия ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш зарурати нимада? деган ўринли савол юзага келади. Бизнингча, мазкур ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришнинг долзарблигига қуйидаги омилларни келтириш мақсадга мувофиқ. Буларга:

а) ***офатларга жавоб беришда тизимли ёндашувни шакллантириш*** **–– бунда,** ФВВ табиий, техноген ва ижтимоий хавфларни мониторинг қилиш ва уларга жавоб бериш бўйича масъул тузилма ҳисобланади. Миллий гвардия эса фавқулодда вазиятларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини эвакуация қилиш ва стратегик объектларни муҳофаза қилиш вазифаларини бажаради. Бу икки тузилманинг вазифалари бир-бирини тўлдиргани боис, **идоралараро мувофиқлаштириш механизмларини такомиллаштириш** зарур;

б) ***давлат хавфсизлиги ва миллий барқарорликни таъминлаш*** **–– т**абиий офатлар, техноген авариялар ёки терроризм таҳдидлари юзага келганда, Миллий гвардия ва ФВВнинг биргаликда ҳаракат

[256] 15 лет трагедии на Львовском авиашоу. Тогда погибли 77 человек // https://www.-currenttime.tv/a/28643303.html

[257] https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/hyogodecl.shtml

қилиши хавф-хатарни камайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, **идоралараро фавқулодда вазиятлар штабларини яратиш** ва уларнинг ишлаш механизмларини такомиллаштириш зарур;

в) ***ахборот алмашинуви ва оператив муносабат механизмларини такомиллаштириш*** **–– ҳ**озирги кунда **ФВВ ва Миллий гвардия ўртасида автоматлаштирилган рақамли ахборот алмашинуви тизими мавжуд эмас**. Хусусан, **АҚШ**, **Германия** ва **Франция** тажрибалари шуни кўрсатадики, фавқулодда вазиятларда давлат ташкилотлари ўртасида **яхлит рақамли платформа** орқали маълумот алмашинуви муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда ҳам шундай тизимни жорий этиш Миллий гвардия ва ФВВ ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириб, фавқулодда вазиятларга тезкор жавоб қайтариш самарадорлигини оширади.

Мазкур омиллардан келиб чиқиб, янги Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларни олдини олишда **Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий гвардия органлари ўрасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини такомиллаштиришга салбий таъсир кўрсатаётган муаммоларга қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин. Буларга:**

биринчидан, ташкилий-ҳуқуқий муаммолар **–– мазкур муаммолар мамлакатда ф**авқулодда вазиятларга оид ҳуқуқий ҳужжатлар тарқоқ ҳолда бўлиб, ягона ***“Фавқулодда вазиятлар кодекси”*** ишлаб чиқиш орқали тизимлаштирилмаган. Шунингдек, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўртасидаги ваколатлар аниқ тақсимланмаган ҳамда миллий қонунчилик халқаро стандартлар билан тўлиқ уйғунлаштирилмаган;

иккинчидан, техник ва инфратузилмавий муаммолар –– **мазкур муаммолар давлатда т**абиий офатлар мониторингини кучайтириш учун замонавий ахборот технологияларининг жорий қилиниши чекланганлиги шунингдек, миллий гвардиянинг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга мўлжалланган махсус техника ва жиҳозларнинг етарли эмас, шу билан бирга суғориш ва ирригация тизимларининг эскирганлиги мамлакатда сув тошқинлари хавфини оширишга сабаб бўлади;

учинчидан, кадрлар тайёрлаш ва халқаро тажриба билан интеграциялаш муаммолар **–– мазкур муаммолар мамлакатда ф**авқулодда вазиятларга жавоб бериш тизимида ишловчи ходимларнинг малакасини ошириш учун халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик етарлича кучайтирилмаганлиги, фавқулодда вазиятларни

олдини олишга оид миллий таълим дастурлари ва симуляция машғулотлари чекланган ҳолда ўтказилаётганлиги шунингдек, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари ўртасида ҳамкорлик ва тажриба алмашинуви етарли даражада тизимлаштирилмаган.

Бугунги глобаллашув жараёнида табиий ва техноген фавқулодда вазиятларни олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун давлатлар самарали бошқарув тизимларини яратишга катта эътибор қаратмоқда. Айниқса, **Япония, АҚШ** ва **Европа Иттифоқи** сингари ривожланган давлатларда фавқулодда ҳолатларга жавоб бериш, хавфларни камайтириш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилган замонавий тизимлар жорий этилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) ва Миллий гвардия ўртасида ҳамкорликни такомиллаштириш ва хавф-хатарларни олдини олиш мақсадида халқаро тажрибани ўрганиш ва миллий қонунчиликка сингдириш зарур. Ушбу мақсадда, ривожланган давлатларнинг тажрибасини таҳлил қилиб, қуйидаги йўналишларни амалга ошириш мумкин.

Япония давлатида –– табиий офатлар хавфини камайтириш ва фавқулодда вазиятларга тайёргарликни ошириш бўйича дунёдаги энг ривожланган тизимлардан бирини жорий этган давлатлардан ҳисобланади. Мамлакатда “**Kobe Framework”** *(Кобе доиравий дастури)* асосида хавфларни бошқариш стратегиялари ишлаб чиқилган. Ушбу стратегия асосида **Японияда** фавқулодда вазиятларни бошқаришнинг қуйидаги асосий хусусиятлари белгиланган. Буларга:

2005 йилда қабул қилинган бу дастур табиий офатларга тайёргарлик ва жавоб бериш механизмларини такомиллаштиришга қаратилганлиги;

ҳар бир давлат ташкилоти учун фавқулодда вазиятларда ҳаракатлар алгоритми ишлаб чиқилганлиги;

ҳудудий хавф-хатарларни баҳолаш ва мутахассисларни тайёрлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланганлиги;

ҳар йили Кобе шаҳрида ва бошқа вилоятларда фавқулодда вазиятларга тайёргарлик бўйича симуляция машғулотлари ўтказиш белгиланганлиги;

мактаблар, давлат ташкилотлари ва ҳукумат органлари фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича мунтазам ўқув машғулотларидан ўтиши.

Шунингдек, Японияда ҳар бир фуқаро учун махсус *“Офатлардан ҳимоя қилиш”* давлат дастури ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, табиий офатлар хавфи юқори бўлган ҳудудларда ахборот алмашинуви учун махсус марказлар ташкил этилган. Шунингдек, гео-информацион технологиялардан фойдаланган ҳолда хавфли зоналар харитаси яратилади ва мунтазам янгилаб борилади. Бундан ташқари*, “Disaster Countermeasures Basic Act”* – Японияда 1961 йил 15 ноябрда қабул қилинган қонун. Ушбу қонун мамлакатда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бошқариш учун институционал асосларни белгилайди. У марказий ва маҳаллий даражадаги фавқулодда вазиятларни олдини олиш кенгашларининг ташкилий тузилмаси, вазифалари, ваколатлари ва мажбуриятларини аниқ белгилайди[258]. Шунингдек, қонун фавқулодда вазиятларни олдини олиш режаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, фавқулодда ҳолатлар ва тикланиш чораларини амалга ошириш тартибини тартибга солади.

Америка Қўшма Штатлари –– мазкур давлатда эса фавқулодда вазиятларга жавоб беришнинг асосий органи “**Federal Emergency Management Agency” (FEMA)** ҳисобланади. Ушбу агентлик табиий офатлар, техноген авариялар ва миллий хавфсизлик таҳдидларига жавоб беришда етакчи орган ҳисобланади. **FEMA** тизимининг асосий хусусияти мамлакатда фавқулодда вазиятлар юз берган ҳудудда жавоб бериш марказлари ташкил этишга қаратилган.

Шунингдек, **FEMA** фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш учун дронлар, сунъий интеллект ва спутник технологияларидан фойдаланиб, мамлакатда фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўришда хавфли зоналарни аниқлашда GEO-информацион тизимлардан қўлланилади.

Бундан ташқари, **АҚШ**да фавқулодда вазиятлар пайтида маълумотлар алмашинувини тезкор ва автоматлаштирилган тарзда амалга оширадиган “**National Emergency Management Information System” (NEMIS)** тизим йўлга қўйилган. Мазкур тизим мамлакатда табиий офатлар пайтида ҳудудий хавф-хатарларни баҳолаш ва уларга жавоб бериш жараёнларини мувофиқлаштиради[259].

Европа Иттифоқи –– мазкур иттифоқда фавқулодда вазиятларни бошқариш “**Union Civil Protection Mechanism” (UCPM)** марказ орқали

[258] Disaster Countermeasures Basic Act

[259] https://www.oig.dhs.gov/sites/default/files/assets/Mgmt/OIG_04-02_Dec03.pdf

амалга оширилади. Бу марказ Европа давлатлари ўртасида фавқулодда ҳолатларда жавоб беришни мувофиқлаштиришга қаратилган. Мазкур "**Union Civil Protection Mechanism"** маркази абиий офатлар ва техноген авариялар пайтида барча европа давлатларини биргаликда ҳаракат қилишга ундайди.

Япония, АҚШ ва Европа Иттифоқининг фавқулодда вазиятларда ҳамкорлик муносабатларини тартибга солиш бўйича илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, ***ташкилий-ҳуқуқий, техник-инфратузилмавий*** ҳамда ***кадрлар тайёрлаш*** ва ***халқаро тажриба билан интеграциялаш муаммоларини*** бартараф этиш юзасидан қуйидаги илмий таклифлар илгари сурилади:

биринчидан, ташкилий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифлар. Буларга:

а) бугунги кунда Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларга оид қонунчилик тарқоқ ҳолда бўлиб, интеграцияланган ҳуқуқий база мавжуд эмас. Шу сабабли, **"Фавқулодда вазиятлар кодекси"** ишлаб чиқилиб, барча мавжуд қонунлар, қонуности ҳужжатлари ва низомларни ягона меъёрий ҳужжатга бирлаштириш лозим.

б) Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасидаги қонунчилик ҳали ҳам тўлиқ халқаро стандартларга мослашмаган. Бунинг учун БМТнинг **"Sendai Framework for Disaster Risk Reduction"** (2015–2030) халқаро стратегияси асосида хавф-хатарларни камайтириш дастурларини ишлаб чиқиш шунингдек, **"Офатлар хавфини бошқариш бўйича халқаро стандартлар"** (ISO 31000): ISO 31000 стандарти хавфларни бошқариш бўйича умумий йўриқномаларни белгилайди, бу фавқулодда вазиятларда идоралараро мувофиқлаштирувни таъминлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, **Япония**нинг **"Disaster Countermeasures Basic Act"** (1961) қонунчилигидаги давлат ва маҳаллий ҳокимият ўртасидаги ҳамкорлик механизмларини миллий тизимга жорий қилиш;

иккинчидан, техник ва инфратузилмавий муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар. Буларга:

а) **АҚШ**нинг **FEMA** *(Federal Emergency Management Agency)* ва **NEMIS** *(National Emergency Management Information System)* тажрибасидан келиб чиқиб, яхлит рақамли мониторинг платформасини ишлаб чиқиш;

б) **GEO**-информацион тизимлар, сунъий интеллект (AI) ва дронлар ёрдамида фавқулодда вазиятларни тезкор кузатиш ва таҳлил қилиш механизмларини жорий этиш;

в) **“Smart Emergency Management System”** платформасини ишлаб чиқиш ва барча давлат органларини ушбу тизимга интеграция қилиш;

г) Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги учун замонавий махсус техника ва жиҳозларни таъминлаш;

д) **Япония**нинг **“Kobe Framework”** дастури доирасидаги фавқулодда вазиятларга жавоб бериш тизими каби, Ўзбекистонда Миллий гвардия ва ФВВ учун махсус техника ва қутқарув жиҳозларини модернизация қилиш;

е) **Япония** ва **Европа Иттифоқи** билан ҳамкорликда қутқарув техникаларини импорт қилиш ҳамда уларни маҳаллий шароитга мослаштириш;

ё) сув тошқинларининг олдини олиш мақсадида ирригация ва суғориш тизимларини модернизация қилиш ва БМТ ҳамда Жаҳон банки лойиҳалари асосида молиялаштириш.

учинчидан, кадрлар тайёрлаш ва халқаро тажриба билан интеграциялаш муаммоларини ҳал қилиш. Буларга:

а) фавқулодда вазиятларга жавоб бериш тизимида ишловчи ходимларнинг малакасини ошириш учун **Япония**, **АҚШ** ва **Германия** каби давлатлар билан ҳамкорликда ўқув дастурларини ташкил этиш;

б) **Франция**нинг **“Sécurité Civile”** тизими асосида ҳарбий хизматчилар ва фавқулодда вазиятларда ишловчи ходимлар учун махсус курсларни ташкил этиш;

в) **Европа Иттифоқи** (UCPM) тажрибаси асосида Миллий гвардия ва ФВВ ўртасида ягона тренинг-марказни яратиш;

г) фавқулодда вазиятларга жавоб бериш бўйича симуляция машғулотларини жорий қилиш;

д) **Япония** тажрибаси асосида Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари учун дастурлаштирилган симуляция машғулотларини йўлга қўйиш;

е) **АҚШ**даги **FEMA** Академияси каби, Ўзбекистонда ҳам **Фавқулодда вазиятлар ва хавфларни бошқариш институти** ташкил этиш;

ё) **VR** (виртуал реаллик) ва **AR** (аугментед реаллик) технологиялари ёрдамида симуляция машғулотларини ўтказиш тизимини жорий этиш.

Хулоса ўрнида, юқорида илгари сурилган таклифларни амалга ошириш келажакда Ўзбекистонда фавқулодда вазиятларга жавоб бериш

тизимини халқаро стандартларга мос равишда такомиллашишига хизмат қилади. Бу орқали:

биринчидан, қонунчилик тизимлаштирилиб, “Фавқулодда вазиятлар кодекси” қабул қилинади;

иккинчидан, идоралараро мувофиқлаштириш механизмлари аниқ белгилаб берилади;

учинчидан, фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш учун рақамли тизимлар жорий этилади;

тўртинчидан, кадрлар тайёрлаш ва халқаро тажриба алмашинуви кучайтирилади;

бешинчидан, Миллий гвардия ва ФВВ ўртасида ҳамкорлик янги босқичга олиб чиқилади.

Мазкур ислоҳотлар Ўзбекистоннинг **табиий ва техноген фавқулодда вазиятларга самарали жавоб бериш имкониятларини кенгайтиради ҳамда давлат хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.**

Norboyev Sherzod Berdiali o‘g‘li
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti dotsenti, y.f.b.f.d. (PhD)

AUTSORSING SHARTNOMASINI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH ISTIQBOLLARI

Bugungi kunda jahon iqtisodiyotining o‘ziga xos xususiyati raqobatning so‘zsiz kuchayib borishi hisoblanadi. Raqobat kurashida faqatgina biznesni tashkil qilishning eng samarali usullaridan keng foydalanayotgan kompaniya va tashkilotlar yashab qolishi hamda rivojlanishi mumkin. Xo‘jalik yuritishning zamonaviy hamda samarali usullaridan biri bu autsorsing bo‘lib, u ochiq milliy bozor iqtisodiyoti sharoitida raqobatbardosh ustunliklarni qo‘lga kiritish imkoniyatini beradi. Xo‘jalik yuritishning autsorsing modelida ilgari kompaniya ichki bo‘linmalarining asosiy funksiyasi bo‘lgan vazifalar tor doirada ixtisoslashgan xizmat ko‘rsatuvchi tashkilotlarga topshiriladi.

Xalqaro tajriba shuni ko‘rsatmoqdaki, xorijiy mamlakatlarda autsorsingning keng doirada qo‘llanilishi aynan ma’muriy-boshqaruv faoliyatining bevosita samaradorligini oshirish, xarajatlarni kamaytirish, e’tiborni asosiy jarayon (faoliyat) ga qaratish, ish va xizmatlarning koifsentini oshirish, etakchi ilg‘or texnika va texnologiyalarni qo‘llash, chiqimlarni kamaytirishga, hamda shtatdagi xodimlarning sonini qisqartirishga zamin yaratmoqda.

Milliy iqtisodiyotimizning zamonaviy rivojlanish bosqichida xizmat ko‘rsatish sohasi sezilarli darajada kengayib bormoqda va bu ichki tovar aylanmasida xizmat ko‘rsatish hajmining oshishi bilan tasdiqlanmoqda. Mamlakatimiz iqtisodiyotida xizmat ko‘rsatish sohasining rolini oshib borishi O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksida xizmat ko‘rsatishni alohida tartibga soluvchi normalarning (O‘R FK 38-bobini) mustahkamlanishini taqozo etdi. Bundan tashqari, keyingi yillarda O‘zbekiston Respublikasi Hukumati tomonidan xizmat ko‘rsatishning alohida turlarini tartibga soluvchi bir qator qonun hujjatlari qabul qilindi.

Bugungi kunda mamlakatimizda bozor munosabatlarini yanada rivojlantirish bo‘yicha islohotlar amalga oshirilayotgan ekan fuqarolik muomalasi ishtirokchilarining o‘zaro munosabatlarini yangidan yangi shakllari yuzaga kelmoqda. Bulardan eng zamonaviy va samaralisi autsorsing shartnomasi bilan tartibga solinadigan munosabatlar hisoblanib, uning natijasida ilgari kompaniya ichki bo‘linmalarining asosiy funksiyasi bo‘lgan

vazifalar tor doirada ixtisoslashgan xizmat koʻrsatuvchi tashkilotlarga topshiriladi.

Bugungi kunda fuqarolik qonunchiligida autsorsing shartnomasi tushunchasi, uning huquqiy va iqtisodiy jihatlari toʻgʻrisida aniq ta'rif keltirib oʻtilmagan. Bu esa oʻz oʻrnida, hozirgi kunda autsorsing shartnomasiga talab juda yuqori ekanligi va uning fuqarolik muomalasi ishtirokchilari oʻrtasidagi munosabatlarni oʻrnatishdagi muhim vositaligini inobatga olgan holda autsorsing shartnomasining tabiati va mazmun-mohiyatini ochib beradigan kompleks, ilmiy-asoslantirilgan konsepsiyaga ehtiyoj mavjudligi koʻrsatmoqda.

Hozirgi kunda milliy qonunchiligimizda autsorsing shartnomasining tushunchasi va ilmiy asoslantirilgan ta'rifining ishlab chiqilmaganligi uni mustaqil shartnomalardan biri yoki haq evaziga xizmat koʻrsatish, pudrat, hamda mehnat shartnomasining turlaridan biri ekanligini belgilash boʻyicha oʻrinli savollar bugungi kun nazariyotchi olimlar va amaliyotchi mutaxassislarning asosiy etiborida turibdi.

Oʻzbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksiga "Haq evaziga xizmat koʻrsatish" deb nomalangan 38-bobning kiritilishi milliy fuqarolik huquqimizda aksariyat nomlanmagan (notipik) shartnomalarni, shu jumladan autsorsing shartnomasini ham haq evaziga xizmat koʻrsatish shartnomalari guruhiga kiritish tendensiyasi kuzatilmoqda. Bunga eng avvalo OʻR FK 703-moddasida haq evaziga xizmat koʻrsatish shartnomasining predmeti etarlicha aniq koʻrsatib berilmaganligi sabab boʻlmoqda. Xususan unga koʻra, "xizmat koʻrsatish sifatida muayyan harakatlarni qilish yoki muayyan faoliyatni amalga oshirish tushuniladi"[260]. Shu nuqtai nazardan kelib chiqqan holda aytish mumkinki, xizmat koʻrsatish deganda har qanday harakat yoki har qanday faoliyatni tushunish mumkin.

Xizmat koʻrsatish boʻyicha munosabatlarning etarli darajada fuqarolik-huquqiy tartibga solinmaganligi xizmat koʻrsatish boʻyicha majburiyatlarning barcha turlariga taalluqli boʻlgan umumiy qoidalarning mavjud emasligida ham koʻrinadi. Ushbu holatda shuni hisobga olish lozimki, OʻR FK 38-bobi qoidalari faqatgina OʻR FKning boshqa boblarida alohida tartibga solinmagan xizmat koʻrsatish turlariga nisbatan qoʻllaniladi. Bundan tashqari, huquqni qoʻllash amaliyoti OʻR FK 38-bobining undagi huquqiy normalarning etarli emasligi sababli unchalik samarali emasligini koʻrsatmoqda.

Milliy fuqarolik huquqimizda autsorsing shartnomasi instituti rivojlanishining bir necha yoʻnalishlarini taxmin qilishimiz mumkin. Eng

[260] https://lex.uz/docs/180552#189524

avvalo O‘R FKda nazarda tutilmagan shartnomalar (nomlanmagan yoki notipik shartnomalar), xususan autsorsing shartnomasi uchun “asosiy huquqiy baza” hisoblangan O‘R FK “Haq evaziga xizmat ko‘rsatish” deb nomlanuvchi 38-bobining normativ mazmunini kuchaytirishdir.

Ta’kidlash joizki, O‘R FK 708-moddasi “Haq evaziga xizmat ko‘rsatish shartnomasini huquqiy jihatdan tartibga solish” deb nomalanib, unga ko‘ra “pudrat to‘g‘risidagi umumiy qoidalar va maishiy pudrat to‘g‘risidagi qoidalar ushbu bobning qoidalariga zid bo‘lmasa, haq evaziga xizmat ko‘rsatish shartnomasiga nisbatan qo‘llanadi”[261]. Bu qoida haq evaziga xizmat ko‘rsatish shartnomasini pudrat shartnomasiga bog‘lab qo‘yadi va haq evaziga xizmat ko‘rsatishni pudratning bir turi sifatida e’tirof etayotgandek ko‘rinadi. Biroq, haq evaziga xizmat ko‘rsatish shartnomasi mustaqil shartnoma bo‘lib, hech qaysi bir fuqarolik-huquqiy shartnomaga bog‘lab qo‘yilmasligi lozim. Bizning fikrimizcha, O‘R FK 708-moddasini aniqlashtirish maqsadida quyidagi mazmunda berish maqsadga muvofiq: “Haq evaziga xizmat ko‘rsatish shartnomasi ushbu kodeks va boshqa qonun hujjatlari bilan tartibga solinadi. Ko‘rsatiladigan xizmatlarning muayyan (u yoki bu) turlari tegishli qonun hujjatlari bilan tartibga solinadi”.

N.I.Askarov ta’kidlaganidek: “Shartnoma shartlari shartlashuvchi tomonlarning ixtiyori bilan ishlab chiqiladi, qonun esa o‘zining o‘zgarmas qoidalari bilan xohish-istak erkinligi o‘zgacha, tomonlar uchun kutilmagan mazmunga ega bo‘lmasligi uchun va bir vaqtning o‘zida qonun chiqaruvchining qoidalariga muvofiq keladigan tarzda tuzatib, tomonlar uchun qandaydir chegarani yuzaga keltiradi”[262].

Oxirgi yillardagi xizmat ko‘rsatish cohasida eksportning oshishi haq evaziga xizmat ko‘rsatishga bo‘lgan munosabatlarini huquqiy jihatdan tartibga solishni xalqaro huquq nomalari bilan uyg‘unlashuvi doirasidagi jarayonlarni tezlashtirishni talab qilmoqda.

Evropa iqtisodiy ittifoqi mamlakatlarida xizmat ko‘rsatish sohasidagi yuqori o‘sish sur’atlari xizmat ko‘rsatishning quyidagi erkin harakatlanishini amalga oshirish shakllarini ishlab chiqish zaruriyatini keltirib chiqardi: 1) xizmatni buyurtmachiga etkazib berish uchun xizmat ko‘rsatuvchi tomonidan chegarani erkin kesib o‘tish. Xususan, xizmat ko‘rsatuvchining joylashgan joyini o‘zgartirishda namoyon bo‘ladigan xizmatlarning faol (ijobiy) harakat erkinligi tushunchasi mavjud; 2) xizmatlar buyurtmachisi chegaradan o‘tish

[261] https://lex.uz/docs/180552#189527

[262] Аскаров Н.И. Номаланмаган шартномаларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий ва амалий муаммолари // ю.ф.б.ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т.: ЎзР МГ ҲТИ, 2020. 50-бет.

orqali xizmat koʻrsatuvchiga boradi. Bunday holatlarda xizmatlar harakatining passiv (negativ) erkinligi toʻgʻrisida gap boradi; 3) chegaralarni kesib oʻtish bilan, lekin buyurtmachi va pudratchining joylashgan joyini oʻzgartirmasdan amalga oshiriladigan xizmat turlarining alohida guruhidan iborat (har xil aloqa turlari orqali koʻrsatiladigan xizmatlar).

Mamlakatimizda xizmatlar eksportining oʻsib borishi haq evaziga xizmat koʻrsatish boʻyicha munosabatlarni fuqarolik-huquqiy tartibga solishni takomillashtirishni va uni xalqaro huquq normalari bilan uygʻunlashtirishni talab qilmoqda.

Autsorsing shartnomasining huquqiy institutini rivojlantirishning oʻziga hos jihatlaridan biri autsorsing shartnomasining oʻziga xos yuridik xususiyatlarini yoritish berish hamda ushbu sohani tartibga solish orqali mustaqil huquqiy institutga aylantirish. Bularning barchasi autsorsing shartnomasidan kelib chiqadigan munosabatlarni maxsus normativ huquqiy hujjat darajasida tartibga solish zaruriyatini yuzaga keltirmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati:

1. https://lex.uz/docs/180552#189524
2. https://lex.uz/docs/180552#189527
3. Аскаров Н.И. Номаланмаган шартномаларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий ва амалий муаммолари // ю.ф.б.ф.д. (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т.: ЎзР МГ ҲТИ, 2020. 50-бет.

Sodiqov Xafiz Murtozayevich
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti kafedra katta o‘qituvchisi
Akbarov Laziz Izzatullayevich
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti kafedra dotsenti

HARBIY-PEDAGOGLARDA KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISH TIZIMINI AMALGA OSHIRISH SHAKLLARI

Tayanch kompetentlik tartibini belgilashda kasbiy pedagogik ta’limning asosiy maqsadlariga muvofiq ijtimoiy va shaxsiy tajribaning mohiyati, ijtimoiy jamiyatda kasbiy faoliyatni tashkil etish jarayonida hayotiy ko‘nikmalarni egallashga imkon beruvchi asosiy turlar muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu nuqtai nazardan ular quyidagi kompetentlik turlariga bulinadi:

1. Yaxlit-mazmunli kompetentlik. Bu talabaning qadriyatli yo‘nalishlari bilan bog‘liq, uning ijtimoiy borliqni his eta bilishi va tushunish qobiliyati, mustaqil hayot yo‘lini topa olishi, o‘zining ijtimoiy jamiyatdagi roli va o‘rnini anglab etishi, harakatlarni tashkil etishda aniq maqsadni belgilash hamda qaror qabul qilish malakasi, dunyoqarashi bilan bog‘liq kompetentlik, u talaba uchun o‘quv va boshqa vaziyatlarda o‘zini aniqlash mexanizmini ta’minlaydi. Talabaning individual ta’lim yo‘nalishi va uning hayotiy faoliyatining umumiy dasturi ana shu kompetentlikka bog‘liq.

2.Ijtimoiy-madaniy kompetentlik. Talaba chuqur o‘zlashtirishi zarur bo‘lgan bilim va faoliyat tajribasining doirasi bo‘lib, milliy va umuminsoniy madaniyatlar xususiyatlari, inson va insoniyat hayotining ma’naviy-axloqiy asoslari, oilaviy va ijtimoiy an’analarning madaniy asoslari, inson hayotida fan va dinning roli, ularning moddiy borliqqa ta’siri, turmush va dam olish borasidagi bilimlar, masalan, bo‘sh vaqtni samarali tashkil etish usullarini bilishi.

3.O‘quv-bilish kompetentligi, bu talabaning o‘rganilayotgan aniq obyektlar bilan bog‘liq mantiqiy, metodologik va ijtimoiy faoliyati elementlaridan iborat bo‘lgan mustaqil fikrlash kompetentliklarining to‘plami bo‘lib, unga maqsadni ko‘ra bilish, faoliyatni rejalashtirish, uning mazmunini tahlil qilish, refleksiya, faoliyatga shaxsiy baho berish borasidagi bilim va malakalari kiradi. O‘rganilayotgan obyektlarga nisbatan talabalarni kreativ ko‘nikmalari, ya’ni bilimlarni bevosita borliqdan olish, nostandart vaziyatlarda muammoni hal etishning harakat usullari va evristik metodlarini egallaydi.

4. Axborot olish kompetentligi. Audio-video koʻrsatuv vositalari va axborot texnologiyalari yordamida mustaqil izlanish, tahlil qilish va zarur axborotlarni tanlab olish, ularni tahlil etish, oʻzgartirish, saqlash va uzatish mahorati shakllantiriladi. Ushbu kompetentlik talabaning oʻquv fanlari asoslarini muhim axborotlar asosida oʻzlashtirishini ta'minlaydi.

5. Kommunikativ kompetentlik. Ta'lim oluvchilar bilan oʻzaro munosabatlar, ularning usullari, muloqot jarayonida ustuvor oʻrin tutuvchi tilni oʻzlashtirish, guruhlarda ishlash koʻnikmalari, jamoada turli xil manaviy-marifiy tadbirlarni tashkil qilish va oʻtkazishni bilishni oʻz ichiga oladi.

6. Ijtimoiy-faoliyatli kompetentlik fuqarolik (fuqaro, kuzatuvchi, saylovchi, vakil vazifasini bajaruvchi), ijtimoiy-mehnat sohasi (iste'molchi, xaridor, mijoz, ishlab chiqaruvchi huquqlari), oilaviy munosabatlar va majburiyatlar, iqtisod va huquq masalalari, kasbiy, shuningdek, shaxsiy mavqeini aniqlash borasidagi bilim va tajribalarni egallash(xususan, mehnat bozoridagi mavjud vaziyatni tahlil qilish, shaxsiy va ijtimoiy manfaatlarni koʻzlab, harakat qilish mahorati, mehnat hamda fuqarolik munosabatlarining odobini bilish)ni anglatadi.

7.Shaxsning oʻz-oʻzini takomillashtirish kompetentligi ma'naviy, motivatsion, intellektual va amaliy jihatdan oʻz-oʻzini rivojlantirish, irodaviy va xissiy jihatdan oʻz-oʻzini boshqara olish qaratilgan.

Talaba shaxsiy manfaatlari va imkoniyatlariga koʻra faoliyat usullarini egallaydi, bu unga oʻzida zamonaviy mutaxassisga xos boʻlgan shaxsiy va kasbiy sifatlarini rivojlantirish, texnik tafakkurini, madaniyati va hulqini shakllantirishga yordam beradi. Kasbiy kampetentning rivojlanishi – bu ijodiy rivojlanish, pedagog atrofda oʻzgarishlarga tez moslasha olish va boshqarish, tez kirishish qobiliyati, jarayonning ijtimoiy – iqtisodiy va ma'naviy rivojlanishi pedagogning kasbiy darajasiga bogʻliq.

Ma'lumotlarning zamonaviy tizimida boʻlgan oʻzgarishlar, oʻqituvchining malaka oshirishga va oʻzining kasbiy kobiliyatlarini oshirishga majbur qiladi, bu degani oʻzining kasbiy kompetentini oshirishiga majburligidir. Zamonaviy ma'lumotning asosiy maqsadi jamiyatning, davlatning, shaxsning zamonaviy tarbiyalarga mos boʻlishi, har tomonlama rivojlangan shaxsni tarbiyalash.

Harbiy ta'lim oʻqituvchisini kasbiy kompetentligini shakllantirishda pedagogik hamda texnik–texnologik muammoli vaziyatni pedagogik jarayonni hosil qilishga imkon beruvchi, sharoitlarning toʻplami sifatida qayd etiladi. Pedagogik sharoitlar mazkur jarayonni yuzaga keltiribgina qolmay, balki uning mavjud holatini ham belgilaydi.

Harbiy ta’lim o‘qituvchisini kasbiy kompetentligini shakllantirish bosqichma-bosqich, pedagogik turkum fanlarining integratsiyasi, ya’ni didaktik sintezni va fanlararo aloqadorlik darajasida faoliyatida pedagogik hamda muammoli - vaziyatli topshiriqlarni echish orqali amalga oshiriladi.

Harbiy ta’lim o‘qituvchisi darsga tayyorlanayotganda har xil metod va usullarni qo‘llab yangi materialni qanday bayon qilishni o‘ylaydi. U o‘quvchilarning individual xususiyatlarini, ularning tajribasi, jismoniy rivojlanishi va mehnat unumdorligiga ta’sir qiladigan boshqa faktorlarni hisobga olgan holda ish obyektlarini tanlaydi. Ma’lumki, hozirgi zamon ishlab chiqarishi juda tez sur’atlar bilan rivojlanmoqda. harbiy qurollar, texnologik protsesslar uzluksiz takomillashib bormoqda. Bu ma’lum darajada harbiy ta’limda o‘z aksini topishi kerak. Demak, bo‘lajak o‘qituvchilar fan va texnika soxasidagi taraqqiyotni uzluksiz kuzatib borishi, ulardan ta’lim oluvchilarni tushunarli shaklda xabardor qilib turishi va o‘z mahorati ustida ishlashi kerak.

Bo‘lajak harbiy ta’lim o‘qituvchilarining ta’lim va tarbiya berishida, mahorat turlariga quyidagilarni kiritishimiz mumkin:

- ta’lim berish mahorati;
- ta’limning zamonaviy usullarini qo‘llay olish mahorati;
- tarbiyalay olish mahorati;
- inson omilini ta’minlovchi fazilati;
- bilimlarni holisona baholash va nazorat qila olish mahorati;

harbiy ta’lim o‘qituvchisi pedagogik faoliyatini nazorat qilishda quyidagi jihatlarga:

a) ta’lim – tarbiya ishining aniq maqsadga yo‘naltirilganligini, ilmiy jihatdan asoslanganligini hamda uning mazmunini to‘g‘ri tanlanganligini aniqlash;

b) mehnat va kasbiy faoliyatning natijasi sifatini aniqlash, rivojlanish bosqichlari, taraqqiyot darajasini belgilash hamda istiqboldagi yo‘nalishlarini yoritish;

Bitiruvchilarning kasbiy tayyorgarligi darajasiga qo‘yiluvchi talablar nuqtai nazaridan kompetentlik talabalarning muayyan vaziyatlarda bilim, malaka va faoliyat usullari to‘plamini maqsadga muvofiq qo‘llash qobiliyatini anglatadi.

Pedagogik oliy ta’lim muassasalarida ta’limning har bir bosqichi uchun ta’lim bloklari va o‘quv fanlari darajasida tayanch kompetentlik aniqlanadi. Tayanch kompetentlik tartibini belgilashda kasbiy pedagogik ta’limning asosiy maqsadlariga muvofiq ijtimoiy hamda shaxsiy tajribaning mohiyati, ijtimoiy jamiyatda kasbiy faoliyatni tashkil etish jarayonida hayotiy kasb

etadi. Ushbu nuqtai nazardan tayanch kompetentlik: yaxlit – mazmunli, ijtimoiy – madaniy, o‘quv – bilish, axborot olish, kommunikativ, ijtimoiy faoliyatli, shaxsning o‘z–o‘zini takomillashtirish turlariga bo‘linadi.

Harbiy ta’lim o‘qituvchisining kasbiy shakllanishi quyidagi tarzda namoyon bo‘ladi: pedagogik tizim, jarayon va natija. Ijtimoiy qoidalar kasbiy shakllanish darajasini baholashda muhim asoslar sifatida aks etadi va ular, o‘z navbatida, Davlat ta’lim standarti mazmunida qayd etiladi. Ta’lim tizimi faoliyatini baholashda uning samaradorligi hamda pedagogik tizim rivoji bilan bog‘liq asosiy ko‘rsatkichlarini ajratib ko‘rsatish mumkin. Aynan ana shu ko‘rsatkichlar o‘qituvchining kasbiy shakllanish darajasini baholash mantiqini asoslab beradi. Ma’ruzalar va amaliy mashg‘ulotlarning harbiy ta’lim o‘qituvchilarini kasbiy shakllantirishdagi didaktik imkoniyatlariga ega ekanligi barchaga ma’lum. Ma’ruza va amaliy mashg‘ulotlarning ko‘proq pedagogik ongning nazariy darajasini rivojlantirishga yo‘naltirilganligi aksariyat hollarda ko‘pincha, talabalarning bilimlari og‘zaki xususiyatga ega bo‘lishiga olib keladi.Harbiy ta’lim o‘qituvchilarini kasbiy kompetentligini shakllantirishda mustaqil ta’lim jarayonini tashkil qilish muhim o‘rin tutadi.

Talabaning mustaqil ishi uning auditoriyada va undan tashqarida, o‘qituvchi rahbarligida yoki o‘qituvchi ishtirokisiz amalga oshiriladigan mustaqil ish majmuini anglatadi. Mustaqil ish qanday sharoitlarda amalga oshiriladi:

1. Bevosita auditoriyada - ma’ruza amaliy mashg‘ulot, yoki seminar ishlari bo‘iicha vazifalar berish jarayonida;

2. O‘qituvchi bilan dars jadvalidan tashqari paytlardagi bevosita muloqot chog‘ida maslahatlar berishda, ijodiy muloqotlar jarayonida, yakka topshiriq bajarishda va boshqalar.

3. Axborot resurs markazida, uyda, talabalar uylarida, kafedralarda talaba tomonidan o‘quv yoki ijodiy topshiriqlarni bajarish jarayonida.

Mustaqil ish bo‘yicha test savollari, topshiriqlar va mashqlar ustida ishlash asosan mustaqil bajariladi. Bu ish natijalari esa auditoriyada (amaliy va laboratoriya) mashg‘ulotlarida o‘qituvchi rahbarligida tahlil qilinadi va baholanadi.

Topshiriqlarni bajarish jarayonida talabalarda sababiy - tashkiliy (o‘quv faoliyatani mustaqil tashkil etishning qadriyatli yo‘nalishlari, bilim, malaka va ko‘nikmalari), mazmunli-protsessual (o‘quv faoliyatining mohiyatini bilish va bu faoliyat muvaffaqiyatli bo‘lishini belgalovchi shaxsiy sifatlarni rivojlantirish) va tekshirish-baholash (mustaqil bilim olishgda zarur sanalgan shaxs sifatlarini o‘zi baholash) kabi ko‘nikmalarning shakllanishi mustaqil

bilim olish jarayonida majmuaviy ravishda shakllanib boradi. Mustaqil bilim olishga tayyorgarlikning tashkiliy asoslari:

pedagogik-psixologik, texnik-texnologik tushunchalar hisoblanadi. Pedagogik-psixologik va texnik-texnologik tushuncha (kategoriya)lar sababiy va tekshirish-baholash tarkibiy qismlarining rivojlanishiga faol ta'sir ko'rsatadilar. Demak, mustaqil bilim olishga tayerlash jarayonida talabalarda nazariy (tushunchali) fikrlash qobiliyatini rivojlantirish zarur.

Mustaqil ta'limni tashkil etish shakllari ta'lim jarayonining har bir bosqichida namoyon bo'lsada, harbiy ta'lim yo'nalishidagi talabalarning auditoriyadagi va auditoriyadan tashqaridagi mustaqil ta'lim olish jarayonlaridagi shakllarini ilmiy asoslashga harakat qildik.

a) auditoriyada tashkil etiladigan mustaqil ta'lim shakllari:

1a-shakl **-** ma'ruza tinglash va bayon etilganlarni daftarga qayd etish;

2a-shakl –ma'ruza va amaliy mashg'ulotlarni bajarish;

3a-shakl - texnik modellashtirish va loyixalash.

v) auditoriyadan tashqarida tashkil etiladigan mustaqil ta'lim shakllari:

1v-shakl - o'quv adabiyotlari bilan ishlash;

2v-shakl - nazorat ishlariga tayyorlanish; .

– harbiy ta'lim fanlaridan ma'ruzani tinglash, uni daftarda qayd etish jarayonida ma'ruza manbalari varaqning bir tarafiga, ikkinchi tarafiga joy qoldirilgan holda yoziladi.

Ikkinchi tarafiga esa talaba tomonidan chiqarilgan xulosalar, texnik echimlar, mulohazalar, ularda paydo bo'lgan savollar, savollarga javob variantlari, faktlar va xar xil belgilar qo'yishni tavsiya etiladi. Bu maqsadda ba'zan keng hoshiyalar qoldiriladi.

Ma'ruza tinglash – intellektual faoliyatning murakkab turidir. Uning muvaffaqiyati birinchidan, umumiy «tinglay olish» bilan, ikkinchidan, daftarga yozib borish bilan bir vaqtda materialni o'zlashtirib borish bilan bog'liqdir. Ma'ruzani yozib olish – undagi asosiy jihatlarga e'tibor qaratishga, ma'ruza jarayonida eshitilgan ma'lumotlarni o'ylab ko'rishga, o'qituvchi tomonidan izohlanayotgan material ketma-ketligini mantiqiy nuqtai-nazardan tushunishga yordam beradi.

1a – shakl - Amaliy mashg'ulotlar bajarish; Amaliy mashg'ulotlar talabada texnik bilimni mustahkamlashga, ularni yangi vaziyatga ko'chirib, amaliy masala hamda vaziyatlarni hal qilish uchun umum-pedagogik tushunchalar va asosiy pedagogik malakalarni rivojlantirishga qaratilgan.

v) auditoriyadan tashqarida tashkil etiladigan mustaqil ta'lim shakllari:

1v - shakl – O‘quv adabiyotlari bilan ishlash - auditoriyadan tashqarida o‘quv adabiyoti bilan ishlash mustaqil ta’lim olishning eng asosiy shakllaridan biri hisoblanadi. O‘quv adabiyoti bilan ishlash juda oson va qulay usul hisoblanadi. O‘quv adabiyotlari bilan ishlashni barcha ta’lim oluvchilar yaxshi o‘zlashtirgan bo‘lishlari lozim. O‘quv adabiyotlari deganda, darsliklar, o‘quv qo‘llanmalar, texnik adabiyotlar, ma’lumotlar yo‘riqnomalar va hokazolarni tushunish mumkin.

2v – shakl - Ma’ruza tayyorlash - Oliy ta’lim muassasalarida o‘qitish jarayonida ta’lim berishning turli shakl va metodlaridan foydalanilmoqda. Ta’limning asosiy shakli esa ma’ruza hisoblanadi. Ma’ruza tayyorlash ancha murakkab va ko‘p mehnat talab qiladigan ishdir. Bo‘lajak harbiy ta’lim bakalavr o‘qituvchilari «YOCHQBT metodikasi» fanida, pedagogik amaliyot jarayonida ma’ruza tayyorlashlariga to‘g‘ri keladi.

3v – shakl - Masofaviy ta’lim texnologiyasi - masofaviy ta’lim texnologiyasi an’anaviy ta’lim tizimini amalga oshirishda duch kelingan muammolarni hal etish yoki shart–sharoit ushbu jarayonni taqozo qilganda qo‘llaniladi. Bu jarayon zamonaviy texnoloniyalardan ta’lim samaradorligini oshirishda foydalanishga zamin yaratadi.

«Masofaviy ta’lim» tushunchasi fanga o‘tgan asr 90 – yillarida kirib kelgan. Ingliz tilida «Masofaviy ta’lim» (distant education) «Masofada o‘qitish» (distant learning) kabi variantlarda ham qo‘llaniladi. Ta’lim jarayonlarini telekomunikatsiyalardan foydalangan holda tashkil etishni esa (tele training) deb yuritiladi.

«Masofaviy ta’lim» tushunchasi-ta’lim o‘quv axborotlarini oluvchiga masofada turib, etkazib berishni ta’minlovchi (sun’iy yo‘ldosh, televideniye, kompyuter tarmoqlari va boshqalar orqali) yangi axborot texnologiyalaridan foydalanishga asoslangan maxsus ta’lim xizmatlari to‘plami sifatida e’tirof etilgan.

Masofaviy ta’lim afzalliklari:

Bo‘lajak harbiy ta’lim o‘qituvchilarining mustaqil bilim olishlari - kasbiy-pedagogik takomillashish uchun zarur bo‘lgan idrok etish faoliyati maqsadga muvofiq, muntazam jarayondir.

Funksional mazmunda - bu psixologik-pedagogik bilimlar bilan bog‘liq idrok etish faoliyati turlaridan biridir. Nihoyat pedagogika o‘quv yurtlari talabalarining mustaqil bilim olishlari - bo‘lajak o‘qituvchi shaxsini har tomonlama va to‘la rivojlantirish masalasini hal etishning zarur shartidir.

Bo‘lajak harbiy ta’lim o‘qituvchisi bakalavrlarni pedagogik mustaqil bilim olishga tayyorlash muammosini o‘rganishda ularni faqat qo‘shimcha,

yanada chuqurroq pedagogik bilimlar olishga, buning uchun - zarur bo‘lgan amaliy bilimlarini, malaka va ko‘nikmalarini takomillashtirishga emas, balki shaxsning ma’lum sifatlarini shakllantirishga, ularni rivojlantirishga yo‘naltirish muhim - bo‘lajak o‘qituvchi bakalavrlarni pedagogik mustaqil bilim olishlari g‘oyasi aynan ana shundan iboratdir.

Hamma ko‘rsatilgan vazifalar birgalikda amalga oshiriladi. Kunduzgi va o‘qish jarayonlarini tashkil etish o‘quv va o‘qishdan tashqari: umumauditoriyali (frontal), guruhli va individual. Shu jumladan ulardan birgalikda foydalanish.

O‘qitish jarayonini, shu jumladan mustaqil bilim olishni muvaffaqiyatli amalga oshirishda axborotlar turli vositalari, ayniqsa kompyuterli axborotlar xizmat qiladi. O‘qitish auditorlik va mustaqil bilim olish bilan (mustaqil) amalga oshiriladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Yo‘ldoshev J.G‘., Usmonov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari: - T.: «O‘qituvchi», 2004.

2. Komenskiy Y.A., Lokk D., Russo J.-J., Pestalotssi I.G. Pedagogicheskoye naslediye. M.: Pedagogika, 1989 g., 416 str.

3. Nasriddinov CH.R. Harbiy psixologiya va pedpgogika. - T.: Zarqalam. 2005. - 63 b.

4. Ochilov M. Yangi pedagogik texnologiyalar. – Qarshi, Nasaf, 2000.

5. Hasanboyev J., To‘raqulov X.A., Alqarov I., Usmonov N.O‘., Isyanov R.G., Yuzlikayev F. Pedagogika nazariyasi (Didaktika): Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: Fan va texnologiyalar, 2011. - 420 b.

6. Saidahmedov N. Pedagogik texnologiY. Ma’rifat gazetasi, 6 mart 1999.

7. Satib-Aldiyev A., Karimjonov A. Harbiy pedagogika. - T.: Sharq. 2005. – 255 b.

8. Satib-Aldiyev A. Ofitserning pedagogik madaniyati. // O‘quv qo‘llanma. - Toshkent. OUQBYU, 2013. - 38 b.

9. Satib-Aldiyev A. Pedagogika tarixi va nazariyasi. // O‘quv qo‘llanma. - T.: TOUQBYU, 2009. - 152 b.

10. www.ziyonet.uz

11. www.pedagog.uz

Qarshibayev Murodil Qarshibay o‘g‘li
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti o‘qituvchisi

HARBIY XIZMATCHILARDA ADDIKTIV XULQ SHAKLLANISH MUAMMOSI: XORIJIY TAJRIBA ASOSIDA O‘RGANILISHI

Annotatsiya: Mazkur maqolada O‘zbekiston harbiy xizmatchilari orasida addiktiv xatti-harakatlarning shakllanish sabablari, ularni yuzaga keltiruvchi psixologik omillar va xorijiy psixologik tajribalar asosida ularni bartaraf etish yo‘llari yoritiladi. Milliy kontekstda profilaktika choralari, psixologik xizmat faoliyati va reabilitatsiya tizimining ahamiyati ochib beriladi.

Kalit so‘zlar: addiktsiya, harbiy psixologiya, O‘zbekiston, reabilitatsiya, psixik travma.

Аннотация: В данной статье освещаются причины формирования аддитивного поведения среди военнослужащих Узбекистана, психологические факторы, вызывающие их, и пути их преодоления на основе зарубежного психологического опыта. Раскрывается значение профилактических мер, деятельности психологической службы и системы реабилитации в национальном контексте.

Ключевые слова: аддукция, военная психология, Узбекистан, реабилитация, психическая травма.

O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tarkibida xizmat qilayotgan harbiy xizmatchilar ijtimoiy-siyosiy o‘zgarishlar, jangovar tayyorgarlik, oilaviy va shaxsiy muammolar natijasida ruhiy bosimlarga duch kelishlari mumkin. Bunday holatlar ba’zida zararli odatlar - ya’ni, addiktiv xatti-harakatlar shakllanishiga sabab bo‘ladi. O‘zbekiston Respulikasi Milliy gvardiyasi tizimida shuningdek, Qurolli Kuchlar harbiy tizimida so‘nggi yillarda psixologik xizmatni kuchaytirish, harbiylarning ruhiy salomatligini mustahkamlash bo‘yicha qator chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Shunga qaramay, ayrim holatlarda spirtli ichimlikka murojaat qilish, texnologik qaramlik, va ijtimoiy izolyatsiya holatlari kuzatilmoqda. Bu holatlarning ildizi ko‘pincha xizmatdagi og‘irliklar, oiladan uzoqlik, yoki individual psixologik holatlari, muammolari bilan bog‘liq bo‘ladi. O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, Milliy gvardiyasi, Ichki ishlar vazirligi tizimida xizmat faoliyati davomida turli kuchli stress holatlarni boshdan kechirgan shaxslar orasida psixologik yordamga ehtiyoj sezilarli darajada ortib bormoqda.

Afsuski, Qurolli kuchlarimizda post-travmatik stress buzilishi (PTSB) bo‘yicha tibbiy tashxis qo‘yish va psixoterapiya amaliyoti hali keng joriy

etilmagan. Shu sababli, xorij tajribasi asosida bu sohada tizimli yondashuvlar ishlab chiqish dolzarb masaladir. AQSh, Kanada, Buyuk Britaniya tajribalarida addiktiv muammolari mavjud harbiylar bilan shug‘ullanish uchun maxsus reabilitatsiya markazlari tashkil etilgan. O‘zbekistonda esa hozircha bunday maxsuslashgan markazlar cheklangan. Shu bois xorijiy amaliyotni mahalliy shart-sharoitga moslashtirgan holda, psixologik xizmatlar tizimini kuchaytirish va zamonaviy terapiya usullarini joriy etish maqsadga muvofiq.

O‘zbekistonda harbiy qismlarda psixologlar faoliyati yo‘lga qo‘yilgan. Biroq ularning salohiyatini oshirish, xorijiy treninglarda qatnashish imkoniyatini yaratish, va maxsus stressga qarshi kurash kurslarini joriy etish zarur. Shuningdek, harbiylar orasida ruhiy salomatlik bo‘yicha madaniyatni oshirish va stigma bilan kurashish ham muhim profilaktik vositadir. Harbiy xizmat o‘z mohiyatiga ko‘ra yuqori darajadagi psixologik bosim, xavf va stress bilan bog‘liq faoliyat turi hisoblanadi.

Shu sababli, xorijiy psixologiya fanida harbiy xizmatchilar orasida addiktiv xulq — ya'ni, zararli odatlarga (alkogol, narkotik, qimor, texnologiyalar va boshqalar) qaramlik shakllanishi — dolzarb muammo sifatida keng o‘rganilmoqda Xorijiy tadqiqotlar, jumladan, Amerika Psixologik Assotsiatsiyasi (APA), RAND Corporation va NATO tibbiy xizmatlari tomonidan olib borilgan ilmiy ishlarda qayd etilishicha, harbiy xizmatchilar ko‘pincha yuqori darajadagi stress va xavotir tufayli psixologik muvozanatni saqlab qolish maqsadida zararli odatlarga murojaat qilishadi. Masalan, RAND (2020) ma’lumotlariga ko‘ra, AQSh harbiylarining 25 foizi xizmat davomida spirtli ichimliklardan haddan tashqari ko‘p miqdorda foydalanadi, bu ko‘rsatkich oddiy fuqarolarga nisbatan sezilarli darajada yuqoriroq. Harbiylar orasida addiktiv xatti-harakatlar ko‘pincha post-travmatik stress buzilishi (PTSB) bilan bog‘liq. PTSB simptomlariga doimiy xavotir, uyqu buzilishi, agressivlik va hissiy sovuqlik kiradi. APA ma’lumotlariga ko‘ra, PTSBdan aziyat chekayotgan sobiq harbiylar orasida spirtli ichimliklarga bog‘lanish darajasi 2,5 baravar yuqori. Veterans Affairs (VA) klinikalari esa har yili o‘n minglab sobiq harbiylarga PTSB va unga bog‘liq addiktsion muammolar bo‘yicha psixoterapevtik yordam ko‘rsatadi. Xorijiy psixologiyada addiktsiya jarayoni biopsixososial model asosida o‘rganiladi. Bu model shuni ko‘rsatadiki, giyohvandlik va boshqa addiktsion holatlar faqat individual yoki ijtimoiy sabablar bilan emas, balki ularning kompleks o‘zaro ta’siri bilan bog‘liqdir. Masalan, genetik moyillik, harbiy xizmatda ko‘rilgan travmalar, do‘stlar va qo‘mondonlar bilan bo‘lgan munosabatlar — barchasi addiktiv xulq shakllanishiga hissa qo‘shadi. Ko‘plab rivojlangan davlatlarda harbiy xizmatchilar uchun maxsus psixologik va reabilitatsiya markazlari mavjud. Masalan: AQShdagi VA markazlari giyohvandlik va alkogolga qaramlikni davolash bo‘yicha maxsus terapiya uslublarini ishlab chiqqan; Kanadadagi

OSISS dasturi esa xizmatda bo‘lgan harbiylarini bir-birlari bilan aloqa o‘rnatib, psixososial yordam metodiga tayanadi; Buyuk Britaniyada esa "Combat Stress" nodavlat tashkiloti orqali bepul va maxfiy psixoterapevtik yordam ko‘rsatiladi. Xorijiy davlatlarning Qurolli kuchlarida addiktiv xatti-harakatlarning oldini olish maqsadida quyidagi chora-tadbirlar amalga oshiriladi:

- ✓ Mental salomatlik bo‘yicha majburiy treninglar;
- ✓ Psixologik skrining tizimlari;
- ✓ Yordamga muhtoj harbiylarni erta aniqlash tizimlari.

Bunday yondashuv orqali xorijiy tajriba asosida harbiy xizmatdagi xavfli psixologik omillarni nazorat ostiga olish imkonini beradi. Xorijiy psixologiya tajribasi harbiy xizmatchilar orasida addiktiv xatti-harakatlar muammosiga ilmiy va tizimli yondashish zarurligini ko‘rsatadi. Bunda muammoni faqat jazolash yoki cheklovlar bilan emas, balki psixologik yordam, ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash va ta’lim orqali hal qilish mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Rozikova M., Aliyeva K. Psixologik tashxis metodikalari . - T., 2013. - B. 16
2. Umarov B.M. Muloqot va shaxslararo munosabatlar psixologiyasi. //uslubiy qo'llanma. - T. - 1998, 46-bet.
3. Umarov B.M. Tarbiyasi qiyin bolalar bilan ishlashda psixologik xizmatning o'rni. //uslubiy qo'llanma. - T. - 2008, 86-bet.
4. www.expert.psychology.ru
5. www.psycho.all.ru

Карабаев Суннатулла Шукуржанович
Заместитель начальника управления по боевой и специальной подготовке центрального аппарата Национальной гвардии Республики Узбекистан

О НОВЫХ ТЕХНОЛОГИЯХ И ТАКТИКАХ, ПРИМЕНЯЕМЫХ В ПРОТЕСТНЫХ АКЦИЯ И МАССОВЫХ БЕСПОРЯДКАХ

Анализ протестов, происходящих в последние годы, показывает, что методы, формы и тактика проведения протестов значительно изменились. Протестующие используют различные методы и средства для дезориентации правоохранительных органов, а также для организации и направления протестных действий. В 2019-2020 годах по миру прошли несколько волн массовых народных выступлений. Так, например, в Гонконге (протесты против закона об экстрадиции в материковый Китай), Франции («желтые жилеты»), Белоруссии (против результатов президентских выборов) и т.д.

По мнению экспертов, в Гонконгских протестах наблюдались значительные различия от предыдущих протестов. У движения против местного правительства не было явных лидеров, толпа на первый взгляд самоорганизовывалась и не управлялась извне. Активисты, которые руководили толпой были надежно скрыты с помощью современных технологий. В отличие от прежних демонстраций, им не было нужды быть в первых рядах или кого-то посылать на баррикады. Теперь протестом можно было управлять дистанционно, и это случилось впервые в новейшей истории.

Кроме того, для затруднения определения зачинщиков толпы демонстранты в противогазах и оранжевых шлемах одевали черную одежду. Помимо масок и черных футболок, одним из самых популярных товаров в Гонконге за время протестов стали SIM-карты, привезенные из-за рубежа. При этом выбирались SIM-карты стран, где при покупке не так важны паспортные данные, а дата-роуминг с Гонконгом стоил недорого. По оценкам местных операторов, в Гонконге летом 2019 г. SIM-карт стало больше примерно на 15-20 тысяч, и все они били в роуминге. Активистов и организаторов можно было узнать по тому, что они использовали роутеры, раздающие бесплатный интернет, также отправляющие пуш-сообщения с той или иной информацией.

Несмотря на блокировку Интернета, в Гонконгских протестах мобилизация и управления происходила через интернет-мессенджеры.

Например, у Telegram-каналов, гораздо выше процент просмотра сообщений, чем у классических соцсетей, в которых он может быть варьироваться от 15 до 70%. Вовлеченность же пользователей Telegram-каналов достигала 80%. При этом оппонент получает сообщение прямо на экран блокировки, напрямую, ему не нужно входить в приложение, вводить логин и пароль. Это позволяло доносить сообщение своей целевой аудитории максимально эффективно. Еще одной причиной популярности Telegram-каналов стали инструменты, которые позволяли обходить блокировки. Порой наблюдались проблемы в работе мессенджера, однако он все же работал. Во время акций в Гонконге аудитория мессенджера достигла 1,7 млн, то есть около 23% населения города.

По заявлению правоохранительных органов Гонконга, после блокирования Интернета протестующие адаптировали технологию AirDrop от Apple для рассылки на устройства вокруг информацию о протестах. При этом нет надобности задействовать сотовую сеть, информация передается от одного устройства к другим. Кроме того, во избежание столкновения с правоохранительными органами демонстранты использовали приложение «HKmap Live».

Вместе с тем, по словам силовиков, на территории Китайского университета протестующие изготавливали и складировали вооружения, такие, как самодельные бомбы, бутыли с зажигательной смесью, луки, стрелы и катапульты. Эта тенденция начала распространятся и на другие университеты города. Впервые использование бомб было замечено 14 октября 2019 года; бомба сработала дистанционно с мобильного телефона, когда полицейская машина проезжала примерно в 2 метрах. Полиция арестовала нескольких подозреваемых, участвовавших в изготовлении взрывных устройств, а также обезвредила бомбы, спрятанные в различных местах.

Для облегчения связи и формирования цепей для перевозки грузов протестующие разработали единый язык жестов. По мере того, как протесты продолжали нарастать, а полиция начала использовать различное вооружение для борьбы с беспорядками, активисты модернизировали свои импровизированные механизмы, начав применять доски для серфинга в качестве щитов. На них также были средства защиты, включая термостойкие перчатки и респираторы. Стоит отметить, что во время демонстраций протестующие также играли разные роли. Мирные демонстранты скандировали лозунги,

передавали припасы и вызывались в качестве медиков, в то время как передовые возглавляли атаку, тушили слезоточивый газ водой или нейтрализовали их, используя такие предметы, как дорожные конусы и кухонные принадлежности.

Специалисты обратили внимание на тот факт, что в столкновении с полицией протестующие использовали десятки мощных лазеров для отвлечения силовиков, распыляли краску на камеры наблюдения и раскрывали зонтики, чтобы защитить и скрыть личность группы в действии и избежать распознавания лиц. Кроме того, при использовании метро или общественного транспорта, они часто готовили сменную одежду для других активистов, а также оставляли деньги на покупку одноразовых билетов во избежание отслеживания с помощью карт «Octopus» (проездные карты).

Как утверждают многие эксперты, практика, наблюдаемая в 2019 году в Гонконгских протестах, в той или иной форме присутствовала и в Беларуси. В первую очередь, граждане научились обходить блокировки Интернета при помощи самых различных инструментов: пользователи применяли VPN и анонимайзеры, например, «Psiphon». Участникам протеста также предлагалось использовать Mesh-сети (приложение «Bridgefy»), чтобы общаться друг с другом напрямую, в случае отсутствия Интернета.

Телеграм-каналы и телеграм-чаты, которые работали даже в условиях ограниченной доступности Интернета, активно использовались для координации действий и передачи информации о местоположении сил ОМОНа. При этом более сложные краудсорсинговые решения для сбора данных практически не были использованы (за исключением простых карт на базе «Google Maps»). Несколько позже появилась краудсорсинговая «Карта народных протестов и забастовок предприятий».

В ответ на жесткие действия властей белорусы проводили протесты в новом формате. Координация осуществлялась в районных онлайн-чатах, жителям предлагалось выходить во дворы, на площади, к местным магазинам и торговым центрам. В ряде мест митингующим рекомендовали собраться в колонны и «прогуляться» по районам, избегая при этом центра и крупных проспектов, чтобы минимизировать число задержаний. Новая тактика локального протеста оказалась не очень удобной для силовиков. Как отмечают эксперты, «Локальный протест» имеет свои преимущества – не надо идти или ехать через весь

город к месту сбора, можно присоединиться к нему, просто выйдя из дома. Обозреватели насчитали порядка 60 отдельных акций.

Между тем во время протестов во Франции зародилось самое известное спонтанное протестное движение без выраженного лидера. Это усложняло переговоры сторон для урегулирования ситуации. В дни протестов «желтых жилетов» по Франции проходило сотни акций. У полицейских были ограниченные ресурсы, они начинали нервничать, что не способствовало мирному проведению демонстраций. Протестующие не предупреждали полицейских о протестах, что приводило к дезориентации полицейских силовиков.

Как отмечали в местных СМИ, кризис «желтых жилетов» лишил полицию на много месяцев выходных, служебная нагрузка и моральное давление многократно возросли. Как сообщил профсоюз Национальной полиции, из-за еженедельных демонстраций «желтых жилетов» сотрудники правоохранительных органов находились в состоянии моральной и физической усталости.

Полицейские также подвергались давлению со стороны средств массовой информации и публикаций в соцсетях. Глава МВД Франции Жеральд Дарманен сообщал, что следует запретить средствам массовой информации распространять фотографии и видео с участием полицейских, на которых их лица не были бы размыты, сославшись на быстрое распространение в интернете фотографий и видео, запечатлевших задержания людей в ходе протестов «Желтых жилетов».

О тяжелой обстановке в полиции говорила и резко возросшее число самоубийств. С начала года зарегистрировано почти 60 случаев среди полицейских. Виной всему, считают в профсоюзе, — плохие условия работы. К примеру, в Париже полицейский набросился с ножом на своих коллег и зарезал четверых. Мотивы нападения неизвестны.

Еще одна особенность протестов «нового типа»: движение «желтых жилетов» открыто поддержали несколько лидеров основных политических партий и политических движений: от левых (Жан-Люк Меланшон и Оливье Безансон) и центристских (Жан Лассаль) до правых (Лоран Вокье и Марин Ле Пен).

В целом, прошедшие протесты за последние два года показали, что протестующие меняют методы и тактику действий. Это в свою очередь затрудняет действия правохранительных органов при пересечении протестов. В связи с этим своевременное изучение и анализ принимаемых мер по пресечению протестов зарубежных стран поможет

в будущем правительству и органам правопорядка каждой страны разработать результативные действия по противодействию и пересечению протестных акций.

Список используемой литературы и ресурсов сети Интернет:

1. Особенности гонконгских протестов. 19 августь 2019г. https://grtribune.org/osobennosti-gonkongskih-protestov/

2. Эльдар Муртазин. Технологии в гонконгском протесте – детали того, как организован протест. 20 августа 2019 г. https://mobile-review.com/articles/2019/hk-protest.shtml

3. Франция: движение «жёлтых жилетов» – год спустя. Научно-аналитический вестник ИЕ РАН. 2019. № 6 (12). С. 132–137. https://www.perspektivy.info/oykumena/europe/francija_dvizhenije_zholtyh_zhiletov_god_spusta_2020-01-20.htm

4. Тактика и методы, связанные с протестами в Гонконге 2019–2020 годов - Tactics and methods surrounding the 2019–2020 Hong Kong protests.
https://ru.abcdef.wiki/wiki/Tactics_and_methods_surrounding_the_2019%E2%80%9320_Hong_Kong_protests

5. https://sputnik.by/incidents/20200926/1045764998/Kak-proshli-aktsii-protesta-v-Minske-v-subbotu.html.

6. Bealey F. Stability and Crisis: Fears About Threats to Democracy // European Journal of Political Research. 1987. Vol. 15. № 6. P. 687.

7. Соловьев А.И. Политическая стабильность в социокультурном измерении: российские иллюстрации // Государственное управление. Электронный вестник. 2003. Выпуск 1

Усмонов Бекзод Абсаломович
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

ФИРИБГАРЛИК НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

Конституциямизнинг 54-моддасига мувофиқ мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи фақат шу мулкнинг эгасига тааллуқли. Шунинг учун мулкий ҳуқуқни амалга оширишга ҳар қандай ноқонуний аралашиш ушбу ҳуқуқнинг жиддий бузилишига сабаб бўлади ва жиноий жавобгарликни тақозо этади.

Қабул қилинган қонунлар билан фирибгарлик жиноятлари учун жазонинг содир қилинган жиноятга мутаносиблигини таъминлашга, бундай қилмишларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги оширилди. Жумладан, фирибгарлик жиноятини содир қилганлик учун максимал жазо муддати кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддасига мувофиқ, Фирибгарлик,яьни алдаш ёки ишончни суиистеьмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш уч йилгача, анча миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса уч йилдан беш йилгача, кўп миқдорда, такроран ёки хавфли ресидивист томонидан содир этилган бўлса беш йилдан саккиз йилгача, жуда кўп миқдорда, ўта хавфли ресидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади[263] Жиноятнинг бевосита обьекти — ўзганинг мулки ёки мулкий ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлардир.

Фирибгарликнинг предмэти мулкдан ташқари юридик категория сифатида ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқ, мулкка бўлган алоҳида ваколатлар (масалан, айбдор уйда яшаш ҳуқуқини қўлга киритиши мумкин) ҳисобланади. Бу ҳуқуқлар турли хил ҳужжатларда, масалан, васиятнома, суғурта полиси, муайян бойликларни олиш учун ишончнома, турли хил қимматли қоғозларда мустаҳкамланган бўлиши мумкин.

[263] Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 168-моддаси

Обектив томондан фирибгарлик алдаш ёки ишончни суистеьмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкий ҳуқуқини эгаллашдан иборат. Ушбу жиноятнинг ўзига хослиги шундаки, ташқи тарафдан мулкдор томонидан мулкни «ихтиёрий» равишда бериш ёки бегоналаштириш ва жиноятчига ўтказиш кузатилади. Айнан алдаш ёки ишончни суистеьмол қилиш мулкдорда ёки мулкнинг бошқа қонуний эгасида мулкни ёҳуд мулкий ҳуқуқларни жиноятчига ўтказиш фикрини туғдиради. Шу усулда жабрланувчининг онги ва ихтиёрига таьсир этиш ёки унинг ишончини суистеьмол қилиш орқали фирибгар мулкни ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига ўтказиш мақсадига эришади. Бу ерда алдаш ёки ишончни суиистеьмол қилиш талон-торож қилишнинг зарурий усули сифатида гавдаланади.

Алдаш деганда, мол-мулк эгаси ёки мол-мулк ишониб топширилган шахснинг ўзи уни фирибгарга ихтиёрий равишда, ўз хоҳиши билан беришига эришиш мақсадида, жабрланувчини чалғитиш учун айбдор шахс томонидан ҳар қандай фактни бузиб кўрсатиш ёки ҳақиқатни яшириш ёхуд била туриб ёлғон маьлумотларни хабар қилиш тушунилади.

Алдаш биринчи навбатда шахснинг онгли равишда ўзгага нотўғри маьлумотларни тарқатишида ифодаланади. Алдаш фирибгарлик билан талон-торож қилиш усули сифатида айбдорнинг ҳақиқий мақсадларига (масалан, мулкни қайтариб бермаслик мақсадида қарзга олиш); предметга, унинг нархи, миқдори ва сифатига (рангли металлардан фойдаланган ҳолда тилла буюмлар сифатида ҳар хил нарсалар ишлаб чиқариш, тўлиқ бўлмаган товарни тўлиқ нархида сотиш) тааллуқли бўлиши мумкин. Алдаш, шунингдек, фирибгарнинг шахси, унинг мансаби ва ижтимоий мавқеи, касбига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин (масалан, шахс ўзини солиқ инспексияси ходими сифатида таништиради ва солиқ тўловлари сифатида пул маблағларини олади).

Айбдор фирибгарликни содир этишда сохта ҳужжатлардан фойдаланса, унинг қилмиши фирибгарлик таркиби билан қамраб олинади ва у ЖК 209-моддаси (Мансаб сохтакорлиги) ёки 228-моддаси билан қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди. Бироқ, фирибгарлик ҳаракатларини содир этиш мақсадида айбдор шахснинг ўзи ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрласа, уларни қалбакилаштирса, унинг қилмишлари жиноятлар жами бўйича Жиноят кодексининг 168 ва 228-моддалари (Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан

фойдаланиш) билан квалификация қилиниши лозим. Шунга эътибор бериш лозимки, агар сохта ҳужжат (касаллик варақаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, маьлумотнома ва ҳоказо) фирибгар томонидан тайёрланмаган бўлиб, у бошқа шахс томонидан тайёрланиб, ушбу шахс ҳужжатдан талон-торож қилишда фойдаланишини билган бўлса, унда бу шахс нафақат ҳужжатларни қалбакилаштирганлик учун, балки фирибгарлик орқали талон-торож қилишда ёрдамчи сифатида жавобгарликка тортилади.

Фирибгарлик ҳаракатларини содир этишда айбдор ўзини бошқа шахс сифатида (давлат ҳокимият органи расмий вакили кийимини кийиш ёки ҳокимият вакилининг гувоҳномасини қалбакилаштириш) намоён қилиш орқали ўзганинг мулкини қўлга киритиши мумкин.

Ишончни суистеьмол қилиш деганда айбдор шахс томонидан ўзганинг мулкини қонунга хилоф равишда ўз фойдасига олиш учун ўзи ва мулк эгаси ёхуд мулк эгалиги ихтиёрида турган шахс ўртасидаги алоҳида, ўзаро ишончга асосланган муносабатлардан қонунга хилоф равишда мулкни ўз фойдасига олиш учун фойдаланиши тушунилиши лозим. Одатда, ишончга асосланган муносабатлар фирибгар ва жабрланувчи шахс ўртасида прокат, ижара, олди-сотди, топшириқ шартномаси ва ҳ.к.ларда вужудга келиши мумкин. Фирибгар ниятига эришиш учун хизмат, қариндошчилик, дўстлик муносабатларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Фирибгарлик ўзганинг мулки қўлга киритилган ва айбдорда ўз ихтиёрига кўра талон-торож қилинган мулкни тасарруф этиш имконияти пайдо бўлган пайтдан бошлаб тугалланган жиноят ҳисобланади.

Агар шахс алдаш ёки ишончни суистеьмол қилиш йўли билан ақли норасо шахснинг ёхуд ўзига нисбатан содир этилган ҳаракатларнинг хусусиятини тушунмайдиган ёш боланинг мулкини қўлга киритиб олса, айбдор фирибгарлик учун эмас, балки ўғрилик учун жиноий жавобгарликка тортилиши керак.

Субектив томондан фирибгарлик тўғри қасддан ғараз мақсадда содир этилади, ғараз мақсаднинг мавжудлиги фирибгарликнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Олий суд Пленумининг «ўзгалар мулкини ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорида «айбдор томонидан содир этилаётган воқеани тушуниб этиш қобилиятига эга бўлмаган (масалан, ёши жуда

кичиклар, руҳий жиҳатдан ақли норасолар, алкоголдан ёки наркотик моддалардан кучли мастлик даражасида бўлган ёки ухлаб қолган) шахсларнинг мулкини ўғирлаш ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш деб тавсифланиши керак»[264]]

Айбдор ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида жабрланувчини чалғитаётганлигини ёки била туриб ишончини суистеьмол қилаётганлигини англаб этади ва бунинг содир этилишини хоҳлайди. Шунингдек, ушбу жиноий қилмишни айбдор мулкий фойда олиш ва бойиб кетиш мақсадида содир этади, ғараз мақсаднинг мавжудлиги фирибгарликнинг зарурий аломати ҳисобланади, шу билан бирга, агар мулкни алдаш йўли билан ғаразли мақсадларсиз эгаллаган бўлса (масалан, бошқа шахснинг номидан ойлик иш ҳақини унга бериб қўйиш мақсадида олиш), қилмишни фирибгарлик сифатида квалификация қилиб бўлмайди.

«Бу ўринда ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсади нафақат мулкий битимларни амалга оширишдан олдин, балки уларни бажариш жараёнида ҳам пайдо бўлиши мумкинлиги эътиборга олиниши лозим. Баён қилинганлардан келиб чиқиб, узрли сабабларга кўра қарзни ўз вақтида қайтармаган ва ўзганинг мулкини текинга қўлга киритиш мақсади бўлмаган шахснинг ҳаракатини фирибгарлик деб баҳолаб бўлмайди»[265] .

Фирибгарлик жиноятининг субекти 16 ёшга тўлган, ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўла олади.

Суд-тергов амалиётида фирибгарликни ўғирликдан фарқлашда айрим қийинчиликлар мавжуд. Фирибгарликни содир этишда алдаш ёки ишончни суистеьмол қилиш ўзганинг мулкини қўлга киритиш усули бўлиб хизмат қилади, ўғирлик содир этишда алдашни қўллаш ўғирланадиган нарсани қўлга туширишни енгиллаштириш воситаси ҳисобланади. Фирибгарлик содир этилганда жабрланувчи шахс мулкни

[264] [Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкини ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991—2006, 1-жилд. — Т.: «ўқитувчи» НМИУ, 2007. — 221-б.

[265] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2002 йил 25 октябрдаги 28-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) // Тўплам, 1-жилд. — 119-б.

ёки мулкий ҳуқуқни фирибгарга ўз ихтиёри билан топширади, ўғирликда эса айбдор шахс уни мулк эгасининг ёки мулк кимнинг ихтиёрида турган бўлса, ўша шахснинг рухсатисиз яширин равишда талон-торож қилади. Фақат ўзганинг мулкигина ўғирлик предмэти бўлиши мумкин, фирибгарлик предмети эса ўзганинг мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқи ҳам бўлиши мумкин.

Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисмида фирибгарлик содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган:

а) анча миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) компютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса.

Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида фирибгарлик содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган:

а) кўп миқдорда;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса.

Шарҳланаётган модданинг 4-қисмида фирибгарлик содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса.

Жиноят кодексининг 168-моддаси 5-қисмида рағбатлантирувчи норма назарда тутилган бўлиб, унга кўра, агар айбланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган тақдирда, озодликни чеклаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар қўлланилмайди. Жиноят кодексида моддий зарар қанча миқдорда қопланиши лозимлиги кўрсатилмаган, бироқ моҳиятидан моддий зарар тўла ҳажмда қопланиши келиб чиқади.

Кейинги пайтларда аҳоли ўртасида турли фирибгарлик ҳолатлари кўп учрамоқда. Бундай фирибгарликлар нафақат шахс моддий қимматликларига, балки фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳамда эркинликларининг поймол бўлишига олиб келмоқда.

Фирибгарликка қарши курашда барчамиз эга бўлган энг катта қурол бу билимдир.

Ҳар қандай жиноятчиликка қарши курашнинг энг самарали услуби бу жиноятнинг олдини олиш ҳисобланади. Оҳирги йилларда фирибгарлик жиноятининг ортиб, турли кўринишга эга бўлаётганлиги кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Маълумки фирибгарлик жиноятларини содир этиш сабабларини аниқлаб, унга имкон бераган шарт-шароитларни ўрганиб, жиноятнинг олдини олишда ички ишлар органлари билан бирга барча жамоатчилик ташкилотлари ҳам бирдек маъсулдир.

Ҳар қандай жиноятчиликка қарши курашнинг энг самарали услуби бу жиноятнинг олдини олиш ҳисобланади. Оҳирги йилларда фирибгарлик жиноятининг ортиб, турли кўринишга эга бўлаётганлиги кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Маълумки фирибгарлик жиноятларини содир этиш сабабларини аниқлаб, унга имкон бераган шарт-шароитларни ўрганиб, жиноятнинг олдини олишда Миллий гвардия, Ички ишлар органлари билан бирга барча жамоатчилик ташкилотлари ҳам бирдек масъулдир.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу турдаги жиноятни олдини олиш мақсадида барча давлат органлари вакиллари билан биргаликда маҳалла фуқаролар йиғини ва ҳудудлардаги профилактика инспекторлари томонидан, маъмурий худудда жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалар, таълим муассасаларида, аҳоли ва кенг жамоатчилик ўртасида фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш бўйича тарғибот – ташвиқот ишларни жадаллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси;

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкини ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан)// Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991—2006, 1-жилд. — Т.: «Ққитувчи» НМИУ, 2007. — 221-б.

3. “Фирибгарлик жиноятларини барвақт олдини олиш ҳудуд методикаси” методик ва амалий қўлланма 2019 йил.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни

қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2016 йил 27 декабрь, 26-сон қарор

Пўлатов Мунаввархон Маъруфжонович
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАНИШИ (ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ)

Ҳарбий хизматчилар моддий жавобгарлигини ўрнатиш, аввало ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштиришни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан бу борасида қонунчилик асосларини ишлаб чиқишда 2023 йилда норма ижодкорлиги йўналишида улкан саъй-ҳаракат бошланди. Яъни, Республика Президентининг 2023 йил 13 мартдаги ПФ-34-сон фармони 6-бандида қўйилган раҳбарий топшириққа мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг “Ҳарбий хизматчилар мақоми ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси тайёрланди [1].

Қонун мақсади ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирлик ва идоралар ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги ва ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ чекловларни, шунингдек ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматдан бўшатилган фуқаролар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, лойиҳанинг 3-боби (Ҳарбий хизматчиларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги) 29-32-моддаларида чекловлар ва юридик жавобгарлик турлари белгиланди.

М.Нурматов қайд этганидек, ҳарбий хизматчилар қонунчиликда белгиланган асослар ва тартибда интизомий, маъмурий, жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий ва моддий жавобгарликка тортилиши мумкин, деб ўрнатилди [2].

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан 2020 йилда “Давлатга етказилган моддий зарарни ҳарбий хизматчилар томонидан қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Вазирлар Маҳкамаси қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали - regulation.gov.uz. сайтига ID-23296 рақам билан муҳокамага чиқарилган 19 та банддан иборат мазкур лойиҳа бўйича бирон та таклиф билдирилмади ва норма ижодкорлиги ўз ҳаракатидан тўхтади. Аслини айтганда, бу лойиҳада ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлигини амалга ошириш

механизми бўйича ҳеч қандай янгилик мавжуд бўлмасдан, шунчаки амалдаги эски низом қоидаларини такрорлаган эди, холос.

2006 йилда МВ, ИИВ, ФВВ ва МХХнинг қўшма қарорлари билан “Давлатга етказилган зарар учун ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги вақтинчалик Низом”да *моддий жавобгарликка тортиладиган субъектлар, жавобгарлик келтириб чиқарувчи ҳуқуқбузарлик таркиби, объектив ва субъектив белгиларини аниқлаш, жавобгарлик турлари ва шаклларини ўрнатишга оид муайян нормалар киритилган эди* [3].

Жумладан, моддий жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқбузарлик таркиби ва аломатлари низом доирасида умумий тарзда келтирилди. Унга кўра оддий аскар, сержант ва офицерлар таркиби лавозимларида чақирув ёки шартнома бўйича Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар моддий жавобгарлик суъекти этиб кўрсатилди. Моддий жавобгарликнинг асосий шарти сифатида эса давлатга етказилган ҳақиқий зарар келиб чиқиши зарурлиги белгиланди.

Ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги улар хизмат қилаётган вазирлик ва идоралар фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунчиликда ҳам белгиланган. Масалан, Миллий гвардия ҳарбий хизматчисининг қонунга хилоф ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни Миллий гвардиянинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланиши қонунда кўрсатилиб (49-модда), ушбу сумма кейинчалик айбдор шахсдан ундириб олиниши таъкидланган [4].

Ҳудди шу мазмундаги қоидалар “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати тўғрисида”ги қонуннинг 43-моддаси [5], “Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлиги хизмати тўғрисида”ги қонун 44-моддасида ўрнатилган [6].

Ҳарбий хизматчилар моддий жавобгарлигининг асосий шартларидан бири шундаки, жавобгарликка оид ҳуқуқий муносабатлар асосан ички хизмат ўташ тартибида, яъни низом, буйруқ ва лавозим йўриқномаларида кўзда тутилган хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида содир этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2025 йил 14 февралда ПФ-23-сон Фармони билан янгидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий низомлари”да ҳарбий

хизматчиларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришда тааллуқли бўлмаган вақтда етказилган зарарлари учун умумфуқаровий қонунчиликда белгиланган тартибда мулкий жавобгарликка тортилиши қайд этилган. Шу жумладан, Ички хизмат низомининг 12-бандига кўра қуйидагилар хизмат мажбуриятларини бажариш деб эътироф қилинмайди:

ўзини гиёҳванд моддалар, психотроп ёки бошқа моддалар билан маст ҳолатга келтирган бўлса;

жиноят содир қилган бўлса, ўз жонига қасд суиқилганда;

ҳарбий қисм ҳудудидан ташқарида дам олаётганда, таътилга чиққанда ёки рухсат (жавоб) олганда;

ҳарбий қисм ҳудудидан ёки хизмат жойидан рухсатсиз, ўзбошимчалик билан чиқиб кетгандаги ҳолатлар ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этиш деб тан олинмайди [7].

2021 йил 30 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-718-сон қонунда ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажармаётган пайтда етказилган моддий зарарлар учун ҳарбий хизматчиларнинг, курсантлар, ҳарбий йиғинларга чақирилган шахсларнинг жавобгарлиги фуқаролик қонунчилигига мувофиқ ҳал этилиши ўрнатилган [8]. Ушбу ҳолатда моддий зарарни ундириш тартиби фуқаролик ҳуқуқи ва фуқаролик процесси қоидаларига биноан амалга оширилади.

Бундан ташқари, ҳарбий хизматчи ва ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан етказилган моддий зарарни фуқаровий тартибда ундирилиши “Давлатга етказилган зарар учун ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги вақтинчалик Низом”да алоҳида ҳолатлар ўрнида келади. Масалан, низомнинг 22-бандига кўра етказилган зарарни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар ҳарбий хизматчи захирага бўшатилган ёки истеъфога чиқарилган ёхуд ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий йиғинлар тугагандан сўнг яшаш жойига кетган ҳолларда командир (бошлиқ) ушбу шахсларга нисбатан етказилган зарар пул суммаси миқдорида умумфуқаровий тартибда уларнинг доимий яшаш манзилидаги фуқаролик ишлари бўйича туман (шаҳар) судларига даъво аризасини тақдим этиши лозим бўлади.

Т.Шарифов ўз илмий ишида судларда моддий зарарга оид ишларни кўриб чиқиш жараёнини таҳлил қилиб, даъволи ва даъвосиз турларга ажратади ва суд жараёнини зарарни қоплатишнинг қулай ва адолатли усули деб ҳисоблайди [9].

Моддий зарарни ундириш ҳақидаги низолар даъво хусусиятига эга бўлгани учун судларда ишларни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси бўйича белгиланади. Фуқаролик процессуал кодекснинг 34-моддасида "…юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар зарар етказилган жойдаги судга ҳам тақдим этилиши мумкин" деб белгиланган [10].

Давлатга зарар етказган ҳарбий хизматчи жиноий жавобгарликка тортилган ҳолларда ҳарбий қисм ёки муассаса командири унга қарши қопланмаган зарар суммасини фуқаролик даъвосини билдириш орқали тўлиқ ундириши лозимлиги бошлиқ мажбурияти сифатида ўрнатилган. Шу боисдан одатда жиноят ишларини тергов қилиш чоғида ҳарбий қисм ҳарбий прокуратура томонидан фуқаровий даъвогар сифатида ишга жалб қилинади.

Суд амалиётига кўра, ҳарбий хизматчилар томонидан етказилган моддий зарарни ундиришга доир ишлар нафақат фуқаролик ишлари бўйича судларда, шунингдек ҳарбий судлар ҳам кўриб чиқилиши мумкин. "Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги низом 8-моддасида "ҳарбий судлар жиноят ишлари билан бирга ҳарбий қисмлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг ва фуқароларнинг жиноятлар туфайли ўзларига етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги фуқаролик даъволарини ҳам кўриб чиқади" деб ҳарбий судлар ваколатига берган [11].

Бизнингча ҳарбий хизматчилар томонидан давлатга етказилган моддий зарарни ундириш бўйича ишлар барча ҳолларда ҳарбий судларда кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Бироқ, суд статистикасига кўра 2021-2024 йилларда ҳарбий судларда ҳарбий хизматчиларнинг давлатга кўплаб моддий зарар келтириб чиқарган жиноятларига оид ишлар кўрилган бўлсада, зарарни ундириш бўйича даъво аризалари қаноатлантирилган ёки рад қилинганлигига, алоҳида тартибда фуқаролик даъвоси киритилганми-йўқми маълумотлар тизимли мавжуд эмас.

Таъкидлаш жоизки, ҳарбий хизматчилар моддий жавобгарлигининг ўзига хос шартлари ва хусусиятларидан яна бири шундаки, Ўзбекистон Республикасининг бошқа вазирлик ва идораларига белгиланган тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ишга юборилган ҳарбий хизматчилар ҳам бевосита хизмат

ўтаётган (ишлаётган) жойидаги ўрнатилган тартиб-қоида бўйича эмас, балки ҳарбий қонунчилик бўйича моддий жавобгарлиги сақлаб қолиниши лозим. Бу ҳарбий хизматчилар моддий жавобгарлигининг ўзига хослигини намоён қилади.

Моддий жавобгарлик чорасини қўлаш асосий шартларидан бири - ушбу масала бевосита қўмондон (бошлиқ) ваколати доирасида ҳал этилиши ҳисобланади. Муайян ҳарбий хизматчини моддий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорни чиқариш ҳарбий мансабдор шахс - командирга (бошлиққа) оғир масъулият юклайди. Шу сабабли илмий назарияда олимлар қайд этганидек, моддий жавобгарликни белгилашда қуйидаги асосий шартлар мавжудлигини аниқлаш зарур:

биринчидан, давлатга ҳақиқий моддий зарар етказилгани;

иккинчидан, келиб чиққан моддий зарар ва ҳарбий хизматчининг ҳатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ўртасида сабабий боғлиқлик мавжуд бўлиши;

учинчидан, ҳарбий хизматчи ҳатти-ҳаракатларининг ноқонунийлиги ва айблилик масаласи;

тўртинчидан, зарар айнан хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида етказилган бўлиши талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлигига оид қонунчилик таҳлили юзасидан хулоса қилиш мумкинки, бу борадаги қонунчилик ислоҳотлари ҳамон якунига тўлиқ етмаган, ишлаб чиқилиши талаб этиладиган нормавтив-ҳужжатлар, баратараф этилиши лозим бўлган бўшлиқлар, шунингдек такомиллаштириш эҳтиёжи мавжуд бўлган айрим жиҳатлари ҳануз сақланиб келинмоқда.

Хусусан, давлатга етказилган моддий зарарларни ҳарбий хизматчилардан жиноят процессуал (жиноят ишида фуқаровий даъво тартибида), фуқаролик-процессуал (алоҳида даъво ишини юритиш), шунингдек ҳарбий қонунчилик асосида маъмурий-ҳуқуқий тартибда қоплаш усуллари ушбу масалада хилма-хил ёндошувларга, ягона тизим мавжуд эмаслигига олиб келмоқда. Давлатга етказилган моддий зарарни ундиришга оид ишлар ҳарбий судлар, фуқаролик ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари томонидан кўриб чиқилаётгани натижасида қонунчиликда ҳар бир вазиятда қайси бир судга мурожаат қилиш лозимлигини аниқ чегараланмаганини амалиёт кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагича хулосаларга келамиз:

биринчидан, ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги – бу ҳарбий хизматчи давлат олдида ўз ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида ҳарбий қисм ёки муассасага етказилган моддий зарарни тўлиқ ва (ёки) қисман нақд қоплашни назарда тутадиган юридик жавобгарликнинг махсус туридир.

иккинчидан, фуқароларга қараганда ҳарбий хизматчиларга нисбатан қонунчилик билан қўйилган ҳуқуқий чекловлар кўпроқ бўлганлиги сабабли, ҳарбий хизматчиларнинг юридик жавобгарлиги доираси алоҳида ажралиб туради. Бинобарин, МЖтК 16-моддасига кўра мазкур шахслар ижро ҳужжатини ижро этмаганлиги, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунчиликни, йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини, божхона қоидаларини бузганлиги учун умумий асосларда маъмурий жавобгар бўлади. Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларига жарима солиниши мумкин эмас;

учинчидан, қонунчиликда ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарликдан озод қилишга асос бўлган ҳолатлар етарлича шакллантирилмаган. Шунга кўра, ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлигини истисно қилувчи қуйидаги ҳолатларни қонунчиликда жорий қилиш таклиф этилади:

Зарар, агар:

охирги зарурат ҳолатида;

зарурий мудофаа ҳолатида;

ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни ушлашда, ушлаб туришда ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга етказиб келтиришда;

шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга доир ҳаракатларни амалга оширишда;

қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлашда (жамоат тартибини сақлашда) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига ёки бошқа шахсларга ёрдам кўрсатишда;

суд томонидан ҳарбий хизматчи ҳаракатлариннг шахс, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб содир этилган деб топилганда;

енгиб бўлмас куч (форс-мажор ҳолатлари) оқибатида етказилган бўлса, ҳарбий хизматчилар моддий жавобгарликдан озод қилинади.

тўртинчидан, ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлик асослари "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонуннинг 4 та моддасида назарда тутилган бўлиб, етказилган зарарни аниқлаш, ҳисоблаш ва қоплаш тартиби 2006 йилдаги МВ, ИИВ, ФВВ ва МХХнинг қўшма қарорлари билан тасдиқланган "Давлатга етказилган зарар учун ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги вақтинчалик Низом"га мувофиқ юритилади. Бироқ, ушбу низом қоидалари бугунги кунда эскирган бўлиб, бу борада янги процессуал механизмларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Бу борадаги халқаро тажрибанинг кўрсатишича, айрим МДҲ давлатларида (масалан Россия, Туркманистонда) "Ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинган. Шунга асосан, ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлигига оид қоидаларни *"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонуннинг* VIII[1] бўлимидан чиқариб ташлаб, Ўзбекистон Республикасининг "Ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисида"ги қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 мартдаги "Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-34-сон фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.03.2023 йил, 06/23/34/0139-сон.

2. Нурматов М.М. Ўзбекистон Республикасида ҳарбий хизматчилар мақомининг назарий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Harbiy xizmatchilarning huquqiy maqomini takomillashtirish istiqbollari mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. Тошкент: ЖХУ, 2023. – 122 б.

3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 27-сон, 257-модда.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида"ги ЎРҚ-647 сон қонуни. "Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси", 19.11.2020 йил, 03/20/647/1569-сон.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида"ги

ЎРҚ-471-сон қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2018 йил, 03/18/471/1022-сон.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 6 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-700-сон қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 03/21/700/0637-сон; 21.09.2024 й., 03/24/963/0735-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий низомларини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-23-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.02.2025 йил, 06/25/23/0168-сон.

8. “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.09.2021 йил, 03/21/718/0920-сон.

9. Шарифов Т. Правовое регулирование иска в уголовном судопроизводстве по делам о преступлениях, совершенных военнослужащими*: автореф…дисс. канд. юрид. наук. - Москва, 2005 г. – 9 с.*

10. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 йил, 02/18/0612-сон.

11. “Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги низом. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 йил, 03/21/703/0723-сон.

Нуралиев Мурод Маъруфович,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА ДАЛИЛЛАРНИ ПРОЦЕССУАЛ ҚАЙД ЭТИШ

Мамлакатимизда жадал суръатлар билан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жиноят-процессуал қонунчилик билан боғлиқ ижтимоий муносабатларда демократик институтларнинг барқарорлашувига олиб келмоқда. Кейинги йилларда амалдаги Жиноят-процессуал кодексига киритилган қўшимча ўзгартишлар ҳамда уларни такомиллаштириш юзасидан берилаётган таклифлар шундан далолат беради.

Шунга қарамай жиноят процессида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар мавжуд. Мисол учун, жиноят процесси принциплари тизимини кенгайтириб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма талабларига мослаштириш ёки процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенгайтириш, жиноят иши бўйича исбот қилиш, далилларни процессуал қайд этиш ҳамда мустаҳкамлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга эҳтиёж сезилмоқда.

Шундай экан, ишни судга кадар юритишда далилларни процессуал қайд этиш самарадорлигини ошириш масаласи ушбу ҳуқуқий институтнинг процессуал қонун ҳужжатларида қандай тартибга солинганлигига бевосита боглиқ. Ҳар қандай қонун муайян соҳага оид ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқий меъёрлар, қоидалар (нормалар) йиғиндисидан ташкил топади. Ҳуқуқ нормаси деганда эса барча ҳуқуқ субъектлари учун мажбурий бўлган, давлат томонидан ўрнатилган ёки маъқулланган, ижтимоий муносабат қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзида ифодалаган хатти-ҳаракат қоидаси, ҳулқ-атвор мезонидир[266].

Ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал қайд этишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб турувчи ҳуқуқий меъёрлар жиноят-процессуал қонуннинг таркибий қисми ҳисобланади ва жиноят-процессуал норма деб номланади. Жиноят-процессуал нормалар йиғиндисини жиноят-процессуал қонунчилиги ташкил этади. Жиноят-процессуал қонунчилиги жиноят ишларини тергов килиш ва ҳал этиш

[266] Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тультеев ва бошқ. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – Б. 271; Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи: олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Т.: «Адолат», 2003. - Б. 7-8.

тартиби, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг фаолияти, шунингдек уларнинг жиноят ишларини юритишда иштирок этувчи фуқаролар ҳамда ташкилотлар билан муносабатларини белгилаб беради.[267]

Ҳар бир қонун муайян мақсад ва вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган бўлади. Жумладан, далилларни процессуал қайд этиш ҳам жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифаларини руёбга чиқариш учун хизмат қилиши лозим.

Ўзбекистан Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 9-боби бевосита исбот қилишга бағишланган. Мазкур бобда исбот қилиш тушунчаси, предмети, мақсади, исбот қилиш элементларининг исбот килиш субъектлари томонидан амалга оширишнинг процессуал тартиблари, исботлашнинг умумий шартлари назарда тутилган бўлиб, уларнинг бажарилмаслиги ҳар қандай тергов ҳаракати натижаларининг судда кўриб чиқиш вақтида далилий аҳамияти йўқолишига олиб келади[268]

Эътироф этиш жоизки, далилларни процессуал жиҳатдан қайд этиш жиноят процессининг мақсадларига, хусусан, қонунчиликни мустаҳкамлаш, шахс, давлат ва жамият манфаатларини таъминлашга зид бўлмаслиги лозим[269]. Бунинг учун ишни судга кадар юритиш боскичларида далилларни процессуал қайд этишнинг ҳуқуқий тартиби мукаммал бўлиши лозим.

Бугунги кунда исботлаш предмети ва доираси, исботлаш иштирокчилари, уларнинг исботлаш жараёнидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари жиноят-процессуал ҳуқуқ фанининг муҳим масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки жиноят-процессуал фаолиятнинг асосини исботлаш жараёни ташкил қилади[270]. Фақатгина исботлаш жараёни давомида олинган ишончли маълумотлар процессуал жиҳатдан тўғри расмийлаштирилгандан сўнг жиноят иши юзасидан қонуний ва асослантирилган қарорлар қабул қилинади.

---

[267] Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: Дарслик / Б.А.Миренский, А.Х.Рахмонқулов, Д.Камалходжаев, В.В.Кадирова ва бошқ. Тўлдирилган иккинчи нашри. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. - Б. 25; Jinoyat-protsessual huquq: Darslik / yuridik fanlar doktori, professor M.A.Rajabova tahriri ostida. To'ldirilgan va qayta ishlangan uchinchi nashri. - T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2019. - Б. 20.

[268] Янгиев Ғ. Исбот килиш института // http://huquqburch.uz/uz/view/5549.

[269] Маслов А.К. Деятельность следователя по процессуальному оформлению предметов, вещей и иных документов в качестве доказательств по уголовным делам: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. - Краснодар, 2011. - С. 11.

[270] Фаткулин Ф.Н. Общие проблемы процессуального доказывания. Науч. ред.: Аварах Я.С. - 2-е изд., доп. - Казань: Изд-во Казан, ун-та, 1976. - С. 128.

Жиноят процессида исбот қилиш - бу жиноят ҳолатларини англашнинг процессуал шакли бўлиб, ушбу жараён айбланувчи, жабрланувчи, ҳимоячи ва бошқа шахслар иштирокида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья томонидан амалга оширилади.[271]

М.С.Строгович таъриф беришича, исбот қилиш - жиноят иши ҳолатларини, фактларини англаш жараёнидир.[272]

П.А.Лупинская таъкидлашича, жиноят процессида исбот қилиш - амалий, мантиқий ва фикрлаш фаолиятлари бирлигини мужассам килади.[273]

Фикримизча, жиноят процессида исбот қилиш тушунчаси билан биргаликда далиллар ҳуқуқи, далиллар назарияси каби тушунчалар ҳам мавжуд. Исботлаш предмети ва доираси, шунингдек ушбу жараённи амалга оширувчи нормалар йиғиндиси далиллар ҳуқуқини ташкил қилади. Далиллар ҳуқуқи ҳар бир иш бўйича исбот қилиш мақсадига эришиш учун кафолат ҳисобланади ва исбот қилиш шартлари, йўналишлари мазмунини белгилаб беради. Исбот қилишнинг аниқ мазмунини эса процессуал ҳаракатлар ва муносабатлар ташкил қилади. Далиллар назарияси исбот қилишининг ҳуқуқий, мантиқий ва психологик асосларини ўрганади, шунингдек, ҳуқуқий нормаларнинг жиноятларни тергов қилиш давомида қонуний қўллаш амалий фаолиятини тартибга солади. Далиллар назариясининг асосий вазифаси жиноят-процессуал ҳуқуқни ўрганишда юзага келадиган ҳар қандай ҳолатларга аниқлик киритиш баробарида ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилади.

Бу борада А.Я.Вишинскийнинг «.. .исбот килиттт давомида аник объектив хакикатга эришиб булмайди ва исботлашда конунийликка риоя килмаса хам булади»[274], деган фикрларига қўшилиб бўлмайди. Чунки жиноят- процессуал қонунчилиги жиноят процесси субъектларидан процессуал исботлашни амалга оширишда объектив ҳақиқатга эришишни талаб қилади ва барча процессуал ҳаракатларни қонунда белгиланган тартибда олиб борилишини зиммасига юклайди.

---

[271] Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси муаммолари: ўқув қўлланма. - Т.: ТДЮИ, 2006. - Б. 63-69.

[272] Строгович М.С. Курс уголовного процесса. - М.: Наука, 1968. - С. 296.

[273] Лупинская П.А. Доказательства и доказывание в новом уголовном процессе // Российская юстиция, 2002. - № 7. – С. 5; Лупинская П.А. Вопросы понимания истины в уголовном судопроизводстве: «Уголовно-процессуальное право Российской Федерации» / Отв. ред. П.А. Лупинская. - М.: Норма, 2010. - С. 285-290.

[274] Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси муаммолари: Ўқув қўлланма. - Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. - Б. 63-69.

Шу томонлама Ф.Н.Фаткуллиннинг, процессуал исбот қилиш жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ва фактларни билишнинг ягона усулидир»[275] - деган фикрини қўллаб-қувватлаш мумкин.

Бизнинг фикримизча, далиллар исботлаш воситаси бўлиши учун авваламбор, уларни тўплаш, яъни у ёки бу процессуал ҳаракатлар билан далилий маълумотлар орасидан кўз илғамас, лекин иш учун аҳамиятли бўлган ҳақиқий маълумотларни уларнинг муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда ажратиб олиб, исботлаш фаолиятини амалга оширувчи субъект ихтиёрига тайёр далил сифатида ўтиши лозим.

А.Х.Рахмонқуловнинг фикрига кўра, исботлаш - бутун жиноят-процессуал фаолиятга сингиб кетган ва жиноят процесси вазифаларининг иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш орқали амалга оширилишини таъминлайдиган мураккаб жараён. Исботлашнинг мазмунини, аввало, ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат процессуал ҳаракатлар мажмуи ташкил килади.[276]

Б.А.Ражабов таҳлилига кўра қуйидаги хулосаларни илгари сурган: 1) исбот қилиш - бу далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат;

2) исбот қилиш - бу тергов тусмолларини илгари суриш ва уларни динамик ривожлантириш, жиноят ишининг фактлари ҳамда ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни ва далилларни тўплаш, текшириш, шунингдек процессуал қарорларни ҳамда жиноят иши бўйича ишончли хулосаларни шакллантириш ва асослаш; 3) исбот қилиш - бу ҳақиқий маълумотларни қидириб топиш ва тақдим этиш; 4) исбот қилиш - бу далилларни тўплаш, уларни текшириш, уларга баҳо бериш ва улардан фойдаланиш; 5) исбот қилиш - бу далилларни аниқлаш ва тўплаш, текшириш ҳамда баҳо бериш; 6) исбот қилиш - бу далилларни излаб топиш, тўплаш, мустаҳкамлаш ва баҳолаш.[277]

---

[275] Фаткуллин Ф.Н. Общие проблемы процессуального доказывания. - Казань: Изд-во Казан, унта, 1973. - С. 17-18.

[276] Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: Дарслик / Б.А.Миренский, А.Х.Рахмонқулов, Д.Камалходжаев ва бошқ. Тўлдирилган иккинчи нашри. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. - Б. 119; Сазонова Т.П. Иные процессуальные действия как способы собирания доказательств в досудебном производстве: Автореф. дис...канд. юрид. наук. - Челябинск, 2009. - С. 30.

[277] Ражабов Б.А. Ишни судга кадар юритишда исбот килишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш: Юрид. фан. д-ри (DSc) ... дис. автореф. - Т., 2019. - Б. 13.

Фикримизча, иш буйича тўпланган ҳар бир далил алоҳида ва барча далиллар бир тизимга келтирилиб умумий баҳоланади. Далиллар ўртасида ҳеч қандай мантиқий зиддиятлар бўлмаслиги лозим, акс ҳолда айбдор шахснинг айби тўла исботланмаган деб ҳисобланади. Бу эса тергов бир ёқлама олиб борилганини гумон қилинувчи ва айбланувчининг процессуал манфаатлари тўла текширилмаганлиги, тергов сифатсиз ҳамда юзаки олиб борилганини кўрсатувчи ҳолат деб баҳоланади.

Жиноят процессида далилларни қайд этиш тартибига куйиладиган асосий талаблар Жиноят-процессуал кодексида белгиланган. ЖПКнинг 90-моддасига кўра, маълумотлар ва нарсалардан, улар тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилганидан кейингина далил сифатида фойдаланиш мумкин.

Ишни юритишга масъул булган давлат органлари, мансабдор шахслар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар барча қабул қилинадиган қарорлар ҳамда амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларни жиноят процессининг асосий принципи бўлган қонунийлик асосида амалга оширилиши шартлиги Жиноят-процессуал кодексида белгилаб қўйилган[278]. ЖПК ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти далилларни процессуал қайд этиш жараёнида яна бир қатор муҳим бўлган қоидаларга риоя қилишни талаб этади.

Хусусан, умумилмий билиш усули сифатида кузатиш - далилларни тўплаш жараёнида биринчи навбатда далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган фактик маълумотларни аниқлашга хизмат қилади. Кузатишнинг марказий элементи - қабул қилишдир, яъни биринчи навбатда объектнинг бевосита акс этган томонларини ўзида намоён қилувчи маълумотлардир. Ушбу маълумотлар айнан қабул қилишнинг моҳиятини ташкил этади.[279]

Далилларни тўплашда умумилмий билиш усулларини қўллашнинг бошқа йўлларини тавсифлашнинг ҳожати йўқ, сабаби улар у ёки бу йўллар билан далилий маълумотларни олиш, қайд этиш ва сақлашга йўналтирилган.[280] Умумий шаклда хулоса қилинганда умумилмий усул

[278] Хўжақулов С.Б. Процессуал ҳаракатлар: тушунчаси, таснифланиши ва тизимлаштирилиши: Ўқув қўлланма. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. - Б. 63.

[279] Костенко Р.В. Доказательства в уголовном процессе: концептуальные подходы и перспективы правового регулирования: Автореф. дис... д-ра. юрид. наук. - Санкт-Петербургский университет. - СПб, 2006. - С. 24.

[280] Гришина Е.П. Достоверность доказательств и способы ее обеспечения в уголовном процессе: Автореф. дис... канд. юрид. наук. - М., 1996. - С. 21.

билан бир қаторда махсус усулларни қўлланилиши далилларни тўплашда маълумот ташувчининг тавсифи ва шартларига боғлиқ. Далилнинг у ёки бу манбаининг ўзига хос хусусияти қайд этишнинг шакл ва усулларида яққол намоён бўлади.[281]

Маълумки, ҳақиқий назария доим амалий хусусиятга эга бўлади, шу асосда биз ҳақиқий маълумотлар “далиллар”, “фактик маълумотлар”, “исботлаш воситалари”, “далилларни расмийлаштириш” ва “далилларни мустахдамлаш” каби тушунчаларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

ЖПКнинг 81-моддасига биноан ижтимоий хавфли килмишнинг юз берган ва бермаганлигини, шу килмишни содир этган шахснинг айбдор, айбсиз эканлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонунда белгиланган тартибда аниқлашларига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланиши белгиланган.[282]

Шахс хотирасида сақланган воқеа тафсилотлари, масалан, бузиш оқибатида бино, жой (омборхона) эшикларнинг шикастланиш, яъни воқеа излари терговчи томонидан қабул қилиниб, ушбу излардаги маълумотлар мақбул шаклда ифодаланмагунча далилга айланмайди ва излигича қолаверади.[283] Далилларни келиб чиқишини таҳлил килувчи ва акс эттирувчи жараён қуйидагиларда намоён бўлади: ходиса биринчи навбатда бизни ўраб турган муҳитда акс этади, ўзида маълумотни сақловчи изларни қолдиради, шундан кейин бу излар билиш жараёнида иштирок этувчи субъектлар (суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд) онгида акс этади, мазмунга бой шаклларда ёзма ифодалангач, исботлаш мақсадида фойдаланиш учун олинган маълумот сифатида сақлаш имкониятини яратади. Ушбу кўп босқичли жараён ўзида барча турдаги, яъни кўрсатувлар, хулосалар, баённомалар билан бирга ашёвий далиллар, ёзма далиллар ва ҳужжатлардан иборат далилларнинг шаклланишини қамраб олади.

Исботлаш жараёнида тўпланган, баҳоланган, текширилган далиллардан улар қайд этилганидан сўнг далил сифатида фойдаланиш мумкин. Тергов ҳаракатлари ёки суд мажлиси баённомалари

[281] Демурчев Л.Г. Собирание доказательств в ходе досудебного производства путем проведения иных процессуальных действий: Автореф. дис... канд. юрид. наук. - Краснодар, 2012. - С. 13.

[282] Сахаддинов С. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм (илмий-амалий шарх,) / Масъул муҳаррир: проф. Б.Х.Пўлатов. — Т.: Янги аср авлоди, 2014. - Б. 179.

[283] Шейфер С.А. Формирование доказательств по уголовному делу - реальность оказательственной деятельности // Российская юстиция. - 2009. - № 4. - С. 46-48; Безлепкин Б.Т. Уголовно-процессуальное право Российской Федерации: 2-е изд., перераб. и доп. - М., 2007. - С. 128.

далилларни процессуал қайд этиш воситалари бўлиб хизмат қилади[284]. Далилларни қайд этишни мукаммал таҳлил қилиш учун уларнинг исботлаш жараёнида тутган ўрни ҳақидаги масаланинг очиб берилиши мақсадга мувофиқдир. Аввало, далилларни процессуал қайд этмасдан туриб, далилларни шакллантириш жараёни тугалланган деб ҳисоблаш мумкин эмас.

О.Я.Баевнинг фикрича, далилларни қайд этиш - исбот қилишнинг далилларни тўплаш босқичини ташкил этувчи элементидир. Далилларни тўплаш деганда, турли хил далилларни топишга, қайд этишга, олиш ва сақлашга каратилган харакатлар мажмуаси тушуниш мумкин.[285]

А.В.Белоусовнинг таърифича, далилларни қайд этиш - исботлаш жараёни биринчи босқичини якунловчи элементидир. Далилларни қайд этишни ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган фактик маълумотларни қайд этиш тизими сифатида ҳам тушуниш мумкин.[286]

А.Р.Белкин, далиллардан исботлаш воситаси сифатида фойдаланилиши учун, авваламбор, уларни тўплаш зарур, яъни маълумотлар орасидан кўз илғамас, лекин иш учун аҳамиятли бўлган фактик маълумотларни ажратиб олишдир. Далилларни тўплаш - процессуал ва криминалистик адабиётларда моҳиятан исботлаш жараёнининг зарурий даври сифатида таърифлайди.[287]

Ю.К.Якимович келтиришича, далилларни тўплаш жараёнига далилларни аниқлаш ва мустаҳкамлашни қўшмаган ҳолда ўзида далилларни тўплаш, қайд этиш ва тадқиқ қилишни қамраб олган фаолият.[288]

В.А.Лазарева таҳлилича, далилларни тўплаш - бу суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан ўрнатилган тартибда аниқлаш, талаб қилиш, олиш ва қайд этиш билан амалга оширилган процессуал харакатдир.[289]

Б.А.Ражабов эса, далиллар тўплаш бу жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ва фактлар тўғрисидаги

---

[284] Дегтярь Т.С. Собирание и формирование доказательств в процессе расследования преступлений: Автореф. дис... канд. юрид. наук. - М., 2001. - С. 18.

[285] Баев О.Я. Тактические операции в досудебном производстве по уголовным делам: основы теории и практики: науч.-практич. издание. - М.: Юрлитинформ, 2016. - С. 185-200.

[286] Белоусов А.В. Процессуальное закрепление доказательств при расследовании преступлений. - М.: Юрлитинформ, 2001. - С. 174.

[287] Белкин А.Р. Теория доказывания в уголовном судопроизводстве. - М.: Норма, 2005. — 187 с.

[288] Якимович Ю.К. Доказательства и доказывание в уголовном процессе: Учебное пособие. - Томск: Изд-во Томский университета, 2015. – С. 42.

[289] Лазарева В.А. Доказывание в уголовном процессе: учебное пособие для бакалавриата и магистратуры / В.А. Лазарева. - 7-е изд., перераб. и доп. - М.: Издательство Юрайт, 2019. - С. 63.

аниқланган маълумотларни процессуал тартибда олиш ва мустаҳкамлашга қаратилган, терговга кадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, судья ва химоячи (адвокат)нинг фаолиятидир[290] - деган фикрни илгари суради.

Далилларни тўплашнинг муҳим элементларидан бири объектда мавжуд фактик маълумотларнинг мазмунини аниқлашдир[291].

Бир қарашда бу фаолият далилларни топиш билан уйғунлашиб кетади: объектни кўрган заҳоти биз унинг далилий аҳамиятга эга хусусиятларини пайқаймиз. Энг оддий ҳолатларда ҳақиқатан ҳам шундай, бироқ чуқур таҳлил асосида бунинг акси эканлиги кўриш мумкин. Суриштирувчи, терговчи ўзларида қолган ахборотларни иш материалларига ўтказиш учун объектни синчиклаб ўрганишлари, ундаги жиноятга алоқадор ёки жиноят таъсирида пайдо бўлган аломатларни ажратиб олишларига тўғри келади. Бошқача айтганда, далилий аҳамиятга эга ахборотнинг мазмуни аниқланиши лозим[292].

Айнан шу мақсадларда қонунга биноан кўздан кечириш, тинтув, олиб қўйиш ҳаракатлари давомида топилган нарса ва ҳужжатлар махсус текширувдан ўтказилади. Худди шундай усулда сўроқ қилиш орқали гувоҳлар доираси аниқлангандан кейин, суриштирувчи ёки терговчи улар қандай маълумотларга эга эканликларини аниқлаши, фактик маълумотларни тахминий ёки ишга алоқаси бўлмаган ахборотлардан ажратади.

Далилларни тўплаш - бу нафақат маълумотлар топиш, балки уларни процессуал тартибда тўғри қайд этиш, хусусан, ҳужжат ва нарсаларни иш материалларига бириктириш эканлигини унутмаслигимиз лозим. Бундай қарор қабул қилиш фақат исбот қилиш субъектлари, яъни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга тегишлидир.[293]

---

[290] Ражабов Б.А. Ишни судга кадар юритишда исбот килишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш: юрид. фан. д-ри (DSc) ... дис. автореф. - Т., 2019. – Б. 25.

[291] Барыгина А. А. Доказывание в уголовном процессе: допустимость доказательств: учебное пособие для вузов. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Издательство Юрайт, 2019. - С. 58.

[292] Аубакирова А.А. Допустимость доказательств в уголовном процессе Республики Казахстан // Вестник ЮУрГУ. Серия «Право», - Т. 14. 2014. - № 3. - С.18; Абросимов И.В. Актуальные вопросы обеспечения допустимости и достоверности доказательств в уголовном судопроизводстве: Автореф. дис... канд. юрид. наук. - М., 2007. – С. 18.

[293] Жиноят процесси (Умумий қисм): юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик (З.Ф.Иноғомжонованинг умумий тахрири остида.)- — Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. - Б. 310.

Б.А.Ражабов фикрича, исбот қилишни 5 та боскич: далилларни аниқлаш, далилларни тўплаш, далилларни текшириш, далилларни баҳолаш ва далиллардан фойдаланишдан иборат.[294]

Бизнинг фикримизча, исботлаш жараёнида далилларни аниқлаш фаолиятини далилларни тўплаш жараёнидан ажратиб бўлмайди, сабаби бу икки тушунча бир-биридан ажралмасдир. Шунингдек, далилларни аниқлаш, олиш, қайд этиш ва сақлаш каби процессуал ҳаракатлар бир бутун мажмуа сифатидаги далилларни тўплаш фаолиятини ифодалайди.

Зеро, далилларни аниқлаш ва тўплаш - терговга кадар текширувни амалга оширувчи орган, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг фактик маълумотлар манбаини аниқлаш, ундан зарур ахборотни олиш ҳамда уни қайд этиш борасидаги фаолияти бўлиб, ушбу фаолият жиноят- процессуал қодексида назарда тутилган шакл ва усулларда амалга оширилади[295].

Давлат органлари ва мансабдор шахслар далилларни ЖПКнинг 22, 86-моддаларининг талаблари асосида тўплайдилар. Далилларни, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар ҳам тақдим этишлари мумкин. Далиллар жиноят процессининг ҳар қандай босқичида ҳар бир босқичнинг процессуал хусусиятларидан келиб чиқадиган шакл ва усулларда тўпланади.[296]

Назаримизда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКда келиб чиқиши, кимга тегишлилигини, маълум мақсадларда фойдаланганлигини ёки фойдаланишга яроқлилигини, қўлдан-қўлга ўтганлиги ёки турган жойи ўзгарганлигини, у ёки бу моддалар, нарса, жараён ва ҳодисалар таъсир этганлигини аниқлаш мумкин бўлган физикавий аломатлар ёки белгиларга, шунингдек иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қиладиган ҳар қандай бошқа аломатлар ва белгиларга эга бўлган нарса ашёвий далил ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан сўз, рақам, чизма ёки бошқа шаклда ёзилган ва иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган маълумотларни сақлаш, ўзгартириш, бериш учун мўлжалланган ҳужжат ёки бошқа ёзувлар ёзма далил ҳисобланиши белгиланган.

---

[294] Ражабов Б.А. Ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш: юрид. фан. д-ри. (DSc) ... дис. автореф. - Т., 2019. - Б. 14.

[295] Воробьева Ю.Ю. Современные проблемы процесса доказывания в российском уголовном судопроизводстве: Автореф. дис... канд. юрид. наук: - Оренбург, 2006. – С. 19.

[296] Жиноят процесси: ўкув қўлланма / Тузувчи муаллифлар Д.М.Миразов, И.Э.Хожаназаров, Ш.Н.Бердияров. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 105-106.

Шунга ўхшаш ҳолатлар ишга бошқа ҳужжатларни қўшиб қўйишда ҳам кузатилади. Бизнингча, ушбу ҳужжатларни олиниши (олиб қўйиш тўғрисида қарор, сўровнома, баённомада қайд этилиши) ҳолати тасдиқланиб, тегишлилиги ва мақбуллиги аниқлангач, далил сифатида тан олиниши мумкин.

Лекин ашёвий далиллар ҳам, ёзма далиллар хам жиноят ишини юритишга масъул ҳисобланган процесс иштирокчилари, яъни терговга кадар текширувни амалга оширувчи орган, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли баённомаларда қайд этилгандан кейингина далил сифатида фойдаланиш мумкин.[297]

Қайд этиш лозимки, қонунга мувофиқ бўлган ҳар қандай акс эттириш жараёнида, шунингдек, исботлашда акс эттирилган маълумотни қайта ифодалаш, яъни далилий маълумотга қонун талаб этадиган процессуал шакл бериш мазмунан далилларни шакллантириш дейилади.[298]

Далилларни процессуал қайд этиш моҳияти қонунда ўз ифодасини топиши далилларни процессуал қайд этиш билан боғлиқ муаммоларни қонуний ҳал этилишига, далилларнинг макбуллигини таъминлашга хизмат қилади[299].

Хулоса қилиб айтганда, исботлаш даврида далил сифатида фойдаланиладиган маълумотларнинг тааллуқлилиги ва мақбуллиги бирламчи характерга эга бўлади. Процессуал нуқтаи назардан далилларни қайд этиш ўз навбатида исботлаш субъекти фаолиятини тасдиқлайди. Исботлаш субъекти фаолиятининг тасдиғи маълумотларни далил сифатида фойдаланилишини таъминлаш мақсадида жиноят-процессуал қонунчилиги асосида уларни қайд этилишини назарада тутади.

---

[297] Астанова Л.А. Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар. - Т., 1997. - Б. 18.

[298] Сахаддинов С. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм (илмий-амалий шарҳ) / Масъул муҳаррир: профессор Б.Х.Пўлатов. - Т.: Янги аср авлоди, 2014. - Б. 198.

[299] Бестаев А.О. Способы собирания доказательств в уголовном процессе России: Автореф. дис... канд. юрид. наук. — Ростов-на-Дону, 2007. — С. 16; Авилов А.В. Субъекты обязанности доказывания в уголовном судопроизводстве: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - Краснодар, 2011. - С. 10.

Ташмуратов Адхам Журакобилович
Самостоятельный соискатель Университета общественной безопасности Республики Узбекистан

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА И БЕЗОПАСНОСТИ НА РЫНКАХ И В ТОРГОВЫХ КОМПЛЕКСАХ

Аннотация

Статья посвящена анализу зарубежного опыта в сфере охраны общественного порядка и обеспечения безопасности на рынках и в торговых комплексах. Рассматриваются современные подходы и технологии, применяемые в различных странах для предотвращения преступности, террористических угроз и обеспечения общественной безопасности в местах массового скопления людей. Особое внимание уделено интеграции цифровых технологий, таких как искусственный интеллект, системы видеонаблюдения и биометрическая идентификация, а также роли частных охранных структур и взаимодействию с государственными органами. На основе изучения международных практик предлагаются рекомендации по адаптации эффективных стратегий обеспечения безопасности в условиях Узбекистана.

Ключевые слова: общественный порядок, безопасность, торговые комплексы, рынки, видеонаблюдение, биометрия, частная охрана, международный опыт.

Обеспечение общественного порядка и безопасности в местах массового скопления людей, таких как рынки и торговые комплексы, является приоритетной задачей для многих государств. Это обусловлено высокой степенью риска, связанного с возможностью террористических актов, преступлений различного характера и чрезвычайных ситуаций. В условиях глобализации и роста урбанизации торговые комплексы стали не только центрами торговли, но и важнейшими социальными и общественными пространствами, что усиливает необходимость принятия комплексных мер безопасности.

В частности, в США после трагических событий 11 сентября 2001 года произошло радикальное переосмысление подходов к обеспечению безопасности. Введение жестких мер, таких как установка металлоискателей, проведение регулярных тренировок персонала,

создание интегрированных систем видеонаблюдения и усиление взаимодействия с правоохранительными органами стало стандартом для крупных торговых центров. Эти меры способствуют оперативному реагированию на возможные угрозы и повышают уверенность граждан в безопасности таких объектов.

Страны Европейского союза также активно внедряют инновационные технологии и методы обеспечения безопасности. Введение систем видеонаблюдения высокого разрешения, способных осуществлять распознавание лиц и отслеживание подозрительного поведения, обеспечивает эффективное предупреждение и расследование преступлений. Кроме того, внедрение биометрических систем идентификации посетителей и сотрудников повышает контроль доступа на объекты, существенно снижая риски несанкционированного проникновения. Регулярные информационные кампании и обучение персонала, проводимые европейскими странами, направлены на повышение осведомленности граждан о рисках и правильном поведении в чрезвычайных ситуациях.

В странах Азии, особенно в Японии и Южной Корее, обеспечение безопасности в торговых центрах базируется на самых современных технологиях, включающих использование искусственного интеллекта и анализ больших данных. Эти технологии позволяют предсказывать возникновение потенциально опасных ситуаций на основе анализа видеопотоков, поведения посетителей и иных данных. Высокий уровень автоматизации таких систем минимизирует человеческий фактор, делая процесс безопасности более объективным и эффективным.

Значительное место в системе охраны общественного порядка и обеспечения безопасности на торговых объектах занимают частные охранные структуры. Во многих странах они интегрированы в общую систему обеспечения безопасности и тесно взаимодействуют с государственными правоохранительными органами. В качестве яркого примера можно привести Бразилию, где сотрудники частных охранных агентств, работающих на территории торговых комплексов, проходят специализированную подготовку, включающую обучение юридическим аспектам применения силы, методам деэскалации конфликтов, оперативному реагированию в чрезвычайных ситуациях, а также взаимодействию с полицией.

Опираясь на международный опыт, целесообразно рекомендовать комплексный подход к повышению уровня безопасности на рынках и

торговых комплексах в Узбекистане. Внедрение передовых технологических решений, таких как современные системы видеонаблюдения с интеллектуальными функциями, биометрические системы контроля доступа и автоматизированные системы анализа данных, способно существенно повысить безопасность таких объектов. Кроме того, необходимо уделять особое внимание подготовке персонала, включая регулярное проведение тренировок и симуляций возможных чрезвычайных ситуаций. Сотрудничество между государственными правоохранительными органами и частными охранными компаниями является неотъемлемым элементом такого подхода, способствующим оперативному обмену информацией и эффективной координации действий. Важным аспектом также является проведение регулярных информационных кампаний, направленных на повышение осведомленности населения о правилах поведения в чрезвычайных ситуациях и мерах личной безопасности.

Таким образом, эффективное обеспечение общественного порядка и безопасности на рынках и в торговых комплексах требует системного подхода, интегрирующего передовые технологии, квалифицированный персонал и тесное межведомственное взаимодействие.

Список использованной литературы

1. MarketsandMarkets. Public Safety and Security Market Size, Share & Forecast Analysis. https://www.marketsandmarkets.com/Market-Reports/public-safety-security-market-1024.html(marketsandmarkets.com)

2. Yahoo Finance. Public Safety and Security Market to Reach $514.1 Billion by 2031. https://finance.yahoo.com/news/public-safety-security-market-reach-143100026.html(finance.yahoo.com)

3. SciELO Brazil. Securing the Mall: Daily Hospitality Security Practices in São Paulo. https://www.scielo.br/j/ln/a/WQCyqBLrbHCMd7ztRVhJnvg/?lang=en(scielo.br)

4. National Institute of Justice. Shopping Malls: Are They Prepared to Prevent and Respond to Attack? https://nij.ojp.gov/topics/articles/shopping-malls-are-they-prepared-prevent-and-respond-attack(nij.ojp.gov)

5. MDPI Sustainability. The Reconfiguration of Urban Public–Private Spaces in the Mall. https://www.mdpi.com/2071-1050/13/22/12447(mdpi.com)

6. ResearchGate. The Economics of Shopping Mall Security. https://www.researchgate.net/publication/226678385 The economics of shopping mall security(researchgate.net)

7. Public Space Security Management Using Digital Twin Technologies. https://arxiv.org/abs/2503.06996(arxiv.org)

8. Counter-terrorism in Cyber-Physical Spaces: Best Practices and Technologies from the State of the Art. https://arxiv.org/abs/2311.17012(arxiv.org)

Iminov Abdujabbor Abduraxmon o‘g‘li,
Jamoat xavfsizligi universiteti mustaqil izlanuvchisi

OMMAVIY TADBIRLARNI O‘TKAZISH VAQTIDA JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH MASALALARI

O‘zbekiston Respublikasida ommaviy tadbirlarni tashkil etish va o‘tkazish sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar davlatimizning ijtimoiy-siyosiy barqarorligini ta’minlash, fuqarolarning huquq va erkinliklarini himoya qilish hamda jamoat xavfsizligini oshirishga qaratilgan muhim qadamdir.

Shu bilan birga, ommaviy tadbirlarni o‘tkazish jarayonida jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini ta’minlash, ayniqsa, xavfsizlik organlari uchun dolzarb masaladir. Ichki ishlar va Milliy gvardiya organlarining o‘zaro hamkorligi, xizmatga jalb etilgan kuch va vositalarning samarali taqsimoti, ommaviy tadbirlarning xavfsiz o‘tkazilishini ta’minlashda muhim ahamiyatga ega.

Ushbu ilmiy izlanishda ommaviy tadbirlarni o‘tkazishda jamoat xavfsizligini ta’minlashda Ichki ishlar va Milliy gvardiya organlarining roli hamda ularning o‘zaro hamkorligi tahlil qilinadi. Shuningdek, harbiy xizmatchilarning tayyorgarligi va intizomi xavfsizlikni ta’minlashdagi o‘rni o‘rganiladi.

Maqsadimiz - ommaviy tadbirlarni o‘tkazishda jamoat xavfsizligini ta’minlashda harbiy yondashuvlarning samaradorligini aniqlash va ularni takomillashtirish bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqishdir.

Davlatimizda huquqni muhofaza qilish sohasida qator islohatlar amalga oshirilmoqda. Bularning barchasi inson manfaatlariga xizmat qiladi. Yurtimizda aholi o‘zlarining bo‘sh vaqtlarini mazmunli o‘tkazish maqsadida dam olish, bayram kunlari sayilgohlarda yoki istirohat bog‘larida madaniy hordiq olishadi. Aholining xavfsizligini ta’minlash, jamoat joylarida tadbirlarning mazmunli o‘tishida jamoat xavfsizligini ta’minlash muhim masala hisoblanadi.

Shu o‘rinda ommaviy tadbirlar nima? Jamoat xavfsizligini ta’minlash masalalari qanday amalga oshiriladi? – degan savollarga maqolamizda javob izlaymiz:

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Ommaviy tadbirlarni tashkil etish va o‘tkazish tartibini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi
2014-yil 29-iyuldagi qarori respublika hududida ommaviy tadbirlarga

tayyorgarlik koʻrish va oʻtkazish vaqtida jamoat tartibini saqlash va xavfsizligini taʼminlash, terrorchilik-qoʻporuvchilik va fuqarolarni garovga olish bilan bogʻliq boʻlgan jinoiy harakatlarning oldini olish hamda favqulodda vaziyatlar yuzaga kelganda ularni ogʻir oqibatlarsiz bartaraf etish tartibini belgilaydi.

Mazkur qaror bilan tasdiqlangan “Ommaviy tadbirlarni tashkil etish va oʻtkazish tartibi” toʻgʻrisidagi nizomda quyidagi asosiy tushunchalar keltirib oʻtilgan:

ommaviy tadbir - 100 va undan koʻp kishilarning ishtirokida ijtimoiy-siyosiy (anjumanlar, konferensiyalar, syezdlar va boshqalar), madaniy-ommaviy va koʻngilochar-tomosha dasturlari (musiqiy, adabiy va boshqa festivallar, konsert, teatr, sport, reklama tadbirlari, xalq sayillari, sirk, milliy namoyishlar va oʻyinlar, koʻrik tanlovlar va boshqalar), shuningdek umumxalq, diniy, kasb bayramlarini oʻtkazish maqsadida ommaviy tadbirni oʻtkazish obyektida tashkil qilinadigan fuqarolarning birgalikda qatnashishlari;

alohida toifadagi ommaviy tadbir - “Yangi yil”, “Navroʻz bayrami”, “Mustaqillik kuni”, “Xotira va qadrlash kuni”, “Xalqaro bolalarni himoya qilish”, “Roʻza hayit” (Iyd al-Fitr), “Qurbon hayit” (Iyd al-Adha) bayramlarni nishonlashga doir tadbirlar, taʼlim muassasalariga oʻqishga qabul qilish boʻyicha test sinovlarini oʻtkazish, umumtaʼlim maktablarida oʻquv yilining boshlanishi va tugashiga bagʻishlangan, saydov va referendumlarni oʻtkazish bilan bogʻliq, shuningdek, xalqaro hamkorlik tashkilotiga aʼzo davlat rahbarlari ishtirokida oʻtkaziladigan tadbirlar hamda futbol boʻyicha xalqaro miqyosdagi uchrashuvlar;

birinchi toifadagi ommaviy tadbir - Toshkent, Nukus shaharlari va viloyat markazlari hududida oʻtkaziladigan alohida toifadagi ommaviy tadbir toifalariga kirmaydigan ommaviy tadbir;

ikkinchi toifadagi ommaviy tadbir - alohida va birinchi toifadagi ommaviy tadbirlar toifasiga kirmaydigan ommaviy tadbir [1];

Demak shunday ekan, ommaviy tadbirlarni oʻtkazishda jamoat tartibi va jamoat xavfsizligini taʼminlash juda murakkab jarayondir. Buning sababi shundaki, jamoat tartibi va jamoat xavfsizligini taʼminlash jarayonida ular oldida turgan vazifa va funksiyalar jihatidan bir-biridan tubdan farq qiluvchi kuchlar, shuningdek, muayyan tadbir va vaziyatga qarab aniq harakat usullarini aniqlash kerakligi bilan bogʻliq. Oʻtkaziladigan barcha tadbirlarda jamoat xavfsizligini taʼminlashga Ichki ishlar va Milliy gvardiya organlari harbiy xizmatchi va xodimlari jalb qilinadi.

Jumladan, Oʻzbekiston Respublikasi-ning 2020-yil 18-noyabrdagi Oʻzbekiston Respublikasining “Oʻzbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi toʻgʻrisida”gi qonuni

3-moddasida, Milliy gvardiyaning vazifalaridan biri sifatida “Jamoat tartibini saqlash, shu jumladan ommaviy tadbirlar, mitinglar, yig‘ilishlar, namoyishlar o‘tkazilayotganda hamda fuqarolar gavjum bo‘ladigan joylarda jamoat tartibini saqlash” belgilangan [2] .

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasining 2016-yil 16-sentabrdagi “Ichki ishlar organlari to‘g‘risida”gi Qonuni 4-moddasida “Ichki ishlar organlari faoliyatining asosiy yo‘nalishlari” etib, “Jamoat tartibini saqlash va jamoat xavfsizligini ta’minlash” ko‘rsatib o‘tilgan [3].

Ommaviy tadbirlarda jamoat tartibini saqlashga mas’ul bo‘lgan Ichki ishlar va Milliy gvardiya organi rahbarlari odatda quyidagi tadbirlarni amalga oshirishlari lozim:

- Ommaviy tadbir boshlanishidan kamida 3-4 soat oldin xizmatga jalb etilgan kuch va vositalar taqsimot asosida zonalar, uchastkalar, sektorlar, minbarlar, postlar, nazorat o‘tish joylari va boshqa postlarga bo‘lingan holda, biriktirilgan rahbar xodimlar boshchiligida saflanib, ular bilan qo‘shimcha ravishda yo‘riqnoma o‘tkazadi;
- har bir guruh rahbarining aloqa vositalari bilan, kuzatuv postlari va hujjatlashtirish guruhlarining esa foto va video apparatlar bilan ta’minlanganligi, ularga aloqa chaqiruv nomlari belgilanganligi tekshiradi;
- ajratilgan zahira kuchlari biriktirilgan mas’ul rahbar xodim boshchiligida tadbir o‘tkazilayotgan obyektga yaqin joylashgan binolarda, maxsus ajratilgan avtobuslarda joylashtiriladi;
- xizmatga jalb etilgan shaxsiy tarkib belgilangan xizmat joylarini egallaganlaridan so‘ng tezkor shtab rahbari va a’zolari tomonidan xodimlarning xizmati qanday tashkil etilganligi, ajratilgan kuch va vositalarning yetarli ekanligi, xodimlarning ekipirovkasi, ajratilgan aloqa, transport va boshqa texnik vositalarning sozligi, xodimlarning o‘z xizmat vazifalarini qay darajada bilishlari o‘rganib chiqadi;
- boshqaruv punkti ichki ishlar organlarining maxsus aloqa vositalari bilan jihozlangan transport vositalarida, shuningdek bevosita tadbir jareaytonini to‘liq kuzatish imkoninin beradiga, ko‘zga tashlanmaydigan joylarda alohida ajratilgan xonada joylashtiriladi;
- xizmatga jalb etilgan barcha ichki ishlar organlari naryadlarining xizmatini boshqarish, ularning o‘zaro hamkorligini ta’minlash maqsadida, boshqaruv punktida patrul-post xizmati, yo‘l-patrul xizmati, yong‘in xavfsizligi xizmati va boshqa zarur xizmatlarning aloqa yo‘nalishlarida ishlovchi aloqa vositalari o‘rnatiladi;

- tadbir davomida ichki ishlar organlari naryadlariga aloqa vositalarida faqat koʻrsatma yoki topshiriqlarni qabul qilish, zarur hollarda esa vaziyat toʻgʻrisida tezkor shtabga axborot berish, shuningdek qoʻshimcha naryadlar ajratilishini soʻrash uchun foydalanishlari toʻgʻrisida koʻrsatma beriladi;

- tezkor shtab boshligʻi tomonidan uchastkalar, hududlar, sektorlar, minbarlar, postlar, nazorat-tekshiruv punktlari va boshqa postlarda xizmatga jalb etilgan ichki ishlar organlari naryadlarining rahbarlari orqali tezkor vaziyatni oʻrganib, IIV, IIBB, IIB navbatchilik qismiga axborot berib boradi.

Xulosa qilib aytganda, Oʻzbekiston Respublikasida ommaviy tadbirlarni tashkil etish va oʻtkazish tartibini takomillashtirishga qaratilgan islohotlar jamoat xavfsizligini ta’minlash, fuqarolarning huquqlarini himoya qilish va ijtimoiy barqarorlikni saqlashga qaratilgan muhim chora-tadbirlar hisoblanadi. Bu islohotlar, ayniqsa, Milliy gvardiya harbiy xizmatchilari va xavfsizlik organlari uchun yangi vazifalar va mas’uliyatlarni yuklamoqda.

Ichki ishlar va Milliy gvardiya organlari tomonidan amalga oshiriladigan ommaviy tadbirlarni oʻtkazishda xavfsizlikni ta’minlash chora-tadbirlari, xizmatga jalb etilgan kuch va vositalarning taqsimoti, aloqa vositalari bilan ta’minlash, tezkor shtabning faoliyati kabi masalalarni oʻz ichiga oladi. Bu chora-tadbirlar ommaviy tadbirlarning xavfsiz oʻtkazilishini ta’minlashga qaratilgan.

Umuman olganda, Oʻzbekiston Respublikasida ommaviy tadbirlarni tashkil etish va oʻtkazish tartibini takomillashtirishga qaratilgan islohotlar jamoat xavfsizligini ta’minlash, fuqarolarning huquqlarini himoya qilish va ijtimoiy barqarorlikni saqlashga qaratilgan muhim chora-tadbirlar hisoblanadi. Bu islohotlar, ayniqsa, Milliy gvardiya harbiy xizmatchilari va boshqa xavfsizlik organlari uchun yangi vazifalar va mas’uliyatlarni yuklamoqda. Shu sababli, harbiy xizmatchilarning tayyorgarligi, intizomi va huquqiy madaniyati xavfsizlikni ta’minlashda muhim ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2014-yil 29-iyundagi “Ommaviy tadbirlarni tashkil etish va oʻtkazish tartibini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi 205-sonli qarori URL: http://www.lex.uz. (murojaat sanasi 26.06.2024 y);

2.Oʻzbekiston Respublikasining 2020-yil 18-noyabrdagi Oʻzbekiston Respublikasining “Oʻzbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi toʻgʻrisida”gi qonuni. URL: http:// www.lex.uz. (murojaat sanasi 01.07.2024 y);

3.Oʻzbekiston Respublikasining 2016-yil 16-sentabrdagi “Ichki ishlar organlari toʻgʻrisida”gi Qonuni http://www.lex.uz. (murojaat sanasi

01.07.2024 y).

Toshmuxammatov Asadbek Yusup o‘g‘li
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti mustaqil izlanuvchisi

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA MILLIY GVARDIYA BO‘LINMALARINING SUN’IY INTELLEKTDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI VA O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Globallashuv va raqamli texnologiyalar rivojlanishi bilan dunyo miqyosida huquqni muhofaza qiluvchi organlar faoliyatining samaradorligini oshirish zarurati ortmoqda. Ayniqsa, jinoyatchilik darajasi ortib borayotgan hozirgi davrda sun’iy intellekt texnologiyalarining qo‘llanilishi ushbu sohada tub burilish yasamoqda. Sun’iy intellekt orqali jinoyatlarning oldini olish, tergov jarayonlarini avtomatlashtirish, xavfsizlikni ta’minlash va tezkor choralar ko‘rish imkoniyati paydo bo‘lmoqda. Mamlakatimizda to‘liq o‘rganilmagan, o’zi umuman dunyoda paydo bo‘lganiga bir necha o‘n yillar bo‘lgan sun’iy intellekt (SI) texnologiyalarining huquqni muhofaza qiluvchi organlar, xususan Milliy gvardiya tizimi faoliyatida qo‘llanilishi, uning afzalliklari, xavf-xatarlari, xorijiy tajribalar va O‘zbekistondagi huquqiy holati keng tahlil etilishini, shuningdek, bu yo‘nalishdagi istiqbolli takliflar ilgari surishni maqsad qildik.

Mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni faol rivojlantirish, barcha tarmoqlar va sohalarda, eng avvalo, davlat boshqaruvi, ta’lim, sog‘liqni saqlash va qishloq xo‘jaligida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Xususan, elektron hukumat tizimini takomillashtirish, dasturiy mahsulotlar va axborot texnologiyalarining mahalliy bozorini yanada rivojlantirish, respublikaning barcha hududlarida IT-parklarni tashkil etish, shuningdek, sohani malakali kadrlar bilan ta’minlashni ko‘zda tutuvchi 220 dan[300] ortiq ustuvor loyihalarni amalga oshirish boshlangan.

O‘zbekistonda hayotning turli jabhalarida sun’iy intellektni qo‘llash kengaymoqda. Shunday texnologiya asosida 20 dan ortiq loyihalar ishga tushdi. Tarmoq va yirik korxonalar bo‘yicha yana 70 ta loyiha ishlab chiqildi. Sun’iy intellektga tayyorlik xalqaro indeksida O‘zbekiston 17 ta pog‘onaga ko‘tarildi[301].

[300] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 5-oktyabr 2020-yildagi “Raqamli O‘zbekiston — 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6079-son farmoni// https://lex.uz/docs/-5030957#-5031885

[301] Prezident Shavkat Mirziyoyev sun’iy intellekt texnologiyalarini hamda telekommunikatsiyalarni rivojlantirish bo‘yicha rejalar taqdimoti bilan tanishdi. 27-dekabr 2024//https://www.imv.uz.

Binobarin, dunyo davlatlarda sun’iy intellekt huquqni muhofaza qiluvchi organlar faoliyatida organlar faoliyatida yo‘nalishlarda qo‘llashni takomillashtirmoqda.

Xususan, Sun’iy intellektni huquqni muhofaza qiluvchi Janubiy Koreya poytaxti Seulda bo‘lib o‘tgan Koreya harbiy sohasida “Harbiy sohada sun’iy intellektdan mas’uliyatli foydalanish” (REAIM) global sammitida sun’iy intellekt texnologiyalarini harbiy qo‘llash bo‘yicha yo‘l xaritasi taqdim etildi. Shuningdek, ba’zi kuchlar, jumladan, terroristik guruhlarning sun’iy intellektdan ommaviy qirg‘in qurollarini ko‘paytirish uchun foydalanishiga yo‘l qo‘ymaslik zarurligi, shuningdek, ushbu texnologiya ustidan inson nazoratini saqlab qolish muhimligi ma’lum qilingan.[302] Bundan tashqari sun’iy intellekt bo‘yicha dunyoda yetakchi o‘rinda turuvchi AQSh da ham so‘nggi yillarda Markaziy razvedka boshqarmasi sun’iy intellekt sohasida 150 ga yaqin loyihaga buyurtma bergani va kapital xarajatlar hajmi juda katta ekanligi ayon bo‘ldi.[303] Zamonaviy dunyoda bugunga kelib dunyoning 60 dan ortiq davlati davlat mudofaada sun’iy intellektdan foydalanish bo‘yicha “harakatga chaqiruv” bo‘ladigan, ammo majburiy bo‘lmagan hujjat ishlab chiqishni ma’qullagan.

Bu yo‘nalishda mamlakatimizda ham e’tibor kundan junga kuchaymoqda. O‘zbekiston Prezidentining 2024-yil 14-oktyabrdagi qarori bilan Sun’iy intellekt texnologiyalarini 2030-yilga qadar rivojlantirish strategiyasi qabul qilindi.[304] Unda sun’iy intellektga asoslangan dasturiy mahsulotlar va xizmatlar ulushini ko‘paytirish, texnik infratuzilmani kengaytirish, kadrlar salohiyatini oshirish kabi qator chora-tadbirlar belgilandi. Tabiiy savol tug‘iladi: nega mazkur strategiyani qabul qilishga zaruriyat vujudga keldi? Savolimizga rasmiy manbaa bilan javob berishga harakat qilamiz: Dastlab O‘zbekistonda 2021-2022 yillarda “Sun’iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish uchun shart sharoitlar yaratish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi[305] qarori e’lon qilindi. Unda davlat boshqaruv tizimida sun’iy intellekt texnologiyalarini ishlab chiqish va ulardan foydalanishda yagona talablar, javobgarlik, xavfsizlik va shaffoflikni belgilovchi normativ-huquqiy bazani ishlab chiqish 1-ilovaga muvofiq belgilangan edi.

[302] Sun’iy intellektdan harbiy sohada foydalanish taklif qilindi. 10-sentabr 2024-yil//https://www.qalampir.uz.

[303]AQSH sun’iy intellekt orqali davlatlarga hujum qilmoqchi – Narishkin. 22-iyun 2024-yil//https://qalampir.uz/uz.

[304] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 14-oktyabr 2024-yildagi “Sun’iy intellekt texnologiyalarini 2030-yilga qadar rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PQ-358-son qarori// https://lex.uz/docs/-7158604

[305] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 17-fevral 2021- yildagi PQ-4996-son qarori// https://www.lex.uz/pdfs/5297046

Natijada, Innovatsion rivojlanish vazirligi huzurida Sun’iy intellekt bo‘yicha maslahat kengashi tashkil etildi[306]. Sirtdan qaraganda murakkab tuyulgan ushbu jarayonni mamlakatimizda amalga oshirilishi qanchalik quvonarli hisoblansa, mazkur Sun’iy intellekt bilan bog‘liq munosabatlarni huquqiy tartibotini ishlab chiqish shunchalik murakkabdir. Chunki, mazkur “tafakkur manbai” bilan bog‘liq jarayon natijalari turli xil huquqiy oqibatlarni keltirib chiqarishi mumkin.

O‘zbekiston sun’iy intellektga tayyorlik indeksi bo‘yicha 44,51 ball bilan 181 ta mamlakat ichida 79-o‘rinni egalladi. MDH davlatlari o‘rtasida esa quyi o‘rinda qayd etilib, tashkilotga a’zo 9 mamlakat ichida 4-o‘rinni band etdi.[307] Yuqoridagi raqamlaridan kelib chiqib qayd etishimiz mumkinki, sun’iy intellekt takomillashtirish bilan bog‘liq ehtiyoj kun sayin ortmoqda. Dastlab O‘zbekiston ushbu reytingga kiritilmagan edi.

Demak, mazkur strategiyaning qabul qilinishi davrning tabiiy taqazosi hisoblanadi. Mazkur qonunning MDH davlatlarida qabul qilinishi masalasida to‘xtalsak, Rossiya federatsiyasida Hukumat 2030 yilgacha boshqa rivojlangan davlatlarga texnologik jihatdan yetib olish maqsadida 2019 yili “Sun’iy intellektni rivojlantirish bo‘yicha milliy strategiya”ni qabul qildi. Mazkur hujjat mamlakatda “raqamli iqtisodiyot”ni rivojlantirish milliy dasturi doirasiga kiritildi. Shuningdek, 2020-yil 20-aprelda N123-sonli “О проведении эксперимента по установлению специального регулирования в целях создания необходимых условий для разработки и внедрения технологий искусственного интеллекта в субъекте Российской Федерации”[308] nomli qonun qabul qilingan bo‘lib, Rossiya Federatsiyasining ta’sis etuvchi subyekti - federal Moskva shahridagi texnologiyalar va “Shaxsiy ma'lumotlar to’risida” Federal qonunining 6 va 10-moddalariga kiritilgan o’zgartirishlar.[309] Ushbu qonun sun’iy intellekt texnologiyalarini ishlab chiqish va joriy etish uchun zarur shart-sharoitlarni

[306] O‘zbekistonda Sun’iy intellekt bo‘yicha maslahat kengashi tashkil etildi. /2022/08/26/ https://www.gazeta.uz.

[307] O‘zbekiston hukumatlarning sun’iy intellektga tayyorlik indeksida 79-o‘rinni egalladi. /2022/12/30/https://www.gazeta.uz.

[308] Федеральный закон от 24.04.2020 N 123-ФЗ "О проведении эксперимента по установлению специального регулирования в целях создания необходимых условий для разработки и внедрения технологий искусственного интеллекта в субъекте Российской Федерации// https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_351127/c5051782233acca771e9adb35b47d3fb82c9ff1c

[309] 2020 yil 24 apreldagi 123-FZ-sonli "Rossiya Federatsiyasi sub'ekti - Moskva Federal shahrida sun'iy intellekt texnologiyalarini ishlab chiqish va joriy etish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish bo'yicha maxsus nizomni belgilash bo'yicha tajriba o'tkazish va unga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida" "Shaxsiy ma'lumotlar to'g'risida" Federal qonunining 6 va 10-moddalariga // RossiyaFederatsiyasi qonun hujjatlari to'plami. 2020 yil. 17-modda. 2701

yaratish maqsadida eksperimental huquqiy rejimni o‘rnatish bo‘yicha besh yillik tajribani nazarda tutadi.

Rossiyada sun’iy intellekt huquqni muhofaza qiluvchi organlar, xususan, Rosgvardiya, Ichki ishlar vazirligi va Federal xavfsizlik xizmati faoliyatida tobora keng qo‘llanilmoqda. SI videokuzatuv tizimlarida keng ishlatiladi. Masalan, Moskva va boshqa yirik shaharlardagi “Bezopasniy gorod” (Xavfsiz shahar) dasturi yuzni tanish texnologiyasiga asoslangan SI yordamida ommaviy tadbirlar vaqtida potensial xavf-xatarlarni aniqlaydi. Bu Rosgvardiyaga odamlar oqimini nazorat qilish va huquqbuzarliklarni tezkor aniqlashda yordam beradi. Qolaversa, Ommaviy tadbirlarda dronlar va SI asosidagi monitoring tizimlari ishlatiladi, bu esa katta hududlarni real vaqt rejimida kuzatish imkonini beradi. Masalan, 2018-yilgi FIFA Jahon chempionati vaqtida bunday texnologiyalar sinovdan o‘tkazilgan.

O‘zbekiston Milliy gvardiyasi va Ichki ishlar vazirligi uchun Rossiyaning videokuzatuv va dronlardan foydalanish tajribasi ommaviy tadbirlarda xavfsizlikni ta’minlashda qo‘llanilishi mumkin. Masalan, Toshkentda katta tadbirlar uchun SI asosidagi monitoring tizimlari joriy qilinishi mumkin.

Buyuk Britaniyada bu qonunni qabul qilish jarayoni ancha oldin boshlangan bo‘lib, endi sun’iy intellektni keying istiqbollarini huquqiy tartibga solish uchun amaliy norma ijodkorligida faoliyat olib bormoqda. Quyida fikrimzni isboti sifatida bir qancha statistik raqamlarni keltirishni lozim deb topdik. 2014-yildan beri Buyuk Britaniya hukumati sun’iy intellektga 2.3 milliard funt sterlingdan ortiq sarmoya kiritdi va u uzoq muddatli ehtiyojlarga yo‘naltirilgan yangi investitsiyalarni e’lon qildi, jumladan, 2,000 tagacha yangi AI va ma’lumotlar fanlari bo‘yicha stipendiyalarni moliyalashtirish. Shuningdek, u sanoatni o‘sishi uchun zarur bo‘lgan ko‘nikmalar va iste’dodlar bilan ta’minlashga yordam berish uchun yangi viza yo‘nalishlarini joriy qildi[310].

Buyuk Britaniyada SI huquqni muhofaza qiluvchi organlar, xususan, politsiya va maxsus xizmatlar faoliyatida shaffoflik va fuqarolar huquqlariga rioya qilishga urg‘u berilgan holda ishlatiladi. Shunigdek, Buyuk Britaniya politsiyasi SI asosidagi prognostik modellar (masalan, PredPol yoki boshqa shunga o‘xshash dasturlar) yordamida jinoyatlar ehtimoli yuqori bo‘lgan hududlarni aniqlaydi.[311] Bu resurslarni samarali taqsimlash va patrullikni optimallashtirishda yordam beradi.

[310] Buyuk Britaniya sun'iy intellektni tartibga solish bo'yicha yangi takliflarni e'lon qildi. 20-iyun 2020-yil// https://www.unite.ai

[311] https://naacp.org/resources/artificial-intelligence-predictive-policing-issue-brief

Buyuk Britaniya dunyoda eng ko‘p videokuzatuv kameralariga ega mamlakatlardan biri. SI yuzni tanish texnologiyasi (asosan, Metropolitan politsiyasining tizimlari) orqali ommaviy tadbirlarda shubhali shaxslarni aniqlashda ishlatiladi.[312] Masalan, 2019-2020-yillarda yuzni tanish dasturlarining noto‘g‘ri ishlashi va etnik guruhlarga nisbatan noto‘g‘ri profilaktika tufayli tanqid ham qilingan.

2023-yil 14-iyun kuni Yevroparlament deputatlari Sun’iy intellekt to‘g‘risidagi akt (The A.I. Act) deb nomlanuvchi qonun loyihasini ma’qullagan[313], Unda Sun’iy intellektdan foydalanishdagi eng xavfli holatlarni cheklashi belgilangan.

Ko‘pgina yevropa davlatalari inson huquqlari, demokratiya va qonun ustuvorligiga “qabul qilib bo‘lmaydigan” xavf tug‘diruvchi sun’iy intellekt ilovalariga to‘liq yoki qisman moratoriy qo‘yish yoki taqiqlashga chaqirdi. Qonun bilan belgilangan, masalan, boshqarib bo‘lmay qolish imkoniyatlari mavjud harbiy sun’iy intellekt uchun. O’z navbatida, onlayn platformalar alohida tekshirilishi kerak, chunki iqtisodiy kuch va ma’lumotlarning ortib borayotgan konsentratsiyasi demokratik jarayonlarga putur yetkazishi mumkin.

AQShning global iqtisodiy va texnologik yetakchilik sohasidagi asosiy raqobatchisi Xitoydir (agar sun’iy intellekt algoritmlari bo‘yicha AQSh yetakchiligi inkor etilmaydigan bo‘lsa, Xitoy allaqachon ma’lumotlar hajmi bo‘yicha ustunlikka ega). 2015-yilda Xitoy “Xitoyda ishlab chiqarilgan” 2025 yil uchun keng qamrovli rivojlanish dasturini boshladi.[314] va 2017 yil iyul oyida Xitoy Xalq Respublikasi Davlat kengashi tomonidan qabul qilingan “Yangi avlod sun’iy intellektni rivojlantirish rejasi” nashr etildi.[315] Bu bilan esa rasman sun’iy intellektni rivojlantirishni milliy ustuvor vazifa deb e’lon qildi. Ushbu rejaning birinchi qismi – “Strategik vaziyat”da sun’iy intellekt iqtisodiy taraqqiyotning dvigateli ekanligi, uning rivojlanishi yangi texnologiyalar, mahsulotlar, sanoat tarmoqlarini yaratishga xizmat qilishi, jamiyatning iqtisodiy tuzilishida tub o‘zgarishlarga olib kelishi, tub o‘zgarishlarga olib kelishi ko‘rsatilgan. Keyingi avlod sun’iy intellektni rivojlantirish rejasi quyidagi maqsadlarga qaratilgan milliy strategiyani o‘z ichiga oladi:

- ilmiy tadqiqotlarni kengaytirish, iste’dodlarni rivojlantirish;

[312] https://www met.police.uk

[313] ЕС принимает первый закон о защите от рисков искусственного интеллекта. Главной угрозой считают не вымирание человека// https://www.bbc.com/russian/news-65885302

[314] Xitoyda ishlab chiqarilgan 2025. URL: http://www.cittadellascienza.it/cina/wpcontent/uploads/2017/02/IoT-ONE-Made-in-China-2025.pdf.

[315] Sun'iy intellektni rivojlantirish rejasining yangi avlodi, 2017. URL: https://flia.org/notice-statecouncil-issuing-new-generation-artificial-intelligence-development-plan/ (kirish 12/10/2021).

- sanoat o‘zgarishlari;

- qoidalar, standartlar, axloqiy me’yorlarni belgilash va xavfsizlik masalalarini hal qilish.

Shuningdek, Sun’iy intellekt va tegishli texnologiyalar iqtisodiyotida jahon yetakchiligiga erishish (2030 yilgacha) Xitoy Xalq Respublikasining davlat vazifalar biri sifatida “….ijtimoiy boshqaruvni intellektuallashtirish, jamoat xavfsizligini ta’minlash uchun yakuniy, samarali intellektual infratuzilmani o’z ichiga olgan “aqlli” shaharlarni qurish” belgilanganligini ko‘rishimiz mumkin.

Shunga qaramay, shuni aytish mumkinki, Xitoyda axloqiy cheklovlar AQShga qaraganda kamroq ahamiyatga ega va hatto Yevropa Ittifoqi mamlakatlariga qaraganda ko‘proq. Masalan, Xitoy hukumati jamoat joylarida yuzni tanish texnologiyasidan foydalanadi, bu Yevropada ham, AQShda ham inson huquqlarining buzilishi sifatida tan olinadi. Sun’iy intellekt Xitoyda ijtimoiy-siyosiy barqarorlikni ta’minlashga mo’ljallangan fuqarolarning xatti-harakatlarini nazorat qilish uchun yaratilayotgan tizimning asosidir.

Sun’iy intellekt sohasidagi texnologiyalarni takomillashtirishning eng muhim manbasi ma’lumotlar bo‘lganligi sababli, siyosatning ikki turi hal qiluvchi ahamiyatga ega:

1) maxfiylik va ma’lumotlar almashinuvi qoidalarini belgilaydigan siyosat;

2) huquqni muhofaza qilish organlarida kuzatuv texnologiyalaridan foydalanish siyosati.

Bizningcha, siyosatlar mamlakat va siyosiy rejimga qarab sezilarli darajada farqlanadi. Xitoy misolida shuni ko‘rish mumkinki, boshqa narsalar teng bo‘lsa, avtoritar siyosiy institutlar innovatsiyalarga salbiy ta’sir ko’rsatishda davom etmoqda, ammo ulardan olingan keng ko‘lamli ma’lumotlar to‘plamining mavjudligi tufayli chuqur o‘rganish tadqiqotlariga ijobiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin.

Rivojlangan davlatlar tajribasi hamda sohani huquqiy tartibga solish uchun mamlakatimizda qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatlarga asoslanib, yangi texnologiyalar, shu jumladan sun’iy intellekt tizimlari bilan boliq javobgarlik masalalarini hal qilish uchun Nizom ishlab chiqish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

Mazkur Nizomda kim sun’iy intellektni qo’llamoqchi bo’lsa, u muayyan foydalanish holati “yuqori xavf” ekanligini va shuning uchun majburiy muvofiqlikni oldindan baholash zarurligini aniqlashiga imkon beradi.

O.A.Kolotkina va I.D.Yagofarova kabi taniqli olimlar Milliy gvardiya yoki boshqa huquqni muhofaza qiluvchi organlar faoliyatida “shaxsning huquqiy maqomining o‘zagi” bo‘lishi kerak bo‘lgan xavfsizlik huquqi masalasini ko‘taradi.[316] Bu borada M.V.Arzamastsev esa “…davlat faqat huquqlarni cheklash orqali xavfsizlikni ta’minlashi mumkin”[317] deya e’tirof etadi.

K.V.Aranovskiy, S.D. Knyazevlar “xavfsizlikka ortiqcha e’tibor konstitutsiyaviy qonunlarga to‘g‘ri kelmasligi mumkinligi haqida fikr yuritadi”.[318]

Bizningcha, axloqiy tartibga solishning davom etayotgan transformatsiyasi ham huquqiy tartibga solishni o‘zgartirishning zaruriy shartidir, yangi texnologiyalarni asosiy konstitutsiyaviy tamoyillarga bog‘lash vaqti keldi. Bir guruh Yevropa konstitutsiyaviy tadqiqotchilari Xalqaro Texnoetika jurnalida “Robotexnologiya va asosiy huquqlar: robototexnika Yevropa konstitutsiyaviy tuzilmasini chaqiradi” nomli maqolasida[319] o‘quvchilar e’tiborini texnologiyaning inson hayoti bilan tobora yaqinroq “o‘zaro bog‘liqligi” ushbu o‘zaro ta’sirni huquqiy tartibga solishni talab qiladigan savollar tug‘dirishiga qaratib o‘tgan.

Xulosa o‘rnida shuni aytishim mumkinki, Konstitutsiyaviy huquq yangi sharoitlarda inson huquqlarini himoya qilish samaradorligini ta’minlashga majburdir. Shaxsiy daxlsizlik huquqini himoya qiluvchi kafolatlar yaratish zarur. Bunday kafolatlar qonunda belgilanishi mumkin, lekin hech bo‘lmaganda qonun asos bo‘ladigan dastlabki qoidalar konstitutsiyada belgilanishi kerak. Aks holda, tadqiqotchilar, xususan, “shaxsiy ma’lumotlarni ruxsatsiz yig‘ish, shaxsiy hayotga tajovuz qilish, ma’lum bir shaxs yoki ijtimoiy guruhga nisbatan kamsitish, reklama uchun shaxsiy ma’lumotlardan noqonuniy foydalanish va boshqa xavflar muammosi” haqida yozadigan bir qator muammolar paydo bo‘ladi.

Jinoyat huquqi bo‘yicha mutaxassislar esa bir qator jinoiy xavflar mavjudligi sababli sun’iy intellektni ishlab chiqish, ishlab chiqarish va foydalanish sohasidagi munosabatlarni jinoiy tartibga solish zarurligini faol

[316] Kolotkina O.A., Yagofarova I.D. Shaxsning xavfsizlik huquqi: konstitutsiyaviy huquq va erkinliklar ro'yxatini kengaytirish masalasi bo'yicha // Rossiya qonunlari: tajriba, tahlil, amaliyot. 2017. No 10. B. 94–96

[317] Arzamastsev M.V. Jamoat xavfsizligi sohasidagi jinoiy-huquqiy taqiqlarning konstitutsiyaviy asoslari // Kriminalist. 2020 yil. № 2 (31). P. 10.

[318] Aranovskiy K.V., Knyazev S.D. Konstitutsiya va xavfsizlik // Davlat va huquq. 2018. No 1. B. 17– 28

[319] Koops E.-J., Di Karlo A., Nocco L., Casamassima V., Stradella E. Robotik texnologiyalar va asosiy huquqlar: robototexnika Evropa konstitutsiyaviy asoslariga qarshi kurash // Xalqaro texnologiya jurnali. jild. 4. 2013. No. 2. P. 1201.

muhokama qilmoqdalar.[320] Masalan, kiberhujumlar uchun mashinani o‘rganish texnikasi, odamlarning shaxsiy hayotiga tajovuz qilish uchun esa yuzni aniqlash va ma’lumotlarni qidirish algoritmlaridan foydalanish mumkin. Sun’iy intellekt tizimlarining ma’lumotlarni, shu jumladan insonning sog‘lig‘i va psixologik xususiyatlariga oid shaxsiy ma’lumotlarni samarali qidirish va qayta ishlash qobiliyati ularni huquqbuzarlarning ayrim toifalari uchun jozibador qiladi.

[320] Begishev I.R., Latypova E.Yu., Kirpichnikov D.V. Sun'iy intellekt huquqiy kategoriya sifatida: ta'rifni ishlab chiqishga doktrinal yondashuv // Iqtisodiyot va huquqning dolzarb muammolari. 2020. V. 14. No 1. S. 79–91.

Замонбеков Умидбек Авазбек ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.

ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Аннотация: Мазкур мақолада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Шахснинг ҳуқуқий онги ва маданияти жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим омил эканлиги илмий асосда асослаб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон қонунчилигида ушбу соҳани тартибга солувчи нормалар таҳлил қилиниб, амалдаги ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, жамоат хавфсизлиги, ҳуқуқий тарбия, профилактика, қонун устуворлиги, ёшлар жиноятчилиги, Миллий гвардия.

Аннотация: В данной статье проанализирована роль и значение повышения правосознания и правовой культуры в обеспечении общественной безопасности. Обосновано, что правосознание и правовая культура личности являются ключевыми факторами в профилактике преступности, борьбе с правонарушениями и укреплении верховенства закона. Также проанализированы нормы действующего законодательства Республики Узбекистан в данной сфере и предложены научно обоснованные меры по его совершенствованию.

Ключевые слова: правосознание, правовая культура, общественная безопасность, правовое воспитание, профилактика, верховенство закона, молодежная преступность, Национальная гвардия.

Abstract: This article analyzes the role and significance of enhancing legal awareness and legal culture in ensuring public safety. It is scientifically substantiated that an individual’s legal consciousness and culture are essential in preventing crime, combating offenses, and upholding the rule of law. The article also reviews the current legal framework of Uzbekistan in this area and provides scientifically grounded proposals for its improvement.

Keywords: legal awareness, legal culture, public safety, legal education, prevention, rule of law, youth crime, National Guard.

Ўзбекистон XXI асрга оғир халқаро ва ички вазият ҳукмронлик қилган вақида кирди. Бутун дунёда демократиянинг муваффақияти, янги глобал савдо муносабатларининг ўсиши, миллий хавфсизликка таҳдидларнинг ўзгаришига олиб келди. Совуқ уруш таҳдидларидан келиб чиққан эски қўрқувлар янги таҳдидлар: халқаро жиноят ва халқаро терроризм, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиш хавфи, миллатлараро нафрат, терроризмни қўллаб-қувватловчи давлатларнинг тажовузкорлиги каби янги хавотирлар билан ўрин алмашди.

Ҳали ҳам ўз рақиблари ҳисобига бир томонлама устунликка эришиш орқали миллий хавфсизликка эришиш ғояси тарафдорлари мавжуд. Сиёсий реализм ва неореализм концепциялари тарафдорлари дунё XXI асрда Т.Гоббснинг «Ҳамма ҳаммага қарши уруши» тамойили асосида яшайди деб ҳисоблашмоқда. Америкалик сиёсатшунослар Г. Киссинжер ва К. Уолтс бугунги кунда ҳам дунёни антагонистик блокларга бўлиб, ушбу блоклар ўртасидаги ҳарбий кучлар мувозанатига эътибор қаратишда давом этмоқдалар[321].

НАТОнинг собиқ социалистик лагерь мамлакатларини қамраб олиши жаҳон тинчлиги учун хавфдир. Генри Киссинжер ёзганидек, НАТО кенгайишнинг ашаддий тарафдори[322].

Г.Киссинжер ва К.Уолтс каби америкалик сиёсатшунослар дунёни ҳали ҳам антагонистик блоклар ўртасидаги қарама-қаршилик нуқтаи назаридан баҳолайдилар. Улар фикрича, ҳарбий кучлар мувозанати халқаро барқарорликни таъминлайдиган асосий омилдир. Бу ёндашув Т.Гоббснинг «Ҳамма ҳаммага қарши уруши» тамойилига таянади, яъни халқаро муносабатлар доимий кучлар мувозанатига боғлиқ тарзда шаклланади.

Танқидчилар эса бундай ёндашув тинчлик ва ҳамкорликни камситиб, давлатлар ўртасидаги ишончсизликни кучайтиришини таъкидлайдилар. НАТОнинг собиқ социалистик мамлакатларга кенгайиши ҳам халқаро хавфсизликка салбий таъсир этиши мумкин, чунки бу Россия каби давлатларда стратегик хавотир ва геосиёсий таҳдид туйғусини кучайтиради.

[321]Дойл, М.У. Пути войны и мира / М.У. Дойл. Вашингтон, 1997. - с. 15–16

[322]Шустов, В.В. Россия и проблемы безопасности в балтийском регионе / В.В. Шустов. М., 2007. - с. 10

Шу билан бирга, блоклар ўртасидаги куч мувозанати ўрнига халқаро ҳамкорлик, дипломатия ва интеграцияни ривожлантириш тарафдорлари ҳам мавжуд. Улар фикрича, дунёнинг барқарорлиги фақат ҳарбий куч эмас, балки глобал иқтисодий ҳамкорлик, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асосланиши керак.

Қўшма Штатларнинг постсоциалистик маконда кенг миқёсда экспансияси кўплаб ёш мустақил давлатлар либерал демократияси давлат ҳокимиятининг заиф институтларига эга бўлганлиги ва ташқи таъсирга осонгина тобе бўлганлиги билан изоҳланади, бу эса кўплаб хавфсизлик муаммолари ва ўчоқларини яратдди. 2008 йил августдаги Грузия-Осетин уруши ва АҚШ раҳбарларининг сиёсий баёнотлари бунинг бевосита тасдиғидир.

Бугунги кунда миллий хавфсизликка таҳдидларни аниқлаш ва баҳолашга ёндашувлар ўзгарди. Агар миллий хавфсизликнинг анъанавий концепцияси ҳарбий таҳдиднинг йўқлиги ёки миллатни ташқи тажовуздан ҳимоя қилиш қобилияти билан боғлиқ бўлса, бугунги кунда экологик ва техноген фалокатлар, шунингдек, чегарадаги келишмовчиликлар ёки оммавий қирғин қуролларини тарқатиш таҳдидлари кучаймоқда. Миллий хавфсизлик идоралари томонидан таҳлил қилинадиган таҳдидлар рўйхати мафкуралашган давлат қадриятлари даврига нисбатан кенгаймоқда.

Глобаллашув даври демократик жамият ҳаёти ҳам ижобий, ҳам салбий таъсирларга дучор бўлишини мутлақ ишонч билан исботлаб турибди. Ҳар ҳолда глобал муаммоларга қарши туришга фақат маънавий-сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий хавфсизлик маданияти шаклланган жаҳон ҳамжамиятини чақиради.

Ҳозирда биз ҳар бир нарсани, жараён борасида жамият миллий хавфсизлигини таъминлашнинг мақсад ва омиллари нуқтаи назаридан фикр юрита бошладик. Айтишимиз мумкинки, "Ўзбекистон миллий хавфсизлиги" тушунчаси "Ўзбекистон жамияти хавфсизлиги" тушунчасига тенглаштирилмоқда.

Кучайиб бораётган таҳдидларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, Ўзбекистонда турли хил аксилижтимоий бузғунчи хатти-ҳаракатларнинг кенг тарқалиши, "оммавийлашуви", жамиятда маънавиятнинг пасайиши, ахлоқнинг таназзулга учраши қонунларнинг бузилишини ижтимоий норма сифатида эътироф этиш, барча ижтимоий муаммолар ичидан фақат тирикчилик масалаларига урғу бериш оқибатида, шахс салбий ривожига таъсир қилиб, гиёҳвандлик,

алкоголизмга берилишига етаклайди. Шундай фонда қонуннинг қадрсизланиши, ҳуқуқий нигилизм, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ишончсизлик айниқса таҳдидли хусусият касб этади.

Аммо шахс ва жамият хавфсизлигини таъминлашнинг асосий субъекти давлатдир, шунинг учун бугунги кунда Ўзбекистон давлатининг асосий мақсади инсонларнинг нормал ишлаши ва хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Айни пайтда, сўнгги ўттиз йилликда (совет тузумининг сўнгги йилларини четлаб ўтамиз) содир бўлган бузғунчи жараёнлар маънавий соҳага ҳам иқтисодий соҳадан кам бўлмаган таъсир кўрсатди. Шу боис, “инновацион иқтисодиёт фақат маълум бир ижтимоий контекстда, хусусан инсонпарварлик ғоялари, ижодий эркинлик ва ҳаёт сифатини яхшилаш истагига асосланган инновацион маданиятнинг бир қисми сифатида шаклланиши мумкин”[323].

Ўз-ўзидан, бундай ҳужжатларни ишлаб чиқишдан олдин ҳар томонлама фанлараро илмий тадқиқотлар олиб борилади.

Биринчи йўналишга келсак, Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1997 йилдаги 467-I-сон қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Миллий Хавфсизлик Концепцияси тасдиқланган[324]. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда маданият масалалари кўплаб бўлимларда турли даражадаги тўлиқликда акс эттирилган, аммо миллий хавфсизлик концепциясига маълум стратегик мақсадларга эришиш воситаси сифатида анъанавий ёндашув туфайли маданият муайян фаолият тури сифатида ҳисобга олинмайди.

Концепцияда хавфсизлик ва давлат суверенитетини таъминлашнинг ҳал қилувчи воситаси ва биринчи навбатда ҳимоя объекти сифатида маданиятнинг мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашдаги асосий роли эътироф этилмайди.

Маданият соҳасини модернизация қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг иккинчи йўналишига келсак, тегишли концептуал ҳужжат ёки кенг қамровли ҳуқуқий ҳужжатнинг йўқлиги қисман қуйидагилар билан изоҳланади. Биринчидан, социалистик қурилиш даврида маданият ғояси маълум бир ўзини-ўзи тўлдирадиган хусусиятга эга ва шунинг учун алоҳида ҳуқуқий таъсирни талаб қилмайдиган ҳодиса сифатида ўрнатилган эди. Иккинчидан, давлат

[323]Послание Президента РФ Д. А. Медведева Федеральному Собранию РФ // http:// www.kremlin.ru/ transcripts/5979

[324] Ўзбекистон Республикасининг Миллий Хавфсизлик Концепцияси //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда

томонидан маданиятга утилитар – тарғибот ёндашувига энг мос келадиган ва мафкуравий таълимотни амалга оширишга хизмат қиладиган соҳа деб қаралган. Маданий жараёнларни ривожлантириш СССР Ҳукумати, КПСС Марказий Қўмитаси қарорлари ёки фармонларини қабул қилиш орқали амалга оширилган эди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 27-моддасида: «Ҳар бир шахс жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиш, санъатдан баҳраманд бўлиш, илмий тараққиётда иштирок этиш ҳуқуқига эга...; Ҳар бир шахс ўзи муаллифи бўлган илмий, адабий ёки санъат асарларидан келиб чиқадиган маънавий ва моддий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга» дейилади[325].

Давлат хавфсизлиги — бу давлатнинг кенг доирадаги таҳдидлардан юқори сифатли хавфсизлиги ҳолатини ўз ичига олган мураккаб, кенг қамровли тушунча. «Давлат хавфсизлиги» тушунчасини тор маънода талқин қилмаслик ва унга кенг кўламли жиҳатларни киритишга чақираётган олимларнинг фикрига қўшилишимиз керак. Масалан, А.В. Володин тўғри таъкидлашича: "Совет даврида "давлат хавфсизлиги" ибораси, асосан секкуритологик йўналишда, Совет ҳокимиятига ташқи ва ички таҳдидларга қарши туриш нуқтаи назаридан, "миллий хавфсизлик ва мудофаа" замирида ишлатилган". Айнан шу маънода 1934 йил июль ойида "давлат хавфсизлиги" атамаси қонунчилик томонидан тан олинган. Ўшандан бери мамлакатимизда узоқ вақт давомида хавфсизлик ташқи ҳарбий хавф ва таҳдидларга қарши туриш (ҳарбий хавфсизлик), шунингдек, хорижий давлатларнинг разведка ва қўпорувчилик фаолиятига қарши туриш (давлат хавфсизлиги) ҳақида гапириб келинмоқда"[326]. Бироқ, бугунги кунда "давлат хавфсизлиги" тушунчасининг кўлами, жумладан, маданий ва ҳуқуқий жиҳатлари туфайли кенгайиб бормоқда[327].

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 27-моддаси ҳар бир шахснинг маданий ҳаётда эркин иштирок этиш ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини кафолатлайди. Бироқ, давлат хавфсизлиги тушунчаси билан боғлиқ тортишувлар ушбу ҳуқуқлар

[325]Қаранг: Права человека. Сборник международных договоров. Нью-Йорк: Организация Объединенных Наций, 1978. С. 1—3.

[326] Володин А.В. Государственная безопасность — основной приоритет национальной безопасности Российской Федерации // Вестник Военного университета. 2012. № 2.

[327] Лучин В.О., Эбзеев Б.С., Хазов Е.Н., Белоновский В.Н., Эриашвили Н.Д., Чихладзе Л.Т., Пряхина Т.М., Зинченко Е.Ю., Опалева А.А., Осавелюк А.М., Чепурнова Н.М., Зиборов О.В., Прудников А.С., Харламов С.О., Егоров С.А., Кикоть-Глуходедова Т.В., Миронов А.Л., Саудаханов М.В., Чертова Н.А., Булавин С.П. и др. Конституционное право России. Москва, 2019. (10-е издание, переработанное и дополненное)

билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

Совет даврида "давлат хавфсизлиги" асосан ташқи ва ички таҳдидларга қарши мудофаа нуқтаи назаридан тушунилган. А.В. Володиннинг таъкидлашича, бу тушунча кўпроқ ҳарбий ва разведка соҳаларига қаратилган эди. Бугунги кунда эса хавфсизлик тушунчаси кенгайиб, маданий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларни ҳам ўз ичига олмоқда. Танқидчилар фикрича, давлат хавфсизлиги ниқоби остида инсон ҳуқуқлари ва маданий эркинликларга чекловлар қўйилиши мумкин.

Шу билан бирга, хавфсизлик мутахассислари давлат барқарорлиги ва жамиятнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун хавфсизликнинг кенг кўламли концепциясини зарур деб билишади. Улар хавфсизлик ва инсон ҳуқуқлари ўртасида мувозанат сақлаш кераклигини таъкидлайдилар.

Сўнгги йилларда жамиятимизда рўй бераётган объектив ўзгаришлар, янги (ижтимоий, иқтисодий, техник, ахборот ва ҳоказо) воқеликнинг пайдо бўлиши касбий фаолият ва касбий маҳорат ҳақидаги қарашларга таъсир этмай қола олмади. Жамиятдаги инқирозли ҳодисаларни енгиб ўтишга уринишлар билан тавсифланган ҳозирги вазиятда мутахассисларни тайёрлаш вазифаси алоҳида аҳамият касб этди.

Конституция Ўзбекистон Республикасини ҳуқуқий давлат сифатида белгилайди.

Ҳар қандай жамиятнинг ривожланишида даврий равишда юзага келадиган ва одамларнинг шароитлари ва турмуш тарзининг деформацияси, тўсатдан юзага келадиган қадриятлар бўшлиғи, моддий кўрсаткичларнинг ўзгариши, ҳаёт истиқболларидаги ноаниқлик ва муқаррар равишда кескинлашиш билан боғлиқ бўлган жиддий зарбалар ва зиддият, бурилишлар пайтида экстремизм ижтимоий-сиёсий жараённинг энг хавфли салбий хусусиятларидан бирига айланади. Замонавий экстремизм янги контурларга эга бўлиб, кўламининг кенгайиши билан ажралиб туради.

Ўтган асрга нисбатан экстремизм ва терроризм давлат раҳбарлари, сиёсий арбоблар, диний етакчилар даражасидаги саммит, йиғилиш ва анжуманларда энг кўп муҳокама қилинадиган мавзулардан бирига айланди.

Алоҳида мусулмон ёшлар орасидаги миссионерлик ва ташвиқот фаолияти кучайиши, МДҲ ҳудудида анъанавий равишда исломга

эътиқод қилувчи йирик ижтимоий гуруҳлардан бўлган мигрантлар сонининг кўпайиши – бундай мигрантлар орасида кўпинча ўз ватанларида экстремистик диний ташкилотларда қатнашгани учун таъқибга учраган шахслар кўп учрайди.

Айтиш жоизки, экстремизмнинг энг юқори шакли терроризмдир. Бу глобал ижтимоий муаммолардан бири бўлиб, шафқатсиз, олдиндан айтиш қийин ижтимоий фавқулодда ҳолат.

Терроризм турли кўринишларда намоён бўлади — телефон орқали таҳдид қилишдан тортиб, бортида йўловчилар бўлган авиалайнерларнинг ҳавода портлашигача. Терроризм муаммоси йилдан-йилга хавфли бўлиб бормоқда. Дунё бўйлаб террористик ҳужумлар сони хавотирли даражада ортиб бормоқда. 2015 йил 31 октябрда Мисрнинг Шимолий Синай устидаги даҳшатли терактлар, 2015 йилнинг 14 ноябрида Париж марказида, 2016 йилнинг 11 январида Бағдодда ва Истанбулда, 2016 йилнинг 12 январида Анқарада бир қатор терактлар. Қолаверса, бу ҳаракатлар қурбонлари тинч аҳоли, жумладан чет эл фуқароларидир. Ҳозирда Сурия, Яман, Ливия ва Ироқда давом этаётган можаролар билан боғлиқ жиддий тўнтаришлар террорчилик ҳаракатларининг кучайишига ёрдам бермоқда. «ИШИД», «Жабҳат ан-Нусра», «Кавказ амирлиги» ва бошқа халқаро гуруҳлар кенг ҳудудларни эгаллаб олиш ва вазиятни, жумладан, Ўзбекистон ҳудудидаги вазиятни беқарорлаштиришга ҳаракат қилмоқда.

2007 йилда АҚШнинг Ички хавфсизлик бўйича Миллий стратегиясида “Америка Қўшма Штатларида Ҳукумат ва хусусий секторни Интернетда ҳимоя қилиш” бўйича алоҳида бўлим киритилган бўлиб, унда Интернетни террористлардан ҳимоя қилиш ҳамда Интернетда “ушбу бутунжаҳон ёвузлигига қарши кураш” зарурлиги қайд этилган[328].

2015 йил июн ойида 2002 йилда қабул қилинган “Ички хавфсизлик тўғрисида”ги Қонунга (An Act to establish the Department of Homeland Security, and for other purposes) 2899-сон ўзгартириш (A Bill to amend the Homeland Security Act of 2002 to authorize the Office for Countering Violent Extremism) киритилди. Ушбу тузатиш асосида “зўрлик ишлатиладиган экстремизм” (“violent extremism”), яъни мафкуравий асосланган террорчилик фаолияти тушунчаси қатъий белгилаб берилди. Шунингдек, мазкур тузатиш асосида АҚШ Ички хавфсизлик

[328] Гусев А.В. Зарубежный опыт борьбы с преступлениями в сфере Интернета // www.pavo.by – Национальный центр правовой информации Республики Беларусь.

департаментида (The United States Department of Homeland Security) Зўрлик ишлатиладиган экстремизмга қарши кураш бўйича махсус бошқарма ташкил этилди[329].

Канадада терроризмга қарши кураш борасида алоҳида стратегия ишлаб чиқилган бўлиб, унинг мақсади аниқ стратегик мақсад атрофида ҳуқуқни муҳофаза қилиш, хавфсизлик ва разведка хизматларини жалб қилиш ва кучайтириш, мамлакатнинг ёндашуви ва терроризмга қарши кўрсатмаларини муҳокама қилиш, янги ва такомиллаштирилган терроризмга қарши кураш чораларини шакллантириш ва терроризм таҳдидларининг моҳиятини умумлаштириш учун шароит яратишдир. Мазкур стратегия тўртта элемент орқали ишлайди: олдини олиш (огоҳлантириш), аниқлаш, тақиқлаш ва жавоб бериш[330].

2007 йилда **Туркиянинг** терроризмга қарши соҳасида янги қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонунда терроризм деб баҳоланадиган анъанавий жиноятлар билан бир қаторда, фоҳишалик, одам контрабандаси ва одам савдоси, гиёҳванд моддалар ва қуролларни сотиш, кредит карталарини сохталаштириш, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, компьютер тизимларини бузиш, қасддан одам ўлдириш ва таълим олишга тўсқинлик қилиш ҳам ушбу жиноятга тенглаштирилди. Шунингдек, террористик ташкилотларнинг мурожаат ва баёнотларини матбуотда эълон қилиш, шунингдек уларнинг ғояларини тарғиб қилиш ҳам жиноий жавобгарлик назарда тутилди. Хусусан, Қонунда босма оммавий ахборот воситалари учун катта миқдордаги жарималар ва улар фаолиятини 15 суткагача тўхтатиб қўйиш назарда тутилган.

Терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари **Япония** ва **Филиппиннинг** махсус қонунларида ҳам мустаҳкамланган. Ушбу мамлакатларнинг жиноят қонунларида терроризмга қарши аниқ нормалар мавжуд эмас.

Хитойда эса, терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашни ташкил этиш борасида Интернет билан боғлиқ чекловлар жорий этилган. Хусусан, Интернет-кафеларда мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилган, шунингдек, Интернетда эълон қилинган ноқонуний материалларни аниқлайдиган Интернет

[329] Мельшина К.Ю. Международно-правовые средства борьбы с экстремизмом: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: РУДН, 2018. – С.161.

[330] Building Resilience Against Terrorism: Canada's Counter-terrorism Strategy [Электронный ресурс]. – Режим доступа : http://www.publicsafety.gc.ca/cnt/rsrcs/pblctns/rslnc-gnst-trrrsm/rslnc-gnst-trrrsm-eng.pdf.

полицияси (норасмий “Интернет санитарлари” деб номланади) фаолияти йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Миллий гвардияси қўшинлари — бу давлат ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш учун мўлжалланган давлат ҳарбий ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ташкилотидир.

Мазкур тузилма қўриқлаш фаолиятини ва қурол савдосини назорат қилиш, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш, қурол-яроғ айланишини назорат қилиш ва хавфсизлик фаолиятини таъминлаш бўйича комплекс вазифалар қўйилади. Ушбу вазифаларни бажариш юқори даражадаги тайёргарликни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони[331] билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясида «Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат» деб белгиланган”[332].

Демак, ҳуқуқ ва ҳуқуқий фанлар миллий хавфсизликни таъминлашга, шу жумладан унинг зарур ҳуқуқий ва маданий асосларини шакллантиришга ҳисса қўшади.

Л.А. Чувакованинг сўзларига кўра, "Юридик амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, ҳуқуқшуносларнинг касбий фаолияти сифатига касб эгалари томонидан кўплаб хатоларга йўл қўйилиши сезиларли даражада таъсир қилади. Шу боис ҳуқуқшунослик олдида ушбу салбий ҳодисанинг моҳияти ва мазмунини, унинг вужудга келиш сабабларини ўрганиш, юридик амалиётдаги хатоларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси турибди»[333].

Ҳар қандай жамиятда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳар доим ҳокимият мафкурасининг муҳим қисми бўлиб қолади ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг муайян ҳолатларида юқори даражадаги ҳуқуқий билимга эга бўлишлари керак. Бунинг учун касбий юридик фаолият шундай

[331] https://nrm.uz/contentf?doc=676899_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_jamoat_havfsizligi_konc epciyasi_(o%E2%80%98zr_prezidentining_29_11_2021_y_pf-27-son_farmoniga_1-ilova)&products=1_ vse_ zakonodatelstvo _ uzbekistana

[332] Ўша жойда

[333] Чувакова Л.А. Причины и условия ошибочной юридической деятельности (проблемы методологии): Автореф. дис. … канд. юрид. наук. Н. Новгород, 2003. – С.3.

ташкил этилиши керакки, у билан шуғулланувчилар учун янги ҳуқуқий қадриятлар ва ҳуқуқий хулқ-атворнинг инсонпарвар моделларини узлуксиз идрок этиш ҳаётий заруратга айланиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси тўғрисидаги Қонуни 28-моддасига мувофиқ, Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) ўзига бириктирилган ўқотар қурол ва махсус воситаларни хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида олиб юриш, сақлаш, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ҳамда ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда эга бўлади[334]. Шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органи бир қатор иш усулларини умумеътироф этилган ахлоқ нуқтаи назаридан баҳолаганда, улар жиноятчига хос бўлган усулларга ўхшаш деб тан олиниши мумкин. Мисол учун, жиноятларни очиш бўйича тезкор иш усулларини санаб ўтиш кифоя, хусусан: яширин кузатув ва разведка ("жосус" орқали керакли маълумотларни олиш), тезкор тадбир (ёлғон, дезинформация), ниқобланиш ва бошқалар.

Бу борада М.Строгович шундай ёзади: «Одил судловни амалга оширишда, суд процессида, суд, прокуратура ва тергов органлари фаолиятида ахлоқий меъёрларга энг қатъий риоя қилиш ва уларни тўғри қўллаш жуда катта аҳамиятга эга. ...суд томонидан жиноят ишларини тергов қилиш ва ҳал қилишда кўриладиган чора-тадбирлар нафақат қонунийлик талабларига, балки маънавият талабларига ҳам мос келиши керак. Суд, прокуратура ва тергов олдида турган ҳуқуқий ва маънавий мақсадга ҳуқуқий ва маънавий воситалар билан эришиш мумкин ва керак"[335].

Ташқи тарафдан фақат ҳуқуқий тартибга солиш учун мос бўлмаган қадриятларнинг бутун мажмуаси мавжуд. Бироқ, бу нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг ташқи шакли, балки ҳар бир ходимнинг одатий ички эҳтиёжига айланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш этикаси ахлоқий хулқ-атворнинг умумий тамойилларига ҳеч нарса қўшмайди, уни фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг фаолиятига нисбатан ўзгартиради.

Ҳуқуқий маданият даражаси ва, айниқса, унинг сифати, ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизимининг асосий элементларида ўз аксини топиб, айни чоғда ҳуқуқ ва ҳуқуқий муносабатларни, қонунийлик ва ҳуқуқ-

[334] Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси тўғрисидаги Қонуни // https://lex.uz/uz/docs/ 5128310#5128719

[335] Строгович М.С. Избранные труды: В 3 т. Т. 2. Гарантии прав личности в уголовном судопроизводстве. М., 1992. – С.217.

тартиботни, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятига сингиб кетишини аниқ ва равшан англаш керак. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти юристнинг ҳуқуқий маданияти билан ҳам чамбарчас боғлиқдир, боиси унинг ҳуқуқий маданияти жамият ҳуқуқий маданиятининг ажралмас қисми, унинг мазмуний ифодаси ҳисобланади.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти даражаси юристнинг ҳуқуқий маданиятига жиддий таъсир қилади, айни вақтда жамиятнинг ва алоҳида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти аҳволи юристнинг касбий ҳуқуқий маданиятига боғлиқ.

Бундан ташқари, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги, қонун устуворлиги конституциявий принципини таъминлаш билан бевосита боғлиқ. Шу муносабат билан, давлат бошқаруви органлари юридик хизматларининг функционал вазифаларини инобатга олган ҳолда, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини кучайтириш, қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришда жамоатчилик назоратининг самарали шаклларини жорий этиш ҳамда бу жараёнда оммавий ахборот воситалари иштирокини кенгайтириш мақсадида қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги ПҚ–4551-сон “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорнинг айрим қоидалари алоҳида эътиборга лойиқ[336].

Хусусан, мазкур Қарор муқаддимасида алоҳида қайд этиладики, “… Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш қонун бузилиши билан боғлиқ салбий оқибатларга қарши самарали курашишни ҳамда бундай ҳолатнинг барвақт олдини олишга қаратилган таъсирчан тизимни шакллантиришни талаб этмоқда”[337]. Бизнинг илмий тадқиқот учун ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг деярли барча қоидалари, шу жумладан Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури алоҳида қизиқиш уйғотади.

---

[336] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги ПҚ–4551-сон “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, https://lex.uz/ru/docs/4647329.

[337] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги ПҚ–4551-сон қарори муқаддимаси.

Биринчи навбатда, бу қоидалар давлат органларининг оммавий манфаатларга бевосита дахлдор қарорлар лойиҳалари устидан жамоатчилик экспертизаси институтини янада ривожлантириш, шунингдек ушбу турдаги қарорлар қабул қилиниши тўғрисида ўз вақтида хабардор қилишни таъминлашга қаратилган.

Шуниси қизиқарлики, тасдиқланган Дастурнинг асосий мақсадларидан бири сифатида Конституция ва қонун устуворлигини, давлат органлари қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари қонунларга тўлиқ мувофиқ бўлишини таъминлаш, қонунлар ижросини самарали ташкил этиш, шунингдек жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш, ҳуқуқий ахборотни замонавий усуллар орқали кенг оммага етказиш, ҳар бир фуқаро ва мансабдор шахсларда Конституция ва қонунларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш белгиланган[338].

Шу сабабли, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 2017 йил 7 декабрдаги 72-сессиясида қабул қилинган “Миллий ва халқаро миқёсда ҳуқуқ устуворлиги” номли резолюциясида миллий миқёсда давлатлар ўзларининг стратегия ва устуворликларини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқ устуворлигини таъминлайдиган ва фаол равишда тарғиб этадиган идоралар фаолиятини қўллаб-қувватлаш зарурати қайд этилган.[339] Шу билан бирга, БМТнинг “Юристлар ролига доир асосий принциплар”да ҳуқуқ устуворлигини таъминлашда юристларнинг муҳим ўрни ва аҳамияти алоҳида эътироф этилган.[340]

Маълумки, Миллий гвардия тузилмаларида ҳуқуқшунос бўлмаган кадрлар билан бирга, юрист кадрлар салмоқли ўринга эга. Ўз навбатида, “юрист” атамаси немисча “jurist” сўзидан келиб чиқади, у эса, ўз навбатида лотинча “jus” (“juris”) сўзидан олинган бўлиб, “ҳуқуқ, қонун” маъносини англатади. Бугунги кунда, жамиятда юристларнинг лавозими ва ихтисослигидан қатъи назар, ижтимоий мавқеи анча юқори.

Юристнинг касбий фаолияти билан боғлиқ масалалар махсус адабиётда, нафақат ҳуқуқий ҳамжамият, балки бошқа соҳаларда ҳам

---

[338] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги ПҚ–4551-сон қарори 1-банди.

[339] Қаранг.: БМТнинг “Миллий ва халқаро миқёсда ҳуқуқ устуворлиги” номли A/RES/72/119-сонли резолюциясининг 16-банди, https://undocs.org/ru/A/RES/72/119

[340] Восьмой Конгресс Организации Объединенных Наций по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями, Гавана, 27 августа – 7 сентября 1990 года: Қаранг.: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/role_lawyers.shtml.

анча кенг муҳокама қилинмоқда. Биз “... бугунги кунда юрист касбини танлаш, кундалик ҳуқуқий ишнинг мазмуни ва моҳияти, профессионал сифатида унга бўлган талаблар, унинг жамиятдаги роли ва ўрни, юристларнинг ўзлари ҳамда, умуман олганда, жамият томонидан кам ўрганилган ва англаб етилмаган”, деб таъкидлаган россиялик олимларга қўшиламиз[341].

Бунда, тадқиқотчилар ҳаққоний равишда кўрсатиб ўтганидек: “... юристнинг касбий фаолиятида ушбу соҳа мутахассиси томонидан бажарадиган ишларнинг турига боғлиқ бўлмаган сифатлар ҳам устувор бўлиши керак: инсонпарварлик ва адолат, муаммоларни ҳал этишга давлат (глобал) нуқтаи назаридан ёндашув, қатъий фуқаролик позициясига эга бўлиш, юқори малака, айни вақтда ушбу сифатлар ҳуқуқ ва ҳуқуқни қўллаш масалалари бўйича мустақил ва эркин қарор қабул қилишга кўмаклашиши шарт”[342].

Давлат мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишни мақсад қилиб қўйди. Айнан ушбу тарихий даврдан бошлаб мамлакатда муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш роли кучаймоқда[343], ушбу жараёнлар муҳимлиги шундаки, бошқа давлатларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам ҳуқуқий демократик давлатнинг шаклланиши қонун устуворлиги ва давлатнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари самарали ижро этилишига асосланади.

Миллий ҳуқуқий тизим негизини қонун устуворлиги принципини эълон қилган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (бундан кейин - Конституция) ташкил этади. Хусусан, Конституциянинг 14-моддасида давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширилиши катъий белгиланган[344]. Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ давлатда Конституция ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

---

[341] Қаранг: Тарасов М.Е., Баттахов П.П., Тарасова-Сивцева О.М. Роль и место профессии юриста в современном обществе.// Вопросы экономики и права. 2014. № 3. – Б.8.

[342] Тарасов М.Е., Баттахов П.П., Тарасова-Сивцева О.М. Роль и место профессии юриста в современном обществе.// Вопросы экономики и права. 2014. № 3. – Б.8.

[343] Қаранг, масалан: Sodan, Helge/Ziekow, Jan, Grundkurs Öffentliches Recht, Staats- und Verwaltungsrecht, 8. Aufl., wesentlich überarbeitete Aufl. 2018 S.; Hartmut Maurer: Allgemeines Verwaltungsrecht. 2014; Herbert Strunz: Der Verwaltungsbegriff. In: Gestaltung öffentlicher Verwaltungen. Springer-Verlag, Berlin / Heidelberg 1993, S. 3–35.

[344] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 08.12.1992 йил, http://lex.uz/ru/docs/ 35869

Қонун устуворлиги принципини амалга оширилишини кафолатлайдиган давлат ҳокимияти органлари тизимини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, Конституция ва қонунларига риоя этилишига кафил сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти (Конституциянинг 93-моддаси), суд органлари, прокуратура ва адлия органлари ташкил қилади. Бунда адлия органлари ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш, ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда самарадорлигини оширишга масъулдир.

Мамлакатимизда охирги йилларда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнларида давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни самарали таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Маълумки, яхши қонунларни қабул қилишнинг ўзи етарли эмас, уларни қатъий ва сўзсиз ижро этилишини таъминлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2016 йилда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллашни такомиллаштиришнинг замонавий устувор йўналишларини белгилар экан "...Асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир", деб қатъий таъкидлади[345]. Шунингдек, давлат раҳбари жорий йилнинг январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги қилган нутқида, "...Ҳукумат қонун, фармон ва қарорлар ижросини тўғри ташкил этиб, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳар бир туман ва қишлоққа, ҳатто олис ва чекка ҳудудларгача етиб боришини таъминлаши зарур"[346] деб алоҳида қайд этди.

Бундан ташыари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касб этикаси муаммоларини ўрганиш долзарблиги мамлакат раҳбариятининг кўплаб чиқишларида тасдиқланади. Жумладан, Ш.Мирзиёев ўз вақтида, "ГАИ ходимларига ҳам, умуман ички ишлар ходимларига ҳам, миллий гвардия ходимларига ҳам... Биламан,

[345] Қаранг: Ш.М.Мирзиёев, Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, http://uza.uz.

[346] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи, https://president.uz/uz/lists/view/3310.

чарчаган улар ҳам, лекин бу масалага оқилона ёндашиш, вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир одам билан «сиз» деб гаплашиши керак. Секин шу карантиндан чиқиб кетишимизга сизлар ҳам жуда катта маданият билан уларга муносабат билдиришларинг талаб этилади. Албатта талабнинг ичида маданият ҳам бўлиши керак. Одамларнинг шахсига тегмасдан, тушунтириш ишларини кучайтириб, маданиятни ҳам кўпайтирсак, мен ўйлайман бу тўғри бўлади" деган[347].

БМТ Бош Ассамблеясининг 1979 йил 17 декабрдаги 34/169-сонли резолюцияси билан қабул қилинган, бор-йўғи саккиз модда ва унга изоҳдан иборат бўлган, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ахлоқий хулқ-атворининг энг муҳим жиҳатларини акс эттирувчи Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мансабдор шахсларнинг одоб-ахлоқ кодексини келтириш мумкин. Кодекснинг 2-моддасида шундай дейилган: "Ҳуқуқ-тартибот органлари мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида инсон қадр-қимматини ҳурмат қиладилар ва ҳимоя қиладилар, барча шахсларнинг инсон ҳуқуқларини тарғиб қиладилар ва муҳофаза қиладилар[348]".

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилишини таъминлаш асосан Миллий гвардия ходимларининг ҳуқуқий маданиятига боғлиқ. Бугунги кунда, ИИВ билан биргаликда, айнан, Миллий гвардия фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг қонуний манфаатлари ҳамда мамлакатдаги жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашда асосий ўринни эгаллайди. Ушбу вазифани бажариш жараёнида, Миллий гвардия фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини ва мажбуриятларини амалга оширишлари учун шароит яратадилар.

Жамиятда ҳуқуқ ва мажбуриятларни рўёбга чиқарилишини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилишида қонунийликка риоя қилинишини шарти сифатида бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий маданиятига боғлиқдир. Айнан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларининг юксак ҳуқуқий маданият даражасига эгалигигина шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматига нисбатан ҳурмат ва эҳтиромни юзага келтиради. Шахснинг ҳуқуқ ва

[347] Мирзиёев Миллий гвардия ва ИИВ маданиятли бўлишга ўргатди // https://uz.fergana.news/news/117634/

[348] Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка. Принят Резолюцией Генеральной Ассамблеи ООН 34/169 от 17 декабря 1979 г. // URL: http://lib.babr.ru/index.php?book=1417

эркинликларига нисбатан ҳурматда бўлиш ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас қисмидир. Инсон қадр-қиммати – маънавий қадриятдир.

Шахснинг қадр-қиммати нафақат инсоннинг ўзи томонидан баҳоланишида, балки ўзининг ижтимоий аҳамиятини англаганлигида ҳамда жамият аъзолари томонидан унинг ҳуқуқларини тан олиш ва унга ҳурмат руҳида муносабатда бўлишларида кўринади.

Шахснинг ҳуқуқларига ҳурмат муносабатида бўлиш деганда, фақатгина уни ҳимоялаш деб тушуниш катта хато бўлиб, балки инсонга ўзининг жамиятдаги ўрнини топиш учун кенг имкониятлар яратиб беришда ҳам номоён бўлади.

Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда Миллий гвардия тузилмалари ходимлари кундалик хизмат фаолиятларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олий қадрият сифатида тан олиб, гуманиз ва ижтимоий адолат принципларига қатъий риоя қилиши лозим. Миллий гвардия тузилмалари ходимларида юксак даражадаги ҳуқуқий маданиятнинг мавжудлиги, бир тарафдан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида фаолиятининг қонунийлигини кафолати ҳисобланса, иккинчи тарафдан инсон ҳуқуқларини амалга оширилиши замин яратилган бўлади.

Жамиятда инсонлар онгида ҳуқуқ бузилиш ҳолатларига нисбатан нафрат туйғусини шакллантириш Миллий гвардия ходимлари фаолиятининг бош мезони ҳисобланади. Айнан ушбу мезон Миллий гвардия ходимлари ҳақида кенг жамоатчилик орасида ижобий ижтимоий фикрнинг шаклланишга ҳамда бир вақтнинг ўзида фуқароларнинг ҳам мамлакатда ўрнатилган қонунларга сўзсиз итоатда этилишини кафили бўлади. Миллий гвардия тузилмалари ходимларида ҳуқуқий маданиятни шаклланишининг ўзига хос хусусияти шундаки, у ходимларда ҳуқуққа ва қонунийликка бўлган ҳурмат ҳиссини орттиради.

Ҳуқуқ – ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита сифатида ўз вазифасини бажарар экан, авваламбор у ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаш шаклларида намоён бўлади.

Миллий гвардия тузилмалари учун қонунийлик – конституциявий принцип сифатида қонунларга, даставвал, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда уларнинг қонуний манфааатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга сўзсиз риоя қилишни назарда тутади.

Миллий гвардия органлари ходимлари томонидан қонунийликнинг бузилишини бир қатор омиллари мавжуд бўлиб. Улардан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир: ҳуқуқий маданият даражасининг юқори эмаслиги туфайли ходимларда мавжуд қонунчилик ҳужжатларини билмаслиги, ҳуқуққа нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлиши, жамоада ҳуқуқий тарбиянинг нотўғри йўлга қўйилганлиги, Миллий гвардия органлари устидан амалга ошилиши лозим бўлган назоратнинг сусайганлиги, ходимларнинг ҳуқуқбузарлик содир этган ҳолатларида жазоланмаслиги. Қонунийликни бузулишининг энг жиддий ва кўп такрорланадиган тури Миллий гвардия органлари ходимларининг мавжуд қонунчилик ҳужжатларини тўлиқ ёки умуман билмасликларида намоён бўлади.

Миллий гвардия органлар ходимларининг ҳуқуқий маданият даражасининг яхши шаклланмаслигини объектив ва субъектив сабаблари мавжуд.

Жумладан, бугунги кунда Миллий гвардия органлари ходимлари тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан ўз вақтида ва лозим миқдорда етарли даражада таъминланмаган. Шу билан бир қаторда Миллий гвардия тузилмалари ходимлари махсус юридик адабиётлар, қонунларга берилган шарҳлар, маъмурий ва жиноят қонунчилигини қўллаш амалиётлари билан тўлиқ танишмаганлигида намоён бўлади.

Шунинг учун, Миллий гвардия тузилмалари да ўтказилаётган хизмат тайёргарлиги машғулотларида ходимларни ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида, биринчи навбатда ва доимий равишда мамлакатимиз қонунчилик тизимида юзага келган янгиликлардан бохабар қилиб бориш, улар учун етакчи мутахассисларни таклиф этган ҳолда махсус ўқув машғулотларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Зеро, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида қонунийликка риоя қилиши, муайян ишни ҳал қилиш жараёнида асослантирилган ва адолатли қарор қабул қилиши, уларни амалга оширилиши фақат қонун доирасида ҳал қилиниши Миллий гвардия тузилмалари нинг қанчалик даражада ҳуқуққа мос самарали фаолият юритаётганлигидан далолат беради.

Миллий гвардия тузилмалари ходимларининг ҳуқуқий маданияти хусусида гапирганда, ушбу муаммонинг яна бир муҳим жиҳати, яъни ходимнинг шахсий тавсифига жиддий эътибор қаратиш лозим. Миллий гвардия органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятиги тўғри баҳо бериш учун, унинг маълумоти, юридик ва касбий малака тажрибасини

инобатга олиш зарур. Касбий малака – Миллий гвардия органлари ходимлари ҳуқуқий маданиятининг муҳим мезонларидан бири.

Миллий гвардия ходимларининг ҳуқуқий маданияти сифатида қуйидагилар назарда тутилади:

Биринчидан, амалдаги қонунларни мукаммал билиш Миллий гвардия тузилмалари ходимларининг хизмат фаолияти жараёнида ўз ҳуқуқларида тўғри фойдаланиш ва мажбуриятларини аниқ бажарилиши ҳамда қонунийликка амал қилинишининг гарови, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширилишининг кафолати ҳисобланади.

Иккинчидан, ҳуқуқ талабларига ҳурмат руҳида бўлиши, ҳуқуқий кўрсатмаларнинг тўғрилиги ва зарурийлигига ишониши.

Учинчидан, Миллий гвардия тузилмаси ходимининг фаолият жараёнида қонунларга риоя қилиш одатий ҳолатга айланиши, яъни ҳеч иккиланмай, доимий равишда, қонун талабларини бажариш руҳида яшаши, қонун унинг кундалик шиорига айланиши лозим.

Тўртинчидан, юқорида зикр этиб ўтилган ҳуқуқий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга бел боғлаган ҳар бир Миллий гвардия тузилмалари ходими учун тааллуқли бўлиши зарур. Шундагина Миллий гвардия тузилмаси ходимлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат руҳида қарайди, қонунийликка риоя қилади ва албатта ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқни қўллаш фаоллияти жараёнида ўз касбига лойиқ бўлади.

Демак, Миллий гвардия тузилмалари ходимларининг ҳуқуқий маданияти қанчалик юксак бўлса, қонунийлик таъминлаш, инсон ва фуқарорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш, уларни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш ҳам шунчалик самарали бўлади.

Миллий гвардия тузилмалари ходимларининг юксак ҳуқуқий маданият инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишнинг тўлиқ ва барқарор равишда амалга оширлишини таъминлайди, шу билан бир қаторда демократик жамиятда қонйнийликни даражаси ва ҳолати ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг ижобий кўрсаткичини намоён қилади.

Шунинг учун, Миллий гвардия тузилмалари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ҳар тарафлама, юксак даражада шакллантиришга жиддий эътибор қилиш талаб этилади, негаки айнан уларнинг ҳуқуқий маданият даражаси амалдаги қонунчиликка бўлган муносабатни

белгилайди, жамиятда ўрнатилган ҳуқуқий тартиботни таъминлайди, фуқароларнинг субъектив ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминланшга ва ҳимоя қилишга ҳамда шахс ҳуқуқий маданиятини юксалишига бевосита таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 апрелдаги ПҚ-5089-сон қарори билан "Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг Интизом устави" тасдиқланди[349], бу Гвардия ходимининг онги ва виждонига қаратилган касбий ва маънавий қўлланма.

Миллий гвардия ходимларининг Интизом устави саккиз бобдан иборат бўлиб, улардан биринчи иккитасида умумий қоидалар ва Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари белгиланган.

Гвардия ходими расмий фаолиятининг асосий қадриятлари сифатида Уставда белгиланган касбий ахлоқ тамойиллари ва нормаларини бузганлик учун ходим жамият, хизмат жамоаси ва ўз виждони олдида маънавий жавобгар бўлади. Касбий ва ахлоқий тамойиллар ва меъёрларни бузган ва шу муносабат билан ҳуқуқбузарлик ёки интизомий ҳуқуқбузарлик содир этган ходим маънавий жавобгарлик билан бир қаторда интизомий жавобгарликка тортилади.

Биринчи навбатда, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг жамиятда қонунийликни таъминлаш ва инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Миллий гвардия тузилмалари ходимлари ўз касбий фаолияти давомида юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлиши лозим. Бунинг учун қонунларни мукаммал билиш, ҳуқуқий нормаларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва қонунларга сўзсиз риоя қилиш уларнинг кундалик хизмат фаолиятининг асосий қисмига айланиши шарт.

Иккинчидан, миллий хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлашда ҳуқуқий маданият муҳим омил сифатида аҳамият касб этади. Ҳуқуқий маданияти юксак бўлган ходимлар инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилади, уларнинг қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилади. Миллий гвардия ходимлари жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдаги асосий куч бўлиб, уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва касбий билимлари жамиятнинг ҳуқуқий онгини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

[349] Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 22.04.2021 йилдаги ПҚ-5089-сон // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.04.2021 й., 07/21/5089/0372-сон

Учинчидан, ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ва уни юксалтириш Миллий гвардия органларининг хизмат тайёргарлигида доимий равишда қонунчилик янгиликларини ўзлаштириш, ҳуқуқий амалиётни ўрганиш ва малака оширишни талаб қилади. Шунга мувофиқ, етакчи мутахассисларни жалб қилган ҳолда махсус ҳуқуқий ўқув машғулотлари ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг натижасида қонунийликка риоя қилиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда юксак ҳуқуқий маданият асосида фаолият юритилади.

Тўртинчидан, Миллий гвардия ходимларининг интизом ва одоб-ахлоқ қоидалари уларнинг хизмат жамоаси, жамият ва шахсий виждони олдидаги маънавий жавобгарлигини белгилайди. Ҳуқуқбузарликка йўл қўйган ходимлар нафақат интизомий, балки маънавий жавобгарликка ҳам тортилади. Бу тамойиллар ходимларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида масъулиятини янада кучайтиради.

Бешинчидан, Президент қарорлари ва Миллий гвардиянинг Интизом устави каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий маданият ва қонунийликни таъминлашга қаратилган. Бу ҳужжатлар қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касбий этика ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни мақсад қилади.

Хулоса қилиб айтганда, юксак ҳуқуқий маданият жамиятда қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг самарали амалга оширилишини кафолатлайди. Миллий гвардия тузилмалари ходимлари учун бу тамойиллар доимий риоя қилиниши лозим бўлган қонунчилик ва ахлоқий меъёрлар билан уйғун ҳолда амалга оширилиши зарур.

Bozorov Suxrob Sirojiddin o‘g‘li
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti Maxsus fakultet 2-bosqich talabasi

YO‘L HARAKATI QOIDALARI-HAYOTIMIZ MAZMUNI

Annotatsiya:Mazkur maqolada yo‘l harakati qoidalarining inson hayotidagi o‘rni va ahamiyati yoritilgan. Harakat xavfsizligini ta’minlash orqali inson hayoti, sog‘ligi va jamiyatdagi tinchlikni asrash zarurligi tahlil qilinadi. Maqolada yo‘l harakati madaniyatining yosh avlodga singdirilishi, fuqarolarning huquqiy ongini oshirish va yo‘l harakati qoidalariga amal qilishning ijtimoiy-ma’naviy ahamiyati haqida fikr yuritiladi. Shuningdek, yo‘l-transport hodisalarining oldini olishda ta’lim-tarbiya, ommaviy axborot vositalari va davlat siyosatining roli ko‘rsatib berilgan.

Kalit so‘zlar:yo‘l harakati qoidalari, xavfsizlik, huquqiy ong, fuqarolik mas’uliyati, harakat madaniyati, yo‘l-transport hodisasi

Annotation:This article highlights the importance and role of traffic rules in human life. It analyzes the necessity of ensuring traffic safety to protect human life, health, and social harmony. The article discusses the significance of instilling traffic culture in the younger generation, raising legal awareness among citizens, and the moral and social value of obeying traffic laws. Additionally, it emphasizes the role of education, mass media, and state policy in preventing road traffic accidents. The main conclusion of the article is that following traffic rules is not only a legal obligation but also a human responsibility.

Keywords: traffic rules, safety, legal awareness, civic responsibility, traffic culture, road traffic accidents.

Kirish

Har bir inson uchun eng ulug‘ va bebaho ne’mat bu — hayotdir. Inson hayoti va salomatligini asrash esa nafaqat davlat va jamiyat, balki har bir fuqaroning muqaddas burchi sanaladi. Bugungi tezkor hayotda yo‘l harakati xavfsizligini ta’minlash, harakat ishtirokchilarining qonun-qoidalarga rioya qilishi hayotni asrashning muhim omillaridan biri hisoblanadi. Yo‘l harakati qoidalari — bu faqatgina huquqiy me’yorlar majmuasi emas, balki fuqarolik madaniyati, ijtimoiy ong va insoniy mas’uliyat ko‘zgusidir. Afsuski, qoidabuzarliklar, beparvolik va e’tiborsizlik oqibatida yo‘l-transport hodisalari ro‘y bermoqda, bu esa o‘nlab insonlarning hayoti va salomatligiga

xavf tug‘dirmoqda. Shu bois, har birimiz yo‘l harakati qoidalariga amal qilishni o‘zimizning kundalik hayotiy zaruratimiz, madaniyatimiz va mas’uliyatimiz sifatida anglashimiz zarur.

Yo‘l harakati qoidalari — inson hayotini saqlash, harakat ishtirokchilari o‘rtasida tartib-intizomni ta’minlash va xavfsiz muhit yaratishning asosiy vositasidir. Ushbu qoidalar nafaqat haydovchilar, balki piyodalar, yo‘lovchilar va hattoki bolalar uchun ham majburiy bo‘lib, ularning barchasini umumiy xavfsizlik tizimining bir bo‘lagi sifatida birlashtiradi.

Statistik ma’lumotlarga ko‘ra, ko‘plab yo‘l-transport hodisalari aynan qoidalarga amal qilmaslik, beparvolik va ehtiyotsizlik sababli sodir bo‘lmoqda. Ayniqsa, tezlikni oshirish, svetofor belgilariga amal qilmaslik, xavfsizlik kamarini taqmaslik yoki yo‘l belgilarini e’tiborsiz qoldirish kabi holatlar og‘ir oqibatlarga olib kelmoqda.

Bugungi kunda jamiyatda yo‘l harakati madaniyatini shakllantirish dolzarb masalaga aylangan. Bunda, birinchi navbatda, ta’lim muassasalarida bolalarga yo‘l harakati qoidalarini o‘rgatish, ota-onalar namuna bo‘lishi va OAV orqali targ‘ibot ishlari olib borilishi katta ahamiyatga ega. Ayniqsa, maktabgacha va maktab yoshidagi bolalarda bu madaniyatni shakllantirish, ularni hayotiy vaziyatlarda to‘g‘ri harakat qilishga o‘rgatish zarur. Shuningdek, davlat tomonidan yo‘l harakati xavfsizligini ta’minlashga qaratilgan chora-tadbirlar, jumladan, qonunchilik bazasining takomillashtirilishi, texnik nazorat kuchaytirilishi, zamonaviy infratuzilmalar yaratish yo‘l harakatidagi tartibning oshishiga xizmat qilmoqda. Bu borada yo‘l harakati xavfsizligi xizmati, politsiya organlari, mahalla va fuqarolik jamiyati institutlarining hamkorligi muhim o‘rin tutadi.

Yo‘l harakati qoidalariga rioya qilish — bu faqatgina jarima yoki jazodan qo‘rqish emas, balki har bir insonning o‘z hayotiga, yaqinlariga va boshqa fuqarolarga nisbatan bo‘lgan mas’uliyat hissi, madaniyati va huquqiy ongining ko‘rsatkichi hisoblanadi.

2024-yil davomida O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Yo‘l harakati xavfsizligi xizmati tomonidan taqdim etilgan ma’lumotlarga ko‘ra, mamlakatda 13 248 ta yo‘l-transport hodisasi qayd etilgan. Ushbu hodisalarning asosiy sabablari sifatida quyidagilar aniqlangan:

- Tezlikni belgilangan me’yordan oshirish — 37%,
- Yo‘l belgilariga amal qilmaslik — 21%,
- Piyodalar tomonidan yo‘lni noto‘g‘ri kesib o‘tish — 14%,
- Haydovchilarning hushyor bo‘lmagan holatda boshqaruvi — 11%.

Bu hodisalar natijasida 745 nafar fuqaro halok bo‘lgan, 9 mingdan ortiq kishi turli darajadagi tan jarohatlari bilan kasalxonalarga yotqizilgan. Eng achinarlisi, ushbu hodisalarning qariyb 26% bolalar va yoshlar ishtirokida sodir bo‘lgan, bu esa yoshlar orasida yo‘l harakati madaniyatini targ‘ib qilish zaruratini yana bir bor ta’kidlaydi.

Shuningdek, 2024-yilda yo‘l harakati xavfsizligini ta’minlash bo‘yicha bir qancha chora-tadbirlar amalga oshirildi. Jumladan, 600 dan ortiq maktab va bog‘chalarda "Yosh yo‘l patruli" to‘garaklari faoliyati kuchaytirildi, 80 ming nafardan ortiq o‘quvchiga yo‘l harakati madaniyati bo‘yicha o‘quv-treninglar o‘tkazildi. Respublikada 2000 dan ortiq svetofor yangilandi, 1500 ta xavfli chorrahada kamera va nazorat tizimlari o‘rnatildi. Ushbu choralar o‘z samarasini bermoqda. Taqqoslash uchun, 2023-yilga nisbatan yo‘l-transport hodisalari taxminan 5% ga kamaygan, bu esa davlat siyosati va jamoatchilik nazoratining muhimligini ko‘rsatadi. Shuningdek, statistik tahlillar shuni ko‘rsatadiki, yo‘l harakati qoidalari buzilishi ko‘pincha yoshlar orasida keng tarqalgan. Masalan, 18–30 yosh oralig‘idagi haydovchilar tomonidan sodir etilgan hodisalar umumiy ko‘rsatkichning 40 foizini tashkil etadi. Bu esa yoshlar orasida huquqiy ong va mas’uliyatni yanada kuchaytirish zarurligini ko‘rsatadi.

Xalqaro tajriba ham shuni tasdiqlaydiki, yo‘l harakati madaniyati va xavfsizlik darajasi yuqori bo‘lgan mamlakatlarda, masalan, Shvetsiya, Yaponiya yoki Germaniyada yo‘l-transport hodisalari soni kam va oqibatlari eng minimal darajada bo‘ladi. Bu davlatlarda ta’lim tizimida yo‘l harakati qoidalari bolalikka oid dasturlardan boshlab o‘rgatiladi, texnik vositalar va nazorat tizimi esa muntazam ravishda yangilanib boradi.

Shu bois, mamlakatimizda ham yo‘l harakati sohasiga oid islohotlarni jadallashtirish, yo‘llardagi texnik xavfsizlikni kuchaytirish, elektron nazorat vositalarini ko‘paytirish, shuningdek, aholining barcha qatlamlari uchun muntazam huquqiy-ma’rifiy targ‘ibot ishlarini yo‘lga qo‘yish bugungi kunning dolzarb vazifalaridan biridir. Yo‘l harakati xavfsizligini ta’minlash bugungi global muammolardan biri hisoblanadi. Dunyodagi ko‘plab davlatlar yo‘llarda sodir bo‘ladigan baxtsiz hodisalar, inson o‘limlari va moddiy zararlarni kamaytirish maqsadida keng ko‘lamli profilaktika, texnologik innovatsiyalar, ta’lim va qonunchilik asosida chora-tadbirlar olib bormoqda. O‘zbekiston ham bu yo‘nalishda muayyan natijalarga erishayotgan bo‘lsa-da, rivojlangan davlatlar tajribasi bilan qiyosiy tahlil yuritar ekanmiz, bizga xos muammolarni aniqlash va yechimlar ishlab chiqish imkoniyati paydo bo‘ladi. Quyidagi

jadvalda O‘zbekistonning yo‘l harakati xavfsizligi holati Shvetsiya, Yaponiya va Germaniya kabi ilg‘or mamlakatlar bilan solishtirib berilgan.

Ko‘rsatkichlar	O‘zbekiston (2024)	Shvetsiya	Yaponiya	Germa
YTH soni (yillik)	13 248 ta	≈ 2800 ta	≈ 310 000 ta	≈ million ta
Halok bo‘lganlar soni	745 kishi	210 kishi	2600 kishi	2700 kishi
Asosiy sabablar	Tezlik, svetofor e’tiborsizligi, piyodalar xatosi	Inson xatolari inobatga olinadi (Vision Zero)	Piyodalar ustuvorligi, texnologik ogohlantirishlar	Belgi e’tiborsizli tezlik
Texnologik choralar	Svetofor modernizatsiyasi, kameralar	AI radarlar, xavfsiz infratuzilma	ADAS tizimi, AI-kameralar	Rada avtomatik nazorat
Ta’lim va targ‘ibot	Maktablarda treninglar	Maktabgacha yoshdan targ‘ibot	Haydovchilar maktablarida qat’iy tayyorgarlik	Har bosqichda chuqur o‘q
Qonunchilik va nazorat	Jarimalar va reyidlar asosiy vosita	YTH sabablariga qarab tizimga o‘zgartirish	AI nazorati, yuqori jarimalar	Ball tizimi, guvohnom olib qo‘yili
Shior yoki yondashuv modeli	“Qoidaga rioya qil, hayotingni asra”	“Vision Zero” – O‘lim bo‘lmasligi kerak	“Xavfsizlik – eng ustuvor maqsad”	“Xavf tezlik ishonchli hayot”
Piyodalar xavfsizligi	Belgilar orqali ajratilgan	Ustuvorlik berilgan, maxsus yo‘laklar	Maxsus chiziqlar, yoritilgan yo‘llar	Ko‘p zonali pi o‘tish joyla
Avtomobil xavfsizlik tizimlari	Cheklangan	Yevrostandartlarga mos	Sensorli AI tizimlar	Avto k tormoz belgilar se
Ijobiy natija	Hodisalar 5% ga kamaydi	O‘lim soni pasaymoqda	Jarohatlar kamaymoqda	Nazo hodisalarn

				kamaytirmoqda

Xulosa

Xulosa qilib aytganda, yo‘l harakati qoidalariga rioya qilish — bu faqatgina qonuniy majburiyat emas, balki jamiyat oldidagi insoniy, axloqiy va fuqarolik burchidir. Har bir haydovchi va piyoda bu qoidalarga ongli ravishda amal qilsa, hayotimiz yanada xavfsiz, yo‘llarimiz esa yanada madaniyatli bo‘ladi. Chunki har bir qoidabuzarlik ortida inson hayoti xavf ostida bo‘ladi, har bir e’tiborsizlik esa fojia bilan yakunlanishi mumkin.

Bugungi kunda yo‘l harakati madaniyatini shakllantirishda jamiyatning barcha qatlamlari – o‘qituvchilar, ota-onalar, diniy ulamolar, OAV vakillari va davlat idoralari o‘zaro hamkorlikda harakat qilishi lozim. Ayniqsa, yosh avlodda yo‘l harakati madaniyatini erta shakllantirish, ularni real hayotiy vaziyatlarda to‘g‘ri qaror qabul qilishga o‘rgatish – xavfsiz kelajakning asosi sanaladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Yo‘l harakati qoidalari. – Toshkent: Adolat, 2023. – 112 b.

2. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Yo‘l harakati xavfsizligi xizmati. 2024-yilgi statistik axborot byulleteni. – Toshkent: IIV nashriyoti, 2024. – 36 b.

3. G‘ofurov A.R. Yo‘l harakati madaniyati asoslari. – Toshkent: O‘qituvchi, 2021. – 168 b.

4. World Health Organization. *Global status report on road safety 2023*. – Geneva: WHO, 2023. – 398 p.

5. Vision Zero Network. *Strategies for Safer Mobility*. – Stockholm: VZN Press, 2022. – 145 p.URL: https://visionzeronetwork.org

6. Ministry of Land, Infrastructure, Transport and Tourism of Japan. *Traffic Safety White Paper 2023*. – Tokyo, 2023.URL: https://www.mlit.go.jp

Dalaboyeva Sohiba Anarvay qizi,
JXU Bakalavriat fakulteti 423-o‘quv guruhi kursanti

MIGRATSIYA JARAYONLARIDA EKSTREMISTIK VA TERRORISTIK OQIM G‘OYALARI TA’SIRIGA TUSHIB QOLISH SABABLARI

Annotatsiya. Ushbu maqola orqali mamlakatimizda amalga oshirilayotgan migratsiya sohasidagi islohotlar, shuningdek, davlat boshqaruvida migratsiya siyosatining harakatlanish omillari va uning davlat xavfsizligiga tahdid soluvchi hodisalariga qarshi kurashish masalalariga yechim berilgan.

Kalit so‘zlar: migratsiya, pasport-viza, stiker, chegara nazorati, “elektron darvozalar” tizimi, “Vatandosh” vizasi, “labor-migration” dasturi.

Абстрактный. В статье рассматриваются реформы, реализуемые в сфере миграции в нашей стране, а также движущие факторы миграционной политики в государственном управлении и вопросы борьбы с ее угрозами государственной безопасности.

Ключевые слова: миграция, паспорт-виза, наклейка, пограничный контроль, система «электронные ворота», виза «Ватандош», программа «трудовая миграция».

Abstract. This article provides a solution to the issues of migration reforms being implemented in our country, as well as the factors driving migration policy in state administration and combating its phenomena that threaten state security.

Keywords: migration, passport-visa, sticker, border control, "electronic gates" system, "Vatandosh" visa, "labor-migration" program.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyev 2021-yil 21-sentabr kuni Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 76-sessiyasida nutq so‘zladi. U o‘z nutqida xalqaro migratsiya masalalariga to‘xtalib, "ommaviy migratsiya oqimlari ortib bormoqda" deb ta’kidladi. Bu, uning fikriga ko‘ra, tinchlik, xavfsizlik va barqaror rivojlanish uchun yangi tahdidlarni keltirib chiqaradi. Shu bois, BMT va uning ixtisoslashgan agentliklarining roli va ahamiyati oshishi zarurligini ta’kidladi.

Bugungi kunda migratsiya huquqi inson huquqining ajralmas qismi hisoblanishi bilan birga uzoq rivojlanish tarixiga ham ega. Qadimgi davrlarda

u koʻp fuqarolik maqomi, muqim yashash joyini tanlash, erkin harakatlanish tushunchalari sifatida ishlatilgan.

Shuningdek, mamlakatimizda keng miqyosda islohotlar amalga oshirilishi fuqarolarga yanada qulaylik va erkin farovon hayotni ta'minlashga hissa qoʻshmoqda. Xususan, "elektron darvozalar" tizimi joriy etilganligi, chegara nazoratidan oʻtish jarayoni isloh qilinganligi, pasport-viza tizimidagi oʻzgarishlar, shuningdek, Toshkent shahri va Toshkent viloyatida koʻchmas mulk sotib olishda doimiy propiska mavjudligi haqidagi talab bekor qilinishi va Oʻzbekiston Respublikasi biometrik pasporti oʻrniga identifikatsion ID-kartalar joriy qilinganligi buning yaqqol dalili hisoblanadi.

Migratsiya siyosatiga oid statistika ma'lumotlariga yuzlanadigan boʻlsak, rasmiy ishlash yoki yashash uchun ruxsatnomasiz, norasmiy yashlash va boshqa viza sxemalari doirasida Rossiya Federatsiyasiga ishlash uchun ketgan kishilar mavjudligi, Turkiya hududida tartibga solinmagan tarzda faoliyat yuritayotgan oʻzbek migrantlarining soni 4954 nafarni qayd etgan. Xususan, yurtimiz miqyosida oldigan boʻlsak, Rossiya Federatsiyasiga 1,1 milion, Qozogʻiston Respublikasiga 296 ming, Ukrainaga 223 ming, Turkmanistonga 67 ming Amerika Qoʻshma Shtatlariga 63 ming fuqaroni tashkil etadi.

Aytish joizki, migratsiya masalalari oʻz ichiga faol, oʻrta yosh va yosh aholini qamrab oladi. Mutasaddi idora tomonidan tashqi migratsiyaga moyil boʻlgan aholining rasmiy statistikasi ishlab chiqiladi va xorijiy davlatlarda mehnat faoliyatini olib borayotgan aholining monitoringgini yuritish va tahlil qilish murakkab, chunki bu borada bir qator mutasaddi organlar, jumladan, IIV, oʻzini oʻzi boshqarish organlariga topshiriq berilgan boʻlsada, aniq va muvofiqlashtirilgan statistikani yaratishda kamchiliklar kuzatilmoqda.

Lekin hozirgi kunda xalqaro maydonda ham vaziyat tinch emasligi, oxirgi vaqtlarda jahon miqyosida roʻy berayotgan voqealarning tahlili din niqobi ostidagi turli kuchlarning ma'lum bir davlat yoki mintaqadagi ijtimoiy-siyosiy vaziyat barqarorligini izdan chiqarish yoʻli bilan amaldagi hokimiyatni egallashga qaratilganligini koʻrsatmoqda. Bunga erishish yoʻlida diniy ekstremizmning gʻoyaviy qarashlarida va turli terrorchilik harakatlari orqali tinch aholi orasida qoʻrquv hamda davlat hokimiyatiga nisbatan ishonchsizlik ruhini uygʻotish kabi usullardan keng foydalanilmoqda. Olinayotgan ma'lumotlarga koʻra, fuqarolarimizning xorijiy mamlakatlarda turli ekstremistik va terroristik guruhlarga qoʻshilib ketayotganligi ma'lum boʻlmoqda. Shu bilan birga, hozirgi davr odam savdosiga qarshi kurashish, uzoq muddatga chiqib ketayotgan fuqarolar bilan ishlash, ularning chiqib

ketish sabablarini aniqlash, qayerda va nima bilan mashg‘ulligiga oydinlik kiritish ishlarini yanada kuchaytirishni talab etmoqda.

Migratsiya jarayonini muvofiqlashtirish uchun bir qator dolzarb masala va muammolar tahliliga yuzlanish zarur, jumladan:

- mehnat bozoridagi ishchi kuchi taklifi va unga bo‘lgan talab o‘rtasidagi tafovutni kamaytirish;
- ushbu muammo va sohaga oid yangicha “yo‘l xaritasi”ni ishlab chiqish;
- noqonuniy migratsiya va noqonuniy tashqi mehnatni tartibga solish;
- migratsiya jarayonlarini va byurokratiyani aholi uchun soddalashtirish va aholining barcha qatlamlariga “to‘rtinchi hokimyat” – ommaviy axborot vositalari orqali tushuntirish ishlarini olib borish;
- yoshlarning sohada amalga oshirilayotgan islohotlar va o‘zgarishlarga tayyorligini o‘rganish va tahlil etish orqali qanchalik ijobiy ta’sir ko‘rsatishning psixologik-innovatsion yechimlarini asoslash;
- aholi turmush darajasini yana ham oshirish va ular bilan doimiy muloqot va uchrashuvlarni tashkil etish;
- migratsiya sohasidagi davlat boshqaruviga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo‘llash va ushbu sohani raqamlashtirishni huquqiy tartibga solish;
- ushbu muammoni ijobiy hal etgan va migratsiya tamoyillarini muvofiqlashtira olgan rivojlangan xorijiy mamlakatlar tajribalarini o‘rgangan holda yangi innovatsiyalarni hayotga tatbiq etish;
- migratsiya masalarini tahlil qilish va statistik ma’lumotlarni ishlab chiqish uchun tegishli davlat organlari, migratsiya bilan shug‘ullanuvchi xususiy kompaniyalar va tashkilotlar bilan hamkorlikni yo‘lga qo‘yishi, ular bilan umumiy va yakdil platforma yaratish.

Migratsiya jarayonlarini raqamlashtirish bo‘yicha xalqaro huquqiy hujjatlar hamda migratsiya tizimiga axborot-texnologiyalarini joriy etish bo‘yicha xorijiy davlat tajribalarini ayrim xalqaro hujjatlar va davlatlar misolida tahlil qilgan holda, migratsiya sohasida xalqaro miqyosida tizimli ishlar olib borilayotganligi yodda tutish lozim. Butunjahon migratsiya siyosati va uni amalga oshirish tamoyillari va tendensiyalari bo‘yicha yagona kelishuvga erishilmagan bo‘lsada, barcha davlatlar tomonidan migratsiyani tartibga solish bo‘yicha yangi metodlarni ishlab chiqish va har bir mamlakat migratsiyasi sohasiga yangi va zamonaviy texnologiyalar va axborot-kommunikatsiya vositalarining joriy etilishi migratsiya borasidagi muammolarni hal qilinishiga muhim omil bo‘lishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning 2021-yil 21-sentabr kuni Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 76-sessiyasida nutqi;

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 15-sentabrdagi “Xavfsiz, tartibli va qonuniy mehnat migratsiyasi tizimini joriy etish” maqsadida PQ-4829-son qarori// Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi,

3. https://stat.uz

4. Migratsiya huquqi. Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik/ so‘zboshi muallifi va mas’ul muxarrir akademik A.X.Saidov.-Toshkent “EFFKT-D” nashriyoti, 2022-y.

Daniyarova Navbahor Marat qizi
Jamoat xavfsizligi universiteti 3-bosqich kursanti
Axmedov Sherzod Oribjon o‘g‘li
Jamoat xavfsizligini ta’minlash kafedrasi oқituvchisi, kapitan

YO’L HARAKATI SOHASIDAGI MA’MURIY HUQQUBUZARLIKLARNING OLDINI OLISHNING INNOVATSION USULLARI

Annotatsiya: Ushbu maqola orqali jamiyatimizda yo’l harakati sohasida sodir bolayotgan muommolar va ularni hal etishda yeshishda va oldini olishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish ularning samaradorligini yanada oshirishda xorijning ilg’or tajribalarini jamiyatimizda keng qollash rivojlangan davlatlarning eng samarali tizimlari haqida keltirib o’tilgan.Bunda qabul qilingan normative hujjatlani keltirib o’tilgan.Bunda asosan qaysi omillardan keng foydalanish ularning ishlash mexanizmi tartibi haqida aytib berilgan.

Kalit so’zlari: Yo’l harakati,parkovka nazorati,raqamli tizim,suniy intellect, post,transport vositalari.

Аннотация: В данной статье рассматриваются проблемы, возникающие в сфере дорожного движения в нашем обществе и применение инновационных технологий в их решении и предотвращении, а также наиболее эффективные системы развитых стран, широко перенявшие зарубежный передовой опыт в нашем обществе. Приведены ссылки на принятые нормативные документы. Описаны основные факторы, которые нашли широкое применение, и порядок их эксплуатации.

Ключевые слова: Дорожное движение, контроль парковки, цифровая система, искусственный интеллект, пост, транспортные средства.

Annotation: This article discusses the problems occurring in our society in the field of traffic and the use of innovative technologies in solving and preventing them, and the most effective systems of developed countries, which have widely adopted foreign best practices in our society, are presented. The adopted normative documents are presented. The main factors that are widely used and the procedure for their operation are described.

Keywords: Traffic, parking control, digital system, artificial intelligence, post, vehicles.

Hozirgi kunda yo‘l harakati xavfsizligi masalasi dunyo miqyosida dolzarb muammolardan biri bo‘lib qolmoqda. Har yili dunyo bo‘ylab millionlab yo‘l-transport hodisalari sodir bo‘ladi va ularning aksariyati inson hayoti va sog‘lig‘iga jiddiy zarar yetkazadi. Ayniqsa, avtomobillarning ko‘payishi, yo‘l infratuzilmasining yetarlicha rivojlanmagani va yo‘l harakati qoidalariga rioya qilmaslik oqibatida baxtsiz hodisalar soni ortib bormoqda. Shu sababli, yo‘l harakati sohasidagi ma’muriy huquqbuzarliklarni oldini olish va ularning salbiy oqibatlarini kamaytirish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

Yo‘l harakati qoidalarining buzilishi nafaqat yo‘lovchilar va haydovchilarning hayoti uchun xavf tug‘diradi, balki iqtisodiy zarar ham yetkazadi. Transport vositalarining to‘qnashuvi, yo‘llarning shikastlanishi, tirbandliklar va boshqa yo‘l harakati bilan bog‘liq muammolar mamlakat iqtisodiyotiga ham salbiy ta’sir ko‘rsatadi. Buning oldini olish uchun huquqiy mexanizmlarni takomillashtirish, innovatsion texnologiyalarni joriy etish va profilaktik chora-tadbirlarni kuchaytirish lozim.

Yo’l harakati to’g’risidagi 2024-yilda qabul qilingan 900-son qonunning 2-bobda Yo’l harakatini tartibga solishda davlat boshqaruvi haqida aytib o’tilgan quyidagicha Yo‘l harakati sohasidagi davlat boshqaruvi O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi, mahalliy davlat hokimiyati organlari va yo‘l harakati sohasidagi maxsus vakolatli davlat organlari tomonidan amalga oshiriladi.

O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi va uning tasarrufidagi tashkilotlar, O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Jamoat xavfsizligi departamentining Yo‘l harakati xavfsizligi xizmati, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati ichki ishlar bosh boshqarmalari, viloyatlar ichki ishlar boshqarmalari jamoat xavfsizligi xizmatining yo‘l harakati xavfsizligi boshqarmalari, shuningdek tuman (shahar) ichki ishlar bo‘limlari (ichki ishlar organlari faoliyatini muvofiqlashtirish boshqarmalari) jamoat xavfsizligi xizmatining yo‘l harakati xavfsizligi bo‘linmalari (bundan buyon matnda Davlat yo‘l harakati xavfsizligi xizmati deb yuritiladi), O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti davlat xavfsizlik xizmati, O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo‘mitasi yo‘l harakati sohasidagi maxsus vakolatli davlat organlari (bundan buyon matnda maxsus vakolatli davlat organlari deb yuritiladi) jumlasiga kiradi. 10-moddasida esa Davlat yo’l harakati xavfsizligi xizmatining yo’l harakati sohasidagi vakolatlari keltirib o’tilgan: yo‘l harakati sohasidagi davlat dasturlarini ishlab chiqishda va amalga oshirishda ishtirok etadi;

Yo‘l harakati sohasidagi normativ-huquqiy hujjatlar va normativ hujjatlar loyihalarini o‘z vakolatlari doirasida ishlab chiqadi;yo‘l harakati to‘g‘risidagi qonunchilikka rioya etilishi ustidan davlat nazoratini o‘z vakolatlari doirasida amalga oshiradi;og‘ir vaznli, yirik gabaritli, xavfli va maxsus yuklarni tashuvchi transport vositalarining harakatlanish yo‘nalishlarini belgilashda ishtirok etadi;yo‘llarni, temir yo‘llar kesishmalarini, shuningdek avtomobillarga yoqilg‘i quyish stansiyalarini va yo‘llar bo‘ylab hamda yo‘l bo‘yi hududlarida joylashgan boshqa inshootlarni qurish, rekonstruksiya qilish hamda kapital ta’mirlash loyihalarini yo‘l harakatini tashkil etishga oid qism bo‘yicha ko‘rib chiqadi va kelishadi;qurilishi (rekonstruksiya qilinishi) va kapital ta’mirlanishi tugallangan yo‘l obyektlarini, temir yo‘llar kesishmalarini foydalanishga qabul qilish bo‘yicha komissiyalarning ishida ishtirok etadi;foydalanishdagi transport vositalarining texnik holati ustidan nazoratni amalga oshiradi, transport vositalarining majburiy texnik ko‘rigini o‘tkazadi (bundan jismoniy shaxslarga tegishli bo‘lgan M1 toifasidagi transport vositalari mustasno);yo‘l harakatining monitoringini tashkil etadi va amalga oshiradi;

yo‘l harakatini tashkil etish texnik vositalarining texnik holati, shuningdek yo‘llarning va temir yo‘llar kesishmalarining saqlanishi, ularning yo‘l harakatini tartibga solish vositalari bilan jihozlanishi ustidan nazoratni amalga oshiradi;yo‘l harakati sohasidagi normativ hujjatlar talablariga muvofiq bo‘lmagan yo‘llardan va temir yo‘llar kesishmalaridan foydalanishni belgilangan tartibda taqiqlaydi;yo‘l harakatini tashkil etish bo‘yicha faoliyatni amalga oshiradi;yo‘l harakatini tashkil etishning texnik vositalarini o‘rnatish yoki olib tashlash yuzasidan yo‘l egalariga ko‘rsatmalar kiritadi, ularni bajarish muddatlari va sifati ustidan nazoratni amalga oshiradi;yo‘lda (yo‘lning uchastkasida) transport vositalarining harakatlanishini ushbu Qonunning 23-moddasiga muvofiq cheklaydi yoki taqiqlaydi;yo‘l harakati sohasiga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etadi;yo‘llarda va yo‘l bo‘yi hududlarida ishlarni amalga oshirish bo‘yicha tegishli tashkilotlar bilan kelishilgan takliflarni ko‘rib chiqadi;o‘z vakolatlari doirasida davlat organlariga yoki boshqa tashkilotlarga, ularning mansabdor shaxslariga yo‘l harakatini tashkil etishning texnik vositalarini o‘rnatish va ulardan foydalanishga doir faoliyatidagi kamchiliklarni bartaraf etish haqida, biron-bir yo‘l uchastkasida harakat xavfsizligiga tahdid soluvchi, Yo‘l harakati qoidalarining buzilishiga imkon beruvchi vaziyat yuzaga kelganda kamchiliklarni bartaraf etish to‘g‘risida bajarilishi majburiy bo‘lgan taqdimnomalar kiritadi, mazkur yozma taqdimnomalarni bajarish choralari

koʻrilmagan taqdirda maʼmuriy jazolar qoʻllaydi;yoʻl harakatini tashkil etishning texnik vositalari loyihalashtirilishini, oʻrnatilishini (montaj qilinishini), almashtirilishini, olib tashlanishini tashkil etadi, bu ishlarning bajarilishini nazorat qiladi;Toshkent va Nukus shaharlarining, viloyat, tuman (shahar) markazlarining koʻchalarida yoʻl harakatini tashkil etishning texnik vositalarini oʻrnatishni (montaj qilishni), almashtirishni, olib tashlashni hamda ularga texnik xizmatlar koʻrsatishni amalga oshiradi;Toshkent va Nukus shaharlarining, viloyat, tuman (shahar) markazlarining koʻchalarida yoʻl harakatini tashkil etish texnik vositalarining joylashuvini yuritadi va ularning joylashuvga muvofiqligi hamda texnik holati ustidan davlat nazoratini amalga oshiradi;transport vositalarining, Yoʻl harakati qoidalari buzilishlarining hamda yoʻl-transport hodisalarining hisobini yuritadi va ularning roʻyxatga olinishini amalga oshiradi;milliy haydovchilik guvohnomalarini, avtomototransport vositalari roʻyxatdan oʻtkazilganligi toʻgʻrisidagi guvohnomalarni hamda avtomototransport vositalari va ularning tirkamalari (yarim tirkamalari) uchun roʻyxatdan oʻtkazish davlat raqami belgilarini beradi;maʼmuriy huquqbuzarliklar toʻgʻrisidagi ishlarni oʻz vakolatlari doirasida koʻrib chiqadi.[350]

Davlat yoʻl harakati xavfsizligi xizmati qonunchilikka muvofiq boshqa vakolatlarni ham amalga oshirishi mumkin.

Yoʻl harakati sohasidagi maʼmuriy huquqbuzarliklarning oldini olishning ijtimoiy zaruriyati nafaqat tartibni saqlash, balki fuqarolar xavfsizligini taʼminlash, jamiyatda huquqiy madaniyatni oshirish va iqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash bilan bogʻliqdir. Jahon tajribasi shuni koʻrsatadiki, yoʻl harakati xavfsizligini oshirishga qaratilgan qatʼiy choralar, texnologik innovatsiyalar va targʻibot-tashviqot ishlari yoʻl harakatining yanada barqaror boʻlishiga xizmat qiladi.

Shu bois ushbu tadqiqot yoʻl harakati sohasidagi maʼmuriy huquqbuzarliklarning oldini olishning huquqiy, texnologik va ijtimoiy jihatlarini tahlil qilishga bagʻishlanadi. Tadqiqotda maʼmuriy huquqbuzarliklarning asosiy sabablari, ularning salbiy oqibatlari va ularni bartaraf etish boʻyicha ilgʻor xorij tajribasi oʻrganiladi. Shu bilan birga, yoʻl harakati madaniyatini oshirish hamda innovatsion usullar orqali huquqbuzarliklarni kamaytirish boʻyicha amaliy tavsiyalar ishlab chiqiladi.

Zamonaviy texnologiyalar va innovatsion yondashuvlar yoʻl harakati sohasidagi maʼmuriy huquqbuzarliklarni kamaytirishda muhim rol oʻynaydi. Sunʼiy intellekt, raqamli monitoring tizimlari va avtomatlashtirilgan

[350] 172-son 12.04.2022 Yoʻl harakati qoidalarini tasdiqlash toʻgʻrisida

boshqaruv tizimlari orqali yo‘l harakati xavfsizligini ta’minlashning samaradorligi ortib bormoqda. Quyida yo‘l harakati qoidabuzarliklarining oldini olishda qo‘llanilayotgan eng yangi innovatsion usullar keltirilgan. Jumladan, sun’iy intellekt,raqamli monitoring tizimlari va avtomatlashtirilgan boshqaruv tizimlari yo‘l harakati xavfsizligini oshirish va qoidabuzarliklarning oldini olishda muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu innovatsion texnologiyalar nafaqat harakat jarayonini nazorat qilishni yengillashtiradi, balki qoidabuzarliklarni real vaqt rejimida aniqlash va oldini olish imkonini ham beradi.Suniy intellekt va uning yo’l harakati xavfsizligidagi roli:

Yo‘l harakatini real vaqt rejimida kuzatish – Sun’iy intellekt yordamida ishlovchi kameralar haydovchilar va piyodalar harakatini kuzatib, qoidabuzarliklarni aniqlaydi. AI tizimlari tirbandliklarni tahlil qiladi va yo‘llardagi harakatni optimallashtirish bo‘yicha takliflar beradi. Sun’iy intellektga asoslangan kameralar – Ushbu kameralar yo‘llarga joylashtirilib, transport vositalari harakatini doimiy kuzatib boradi. Ular quyidagi qoidabuzarliklarni aniqlashga yordam beradi:

tezlikni belgilangan me’yordan oshirish,qizil chiroqda harakatlanish,yo‘llarda noto‘g‘ri to‘xtash yoki to‘xtab turish,piyodalarga yo‘l bermaslik,harakat yo‘nalishini noto‘g‘ri tanlash.

Avtomatik qoidabuzarliklarni aniqlash – bu yo‘l harakati sohasida qoidabuzarliklarni tez va samarali aniqlash uchun mo‘ljallangan texnologik tizimlar va usullarni o‘z ichiga oladi. Bunday tizimlar yordamida huquqbuzarliklar, masalan, tezlikni oshirish, svetofor qizil nuriga o'tish, to‘xtash joylarini buzish kabi holatlar avtomatik ravishda aniqlanadi, va bu orqali haydovchilarning qoidalarni buzishiga javob berish jarayoni tezlashtiriladi. O’zbekistonda foydalaniladigan quyida avtomatik qoidabuzarliklarni aniqlashda qo‘llaniladigan texnologiyalar va tizimlar haqida batafsil ma'lumot:

O‘zbekistonda tezlikni oshirishni avtomatik ravishda aniqlash uchun **radar kameralar** va **kamerali tezlikni aniqlash tizimlari** ishlatilmoqda. Bu tizimlar avtomobillarning tezligini real vaqt rejimida kuzatib boradi va belgilangan tezlikdan oshgan haydovchilarga jarima yuboradi. Bu tizimlar Toshkent va boshqa yirik shaharlar va avtomobil yo‘llarida faol ishlamoqda. O‘zbekistonda, ayniqsa Toshkent shahrida, **qizil nurni buzish kameralar** ham mavjud. Bu tizimlar svetoforning qizil rangida turgan haydovchilarni avtomatik tarzda aniqlaydi va jarima yuboradi. Qizil nurni buzish kameralarining o‘rnatilishi shaharlarda yo‘l harakati xavfsizligini yaxshilashga yordam bermoqda.

Avtomatik raqamli roʻyxatni aniqlash (ANPR) tizimi:ANPR tizimlari (avtomatik raqamli raqamlarni aniqlash tizimi) Oʻzbekistonda joriy etilgan. Bu tizimlar avtomobillarning raqamlarini avtomatik ravishda tanib, yoʻl harakati qoidabuzarliklarini aniqlashda foydalaniladi. ANPR tizimi yordamida avtomobillarni identifikatsiya qilish, ular tomonidan qoidabuzarliklar sodir etilgan taqdirda ma'lumotlarni tezda qayd etish mumkin. Bu tizimlar yoʻl harakati monitoringini yaxshilashga imkon beradi.

Yoʻl harakati monitoringi va videokuzatuv tizimlari: Toshkent va boshqa yirik shaharlar yoʻl harakati monitoringi uchun **videokuzatuv tizimlari** (yoki video tahlil tizimlari)dan foydalanilmoqda. Ushbu tizimlar yordamida yoʻl harakati toʻgʻrisidagi ma'lumotlar real vaqt rejimida toʻplanadi, va sun'iy intellekt yordamida qoidabuzarliklar (masalan, yoʻl belgilari va belgilangan hududlar) avtomatik ravishda aniqlanadi.**Mobil ilovalar va xabarnoma tizimlari:**

Oʻzbekistonda haydovchilar uchun maxsus **mobil ilovalar** ham joriy etilmoqda. Bu ilovalar orqali haydovchilar yoʻl harakati qoidalari, xavfli hududlar va tezlik cheklovlari haqida ogohlantirishlar olishadi. Shuningdek, ba'zi ilovalar yordamida jarimalarni toʻlash, avtomobillarni roʻyxatdan oʻtkazish va boshqa xizmatlardan foydalanish mumkin.[351]

Parkovka nazorati tizimlari: Toshkent shahrida **notoʻgʻri parkovka tizimlari** ham oʻrnatilgan. Parkovka joylarida toʻgʻri va notoʻgʻri parkovka qilish holatlarini aniqlash uchun mobil ilovalar va video nazorat tizimlaridan foydalaniladi. Bu tizimlar avtomatik tarzda parkovka qoidalarining buzilishi haqida ma'lumot toʻplab, tegishli choralar koʻrish imkonini beradi.

Elektron jarima va avtomatik toʻlov tizimi:Oʻzbekistonda **avtomatik jarima tizimi** joriy etilgan boʻlib, huquqbuzarliklar aniqlangach, jarimalar avtomatik tarzda chiqariladi va toʻlash tizimi orqali darhol toʻlanishi mumkin. Bu tizimlar tezkor va samarali tarzda ishlaydi va jarimalar uchun alohida onlayn toʻlov tizimlari mavjud bo'lib O'zbekistonda yo'l harakati xavfsizligini oshirish va qoidabuzarliklarni aniqlash uchun innovatsion tizimlar va texnologiyalar kengayib bormoqda.Bu tizimlar nafaqat harakatni nazorat qilishni yengilashtiradi, balki jarimalarni avtomatik ravishda chiqarish va to'lashni ham samarali amalga oshirishga yordam beradi.Innovatsion tizimlarning rivojlanishi, yo'l harakati xavfsizligini yanada yaxshilash va haydovchilarni mas'uliyatli qilishga xizmat qilmoqda.[352]

[351] https://scienceweb.uz/publication/14618
[352] Yo'l harakati xavfsizligi bo'yicha ilg'or xorij tajribalari Scienceweb

Yo’l harakati sohasidagi huquqbuzarliklarning oldini olish uni bartaraf qilish maqsadida 2022-yil 8-iyul kuni 377-sonli Yo‘l harakati xavfsizligini ta’minlash sohasiga zamonaviy axborot texnologiyalarini keng joriy etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori joriy qilindi.Ushbu qarorning maqsadi O‘zbekiston Respublikasida yo‘l harakati xavfsizligini ta’minlash, yo‘l-transport hodisalarining oldini olish, huquqbuzarliklarni o‘z vaqtida aniqlash va ularga barham berishni ta’minlaydigan yo‘l harakatini avtomatlashtirilgan tartibga solish tizimini kengaytirish bo‘yicha ichki ishlar organlari faoliyatining sifat jihatidan yangi tartibi belgilandi.[353]

Mazkur yo‘nalishdagi ishlarni yanada jadallashtirish, yo‘l harakatini tashkil etish sohasiga zamonaviy axborot texnologiyalarini keng joriy etish, shuningdek, yo‘l harakati barcha ishtirokchilarining xavfsiz harakatlanishi uchun zarur shart-sharoitlar yaratish maqsadida yo‘l-patrul xizmati statsionar postlarida tashkil etiladigan:

“Yashil” yo‘lakdan —belgilangan qoidalarga rioya etadigan va huquqbuzarlik sodir etmagan transport vositalari haydovchilari hech qanday to‘siqsiz va cheklovlarsiz harakatlanadi;

“Qizil” yo‘lakdan — qidiruvda bo‘lgan, vazn va hajm parametrlarini buzib harakatlanayotgan yoki yo‘l harakati qoidalarini buzganlik uchun o‘z vaqtida to‘lanmagan jarimasi mavjud bo‘lgan transport vositalari harakatlanadi.

“Yashil” va “Qizil” yo‘lak tamoyili asosida postlarning faoliyatini tashkil etish

Transport vositalarining harakati foto va video qayd etish qurilmalari orqali qayd qilinib, haydovchilarga yorug‘lik diodli ekran orqali ishora berish yo‘li bilan tartibga solinadi.

Yorug‘lik diodli ekranda aks ettirilmagan yoki “Yashil” yo‘lak bo‘ylab harakatlanish haqida ishora berilgan transport vositalari “Yashil” yo‘lak bo‘ylab to‘siqsiz harakatlanadi.

“Qizil” yo‘lakdan harakatlanishi buyurilgan transport vositalari bo‘yicha harakat qatnashchilarining hujjatlari elektron ma’lumotlar bazasidan foydalangan holda tekshiriladi, aniqlangan qarzdorliklar bo‘yicha postlarda tashkil etilgan bank terminallari orqali qarzdorlik bo‘yicha to‘lov amalga oshirilganidan so‘ng, ularning harakatini davom ettirishga ruxsat berish choralari ko‘riladi.

[353] Zenodo.org/records/7440372(Ma’muriy huquqbuzarlik nazariy va huquqiy tavsifi)

Qarzdorlik to‘lanmagan hollarda transport vositalari O‘zbekiston Respublikasining Ma’muriy javobgarlik to‘g‘risidagi kodeksi 291-moddasi hamda Vazrilar Mahkamasining 2011-yil 25-maydagi 149-son qarori bilan tasdiqlangan qonunchilik hujjatlari buzailganligi uchun ushlangan transport vositalarini maxsusto’xtash joylariga olib, kelish joylashtirish va saqlash tartibi to’g’risidagi nizomga maxsus to’xtash joylariga joylashtiriladi.[354] Yuzni Tanib Olish Texnologiyalarini ham joriy qilish (Facial Recognition) bu odamning yuzini tasvirlardan yoki videolardan avtomatik ravishda aniqlash, tahlil qilish va identifikatsiya qilish texnologiyasidir. Tizim, odatda, ko‘plab parametrlarni tahlil qilish orqali odamni aniqlaydi, masalan, yuzning shakli, ko‘zlar o‘rtasidagi masofa, burun va og‘izning joylashuvi va boshqa yuz xususiyatlarini aniqlaydi.Bu tizimning jamiyatimizga kirib kelishi nafaqat qoidabuzlishini balki jinoyatlarni ham oldini oladi.[355]

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Zenodo.org/records/7440372(Ma’muriy huquqbuzarlik nazariy va huquqiy tavsifi)
2. Yo’l harakati xavfsizligi bo’yicha ilg’or xorij tajribalari Scienceweb
3. Lex.uz/docs/-6103347
4. Handbook of Face Recognition" by Stan Z. Li and Anil K. Jain
5. https://scienceweb.uz/publication/14618
6. 172-son 12.04.2022 Yo‘l harakati qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida

[354] Lex.uz/docs/-6103347

[355] Handbook of Face Recognition" by Stan Z. Li and Anil K. Jain

S. Tursunova
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti “Jamoat xavfsizligini ta’minlash” kafedrasi dotsenti, yuridikfanlar bo‘yicha falsafa doktori(phD)
Y.Q. Berdiyev
O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti 3-bosqich kursanti

ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARNI MIGRATSIYA VA FUQAROLIKNI RASMIYLASHTIRISH JARAYONLARINI O‘QITISHDA QO‘LLASHNING DIDAKTIK ASOSLARI

Annotatsiya: Ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasida migratsiya va fuqarolik faoliyati xodimlarini kasbiy tayyorlashda zamonaviy texnologiyalar - blokcheyn, biometrik identifikatsiya va sun’iy intellektni joriy etishning imkoniyatlari hamda institutsional afzalliklari tahlil etiladi.

Аннотация: В данной статье анализируются возможности имплементации и институциональные преимущества применения современных технологий - блокчейн, биометрической идентификации и искусственного интеллекта - в профессиональной подготовке работников миграционной и гражданской деятельности в Республике Узбекистан.

Abstract: This article analyzes the implementation possibilities and institutional advantages of applying modern technologies - blockchain, biometric identification, and artificial intelligence - in the professional training of migration and civil service employees in the Republic of Uzbekistan.

